



ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

МУСО ТОШМУҲАММАД ЎҒЛИ
ОЙБЕК

МУКАММАЛ АСАРЛАР ТЎПЛАМИ

УН ТУҚҚИЗ ТОМЛИК

Таҳрир ҳайъати:

Марат Нурмуҳамедов, Комил Яшин,
Шоназар Шоабдураҳмонов, Иззат Султон,
Ҳомил Еқубов, Зарифа Саидносирова

ЎЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЕТИ

А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЕТ ИНСТИТУТИ

МУСО ТОШМУҲАММАД ЎҒЛИ
ОЙБЕК

МУКАММАЛ АСАРЛАР ТЎПЛАМИ

УН УЧИНЧИ ТОМ

АДАБИЙ-ТАНҚИДИЙ МАҚОЛАЛАР

(Ўзбек адабиёти тарихи масалалари)

ТОШКЕНТ—1979

Изоҳлар билан нашрга тайёрловчилар:

ЗАРИФА САИДНОСИРОВА
БАХТИЕР НАЗАРОВ
НУЪМОН РАҲИМЖОНОВ

Масъул муҳаррир:
СОДИР ЭРКИНОВ

Ойбек Мусо Тошмуҳаммад ўғли.

Мукамал асарлар тўплами. 19 томлик.
Таҳрир ҳайъати: М. Нурмуҳамедов ва
бошқ. т. 13, Т., «Фан», 1978.— (ЎзССР ФА А. С.
Пушкин номидаги Тил ва адабиёт ин-ти).

Т. 13. Адабий-танқидий мақолалар
(Ўзбек адабиёти тарихи масалалари)
(Изоҳлар билан нашрга тайёрловчилар:
З. Саидносиоова ва бошқ., Масъул муҳар-
рир: С. Эркинов). 1979. 512 б, 6 та расм.

Айбек М. Т. Полное собрание сочинений.
В 19-ти т., т. 13. Литературно-критические
статьи (Вопросы истории Узбекской
литературы)

О $\frac{70403-969}{M 355 (06)-79}$ 070—78

© Узбекистон ССР «Фан» нашриёти, 1979 й.

ТАДҚИҚОТ
ВА МАҚОЛАЛАР

НАВОИИ ҲАҚИДА

Буюк шоир Навоийнинг адабий ижоди ва санъат, илм, фанга қилган хизмати, сиёсий фаолияти, қисқача айтганда, бу улуғ шахсиятнинг ижтимоий-маданий ўрни ва роли темурийлар даврида Урта Осиё тарихи, балки, бутун мусулмон шарқининг тарихий-маданий вазияти билан англашилади. Мир Алишер Навоийнинг ҳар томонлама бой ижодини ва бу ижодни суғорган адабий фикрни, манбаларни тўла ўрганиш учун у яшаган тарихий шароитни ойдинлатиш зарурдир. Чунки, 10 Навоийнинг шеърий ижоди, фалсафий, ахлоқий қарашлари маълум тарихий даврнинг маҳсулидир. Лекин Урта Осиё халқларининг на қадимги замон, на сўнграқ тарихи текширилмаган. Урта Осиёнинг туб халқлари кечирган тарихий ҳаёт процессини тадқиқ этган ва кўз олдимизда тўла гавдалантирадиган бир асарга эга эмасмиз. Ҳали тарихнинг айрим муҳим давлари ҳам илмий равишда етарли текширилган эмас. «На бутун темурийлар ҳақида ва на бу даврнинг маданий ёки сиёсий ҳаётида роль ўйнаган, қандай бўлмасин бир бош ар- 20 боби ҳақида бошланғич манбаларга суяниб тузилган бир қадар тўла монография шу вақтгача йўқдир. Ҳатто тарихимизнинг айрим давларига оид маъхазлар, ҳар хил васиқалар ҳам аниқланган, тўпланиб, танқидий тадқиқ этилиб, фойдаланиларли бир ҳолга келтирилган эмас. Темурийлар даври тарихига оид манбаларга тўла обзор берган биронта тадқиқот йўқ»¹, — деб В. Бартольд ҳам гапиради.

Шунинг учун умуман адабиёт тарихимиз ила шуғул-

¹ Бартольд В. В. Мир Алишер ва сиёсий ҳаёт (сб. «Мир Алишер», Л., 1928), 101-саҳифа.

ланмоқ истаганларнинг қаршисида бир кўп муҳим саволлар туғиладиким, уларни ечмасдан на бирон адабий даврни, на бирон шоирнинг ижодини илмий равишда ўртага қўйиб бўлади. Классик адабиётимизнинг энг маҳсулдор ва кўркем даври, бир вақт танқидчилар ва шарқшунослар томонидан «олтин давр» деб аталган, асосан, теурийлар замонида зуҳур этган адабий даврни ва унинг айрим намояндаларини ўрганишда ҳам, ўша тарихий даврнинг ижтимоий-сиёсий мазмуни илмий

10 тадқиқ этилмаганидан катта қийинликлар келиб чиқади.

Ўрта Осиё XIII асрда мўғуллар томонидан истило қилинади. Чингизнинг ўрдулари Ўрта Осиёни олов билан чулғаб, талон-торож билан иқтисодий катта зарба беради. Шаҳарлар куйдирилади, ҳунармандлар таланади, ўз ерларидан сургун қилинади. Зироат ерлари чулға айлантирилади. Маданий марказлар вайрон бўлади.

Мўғуллар кўчманчи халқ эди. Кўчманчиларни Ўрта Осиёга тортган нарса — ўтлоқ ерларни қўлга киргишиш бўлган. Бундан бошқа, зироат районларидаги ўтроқ

30 халқларни талаш, молларини ўлжа қилиш ва у вақтларда Ўрта Осиёнинг айрим районларида кучли бўлган ички, ташқи савдо оборотларидан ўзларига фойда чиқариш ва ҳоказолар мақсад қилинган эди. Ҳақиқатан, Ўрта Осиёнинг шарқ томонларида зироат ерлари қайтадан ўтлоққа, яйловга айлантирилган. Бир кўп шаҳарларнинг ўрнида из ҳам қолмаган. Бир кўп шаҳарлар сақланган бўлсалар-да, уларда ҳаёт бўлмаган. Ўрта Осиёнинг қон томирлари бўлган ирригация каналлари кўп жойларда хароб этилган. Мўғуллар бутун Хитойни,

30 Ўрта Осиёни, Ҳиндистон, Афғонистон, Кавказ, Эрон, Месопотамияни олиб, Волга бўйлари, Русияга ҳам кириб борганлар. Чингиз ўлгандан сўнг ҳам унинг ўғиллари томонидан истилочилик бир қанча вақт давом этади. Шундай қилиб, мўғуллар ҳаракати бузғунлик, харобот туғдириш билан баробар, дунё савдо йўлларини бириктирган ва уларнинг устида қурилган Буюк Мўғул давлати ташкил этиладики, бу нарса, иккинчи томондан, тезда савдо ишларининг жонланишига, харобаларнинг тузалишига ҳам сабабчи бўлади. Азалдан ўртаосиёлик

40 кўчманчи турк халқлари Сир ва Амударё бўйларида, ўтроқ турклар, тожиклар эса Мовароуннаҳрнинг шаҳарларида (Самарқанд, Бухоро, Фарғона) яшар эдилар. Бу даврда Ўрта Осиёда кўпчилик турк қабилалари бўл-



Ойбек 1948 йил.

ганидан мўғуллар секин-секин турклар орасида эриб кетадилар: «мўғуллар бутунлай ассимийлашган эдилар. Улардан фақат уруғ ва қабила отлари, ҳам тилда айрим сўзларгина сақланиб қолган»². Бир кўп халқлар ва мамлакатларни ўз ичига олган ибтидоний кўчманчи мўғуллар давлати Чингиз авлодлари ўртасида бўлиниб, парчаланишга бошлайди. Айрим хонликлар, бекликлар бош кўтаради. Чингиз давлатининг бир қисмини ташкил этган Туркистон ҳам Чигатой ва унинг

10 ўғиллари замонда парчаланишга бошлайди. Туркистоннинг ўзида ҳам бир қатор хонлар, феодаллар, амирликлар ва бекликларга ажралниш бошланади.

Чигатой ва унинг ўғиллари вақтида ўтроқ турк уруғлари кўпаяди. Бу даврда умуман эски феодаллар ўрнини янгиларни ола бошлайди, яъни обод, маъмур ерларни мўғул-турк беклари тортиб олади. Турк адабий тили шаклланиб, ҳукм сура бошлови ҳам шу даврга тўғри келади.

XIV аср бошларида Туркистон кўп феодалликларга

20 ажралган эди. Улар орасида тўхтовсиз урушлар бўлиб турарди. Кичик амирларнинг доимий курашлари ва бунинг натижасида ҳар қаерда юз берган тартибсизликлар Туркистоннинг савдосига шубҳасиз зарба берган эди. Хитой, Ҳиндистон ва Яқин Шарқ билан бўладиган савдо йўллари ҳар вақт катта хавф остида эди.

Барлос қабиласидан йирик феодалнинг ўғли, Шаҳри-сабз беги бўлган Темур Мовароуннаҳрда узоқ вақтдан бошлаб давом этиб келаётган ўзаро урушлар, курашларда иштирок қилиб, ёшликдан «пишиб» борди. Ҳукм

30 сурган тартибсизликлардан, феодаллар орасидаги рақобатдан, сиёсий ҳаётдаги анархиядан усталик билан фойдаланиб, Темур Чигатой ҳарбий кучларига ва ўзининг барлослар уруғига суяниб, рақиблари ила узоқ кураш орқасида уларни енгиб, Самарқанд, Бухоро, Термиз шаҳарларини эгаллади. Туркистонни бирлаштирди. Ўзга мамлакатларни истило қилишга тиришди. Темур ўз истилочилик ҳаракатида савдо сармоясининг манфаатларини назарда тутди. Ўз пойтахти Самарқандни бутун Шарқда энг йирик савдо марказига айлантириш-

40 ни мақсад қилди. Фаолиятининг бошланғичида бир кўп йирик савдо шаҳарларининг — Термиз, Балх, Ҳирот,

² Асфандиёров. Қозоғистон тарихи, 38-саҳифа.

Марв савдогарлари Темурга тобе бўлишликни истаб, унга мурожаат қилишлари ҳам бежиз эмас.

Сўнг катта юришлар ила Темур Эрон, Озарбайжон, Гуржистон, Ироқ, Месопотамияни олиб, Урта Денгиз қирғоқларига чиқади. Усмонли подшоҳи Йилдирим Боязидни Анқара ёқасида парчалаб то Измирга қадар қўлга киритади. Афғонистон, Ҳиндистонни олиш билан у, Чингиз қурган давлатнинг харобаларида энг йирик феодал «империя»сини ташкил қилади. Темур давлати Шарқда энг йирик ва муҳим савдо йўллари устида тузилади. Темур истило қилган мамлакатларини талади, жуда катта бойликларни қўлга киритди. «Ҳиндистонда Деҳли шаҳрини олганда қўтанида бўлган ҳар бир аскарга 400—500 қорамол ва бир қанча ўнлаб қул»³ тўғри келганлиги маълум. Бундан ташқари маданиятда юқори турган мамлакатларни забт этганда, у ердаги ҳунар, санъат аҳлини ҳам ўзи ила бирга олиб келган. Бу кучларни у Самарқандда ва унинг атрофида қурилиш ишларида ишлатган.

Темур забт этган баъзи ўлкаларни харобага айлан-тирган бўлса-да, унинг ҳаракатида бузувчилик катта роль ўйнаган бўлса-да, Темур замонида Мовароуннаҳрда қурилиш ишлари ҳам ривож олган. Айниқса, Самарқанд ва унинг атрофида забт қилинган жойлардан келтирилган ҳунар ва санъат аҳлининг кучи билан жуда оғир иш шароитида қурилиш ишлари кенг миқёсда давом этган. Самарқандда буюк бинолар, масжид, мадрасалар ва ҳаммомлар солинган. Темур ўзи ва хотинлари, ўғил ва набиралари учун махсус саройлар, кўшклар, катта боғлар солдирган. У вақтда Самарқанддаги биноларни, сарой ва боғларни Бобир «Бобирнома»сида мукаммал равишда тавсиф қилади.

Фатҳ этилган мамлакатлардан таланиб тўпланган ва қўл остидаги омма қўлидан ситиб олинган бойлик шавкат ва дабдаба учун, пойтахтнинг шуҳратини ошириш учун сарф қилинган. Самарқанд атрофида у замонда тузилган қишлоқларнинг — Султония, Шероз, Бағдод, Дамашқ, Миср исмлари ҳам, бир томондан, дабдабага зўр беришни кўрсатса, иккинчи томондан, мусулмон Шарқининг маданийроқ мамлакатларга ияришини кўрсатади. Темур замонида суғориш каналларини туза-

³ Асфандиёров. Қозоғистон тарихи, 69-саҳифа.

тиш ва баъзи янги суғориш системалари тузиш, инқи-розга юз тутган баъзи шаҳар ва қишлоқларни тиклаш-га, зироат майдонларини кенгайтиришга уриниш кўринса-да, бу нарса иккинчи даражали ишлардан ҳисобланган, изчиллик билан олиб борилган эмас. Узлуксиз ҳарбий юришлар ва Темур ўлгандан сўнг империянинг парчаланиши, шаҳзодалар орасидаги куч-ли талашлар, ички тўқинишлар халқ ҳаётида бени-ҳоят қийинчиликлар туғдирган.

10 Сиёсий мақсадлар учун дин ва шариятни қурол қил-ган, халқни алдаш учун диндан яхши истифода этган Темур давлатга ва унинг сиёсатига исломий ранг берган-да, давлат ишларини ислом асосларига мувофиқ юри-танлигини ўзи ҳам ифтихор ила кўп дафъа қайд этади.

Темур давлатида диннинг ва унинг намояндалари — уламолар, шайхлар ва ҳоказонинг мавқеи зўр эди. Ай-ниқса, ўзларини Муҳаммаднинг авлодидан ҳисоблаган сандлар катта ҳурмат ва шарафга эга эдилар. Умун, ислом схоластикасига моҳир олимлар Самарқандга тўп-ланган эди. Булар у замон зодагонларига мансуб бир гуруҳни ташкил этдилар, беклар, йирик мулкдорлар билан бир қаторда давлат ташкилотида юқори мансаб-ларни ишғол қилдилар.

Ўрта Осиёнинг кўчманчи ва ўтроқ турк халқи ва би-ринчи навбатда, унинг ҳоким синфи у даврдаги савдо муносабатлари ҳам давомли ҳарбий урушларда бир кўп мамлакатларни — Ҳиндистон, Кавказ, Эрон, Кичик Осиё, Араб ўлкаларини яқиндан танимоққа бошлайди, бир кўп халқлар ва бир қанча маданиятларга дуч келади.

30 Айниқса, Эрон ва араб маданияти таъсирига берилади. Темур ва темурийлар даврида илм ҳам санъатда Эрон таъсири, унга эргашиш кучаяди. Темур замонида Мова-роуннаҳрга келтирилган олимлар орасида ислом схола-стикларидан бошқа яна тиб, астрономия, мантиқ, фалсафа каби мусбат илм аҳллари ҳам бор эди. Зотан, Эрон билан алоқа эскидан кучли эди. Ўрта Осиё турк аристокра-тияси ҳарбий ишларда ва бошқа соҳаларда турк-мўғул традицияларини сақлаган бўлса-да, маданий қийматлар яратишда Эронга эргашади. Темурийлар даврида ҳам

40 бу кайфият борган сари чуқурлаша боради.

Шундай қилиб, XIV асрнинг иккинчи ярмиси ва XV асрнинг биринчи ярмисида Мовароуннаҳрда мўғул-лар истилосининг бўронларини ўтказиб, иқтисодий жи-

1) 134
24
ئۆزۈم ھاھىتىدا
بىر تۈرۈك تىلىنى ئۆگەنگەنمىن...
... ئۆزۈمنى ئۆگەنگەنمىن...
... ئۆزۈمنى ئۆگەنگەنمىن...
... ئۆزۈمنى ئۆگەنگەنمىن...
... ئۆزۈمنى ئۆگەنگەنمىن...
... ئۆزۈمنى ئۆگەنگەنمىن...
... ئۆزۈمنى ئۆگەنگەنمىن...
... ئۆزۈمنى ئۆگەنگەنمىن...
... ئۆزۈمنى ئۆگەنگەنمىن...
... ئۆزۈمنى ئۆگەنگەنمىن...
... ئۆزۈمنى ئۆگەنگەنمىن...
... ئۆزۈمنى ئۆگەنگەنمىن...
... ئۆزۈمنى ئۆگەنگەنمىن...
... ئۆزۈمنى ئۆگەنگەنمىن...
... ئۆزۈمنى ئۆگەنگەنمىن...

«Навоний ҳақида» мақоласидан саҳифа. Муаллиф дастхати.

ҳатдан тикланган, Шарқ билан Ғарб орасидаги муҳим савдо йўлларига соҳиб бўлган, ташқи истилолар орқасида катта бойлик тўплаган янги маданий марказ зуҳур этади. Илм ва санъат ўса бошлайди. Архитектуранинг гўзал намуналари вужудга келади, мадрасаларда диний дарслардан бошқа — тил, адабиёт, илми нуҷум каби мусбат илмлар ўргатилади. Самарқанд мадрасалари ўзининг даражаси ва мударрислари билан мусулмон шарқида анча шуҳрат қозонади. Темурийлар даврида бир кўп муҳим тарихий асарлар ёзилади. Улуғбек расадхонаси ҳам бу даврда Мовароуннаҳрда фанний фикрнинг даражасини кўрсатажак бир намуна бўла олади. Урта Осиё турк-ўзбек адабий тили ўлароқ шаклланган, мукаммалланган бизнинг классик поэзиямизнинг гуллаши ҳам шу даврга оиддир.

XV аср бадий адабиётини юксак босқичга кўтарган, у адабиётнинг юксалиш тенденциясига яқун ясаган буюк шоир эса Алишер Навоийдир.

Навоийнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида

20 Навоий ижодига оид таъқидий асарлар етарли бўлмагани каби, буюк шоирнинг ҳаётини ва унинг сиёсат, адабиёт ва илм-санъат соҳасидаги маҳсулдор фаолиятини тасвир этажак, шахсиятини тўла акс эттиражак асар ҳам шу вақтгача етарли эмас. Навоий ҳақида маълумот тарихий китобларда («Равзатус-сафо», «Ҳабибус-сияр», «Бобирнома», «Бадоеул-вақое» ва ҳоказо) ва қисман шоирнинг ўз асарларида учрайди. Шоир ҳақидаги материаллар унинг шахсий ҳаётини, кўп тармоқли ижодиётини, ижтимоий, сиёсий ва маданий соҳадаги роли ва аҳамиятини мукаммал равишда кўрсатишга имкон берадиган миқдорда эмас. Лекин, мавжуд материаллар ҳам шу вақтгача аниқланиб, илмий равишда текширилиб бир системага солинмаган. Шуниси қизиқким, шоирнинг керак адабий ижоди ва керак сиёсий-маданий хизматлари, тили тўғрисида кўпроқ текширганлар, асарлар ёзганлар асосан рус ва қисман Ғарбий Европа олимлари бўлди.

Бир вақтлар Навоий ижодини байроқ қилишга интилган, унга нисбатан ўзларининг айрим «симпатия»ларини
40 намоишлантирган ўзбек миллатчи зиёлилари ҳам ҳақиқатда бир чақалик иш кўрсата олмадилар. Улар шоир-

нинг на ижоди билан машгул бўлдилар, на таржимаи ҳоли билан.

Улар томонидан ёзилган таржимаи ҳолга оид баъзи мақолалар қуруқ мадҳиядан, асарларини санаб чиқишдан нарига ўтмади.

Биз бу асарда Навоий таржимаи ҳолига оид маълумотни қўлимиздан келгунча муфассалроқ беришга тиришамиз. Лекин, шу билан баробар, буни биз ҳали «хомакчи иш», «биринчи тажриба» эканини ҳам инкор қилмаймиз.

Амир Алишер (шоирнинг исми Алишер бўлиб, «Навоий» эса унинг тахаллусидир) 844 ҳижрийда (1441 милодий) Ҳирот шаҳрида туғилди. Оиласи у замоннинг аристократ гуруҳига мансуб эди. Бу онла теурийлар хонадони, Теурунинг ўғли Умаршайх авлоди билан яқин алоқада бўлган. Алишернинг боболари теурийлар давлатида катта хизматларда бўлиб келганлари маълум. Унинг она томондан бобоси Мир Бусайд Чанг Бойқароннинг (Султон Ҳусайннинг бобоси) девонида бош амирлардан бири эди. Отаси Кичкина Баҳодир Теуру авлодидан бўлган ва Хуросонда ҳукм сурган Султон Абулқосим Бобирнинг саройида катта мавқе ишғол этгандир. Оиласи теурийлар сулоласига яқин тургани учун ёш Алишер шаҳзодалар билан бирга ўқиган. Келажакда Хуросон ҳукмдори Султон Ҳусайн (Теурунинг ўғли Умаршайх эвараси) Мир Алишернинг мактабдоши эди. Булар мактабда қалин дўст эканлар. Ҳатто, келгусида қайси бири баланд мартабага эришса, бир-бирини унутмаслик тўғрисида аҳд қилганлар, деган гап ҳаммага машҳур бўлиб кетган. Орадаги дўстликка Бобир ҳам ишора қилади: «Кичиклигида ҳаммактаб экандурлар, хусусият бисёр экандур» («Бобирнома», саҳифа 23).

Шоҳрух мирзо ўлими билан Хуросонда юз берган сиёсий ҳодисалар орқасида Алишернинг отаси бир гуруҳ одам билан Хуросондан Ироққа кўчишга мажбур бўлмишди. У чоғ олти ёшда бўлган Мир Алишер йўлда «Зафарнома» (Теуру тарихи) муаллифи машҳур Шарафиддин Али Яздийга йўлиққанини ўзининг «Мажолисуннафоис» отли асарида ҳикоя қиладики, характерли бўлгани учун бу ерга айнан кўчираимиз: «Шоҳрух мирзо бузуқлигида фақирнинг волиди жамоат касир билан рўзгор ҳаводиси фитнасини Хуросондин қочиби Ироқга

борурға Тафтгаким, Мавлононинг мавлидидур, ярим кеча этиб туштилар. Иттифоқо манзил аларнинг хонақоҳи эшигида воқиъ эрди. Тонг отқонда андоқким ўюн атфол даъби бўлур. Ул жамоатнинг атфоли ул хонақоҳға ўйнагани кирдилар ва фақир ҳам алар била эрдим, тахминан олти ёшимда бўлғай эрдим. Мавлоно бир раҳбада ўлтуб эрмишлар, тушган жамоатнинг кайфиятин маълум қилмоқ учун атфолдин бирини тиладилар. Фақир алор сари борурға муваффақ бўлдум ва ҳар неким сўрдилар—

10 жавобимда табассум қилиб таҳсин қилдилар, дағи сўрдиларким: «мактабға борубмусен? Дедимким: борибмен». Дедиларким: не ергача ўқубсен? Дедим: «Таборақ» сурасигача. Дедиларким: «бу жамоат атфолидин биз тилагонда сен келиб, бизнинг билан ошно бўлдунг, сенинг учун фотиҳа ўқули», деб ўз фотиҳаларига мушарраф қилдилар ва ҳам ул замон фақирнинг волиди ва ул хайл улуғлари келиб, Мавлоно хизматида ниёзмандлиқлар қилгондин сўнгра фақирға адно шуур ҳосил бўлди».

1450 йилларда темурийлар тасарруфида бўлган жойларда яна тартиб ўрнаша бошлайди. Самарқандда Абу Саид, Ҳиротда Абулқосим ҳукм суради. Султон Ҳусайн катта моҳиёна билан Абулқосим Бобирға хизматга киришди. Султон Ҳусайн билан бир чоғда Абулқосимга хизмат учун Мир Алишер ҳам кирган дейдилар.

Мир Алишернинг отаси Кичкина Баҳодир темурийлар ҳукуматларида катта мавқелар ишғол этган маълумотли бир шахс эди. Илмнинг аҳамиятини англаган ота ўз ўғлига мумкин қадар тўла маълумот, яхши тарбия беришга тиришганди. Мир Алишер ҳам илмга шавқ ва гайрат ила ёпишар эди. Айниқса, санъат, адабиёт билан кўп машғул бўлар эди. Мир Алишернинг таланти ёшликдан гуллаб мўл-мўл мева бера бошлайди. Абулқосим Бобир саройига киргач, Мир Алишер учун султон унга ҳомий бўлмишди. Бобир унга ўғли каби қарар эмиш. Алишер ёшлигига қарамай, шу чоқдаёқ «икки тилли» шоир эди, яъни ҳам туркча, ҳам форсча шеърлар ёзар эди. Унинг шеърлари Бобирға ёқар, ташвиқ этиб, шоирнинг ҳавасини орттирар эди.

40 Абулқосим Бобир ўлгандан сўнг (1457 йилда ўлади) дўстлар — Султон Ҳусайн ва Алишер узоқ замон бир-бирларидан айрилганлар. Бу фурсатни Алишер Машҳад, Ҳирот ва Самарқандда таҳсил ва мутолаа билан

кечиради. Султон Ҳусайн эса бу замонларда бутунлай салтанат қайғуси билан овора бўлиб қолади. Бир кўп маротаба ҳокимиятни тортиб олиш учун уринади. Ниҳоят, теурийлар орасида кучайган ички сиёсий тўқинишлардан фойдаланиб, Абу Саиднинг ўлиmidан кейин Ҳирот устига юриш қилади. 873-ҳижрийда Ҳиротни қўлга киритади.

Мир Алишер эса Султон Ҳусайн «қозоқ»ликларда юрганда уни таъқиб қилмаган эди. Ҳиротда юз берган фитналарда унинг иштироки маълум эмас. Мир Алишернинг Ҳиротда Абу Саид ҳузурнда 1464 йилларда бир қанча вақт бўлганлиги ва бундан аллақандай сабаб натижасида Абу Саид томонидан Самарқандга юборилганлиги нақл этилади. 10

Навоий ҳам «Мажолисун-нафоис» асарида Самарқандга таҳсил учун борганини сўйлайди. «Равзатус-сафо»да шундай дейилади: «Абу Саид султоннинг замонида Хуросон дорус салтанасига бориб бир печа кун ул иқбол ошён остон мулозиматида ўткарди. Аммо ўзининг ҳолатига яраша риоят ва тарбият топа олмади. Шу 20 вәжҳ била Хуросондин биҳиштмонанд Самарқандга бориб Хўжа Жалолиддин Фазлуллоҳ Абуллайсий хонақонда турди ва авқотини аксарини кутб мутолаасига масруф тутуб, гоҳо дарвиш Муҳаммад Тархон, Аҳмад Ҳожий билаким, Мовароуннаҳр соҳиб ихтиёри эрдилар, на шлот буюрди». Ҳар ҳолда Мир Алишернинг Ҳиротдан Самарқандга жўнашини бир қувилиш каби тасаввур этмак тўғри бўлса керак.

Самарқандда яшаган вақтда Мир Алишер дарвиш Муҳаммад Тархон ва Самарқанд ҳокими Аҳмад Ҳожибек билан яқин муносабатда бўлмишдир. Аҳмад Ҳожий замоннинг маълумотли кишиларидан бўлиб, девон ҳам тартиб этганди (тахаллуси Вафойй). «Мажолисун-нафоис»да бу ҳақда яхшигина маълумот берилган. 30

Яна Мир Алишер Самарқанд ақибрларидан Хўжа Фазлуллоҳда (бу киши катта олим эмиш) икки йил сабоқ олганлигини гапиради. Хўжа Фазлуллоҳ араб қанда чуқур билгига молик эмиш. Араб тилидаги маънога қараб уни Ибн Ҳожибга тенглаштирар эканлар. Мир Алишер Самарқандда Хўжа Фазлуллоҳнинг мадрасасида яшаган. 1469 йилда Мир Алишер Аҳмад Ҳожибек билан бирликда Султон Аҳмад (у вақт Самарқанд ҳукмдори эди) қўшинида эди. Султон Аҳмад билан 40

Навойи муносабатга киришганми, йўқми, бу ҳақда ҳеч нима айтилмайди. Шеър ва адабиёт масалаларига қизиқмаган ҳукмдорлар билан шоирнинг алоқаси бўлмагани тахмин қилинса мумкин.

Султон Ҳусайннинг Ҳиротга кирганлиги хабари тарқалгач, Мир Алишер Ҳиротга кетиш учун Аҳмад Ҳожибекдан рухсат сўраган. Баъзи ривоятларга қараганда, Султон Ҳусайн Хуросонга ҳукмдор бўлгач, Аҳмад Ҳожибекка мактуб ила мурожаат қилиб, эски дўсти Мир Алишерни Ҳиротга юборишини тилаган эмиш. Ҳар нима бўлмасин, шоир, Султон Ҳусайн тахтга чиққандан бир оз кейин Султон Аҳмад қўшинини тарк этиб, Аҳмад Ҳожибек ёрдами билан Ҳиротга жўнаган эди. Султон шоирнинг истиқболига чиқиб, катта ҳурмат билан қаршилаб олганини ёзадилар.

Ийд байрамида шоир «Ҳар байти жавоҳири шаҳсуворнинг зинат қаробий ва лўлуи обдорнинг рашк афройи»дан бўлган бир қасидани («Қасидайи Ҳилолия») подшоҳга тақдим этади. Бу қасида подшоҳга ғоят маъқул бўлади ва «кундан кунгача фазилатшиор амирнинг эътибор ва иқтидори ул комкор подшоҳ хизматидан зиёдаланганини» ёзадилар. Мир Алишер, тасаввуф бошлиқларини ўз томонига тортиб, улар билан доимий алоқада бўлишга тиришган эди. Ҳирот нақшбандийларининг бошида турган машҳур шоир Абдураҳмон Жомий билан ҳар вақт самимий алоқа, дўстликни давом эттиргани маълум. Бундан ташқари, Самарқанддаги шайх Хўжа Аҳрор билан ҳам муносабатда бўлганлиги ҳақида маълумот бор.

30 Султон Ҳусайн 1469 йилда Астрободда исён кўтарган Муҳаммад Едгорга қарши қўшини билан Ҳиротдан чиқади. Лекин Астрободга бормасдан қайтади. 1470 йилда яна унга қарши боради. Бу вақтда Ҳирот маъмурларининг сиқувига қарши Ҳиротда халқ қўзғолон қилган эди. Султон бу фитнани бостирмоқ учун Мир Алишерни юборади. Мир Алишер жума намозида имом миноридан подшоҳнинг фармонини ўқиб эшиттириб, халқни тинчитган. Султон Ҳусайн Ҳиротга қайтгач, қўшин унга хиёнат қилади. Шунинг натижасида подшоҳ Ҳиротни тарк этишга мажбурият сезади. Ҳиротга Муҳаммад Едгор кириб, тахтга ўтиради. Лекин, унинг ҳокимлиги узоқ бормай, кутилмаган бир ҳужум орқасида йиқилади. «Бадоеул-вақое»да келтирилган тафсилоти шундай:

Султон Ҳусайн сипоҳийлари эрта билан Муҳаммад Ёдгор яшаган қасрни ўраб оладилар. Лекин, Муҳаммад Ёдгор кишилари махфий пойлаб ётгандир деган андиша билан Султон Ҳусайн одамлари қалъага ҳужумга боришга жасорат қила олмайдилар. Шунда ҳозир бўлган Мир Алишер подшоҳдан рухсат олиб, отдан тушиб, яланғочланган қилични ҳасса қилиб, ёлғиз ўзи юқорига кўтарилади. Бу воқеани кўриб бошқаларга ҳам жасорат киради. Яна бир амир ва бир пиёда навкар кўтарилиб, шаҳзодани — Муҳаммад Ёдгорни ухлаб ётган пайтида босиб, шоир кўтарилган йўл билан подшоҳ олдига келтирадилар. Муҳаммад Ёдгор ўлдирилади. Шоирнинг бутун ҳаётида унинг қилич тутгани шу воқеадагина тавсиф этилади. 10

Султон Ҳусайн саройида Мир Алишернинг вазифаси аввало муҳрдорликдан бошланган: «Ул ҳазрати улуғ муҳрин амир Алишер муҳофизати уҳдасига топширди» («Равзатус-сафо»). Албатта, унинг аҳамияти мансаб даражаси билан ўлчанмай, балки подшоҳга шахсий дўстлик алоқаси билан белгиланар эди. Навоий бу вазифани — муҳрдорликни бир қанча вақтдан сўнг тарк этди. Унинг ўрнига шоир Низомиддин Суҳайлий муҳрдорликка ўтди. 20

Султон Ҳусайн Мир Алишерни амир (беклик) мансабига тайинламак истайди, лекин Мир Алишер бошда бу ишга кўнмайди. Сўнг қабул қилишга мажбур бўлади. 1472 йилда шоир расмий равишда бек — амир унвонини олади. Подшоҳнинг фармонига мувофиқ, амир Алишердан юқори ўринни фақат бир бек, яъни Музаффар Барлос (бу бек илгари Султон Ҳусайнга катта хизматлар кўрсатган эди) тутиши мумкин. Ва шу Музаффар Барлосдан бошқа ҳеч кимса амир Алишердан юқори муҳр боса олмаслигини ҳукмдор эълон қилди. 30

Бу ерда Навоийнинг шахсиятини характерловчи бир нуқтани муаррихлар қайд қилиб ўтадилар; мунажжимлар тайин этган «яхши соат»да шоир муҳр босиши керак: «Ул жаноб нафсий синуқлиғидин ниҳояти ва тавозийи улуқлиғи ғоятдан андоқ ерга муҳр бостиким, андин тубанроқ ҳеч кимсага муҳр босқоли ер қолмади» («Равзатус-сафо»). Бу вақтларда Низомулмулк номли зот ҳам вазир тайин этилганди. Ҳукмдорнинг шахсий фармонларини топшириш ва ҳукмдор девонда бўлган вақтда ишлар ҳақида унга маълумот бериш ва қарор- 40

ларни қайд этиш каби вазифани бажарувчи парвоначи мансабига Хўжа Маждиддин тайинланмиш эди. Хўжа Афзалиддин Муҳаммад Қирмоний ҳам вазирликка олинган эди. Низомулмулк ва Хўжа Афзалиддин иккиси Хўжа Маждиддин билан чиқиша олмайдилар. Султон ҳузурида бу икки вазир Хўжа Маждиддинни айблаб, уни давлат ишларидан четга қоқишга тиришадилар. Шу равишда орадаги ички интрига узоқ давом этади. Маждиддиннинг саройдаги роли тубанлантирилади.

- 10 1487 йилда Султон Хусайн Мир Алишерни бекликдан тушириб, уни Астрободга валий қилиб белгиламакка қарор қилди. Шоир дастлаб бу амрни қабул қилмасликка ҳаракат қилади. Ниҳоят, подшоҳнинг ўз хоҳишида қаттиқ туриб олганлиги маълум бўлгандан сўнг, Мир Алишер Астробод валийлигини қабул қилишга мажбур бўлади. Астрободда шоир катта ҳурмат ва обрў билан қаршиланади. Бу ўзгаришнинг, яъни Навоийнинг султон қошидан, марказий ҳукуматдан узоқлаштирилишининг чуқур сабаблари бор. Хўжа Маждиддинга қарши
- 20 турган Низомулмулк ва Хўжа Афзалиддинлар Навоий тарафдорлари, Навоий ҳимояси остида, унинг раъйига қараб иш кўрувчи вазирлар эди. Кураш аслида Хўжа Маждиддин ва шоир Навоий орасидаги зиддиятдан бошланган эди. Бу вақт — 1487 йилда, Хусайн Бойқаро бошида бир савол туғилади. Маждиддинми, Мир Алишерми? Маждиддинни юқори даражага кўтармоқ учун Мир Алишерни марказдан узоқлаштириш лозим эди. Навоий марказда амирликда турар экан, бунга монелик қилар эди. Султон Хусайн шоирни Астрободга жўнатиб, Маждиддин учун мансабга йўл очади. Ҳақиқатан, Навоий
- 30 Ҳиротдан кетгандан сўнг, Маждиддин «яна қатло вазорат маснадига қадам қўйиб эътибор ва ихтиёр жиркасига кирди» («Равзатус-сафо»). Маждиддин улуг мартабага эришгандан сўнг, ҳар хил тадбирлар билан подшоҳ хазинасига кўп миқдор маблағ тўплаб беради. Иш бошига кечса, хазинага «икки туман (10 000 сўм) эмас, ҳатто 200 туман» топиб бера олишини подшоҳга илгаридан ваъда қилган эди.

40 Маждиддин Навоий группасига мансуб беклар ва вазирларга душман бир сиёсат олиб боради. Рақибларни ҳар хил имкониятлардан маҳрум қилиб парчалашга тиришади: «Ҳар нимагаким қудратлари илги етар эрди, тортиб олди» («Равзатус-сафо»). Рақибларига нисба-

тан шундай зугум қилдиким, Хўжа Афзалиддин унинг туҳматидан қўрқиб Астрободга, Навоий олдига қочиб боришга мажбур бўлди.

«Бадоеул-вақое» муаллифи Мир Алишер Навоий билан Мажиддин орасидаги мухолифатни жуда очиқ тасвирлаган: Амири калон (Хўжа Мажиддин) фақат Навоий учун Ҳиротда катта, махсус зиёфат ҳозирлайди. У замоннинг машҳур мутоибачиларидан бўлган Абдулвосе Муншига шу мажлисда албатта ҳозир бўлиши кераклигини Мажиддин таъкидлайди. Амир Алишер учун зиёфат эмас, сизнинг бўлишингиз матлубдир, дейди. Абдулвосе эса ўзининг мажлисга иштирок қила олмаслигини сўзлайди ва бунга шунни сабаб қилиб кўрсатади: «Неча муддатдан бери сиз билан амир орасидан муҳаббат ҳавосида андак ниқор ғубори кўринар эди. Энди, алҳамдулилло, у ғубор ўртадан кўтарилди. Бу мажлис эса ҳар турли шаниъ мутоибалар билан қизийди ва мажлисда Мир Алишер менга дахл этажак. Ва менинг ҳам унинг иззатин мулоҳаза этиб ҳам унга таарруз қилмаслигим маҳол. Мир Алишернинг мизожи нозик. Орангизда сулҳ ва сафо ўртага келмиш. Қўрқаманким, менинг сабабим билан сулҳ барҳам еб, сафо кудуратга мубаддал бўлғусидур».

Астрободнинг шоир ҳокими учун ҳар томондан олқишлар, ҳар хил инъом-совғалар ёғилиб турарди. Астрободда Навоий Ҳиротдаги каби ҳурмат ва диққатга соҳиб эди. Лекин Ҳирот каби марказдан қувилмиш шоир руҳига таъсир қилганди. Мир Алишер узоқ қолишга тоқати йўқ эди. У бир йил чамаси Астрободда туриб, 1488 йилда Ҳиротга қайтар, ўз ўрнига Астрободда бошқа бирини тайин қилинишини ва ўзини Ҳиротда қолдирилишини сўраб подшоҳга мурожаат қилар. Аммо подшоҳ бу ўтинчга қулоқ солмас. Шундан сўнг Навоий яна Астрободга жўнашга мажбур бўлмишди.

Астрободда Мир Алишер ҳузурда бўлган амакиваччаси Мирҳайдар Астрободдан Ҳиротга келганида қизиқ бир нарсани фош қилади: Султоннинг яқинлари маслаҳат қилиб Султон баковулини (дастурхончини) қўлга олароқ, Алишернинг таомига заҳар қўшиб беришни ўргатганлар, бу нарса тўғрисида Мир Алишернинг маълумоти бор. Шунинг учун Мир Алишерда

Султонга қарши очикдан-очик мухолифат (исён) бўлган, дейдилар.

«Султоннинг яқинлари» дейилган бўлса-да бу қабих тадбирни Султоннинг ўзи ўйлаб чиқарган бўлиши мумкин. Жилла бўлмаганда Султон бундан хабардор бўлган. Ғоят махфий тутилган бу сирнинг фош этилиши Султонни, табиий, саросима қилгандир. У дарров чопардан мактуб юбориб, Мир Алишернинг шубҳалари тамом асоссиз экани, унинг ҳаётига дахл қилиш 10 ҳеч кимнинг хотирида йўқлигини билдирган. Ишнинг улғайишини истамагандан бўлса керак, Алишер сабр-сизликда Астрободдан Ҳиротга қайтиб, бу гаплардан тамом хабарсизлигини ва ҳамма нарсани Мирҳайдарнинг ўзи тўқиб чиқарганлигини подшоҳга айтган эди. Бу сабабдан Ҳайдар ҳибс қилинмишди.

Мир Алишер бу сафар Ҳиротда қолишга рухсат олади. Лекин у ҳар қандай мансаблардан озод қилинади. Ҳиротда фақат подшоҳнинг «яқинларидан» бўлибгина яшашга мажбур бўлади. Бу ҳам Навоийга 20 қаттиқ бир зарба эди.

Астробод ҳокими қилиб амир Мўғул тайин этилмиш эди. Бу амир исён кўтариб, сўнг туркманларга қочғач, Астробод ҳокимлиги султоннинг катта ўғли Бадиуззамонга топширилмишди. Мир Алишер Ҳиротда «подшоҳ яқинларидан» бўлиб яшайди. Ҳукумат бошида яна аввалгича Маждиддин.

Навоийнинг истар халқ қошида, истар аристократия ва зиёлилар қошида тутган мавқеъ, шахсий авторитети соясида Маждиддиннинг таъсири кучсизлана 30 боради. Маждиддин ўзининг сиёсий душманлари билан муроса йўлин тутиб, Низомулмулкни қайтадан девонга тортишга мажбур бўлади. Бу вақтда Мир Алишернинг укаси Дарвишали (Султон Ҳусайннинг ўғли Иброҳим Ҳусайн номидан) Балх ҳокими эди. У Маждиддиннинг иш бошида эканини ва у билан Алишернинг муносабатини ва иш шу тартибда кетса, ўз истиқболининг қандай бўлишини назарда тутиб, кўзғолон кўтаришга ҳаракат қилади ва Ҳисор ҳокими Султон Маҳмуд билан музокарага киришади. Бу хабар 40 Ҳиротга етгач, «давлат манфаати» нуқтан назардан Маждиддин бир қанча вақт ҳукуматдан қўл тортиши лозимлигини маъқул кўрадилар. Лекин бу нарса подшоҳ томонидан жуда самимий ва тантанали бир

шаклда бажарилган эди: Маждиддин юз минг динор оқча ва кимхоб жома ва бошқа ҳадялар олиб, ишдан узоқлашади.

1490 йилларда юз берган бу воқеадан сўнг, бутун ҳокимият Низомулмулк қўлига ўтмишди. Лекин Маждиддиннинг бу шаклда ишдан чекилиши Дарвишалини қаноатлантирмаганди. Дарвишали исён фикрларини ташламагани аниқланганда, Султон Ҳусайн бу хиёнатга қарши ўзининг ғазабини очиқ билдиради. У, Дарвишали мендан шунча марҳамат кўрса ҳам «кофир неъматлик тариқин тутадир» деган гапларига Алишернинг баъзи душманлари бу ишда Мир Алишернинг қўли бор, оғасидан маслаҳатсиз Дарвишали бу нарсага жасорат қилмасди, деб жавоб берадилар. Подшоҳ Навоийдан шикоят қилади: «Фақат Мансур Амир Алишердан дағий шул мажлисда андак шикоят зоҳир этди!» («Равзатус-сафо»). Султон Дарвишали устига Хўжа Гиёсиддин деган бирини юборади. Унинг кетидан ўзи ҳам қўшин билан «юриш» қилади. Хўжа Гиёсиддин Дарвишали билан кўришиб, ҳаракатнинг қандай хавфли натижалар туғдиришини уқтириб, алдаб подшоҳга келтиради. Султон ҳам дастлаб кечиргандай бўлади. Шу йил қишни Балхда ўтказиб, баҳор келиши билан Султон Маҳмуд устига юриш қилади ва Мир Алишерни Балхда қолдиради, укаси Дарвишалини Балх қалъасига қамашга бўйруқ беради. Бу ҳодиса Навоийга нисбатан марҳамат эмас, таҳқир экани равшан бўлса керак.

Султон Ҳусайн Ҳиротга қайтгандан сўнг, Низомулмулк ва бошқаларнинг чақиғи орқасида Маждиддин — подшоҳни зиёрат қилиб, унга 20 000 динор оқча сипориш қилишига ва Барлос бекларнинг, ҳатто Жомийнинг унинг томонини олишига қарамай — Султон Ҳусайн буйруғи билан у (Маждиддин) ҳибс қилинди. Низомулмулк Маждиддиннинг кўп миқдордаги мол ва қамматбаҳо асбобларини тортиб олиб, подшоҳга тақдим этади. Сўнг, Маждиддин базўр қочиб Маккага жўнайди ва йўлда ўлади.

Султон Ҳусайн билан Навоий орасидаги муносабатни деярли ҳамма муаллифлар идеаллаштириб келдилар. Шоир подшоҳ билан шоир вазир гўё ёшликдан бошлаб то ўлгунга қадар аллақандай идеал дўстлик ва самимият боғичлари ила боғланган бўлиб кўринадилар. Гўё кўп йиллик муносабат фониди ҳеч қандай

доғ бўлмаган. Ҳақиқатда эса подшоҳ билан вазир ора-
сидаги муносабатларда шундай моментлар бордир-
ким, улар баъзан ҳалиги дўстлик боғичларини узниш-
га қадар олиб борганлиги маълум. Бундай фактларни
шоирнинг Ҳусайн Бойқарога бағишланган қасида,
мадҳия, хатларида ва тарихчилар, тазкирачиларнинг
«юқори услуб» билан нақл этилган ривояларида учра-
тиш мумкин эмас. Лекин Ҳусайн Бойқаро ила Навоий
муносабатларининг маъносига чуқурроқ қаралса, бу
10 нарса ойдинлашади. Айрим тарихий асарларда под-
шоҳ ва вазир муносабатларининг ялтироқ томонлари-
нигина эмас, сийрак бўлса-да, кўлкаларини кўрсатув-
чи кичик фактлар ҳам учраб қолади. Булардан баъзи-
ларини биз юқорида қайд этдик.

Алишер Навоий донғи кетган буюк шоиргина эмас,
ўз даврининг энг маълумотли кишиси, фан ва санъат-
нинг турли соҳаларини асосли эгаллаган олим ва мута-
факкир, ҳушёр, тадбирли ва давлатнинг истиқболини
кўра билувчи кенг қарашли бир сиёсатчи ҳам эди.

20 Навоийнинг сиёсий қарашларининг моҳияти — му-
наввар подшоҳликдир. Навоий учун оллоҳдан сўнг
ягона авторитет подшоҳдир. Давлатнинг тараққийси
ва унинг инқирози, тобеларнинг (раият) рафоҳи ва
қийналиши — ҳаммаси подшоҳга боғлиқдир. Подшоҳ
эса, ё одил, ё золим бўлади. Давлатнинг кучайиши учун
подшоҳ қонунга ва адолат принципига суяниши керак.
Шоир ўзининг бир кўп қасидаларида, мактубларида ва
бошқа асарларида шу сиёсий идеяни ташвиқ этади.

30 Навоийда подшоҳга ва шаҳзодаларга қаратиб ай-
тилган шеърлар ва қасидалар жуда кўп. Лекин бу
қасидалар ёлғиз мақташдангина иборат эмас. Улар-
нинг аксарини бир «Насиҳатнома» десак бўлади. Бу-
ларда донишманд шоир қонун ва адолат шиори бутун
давлат ташкилотига тамом идеал шаклда татбиқ этили-
ши кераклигини илгари суради. Подшоҳ, Навоийча,
мамлакатнинг ҳамма майда-чуйда ишларига чуқур бил-
ги соҳибӣ ўлароқ, аралашуви керак, зулм аҳлини хок-
сор этиб, эзилган халқнинг шикоятларини ҳар кун под-
шоҳнинг ўзи тинглаши лозим. Шундай қилиш керак-
40 ким, «улус» подшоҳнинг олдига келиб арз-додини айта
олсин, подшоҳ табассум билан тингласин ва унинг иши-
ни одиллик билан ҳал этсин. Навоий Ҳусайн Бойқарога
шундай адолатли бўлишга ундайдиким, ҳатто Шарқда
«адолат тимсоли» бўлиб афсоналарга қоришган
Нўширавон ҳам ҳайратда қолсин.

Навоий ҳамма вақт «улус» ғамини ейди. Подшоҳдан тортиб бутун маъмурларни шу халқ фойдасига ишлашга ундайди. Шоир подшоҳликдан ўзга бир ижтимоий тузум яратиш мумкинлигини, табиий, англай олмайди. Халқ учун тинч ва эркин турмушни подшоҳ иродаси билан барпо қилиш мумкин, деб хаёл қилади. Ана шу сабабли у бир кўп асарларида бутун илмларни эгаллаган одил подшоҳ образини яратишга, мамлакат учун зулмнинг фалокатли натижаларини ва аксинча, тараққий ҳам ободонлик учун адлнинг фазилатларини жонли, ёрқин мисоллар ила уқтиришга чолишади. Катта, кучли, бой бир давлат тузиш тарафдори бўлган шоир бу мақсадга халқпарварлик ва адолат орқали эриша билишга ишонадики, айрим асарларни текширганда бу масалаларга яна тўхтаяжакмиз. 10

Султон Ҳусайн маданий подшоҳ, «илм ва санъат ҳомийси» каби шуҳрат қозонган бўлса-да, унда Шарқнинг деспотларига хос сифатлар йўқ эмаслиги табиий. Унинг характерида кўпол чизгилар ҳам бор эди: «Бовужудким ҳам ёш ва салтанат била улуг подшоҳ эди. Кичиклардек кўчқор сақлаб, кабутар сақлаб, кабутар ўйнар эди, товуқ ҳам урушқа солур эди». «Тун-кун айш-ишратдин ўзга иши йўқ эди». «Қирқ йилга ёвуқдирким, Хуросонда подшоҳ эди, кун йўқ эдиким, намоз пешиндин сўнг ичмагай». «Ўғлонлари ва жаме сипоҳига ва шаҳрига бу ҳол эди. Ифрот билан айш ва фишқ қилурлар эди». Бобирдан келтирилган бу парчалар Султон Ҳусайн ва унинг муҳитининг чириклигини яққол кўрсатади. Султон Ҳусайн давлатни ичдан чиришга олиб бораётганини сеза оладиган бир ақл ва идрокка молик эмасди. Реалистча тушунадиган Бобир — четдан бўлса-да — бу аҳволни кўра билганди ва «борғонсайин навкар ва вилояти камайганлик»нинг сабабини Султон Ҳусайн бошлиқ ўғиллари, сипоҳийлари ҳаётидаги чиришда кўради. Султон Ҳусайннинг вазири ва «мақраблари» дан бўлган ва бу муҳитни чуқур билган Мир Алишер бу кетишнинг оқибатларидан қўрқарди. Давлатда бошланган инқирознинг олдини олиш учун тadbирлар кўриш лозимлигини биларди. Султон Ҳусайн идорасидан ичда у норози эди. Шунинг учун у Султонга ва унинг ўғилларига ёзган мактубларида, қасидаларида мамлакат ишлари ҳақида кўп 30 40

роқ гапиради, насихатлар қилади, мамлакат ободонлиги учун ўзи зарур деб топган бутун йўл-йўриқларни, мулоҳазаларни тўкиб солади. Чунки, шоир давлатнинг заифланишини, айрим хонликларга айрилишини ҳар жиҳатдан тисланиш, инқироз деб билар эди. Қонун ва адолатга суюнган йирик давлат ташкилотигина, феодализмнинг тор ижтимоий, иқтисодий рамкаларидан ошиб чиққан бир тартиб Навоийнинг сиёсий қарашларига кўпроқ мувофиқ келар эди.

- 10 Султон Ҳусайн каби «айш-ишрат»га ботган подшоҳ шоирни бутун маъноси билан қадрлай олмасди. Шоирга нисбатан самимият ва садоқатининг қанчалик ўзгариб турганлигини ва баъзан Навоийга нисбатан подшоҳ тамом терс вазият олганлигини кўрсатажак фактлар келтирдик. Ҳатто, Султон Ҳусайннинг дўстлиги зоҳирий, демак, самимий эмас эди, деган фикрга ҳам кела оламиз. Подшоҳ, бир томондан, шоирни юсак мавқега чиқариб, иккинчи томондан, унинг орқасидан хуфия қўйиб ҳар фикри, ҳар сўзидан хабардор бўлиб турган, «Бадоеул-вақо»да биз мана нималарни ўқиймиз: «Мундоқ нақл қилурларким, Султон Ҳусайн мирзо бир кишини таъйин этмиш эрдиким, навкарлик расми бида Амир Алишернинг мулозиматида бўлур эди ва ҳарнаким мажлисда воқе бўлса, жаромул котибиндек бир қоғозга ани ёзиб, ҳар кунда ани Султон назарига еткурур эрди. Ҳеч киши ани билмас эрди. Магар Амир Алишерким, ани фаросат қуввати бида фаҳм этмиш эрдилар». Бу ҳодиса султоннинг икки юзлигини кўрсатмайдими? Яна султон атрофида тўпланган ҳар
- 30 хил маъмурларнинг Мир Алишер ҳақида ҳар турли бўҳтонлар тўқиб султонга арз этишлари айрим вақтларда шоирнинг вазиятини анча оғирлаштириб қўярди. Астробод ҳокимлиги вазифасидан бўшалгандан сўнг шоир Ҳиротда давлат ишларидан четда яшар эди. Доимо севдиги илм ва адабиёт ила машғул бўлар эди. Лекин Хуросон мамлакатаида юз берган муҳим қоришиқликлар уни яна сиёсий фаолиятга келишга мажбур этди: Султон Ҳусайн тириклигидаёқ давлати парчаланиш хавфи остида қолмишди. Подшоҳ мамлакатнинг бутунлигини таъмин этмак учун бу дафъа ўз ўғиллари томонидан кўтарилган исёнларни бостирмоққа мажбур эди. Ўғил ва набираларнинг исёнлари ва бобонинг улар билан қонли урушларга киришиши

темурийлар ҳукуматларида одат ҳолига кирган бир нарса эди. Бу нарса феодал давлат ташкилотининг хусусиятларига боғлиқ ва шу билан изоҳ қилинадиган бир ҳодисадир. Темурийлар даврида мамлакатнинг айрим вилоятлари, шаҳарлари кўпинча шаҳзодаларнинг (шаҳзодаларнинг бўйи бир қарич, этаги ҳали тугуклик бўлиши ҳам мумкин) иродасига топширилар эди. Улар ўзларига қарашли вилоятларда деярли мустақил иш олиб борар эдилар. Ҳар қайсиларининг отабеклари, беклари, сипоҳийлари ва ҳоказолари бўлар эди. Булар марказ билан ҳам, бир-бирлари билан ҳам чиқиша олмас, мумкин қадар ўзларига қарашли ерни кенгайтиришга, давлатда ўз таъсирларини чуқурроқ ўтказиб, келажакда зарурий ўлароқ юз берувчи тож-тахт учун курашларга замин ҳозирлашга тиришар эдилар. Темурийлар даври тарихи шундай воқеаларга жуда бой.

Султон Ҳусайн хонадонида вужудга келган қаршилик зоҳиран шу равишда бошланади:

Ҳисорга қарши урушда иштирок қилиш учун Астробод ҳокими Баднуззамон (султоннинг катта ўғли ўз ўрнига ўғли Мўмин мирзони қўйиб, сипоҳийлари билан уруш майдонига келади. Уруш битгандан сўнг Баднуззамон Балх ҳокими бўлиб тайинланган эди. Баднуззамон истар эдиким, ўғли Мўмин мирзо Астробод ҳокими бўлиб қолсин. Лекин подшоҳ Астрободга иккинчи ўғли Музаффар мирзони тайинлади. Мана шу сабабдан Баднуззамон ила подшоҳ муносабати бузилади. Баднуззамон Астрободга Музаффар мирзони киритмасликка, снлоҳ кучи билан йўлда унга монне бўлишни ўғлига буюради. Давлатнинг заифланишидан қўрққан Навоий Баднуззамон ҳаракатининг зарарлигини тушунтириб, орада муроса тузиш учун подшоҳ томонидан юборилади. Буюк кекса шоирни шаҳзода Балхда яхши қарши олади. Балхда Навоий Баднуззамонга панд-насиҳат қилиш ила банд экан, Ҳиротда унинг душманлари, бир кўп ифвогарлар, сулҳнинг Мир Алишер воситаси билан барпо бўлишини истамаганликларидан, Балхда Амир Ислоом Барлос номига подшоҳдан бир яширин мактуб ёздирдилар. Мактубда Баднуззамон овга чиққан тақдирда, қайтишида шаҳар дарвозалари унга очилмасин, мазмунда подшоҳ буйруқ беради. Бу хат иттифоқан Баднузза-

- мон қўлига тушиб, отасининг самимиятига ишончи битарак, бўйсуннишдан бош тортади. Мир Алишер Ҳиротга қайтади. Бадиуззамон 1497 йил 2 майда отасига қарши юриш қилади. Султон Ҳусайн ҳам ўғлига қарши Балх тарафга аскарлари билан жўнайди. Жангда Бадиуззамон енгилади. Астрободда эса ўғли Мўмин мирзо Музаффар мирзонинг қўлига асир тушиб, Ҳиротга юборилади. Исёнчи шаҳзодани Ҳиротда қамоқда тутадилар. Ўз ўғлининг сиёсий манфаатларини кўзлаб, подшоҳнинг суюкли хотинларидан бўлган Хадичабегим баъзи вазирларнинг (Низомулмулк) раъйи билан Мурғобдаги лагерда кечаси подшоҳ мастлигидан истифода қилиб, Мўмин мирзонни ўлдириш учун буйруқ олади ва Ҳиротга юборади. Эртаси ҳушига келган подшоҳ қилган ишидан пушаймон бўлиб, кечаги буйруқни соқит қиладиган янги буйруқ ёзиб Ҳиротга чопар юборади. Фақат вақт ўтган эди, набираси шаҳзода ўлдирилганди. Машҳадни зиёрат учун кетган Мир Алишер Ҳиротга қайтгандан
- 10 сўнг бу воқеадан хабардор бўлмиш ва бунинг мамлакат учун энг ёмон оқибатларга сабаб бўлишини олдиндан кўрмишди. Набирасининг ўлимига сабабчилардан бўлган вазир Низомулмулкка нисбатан подшоҳнинг ғазаби орта борар эди. Шу вақтларда собиқ вазир Хўжа Афзалиддин ҳам Ҳиротга қайтмишди. Низомулмулк ўрнига Афзалиддин вазир тайин этилди. Бадиуззамоннинг янгидан ҳужум бошлашини кутиб султон Улангнишинда лагерда турар эди. Мир Алишер ҳам шунда эди. Подшоҳ жинояткор Низомулмулк
- 30 ҳақида Мир Алишер билан маслаҳатлашиб, Низомулмулкнинг бутун оиласини қамашга ва мулкнинг мусодара этишга қарор қилишди. Низомулмулкнинг ўғиллари отасининг кўз олдида зиндонда жаллод томонидан бошлари кесилди. Низомулмулкнинг ўзини қалъа дарвозасига келтириб терисини шилганлар. Бадиуззамон тарафдори деб султон яна бир кўп улуғ кишиларни ўлдиртирди.
- 1498 йил ёзида Бадиуззамон хуружи эшитилди. Подшоҳ Улангнишинда туриб, Мир Алишерга Ҳиротдан мумкин қадар кўпроқ аскар тўплаб келишга фармон қилди. Мир Алишер беклар билан бирга аскар тўплаб подшоҳга юборди. Бадиуззамоннинг ҳужуми даф этилди. Ота ва ўғил орасида муҳоваралар бош-
- 40

ланган эди. Давлатнинг парчаланишига моне бўлмоқ мақсадида Навоий жон-дил билан ишлади. Ҳиротдан подшоҳ олдига бориб, Бадиуззамон кўна оладиган шартларни қабул қилишга подшоҳни рози қилди. Фақат Султон Ҳусайн ўғиллари кетма-кет исён алангасини ҳали у ерда, ҳали бу ерда ёқа берадилар. 1498 йил кузида Султоннинг яна бир ўғли — Марв ҳокими Абулмуҳсин мирзо бош кўтарди. Султон Ҳиротда ўғли Муҳаммад Қосим ва Мир Алишерни қолдириб ўзи Марвга борди, шаҳарни уч ой муҳосара қилгандан сўнг ота ва ўғил орасида бир англама вужудга келмишди. Шу муҳосара замонларида Мир Алишер Машҳадга бориб, ундан Маккага жўнаши учун рухсат сўраб, Султон Ҳусайнга мактуб юборди. Мактуб олиб борган табиб Абдулҳай бир қанча вақтдан сўнг подшоҳнинг жавобини келтирди. Мактубда подшоҳ туркман ерларида тартибсизликлар бартараф бўлмагунча, ҳаж ниятидан воз кечиб туришини ва тезда ўз ҳузурига етиб келиши кераклигини ёзмишди. Навоий Машҳад сайидлари билан маслаҳатлашгач, улар бориб ота ва ўғилнинг орасида сулҳ ясашнинг зарур эканини сўрайдилар. Мир Алишер Макка зиёратини кечиктиришга мажбур бўлади.

Абулмуҳсин исёни битгач, Мир Алишер Ҳиротга келиб, Ҳиротнинг бутун уламози, фузалози, шайхларини йиғиб «улуғ ош тартиб этиб дарвишлик ва гўшанишинлик бодасида истиқомат қилмоқ бобида истионат истади» («Равзатус-сафо»).

Навоий ҳаётининг сўнгги йиллари қандай шароитда ўтаётгани юқоридаги воқеалардан маълум бўлса керак. Қари шоир мамлакатнинг парчаланишига қарши ҳар қандай оғирликларга тоб беришга ҳар вақт ҳозир эди. Лекин унинг вазияти мустаҳкам эмасди. У баъзан бутун вазифаларини, ҳатто султон мамлакатини ташлаб кетишга ҳам рози бўлар эди.

Ҳажга бориш нияти ҳам шундан бўлиши мумкин. Подшоҳ энг хавfli замонларда Навоийни ўз қошига даъват қилиб, унинг обрўси ва ақлли тадбирларидан истифода этишини билса-да, шоирнинг қалбига зарба устига зарба ҳам тушириб турар эди. Ўз қўшини билан Балхни қамал этган Хусрав шоҳдан музокара юритиш учун келган Мирҳайдарни (Алишернинг амакиваччасини) Хусрав шоҳни оёққа бостирган фитначи

дея 1499 йилда Султон Ҳусайн ўлдирди. Бу хабарни эшитиб Алишер қаттиқ қайғурмиш, одам юбориб Ҳайдарнинг жасадини келтириб ўзи дафн эттирмишди.

Шаҳзоданинг исёнлари яна кучаймоқда эди. Султон Ҳусайн исёнчи ўғилларини босмоқ учун аввал Марвга, бундан Астрободга юришга яна мажбур бўлди. Ҳиротнинг мудофааси Муборизиддин билан Мир Алишерга топширилмишди. Подшоҳ Астрободда қўзғолонни босиш билан машғул экан, Баднуззамон мирзо Ҳирот устига босиб кела бошлайди. Мир Алишер Ҳиротни мудофаа қилиш чораларини кўрди. Султон Ҳусайн қўшини билан Астрободдан тезликда Ҳирот устига келаётир, деган хабар тарқалгач, Мир Алишер ота ва ўғил ўртасини урушсиз бир ёқли қилишга тиришади. Мир Алишер маслаҳати билан Султон Ҳусайн Балхни ва Амудан Мурғобга қадар бўлган ерни Баднуззамонга беришга рози бўлади.

- 1500 йил 28 июлда Султон Ҳусайн Астрободга, 20 ўғли Муҳаммад Ҳусайн устига қўшин тортиб боради. Қарилиги ва хасталигига қарамай, ўғли билан жангга киришади. Уруш узоқ давом этмасдан ота билан бола сулҳ тузадилар. Астрободни яна Муҳаммад Ҳусайнга қолдириб, подшоҳ Ҳиротга қайтади. 28 декабрда подшоҳнинг қайтиш хабари Ҳиротда маълум бўлгач, расм бўйича, подшоҳни ва унинг қўшинини қаршиламоқ ниятида шаҳарнинг улуғлари билан бирликда Мир Алишер Ҳиротдан чиқади. Навоий бу вақтда қари (60 ёшда) бўлса-да, бир қадар тетик эди. Учрашув 30 31 декабрда бўлди. Навоий отда олдинга қараб юрди, қўшиннинг илғорларини кўрди, Хўжа Абдулло деган ерга борганда узоқдан подшоҳнинг келаётганини пайқади. Олдинда келаётган Хўжа Шаҳобиддин Убайдулло ила қаршилашиб, отдан тушиб кўришди. Лекин шу онда ўзини аллақандай беҳол сезди: «Тут мени, тут мени, Хўжа Убайдулло!» деди. Подшоҳнинг аробаси яқинлашганида Мир Алишер подшоҳнинг олдига юриб бормоқ истади. Лекин ёлғиз ўзи бора олмади. Икки кишининг елкасига суяниб илгари юрди. Подшоҳнинг қўлини ўпиб, шу ондаёқ оёқда туролмас бир ҳолга келди, подшоҳнинг сўзларига жавоб бера олмади. Ерга йиқилди. Алишерни аробага солдилар. Табиблар чақирилди. Лекин улар орасида тортишув пай-

до бўлди. Баъзи табиблар, қон айланишини таъмин қилмоқ учун қон олмоқни таклиф қилдилар. Баъзилар эса (Абдулҳасан) бу фикрга қўшилмадилар. Тиб илмида машҳур бўлган Абдулҳай Тўний касални тезда Ҳиротга олиб бориб, табибларни топиб, бир кенгашма лозимлигини уқтирди. Сўнг, ҳамма шу қарорни маъқул кўрди. Лекин йўлда хастанинг аҳволи оғирлашади. Хондамир (тарихчи) тездан чора кўриш кераклигини сўзлади. Фақат султондан рухсат келгунча фурсат ўтмиш эди. Томиридан қон олмоқчи бўлганларида 5—6 томчи қон чиқмишди. Бу вақтдан бошлаб касалнинг ҳоли борган сари оғирлашди. Мир Алишерни уйига келтириб, табибларни чақирди. Яна қон олиш тўғри топилди. Лекин бундан-да фойда чиқмади. 1501 йил 3 январь якшанба кунини Мир Алишер вафот этди.

Буюк шоирнинг ўлим хабари бутун шаҳарга дарҳол ёйилмишди. Бутун шаҳар халқи унга мотам тутди. Дафн маросими катта тантана билан бажарилди. Подшоҳ, сайидлар, шайхлар, олимлар ва кўп халқ билан жапоза ўқилиб Мир Алишер ўзи қурдирган жомега дафн этилди. Улимнинг еттинчи кунини сонсиз халқ «Ҳавзи моҳиён» деган жойга йиғилиб, диний расм-русумдан сўнг, шоирлар, олимлар Алишер Навоийнинг вафоти тарихи ҳақида мухталиф назмлар сўйладилар. Жуда кўп марсиялар, қасидалар, қитъалар ёзиб ўқидилар.

Биз юқорида Навоийнинг кўпроқ сиёсий фаолияти тўғрисида гапирдик. У чин маънода кўп томонли бир шахсиятдир. У буюк шоир, мутафаккир ва ақлли сиёсий ходим, илм-санъат ҳомийси эди. У поэзия ва расмий сиёсий вазифалардан ташқари турли фанларда ҳам замонасининг олимларидан қолишмайдиган бўлган. Катта, бой кутубхона тузиб мутолаа қилишга ҳам вақт топган (унинг кутубхонасидан ҳар ким истифода қила олар экан). Бутун умрида қалбида гўзалликка чуқур муҳаббат қўйган шоир санъатнинг бошқа шаклларида ҳам ихтисос соҳиб эди: расм, ҳайкалтарошлик, хаттотлик, мусиқий билан ҳам машғул бўлган эди. «Мажолисун-нафоис» асарида Навоий Хўжа Юсуф Бурҳон тўғрисида нақл этиб, шуни дейди: «Фақир мусиқий фанида ани шогирдимен». Шеър ила мусиқийнинг ички чуқур робитасини билган Навоий ҳар

шоирнинг мусиқийдан хабардор бўлишини истаган. Мусиқийдан хабарсиз шоирларни укамситар экан. Навоийнинг мусиқийдаги билимининг чуқур экани шундан маълум бўладики, у куйлар тўқиган, «Мусиқийда яхши нималар боғлабдур» дейди Бобир.

- Султон Ҳусайн, ўғиллари ва Ҳиротнинг аристократияси «ифрот айш-ишрат, фисқ», (Бобирнинг сўзлари) билан машғул бўлган даврда, у ичидан чириб бораётган муҳитда ғайратни, имонини йўқотмаган шахс Навоий эди. У ғўзал санъатлар билан ҳаётни безашга, ўзининг иншооти билан фойдали ишлар қилишга киришди. Навоий Ҳиротда жомелар, мадрасалар, ҳаммомлар, касалхона ва бошқа хайрия уйлари солдирди. Навоий томонидан қурилган хайрия муассасалари «Халосия» номи билан юритилган. Шайбонийхон Мовароуннаҳрни истило қилиб, Хуросонни ҳам темурийлар қўлидан тортиб олишга қасд этган вақтларда, Шайбонийхонга қарши темурийлар кучларини бирлаштириб курашув ниятида Ҳиротга, Султон Ҳусайн ўғиллари ҳузурига келган Бобир шундай ёзади: «Алишербекнинг ўлтуруғ уйларини ким, «Унсия» дерлар, мақбара ва масжид жомениким «Қадисия» дерлар, мадрасаси ва хонақоҳниким «Халосия» ва «Ихлосия» дерлар, ҳаммом ва дорилшифосиниким, «Сафоня» ва «Шифоия» дерлар, борини андак фурсатда сайр қилдим». Навоий мадрасаларига узоқ вилоятлардан минглаб талабалар келиб тургани, «барчасининг маишати асбоби омода ва муҳайёда ва ҳамма ўзларининг матолиб ва мақосидига етиб, ул ҳазратга дуо ва санолар деб» юртларига жўнашлари тўғрисида «Равзатус-сафо»да ёзилади. Навоийнинг фақат Ҳиротда эмас, Хуросоннинг ўзга вилоятларида ҳам кўп хайрия уйлари, кўприк ва работлар, ҳовузлар бино қилдиргани маълум.

Навоийнинг маданият соҳасида қилган хизматлари бу билан чекланмайди. Давлатда баланд мартабага эга бўлган Навоий асрдошлари — шоирлар, олимлар ва санъат аҳлларига моддий ва маънавий кўмагини аямаган. У, санъат ва адабиётнинг ҳақиқий ҳомийси — меценати эди.

- 40 Мирхонд, Хондамир каби машҳур тарихчилар тўғридан-тўғри Навоий раҳбарлиги остида, унинг моддий кўмаги ва ташвиқи билан катта тарих асарлари устидан ишлаганлар. У даврнинг машҳур шоирлари унинг

кўмаги орқасида ижодий ишларини давом эттирганлар. Машҳур тожик шоири Абдурахмон Жомий ҳам Навоийнинг моддий ва маънавий ёрдамидан четда қолмаган, баъзи асарларини Навоий маслаҳати, ташвиқи билан ёзган эди. Буюк шоирни зиёрат қилиб, ундан ёрдам олиш ниятида олимлар, шоирлар узоқ вилоятлардан ҳам келар эдилар. Фан ва санъат кишиларига шоирнинг ёрдами тўғрисида Бобир шундай ёзди: «Аҳли фазл ва аҳли ҳунарга Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш 10 бўлғай». Бобир у даврнинг машҳур муסיқийчилари ва рассомларини Навоий «тарбияти ва тақвияти» натижасида камолга етганликларини ҳам сўзлайди.

Навоий марҳаматидан шоирлар баҳраманд бўлиб, «олтин-кумушга» ботган экан, янглиғ хулоса чиқариш ҳам, табиий, тўғри эмас. Навоий замонда тирикчиликни ўтказиш учун бирон ҳунар билан машғул бўлишга мажбур фақир шоирлар ҳам қўпгина эди. Навоий «Мажолисун-нафоис» номли асаридан ўлган вақтда кўмиш учун бир оз маблағ тополмаган шоирлар борлигини-да кўрамыз. 20

Ҳар қандай бўлмасин, Навоийнинг меценатлиги тор, шахсий орзулар, кайфиятлар заминидан юз берган ҳодиса эмас эди. Навоийнинг маданиятга хизматлари унинг тараққийпарварлик мулоҳазаларидан туғилгандир.

Навоийнинг катта иншоот ишлари ва кенг меценатлик фаолияти унинг катта бойликка эга бўлганини кўрсатади. Бобирнинг ёзишига қараганда, Мир Алишер Султон Ҳусайндан ҳеч нима олмас, балки ҳар йил подшоҳга кўп миқдорда қимматли нарсалар ҳадя қилар экан. Ҳар ҳолда шоир бойликни Султон Ҳусайн саройида тутган юксак мавқеи орқасида топган бўлиши ҳам мумкин. У катта ер участкаларига ва шунинг каби бошқа даромад манбаларига соҳиб бўлганлиги шаксиздир. 30

Умрида онла кўрмаган, ворислар ҳақида ўйламаган шоир бутун бойлигини иншоотга ва маданий ишларга, хайрия муассасаларига бағишлаб келган. Шоир бир рисоласида («Вақфия») ўлимидан сўнг даромадларини маданий вазифаларга ва хайр ишларига қандай йўсинда ва қанча миқдорда сарф қилиш кераклигини ёзиб қолдирган. Мадрасаларда дарс этгучи му- 40



Ойбек бир гуруҳ қаламкаш дўстлари билан. 1955 йил

даррисларнинг йиллик маошлари, талабаларнинг нафақалари миқдори, фақирларга, етим-есирларга байрамларда қанча пуллик кийим-бош олиб бериш, ҳар йил рамазон ойида фақирларга овқатлар пишириш ва уларга лозим бўлган масаллиғнинг миқдори, дафн ва қаъда маросимларини ўтказиш тартиби, харажатлари ва ҳоказолар ҳаммаси аниқ рақамлар билан кўрсатилган. Ҳар йилги харажат устида бир оз мулоҳаза қилинса, жуда катта суммани ташкил этганини кўрамиз. Бундан Навоий ўз даврида ғоят катта мулкдор бўлиб, 10 кўпгина даромад манбаларини ўз қўлида тутганлиги англашилади.

Биз шунгача Алишер Навоийнинг ҳаёт ва фаолияти тўғрисида бир қадар маълумот бердик. Мир Алишер ҳаётининг бой ва асл мазмунини, мухталиф фаолиятининг энг порлоқ жиҳатини ташкил этган, реал бир хазина каби бизга қолган, бизга ва биздан сўнгги наслларга унинг хотирасини етказган нарса — унинг шоирлиги, унинг поэзияси. Биз энди унинг ижодига ўтамиз. 20

Ғазалиёти

Навоийнинг ғазаллари «Чор девон»ида тўпланган. Шоир ўсмирликда, йиғитликда, ўрта ёшларида ва қариган чоғларида ёзган лирик шеърларини тўрт даврга айириб, тахминан 20 минг байтдан иборат катта бир девон тузиб, ҳар бир даврга айрим исм берган: 1) «Ғаройибус-сиғар», 2) «Наводируш-шабоб», 3) «Бадоеул-васат», 4) «Фавондул-кибар».

Навоийнинг ёшликдан бошлаб то умрининг сўнг саналарига қадар ёзган лирик шеърларини иҳота этган «Чор девон»нинг идея ва бадий шакли, тили ва 30 мастерлиги, тарихий аҳамияти ва бошқа жиҳатлардан чуқур тадқиқ этиш кўп йилга чўзиладиган оғир ва муҳим бир ишдир. Бу масалалар шу чоққача на Шарқда, на Ғарбда илмий текшириш доирасига кирган эмас. Навоийнинг адабий, сиёсий фаолияти ҳақида таржиман ҳол характеридаги монографиялар, айрим асарлари ҳақида мақолалар кўпгина ёзилган. Лекин Навоий поэзиясининг фикри, бадий моҳиятини кўр-

сатган илмий-танқидий асарлар йўқ, десак бўлади. Шунинг учун Навоий поэзиясига оид илк айтилган мулоҳазаларнинг пишиб етилмаган бўлиши, даккам-дуккам, балки, бир кўп нуқсонлардан холи бўлмаслиги табиий бир нарса.

10 Навоийнинг минглаб ғазалларини кўздан кечиргандан сўнг, улар учун энг характерли кайфият ишқий ҳиссиётлар экани англашилади. Ҳамма шеърларида деярли ишқий бир узилиш, интизорлик туйғуларни тараннум этилади. Шоирнинг асосий илҳом манбаи «ишқ»дир. Маъшуқа — ёрнинг гўзаллиги, унинг шоирга бахш этдиги таассурот, ёрнинг зулми, вафосизлиги ва ҳоказо шеърни тўқилманинг арқоғини ҳам, ўришини ҳам ташкил этади. Шоир ҳар вақт гўзалга, жононга мурожаат қилади. Ҳамма ғазалларда деярли унга бир ундов бор.

20 Мурожаат қилинган объект идеал гўзалликка эга бўлган ёрдан бошқа нарса бўла олмайди. Шоир гўзалга гоҳ ялинади, марҳамат, шафқат тилайди, гоҳ унинг вафосизлигидан йиғлайди, гоҳ шикоят қилади...

Ишқнинг нашъаси, висол онларининг кўнгилга берган фароғати ва ҳоказо тараннум қилинади, кўп вақт ишқдан келган изтироб, алам туйғулари куйланади. Гўё «абдий айрилиқ» шоирни ёридан айирган. Қовушмоқ орзуси эса шоир учун буюк ғоядир. Навоийнинг баъзи ғазалларидан парчалар келтирсак, ишқ мотивининг нақадар ҳокимлиги равшан бўлади:

Вой, юз минг войким, тарки муҳаббат қилди ёр,
Билмайин қолдим мени қилмай хабар айрилди ёр...

39 Номаси қўйинумда баским, изтироб айлар кўнгул,
Упгали чикмоққа гўёким шитоб айлар кўнгул...

Ғар қуёштин қадрим ортиқрақдурур шоҳ оллида,
Заррадин юз қатла уксукрак мен ул моҳ оллида...

Кўргали ҳуснунгни зору мубтало бўлдим санго,
Не балолиғ кун эдиким, ошно бўлдим санго.

Ҳар неча дедимки, кун-кундин узай сендин кўнгул,
Ваҳки, кун-кундин батарроқ мубтало бўлдим санго ..

Не хуш бўлғай, иковлон маст бўлсоқ васл боғинда
Қўлим бўлса анинг бўйнидаю, оғзим қулоғинда.

40 Гаҳи беҳудлуғимдин сесканиб тутсам адаб расмин,
Белига чирмашурда шавқнинг ифроти чоғинда.

Не келса, тонгла келсун, бир кун ўсрук етса ҳам хуштур,
Кшии гул чоғи гул хирманин тортиб қучоғинда...

Баҳор бўлдию, майли гул қилмади кўнглум,
Очилди гунчаю лекин очилмади кўнглум.

Юзинг хаёли ила вола эрдим андоғким,
Баҳор келгану кетгонин билмади кўнглум...

Ўзгалар ҳуснин тамошо айласам чиқсун кўзим,
Ўзга бир кўз ҳамки, ҳуснунгни тамошо айласа...

Бир пари пайкар ғами ошуфта ҳол этмиш мени,
Элга аҳволим демактин, гунгу лол этмиш мени.

10

Мен ҳавойини, не тонг, кўргузсалар бир-биргаким,
Элга қошинг фикри андоғким, ҳилол этмиш мени...

Ошкор этмас эдим ишқин вале ўткон кеча
Бода зўр айлаб, йиғи беиътидол этмиш мени.

Ёр кўйи ичраким тупроғ ила тенг бўлмишам,
Ишқ ғавғоси бу янглиғ поймол этмиш мени...

Не кун ўлғайки, нигорим келгай,
Боғи умрумда баҳорим келгай.

Умр боғида баҳор улдурким,
Сарвқад лолаузорим келгай...

20

Эй кўнгул, куйида аҳволимни жононимга айт.
Ўлмакимни меҳнати ҳижронда жононимга айт.

Оҳ дуди, ашк қонин, нола бари рифъатин
Зулфи сунбул, юзи гул, сарви лиромонимга айт.

Ишқининг юз минг балосинким, ёшурдим халқдин,
Йиғлабон ул воқифи асрори пинҳонимга айт...

Чу қилди ишқиға кўнглумни мубтало ул шўх,
Кетурди жонимга ҳар лаҳза юз бало ул шўх.

Шундай ишқий лирикада шоирнинг севгилиси, ёрининг образи анча абстракт бир идея билан чаптишиб кетгандай бўлади. Албатта шоир ўз ёрининг бутун гўзаллик сифатларини тавсиф этади. Аксар ғазаллар бошидан охиригача ёрнинг ҳуснини куйлашдан ва бу ҳусннинг мадҳ этилишидан иборатдир. Ғазалларда ёрнинг кўзи, қоши, юзи, оғзи, тиши, лаби, сочи, бўйи ва ҳоказолар мақталади, лекин тавсифлар образни етарли конкретлаштирмасдан, аллақандай рамзлар, «пардалар» воситасида берилгандай туюлади, ёр образи

30

бирмунча абстракт характер касб этади. Ёр ва унинг гўзаллиги идеаллашади.

Шоир чиндан ҳам севганлиги, севгилиснинг қайғуси, ёрни соғиниши, ундан ўксиши, шикоятларининг ҳаётий илдизлари очиқ билинмайди.

Шоир, эҳтимол, ҳаётида севгига мубтало бўлгандир. Лекин у шеърларида фақат соф бир севгининг ўзини куйламоқда, ўзи ўйлаб тўқиган идеал бир гўзалнинг муҳаббати алангасида ёнаётганлигини тараннум этмоқда. Шоир, эҳтимол, умрида майни тотиб кўрмагандир. Лекин шеърда май ва унинг фазилатлари — муҳаббат билан бир қаторда — ҳар вақт ниманидир ифодалайди. Ишқий поэзияда аксар ўйлаб тўқилган ишқ туйғулари тасвир қилинади. Бу ҳол — ўша давр поэзиясининг услуби учун жуда характерлидир.

Поэзияда воқеликдан хаёллар дунёсига кўчган шоир ишқий лирикада образни мумкин қадар ҳаётдан узоқлаштиришга, фантастик фигуралар яратишга тиришади. Услуб учун гиперболизм — муболағаччилик характерли аломат бўлиб қолади. Мана, Навоий ёрнинг гўзаллигини қандай кўрсатади:

Кимки кўрди суратинг коғаздаги сурат каби,
То қиёмат оғзи ичра қолди ҳайрат бармоғи.

Ё р н и н г қ о ш и :

Ўсма бирла қошин ул маҳвашки, рангин айламиш,
Кўзи жаллоди қиличига ёшил қин айламиш.

С о ч :

Карра-карра чу тўкарсен етар оёғингга соч,
Карралари чу очарсен тушар қулоч-қулоч.

30 Қ о м а т :

Қаддини хамида кўруб боғбон агар сарвинг,
Кўзига илса ҳамона керактур анга огоч.

О ф и з :

Тенгри бермиш ул пари пайкарга андоғ тор оғиз,
Ким киши билмаски, анда йўқмидур ё бор оғиз.

Б е л и :

Белингмидурки, анго қизил фўта боғладинг,
Ё риштанки ўткорилибдир ақиқдин.

Ёрнинг терлаган юзидаги хол қандай тасвир этилади:

40 Ҳар ён ул юзда тер оқиздингму?
Ё оқар меҳр чашмасидин сув?

Қолди холинг остида ёхуд,
Дамин асрар сувда чўмуб ҳинду.

Хотин образи, ёрнинг ҳусни идеаллаштирилиб, ҳар қандай тасаввурга сиғмас бир шаклда берилганидан (услубнинг ички мантиқига мувофиқ) шоирнинг ишқий кечинмалари, қайғуришлари, узилишлари, орзулари ҳам шундай кўтаринки, муболағали тарзда куйланиши керак. Натижада, инсоний эҳтирослар, туйғуларни бадний шакллаш аллақандай символлик муҳаббатнинг тараннумидай таъсир қолдиради. Шоир ёрдан чеккан изтиробларига, қайғуларига оламшумул бир маъно беради. Ёрга бўлган муҳаббат ва садоқат идеаллаштирилади. Шоирнинг оқидан оламлар ёнади, дунёни қора дуд босади, шоир ёрнинг ўзига эмас, ҳатто унинг итларига ўз қалбини парчалаб едиради ва ҳоказо. Ишқий кечинма ва изтиробларни кўкларга кўтариш учун гиперболизмга мурожаат қилинади:

Ишқингда бўлғоч хоки раҳ, бўлдум болокашларга шаҳ,
Ғам хайлидин т.ртиб сипаҳ, оҳ ўтидин чектим алам.

Ки мўр судрагудек бўлди заъфдин баданим.

Уйла, бўлмиш гул юзинг ёди билан қонлиғ кўнгул
Қим, тушар ҳар қатра қон ўрнига андин барги гул.

Кўз қонидин этагим лолавордур
Қим, кўҳи дарднинг этаги лолазордур.

Бир гул юзи фироқида хуноб рашк ила,
Юз заъфарони ичра кўзум лолакордур.

Икки кўзимки, дарди бало жўйборидур,
Оҳим бухори устида абри баҳоридур.

Ушшоқ тийра ахтари ҳар ён шафақ аро,
Гўё меҳр сабзасининг лолазоридур.

Билмон дединг, узилмиш экан сабҳайи ақиқ,
Лаълинг ғамида қон каби ашким қаторидур.

Итларинг олида юз пора кўнгулни солдим,
Муни кўр, ҳар бирининг оғзида бир пора кўнгул.

Жонда ишқинг бўлғуси, то танда жон бўлғусидур,
Танда жондек жон аро ишқинг ниҳон бўлғусидур.

То тириктурмен ичига жола тушкон ғунчадек,
Хаста кўнглум дурри ишқингга макон бўлғусидур.

Йўқки оҳимдин қилибдур тийра бу вайронни дуд,
Ким қоронғу айламиш вайронаи давронни дуд.

Дуди оҳимким чиқар уй тунглукидин бутрабон,
Дошхона айламиш бу кулбаи аҳзонни дуд.

Кеча ул ой кўйи даврида чекибмен ўтлуғ оғ,
Хайли анжумни шарар бил, гунбази гардонни дуд.

10 Бу парчалардан кўринадики, шоирнинг ишқий изтироблари, кўз ёшлари, оҳлари ва ҳоказолар, гўзалнинг образи каби, идеализациянинг юқори ҳаддига олиб борилади, реал чизгиларни фантастик ўлчовда қабартиришга интилиш сезилади...

Навоий ғазаллари орасида чуқур лиризм билан сурғорилган гўзал парчалар жуда кўп. Унинг ғазалларида жуда оригинал, ҳар қандай «тасанно» дан озод лавҳалар учрайди. Навоий баъзан халқ шеърларига ўхшаган, яъни бошқа ғазалларига қараганда соддароқ, самимийроқ, ҳаётийроқ нарсалар ҳам яратади:

Йўқки, ул кўз қорадур хуснунг аро, эй қоракўз,
Ким қошинг доғи эрур, асру қаро, эй қоракўз.

20 Гар кўнгулларни жалойи ватан истар бўлсанг,
Еш тугунларнию зулфингни таро, эй қоракўз.

Қора наргис кўзу гул юз била гар сен киби йўқ,
Булбули мен каби йўқ нағмасаро, эй қоракўз.

Кўзларинг захми агар қилмади ҳар кирпик ила,
Бас, недур кўнглума юз ерда яро, эй қоракўз.

Бунда ёр гўзаллиги ўзининг ҳақиқий жилолари, кўрнинишларида тажассум этади.

30 Навоий поэзиясидаги асосий образ билан, қисқача бўлса-да танишдик. Бу асосан ишқ ва май мотивларидан иборат бўлган бир поэзиядир. Энди унинг формал хусусиятлари, ифода воситалари ва ҳоказо ҳақида бир оз тўхтаймиз.

Асосий мотив ишқ бўлганидан, шу мавзунин юзларча ғазалларда бадний ифода этиш учун мавзуга мантиқий алоқадор бутун бадний воситаларни — имкон борича топилган ва қўллашга тиришилади. Умуман, шеърда мазмунга қараганда бадний формага аҳамият этилади. Арузнинг турли навларини қўллаб, шеърнинг мусиқийсига, айниқса, қофияларга диққат қилинади.

40 Навоий ғазалларида қофия жуда мукамал, қофиядош сўзлар оҳанг билан бир-бирларига тўла жўр келадилар. Сўнгра, қофиялар жуда хилма-хилдир.

Навоийнинг бутун ғазалларидан ўтадиган сиймо — ёрدير. Унинг ғўзаллигининг нақадар фавқуллодда эканлигини кўрсатиш учун шоир, ўз замонавий тушунчасига кўра, қимматли, нодир, нозик ашё доирасида ҳар хил метафоралар, ўхшатишлар яратади.

Ёр қуёш, ой, юлдуз, пари, муғбача ва ҳоказо билан зикр этилади. Унинг ёлғиз юзигина қуёш (офтоб)га, ой (моҳ)га ўхшатилади. Бундан ташқари, жононнинг юзи кўпинча гул (ҳар хил навлари) метафораси билан ёд қилинади. Гул, ғунча бошқа муносабатлар билан ҳам ғоят кўп қўлланади. 10

Қош кўпинча ҳилолга, қиличга ўхшатилади.

Киприк учун характерли метафора — ўқ (тир), ханжар, ништар. Бунда ўқ, ханжар ифода кучини зўрайтириш учун бирон сифатлаш — эпитет қўшилади:

Ҳар киприги бир наштар эрур заҳролуд.

Лаблар ғунчага, майга, лаълга, ёқутга ўхшатилади. Бунда кўпроқ порлоқлик — ранг ва ширинлик олдинга сурилади.

Бўй, қомат традицияга мувофиқ, ҳар вақт сарвга 20 ўхшатилади.

Кўзлар қора, йирик, қийғоч бўлиши керак. Улар нарғисга, оҳу кўзига ва ҳоказоларга ўхшатилади.

Оғиз кўпинча ғунчага: тиш — дурга, марваридга; юздаги хол — «қудрат қаламидан тушган» нуқтага, ёки кўп вақт, ҳиндуга ўхшатилади. Ёрнинг киприги «кўнгулни захмловчи», «заҳар олуд»; юз, рухсор — гул, ой, офтоб; шоирнинг қадди ғамдан «хам», ёрнинг қадди эса — сарв; ҳижрон — шом; кўз ёшлари — тўфон, қонли дарё, ёмғир; яна шам ила парвона ва бошқалар қўлланади. Янги сифатлашлар билан шоир эски бадий воситаларни янгилашга ҳам тиршади. 30

Навоийнинг поэзияси метафорикдир. Унинг ғазалларида метафоранинг кўплигидангина эмас, балки аксар ғазаллар бошдан охиригача мажозий равишда тузилади. Уларда ишоралар, рамзлар, киноялар катта роль ўйнайди. Навоийнинг метафоралари аксар ҳақиқатан чуқур, оригинал бўлади. Фикр ва нарсалар орасида кутилмаган, янги муносабатларни, янги томонларни очажак бир характердадир. Умуман, Навоийда сўз 40 юқори нарсаларга ишорат қилиши керак. Мумкин қадар, ҳар сўз ўз маъносидан чиқарилиб, янги маънога

кўчиртирилади. Шунинг учун Навоий поэзияси ранглар, рамзлар, ишоралар, кинолар билан тўлиб ётади. Ҳазалда образлар бир-бирининг ичига кириб, бир-биринга қуйилиб, тушунилиши оғир, мураккаб поэтик бирикмалар ташкил этади. Ҳатто, баъзан, бир мисрада ҳам сўзлар бирмунча маъноларга ишорат қилинадиган ажиб воситалар бўлиб келади.

Навоийнинг метафора ва ўхшатишлари традиция бўйича, истеъмождан чиқмаган андозалардан ташқари
40 жуда яққол, қиррали, салмоқли бир характердадир. Кўпинча биз унда ёйиқ — кенг картинали ва сер ифодали бадиний воситаларни кўрамиз. Бир мисрада маълум фикр баён қилиниб, кенгайтирилган, маълум картинани гавдалантирадиган ўхшатиш — қиёс иккинчи мисрада берилади:

Музтариб кўнглум аро ул юз хаёли айланур,
Мавжлуқ сувда қуёш акси нечукким чайқалур.
Боғ ичра санго сочи гул оқ, қизил яфроқ,
20 Шаҳ бошига андоқ эл оқу қизил ёрмоқ.
Ғарқи ишқ ўлдум кўнгулда, гавҳари ишқ ўйлаким,
Баҳр ародур, маскани бўлғай балиқнинг қурсоғи.
Бода гул-гул айламиш равшан узорнинг боғини.
Ўйлаким, сочқай сабо сув узра гул яфроғини.
Магарки кўз йўлдин оқти қон бўлиб юроким
Ки, тоғ этакларидек лолагун дурур этоким.

Навоий поэзиясида тазодлар катта роль ўйнайди. Тазодлар орқали Навоий фикрни қабартириб бернишга тирнашади:

Кирмиш қора туфроққа қуёшдек шоҳим,
30 Нечун қора қилмасун қуёшни оҳим.

Навоий метафора ва ўхшатишларида нарсаларнинг ташқи мушоҳадаларигагина эмас, кўпроқ, нарсалар, ҳодисалар, картиналар орасидаги ички мушобаҳадлар, боғланишлар, муносабатларга зўр аҳамият беради. Бунинг натижасида янги поэтик бирикмалар, янги поэтик мажозлар яратади, бадиний воситалари хазинасини бойитади, шеърнинг образлигини қуюқлаштиради. Бир мисрада ифодаланган поэтик маъно билан кейинги мисрадаги сўзлар орасида ички боғланишлар
40 топади, янги, мантиқан бир-биридан келиб чиққан ва бутун бир лавҳа чизади:

Қуёш киби юз ила тоғдек ғамин нетайин.
Менинги тоғ бошига етиб дурур қуёшим.

Ёки биринчи мисрада берилган фикр қуйида иккинчи бир факт билан тасдиқ қилинади:

Йўқ ажаб, эй гул, кўнгул захми аро новакларинг.
Расм эрур чун рахна бўлгон ерга қўймоғлиқ тикан.
Кўнглум бўлур ғаминг туни ҳар лаҳза қайғулуқ,
Чун шом бўлди ҳар нарса ортар қоронғулуқ.
Йиғласам кўнглумга ишим оҳи дард олуд эрур,
Ўтқаким ёмғир ёғар, онинг нишони дуд эрур.

Навоий поэзиясида классик адабиётга хос бўлган калимапардозлик, сўз санъати унсўрлари кўп учрайди. Бунда шоир сўзларнинг ташқи ўхшашлиги, ёки сўзнинг бир-бирига яқин бир қанча маъноларда ишлатилишидан истифода қилади: 10

Демамг ғамида йиғлама кўп ихтиёрсиз,
Беихтиёрликда манго ихтиёр йўқ.

Ҳақиқатда, эски адабиёт намояндалари сўз санъатига катта аҳамият ва маъно берганлар. У замоннинг поэтикаси буни қонунлаштирган. Энг атоқли шоирлар ҳам сўз ўйинига, фикрнинг бадий ифодалаш учун сўзлардан ҳар хил ялтироқ бирикмалар ясашга интиланганлар. Навоий, кўпинча, ўз кечинмаларини қабарикли ифода қилиш учун, бир мисрада маълум фикрнинг баён қилган сўзлардан иккинчи мисрада бошқа муносабат билан фойдаланади: 20

Ҳарир кўнглогу кўксин назора айламадим
Ки, кўнглок ўрнига кўксумни пора айламадим.

Навоий ғазалиётининг асосий мавзун ва баъзи бадий приёмлари билан қисқача танишдик. Лекин бу нарса ҳали дарёдан томчи қабилда. Навоий шеърида керак мазмун ва керак бадий форма жиҳатдан текширилажак моментлар кўп. Биз шу чоққача Навоий поэзиясининг баъзи характерли аломатларининг қайд қилиб ўтдик. Лекин Навоий поэзиясида ўтказилган идеяларнинг ижтимоий-синфий характер, бадий форманинг белгили идеология билан шартланганлиги, умуман, Навоий услубини туғдирган шароит ва ҳоказо масалалар қолдиким, асл илмий текшириш бусиз бўлмайди. 30

Ҳақиқатан, Навоий поэзиясининг ижтимоий-синфий мазмуни нимада? Унинг услуби қандай идеология билан шартланган? 40

- Буржуазия идеологлари, ҳар хил кўринишдаги пантуркистлар Навоий ҳаёти ва унинг ижоди ҳақида бирон тўлиқ илмий текширилган асар бермаган бўлсалар-да, шоирнинг таржимаи ҳол ва ҳаёти тўғрисидаги айрим мақолаларида, ўрта аср ўзбек адабиёти ҳақидаги умумий мадҳияларида уни ўз идеологияларига хизмат эттиришга тиришдилар. Навоийни пантуркист адабиётчи ва танқидчилар биринчи буюк турк миллатчиси, миллатчилик байроғини тарихда биринчи дафъа кўтарган бир шоир сифатида кўрсатишга уриндилар. Буюк шоир ижодининг асл ижтимоий-прогрессив моҳияти ҳақида сўзлаш эмас, балки, унинг турк халқларидан биронтасига мансубиятини ҳам инкор қилиб, бутун турк халқлари шоири каби кўрсатишга интилувчилар ҳам бўлган. Миллатчилар Навоийнинг ҳақиқатан кенг ва чуқур поэтик меросини текшириш — унга тарихий жиҳатдан тўғри баҳо бериш, ундан тўғри хулоса чиқариш ўрнига, турк тилининг бойлиги тўғрисида ёзган асарига суяниб, эрон тили ва маданиятига қарши турк тили ва турк маданияти учун курашчи каби кўрсатдилар. Иккинчи томондан, поэтик ижодда буюк шоирни оригиналликдан маҳрум қилиб, таржимачи, тақлидчи сифатида кўрсатувчилар ҳам оз бўлган эмас.
- Навоийнинг бутун ижоди ва шу жумладан, унинг ғазалиёти, умумтурк халқларининг аллақандай умумий идеясини эмас, балки ўз даври билан боғланган энгилфор, гуманистик қарашларни акс эттирди. Бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. У XV асрда темурийлардан Ҳусайн Бойқаро ҳузурда вазир бўлиб яшаган ва ҳаётида темурийлар сулоласидаги бутун разилликларни ҳам меҳнаткаш халқнинг оғир ҳаётини кўра олган, буларни ўз асарларида бадий ифодалаган шоир ва мутафаккирдир. У ўз фаолияти ва ижодида асосан прогрессив, халқчил идеологияни ўтказгандир. Навоийнинг бутун ижодиёти ва шу жумладан, ғазалиёти, гуманистик адабиётнинг энг порлоқ намунасидир. Биз кўрдикким, Навоий ғазалларида инсонга ва ёрга муҳаббат — асосий мотив бўлган...
- Ҳар бир даврда ҳоким мафкура ҳоким синфнинг мафкураси эканини Маркс таъкид қилади. XIV—XV аср ўзбек адабиётида ҳам ҳоким синф — хонлар, беклар, йирик мулкдорлар ва феодал даврининг катта маъмурлари ва ҳоказолар манфаати ва мафкурасини

ифодалаган адабиёт бўлган. Феодал идеологияси чуқур диний-схоластик руҳ ила суғорилган эди. Ҳар хил реал ижтимоий ҳодисаларни самовийлаштириш, уларга сирли ва қудсий маъно беришга интилиш кўрилар эди. Ҳукмрон доиралар эзилган халқ оmmasига ҳам шу идеологияни сингдириб, сирли занжирлар билан уни боғлаб, кучли эксплуатация учун боп замин ҳозирлашга уринар эдилар. Ишлаб чиқариш кучларининг ибтидоийлиги, хонлар, ҳокимлар, беклар орасида бўлиб турадиган тўхтовсиз урушлар, ташқи ва ички ҳарбий тўқнишлар натижасида юз берадиган талон-торож, харобаликлар халқ оmmasи ўртасида ҳам ҳар хил хурофотларнинг бўлишига йўл очар эди. 10

Феодализм даврида энг жиддий олимлар ҳам тушга, фол — ромга чуқур ишонганлар. Ҳатто, бундай хурофотни илм даражасига кўтариб, «туш илми», «ром илми» каби бир қатор айрим «илм»лар вужудга келтирганлар. Юлдузларнинг ҳаракати ва вазиятлари ҳам ё яхшиликка, ё ёмонликка, бахт ёки бахтсизликка ишорат қилади, деб ишонганлари учун, юлдузларга қараб иш қилиш феодаллар орасида жуда тарқалган бир ҳодиса бўлган. 20

Хонлар, беклар ўзларининг ўтакетган қўпол ниятларини, талон-торож учун қилган сафарларини диний хурофот пардаси ила ўраб, қудсий шаклда кўрсатишга тирншганлар. Улар турли авлиёлар билан муносабатда эканликларини, маълум вақтларда авлиёлар баъзи ишларни бажаришда таълимот бериб кетганлигини, қийинчиликка учраганда, хон, бекнинг тушида «Хизр алайҳиссалом» кўриниб, йўл кўрсатганлигини, қисқаси, феодалларнинг ерда қиладирган ишларига кўкдан бир қўл раҳбарлик қилишини бир ҳақиқат каби қабул қилдиришига тирншганлар. Эски тарихий асарларда реал тарихий воқеалар билан бир қаторда шундай мўъжиза ва кароматлар ҳам рост каби қайд этилади. 30

Феодал идеологиясининг асосий руҳи, мазмуни феодализм адабиётида акс этгандир.

Феодализм адабиётида дидактик, таълимий-ахлоқий асарлар ҳам учрайди. Бундай асарларда подшоҳга ва унинг хонадонига ҳурмат ва садоқат қилиш лозимлиги гапирилади. Бундай асарлар ҳоким синф манфаатларига тўғридан-тўғри қуроли бўлиб хизмат қила- 40

ди; ҳунарманд, деҳқон оммасини ҳам ҳоким синф идеологияси руҳида тарбиялашга тиришади.

Феодал адабиётида қасидачиликнинг инкишофи ҳам кўпроқ ҳоким синф манфаатларининг тақозоси натижасидир. Қасида шоҳга, шаҳзодаларга, бекларга бағишланар эди.

10 Навоий эса, буларнинг аксича, бутун ҳаётида халқ (ранят) ҳомийси бўлди, хонлар, шоҳларнинг зулминини фош қилди, юрт сўровчиларни адолатга, инсофга давват қилди. У умумхалқ манфаатларига хизмат қиладиган, инсонпарварлик ғояларини ифодалайдиган адабиёт яратди...

Навоий поэзияси халқнинг орзу-интилишларига, прогрессив доиралар психологиясига, уларнинг завқига мувофиқ бир поэзиядир. Албатта, Навоий ўзига қадар бўлган турк-ўзбек адабий анъаналарини, форсийгўй шоирлар поэзиясининг серзавқ мотивларини давом эттирди. Буюк шоир Навоий мазмун, шакл ва услулда Эрон поэзиясига яқинлашароқ ўзбек тилида 20 шеърлар ёзди. Зотан, Навоий ҳаёт кечириш қайғуси, подшоҳ ва беклардан инъомлар олиш орзуси билан саройга яқинлашган шоирлардан жуда узоқ эди. У замонасининг энг пешқадам маданий ва адабий арбобларидан эди. У, табиий, халқнинг орзу-армонларини улуглаш, маънавий камолотини бойитиш учун ёзди, бадний қийматлар яратди. Унинг шеър ва адабиёт ҳақидаги концепцияси, тарбия ва муҳити, мавқеи, олмос истеъдоди ва юксак онги ҳам шуни тақозо қилар эди.

30 Навоий ғазаллари учун характерли баъзи моментларни биз юқорида кўрсатган эдик. Нима учун ишқ ва май мотиви Навоий лирикасининг жавҳаридир?

Бу — қийин савол. Навоийда эмас, бутун XV аср ўзбек шоирларида (Лутфий, Атоий, Бобир ва ҳоказо) муҳаббат лирикаси ижоднинг асосини ташкил этади. Бу мотив эрон-тожик поэзиясида гуллаб, ундан XV аср ўзбек адабиётида мўл-мўл мевалар бергандир. Бу масаланинг чуқур ижтимоий-тарихий илдизларини очиб алоҳида атрофли текширишларни талаб қилади. Умуман, ўрта аср Шарқ адабий муҳитида, алалхусус, XV 40 аср теурийлар даврида шундай лириканинг инкишофи учун замин жуда мувофиқ эди. Ички, ташқи урушлардаги талон-торожлар, эксплуатация, йирик савдо

орқасида Ўрта Осиё аристократияси бойниди. У турмушни безашга тиришадн. Шеър, санъат ҳомийлари пайдо бўлади. Самарқанд ва Ҳирот каби марказларда аристократия кайф-сафо оламига шўнғийди. Юқори табақада киборона одатлар, расмлар кучаяди. Саройларда ҳашамат ортади, хазинани камбағаллашган халқдан ситиб, талаб олиб тўлдирдилар. Аристократия оламида ҳаётдан максимум лаззатланишга тамоийил ортади.

Самарқанд, айниқса, Ҳиротда аристократия аллақандай шоирона исмлар билан аталган боғчалар, гулзорлар, кўшклар ясайди. Саройларда, кибор доираларда катта умумий зиёфатлар тузиладн⁴. Нозик мавзуларда суҳбатлар, ичкилик, шеър ўқишлар, мусиқий ва ашула билан бирга ҳазил ва мутойиба аристократларнинг ўтиришларида лозим унсурлардан бўлиб қолади. Бу табақани ёлғиз дидактик асарлар қаноатлантирмайдн. Унинг ингичка завқига ҳамоҳанг лирика керак. Кайф-сафо оламининг энг жозибадор жилваси, ингичкалашган оқсуяклар ҳаётнинг эрмаги муҳаббат ва майдир. У замон аристократияси поэзиядан тематика кенглигини, ҳаётни танитадиган, фикрни бойитадиган мотивларни талаб қилмаган. Шеърда кўпроқ мусиқий, сўз беаги, чиройли сўз бирикмалари ва шунинг каби формал усталikka зеб берилган. Шундай қилиб, ҳоким синф поэзияси ичидан чириб бораётган, тарихий перспективадан маҳрум аристократиянинг кайфиятини акс эттирган...

Феодал идеологиясига хос бўлган бир чизги — ҳар нарсани символлаштириш, самовийлаштириш — шеърдаги образларни идеал равишда шакллайди. Хонзода, бегзодаларнинг ёри — ер гўзалига ўхшамаслиги керак. Шунинг учун ёрнинг гўзаллиги идеаллаштирилади. Жонли ҳаётдан узоқ, сайр-томоша учун, кўнгли очиш учун овларга чиқиб табиатдан фақат завқ қидирган, унга актив таъсир этмаган аристократия ҳаёт ва табиатнинг ранго-ранг бой манзараларини билмайди. Саройларда, боғчаларда яшаган гуруҳ муҳаббат лирикасига гуллар, ғунчалар, булбуллар, чаманзорларни

⁴ Зиёфатлар, агар тарихчилар лоф қилмаган бўлса, фавқулодда катта ва ҳашаматли бўлар экан. Аристократлар турмушидаги исрофгарчилик ҳаддан ташқари ўлчовларга етган.

мўл киргизади. Бундан ташқари, ўхшатиш, мажоз, истиораларда аристократ турмушида роль ўйнаган, унинг назарида чиройли ва қийматли бўлган дур, ёқут, ақиқ, лаъл ва ҳоказолар кўпроқ қўлланади.

Навоий поэзиясида ҳам ишқ-муҳаббат ва май сероб, уларнинг ифода шакллари (либоси)дан фойдаланиш кучли, аммо шоир уларга юксак маъно берди, инсоний фикр ва туйғулар билан бойитди, чин муҳаббатни куйлади, севгида вафодорлик ва бевафолик ҳақида

10 ажойиб шеърлар яратди. Алишер Навоий ўзига қадар бўлган зангин илм ва санъат хазиналаридан дурдоналар тераркан, давлат арбоби вазифасида жамоат учун фидойилик билан ишларкан, юрагида кўп тоза фикрлар, халқ қайғуси, халққа бўлган муҳаббати, инсонпарварлиги ривож топди, аристократлар, подшоларнинг разил ҳаётидан нафрат қилди.

Навоий ғазалларидаги ишқ ва майни бир кўп олимлар илоҳий характерда эканини, шоир оллоҳ ва унга эришувни символлик образ билан ёр, жононга бўлган

20 ишқ шаклида тараннум этганини сўзлайдилар. Навоий лирикасидаги муҳаббат тароналарига ялписига бундай киноявий-аллегорик рамзий маъно бериш, менимча, янглишдир... Тўғри, улуғ Навоий уларнинг шакллари-дан, безакларидан, ранг-баранг либосларидан инсонга бўлган чуқур муҳаббатини ифодалаш учун танқидий истифода этди.

Ҳақиқатда, Навоийдаги ишқ мистик идея билан боғланмаган ишқдир. Албатта, Навоийда баъзан мистик, сўфиёна шеърлар, айниқса, уларнинг истилоҳлари уч-

30 райди. Аммо унинг поэзиясида бу нарса янги дунёвий маъно касб этгандир ва ортиқ даража нафис шаклга киргандир... Кўп шеърларида айрим деталлар ишқнинг ҳеч қандай мистик идея билан боғланмаганини очиқ кўрсатади. Муҳаббат дарёси, май, маҳбуб ҳақидаги юксак куйлар шоирнинг дунёвий, ҳаётбахш ижод хазинасини ташкил этади:

Англамон Жайхундаким, ул кема бирла сайр этар,
Ё ҳилоли меҳр аксин эл кўрар Жайхун аро.

40 Жайхун дарёсида кемада сайр этган гўзални қандай қилиб тасаввуфга боғлайдилар?

Ўзбек, мўғул ўлғай анинг олида мусулмон,
Билмон ани қалмоқмудур. йўқ, эса тўғмоқ.

Бу парчада зикр этилган ёр қандай қилиб сўфий идеясига символ бўлсин? Баъзан шоир ҳеч қандай шубҳа туғдирмайдиган ишқий ҳикоя беради:

Утган кеча мен эрдиму ул саймтан эрди,
Гулшан тўрида масканимиз бир чаман эрди.

Гулбун аро икки кишига сиққуча манзил,
Булбул била гулдек иккимизга ватан эрди.

Лола киби ёқут қадаҳ — йўқ тубида дурд,
Бир шиша май андоққи, ақиқи Яман эрди.

Майни ҳам ҳар вақт тасаввуф термини, бир символ 10
каби тушунтирувчилар кўп. Гўё, шариат томонидан
май ман этилгани учун поэзияда май ва уни мақташ
албатта киноявий маънода бўлиши керак. Ҳақиқатда
эса, дунёнинг ҳар турли лаззати фақат меҳнаткаш ом-
ма учун ман этилган эди. Аристократия, ҳоким синф
ҳар хил завқ-сафодан қўл тортмаган. Феодализм даври-
да май — чоғир ичиш юқори табақада ғоят тарқалган
бир ҳодиса эди. Хон саройларида ва кибор доираларда
чоғир базмларини кунлаб, ҳафталаб, ҳатто ойлаб
давом этганлигини маъҳазлар билдиради. Ичкиликка 20
ва завқ-сафо мажлисларига ҳатто дин ва шариат қў-
риқчилари бўлган уламо ва шайхулисломлар ҳам мубта-
ло эдилар. Чунки руҳонийлар ҳам аристократлашиб,
унинг одат, расмларини қабул қилган эди. Академик
В. В. Бартольд «Улуғбек ва унинг замони» деган аса-
рида Самарқанд шайхулисломи ўз уйида базмлар
ясайтурғонини ва шундай базмга бир дафъа ашулчи
хотинларни ҳам таклиф қилганини ёзади. Шоирлар
орасида ҳам май жуда расм бўлган. Навоий «Мажоли-
сун-нафоис» асарида бир қанча шоирларни майга туш- 30
кун эканликларини сўзлайди. Жумладан: «Мавлоно
Ҳайдар котиб — чоғир ани андоқ мағлуб қилиб эрдик-
ким, ихтиёри ҳеч ишда йўқ эрди». Сўнгра, Навоийда
май кўпинча ўзининг бутун хислатлари билан ялан-
ғоч тасвир қилинади. Мана шоир бир ерда майни қан-
дай тавсиф қилади:

Соқнё, тут қадаҳи шоҳона.
Қатраси лаъл, вале як дона,
Лаъл кони каби хумдин чиқибон,
Лаълдек дона узумдин чиқибон.

40

Лекин Навоийнинг ҳар бир газалидаги ишқ ва майни ҳақиқий маъносидан англаш ҳам янглишдир. Нечун? Чунки, Навоийда тасаввуфнинг ҳукмрон ислом ақидаларига қарши идеяларни тараннум этган газаллар учраганидек, аксар газалларида ишқ ва май, ёр, уни соғиниш, мақташ, айрилиқ ва ҳоказо киноявий маънода бўлиб, инсоннинг маънавий камолоти ҳақидаги юксак орзулар, фикрларни ифода қилади. Навоий поэзиясида сўфиёна ифодадалар, тароналарнинг асл маъносини яхши

10 фаҳмламоқ учун биз бу ерда тасаввуф — сўфизм ҳақида қисқача маълумот берамиз.

Ҳижрий II—III (мелодий XI) асрда пайдо бўлиб, шайхлар, сўфийлар ва уларнинг шоғирдлари томонидан халқ оmmasи ичига тарқатилган тасаввуф — сўфийлик диний-фикрий ўта идеалистик, хурофий бир таълимотдир. Минг йиллик тарихга эга бўлган, мусулмон мамлакатларида фалсафий, адабий фикр тараққиётига, ҳатто сиёсий тузумларга чуқур таъсир кўрсатган, турли ижтимоий-иқтисодий шароитда бир қанча

20 ўзгаришларга учраган тасаввуфнинг моҳияти ва тарихий инкишофи ҳақида марксистик асарлар энди кўрина бошлади. Шунинг учун бу тўғридаги мулоҳазаларим масалани умумий равишда ойдинлаштира олади. Сўнг-ра, бу ерда тасаввуфга онд ҳар томонлама, тафсилли текширишларга ҳожат ҳам бўлмаса керак. Сўфийлик⁵ бошланишда, «асл ва тоза» шаклида расми исломга, унинг доғмаларига, расми шарнатга қарши бир реакция каби зуҳур этади. У ислом ақидаларини емирмоқчи бўлади. Тасаввуфнинг қандай ижтимоий, иқтисодий шароитда ва қандай фикрий таъсирлар остида келиб чиққанлигини ҳозирча қўя туриб, унинг баъзи муҳим, асосий томонларини кўрсатишга тиришамиз.

30 Тасаввуф аҳли — сўфийлар, гўё, ҳақиқат қидирадилар. Буюк, оламшумул ҳақиқат эса, оллодир. Оллони таниш, идрок этиш керак. Исломнинг фарз, суннат ва бошқа йўл-йўриқларини бажариш билан ҳақиқатга, оллога етиб бўлмайди.

Исломий эътиқод билан оллога эришув мумкин эмас экан, ақл ва мантиқ пла-чи? Сўфийлар инсон

⁵ Сўфий сўзининг манбан ҳақида турли қарашлар бор. Бир қўп текширувчилар сўфий — арабча «суф»дан келиб чиққан, «суф», юнг, дарвинининг қўпол юнг хирқасига нисбатан бу исм ясалган дейдилар.

ақли ва мантиқнинг кучига сира ишонмайдилар. Ҳақиқатга олиб боришда ақл тамоман ожиздир. Шунинг учун фалсафа, мантиқ ва бошқа фанлар билан машғул бўлишнинг маъноси йўқ, дейди сўфийлар. Булар сўфийларнинг қарашича, ҳақиқатни гидрок этишга заррача манфаат етказмайди. Олимлар инсонни бузади. Ҳақиқатга — оллога эришув учун энг тўғри йўл қайси? Сўфийлар бунинг учун мураккаб система, бутун бир таълимот вужудга келтирадилар. Ҳар қандай ақлга ва мантиқий далилларга душман бўлган сўфийлар оллога эришув учун иррационал бошланғични, интуицияни олга сурадилар. Ҳақиқатга бош билан эмас, ҳис-сезгиларнинг манбаи ҳисобланган кўнгил — қалб ила етишувни даъво қиладилар. 10

Сўфийлар қарашича, бутун олам — моддий борлиқ ҳақиқий бир нарса эмас, бу дунё зоҳирийдир. Асли ҳақиқат, оллодир, у вужуди мутлақдир. Атрофимизни ўраган табиат, ундаги нарсалар ва ҳар хил ҳодисалар ўша вужуди мутлақнинг бир инъикосидан бошқа нарса эмас. Олло ўз дийдорини томоша учун, гўё олло унга ошиқ каби, бу дунёга аксини солган. Оламда оллонинг ўзи тажаллий қилиб, гўё унинг ичида эриб кетади. Ваҳлади вужуд, пантеизм аталган бу қараш тасаввуф таълимотининг таркибий қисмларидандир. 20

Инсоннинг моддий — жисмоний борлиқнинг ҳар хил талаб ва эҳтиёжларини ўтамак қайғуси уни оллодан узоқлаштиради, дейди сўфийлар. Оллога эришув учун инсон ўз руҳини жисмоний — моддий тазйиқдан, унинг оғирлигидан қутултириши керак эмиш. Худога етишмак, у вужуди мутлаққа қўшилмоқ истаб сўфийлик йўлига кирган киши, бу йўлда баданнинг эҳтиёжларини — нафсини ўлдириб бориши керак. «Фақирлиқ»ни қабул этган киши бутун дунёвий ишлардан, мол-мулкдан, оиладан, баданга лаззат, завқ берувчи ҳоллардан воз кечиши, аксинча, зуҳдга, риёзатга аҳмият бериши лозим. Бунинг учун кўпол кийимлар кийиб, оз ва ёмон овқат еб, баданни қийнайдиган турли воситаларга мурожаат қилиб, ҳатто баданини қамчилаб бўлса ҳам секин-секин ўз руҳини бадан нафсининг кишанидан халос қилиш сўфийга буюрилади. Бу ишнинг ҳаддига олиб борилишини сўфийлар «фано» деб атайдилар. Бу даражага етганда сўфий вужуди мутлаққа қўшилар эмиш. «Фано деб, баданнинг худо тара-

- фига сайрининг интиҳосини айтур» («Нафоҳатул-унс»). Фақат, сўфий «фақирлик мартаба»сини ўтганда, сўфий бу дунёдан қўл узгани каби нариги дунёдан ҳам қўл узиши керак эмиш. Яъни, сўфийда жаннат, дўзах, савоб, гуноҳ каби мусулмонлар ўйлайдиган андиша бўлмаслиги керак, унинг риёзати фақат олло учун эмиш: «Сўфий жамоли азалийни мушоҳида қилмоқ билан ва зот лам язалнинг муҳаббати бирла иккала одамдин маҳжубдур. Дунёдин нечукки, майлини ёндурубдур, 10 охиратдин ҳам шундоқ майлини ёндурубдур» («Нафоҳатул-унс»). Шундай қилиб, тасаввуф таълимотида фақирлик, риёзат чекиш ила «ўз вужудини илм ва маърифатнинг доирасидин, балки вужуддин хориж қилиб», сўфий интуицияси илҳом билан, мувожаба ва экстаз билан «оллонинг сиррига воқиф» бўлар эмиш. Ислом тасаввуфини таркиб этган фикрлар қайдан келди, қандай диний-фалсафий фикрлар таъсири остида у зуҳур этди — деган саволга турлича жавоб берадилар. Табиий, сўфизм ишланган тайёр бир система 20 ҳолида юзага чиққан эмас. У тараққий этди, турли даврда, турли сиёсий-ижтимоий шароитда, турли фикрий таъсирлар остида ўзгаришларга учради. Унда буддизм, зардуштийлик ва грек фалсафаси — неоплатонизм таъсирлари борлиги маълум. Лекин унинг баъзи унсурлари тўғридан-тўғри ислом динидан кўчирилиб тараққий эттирилган. Масалан, аскетизм — зуҳд исломий унсур эмасми? Тарки дунё қилиш, риёзат чекиш фойдаси, охират азоблари ваҳимаси билан инсонларни дунёдан бездирув, умидсизлик ва ҳоказо ислом унсурларидандир. 30 Ислом жанговар бир динга айланиб, Шарқнинг бой мамлакатларини янги дин тарқатиш ниқоби остида араб халифалари ўзларига қарам қилиб олгач, шу босиб олинган ўлкалардаги бойликни талашга тиришдилар, диндаги аскетизм унсурларини рад қилдилар. Тасаввуф исломдаги аскетизмни яна тиклади, яна кучайтирди. Неоплатонизм қадим Юнон фалсафасининг энг сўнгги мактабларидан. Бу мактаб Искандарияда, Сурияда (III—IV асрларда) тузилиб, сўнгра Афинада ҳам бир қанча вақт давом этади. Неоплатонизмнинг илк катта намояндалари Платон, Евлих ва 40 Проклдор. Мелодий 529 йилда император Юстиниан Афинада платонизмни ман этмишди. Лекин бу фалсафа Сурияда ва бошқа Шарқ мамлакатларида кенг тар-

қала бошлади. Неоплатонизм Платон (Афлотун) фалсафасининг Шарқ диний-фалсафий қарашлари билан қўшилишидан иборатдир. Неоплатончилар Афлотуннинг идеялари ҳақидаги таълимотидан келиб чиқади-лар. Афлотуннинг идеялар таълимотининг моҳияти шундан иборат: сезгиларимиз орқасида идрок қилдигимиз борлиқ дунё, чин мавжуд бўлган дунё эмас. У абадий мавжуд ва ҳақиқий идеялар дунёсининг инъикосидир. Идеялар дунёнинг фавқиндадир. Улар дунёдан олдин мавжуд эди. Шунинг учун бу дунёдаги нарсаларни англаш — идеяларни эсга олиш, хотирлашдан бошқа нарса эмас. Неоплатончилар эса, нарсаларнинг моҳиятини идея деб ва идеяларни оллонинг фикри сифатида тавсиф қиладилар. Неоплатонизм эмонацияни — тубан формалар олий формалардан вужудга келиши фикрини олға сурди. Шундай қилиб, олам яратилиши олло идеясининг эмонацияси, деган тасаввур ўртага чиқди. Неоплатончиларга кўра, энг олий муассис оллодир, ундан эмонация натижасида логос — идеялар ташувчи ва уларнинг макони пайдо бўлган. Бундан эса жаҳоннинг руҳи — жони, бунинг фаолияти натижасида, идеяларда бўлган намуналар шаклида нарсалар пайдо бўлган. Инсон руҳи ҳам илоҳий логосдан туғилиб, улвий, юксак ҳаётдан оддий ва муваққат яшаш даражасига тушгандир. У янги руҳлар, идеялар оламига мансуб эмас. Лекин шу ерда турган замонда ҳам оллога яқинлашув мумкин. Қандай қилиб? Ақл билан эмас. Балки, бутун ҳиссий дунёдан алоқани узиб, руҳий мувоқабат, айрим руҳий ҳолат билан бўлиши мумкин.

Бу неоплатонизм қарашлари ислом тасаввуфига кучли таъсир қилган.

Сўфийлар оллога етишаман деб зикр, самоъ ва ҳар хил ҳаракатларни ҳушдан кетганча бажарадилар. Сўфийликнинг жуда кўп «усул ва одоби» бор. Тасаввуф йўлига кирган киши — мурид аввало бу соҳада «кармат»лари билан танилган «устод»га — шайх, пирга соҳиб бўлиб, бутун ихтиёрини унга топшириб (қулдан ҳам баттар) кўп йиллар хизмат қилиши керак. Муриднинг пирга муносабати, хизматлари ва ҳоказони белгиловчи жуда кўп қонда ва дастурлар яратилган. Сўфийликнинг бир қанча босқичлари бўлади. Мурид ҳар бирини садоқат билан ўтиши лозим. «Тариқат», «ҳидоят», «маърифат» босқичларини ўтгандан сўнг,

«юқори босқичга» — «ҳақиқат»га эришади. Ҳар босқичнинг махсус вазифалари бўлиб, сўфий шу кўрсатилган доирада фаолиятга берилади. Сўнгги босқич ўтилгач, унинг учун ҳеч қандай қайд-қуйд йўқ. Ман худоман, ҳам дея беради! Шундай қилиб, «олний даражага» эришган сўфий ўз атрофига «ёш сўфийларни» тўплаб, уларга «раҳбарлик» қилади.

- Ислом тасаввуфи тарихида баъзи сўфийларнинг шариатни, расми исломнинг баъзи томонларини инкор қилиб, уламо-шариатпарастлар томонидан ўлдирилганликлари, юртдан-юртга қувилганликлари маълум. Лекин бир кўп сўфийлар, шайхлар расми ислом асосларини бузишга ботинмаганлар. Айрим вақтларда эса шариатпараст бўлиб, ислом асосларини мудофаа қилганликлари ҳам кўрилади. Ҳар қандай бўлмасин, тасаввуф реакцион таълимотдир, ислом тасаввуфи ҳам бир диндир. Ҳар бир дин асосида мистика, хурофот ётади. Тасаввуф ислом хурофотини қуюқлаштиради. Бу таълимот эзилган, нодон, қашшоқ омма орасига кириб, уни хурофот занжирлари билан маҳкамроқ боғлади. «Тарки дунё» қилиш кераклиги, дунёнинг «пучак пулга арзимаслиги», ҳаёт завқидан қўл силташ лозимлиги ва ҳоказо ила халқнинг ғайратини бўғди. Эзувчиларга қарши кураш руҳини синдирди. Бу таълимотдан ҳоким синфлар ўз манфаатлари учун фойдаландилар. Чунки, сўфийлар таълимотида тарбияланган меҳнаткаш омма эксплуатацияга, зулмга қарши кураша олмасди. Чунки, сўфийларга кўра, дунёда турмушни яхшилаш керак эмас, киши қанча эзилса, қанча қашшоқ бўлса, шунча яхши. Бу билан у оллога етишади!

- Бундан ташқари, сўфийлар, пирлар, шайхлар ҳар ерга хонақоҳ, тақя қуриб, «каромат», «мўъжиза», «кашфлар» ихтиро қилиб, халқ кўзини бўядилар. Халққа «тарки дунё»ни ташвиқ қилиб, ўзлари назр-ниёз ила бойлик тўплашга киришдилар.

- Шундай қилиб, исломни қабул этган мамлакатларда расми ислом намояндаларни — уламо ва руҳонийлардан ташқари таловчиликда булардан қолишмай-дирган бир гуруҳ шайхлар, зоҳидлар, ҳар хил «тарикат» аҳллари ва бу йўлда етишган жоҳиллар пайдо бўлиб, оммани жаҳолатга сургадилар. Уни дунёдан, ҳаётдан, курашдан мавҳумот, хурофот ботқоқлигига тортдилар. Оммада бўлган жонли фикрни, туйғу-

ни, соғлом инсоний орзуларни ўлдириб, ҳаёт ва табиат гўзалликларини қора бўёқларга бўяб кўрсатиб, бу ҳақиқий дунёни «бахил — ёлгон» деярак, «фано филлоҳ» бўлишга ташвиқ, тарғиб этган бу диний маслак намояндалари халқ танида микроб каби яшадилар, энг зарарли фикрлар ила халқ кўзини боғлаб, унинг молини талаб едилар. Гўша, таёя, хонақоҳларидан ҳар ёққа зулмат таратдилар. Баъзи шайхлар ҳар хил «мўъжиза», «каромат»лар қилганликларини, «худога этишганликларини»⁶ шогирдлари орқали тарқатиб, 10 соддадил одамларни ўз атрофларига тўплаб, катта нуфузга эга бўлганлар. Бир гуруҳ фанатикларни орқаларидан эргаштириб, бу кучга суянароқ жамиятда тескаричи фикрларни мудофаа қилганлар. «Тарки дунё» қилиб, «оллодан ўзга» ҳеч нимани танимасликка даъват этган сўфийларнинг ўзлари обрў орттириш, молмулк йиғиш мақсадида кўпинча подшоҳларга, вазирларга, бекларга яқин бўлишга тиришганлар. Халқ орасида «азиз-авлиё» номини олган баъзи сўфийларнинг фақирликка эмас, муридларига суяниб, подшоҳ 20 тахтини эгаллашга, нафсни шу дунёда биратўласи қондиришга тиришганликлари ҳам маълум.

Диний, ўта идеалистик, мистик фалсафий фикрларнинг ажойиб бир шаклда қоришмасидан иборат бўлган ислом тасаввуфи ижтимоий ҳаётда доимий силкинишлар юз бериб, иқтисодий фалокатлар кучайган, эксплуатация зўрайиб, қашшоқлик, ҳақсизлик, зулм авж олган замонларда зуҳур этмишдир. У, Эрон ва Ўрта Осиёда ижтимоий, иқтисодий қийинчиликлар ўсган, сиёсий истилолар натижасида юз берган талон-торожлар даврида омма орасига кириб чуқурроқ илдиз отган. Табиий, тасаввуддан ҳар қаерда ҳам ҳоким синф — феодаллар идеологик бир қурол сифатида яхши фойдаланиб келганлар. Шаҳар ва қишлоқларни кезган содда кўчманчилар орасига суқулиб кирган шайхлар, дарвишлар омма ўртасида энг зарарли фикрларни ташвиқ этиш билан ғаддорларнинг, таловчи хонлар, феодаллар, бекларнинг манфаатига хизмат қилганлар. 30

⁶ Сўфийлар орасида «аналҳақ — мен худо» деярак, худолик даъво қилганлар ҳам оз эмас. Мансур Ҳаллож — машҳур сўфий, худолик даъво қилгани учун шариаатчилар томонидан ўлдирилган эди.

Тасаввуф бадий адабиётга ҳам чуқур таъсир кўратади. Эрон, Туркия, Озарбайжон, Ўрта Осиё адабиётларида тасаввуф асрларча ҳукм суради. Шундай қилиб, тасаввуфий адабиёт вужудга чиқади. XII асрдан бошлаб сиёсий, ижтимоий силкинишлар, ўзаро урушлар Эронда тасаввуф адабиёти инкишофига замин ҳозирлади. Сўнг — XIII ва XIV асрларда — Чингиз ва Темур истилочиларининг Эронда ясадиғи қонли манзаралар, шаҳарларнинг емирилиши, ўн минглаб аҳолининг кесилиши ва бошқа зулм, ҳақсизликлар Эрон адабиётида тасаввуфнинг ҳукм суришига йўл очди. Саноний, Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий, Жомий каби шоирлар ўзларининг бир қанча асарларида сўфийликни тараннум этадилар... Баъзи шоирлар тасаввуфни шеърӣ ижод учун фалсафӣ мавзу қилиб сўфиёна руҳдағи лирик ғазаллардан қалин девонлар тузадилар.

Мазмун ва шакл жиҳатидан Эрон адабиётининг кучли таъсири остида ўсиб чиққан Ўрта Осиё адабиёти ҳам тасаввуфӣ руҳдан батамом қутула олмади... Зотан, сўфизм Ўрта Осиё турк халқлари ўртасида кўпдан тарала бошлаган эди. Туркий тилда биринчи мартаба сўфиёна шеърлар («Ҳикматлар») ёзган, кўчманчи аҳоли орасида диний-мистик қарашларни ёйган катта шайх — Аҳмад Яссавий XII асрда яшаган бир шоирдир. Лекин унинг сўфиёна шеърлари омма орасида жуда кенг тарқалган бўлса-да, XV аср ўзбек адабиётига унинг таъсири кўринмайди. Шоирларимиз Эроннинг сўфийлик поэзиясига тақлидан ўз ғазалларида айрим тасаввуф мотивларини тараннум қилдилар.

Тасаввуф поэзия учун гўё фалсафӣ бир мавзу бўлиб қолди. Шоирлар орасида дарвишлари бўлгани каби, ҳаётда сўфийликдан узоқ турган, лекин тасаввуфга бир нав фалсафа, бир нав ҳур фикрлилик каби қараган, ўз ижодида тасаввуф асосларини ифодалашга қизиққан шоирлар ҳам кўп эди.

Поэтик ижодга мавзу бўлган тасаввуф натижасида поэзияда маълум мистик маънони, мистик кечинмаларни ифодаловчи рамзлар, ишоралар, таъбирлар системаси яратилади. Поэзия умуман символик характер касб этади. Сўфий поэзиясида ифода воситалари — ўхшатишлар, истиоралар, мажозлар ортиқ ишланган, шаклга кирган бўлиб, улар белгили сўфий тушунча-

ларни ифода қилиши керак. Сўфий поэзиясида бир кўп рамзлар, ишоралар, таъбир ва ифодалар шу поэзиянинг умумий бадий воситалари ҳолини олади. Айни бадий воситалар маълум маънони ифода қилиш учун турли шоирлар томонидан баъзан ҳеч қандай ўзгаришсиз қўллана беради. Сўфиёна шеърларнинг услуби дунёвий ишқ-муҳаббат поэзиясининг услубидан деярли ажралмасди. Ҳақиқий сўфиёна ғазалларда ҳам ҳар вақт ишқ тараннум этилади. Шоир ёрнинг, маҳбубнинг гўзаллигини тасвирлайди, ошиқ шоир ўз гўзаллини соғинади, ундан висол тилайди, баъзан у билан бирга май ичишади ва ҳоказо. 10

Сўфиёна шеърлар ҳам биринчи қарашда чинакам оддий инсоний ишқ тараннуми бўлиб кўринади. Лекин дунёвий поэзиянинг ҳақиқий севги мазмунига мутасаввуф шоирлар тасаввуфий маъно берганлар. Тасаввуф поэзиясидаги ишқ, ёр, жонон, май, майхона, соқий ва бошқалар бирор рамз, киноядирлар. Оддий инсоний эҳтирослар, баъзан жуда кўпол, ғайри ахлоқий, тизгинсиз, шаҳвоний майллар ила тўлган шеърлар — сўфий поэзиясини яратувчи тимсол тилга мувофиқ — «тариқат»нинг «нозик» жиҳатларини ифода қиладилар. 20

Навоийда сўфийликнинг расми ислом ақидаларига зид қарашлар руҳида ёзилган бир қанча ғазаллар ҳамда тасаввуф «назарияси»ни ва сўфиёна ахлоқий таълимотни изоҳлайдиган айрим асарлар учрайди. Умрини фан ва адабиётга, давлат ишларига бағишлаган шоир «ботини илми» дейилган тасаввуф билан ҳам бирмунча шуғулланган. 30

Унинг «Ҳайратул-аброр» асарида (Низомийнинг «Махзанул-асрори», Жомийнинг «Тухфатул-аҳрор»ига яяриб ёзилган) айрим тасаввуфий ахлоқий шарҳлар йўқ эмас. Бундан ташқари, Шарқнинг машҳур сўфий шоири Фаридиддин Атторнинг «Мантиқут-тайр» номли асарига муқобил «Лисонут-тайр» каби тасаввуфий асослардан холи бўлмаган ҳикоялар ҳам мавжуд бўлган манзум асари бордир. Навоий Жомийнинг тарихда машҳур бўлган сўфийлар, шайхларнинг ҳаёти ва тариқатларига оид «Нафоҳатул-унс» отли катта асарини бир кўп пловалар, тўлдиришлар ила ўзбекчага таржима қилади. Тасаввуфга оид асарлари тасаввуф билан шоирнинг жиддий мароқланганини исбот этади. 40

Бобир ўз асарида Қамолиддин Ҳусайн ҳақида гапирар экан, Навоийнинг тасаввуфга муносабатини ойдинлаштирадиган бир моментни қайд этганини кўрамиз: «Қамолиддин Қозаргаҳий эрди, агарчи сўфий эмас эди, мутасаввуф эди. Алишербек қошида мундоқ мутасаввуфлар йиғилиб ва важд ва самоъ қилурлар эди». Лекин Навоий ҳақида ёзилган асарларда кўпинча шоирни дунёдан, давлат ишларидан ўз ихтиёрича қўл узиб, фақирлик йўлига кирган, «гўшаи унзво»га

10 чекинган бир дарвеш қилиб кўрсатадиларким, бу нарса тарихий фактларга танқидий қарамасликдан келиб чиққандир. Навоий ҳеч вақт сўфий, дарвеш бўлган эмас. У халқни «тарки дунё» қилишга эмас, турмушини яхшилашга чақирган. Илм ва санъатни севган, моддий ва маънавий ёрдами билан илм ва санъатнинг тараққийсига бениҳоят катта ҳисса қўшган. У муаззам иншоот ишлари билан турмушни яхшилашга, безашга, маданиятни олга суршга бутун умрида тинмай ғайрат кўрсатган ўтқир сиёсатчидир. Шоир ҳаётни ўлдиргич

20 сўфия тариқатига кириб, асло дарвеш бўла олмасди. Ҳақиқатда, Навоий то ўлимга қадар ҳаётдан, сиёсатдан, жамият ишларидан қўл узган эмас. Сиёсий қарашларнинг мувофиқ тушмаганлиги ва бошқа вазир, бекларнинг интригалари — фитна ва иғволари орқасида подшоҳ билан шоирнинг ораси бузилиб, расмий давлат вазифаларидан бўшаган замонларда ҳам Навоий дунёдан, сиёсатдан қўл узмайди. Навоий феодал давлат ташкилотининг маҳкамланиши учун ишлайди, ичдан бузилиш, парчаланнишларга қарши бутун

30 куч ва қобилиятини ишга солади. Навоий ҳаётининг сўнгги йилларида Султон Ҳусайн болалари кўтарган тўхтовсиз исёнларни бартараф қилишда қандай буюк роль ўйнаганини биз асарнинг таржиман ҳол қисмида кўрсатган эдик.

1477 йилда Жомий томонидан Навоийнинг нақшбандий тариқатига киргизилганлигини ва шоирнинг «тарки дунё» қилганлигини маълум мақсадда «рўкач қилиш» характерида эканини ва бундан бир оз кейин Навоий давлат ишларида аввалгига нисбатан муҳим-

40 роқ, каттароқ роль ўйнай бошлаганини академик В. В. Бартольд ҳам қайд этади.

Навоий учун тасаввуф асосан «бир маънавий фалсафа», расми шарнатга қараганда кенгроқ бир идеоло-

гня, поэтик ижод учун олам картиналарини исломга қараганда бошқачароқ очадиган қарашлар системасидан бошқа нарса эмас.

Навоий дин ва тасаввуф ниқоби остида халқни алдаш эвазига кун кечирувчи шайхлар, зоҳидлар, вонизларни савалайди, уларнинг бутун кирдикорларини, айёрликларини, рибкор ва мунофиқликларини очиб беради. Навоий ғазалларида ва бошқа асарларида турли муносабат билан шайхларни — элни овлашдан бошқани билмаган, динни, хонақоҳни қорин тўйдириш учун қурол қиладиган тариқат раҳбарларини аччиқ, лекин ҳақиқатнинг тили билан узиб олади. Уларнинг жоҳил, нодон, ёлгончи таловчилар эканини кўрсатади: 10

Хонақоҳда ҳалқан зикр ичра ғавфо қилди шайх,
Аҳли диллар нақд авқотини яғмо қилди шайх.

Ул бири дом эрди, бу бир дона эл сайди учун,
Ҳар қачонким азму тасбиҳу мусалло қилди шайх.

Ё хаёли банг, ёхуд хонақоҳ фикри эди,
Ҳар каромоту мақомотики ифшо қилди шайх.

Каф сочиб, фарёд этиб, секриб, паривашларни сайд
Қилғоли девоналиғлар ошкоро қилди шайх. 20

Тўқ чиқиб хилватдин ўзни рўза деб жуҳҳолдин,
Асру кўп нодонни ўз таврига шайдо қилди шайх.

Бовужуди масху нодонлиғ мурид айлар учун,
Кўп ўзининг масху нодонлиғни пайдо қилди шайх.

Дайр пирининг муриди менки, файзи ом эрур,
Хонақоҳда файзи ом элдин тамонно қилди шайх.

Дайр аро тинди қулоғим, роҳибо, зикринг бахайр,
Ким саҳар зикр айтурида кўп алоло қилди шайх.

Эй Навоий, хирқасин берди, каромат айлади,
Ким манга тартиби важҳи раҳни саҳбо қилди шайх. 30

Шайхларнинг зикр, тоати, равзаси, каромати ва ҳоказосини фақат рибдан, фақат ёлгончиликдан бошқа нарса эмаслигини шу ғазалда шоир гоят усталик билан кўрсатади. Халқни «олло жамоли билан нурлантириш» пардаси остида хонақоҳларда ўчоқ қурган шайхларнинг бузуқиликка, фаҳшга, сафоҳатга ботганликларини — «париваш»ларни овлаш учун уринганликларини қайд этади.

Мана шайхлар учун яна бир ўлдиргич характеристика:

Еруғлиқ эмас мумкин андинки бор
Залолат тариқида афтода шайх.

Риё баҳри ичра тамаъ заврақин
Солибтур, асодин тутуб хода шанх.

- Риёкор, мунофиқ, алдамчи шайхларни ва уларнинг кирдикорларини, хонақоҳларда бўладиган бутун чиркинликларни Навоий жуда яхши ва нозик англайдн.
- 10 «Ҳайратул-аброр»нинг бир мақоласида шундай шайхларнинг — «риёи хирқапўшлар»нинг чиркин одат ва ахлоқларини, найрангбозликларини ғоят тўғри — ҳаққоний чизиб беради. Шайхларнинг ягона мақсади алдаш, авраш, халқни овлаш экани ўқувчига яққол кўринади. Бу муҳитнинг тасвирида Навоий чуқур санъаткор, реалист шоир. У риёкор шайхнинг образини ғоят тўғри кўрсатади. Бу ҳақда ўқувчига бир қадар тасаввур бериш учун айрим парчаларни келтирамиз:

- 20 Эски амомаки бўлуб печ-печ,
Печдин ўзга нима йўқ анда ҳеч.

Қайси асо ҳийла уйига сутун,
Кош синиб ул, бу уй ўлгай нигун.

Турфа соқолин осибон кулгудек,
Эгри йиғоч узра чиқиб ўчкудек.

Ўчкуча ҳам йўқ ишида тўғрилиқ,
Ул тутуб ўғри, бу қилиб ўғрилиқ.

Бирин этиб зўр ила хилватнишин,
Бирин этиб куч ила узлатгузин.

- 30 Аҳли риёзатдин атаб бирини,
Бирига деб воқеа таъбирини...

Хилват аро қилғучи маҳрам ўзин,
Хизр била тутқучи ҳамдам ўзин.

Латтаки маҳкам тугубон банг анга,
Еткирубон банг яшил ранг анга.

«Хизр, паямбар» қўюбон отини,
Воқеа деб ҳарза хаёлотини.

Дебсабу сайҳа чекиб андоққи пил,
Чангаки нафс олида хору залил.

Аҳли иродат доғи бу тавр ила,
Теграсига эврлулбон давр ила.

Ёва кўп айтурда бири чирчирак.
Чарх кўп урмоққа бири фирфирак...

Бу эл эрур барча ёмондин-ёмон,
Кимки йўқ андин ёмон, андин ёмон.

Ботин ўлуб фосиду зоҳир салоҳ...

Дев ила шайтон уруб ичинда жўш,
Танға малонк паридан пардапўш.

Навоий алдовчи шайх ва унинг атрофига тўпланган 10
нодонларни ва шу муҳитни ўткир сатирик планда тасвирлайди. Бу асар Навоийдаги порлоқ сатирик қобилиятга мисол бўла оладир.

Навоий дин, шариат йўлларини оммага бажартириб, омма кўзида шариат мудофийи бўлган икки юзли руҳонийларни ҳам фош қилади:

Малола қичқуруб май манъин элга айламоқ не суд,
Эрур чун май ичорға хилват ичра муттаҳам воиз.

Табий, шайхлар, зоҳидлар, воизларга қаттиқ тил тегизгани, уларнинг мунофиқлигини очиб бергани учун, 20
Навоий динга, тасаввуфга бутунлай қарши экан, деган ҳулоса чиқариш тўғри бўлмайди. Навоий дин, тариқат намояндаларининг халқ қошида нуфуз орттириб, ёлғиз ўз манфаатлари, қоринлари учун ҳийла-найранг ила халқни талашларини танқид қилади. Масалан, Навоий шайхларни фош қилар экан, бу билан диннинг бир шакли бўлган тасаввуфни инкор қилмайди. Замонасида бўлган шайхларни тариқатни ўз нафслари, қоринлари учун қурол қилганликларидан қойийди. Навоий 30
риёкор шайхларни фош қилиш билан бирга идеал, мукамал шайх ва зоҳиднинг қандай бўлиши кераклигини ҳам кўрсатиб ўтади. У чиндан-да «каромат» қилладиган, «худога етишган» шайхларнинг бир вақт ўтганига ва бундан сўнг ҳам бўлиши мумкинлигига ишонади.

Навоийда бир қанча сўфиёна шеърлар мавжуд. Сўфиёна шеърларида шоир пантеистик тушунчаларга бориб етади ва бу хилдаги поэзиясининг гўзал намуналарини беради. Навоий ҳам бошқа сўфий шоирлар каби, «ҳаққа» ақл билан эришиб бўлмайди, дейди: 40

Топмоқ ажиб фирру таҳайил била сани,
Етмоқ маҳол ақлу фаросат била санго.

Унга ақл эмас, кўнгил олиб боради, ишқ йўлига,
сўфийлар йўлига киришга тўғри келади. Лекин бу
йўлга кирган киши ҳар қандай илм ва маълумотдан,
муҳокамадан воз кечиши лозим:

Ишқ водисин хатардир илм ила қатъ айламак,
Солик эрсанг ташла маълумунгни осуда бор.

10 Навоий сўфиёна шеърларида расми исломга ва
унинг ақидаларига тасаввуфни қарши қўяди. «Ҳақи-
қат»га олиб борадиган иккинчи йўл борлигини рамз
билан кўрсатиб ўтади. Табиий, бунда бир диний эъти-
қодга қарши иккинчи бир эътиқод, бир схоластикага
иккинчи схоластика қарши қўйилади. Лекин Навоий
тасаввуфни исломга қараганда кенгроқ, «эркинроқ»
бир фалсафа деб тушунганидан ҳар вақт динга пичинг
қилади, тасаввуфнинг устунлигига ишорат этади:

Мен гумон қилгондин ўзга жому май мавжуд эрур,
Билмайин нафй этма бу майхона ақлин, зоҳидо.

20 Зоҳид, санга ҳуру манга жонопа керак,
Жаннатсанга бўлсун, манга майхона керак,

Мутасаввуфлар қарашича, сўфий учун «ҳар икки
дунё» дан кечиш керак. Унга «мусулмон»лар учун
ваъда қилинган «нариги» дунёдаги жаннат ҳам керак
эмас. Маълум даражага етганда, сўфий учун жаннат,
дўзах ҳеч нима. Унга фақат «олло ишқи» керак.

Навоий дунёнинг яратилиши ва унинг моҳиятини
тасаввуфнинг пантенстик фалсафасига мувофиқ ан-
лайди. У «Ҳайратул-аброр»ида дунё қандай қилиб
30 яратилганини кўрсатади:

Жилваи ҳуснунгга чу йўқ эрди ҳад,
Кўзгу керак бўлди анга беадад.

Очти бу гулшанники, рангин эрур,
Ҳар гул анга ойинаи чин эрур.

Жилваи ҳусн ўлғали зоҳир анга,
Бўлди бу миръот мазоҳир анга.

Сўфийларнинг эътиқодига кўра, бир замон ҳеч
қандай олам йўқ эди. Фақат олло (вужуди мутлақ,
дейди сўфийлар) мавжуд эди. Олам қандай яратилди?

Ислом ақидасига мувофиқ, олло уни бир буйруқ билан яратган. Сўфийлар бошқачароқ тушунтирадилар. Уларга кўра, вужуди мутлақ, мутлақ бир гўзалликка эга бўлиши лозим. Гўзаллик ишқни керак (зарурий) топади. Вужуди мутлақ ўз гўзаллигини (жамолини) кўришни истайди. Унга ошиқ бўлади. Шундай қилиб, вужуди мутлақ ўз жамолини кўрмак ишқида ўз ичида бўлган оламни жилвалантиради. Демак, оламдаги ҳамма нарсалар оллонинг жилваларидан иборатдир. Юқорида Навоидан келтирилган парчаларда дейилгани каби оллоға «беадад кўзгу» керак бўлган. 10
 Ҳар бир нарса олло учун бир онадир. Бинобарин, оламда мавжуд нарсалар ўз-ўзича ҳеч нима эмас, улар ёлғиз оллонинг сонсиз сифатларининг ўзларида жилвалантирган ҳаёл каби бир нав кўринишлардир. Мана бу сафсата ҳаётда ва адабиётда томирларини асрларча ёйиб келди.

Навоий мутасаввуфона ғазалларида расмий ислом рамкасига сиғмайдиган, балки, диннинг баъзи йўл-йўриқларини инкор қиладиган фикрларга боради. Сўфиёна ҳисларни, кечинмаларни шоир катта жўшқинлик ва лиризм ила куйлайди: 20

Бўлай дайр пириға андоқ мурид
 Ки, ёд этмайин шайхул-исломдин.
 Кирай дайр аро ўйла мажнун маст
 Ки, кетсун хирад хос ила омдин.
 Солай бир аоло харобот аро
 Ки, чиқсун фиғон аҳли айёмдин.
 Хароботий ўлмоғлигим, зоҳидо,
 Савол этма мен зори бадномдин.
 Гарав қилғали майға чун қолмади
 Не тасбеҳу не ҳирқа, нокомдин.

30

Навоий тасаввуфни шарҳлаган шеърларида, «ҳақ»ни қидиради. Умуман бошқа мутасаввуфлар каби, у ҳам «ҳаққа ошиқ» эканини сўзлайди. Бу йўлда тоат-ибодатдан фойда йўқлигини таъкид қилади. Тасаввуфда илмлардан ҳам воз кечиш лозимлигини эълон қилади.

У ўзини катта бир мушкулот қаршисида кўради. Буни гўё ёлғиз тасаввуф, кўнгул (ҳис) билан «ҳал этилажагига» қаноат ҳосил қилади: 40

Нечук май била бўлмасун улфатим
 Ки, жон қасди айлар ғаму меҳнатим.
 Назар айла бу коргоҳ вазъига

63

Ки, ортар тамошосида ҳайратим.
 Қуёш йўқки, бир зарра моҳиятим,
 Топа олмади саъй ила фикратим.
 Не келмак аён бўлди, не кетмагим,
 Не мабдаъ яқин бўлди, не рижъатим.
 Не касби улум этти ҳал мушкилим,
 Не тутти илк тақвою тоатим.
 Топаи деб хабар ушбу мақсуддин,
 Туташти баса қавм ила суҳбатим.
 Не қилди бу дардим иложин ҳақим,
 Не шайх айлади дафъ бу иллатим.
 Не қилмоққа бир амрдин ҳосилим,
 Не кечмоққа бу фикрни журъатим.
 Менинг бошимга бас, қотиқ тушти иш,
 Чу тоқ ўлди бу дард ила тоқатим.
 Ҳаробот аро кирдим ошуфтаҳол
 Май истарга илгимда синғон сафол.

10

Шу шеърдан кўринадиким, Алишер Навоий катта
 фалсафий масалаларни ҳал этиш учун уринади: «не
 20 келмоқ аён бўлди, не кетмагим», дейди. Бошқача айт-
 ганда, Навоийни гоҳи пайтларда: олам нима, биз қаер-
 дан пайдо бўлдик, қаерга борамиз? Ҳаёт ва ўлим мо-
 ҳияти нима? — деган саволлар ўрайди. Мана бу
 «дард»га, «иллат»га дин ҳам, илм ҳам «илож» қила
 олмайди. Нима қилиш керак? Бу саволнинг жавобини
 Навоий тасаввуфдан қидиради.

Сўфийлар эътиқодича, дунёнинг яратилишига ишқ
 сабаб эканини юқорида гапирган эдик. Шунинг учун
 сўфийлар ишқ калимасига катта маъно ва аҳамият
 30 берадилар. Ишқ, уларча, олло ишқидир. Инсонлар
 орасидаги ишқий майллар эса, ноасл, оддийдир. Ҳар
 бир нарсага бўлган ишқда олло ишқи жилваланиши
 керак. Чунки, дунё оллонинг бир тажаллийси бўлгани-
 дан, ишқ нарсанинг аслига, ҳақиқий ва мукаммал
 гўзаллигига (ҳаққа) тегишли бўлиши лозим.

Шундай қилиб, сўфийларга кўра, соғлом инсоний,
 тўлақонли ишқ эмас, бутун ҳаётий мазмуни сиқиб
 олинган, бир ваҳмдан иборат бўлган мистик ишқ —
 40 «ишқи ҳақиқий» деб тушунтирилса⁷, Навоийнинг аксар

⁷ Бу тўғрида Навоийнинг мана шу рубойиси диққатга лойиқ-
дир:

Мажоздин манго мақсад эрур ҳақиқий ишқ,
 Нединки, аҳли ҳақиқатга бу тариқат эрур,
 Мажоздин чу ҳақиқатга йўл топар ошиқ,
 Қилур мажозки, нафий улки бетариқат эрур.

ғазалларида ёр мафҳуми дунёвий, ҳаётбахш гўзаллик касб этади, сўфиёна таъбирлар, сўзлар ҳаётий ишқ мазмунини ифодалаш воситаси бўлиб чиқади. Шоир ўзини «ошиқ» сезади. Шоирнинг маҳбуби турли нозанинлар шаклида гавдаланади, жилвалар қилади. Порлоқ, ранго-ранг «сўфинамо» мисралар қайноқ шоир севгисининг ички дунёвий мазмунини очишда «либос» сифатида хизмат этади:

Ошнолиғ тарк этиб чун ёр этар бегоналиғ,
Мен қила олмон саломат куйини фарзоналиғ.

10

Айлайин дайри фано аҳли била ҳамхоналиғ
Ким, маломат жомидин ҳосил этар мастоналиғ.

То бўлуб бехуд Навоийдек қилай девоналиғ,
Ким тараҳҳум қилмаса, қилғай тамошо ул пари.

Бўлмағай эрди жамолинг мунча зебо кошки,
Бўлса ҳам, қилғай эдинг кўзлардин ихфо кошки.

Чун жамолинг жилваси оламға солди рустахез,
Қилмағай эрди кўзум они тамошо кошки.

Ул қуёш токим кўрунди дийдайн гирёнима,
Қолмади ўзлук хаёли хотири вайронима.
Ҳар тарафдин тушди офат барқи хонумонима
Урғоли э ишқи золим, тиғи офат жонима,
Ҳар не ўзлуктинки бор эрди нишоним ўртадинг.

20

Ёрга кўнгилдан ошиқ бўлган шоир йиғлайди, қуяди, ҳамма нарсани унутади, унинг ишқини аллақандай буюк бир дард, алам, изтироб каби ҳис этади, дунёни оҳ-воҳ ила тўлдиради... Аммо ишқ ингичка рамзлар, ишоралар, махсус таъбирлар билан ифодаланади, бирмунча мавҳумийлик касб этади. Лекин шоир ишқини, ҳис, кечинмаларини шундай ифодалайдики, уни реал, инсоний ишқ деб аташга ўқувчи тараддуд қилмайди. Маҳбуб дам қуёш, дам гул, дам чиройли дилбар, дам гўзал, шўх бир қиз, дам майхонада шароб қуйган соқий, дам ичкилик базмида шоир ила суҳбатдош нозанин ва ҳоказо образида тажассум этади. Баъзи парчалар келтирайлик:

30

Кўҳи дардинг заъfliқ тан бирла чектим муддати
Ким, висол умидидин кўнглумга эрди қуввати.

Эмди раҳм этгилки, юзланмиш ажойиб ҳолати,
Не кўнгулга қуввати қолмиш, не танда сиҳҳати.

40

Қани, соқийи гулъзорим менинг
Ки, жон қасдим этмиш хуморим менинг.

Фироқ ичра кўп меҳнату дард, ранж
Чекибдир тани хоксорим менинг.

Эй қуёш, нечун қошингдин соядек сурдунг мени,
Равшан айлаб жумлаи оламини, куйдурдунг мени.

Куйдуруб, э ишқ ўти, гардунга совурдунг кулум,
Пояда охир бу янглиг кукка еткурдунг мени.

10

Хажр ўти тоби яна беҳол қилди нечаким,
Эй насими васл, ўз ҳолига келтурдунг мени.

Ишқ манъида сўзунг-чун ҳашв эди, бўлдум хамуш,
Қилма, эй вонз, гумонким, йўлдин озғурдунг мени.
Васли савдосидаменким, бастаи ғам бўлмишам,
Уйлаким Мажнун, бало хайлига ҳамдам бўлмишам.
Ваҳки, расволиққа оламда мусаллам бўлмишам,
Эмдиким девонаю расвойи олам бўлмишам,
Васл учун мумкин йўқ, ўлтурғай бу савдо кошки.

Умуман, Навоий ижодида тасаввуфий қарашлар-
нинг излари ора-чора учрайди. Феодализм даврида
20 бир фалсафа сифатида тасаввуф адабиётга чуқур
таъсир кўрсатди. Шоирлар асрларча «мавҳум ишқни»
куйлаганлар. Бу дунёнинг вафосизлигини, унинг учун
куйиб, қайғуришнинг кераксизлигини, дунёдан воз
кечиш, фақирлик, «фанофиллоҳ» бўлиш йўлини тарғиб
этганлар. Адабиётда илдиз отган бу мистика бадний
фикрнинг инкишофига, гуллашига, шубҳасиз, тўсиқ
бўлган. Адабиётда инсоний соғлом, мазмунли ишқ,
чин инсоний эҳтирослар, жонли илиқ-иссиқ фикр ва
туйғулар, қисқаси, ҳаётнинг жонли мазмунидан кўра,
30 кўпроқ ботил эътиқодлар, мавҳум ишқ, «кўнгул саф-
сатаси» тараннум этилди. Сўфийлик идеаллаштирил-
ди. Сўфийнинг бўреси кимхобдан, зарбофдан ортиқ
кўрилди. Ҳаётдан ўлим афзал кўрилди. Инсонларни
дарвешлик йўлига кириб, тезроқ дунё билан хайрла-
шишга, «оллоға қовушмоққа» даъват қилинди. Тасав-
вуф изғирини ҳаётнинг, фикрнинг жонли оқимларига
муз кишани тақишга тиришди.

XV асрда эрон ва турк халқлари адабиётида тасав-
вуф шу қадар ўрнашган эдиким, ўз давридаги илм-
40 ларнинг ҳаммасини аъло эгаллаган, маданият ва
санъатни ўстиришга тиришган ва амалий чоралар кўр-

ган, буюк мутафаккир шоир Навоий ҳам ўз ижодиётида унинг баъзи таъсирларидан батамом қутула олган эмас.

Навоийнинг сўфизмга муносабати ҳақида профессор Е. Э. Бертельс «Навоий ҳам Аттот» номли мақоласида шундай ёзади: «У, албатта, дарвешлик қилувчи шайх бўлган эмас, бунинг учун ҳаётдан бутунлай воз кечиш, бу дунёдан ва унинг ила ёқлонган ҳой-ҳўйдан кетиш лозим бўлар эди. Унинг таржимаи ҳоли шундай факт тўғрисида ҳеч нима кўрсатмайди, у ҳамма вақт давлат ҳаётида фаол иштирок қилишда ва саройда катта роль ўйнашда давом қилган. Навоийнинг сўфизм ила мароқланишини бир нав ҳаваскорлик, маълум романтик тамойил деб қабул қилиш мумкин бўлар, балки. Форс маданиятига мансуб мамлакатларда сўфизм модаси ғоят кенг тарқалган ва у бу таълимотнинг энг кўп практик ходимларини етказиб берадиган ҳунармандлар гуруҳини чулғаб олгани каби, ҳоким синфларни ҳам айни куч ила ўзига тортиб олган эди. Аммо, сўфизм ила мароқланиб, айни замонда уни амалда татбиқ қилмаслик, сўфий эмас, мутасаввуф бўлиш ҳам мумкин эди. Сўфизм мустақил тафаккурга мойил кишиларни жалб этарди. Чунки, у метафизик қидиришларга жуда кенг соҳа очар эдиким, бу нарсага олдинги Шарқда ҳар вақт катта бир тамойил кўрсатар эдилар.

Чин мусулмон бўлишда давом этган ҳолда фалсафий назариялар тузиш учун имконият ҳар вақт топила бермас эди. Лекин сўфий терминологияси остига бекиниб, *de jure* (расман, ҳуқуқан) ислом доирасида қолиб, амалда унинг чегарасидан анча узоққа чиқиб кетиш мумкин эди...

Шароит шунга тўғри келдики, ҳамма нарса уни шу томонга итарар эди. Лекин, у бу йўлда охирга қадар бормади. У сўфизмнинг бутун ахлоқий жиҳатини қамраб олди. Унинг сўнгги мақсадларини бир идеал тарзида ўз олдига қўйди, аммо, тақдир ташлаган муҳит билан у алоқасини узмади».

Ҳақиқатан, қудратли бир олим, юқори ва қўйи қатлам доирасида катта эътиборга эга бўлган улуғ шоир завқ, безак дунёсини, муҳташам, кенг-мўл, рангли ҳаётни дарвеш хирқасига ҳеч вақт алишган эмас.

Достонлар

Навоий газалиёти ила қисқача танишдик. Шоирнинг даҳоси, буюк санъаткорлиги классик адабиётнинг ўлмас обидаларини ташкил этган достонларида яна ҳам ёрқин намоён бўлади. Ҳар бири бир қанча минг байтлардан иборат беш достон шоирнинг «Хамса»сида тўпланмишдир. «Хамса»га кирган достонлар қуйидагилар. 1) «Ҳайратул-аброр», 2) «Фарҳод ва Ширин» 3) «Лайли ва Мажнун», 4) «Сабъаи сайёра», 5) «Садди

10 Искандарий».

Феодал даври адабиётида Навоийга қадар «Хамса» ёзиш Шарқда кўп шоирларнинг идеали бўлса-да, уни яратиш шарафига ҳамма ҳам муяссар бўлавермайди. Машҳур «Хамса»лар орасида Навоийнинг «Хамса»си алоҳида ўрин олади. Бу мустақил ва поэтик эътибор ила ёлғиз ўзбек адабиётидагина эмас, бутун туркий халқлар тарихида яратилган, ўз шериклари билан бўй ўлчашидиган бир тарздаги кўркем асардир. Форс адабиётида катта ўрин ола бошлаган ва бир кўп бадиий намуналар берган достончилик Навоий даҳоси ила классик адабиётимизга кирди. Навоий достонларидан «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» каби ишқий-романтик характерда бўлганларига муфассалроқ тўхтаб, бошқалари ҳақида умумий бир тасаввур бериш ила чегараланамиз.

20

Ҳайратул-аброр

«Хамса»га кирган биринчи асардир. Бу—шахсининг,— қаҳрамоннинг ҳаёт ва тақдирини ифода этувчи муайян сюжетли достон эмас. «Ҳайратул-аброр»ни Навоий 30 форс тилида ёзган буюк шоирлардан Низомийнинг «Махзанул-асрор»и, Хисравнинг «Матлаул-анвор»и, Жомийнинг «Тухфатул-аҳрор»ига муқобил ва улардан илҳомланароқ ёзгандир. «Ҳайратул-аброр»да Низомий ва Хисравга бағишланган мадҳиясида Навоий Низомий ва Хисравнинг илм ва фазилатларини, шоирликдаги қудрат ва маҳоратларини кўкка кўтарди, Низомийнинг «Хамса»си ҳақида, масалан, шундай мисралар ёзади:

40

Фикрати мизони бўлуб хамсасанж,
«Хамса» дема, балки дегил панж ганж.

Каффаи мизон анга афлок ўлуб,
Ботмони тоши кураи хок ўлуб.

Мадҳиянинг охирида «Махзанул-асрор» ва «Матлаул-анвор» тўғрисида дейди:

Ул безабон «Махзанн-асрор» идин,
Бу ёрутуб «Матлаи-анвор»идин.

Маснавий услуби мусаллам анга,
Пайраву монанд бу бир ҳам анга.

Булардан сўнг Жомий ҳақидаги мадҳида Навоий назм ва насрда, тасаввуфда Жомийнинг камолотини айни муболағали, кўтаринки руҳ билан тавсиф этиб, Жомий ила бир базмда юқорида қайд этилган икки асар ҳақида гап борганини сўзлайди ва бир оз ўтгач, Жомий ила бир учрашувда «Тухфатул-аҳрор»ни унга тақдим этганидан ва бу асарни севиб, завқ-шавқ ила ўқиганидан ва шунга ўхшаш бир асарни туркий тилда ёзиш учун ўзида ҳавас туғилганидан хабар беради:

Ўтти чу алқисса бир ой, икки ой,
Бир кун ўлуб бахту хирад раҳнамой.

Хизматин эттимки, таманно эди,
Илгида кўрдум неча ажзо эди.

Кулгу била қилди ишорат менга,
Тухфа била берди башорат менга.

Ким олибон боштин аёғиға боқ,
Қил пазар авроқиға бошдин-аёқ.

Олиға жон нақдини сочтим равон,
Олдиму ўптум, доғи очтим равон.

Бошдин-аёқ гавҳари шахвор эди,
Қайси гуҳар, «Тухфатул-аҳрор» эди.

Нафъ топиб кимки бўлиб мустафид,
Мухтасар ул иккидин, аммо муфид.

Ул иккини топса бўлур мунда-ўқ,
Мунда туҳаф кўпки, ул иккида йўқ.

Шавқида кўксумни шикоф айладим,
Жилдиға кўнглумни гилоф айладим.

Чун ўқумоқ замзамаси бўлди бас,
Кўнглум аро дағдаға солди ҳавас.

10

20

30

Ким бу йўл ичраки алар солди гом,
Бир неча гом ўлса менга ҳам хиром.

Форси бўлди чу аларга адо,
Турки ила қилсам ани ибтидо.

Форси эл топти чу хурсандлиқ,
Турк дағи топса барумандлиқ.

- Бу нарса кўрсатадики, Навоий «Ҳайратул-аброр»ни форсгўй шоирларнинг шу қабилдаги асарларининг илҳоми билан яратгандир. Бу асар ахлоқ, одобга доир масалаларни кўрсатадиган таълимий характердадир. Достон, традицияга мувофиқ, «ҳамд» ва «муножот», пайгамбарга «наът», подшоҳга қасидалар ва ҳоказо ила бошланади. Сўнгра, йигирма бир айрим «мақолат»да (бобларда) Навоий имон, ислом буйруқлари, карам ва саҳоват, одоб, тавозе, қаноат қилишнинг фазилатлари ва таманинг, очкўзликнинг зарарлари, фақирлик, ишқ, вафокорлик, тўғрилик ва эгрилик ва ҳоказо ҳақидаги қарашларини ифодалайди. Ҳар бир бобда маълум бир масала атрофича изоҳ қилиниб, 20 маълум нуқтаи назардан манфий ва ё мусбат баҳо олади ва ҳар боб (мақолат)га айрим кичик таълимий ҳикоя бағишланади. Ҳар ҳикоя мақолатда қўйилган масалани ойдинлатиш, тўлдириш, масала моҳиятини очиб бериш вазифасини ўтайди. Ҳар ҳикоянинг мазмуни ўзига оид бобнинг мазмуни ила узвий боғлиқдир.
- «Ҳайратул-аброр»да Навоий фалсафий қарашларини, «ахлоқий тозалик» ҳақидаги фикрларини талқин этишга кўпроқ тиришади.
- «Ҳайратул-аброр» — фалсафий ва ахлоқий асар бўлиб, унда ўқувчига муайян қарашлар, ахлоқий дастурлар талқин этилади. Инсон ва унинг ҳаёти қандай бўлиши керак? У нималардан сақланиши керак? Мана бу саволларга Навоий чуқур ҳаёт фалсафаси ва ўзининг тўплаган тажрибалари, фикрларига суяниб жавоб беради. Шоир талқин этмоқчи бўлган фикрларини турмуш қондалари билан боғлаб, конкретлаштиради. Навоий бу асарда кўпинча контрастлар принциpidан фойдаланади. Зулм ва адолат, қаноат ва тамахўрлик, ростлик ва эгрилик ва ҳоказони бир-бирига қарши 40 қўйиш ила фикрларига конкретлик ва талқиний куч беради.

Тўғрилиқ ва эгрилик ҳақидаги шу мисралар шоирнинг мантиқ кучига ва услуб хусусиятига далолат қила оладир:

Шамъ бўйи туз келиб айвон аро,
Шоҳид базм ўлди шабистон аро,
Эгри учиш бирла чу кўп айланиб,
Қайда-ки парвона бориб ўртаниб.
Сарвким ул тўғри чекиб қоматин
Қўрмайин осибн замон офатин.
Чирмашибон сунбули тар боғ аро,
Эгрилик онинг юзин айлаб қаро.
Туздурур эгри қили то соз эрур,
Эгри бўлур эмди-ки, носоз эрур.

10

Ростдур улким, назари тўғридир,
Ким илиги эгридур, ул ўғридур.
Бўлса илик эгрилик ичра самар,
Эл они кесмакка туз этгай камар.
Кўзки эрур эгри анинг хилқати,
Бирни икки кўрмак эрур санъати.

Шамъки, тузлук била масрур эрур,
Гарчи куяр бошди-оёқ нур эрур,
Барққи эгрилик ўлубтур хўйи,
Гари ёрур, лек борур ер қуйи.

20

Моласиз ул тухумни деҳқон сочар,
Сувни тенг ичмас неча яксон сочар.
Неча мусаттах эса кўзгу юзи.
Туз кўринур шоҳид маҳрў юзи.

Навоий айрим мақолатларда дин ва тариқат пардаси остида халқни таловчи ифлос, мунофиқ, жоҳил шайх ҳам воизларни, сохта олимларни, ҳийлакор муфтиларни, олчоқ, алдамчи ёзувчиларни ва ҳоказоларни қаттиқ танқид қилади. Навоий чуқур сатирик. У замонасидаги амалдорларнинг образини чуқур сатирик чизгилар ила чизиб беради. Амалдорнинг халққа қилган жабр-зулми бутун яққолиги билан тубандаги мисраларда кўринади:

Бирн яна омили девон бўлуб,
Дев анинг аъмолида ҳайрон бўлуб,
Чарх этибон исм амалдор анга,
Баҳра қилиб ушбу амал дор анга.
Ул бу амал ичра ичиб жомн май,
Қилки сариридин анга лаҳни най.
Қилки улус ўртамагига ўтун,
Ўткаруб ул ўти фалакдин тутун.
Ғофил ул ишдин шаҳи давлатпаноҳ,

40

71

- 10 Давлати аркони бўлуб ришвахоҳ,
 Ҳоким этиб мулкка ғоратгари,
 Бузғали ислом уйини кофири.
 Зулм этиб ул косибу деҳқонга ҳам,
 Косибу деҳқон неки, султонга ҳам.
 Қайси вилоятғаким азм айлабон,
 Эл ҳарами боғида базм айлабон.
 Гар худ уй соҳиби хофий эрур
 Истари аввал майи софий эрур.
 Май ила бузғоч қарини ҳолини,
 Шоҳид учун ҳам юборур золини.
 Чоҳдаги тухм арпасини оти еб,
 Уйда товуқларни сурук тоти еб,
 Ҳосил ўшул, уйга бало дорбон,
 Қайси бало, балки вабо дорбон.
 Йиғламоғу оҳ ила афғон солиб,
 Ул ёғину ел била тўфон солиб.
 Кентнинг арбоби бир-икки авон
 Зулмда бу хожа, алар паҳлавон.
 20 Бир-бири бирла бўлишиб ўйла дўст,
 Ким киши ким кўрса дегай мағзу пўст.
 Дўстгаким шоҳ молини сотиб нухуфт
 Борча бу олтуни бир олтунга муфт.
 Сархат алар оллида паррон солиб,
 Реза раият уза товон солиб...

Бу узун парчани бу ерда кўчираб эканмиз, Навоий-
 нинг услубдаги қудрат ва салобатини, киши образини
 кўрсатишдаги маҳоратини, шоир турмушни қандай чу-
 қур англаганини хотирлатишни кўзда тутдик. Ҳақиқа-
 30 тан, юқоридаги парчада Навоий амалдорларнинг кирди-
 корини ғоят тўғри ва ғоят усталик билан фош қилади.

Шоир махсус ифодалар топади, сатирик образни
 ўчмас бўёқлар ила жуда қабариқли кўрсатади. Фео-
 дал давлат аппаратда мансабдор бўлган Навоий
 амалдорнинг хулқини яхши англайди, улар қаерга
 бормасинлар элни талайдилар. Унинг «тухм арпасидан
 тортиб товуғигача» талайдилар. Улар косиб ва деҳқон
 устида «бир бало» ва «вабо» каби кезадилар. Зулм ва
 жабрга қарши бўлган, ҳар вақт қонун ҳам адолат
 40 идеясини олға сурган Навоий шундай амалдорлардан
 нафрат қилади. Урни келганда уларнинг қабоҳатини
 счиб солади, «расвойи олам» этади⁸.

⁸ Шоир Муқимийнинг «Танобчилар» деган машҳур шеъри би-
 билан биз Навоийдан келтирган парча орасида асос эътибори-ла
 қандайдир бир ўхшашлик, умумийлик топдик. Бу нарса шоир
 Муқимий ижодига Навоийнинг таъсирини очиб кўрсатадир.

Хулоса, Алишер Навоий «Ҳайратул-аброр»да таълимий, ахлоқий фикрларни баён қилиш ила чегараланмайди. Ижтимоий ҳаётга чуқур марбутият натижасида шоир бир кўп муҳим ҳаётий масалаларга тегиб ўтади. Ҳаётнинг чиркин томонларини танқид қилади. У улус ғамини ейди. Шаҳзода Бадиуззамонга бағишлаган мақолатда Навоий узоқни кўргувчи, хушёр, мутафаккир бир сиёсатчи сифатида насиҳат қилади. Одил ва ниҳоят тadbирли подшоҳ вазифаларини кўрсатиб, мамлакатни обод ва маъмур қилишга даъват этади: 10

Шаръ тариқини шиор айлагил,
Адл ила мулкунгга мадор айлагил.

Шоҳки, иш адл ила бунёд этар,
Адл бузуқ мулкни обод этар...

Зулм ўтидин қилса фиғон додхоҳ,
Сояйи адлинг аро бергил паноҳ.

Қўймағил, ул сояда қайғу анго,
Шамъ тубин қилма қоронғу анго.

Тутма тузуб кину адоват фани,
Ўзга киши журми била ўзгани.

Айлама ўз раъйинга кўп эътиқод,
Муътамад эл раъйидин иста кушод.

Оз иш учун тунд итоб айлама,
Қатли сиёсатда шитоб айлама.
Бўлса керак фикр ила шоҳи замон,
Яхшига яхши ва ёмонга ёмон.
Иккисидин бир киби олса ҳисоб,
Мамлакати ичра тушар инқилоб.

Раъйингга ҳар амрки, келди савоб,
Машварасиз қилма қилурға шитоб.

Фарҳод ва Ширин

«Хамса»га кирган ишқий-романтик дostonлардан бири ва ўз мазмуни, бадний, фикрий жиҳатдан, шубҳасиз, қийматлиси «Фарҳод ва Ширин»дир. Бу дostonнинг таҳлилига киришмасдан илгари унинг мазмуни билан ўқувчини қисқача таништириб ўтамиз: фарзандсиз буюк Чин хоқони толенинг жилваси билан ўғил кўради. Туғилиши мамлакатда зўр қувонч билан қарши олинган фавқулодда гўзал шаҳзодачага Фар-

- ход исмини берадилар. Фарҳод туғилишидан бошлабоқ жисман ва руҳан алоҳида сифатлар ва тамойиллар кўрсатади. Уч ёшида ўн яшар бола каби бўлган шаҳзодани подшоҳ ўқишга беради, унинг таълими, тарбияси учун бир «нуктадон ҳаким» топадиларки, Арасту унинг «кичик бир шогирди», «риёзний, табиий, илоҳий» илмларда тенги йўқ бир олим эди. Фавқулодда истеъдодли Фарҳод ўн ёшга етганда «жаҳонда билмаган, таҳқиқ этмаган» илм қолмайди. Сўнг ҳарбий
- 10 таълимлар, паҳлавонлик машқлари билан машғул бўлади, қилич, гурзи, найза, қалқон ва ҳоказони эгаллашда ҳам катта маҳорат кўрсатади. Шу аснода Фарҳодда аллақандай дард, алам кўрина бошлайди, ишқий изтироб уни кемиради. Уғлининг дардини сезган ҳоқон дарднинг шифосини қидиради. Тўрт фасл тасвири ила музайян тўрт катта қаср солиниб, Фарҳод айшишратга берилса, шояд дардлари йўқолур, деган фикрга келади. Энг машҳур усталар, наққош ва рассомлар ғайрати ила тўрт «жаннатнамо» қаср қурилади. Лекин,
- 20 бу гўзал қасрларда кечирилган ишрат ойлари, базмлар, юзларча гулчеҳра соқийлар Фарҳод кўнглидаги ишқ изтиробини йўқота олмайди. Аксинча, Фарҳодда савдо кучаяди. Отаси янги бир тадбир ўйлайди. У қариликни баҳона қилиб, салтанатни Фарҳодга таклиф қилади. Фарҳод ёш ва тажрибасиз эканини, яна бирикки йил ишга зеҳн қўйиб, бундай улуғ ишнинг «ривож ҳам касоди, салоҳи ҳам фасоди»ни яхши ўрганиб, сўнг қабул этишга отасидан камол эҳтиром билан сўрайди. Хоқон бу жавобдан ғоят хурсанд бўлади.
- 30 Шодликдан Фарҳодни етаклаб ўз хазинасига олиб кириб, ундаги қимматбаҳо молларни, ниҳоясиз олтинкумушларни, ҳар хил ажойиб-ғаройиб нарсаларни сайр эттиради. Фарҳоднинг кўзи ногаҳон ажойиб сандиққа тушади. Инсон томонидан ясалиши имконсиздай кўринган бу ажиб нарса уни ғоят қизиқтиради. Қалитни келтириб очинглар, дейди, отаси бу ишдан қайтаради. Фарҳоддаги кучли ҳавас, бу нарсанинг сирига эришув учун бўлган иштиёқ қаршисда ҳар қандай монелик бўшдир. Фарҳод сандиқни очтиргач, бир ойна — ойна
- 40 на Искандар чиқади. Бу — тилсимли ойна. Унинг махфий томонлари орқасида ёзилган. Тўрт юз Юнон ҳакими ясаган бу ҳикматли ойнанинг хусусияти шундаки, унинг тилсимини очган киши қўлга олиб қараса,

у кишининг тақдири, келажакда не ҳол юз берадиган бўлса, ойинада у жилваланади. Лекин тилсимни очиш қийин. Бунинг учун Юнон мамлакатига бориб, бир неча қўрқинчли манзиллардан ўтиш керак. Аждаҳони, Аҳраманд девни ўлдириш керак. Энг сўнг, тоғда қора, чуқур ғорда ётган Суқротга йўлиқиш, ундан таълимот олиш лозим. Шу ондан бошлаб Фарҳод шу «мушкулни ҳал қилишга ҳаваснок бўлади». Юнон мамлакатига азимат қилишга қарор этдигини отасига айттиради. Хоқон яқинлари билан маслаҳатлашиб, ниҳоят, ўғли билан бирга ўзи ҳам сафарга қатнашув фикрига келди. Катта қўшин билан йўлга чиқадилар. Юнонистонга етиб ҳаким Суҳайлога йўлиқиб, Фарҳод ундан бирмунча таълимот олади. Сўнг, аждаҳо билан курашга боради. Аждаҳо оташ пукуруб ғордан чиқади. Фарҳод аждаҳони ўлдириб, ғорга киради, ғорда учраган катта тошга ёзилган битик мазмунига мувофиқ, тошни ағдариб, ҳисобсиз хазинага эришади. Яна ажойиб хосиятга эга бўлган бир қилич ва бир қалқон топади. Қилич ва қалқонга «Исми Аъзам» ёзилган. Бу қилич ва қалқон юзларча дев ила курашда ҳам албатта зафар қозонтириши керак. Фарҳод Аҳраман дёрига кириб, у билан курашади. Даҳшатли девнинг тоғни тупроқ қиладиган зарбларидан ҳалиги хосиятли қалқон сақлайди. Фарҳод Аҳраманни ўлдириб, ҳисобсиз хазинани қўлга туширади. Яна шу ерда «Сулаймон хотами» дейилган узукни топадиким, бунда ёзилган нарсаларни ўқисагина, Искандар тилсимини очиши мумкин экан. Хазиналарни қўшинга тақсим этиб, эртаси «Суқрот тоғи» тилсимини очиш учун Фарҳод яна йўлга чиқади. Хизр билан учрашади. Хизр унга тилсим очиш учун бир қанча таълим беради. Хизрнинг деганларига мувофиқ ҳаракат этган. Фарҳодга бу тилсим ҳам муяссар бўлади. Бу ерда у «Жоми жаҳон»ни қўлга туширади. Сўнг, отаси ва сипоҳлар билан буюк Суқрот тоғига чиқади. Бу тоғда юзларча дарёлар, юз мингларча аждаҳолар бор. Бунда Суқрот яширинган ғорни «Жоми жаҳон»га қараб топадилар. Фарҳод отаси ва вазир билан бирга ғорга йўл топиб кирадилар. Суқрот яшаган даргоҳга етгач, бир уйдан кириш амри эшитилади. Суқрот уларни жуда яхши қарши олади. Подшоҳга икки жавҳар ҳадя қилади. У ҳадялардан бири — умрни узоқ қилади. Иккинчиси, касални туза-

тадиган хоссага эга. Фарҳодни минг йилдан бери кутганлигини сўзлайди. Фарҳодга ҳақиқий ишқ тўғрисида фикрларини айтади, ҳақиқий ишқ йўлига киришни Фарҳодга уқтиради. Ҳар қандай «банд ва балолар»дан асровчи бир дуо ўргатади. Искандар тилсимини очганда, биринчи кўрган ойнанинг тилсимни очилганини, шахрига қайтиб ул ойнага қараса, тақдири ойна юзида ошкор бўлажагини айтиб, Суқрот ҳаким ўлади. Фарҳод ўз юртига қайтгач, ойнани кўришга ошиқади.

10 Хазинага кириб, сандиқни очиб қарайди. Ойнада чиройли бир диёрни, тоғ бағрида ариқ қазинётганлар орасида «ўзга шаклли бир жувон»ни ва шу аснода ясанган, гул каби дилбар кўп қизлар билан бирга тоғни сайр этгани келган, идеал гўзалликка молик бир қизни кўради.

Унинг жамолидан Фарҳод шу онда беҳуш йиқилади. Бир кеча-кундуздан сўнг ҳушига келиб, ота-онасига узр айтади. Уларни жўнатиб, яна кўзгуга қарайди. Лекин ойна энди қопқора, унда ҳеч нима кўринмайди.

20 Уни ҳақимлар шундай ясаганлар. Фарҳодда ихтиёр қолмайди. Ишқини яширишга тиришади, заифланади. Табиблар йиғилиб, Фарҳод дардига илож қидирадилар. Ниҳоят, катта денгизда бўлган салқин бир жазирага истироҳат учун юборишни маъқул кўрадилар. Фарҳод, отаси ва мингларча халқ билан кема ва қайиқларга ўтириб жазирага жўнайдилар. Ногоҳ турган қаттиқ бўрон кемаларни парчалайди. Бўрон тинганда Фарҳод парча тахта устида ҳушсиз қалқиб юраркан, савдогарларнинг кемасига дуч келади, савдогарлар

30 уни кемага олиб, ҳушига келтирадилар. Фарҳод савдогарларни таламоқ учун келаётган денгиз қароқчиларини қочириб, савдогарлар муҳаббатини ўзинга тортади. Фарҳод савдогарлар гуруҳидан бирга — кўп саёҳат қилган машҳур рассом, наққош ва буюк қалбли Шопурга дўст тутинади. Шопур Фарҳоднинг дардини англашга тиришади. Фарҳод ишқи мижаросини унга очгач, Шопур — у гўзал Арман мулкида эканини, у диёрга Фарҳодни олиб боришга тайёрлигини билдиради. Фарҳодни ишонтирмақ учун ойнада Фарҳод кўрган жойнинг тасвирини қоғозга чизиб кўрсатади.

40 Фарҳод дўсти Шопур ила Арман мамлакатига сафар қилади. Арман мулкига етиб, тоғда ариқ қазувчиларга йўлиқадилар. Фарҳод ариқ қазувчилардан ҳол-аҳвол

сўрайди. Улар бу ўлкада Миҳинбону ҳукмрон эканини, унинг гўзал бир синглиси борлигини, у гўзал томонидан Арманистонда солинаётган қаср учун бу тоғдан ариқ очиб, сув келтириш кераклигини, тоғ қазишнинг қандай оғир эканини сўзлайдилар. Фарҳод буларнинг ҳолига ачинади. Дарҳол ўзи учун катта бир теша ясайди. Ўз юртида машҳур тош устаси Қорундан ўрганган ҳунарини ишга солади.

Фарҳод ўзининг кучи ва тош кесишдаги маҳорати билан ҳаммани ҳайратда қолдиради. Фарҳод бир кунда 10 уч йил ичида қазилган қадар ариқ қазийди. Бу воқеани Миҳинбону ва Ширин эшитади. Ширин бу паҳлавонни кўрмакка ошиқиб, тўрт юз канизак билан отда Фарҳод қошига келади. Фарҳод Шириндан юзини очишни ўтинади. Ширин ниқоби кўтарилгач, Фарҳод қаршисида ойинада кўриндиги қизни кўради, оҳ тортиб йиқилади. Қалбини Фарҳод ишқи қоплаган Ширин унинг ҳолига йиғлайди. Шопур Миҳинбону ва Ширинга Фарҳод ҳақида билганларини сўзлаб беради. Хушсиз Фарҳодни маликалар олиб кетиб тахтга ётқизадилар. 20 Фарҳод учинчи кечада ҳушига келади, ариқ қазиш учун яшириниб саройдан чиқиб кетади. Яна зўр бериб тоғ қазишни давом эттиради. Ширин эса Фарҳод ишқида ёнади, унинг кечалари уйқусиз. Фарҳод ариқни қаср солинажак ўринга етказиши ва шу ерда каттакон ҳовуз ясайди. Яна буюк тошни йўниб, қоялардан гўзал бир қаср бино қилади. Қаср уйлари нақш ва тасвирлар билан безайди. Фарҳод ариққа сув қўяр экан, Миҳинбону, Ширин ва бутун халқ тантана ва қувонч билан томоша қиладилар. Лекин шу вақтларда 30 Эрон шоҳи Хисрав Ширин гўзаллигига ғойибона ошиқ бўлиб, Миҳинбонуга элчилар юбориб, Ширинни сўрайди. Севгисига содиқ Ширин бунга, табиий, рози бўлмайди. Хисрав ғазабдан катта қўшин билан келиб, қалъани ўраб олади. Қалъани ола билмаган шоҳ макрҳийла билан Фарҳодни қўлга туширади. Фарҳод Салосил қўрғонига занжирбанд қилинади. Тадбирли Шопур Ширин ва Фарҳод орасида мактуб ташиб туради. Севишганлар ўртасида садоқат ва робитанинг кучли эканини пайқаган Хисрав Фарҳодни орадан йўқотмоққа 40 ният қилади. Маккора кампирни ёллаб Фарҳодга юборди. Маккора ғариб ошиқ ёнига бориб, Хисрав ила Миҳинбону ярашганлигини, Ширинни Хисравга ақди

- амри ошкор қилинғач, Ширин дардидан ўз-ўзини ўлдирганлигини куйиб-пишиб гапиради. Бу хабарни эшитган Фарҳод тошларга уриб ўзини ўлдиради. Фарҳоднинг ўлганлиги ва Хисрав қамалидан халқнинг қийналганлиги натижасида Миҳинбону душман билан ярашувга мажбур бўлади. Хисравнинг ўғли Шируя Ширинга эга бўлмоқ мақсадида сипоҳийлари билан чиқиб, отасини ўлдиради. Ширин Фарҳод жасадини кўрмак орзусида эканини Шируяга арз этади. Шопур
- 10 Фарҳод жасадини топиб, қасрга келтиради. Ширин ўз севгилисини қучоқлаб юзига юзини, тўшига тўшини қўйиб, мангу уйқуга кетади. Ширин ўлими Миҳинбонуни ҳам дунёдан жўнашга мажбур қилади. Бу вақтларда Фарҳоднинг овозаси ҳамма мамлакатларга, шу жумладан, Чинга ҳам бориб етган эди. Дўсти Баҳром катта қўшин билан Фарҳодни қидириб Арманистонга келади. Шируяни ўз юртига ҳайдайди. Миҳинбону ўрнига унинг ақраболаридан бирини тахтга чиқаради. Арман мамлакатида адолатни ўрнаштиради ва сипоҳийларини юртига жўнатиб, ўзи Шопур билан бирга
- 20 Фарҳод қабри бошида фақирлик билан умр кечиради.. «Фарҳод ва Ширин» достонининг мазмуни шу. Бу буюк асарнинг сюжети, шубҳасиз, халқ адабиёти хазинасидан олинғандир. Бу достоннинг бир афсона эканлигини Навоий ҳам яширмайди.
- Халқ адабиётида бу достоннинг қай даврда келиб чиққанлиги ва турли даврларда қандай ўзгаришларга учраганлиги ва ҳоказо масалаларни бу ерда текшириб ўтирмаймиз. Умуман, бизнинг халқ ижодида икки севгувчининг кураши ва тақдирини куйлаган, асосий сюжет чизиқлари эътиборида бир-бирига ўхшаган достонлар кўп. Навоий бу асарни яратишда халқ ижодидан фойдаланган. Зотан, аксар юксак бадий асарларнинг негизида халқ ижоди ётади. «Ҳамма мамлакатларнинг буюк шоирларининг энг яхши асарлари халқнинг коллектив ижоди хазинасидан олинғандир» (М. Горький). Чунки, халқ ижодида чуқур фикрлар, катта ижтимоий-фалсафий проблемалар акс этган бўлади. Албатта, Навоий халқ ижодидаги фикрларни ўз
- 30 идеаллари призмасидан ўтказиб, тамом янги бир асар, ғоявий йўналиш ва санъаткорлик даражаси эътибори ила халқниқидан бошқа асар яратган. Маълум даврда яшаган, маълум идеологияга эга бўлган шоирнинг

ижодий фантазиясидан кечган халқ адабиёти материаллари бошқа ранглар, бошқа товланмалар касб этади. Халқ адабиётидаги образлар қайтадан ишланади, қаҳрамонлар бошқа янги идеяларни тафсил этувчи шахсларга айланади ва ҳоказо.

«Фарҳод ва Ширин»да ҳам халқ афсонаси асосий материал бўлиб хизмат этган. Шоир халқнинг бадиий тўқимасига ранго-ранг фикр гулларини чизиб, асарнинг бутун қисмларини маълум фалсафий ғоя билан боғлаб, катта проблематик дoston яратган.

Навоий «Фарҳод ва Ширин» дostonини ёзишга киришар экан, ҳеч ким томонидан айтилмаган, ғоявий мазмуни ва санъати жиҳатидан тамом янги ва оригинал бир асар яратишни вазифа қилиб қўйган. Дostonнинг муқаддимасида шоир бошқалар юрмаган йўлдан юрмоқлик кераклигини, бошқа шоирларнинг айтдикларини такрор қилмасликни, бошқалар гул терган чаманга кириб гул қидиришнинг яхши эмаслигини айтади. «Дунё афсонасин варақ-варақ» текшириб, тарих саҳифаларини ахтариб, шу мавзуга тўхтаганини баён қилади:

Бурун жам эт неким бўлғай таворих,
Борида иста бу фархунда тарих.

Топилғай шояд андоғ бир неча сўз,
Сўз айтур элга ул ён тушмаган кўз.

Ани назм этки, тарҳинг тоза бўлғай,
Улусқа майли беандоза бўлғай.

Йўқ эрса назм қилғонни халойиқ,
Мукаррар айламак сендин не лойиқ.

Хуш эрмас эл сўнгинча рахш сурмак,
Йўликим, юл югурмиштур югурмак.

Биравким, бир чаманда сойир эрди,
Нечаким гул очилғон кўрди, терди.

Ҳамул ерда эмас гул истамак хўб,
Бу бўстон саҳнида гул кўп, чаман кўп.

Чу бу сўзларга фикр этти замирим,
Кўрунди барча маъни дилпазирим.

Қилиб кўнглумни бу андиша шайдо,
Таворих айладим ҳар сори пайдо...

10

20

30

40

Назар айлаб борин аввалдин-охир,
Бўлуб бошдин-аёқ олимда зоҳир.

Топилди онча сўзким, комим эрди,
Қуюлди онча майким, жомим эрди.

Бу дурлар чунки манзум ўлғусидир,
Қулоқ солғанға маълум ўлғусидир.

10 Навоий «жон риштаси ва киприк игнаси билан»
топган фикрларни «етушкон эл» топа олмаганини, қий-
матли дурлар унга муяссар бўлганини ҳақли бир гу-
рур ила сўзлайди:

Етишкан эл неча дур олғон эрмиш,
Не олий қадр дурлар қолғон эрмиш.

Ки бу баҳр ичраким, поён анга йўқ,
Етишмак қаърига имкон анга йўқ.

Ки чун мен зори бесармоя еттим,
Териб бу дилрабоға зевар эттим.

Шу мавзу атрофида дostonлар ёзган шоирларга На-
воий пичинг ҳам қилади:

20

Вале чекканлар ушбу жомдин роҳ,
Саросар бўлдилар Хисравға маддоҳ.

Ки мулки андоқу ойини мундоқ,
Сипоҳи андоқу тамкени мундоқ.

Гаҳи Шабдизи олам гардидин деб,
Замони, «Ганжи бод обард» идин деб.

30 «Фарҳод ва Ширин» ишқий-романтик дoston. Унинг
асоси ишқидир. Лекин Фарҳоднинг Ширинга бўлган аф-
сонавий ишқий ҳикоясининг инкишофида Навоий му-
ҳим ижтимоий, ҳаётий ва кишиликнинг тараққиёти
учун зарур масалаларни ҳал қилишга тиришади. Дос-
тонда бошдан-охиргача ўтказилган туб идея маънавий
озодликка, ахлоқий камолотга эришув, бунга монелик
қилувчи қора кучлар билан кураш, тилак олдида тож-
тахтдан, ҳаёт лаззатидан, ҳатто ўз умридан ҳам кечиш-
га ирода соҳиби бўлишдир.

Дostonда эпик асарлар хусусияти сақланган. Унинг
қаҳрамонларига оддий ўлчовлар билан ёндашиш ҳеч
қандай натижага олиб бора олмайди. Шахсиятларида
буюк ғояларни ифода қилувчи қаҳрамонларнинг ишла-

ри, интилишлари чиндан ҳам оддий инсоний ўлчовлар доирасига сифмайди. «Фарҳод ва Ширин» ҳаётда қаҳрамонлик асосларини мадҳ ва тараннум этувчи дostonдир. Бу қаҳрамонлик шуурли, биллурий тоза, идеал бир қаҳрамонликдир. Олайлик Фарҳодни — Фарҳоднинг образи шундай қаҳрамонликни ёрқин ифода қилади. У, Чин хоқони учун дунёда ҳамма нарсадан азиз ва сеvimли шаҳзодадир. Уни бутун Чин мамлакати севади:

Анинг сори совуқ ел эсса ногоҳ,
Чекиб Чин мулкининг халқи совуқ оҳ.

10

Қилиб эл хонумон онинг фидоси,
Не хонумонки, жон онинг фидоси.

Фақат, у бу билан ғурурланмайди, аксинча, у ғоят камтарин:

Бўлуб шаҳлар эшигининг гадойи,
Ва лекин ул гадолар хоки пойи.

Фарҳод ўн ёшида ҳамма илмларни мукамал ўрганади, сипоҳийликда олға кетади, тоғни урса талқон қилажак жисмоний кучга ҳам эга. Лекин у камтаринликдан нодир ақлий қобилиятини ва муштининг кучини бошқалар олдида кўз-кўз қилмайди:

20

Ҳам ул илми баланд овоза бирла,
Бу янглиғ зўри беандоза бирла.

Ўзин абжад ўқур элдин тутуб кам,
Дема донишки, зўри даст ила ҳам.

Фарҳодни на олий қасрлар, музайян саройлар, на жононлар ила бирга кайф-сафо, на шароб базмлари, на тожу тахт қизиқтиради. Хоқон ўз ўғлига тожини жуда самимий равишда таклиф этади. Фарҳод эса, подшоҳликдан қандай йўл билан бўлса-да, қутулишга, Навоий тили билан айтсак, «тож соясидин бошин қочуруб, тахт поясидин аёгин ёшурмоққа» тиришади. Фарҳоднинг салтанатдан қочиши шуурли ва ғоят самимий бир ҳаракат бўлиб, саодат тожу тахтда эмас, балки мақсад учун интилишда, деган ахлоқий принципдан келиб чиқади. Қари подшоҳ ўз таклифида қаттиқ турган вақтда ёш Фарҳоднинг кўрсатган узри ҳам характерлидир: подшоҳ бўлиш учун шоҳ онласидан бўлиш кифоя қилмайди, мамлакатни идора қилишни ўрганиш

30

40

керак. Подшоҳлик айш-ишратдан иборат эмас, шоҳлик ҳам хизматдирки, уни билиш лозим:

Чу мен бу чоққа тегру гофил эрдим,
Бу иш таклифидин фориғдил эрдим.

Ишим ишратқа базморолиқ эрди,
Фароғат бирла бепарволиқ эрди.

Бир-икки йил иноят айласа шоҳ,
Ки, хизматдин ўзумни қилсам огоҳ.

10

Шаҳ олинда хамиша ҳозир ўлсам,
Бу иш кайфиятига нозир ўлсам.

Яқин билсам ривожин ҳам қасодин,
Танисам ҳам салоҳин, ҳам фасодин.

Кичикрак иш бурунроқ бўлса таъйин,
Қилилса ҳар не саҳв ўлғонға талқин.

Не ишким, яхшироқ қилсам, шуруи,
Бўлулса яхшироқ ишнинг ружуи.

Жаҳонда ҳар кишиким бир иши бор,
Ишида ул кишининг варзиши бор.

20

Чу варзиш бўлмас мушкул дурур иш,
Бўлур осон қачонким етти варзиш.

Фарҳод инсон ақлининг кучига чуқур ишонади. Фикр ила ҳар ниманинг негизига етиш ва ҳар мушкулотни ҳал этиш мумкинлигини билади. Унинг фикри қидирувчи фикр. Хазинада ажойиб сандиққа кўзи тушганда, дарҳол унга қизиқади, очиб, моҳиятини англашни истайди. Отасининг монелигига жавобан:

30

Деди: ҳар ишки қилмиш одамизод,
Тафаккур бирла билмиш одамизод.
Улум ичра манга то бўлди мадҳал,
Топилмас мушукули мен қилмаган ҳал.
Мунинг ҳам билмагунча асли будин,
Муайян қилмагунча тору пудин.
Не имконким, қарор ўлғай кўнгулға,
Тасалли ошкор ўлғай кўнгулға.

Сирли ойинани кўриб, бутун мушкулот ва хатарга қарамай, Искандар тилсимини очишга чинакам эҳтирос сезади:

Ўқуғоч шоҳзода қиссайи пок,
Бу мушкул ҳаллиға бўлди ҳаваснок.

82

Анингдек ғолиб ўлди изтироби,
Ки бу фикр узра борди хурду хоби.

Фарҳод актив шахсият. У тинч, шоҳона ҳаёт кечириндан ўзини минг балога уриб муаммони ҳал этишни афзал кўради. Аждаҳо ва девлар билан курашиб, ниҳоят, тилсимни очиншга муваффақ бўлади. Умуман, тилсим масаласи ва уни очиш учун Фарҳоднинг кураши, ундаги жасорат ва ироданинг чуқур символик маъноси борким, бу билан Фарҳоднинг образи ижтимоий аҳамият касб этади. Ойинада кўрдиги Ширинни қидириб кетган Фарҳоднинг ҳар қадами ундаги олижанобликка, қаҳрамонликка, асил интилишларга гувоҳлик беради. Фарҳодда буюк ишқ натижасида эгоизм гамом йўқолган. Унда дигаркомлик туйғулари кучли. У дўсти Шопур ила бирликда Ширинни қидириб Миҳинбонумамлакатига келганда, ишқнда ёндиги ёрига эришиниш учун ўнғай йўллар қидирмайди. У бу ерда тоғ қазийди, бу нарса Ширин учун эмас, меҳнатни севганидан, йиллаб тош кесиб оғир меҳнатда чақилган юзларча кишиларга шафқат қилдигидандир. Фарҳод ариқ қазувчиларнинг аҳволини кўриб, ишнинг оғирлиги тўғрисида улардан шикоят эшитгач, уларга ачинади ва ўзига дейди:

Чу кайфиятни маълум этти Фарҳод,
Алар ҳолига кўнгли бўлди ношод.

Деди, бу неча мазлуми ситамкаш,
Фалак бедодидин бўлгон аламкаш.

Ки вайронлиғларида юз халалдур,
Агар қилсам мадад воқе маҳалдур.

Ҳунарни асрабон неткумдур охир,
Олиб тупроққа му кеткумдур охир.

Фарҳод темирчидан дам ва кўра олиб шу ерда каттакон теша ясаб, бутун ғайрати ва шавқи билан тоғ қазиб ариқ ўтказишга киришади. Албатта, Навоий Фарҳоднинг кучи ва маҳорати ҳақида ўта муболаға қилади:

Қириб ориққа қазмоқ айлади майл,
Қоза бошлади қумни ўйлаким сайл.

Кесиб ҳар тешаси қилғоч хароши,
Фалак пили юкидек пора тоши.

Чу метин зарбидин айлаб ситеза,
Қатик хорони айлаб реза-реза.

Анингдек тешадин сакраб ушоқ тош,
Ки нозир бир йирочдин қочуруб бош...

Ҳамул кун-ўқ далири хорабур ков,
Муҳайё қилди хора ичра бир нов.

Ки уч йил икки юз хорабур устод,
Ола олмай ҳам онча хорадин дод.

Фарҳод оз кунда тоғни қўпориб, каттакон ариқни
10 маррага олиб боради. Гап бу муболағада эмас, Фарҳод
образининг буюклиги, қиймати унинг ҳаддан ташқари
жисмоний кучга эгаллигида эмас. Масала ошиқ Фарҳод-
нинг меҳнатга, қурилиш ишларига муносабатида ва
дэстонда умуман табиат ила кураш, ободонлик, яра-
тувчилик мотивларининг Навоий томонидан кенг ва
чуқур равишда тараннум этилишидадир. Навоий илм
ва санъатни, меҳнат ва ҳунарни севади. Ўз умрида
илм, санъат тараққиётига катта аҳамият берган, мам-
лакатнинг ободонлигини ўйлаган Навоий, ўз ижодида
20 ҳам шу масалаларга катта ўрин беради. Ўз қаҳрамо-
нини ишқий саргузашт кетидан қувган ишқ боласи қи-
либ қўймайди. Фарҳод ёшликда ёлғиз назарий илмлар-
ни ўрганиш билан чегараланмайди. Унинг кўнглини
чоғ қилиш учун отаси бир тадбир ўлароқ тўрт фаслни
жонли тасвир этувчи тўрт қаср солдирар экан, у томо-
шага келиб, энг улуғ устодлардан тош кесишни ва нақ-
қошликни яширин равишда ўрганган эди.

Навоий ўз асарларида ҳунар ва санъат одамларини
чуқур севги билан ва жуда гўзал самимий равишда
30 тасвирлайди. Шопур савдогар ва самимий дўст, юксак
қалбли шахсина эмас, у машҳур наққош, рассомдир.
Шоир ўз дostonида қурилиш ишларини, рассом ва
наққошларнинг санъатини тасвирлар экан, уларни
шундай тўғри, шундай чиройли-ингичка, ранго-ранг
жилвалари билан моҳирона кўрсатадики, ҳар мисран
бу соҳани чуқур билганини ва жондан севганини бил-
дириб туради.

Фарҳод ўрганган ҳунарини ёри бошлаган қури-
лишда намоён этади. У ариқни битириб, катта ҳовуз
40 ҳам барпо қилади. Ширин учун тошни йўниб чиройли
қаср ҳам қуради. Дўсти Шопур билан уни безайди.
Ариқлар қасрни айланиб, тубанга тушиб, боғу бўстон-
ларни сугоришга мувофиқлаштирилади.

Тоғ қазиб, сув келтириш! Бу бир кўп Шарқ мамлакатлари, шу жумладан, Урта Осиё учун ҳаёт масаласи эмасми? Тош кесиб сув келтириш — ҳаёт яратиш демакдир. Навоий нафис санъатлар билан бир қаторда жамият учун ариқларнинг буюк аҳамиятини яхши билади. Шунинг учун у ишқий ҳикояда бу мавзунини сингдириб юборади. Ариққа Фарҳод сув очади. Бу воқеа катта байрамга айланади. Узи билан ҳаёт келтирувчи сувни Миҳинбону, Ширин ва бутун халқ катта тантана ва қувонч билан қарши оладилар. Бу умумий қувонч-ни Навоий жуда жонли тасвир этади:

Олиб метин сув очмоқ этти бунёд,
Етишти ул сари ҳури паризод.

Боқар эрди ариғнинг ичу тошини,
Кулумсуб тебратиб ҳар лаҳза бошин.

Ошиб ҳар ишда ҳайрат нозанинга
Бўлуб қойил паёнай офаринга.

Пари пайкарда сўз йўқ ғайри таҳсин
Уруб девона сув очмоққа метин.

Сувга ариғ шикофин очти чун чуст,
Бурун борур мумарни айлабон руст.

20

Чу ул йўл бўлди хоро бирла масдуд,
Бу йўлга майл қилди тезрав руд.

Ариғ нови чу бўлди сув мақоми,
Тегирмон новидек бўлди хиромни.

Халойиқ ичра гавго тушти ҳар ён,
Улус ичра алоло тушти ҳар ён.

Ариғнинг икки ёнидин алоло,
Нашот аҳли тузуб сурно талоло.

30

Муғаннийлар ики ёндин навосоз,
Тузуб ул руд раҳни бирла овоз.

Миҳинбону билан Ширин суруб от,
Ки қаср олиға еткайлар суруб бот.

Ва лекин сув бўлуб андоқ сабук рав,
Ки етмай гирдиға хинги сабук дав.

Югурмоққа улус баским қилиб майл
Йиқилиб бир-бири устида ҳар хайл.

Ариққа «Нахрул ҳаёт», ҳовузга эса «Баҳрун нажот» ном қўядилар. Мана шу исмларнинг ўзинёқ Фарҳод об-разини юқори даражага кўтаради.

10 Фарҳод Ширинни ғоят кучли эҳтирос билан севади. Ишқ уни ҳашаматли саройлардан ҳисобсиз жоҳарларга, дайдиликка, ваҳший тоғларга судрайди. Ишқий изтиробда Фарҳод ўзлукни тамом унутади, Ширин хотираси билангина ҳаётга у марбутдир. Эрон шоҳи Хисрав келиб Миҳинбону қалъасини ўраганда, қалъа устидаги катта тошни ишғол этган Фарҳодга кўзи тушади, унинг томонидан Фарҳоднинг кимлигини билмак учун юборилган одамга ошиқ дейди.

Ичимга ишқ ўтидин тушколи дуд,
Не отим, балки, зотим бўлди нобуд,

Мени от айламактин ишқ этиб бот,
Мен оддин ёту, мендин от бўлиб ёт.

Ва лекин даҳр аро аҳли талаввун,
Адамға айлаб итлоқи таайюн.

20

Қилурлар чун вужудим туфрағин ёд,
Ҳамоноким атарлар хаста Фарҳод.

Фарҳодни макр ила тутиб Хисрав қошига келтирганларида, икки рақиб орасидаги диалог жуда характерли. Бундан биз Фарҳоднинг нақадар буюк, нақадар тоза ва идеал ишқ билан яшаганини кўраимиз:

Деди: қайдин сен, э Мажнун гумроҳ?
Деди: Мажнун ватандин қайда огоҳ.

Деди: недур сенга оламда пеша?
Деди: ишқ ичра мажнунлиқ ҳамиша.

30

Деди: бу ишдин ўлмос касби рўзи.
Деди: касб ўлса басдур ишқ сўзи.

Дедиким: ишқ ўтидин де фасона!
Деди: куймай киши топмас нишона.

Дедиким: куймакингни айла маълум!
Деди: андин эрур жоҳ аҳли маҳрум.

Деди: қай чоғдин ўлдинг ишқ аро маст?
Деди: руҳ эрмас эрди танға пайваст.

Деди: бу ишқдин инкор қилғил!
Деди: бу сўздин истиғфор қилғил!

Деди: ошиққа не ишқ кўп қилур зўр?
Деди: фуқрат куни ишқи балошўр.

Деди: ишқ аҳлининг недур ҳаёти?
Деди: васл ичра жонон илтифоти.

Дедиким: дилбарингни де сифотин!
Деди: тил ғайратидин тутмон отин!

Дедиким: ишқиға кўнглунг ўрундур
Деди: кўнглумда жоңдек ёшурундур.

Деди: васлиға борсен орзуманд?
Деди: бормен хаёли бирла хурсанд...

10

Деди: жонингни олса лаъли ёди?
Дедиким: ушбудур жоним муроди.

Деди: кўксунгни гар чок этса бебок?
Деди: кўнглум тутай ҳам айла деб чок!

Деди: кўнглунг фидо қилса жафоси?
Деди: жонимни ҳам айлай фидоси.

Дедиким: ишқдин йўқ жуз зиён буд!
Деди: бу келди савдо аҳлига суд.

Деди: бу ишқ тарки яхшироқдур!
Деди: бу шева ошиқдин йироқдур!

20

Деди: ол ганжу ишқин қўй ниҳони!
Деди: туфроққа бермон кимёни!

Деди: жонингға ҳижрон кинакашдур.
Деди: чун бор васл уммиди хушдур.

Дедиким: шаҳға бўлма ширкат андеш!
Деди: ишқ ичра тенгдур шоҳу дарвеш!

Деди: жонингға бу ишдин алам бор!
Деди: ишқ ичра жондин кимға ғам бор?

Деди: кишвар берай, кеч бу ҳавасдин!
Деди: бечора, кеч бу мултамасдин!

30

Деди: ишқ ичра қатлинг ҳукми эткум!
Деди: ишқида мақсудумға еткум.

Деди: бу ишда йўқ сендин йироқ қатл.
Деди: бу сўзларингдин яхшироқ қатл.

Мутафаккир шоирнинг юқсак санъати ва маҳорати-
га шоҳид бўлажак бу парчада буюк ишқнинг, идеяга

чуқур садоқатнинг, қаҳрамонликнинг хислатлари порлоқ акс этмишдир.

Ширинни Навоий ёлғиз гўзаллик тимсоли каби эмас, балки, энг асил маънавий мазийятларга соҳиб бир малика сифатида яратган. Ширинда гўзаллик ва нозиклик, ифбат билан бирга чуқур севувчи қалб, жасорат ва имон бор. Гўзаллиги билан донғи кетган Ширин салтанат ва мавқе андишаларидан холи бир шавқ ила, соғлом ва чуқур меҳр ила Фарҳодни севади.

- 10 Ширин Фарҳодни иши учун, юксак инсоний хислатлари учун севади. Умуман, Навоий Ширин, Миҳинбону образларида жасур, урфонли, тоза кибор хотинларни кўрсатишга тиришади. Улар тадбир билан мамлакатни идора қиладилар. Уларнинг сарой ҳаётида ҳам шонр аллақандай ёқимли бўёқлар топади. Маликаларнинг Фарҳод шарафига тузган зиёфат мажлиси, ундаги тартиб, суҳбатлар ва канизакларнинг терилганлиги Ширин ва Миҳинбонуни илм, санъат қийматини билувчи олимлар каби характерлайди:

20

Бу мажлис ичра ҳозир ўн дилором,
Бори ҳам сарв қомат, ҳам гуландом;

Бўлиб Ширин бисотининг надими,
Алардин хуш Миҳинбону ҳарими.

Келиб ҳар қайси бир фазл ичра моҳир,
Маҳорат шеваси ҳар бирда зоҳир.

Бири ашъор баҳри ичра ғаввос,
Бири адвор даври ичра раққос.

Бири мантиқ русумида рақамкаш,
Бири ҳайъат руқумида қаламкаш.

30

Бирининг шеваси илми ҳақойиқ,
Балоғатда бир айтиб дақойиқ.

Бири таърихда сўзлаб фисона,
Бири ҳикмат фани ичра ягона.

Ҳисоб ичра бирининг зиҳни бориб,
Муаммода бириси от чиқориб.

Чу уйрулди лаболаб давр аёғи,
Қизиди базм янглиғ эл думоғи.

40

Миҳинбону камол изҳор айлаб,
Дақойиқдин савол изҳор айлаб.

Аларға айлагач жузви ишорат,
Падидор ўлди юз дилкаш иборат.

Фунун бозори ичра шўр тушти,
Аторутқа декин ғавго ёвушти.

Ғаройиб кўп қила бошлади зоҳир.
Ўзининг фаннида ҳар шўхи моҳир.

Шундай шоиралар, мантиқчилар, ҳайъатшунослар,
тарихчилар билан ўралган Ширин фақат ғўзаллиги билан эмас, ақли, қалби, жасорати ва бошқа маънавий фазилатлари билан ёрқин бир сиймодир. 10

Ширинга уйланмак учун Эрон шоҳи Хисрав Миҳинбонуга элчи юборади. Хисрав мамлакати, қўшини билан машҳур улуғ подшоҳ. У билан муомалада кичик бир малика учун жуда эҳтиётлик керак. Жавоб учун Шириннинг бу масалага қарашини сўрайди. Ишқига содиқ Ширин кутилмаган ва хавфли воқеага ўз қарашини ҳеч тараддудланмасдан кескин баён қилади:

Бошимға тиғи ғам сурсанг не бўлғай,
Бу сўз дегунча, ўлтурсанг не бўлғай.

Мени ҳиндудек оташгаҳға бошла,
Узорим ҳолидек ўт ичра ташла. 20

Қи жисмим бўлса ул ўт ичра нобуд,
Сочимдан чиққай ахир чирмашиб дуд.

Малолимдин бари олам қутулсун,
Таним юз минг балодин ҳам қутулсун.

Манго Фарҳод ишқи тухмати бас,
Қи чеҳрам кўрмайин ул зору бекас.

Йиқилмоқдур шиори оҳ тортиб,
Кўнгулдин нолаи жонкоҳ тортиб.

Қулоғи мустаме бўлмас сўзимга,
Кўзи ойлар ўтуб тушмай юзумга. 30

Тоғ ичра сел янглиғ оқизиб ёш,
Уруб тош узра ҳар дам селдек бош.

Манго не ёру, не ошиқ ҳавасдур,
Агар мен одам ўлсам ушбу басдур!

Агар Бону иложи билса қилсун,
Ўзумни ўлтурурмен йўқса, билсун!

- Ҳар сўзи ёниқ лиризм ила учқунланган бу парчада ҳақиқий инсон қалби, унинг туйғулари биллурий тоза акс этади, бу парчада Ширин образи тўла ярқирайди. Ширин нега Хисравга хотин бўлсин? Хисравнинг қадимий Эрон тожи қизиқтирадими? Йўқ. Хисравнинг қўшин тортиб мамлакатни вайрон қилиш таҳдиди қўрқитадими? Йўқ. Ширин Фарҳодни севади. Майли, у савдойи, кўрса оҳ тортиб йиқилади. Фарҳоднинг буюклигини, ишқининг самимийлигини Ширин билади. У севгисига
- 10 хиёнат қилишдан ўлимни ортиқ кўради. Хисравнинг талабини эшитар экан, у ҳаммадан аввал инсон бўлиб қолишни истайди. «Мен одам бўлсам, шу бас», дейди. Шу юксак фикридан Ширин асло қайтмайди. Ўз юртини Хисрав лашкари «бир сел каби», «дарёи офат каби» босароқ, давлати, ҳукмронлиғи даҳшатли хавф остида қолганда ҳам, севгилиси Фарҳод ўлганда ҳам, Ширин ўз севгисига, ўз эркига содиқ қолади, зулм қаршисида бўй эгмайди. Ўлик ёрини қучоқлаб, инсон ўлароқ, дунёдан кўзларини юмади.
- 20 Фарҳод билан Ширин ҳаётда топишмай ўладилар. Уларни ўлим бирлаштиради. Энг яхши инсоний сифатларнинг ёрқин тажассуми бўлган бу икки севгилининг орасини қора зулм девори айиради, уларнинг ҳаётда жуфтлашувларига йўл қўймайди. Хисравнинг муз нафаси икки гулни сўлдиради.
- Навоий Хисрав образида зулмни гавдалантиради. Золим подшоҳлардан нафратланиб, умуман юксак идеаллар билан тож-тахт ўртасида катта очиқлик борлигини олға суриб, ҳатто абстракт шаклда бўлса-да, салтанатни инкорга қадар боради.
- 30 Хисрав нима учун Ширинга уйланмоқ истайди? Шириннинг гўзаллигини эшитиб хирси қайнайди. Дурустроқ «қойим мақом» туғдириш баҳонаси ҳам бор. «Дон сочқали яхши ер керак», «агар гул эксанг, гулзорга эк» деган оддий андишани амалга ошириш учун зулм тиғини кўтаради.
- Хисрав ҳар қандай инсоний ҳислардан маҳрум бир истибдодчи. У қўпол шахсий тамойилларини қондириш учун зўравонликни ишга соладиган, шавкат овозаси билан мағрур бир подшоҳ. Миҳинбону унинг элчиларини яхши қарши олиб, шоҳнинг талабини вужудга келтириш имконсизлиги ҳақида ҳаққоний далиллар кўрсатиб, узрлар сўраса, буни Хисрав ўзи учун ҳақорат

жаби тушунади. «Мокиёнлар»га жазо бериш, куч билан Ширинни қўлга олиш учун отланади:

Деди: ҳолим менинг ул ерга етти,
Ки бу навъ эл сўзумдин нафрат этти.

Яқиндурким бу бемаъни фасона,
Эрур боштин-аёғ макру баҳона.

Эрур ўз бахтига бермак нигунлик,
Забунларга аён қилмоқ забунлик.

Нега худ чиқмасун сунғур жаҳондун,
Кўруб шавкат садоси мокиёндин?

Агар умр ўлса ул айёраларга,
Демай айёраким, маккораларга,

Ситамдин еткурай андоқ сазое,
Солай кишварлари ичра балое.

Ки ҳар қайда бор эса бир ҳийла пайванд,
Қиёматга декин бўлғай анга панд.

Хисравнинг сиёсати қўпол хирсларга бўйсунди. Ишқ эса самимиятдан ва юксак ҳислардан туғилади. Ишқда 20 ҳар нимани унутиш ва садоқат лозим. Шоҳлик бунга йўл қўймайди. Навоий Хисравнинг ҳаракатини қоралайди, шоҳлик билан ошиқлик бошқа-бошқа нарсалар эканини, шоҳлик кўзга иладиган бир мартаба эмаслигини сўзлайди:

Керак ишқ аҳли қул бўлмоқ бу сўзга,
«Ки шаҳлик ўзгадур, ошиқлик ўзга».

Кетур, соқий, қадаҳ огоҳлиқдин,
Ки андин журъа хушроқ шоҳлиқдин!

Ичиб май салтанат илмай кўзумга,
Қилай зулм, элга қилғунча, ўзимга!

Хисрав Фарҳоднинг олий интилишларини англашга қобил бир шахс эмас. Фарҳодни у ўзига асло тенг бўлмаган савдойи рақиб деб билади. Фарҳод билан Ширинни боғлаган ишққа ишонгиси келмайди. Бу ерда қандайдир макр-ҳийла кўради. Гўзал малика шундай донгдор подшоҳни севмасдан шу гадога мафтун бўладими? Фарҳоднинг ҳаракатида «мулкийат орзуси» бор, деб билади; басит тушунчали шоҳ Ширинга етишмак учун «тиканни йўлдан олиб ташламоққа» бутун ифлос 40 воситаларни қўллайдн.

10

30

Фарҳод ва Ширин образларида қаҳрамонликни мақтаган Навоий Хисравда зулмни, ожизликни, паст табиатни қабартиради. Навоий Фарҳод тилидан Хисравнинг таловчилигини фош қилади, ундан аччиқ кулади:

Қилиб эл мулки ичра қатлу торож,
Олай деб мулк элидин тахт ила тож.

Бировниким бериб мулкни барбод,
Қилурсен нозанин кўнглини ношод.

10

Шикастиға ситам ёйин қурарсен,
Эшиттим ишқ лофин ҳам урарсен.

Бу бўлғай ишқ ва дард ойини ваҳ-ваҳ,
Вафою меҳр шарти оллаҳ-оллаҳ.

Фарҳоднинг бу нафрат ила қайноқ, ҳақли сўзларига Хисрав жавоб тополмайди. Сипоҳийлари орасида музтариб бўлган Хисрав ғазабдан зўравонликка бел боғлаб, қўрғонга ҳужум қилади. Лекин зулмга таянган шавкат-дабдабанинг тағи бўш. Хисрав «оламни тутган» қўшини билан қўрғонни олишдан ожиз. Дунёда жабрдан нафрат қилган, «бировнинг оёғига кирган тиконни киприги билан чиқаришга» ҳар вақт тайёр бўлган Фарҳод бу ахлоқ маромини ғаддорга нисбатан қўллайди. Хисравга қарши қаттиқ курашади. Хисрав чорасизликдан макр-ҳийлага қўл узатиб, душманини асир туширади. Лекин занжирбанд этилган асир дондор подшоҳ олдида овозини яна баландроқ кўтаради. Шоир бу ерда ҳам Хисравнинг ожиз, паст шахс эканлигини фош қилади. Фарҳод уни қўрқоқликда айблайди. Шунча қўшин, шунча давлат билан мени мардларча энгмасдан, макр ила келтирдинг, дейди. «Баракалла шижоатингга!» деб шоҳни узиб олади:

20

Не ром айлаб ани дархост бирла,
Не айлаб қатл зарби рост бирла.

Ики тошидин ул янглиғ бўлуб паст,
Ки юз минг хайл ила топмай анга даст.

Ҳам охир кўргузуб макрин ниҳоний,
Қилиб юз реву беҳуш айлаб они.

Эси йўқликда айлаб макру тадбир,
Аёғ-бошиға солиб банду занжир...

92

Адолат ушбу бўлғай лавҳашоллоҳ!
Шижоат мунча бўлғай боракаллоҳ!

Дамеким эрмас эрдим ишқ асири,
Ерим эрди хирад мулки сарири.

Шуур анворидан ҳолимға партав,
Манго ул кун йўлуқса эрди Хисрав.

Агар юз мунча бўлса эрди хайли,
Борининг кину қон тўкмоққа майли.

Борининг тори умрин узгай эрдим,
Йигитликни анга кўргузгай эрдим.

10

Ғурур ўти ичидин сўнгай эрди,
Шижоат расмини ўргангай эрди.

Хисрав кейинча Фарҳоднинг гуноҳсизлигини билгани ҳолда, салтанат ғуруридан, раияти олдида обрўсини сақламоқ ниятида ўз асирини макр билан ўлдиртиради. Ўтмиш шоирлари томонидан мадҳ этилган Хисравнинг ҳақиқий сиймосини Навоий мана қандай очиб беради. Фарҳодни ўртадан кўтариб зафар гулларини узмакчи бўлган Хисравга толе ёр бўлмайди. Навоий зулмнинг гуллашига йўл қўймайди. Хисравнинг ўғли Шируя отасини ўртадан олдириб, тож-тахтга ва гўзал Ширинга эришмоқ мақсадида ҳаракат қилади. Хисрав зулми ҳаддан ошганлигидан халқ Шируя томонига ўтади, Шируя отаси Хисравни ўрнидан туширади. Ҳар нав хавф-хатардан амин бўлмоқ ниятида, сўнг Хисравни ўлдиради. Навоий Хисравнинг ўлишини зарур ва қонуний бир ҳодиса каби тушунтиради ва бу ҳақда чуқур мулоҳазаларга боради. Навоийча, зулмнинг кучайиши зулм намояндаларининг, эзувчиларнинг изини дунёдан ўчириши керак. Навоий зулм. адоватни бутунлай йўқотиб, ҳаётда яхшилик ва севги бошланмасини гуллатиш керак, деган фикрни олға суради:

Ситамдин бас иликни чекмак авло,
Вафоу меҳри тухмин экмак авло.

Чу мурза ичра сочтинг ҳар на дона,
Ҳамул дона кўтаргунг жовидона.

Чу маҳсулидин ўлмас кимса қочмоқ
Керактур яхшилик тухмини сочмоқ.

Қи Хисрав зулм тигин урди чун тез.
Ҳам урди зулм тиги чархи хунрез.

40

Навоийнинг даҳоси 500 йил бундан муқаддам бу буюк умумбашарий фикрларни олга сурди. Хонлар, беклар, феодаллар ҳукм сурган ва жабр, ҳақсизлик авж олган даврда буюк шоир ўз дostonида зулмни таъналади, зулм арбобларини фош қилди. Навоий ижодиётининг буюклиги, умумбашарий қиймати, бугунги давр билан ҳамоҳанглиги, унинг бадий аҳамияти билан бирга шу юксак инсоний фикрлардadir.

- Достон қаҳрамонларнинг ўлими билан битadi. Бир
- 10 ўлим иккинчисини олиб келади. Фарҳод орқасидан Ширин кўз юмади. Ширин дардини сиздира олмасдан — салтанат андишасига бирмунча боғли бўлишига қарамай — Миҳинбону ҳам умридан воз кечади. Ҳар ёқда ўлим. Ҳар ёқда кўз ёши, фиғон. Лекин асарнинг идеясига чуқурроқ кирилса, бу умидсизлик зоҳиран экани, асардан чуқур оптимистик руҳ, ҳаётни севишлик барқ ургангани кўрамиз. Ҳақиқатда, Фарҳод ҳам, Ширин ҳам қора кучга тиз чўкмасдан, у билан курашиб, буюк тоза севгига ва шуурли эркликка зарра хиёнат
- 20 қилмай ўлди. Бу ўлим улар характеридаги қаҳрамонликнинг юксак босқичидир. Эзувчилар лойиқ жазога дучор бўлади. Хисрав ўз ўғли қўлида ўлади. Хисравнинг ўхшаш образи қотил Шируя ҳам Чиндан қўшин тортиб келган Фарҳоднинг дўсти Баҳром қаршисида гуноҳкор каби ялинади, Хисрав босқини натижасида юз берган зиёнлар бадалига хазинасини тўкиб, ўз юртига базўр бошини олиб қочади. Миҳинбону ўрнига Баҳром унинг қариндошларидан салтанатга лойиқ бирини чиқаради, қонун ва адолат билан иш кўрадиган ҳукумат тузади. Ширин юртида адл барпо бўлиб, вайроналарни обод қилишга тиришилади, яратувчи тинч ҳаёт жараён қилади.

Фарҳод ҳам унутилмайди. Унинг қабри бошида жонажон дўсти, самимият ва садоқатнинг тимсоли Шопур ва баҳодир Баҳром.

Достоннинг ўзи каби чуқур ва гўзал хотима!

* * *

- «Фарҳод ва Ширин» дostonи фикр бойлиги билан
- 40 Навоийни мутафаккир шоир сифатида кўрсатса, формал хусусиятлари билан шоирни буюк бадий сўз устоди каби гавдалантиради. Достоннинг ҳар мисраи

шоирнинг санъатдаги маҳоратини, сўзга ҳокимлигини ва ҳоказони кўрсатиб туради. Шоир қайси масалага тўқинмасин, ҳаётнинг қайси саҳифасини очмасин, ҳаммасида ҳам чуқур билим соҳибидир. Достонда очилиб борган турли воқеалар, манзаралар шунинг учун бадний тўлалик билан акс этгандир. Шоир қаҳрамонни тилсим очишга олиб борар экан, хавф-хатар ила тўлган сирли бир оламнинг манзараларини жуда жонли тавсиф қилади. Подшоҳ саройларида бўлажак базмлар, ойнлардан тортиб, наққошлик, рассомлик санъати, ариқ қазиш техникаси ва турмушнинг бошқа хилма-хил томонларини саҳифалар экан, ҳар бирида янги, ёрқин, рангдор картиналар чизади.

Навоийда фикр мўл, ҳаёт ҳақида маълумот мўл. Шунинг учун кичик бир чизгини қабартира билади. Муносабатсиз, боғланишсиз кўринган нарсалар, воқеалар орасида чуқур ички робиталар кўради. Шунинг орқасида шоир кутилмаган, янги, порлоқ ўхшатишлар, метофоралар, сифатлашлар ва бошқа ифода воситаларини мўл-мўл сочиб ташлайди.

Кўпинча, Навоий бирон воқеани, бирон кечинмани баён қилмоқчи бўлганда, шу воқеага, шу кечинмага ички муносабатдор тимсоллар беради. Булар айтилмоқчи бўлинган нарсага мантиқий кириб, қисса давом этади. Баъзи мисоллар келтирайлик. Фарҳодда ишқий кечинмалар бошланганини ифода қилмоқ учун шоир шундай тасвирлар беради:

Не ишким чарх этар изҳорин онинг,
Бурунроқ кўргузур осорин онинг,

Иситма чун шарорат зоҳир айлар,
Бадан аввал ҳарорат зоҳир айлар.

Чу япроғни тўкар боди хазоний,
Бурун рангини айлар заъфароний,—

Фарҳод ишқини яширади. Лекин, ишқни яшириш унга имконсиз. Шоир дейди:

Қаю уй ичра бўлса шуъла мавжуд,
Эмасдур уйга боки гар чиқар дуд.

Ениб ўт чиқмас ўлса дуди мутлақ,
Ул уй девориға бўлмоқ керак шақ.

Фалак ҳам меҳрин оқшом айламас фош,
Бўлур зоҳир чу анжумдин тўкар ёш.

Ёшурғай нофа худ мушки тотори,
Ёйилмоқда нси, не ихтиёри.

Чу лола ғунчаси зоҳир бўлур чоғ,
Неча кўнглида асрар ёшурун доғ.

Навоийнинг тасвирий воситалари ингичка, чуқур ва тамом оригинал бўлиб, фикрлар, нарсалар орасидаги ҳадсиз боғланишларга ишорат қилади:

Ёғиб андоқ бурудат замҳарири,
Қи тахта тош боғлаб сув ҳарири...

10

Фалак тундин кўмур айлаб саранжом,
Шафақдин солибон ўт анда бир шом...

Сақол оқи ўлумга пешравдур,
Тириклик сабзаси узра қировдур...

Қизил роҳу яшил чинни пиёла
Нечукким сабза саҳни ичра лола...

Чу бўлди тун қаро тоғи нигунсор,
Нечукким, зилзила бўлгонда кўҳсор...

Қуёш лаъли чекиб тоғ узра адранг,
Фалакни субҳ қилди мрамари ранг...

20

Қўруб наргисда мундоғ турфа уйқу,
Қизортур ғунчаки ҳар лаҳза кулгу...

Топиб кўп фикр ила ғор оғзиға йўл,
Киши топқон киби ёр олдиға йўл...

Агарчи аждаҳо бор эрди даррон,
Вале ул ўқ йилони ўтти паррон...

Тешиб беҳад тани осудасини,
Кабоб этган киби қўй рўдасини...

Епар фонус бирла шуъласин шамъ,
Кўрарлар пардадин ул шуълани жамъ...

30

Кўз ичра махфий ўлмас ашк қони,
Бўлурму шиша май ичра ниҳони...

Суроҳилар майидин руҳ олиб қут,
Қадаҳлар ҳар бири бир пора ёқут...

Ки жисмим бўлса ул ўт ичра нобуд
Сочимдин чиққай ахир чирмашиб дуд...

Тутуб Фарҳод ул тош узра манзил,
Нечукким дур қилур бош узра манзил...

Бўлуб гулгун ҳарири чок элидин,
Нечукким гул яқоси тонг елидин...

Қошим меҳробини ёд айлаган дам,
Янги ойдек бўлурму қоматинг ҳам?

«Фарҳод ва Ширин» достонида ҳам Навоийнинг тили араб ва форс унсурларини мўл ҳазм этган оғир тилдир. Шоирнинг ўзбек тилига хизмати ва асарларининг тил хусусиятлари ҳақида биз кейинча айрим сўзлармиз. Лекин биз текшириб ўтган достоннинг бир кўп қисмларида анча содда тил билан айтилган парчаларга ҳам учраймиз. Мисол ўлароқ, ёниқ лиризм ила суғорилган Шириннинг ишқини, қалбий изтиробларини жуда чиройли ифода этган бир мактубдан, Шириннинг Фарҳодга ёзмиш мактубидан бир парчани келтирайлик:

Хироминг чоғи йўлдош ўлсам эрди,
Сукунинг вақти қўлдош ўлсам эрди.

Қуёш янглиғ бўлуб кундуз қарининг,
Бўлуб тун соя янглиғ ҳамнишининг.

Тикан кирса кафингга кинасидин,
Чиқарсам эрди киприк игнасидин.

Аёғ сўнсанг бўлуб ғамдин харошинг,
Мудом ўлса эди қўйнумда бошинг.

Кўруб хору хас ўрнунгда, ниҳони —
Сочим бирла супурсам эрди они.

Чу билсам гарддин кўнглингда қайғу,
Ер узра ашкдин сепсам эди сув.

Бошингга тушса меҳнат шоми жовед,
Юз очиб зоҳир этсам эрди хуршед.

Агар жонингга қасд этса узун кун,
Сочим еткурса эрди анбарин тун.

Юзингни олмасам эрди энгимдин,
Аритсам эрди ашқингни енгимдин.

Жунун таъвизига бўлғонда мойил,
Қўл этсам эрди бўйнунгга ҳамойил.

Тилар бўлса юзунг кўрмакка кўзгу,
Юзум юзингга тутсам эрди ўтру.

Сув истаб тушса ўтлуғ кўнглунгга жўш,
Лабимдин тутсам эрди чашмай нўш.

Дамодам айлабон ҳамдамлигинини,
Кеча-кундуз қилиб маҳрамлигинини.

Тунунгда шамъи мажлис бўлсам эрди,
Кун ўлса ёру мунис бўлсам эрди.

Лайли ва Мажнун

Бу дoston мавзун Шарқда машҳур бўлган икки севгили ҳақидаги араб афсонасидир. Бу афсонани поэма учун биринчи дафъа мавзу қилиб олган шоир Низомийдир. Унинг орқасидан Хисрав, Жомий ва бошқа шоирлар ҳам шу мавзуда дostonлар яратганлар. 10 Низомий ҳақида ёзган Дунаевский бу сюжетни жуда кўп поэмаларга материал бўлганини, Низомийнинг «Лайли-Мажнун» дostonи жуда кўп тақлидий асарларга сабаб бўлганини, XIV асрдан XIX асрга қадар ўн тўққиз шоир аynи шу сюжет устида ишлаб поэмалар яратганлигини сўзлайди.

«Лайли ва Мажнун» дostonининг қисқача сюжети шундай: араб қабилаларининг бошлиғи оиласида ўғил туғилади, унга — Қайс исмини берадилар. Тилаб-тилаб 20 олган бу болани ота ва онаси жуда яхши тарбия қилади. Уни мактабга берадилар. Мактабда қиз ва эр болалар бирга ўқишар эди. Истеъдодли Қайс оз кунда ўқишдан кетади. Чунки мактабда ўқир экан, у Лайли номли гўзал қизга — мактабдошига муҳаббат боғлайди. Лайлининг қалбига-да Қайснинг ишқи тушади. Қайс ишқининг фавқулodда кучли бўлиши, Лайли қаршисида ўзини унутиб, ҳушсиз йиқилиши ҳаммага ошкор бўлади. Лайлидан бошқа ҳамма нарсани унутган ошиқ Қайсни энди Мажнун деб атайдилар. Лайлининг отаси бу воқеани эшитиб қизни Мажнундан та- 30 мом айриб қўяди. Мажнун эса телбаларча тентираб Лайли ишқи изтиробидан фиғон чекиб юради. Қайснинг ота-онаси ва қабиласи бу воқеадан хабардор бўлгач, қидириб топиб уйга олиб кетадилар. Унга панду насиҳат қиладилар. Лекин, ҳеч қандай сўз унинг қулогига кирмайди. У тамом эсини йўқотади. Уйда турмайди, ҳар кун Лайли қабиласига югуриб, нола-фиғон кўтаради. Лайли отасининг таҳдиди орқасида Мажнунни уйда занжирга боғлаб қўйишга қадар борадилар. 40 Қайсни кўриш имкониятидан маҳрум этилган, унинг гамида ичдан куйган Лайли Ибн Салом деган бири-

га яширин равишда унаштирилади. Мажнуннинг отаси ўғлини бу дарддан қутултириш умидида Мажнунни Каъбага зиёратга олиб боради. Мажнун Каъбада ҳам ўз ишқининг, ишқ-дарди изтиробининг кучайишини оллодан сўрайди. Каъбадан қайтиб Мажнун саҳрода яшайди. Лайли ҳақида ғазаллар тўқиб, фарёд қилади. Саҳрода унинг қурдошлари — бўри, тулки ва бошқа ҳайвонлар.

Давлати ва баҳодирлиги арабларда машҳур бўлган Навфал ўзига қарашли йиғитлари билан ов қилиб 10 юрар экан, саҳрода Мажнунга кўзи тушади, унинг ҳаёти билан мароқланади. Мажнунга шафқат юзасидан уни мақсадига етказишни ваъда қилиб, ўз уйига олиб жўнайди. Навфал кишилар юбориб, Лайлини Мажнунга берилишини Лайли отасидан сўрайди. Лайли отасидан бу хусусда манфий жавоб олингандан сўнг, Навфал аскар йиғиб, Мажнунни ҳам ёнига олиб, Лайли қабиласи устига юриш қилади. Орада бир кун қаттиқ уруш бўлади. Бу урушда Навфалнинг қўли баланд. Оқшом уруш тўхтагач, енгилишини сезган 20 Лайли отаси ўз уруғлари билан кенгаш ясайди. Навфалдан енгилиб, қизини душман қўлига топширишни шармандалик деб санаган ота Лайлини эрта ўлдириб, номусини қутқаришни таклиф қилади. Бу таклифни кенгашдагилар хурсандлик билан қабул қиладилар. Шу кеча Мажнун туш кўради. Тушида Лайли кўри-ниб, шу воқеани баён этади ва ошиғи билан видолашади. Мажнун уйғониб, фиғон билан Навфал қошига келаркан ўз тушини сўзлайди ва Лайли қабиласи билан урушмасликни ундан ўтинади. Мажнуннинг тушига 30 ишонган Навфал ҳарб майдонини ташлаб жўнайди. Мажнун яна биёбонда тентирайди. Зайд номли бири билан дўст тутуниб, у орқали Лайли ила нома ёзишади. Ўғлидан умидини узмаган ота Мажнунни қидириб топиб, ялиниб, насихатлар қилиб уйига олиб боришга муваффақ бўлади. Мажнун қўй териси ёпиниб, қўйлар орасида Лайли қабиласига кириб боради ва маъшуқасини кўради. Мажнун ота ва онасини қиймаганидан Навфал қизига уйланишга розилик бергандай бўлади. Лекин, никоҳ кечаси Навфал қизидан 40 унинг бошқа бировга муҳаббати борлигини эшитгач, баҳона топилганига суюниб, қиз билан «оға-сингил» тутуниб, дарҳол бу ердан қочади. Шу вақтларда Лай-

лини ибн Саломга узатадилар. Яқинлашув кечаси Ибн Саломда касаллик рўй беради. Ҳамма Ибн Салом билан овора бўлиб қолганда Лайли секин ташқари чиқади. Шу томонга келаётган Мажнун ила учрашади. Ошиқ ва маъшук тонггача бирга қоладилар. Мажнуннинг телбалиги ошиб, дам саҳрода, дам унинг дардида ўлган ота-онасининг қабри бошида нола-фиғон кўтариб, Лайли ишқини тараннум этиб юради. Лайли эса Мажнун ишқида сўниб-сарғайиб, ниҳоят ишқ изти-
10 робидан вафот қилади. Ёр ўлимидан қалби парчаланган Мажнун ҳам Лайли устида жон беради. Лайлининг ота-онаси икки севгучини бирга кўмадилар.

Достоннинг мазмуни шу. Афсона ҳозирги шаклида араб манбаларидан келиб чиққанлигини кўрсатади. Низомийнинг «Лайли ва Мажнун» достони ҳақида ёзган мақоласида Дунаевский шунга ўхшаш сюжет Бобил адабиётида мавжуд эканлиги тўғрисида маълумот борлигини, ундан арабларга ўтган бўлиши мумкинлигини сўзлайди. Афсонанинг узоқ тарихга эгаллиги,
20 замон ўтиши билан турли ижтимоий шароитлар ва идеологик таъсирлар натижасида ўзгаришларга учрагани ҳақиқат.

Достон кучли ва самимий севган, севгига содиқ бўлган, лекин бутун интилишларига қарамай, ҳаётда бир-бирига қовуша олмаган, ёлғиз ўлимнинг совуқ оғушида бирлашган, бирга кўмилган ошиқ-маъшукнинг тақдирини ҳикоя қилади. Уларни нима айиради? Нега Лайлининг отаси Қайсга қизини бермайди. Ҳатто Навфал қурол кучи билан Қайсни Лайлига қовуш-
30 тирмоқчи бўлганда Лайлининг отаси ўз суюкли қизини ўлдиришга қатъий қарор қилади. Лекин Қайсни куёв қилишга унамайди. Поэманинг негизида халқ ижоди — фольклор ётганлигидан бунинг чуқур, реал ва ижтимоий сабабларини қидиришга тўғри келади. Ҳеч шубҳа йўқким, поэма аслида, халқ орасида бир вақтлар тўқилганда, маълум ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги муносабатларни бадий-символик шаклда акс эттирган. Асрларнинг ўтиши ила ижтимоий тузум ўзгариб, янги ижтимоий муносабатлар шароитида яшаган шоир-
40 лар афсонанинг порлоқ ишқий мотивлари билан мароқланиб, достонларида шу моментни қабартиб кўрсатишга тиришганлар.

Лайлини Қайсга ақд қилинишига Лайли отаси томонидан бўлган қаршиликка Қайснинг ишқ натижасида ҳушини йўқотганлиги сабаб бўла олмайди. Лайлининг отаси Қайснинг мажнунлигида дастлаб ҳеч қандай ёмонлик кўрмайди. Ҳатто, илм ва ақл соҳибси сифатида шуҳрат топган Қайснинг ишқдан савдойи бўлганини эшитар экан, бу одам унинг ҳолига ачинади. Аммо, Қайснинг Лайли ишқида ошифта эканини эшитган ҳамон ғазабдан ўзини йўқота ёзади. Қайс отаси 10
адресига таҳдид ила тўла сўзлар юборадн:

Ким топса иши жунунга пайванд,
Мажнунга илож банд эрур, банд.
Билмангму шукуҳу савлатимни,
Дъроб аро молу шавкатимни.
Ҳам ўглиннга, ҳам сенга билурмен,
Ким не қилайн десам қилурмен.

Бўлса яна бўйла амр зоҳир,
Аввал ани айлагумдир охир,
Сўнгра сенга доғи қаҳр сургум,
Хайлингни бу даштдин итургум.

20

Лайли отаси кўрсатган фанатик ўжарликнинг бошқа сабаблари бўлиши табиийроқ кўринади. Кўпинча севгучиларнинг ижтимоий вазиятининг ҳар хил бўлиши уларнинг саодатига йўл қўймайди. Лекин, дoston қаҳрамонлари Лайли ҳам, Мажнун ҳам юқори аристократ табақадан. Уларнинг оталари араб қабила улугларидан. Мана, Қайс отасининг қабиладаги мавқен ва бойлиги:

Ким бир арабда комрони,
Бор эрди арабгоҳ ҳукмрони,
Маҳкуми анинг неча қабила,
Иқболига истабон васила.

30

Оту теvasи ҳисоб ила хўб,
Қўю теvasи ҳисобдин кўп.

Демак, Қайс отаси ҳам, Лайли отаси каби қабила бошлиғи ва давлатманд бир шахс. Қайс ишқининг Лайли отаси ва қабиласи томонидан қабул этилмаганлиги сабаб ўлароқ, Дунаевский Қайснинг ёшлиқдан бошлаб севганлиги ва бу билан жамиятда мавжуд ёшга қараб одамларнинг туркумланиши, жинсий муносабатларни идора қилувчи қоидаларни бузганлигини 40
кўрсатади. Арабларнинг қабилавий ҳаётида бунинг

101

ўрин тутганлиги маълум эмас. Навоий дostonида ҳам бунга ишора йўқ. Қайс ишқига Лайли қабиласи душман. Аммо, бошқалар унинг паришон, изтиробли ҳаётига хайрхоҳлик қиладилар.

10 Бир жиҳатдан Лайли ҳам, Мажнун ҳам маҳкам ижтимоий қондан, муқаддас традицияни бузишга тиришадилар. Қабилачилик ҳаётида ҳар бир иш оила бошлиғининг, отанинг ризоси билан бажарилиши керак. Никоҳ масаласи ҳам отанинг тўла ихтиёрида бўлади. Лайли ила Мажнуннинг ишқи эркиндир. Лайли ҳар қанча кучли севмасин, ниҳоят, ота иродасига бўйсунушга мажбур бўлади. Отаси томонидан яширин равишда Ибн Саломга унаштирилган Лайли орзусига қарши эрга чиқади. Фақат, Ибн Саломнинг тасодифан касал бўлиб қолиши орқасида у бокираликни сақлаб қолади. Ҳатто ишқ девонаси Мажнун ҳам ота сўзидан кеча олмай Навфал қизига уйланишга мажбурият сезади. Навфал ҳам қизи қалбини танимай Мажнунга зўрлаб узатади. Дostonдаги бу мотивлар ёшлар устидан 20 да оталарнинг ҳукмронлигига далилдир.

Лекин, Лайли ила Мажнуннинг қовуша олмаганлигига асосий сабаб икки қabila орасида иқтисодий ёки бошқа масалалар натижасида юз берган душманлик бўлса керак. Лайли отасининг ва бутун қабиланинг...

НАВОИНИНГ ТАРЖИМАИ ҲОЛИ

Қиш кунларининг бирида келажак «Сабзавор» ҳокими жиҳозга, безакларга бой бўлган меҳмонхонасида бир гуруҳ яқинлари, дўстлари билан сўзлашиб ўтирар эди. Уртада лаққа чўғ билан тўла манқалдон... Сухбат эртақдай қизиқ, рангли ва жонли эди. Чунки йиғинчоқда бўлганларнинг кўплари иш кўрган, қилич чопган, қизиқ, даҳшатли, ранго-ранг можароларни ўз бошларидан кечирган одамлар эдилар. Айниқса, ёши улугларари оқсоқ Темур тузган катта давлатнинг турли ўлкаларида ишлаб, «етти иқлимнинг» суви, ҳавосини тотиб кўрган ва Темур ўғиллари, набиралари орасида рўй берган сонсиз уруш-жанжалларда, қоришиқликларда суяги қотган жаҳонгашталардан эдилар. Мадраса каватидан чиқмасдан, китобларнинг чанг-тўзонидан завқланувчи илмпарвар, муҳаббат куйчиси форсигўй шоирлар ҳам бор эди. (Ўн учинчи асрнинг бошларида Урта Осиё Чингизхон бошлиқ мўғул қўшинлари томондан босиб олинди. Мамлакат қонли, фалокатли даврларни бошидан кечирди. Чингизнинг ўғилларидан Чигатойхон ҳокимияти остига ўтган Мовароуннаҳрда Чингиз наслидан бўлган хонлар, амирлар юз йилларча ҳукмронлик қилдилар. Амирлар, феодаллар орасида рўй берган уруш-талашлар орқасида ўлкада тартибсизликлар, бошбошдоқликлар борган сари кучаяди. Ниҳоят, Темур ўн тўртинчи асрнинг иккинчи ярмида вақтинча тартиб барпо қилишга муваффақ бўлади.

Темур Барлос уруғидан, Шаҳрисабз беги Амир Тарағайнинг ўғлидир. У 1336 йил 9 февралда Тарахли деган мавзеда туғилди. Ёшлиқдан бошлаб ҳарбий ишларни севади ва яхши ўрганади. Амир Қозғоннинг набирасига уйланади. Ўлкада рўй берган ички уруш ва

низоларга қатнашиб, ҳарбий истеъдоди сиёсатда усталиги орқасида борган сари ўз мавқеини мустақкамлайди. Уламолар билан ва пайғамбарнинг авлодлари деб танилган Саидлар билан яқин алоқа боғлайди. Ун йилларча давом этган қонли курашлардан сўнг 1370 йилда Темур Мовароуннаҳрда ҳокимиятни тўла-тўқис қўлга киритади. Уч йиллаб, беш йиллаб, етти йиллаб чўзилган сафарларида золимона, қонли урушлар йўли билан Эрон, Афғонистон, араб мамлакатларини босиб

10 олади. Кавказни, дашти Қипчоқни ўзига қаратади. Ҳиндистонга юриш қилиб, бу бой мамлакатни талаб қайтади. Турк султони Йилдирим Боязид устига отла-ниб Кичик Осиёда, Анқара ёнида уни тор-мор қилади.

Темур Самарқандни пойтахт қилган эди. Бу шаҳарни ўзи тузган жуда катта давлатнинг шаънига ярашадиган бир шаклда обод қилишга ғайрат қилди. Гўзал саройлар, жомеълар, кўшклар, боғ ва хиёбонлар яратди. Босиб олган мамлакатларидан Темур катта моддий бойлик билан бирга жуда кўп олимларни, турли санъатларда ном чиқарган нодир санъаткорларни ҳам пойтахтига олиб келди. Самарқандда маданий ҳаёт ўса бошлади. Кекса Темур катта қўшин билан Хитойга сафарга чиқади. Бироқ бу сафари охирига етказиш

20 унга насиб бўлмади. 1405 йил февраль ойида Утрор деган жойда Темур вафот этди ва Самарқандга келтирилиб дафн этилди. Темур ўлгандан сўнг катта «қуроқ» давлатнинг чоклари тезда сўкилиб кетди. Темурнинг тўрт ўғли бор эди: Жаҳонгир, Мироншоҳ, Умаршайх, Шоҳрух. Темур ўлганда бу ўғиллардан

30 фақат Шоҳрух тирик эди. Темур ўзига валиаҳд қилиб набираси Пирмуҳаммадни (Жаҳонгир Мирзонинг ўғли) белгилаган эди. Лекин Пирмуҳаммад Ҳиндистондан етиб келгунча пойтахтни Халил Мирзо (Мироншоҳнинг ўғли) эгаллаб олди. Темурийлар, яъни Темур наслари ўзаро ҳеч келиша олмадилар. Боболаридан қолган катта меросни ҳар томондан тортқиладилар. Орада давомли урушлар, низолар чиқди. Ниҳоят, бу курашда Шоҳрухнинг қўли баланд келди. Темурнинг кўп ерларини у ўз ҳокимияти остига ола билди.

40 Ҳиротни ўзига пойтахт қилди. Мовароуннаҳрни ўғли Улуғбек ихтиёрига топширди. Аммо, бари бир бутунлик барқарор бўлолмади. XV асрда парчаланган мамлакатда уруш-низолар билан бўлса ҳам, темурийлар

ҳокимияти давом этди. XVI асрнинг бошида, Султон Ҳусайн ўлимидан сўнг, теурийлар ҳукмронлиги тамом бўлди...)

Ўймакор-гулдор эшик очилди. Қалингина адрас тўн кийган, ҳали тўрт ёшга тўлиб етмаган бола думалаб-сумалаб ичкари кирди. эшикни гижирлатиб ёпди. Кейин даврадан четлаб юриб, ўз отасининг, уй соҳибининг ёнига аста ўтирди. Совуқдан қизарган бармоқларини отанинг илиқ кафтига суқди ва худди энагасидан эртак тинглаган каби, туйғун кўзларини жавдиратиб, катталарнинг ажойиб суҳбатига қулоқ солди. 10

Меҳмонлардан бири, бир муносабат билан, сўз орасига бир байт қистириб ўтди. Бола у байтни ўз ичида қайтаришга тиришди. Кейин, мен ҳам биламан дегандай, ҳалиги кишига қараб ўқиди:

Риндему ошиқему жаҳонсўзу жома чоқ,
Бо давлати ғами ту зи айши жаҳон чи бок¹.

Эшитганлар жуда таажжубланиб, бошларини тебратдилар. Гап билан овора бўлиб, қулоқларига яхши чатилмай қолганлар, боладан яна ўқишни сўрадилар. У ўзининг жаранг-тоза товуши билан байтни яна қотириб ўқиб берди. 20

Катталарнинг таажжубланиши ҳам жуда табиий эди. Агар бола «зу-зу зувағай, томдан қарағай» каби гўдакларнинг сўз эрмагини чуғилласа эди, ҳеч ким ҳайрон қолмас эди, албатта. Лекин бу бола ўқиган байт у замоннинг энг машҳур шоирларидан Мирзо Қосим Анварийники эди. Яна қандай ўқийди. Ҳали тўрт ёшга тўлмаган бола шеърларни жуда севар, эшитганларини ёдлаб олар эди. Бу бола — Алишер (Навоий) эди. У бундан расо беш юз йил илгари, яъни 1441 йил 9 февралда Ҳирот шаҳрида Темурнинг ўғли Шоҳрух салтанати даврида туғилди. Унинг отаси — Ғиёсиддин Кичкина (баъзи тарихчилар Кичкина Баҳодир деб ҳам атайдилар) ўқимишли одам эди. У Темур авлодларининг давлатида катта мансаблар ишғол этган. Абулқосим Бобир замонида «Сабзавор» деган шаҳарнинг ҳокими бўлганлиги маълум. Алишернинг оиласи у замоннинг юқори табақаларига мансуб бир 30

¹ Риндлармиз, ошиқлармиз, жаҳонни куйдирувчи ва ёқаси вайронлармиз, Сенинг ғами давлатинг билан эканмиз, жаҳонни ўйлашнинг не ҳожати бор?

оила эди. Шоирнинг она томондан бобоси — Мир Бу Саид Чангнинг эса Султон Ҳусайннинг бобоси Бойқаро мирзонинг эътиборли одамларидан бўлганлиги ривоят қилинади.

У замоннинг одатига мувофиқми ёки истеъдодли боланинг билимга кучли интиланлигиданми, Алишерни чамаси беш ёшида мактабга берадилар. Бола мактабга севина-севина қатнайди. Аммо орадан кўп вақт ўтмасдан, Хуросонда катта снэсий тартибсизликлар рўй бера бошлади. Хуросон ҳукмдори Шоҳрухнинг ўлими орқасида келиб чиққан қаршиликлар аҳолини таҳликага солади.

У вақтларда тож-тахт талашган шаҳзодаларнинг фитналари деҳқон ва касибларни тинч турмушдан айирар, талашувчилардан бирон томон енгиб, бир нав тартиб барпо қилгунча халқ қўним топмас эди.

Алишернинг онласи, бир қанча бошқа хонадонлар билан бирга, жонларини ҳовучлаб, Ҳиротдан Ироққа кўчишга мажбур бўладилар. Қарвон бир неча кун юриб 20 «Тафт» деган бир манзилга қўнади. Тонг отиши билан болалар бир тўп бўлишиб, ўйнаб кетишади. Бу янги манзилнинг манзараларини катта қизиқиш билан томоша қилиб юрган болалар бир хонақоҳга дуч келиб, ичига кирадилар. Шунда хонақоҳ бурчагида ўтирган бир кексага кўзлари тушса-да, эътибор қилмайдилар. Қайғусиз, жаранг товушлари билан хонақоҳнинг донмий, оғир тинчлигини бузган бу бегона болаларга қизиқсинган чол, шўхлар галасидан бирини имлайди: «Мунда кел!» Болалар, нечундир тараддудланидилар. 30 Лекин олти ёшларда бўлган Алишер дадил юриб, чолнинг қошига боради ва салом беради. «Не демакчисиз?» дегандай унга тикилади.

Чол бир қанча савол беради ва Алишернинг ҳар бир жавобини табассум билан, диққат қўйиб тинглайди, ниҳоят, боланинг одобига, зеҳнига қойил қолган чол жонга яқин бир тил билан сўради:

— Мактабга борурмисан?

— Борурман,— жавоб берди Алишер.

— Нимани ўтдинг?

40 — «Таборақ» сурасига етдим.

— Баракалло, биз тилаганда болалар ичидан сен келдинг. Биз билан ошна бўлдинг. Энди сенинг учун фотиҳа ўқишим керак!

Чол қўлларини очиб, Алишерни дуо қилди. Алишер кетмоқчи бўлиб турган пайтда, ногоҳ анча одамлар билан отаси кириб келди. Бу чол билан ҳол-аҳвол сўрашиб, унга катта ҳурмат кўрсатди. Шундагина Алишер бу зотнинг ким эканини пайқади ва унга бўлган муҳаббати ошди. Бу чол — «Зафарнома»нинг муҳаррири машҳур тарихчи Шарафиддин Али Яздий эди.

Қочқин оилалар бир қанча вақт Ироқда мусофир бўлиб яшайдилар. Ниҳоят, пойтахт Ҳиротда осойишталик барпо бўлганлиги ҳақида хабарлар келади. Ватанга қайтиш мумкин. Ҳамма хурсанд... Суронли карвон яна йўлга чиқди. 10

Поёнсиз чўлларда сафарнинг заҳмат ва машаққати кўп... Лекин, бунинг ўзига хос секинчлари, қизиқ томонлари ҳам бўлади, албатта. Қирлар, довлар оша оша бирон манзилга тушиб ором олишнинг завқи, қий-чув билан қозон олишлар, тунги гулханлар, отларнинг кишнаши, теваларнинг бақирishi кўнгилларни тетик ҳислар билан тўлдирди.

Карвон бу гал илдам кетди, тунларда ҳам сийрак 20 кўнилди.

Туннинг қора чимматига ўралиб, саҳро жимжит ухлайди. Карвон чарчоқ туяларнинг қадами билан текис кетмоқда. Алишер мудроқ босган кўзларини дам очиб, дам юмиб боради. У жуда чарчаган. Атрофдаги отликлар билан сўзлашишга ҳам тоби йўқ. Уйқу элтгандай ҳамма ҳам оғиз очмайди. Алишер уйқуни қочирмоққа тиришади. Лекин мудроқ яна кучли босади. Отнинг текис юриши, қуюқ жимжит кеча, гўё она алла айтиб, бешик тебратган каби уйқуни зўрайтиради. 30

Алишернинг бсчи қуйи солинди, ниҳоят, қўллари жиловни туширди...

Қуёшнинг қизғини билан ёш бола кўзларини очди, у қовжираган сийрак ўт устида ётар эди. Бирдан чўчиб, атрофга аланглади: бепоён, рангсиз, сокин чўл.. Бир оз нарида ёлғиз от — унинг оти ўт чимдиб юрибди. Алишер дик этиб ўрнидан турди. Тунги кучли мудрашини эслади, ҳамма нарса равшан бўлди. Ҳатто отдан тушиб қолганда ҳам уйғонмаганига, карвондагилардан биронтаси огоҳланмаганига таажжуб қилди. 40 Аҳвол жуда оғир. Лекин йиғи-сиғининг фойдаси йўқ... Қадрдон отнинг узоққа кетиб қолмагани учун хурсанд бўлди. Алишер дарров отни ушлади, чувалан-

ган жиловини тўғрилади. Бироқ, минай деса, узангига оёғи етмайди. Отнинг ёлига ёпишиб, урина-урина минди. Туйғун кўзлари йўл қидирди. Фикрининг кучи билан мўлжаллаб, ниҳоят, йўлни ҳам топди. Отга қамчи бериб, дадил юра кетди. Чўлнинг яллиғи борган сари кучайди. Ҳавонинг эпкини ёш отлиқнинг бетларига олов елпиди. Бора-бора уни ташналик эза бошлади. Сувсизлик — чўлларнинг энг даҳшатли офати! Ҳалқумлари қуриган, лаблари қовжираган Алишер мадорсиз-

10 ланиб ҳолдан кетаёзди.

Ногаҳон узоқдан бир юмалоқ нарса қорайиб кўринди. Бола умид билан ўша томонга отни бурди. Анча масофа босди. Бироқ юрган сайин ҳалиги нарса кичрайди. Алишер олдин уни отлиқ гумон қилди. Кейин дубулғанинг ғилофига ўхшатди. Етиб бориб кўрадики, сафарда эгар қошига осиб юриладиган кичкина сув меши. Суюниб отдан тушди, меш тўла сув. Биронта йўлчи тушириб қолдирган бўлса керак! Қона-қона ичди. Яна қандай денг — шўр сув эмас — мазали сув!

20 Чанқоқлик битди, тетикланиб отга минди. Саҳрода узоқдан кўринган нарсанинг яқинлашган сари кичрайиши сабаби устида бош қотириб, кун тиғи остида ловиллаган чўлда йўл босаркан, қарши ёқдан отлиқ кўринди. Учрашишди. Бу уни қидириб йўлга чиққан бир мулозим эди. Манзилга етганда, карвон ичида Алишерни тополмай, ҳамманн қайғу босганини, отананинг даҳшатли изтиробини, дараклаш учун ҳар тарафга одамлар юборилганлигини сўзлади у.

Алишер бу киши билан илдам йўл босди. Карвонга етиб келаркан, ҳамма қувонди. Ота-она қувончдан йиғлаб ўғилни қучоқладилар. Адашган бола қизиқ можарони сўзлаб, карвон аҳлини таажжубда қолдирди.

Алишер Ҳиротда ўз мактабига қатнай бошлади. Сабоқдан сабоққа, китобдан китобга жуда тез ва енгил ўтар эди. У, айниқса шеърини асарларни кўп ўқийди. Шайх Саъдийнинг шарқ халқлари адабиётида энг чиройли адабий ўрнак ҳисобланадиган асарларини — «Гулистон» ва «Бўстон»ни ўқиб чиқади. Лекин, бу паллада Алишерни энг кўп қизиқтирган асар катта шоирлардан Фаридиддин Атторнинг «Мантиқут тайр» («Қушлар тили») деган асари эди. Бу фалсафий мазмунга эга бўлган китобдир. Ёзувчи ўзининг дунёга сўфиена қарашини қушларнинг суҳбатлари ва «йўқлиқ

водийсига» саёҳатлари манзарасида чуқур рамзли, ингичка киновий услуб билан ифода қилади. Бунда ҳудҳуд, товус, булбул, қумри, кабутар, каклик, шунқор, бургут, қарчиғай ва ҳоказо жуда кўп қушлар қатнашади. Уларнинг тирикчиликлари, феъл-атворлари, яхши ва ёмон сифатлари ҳақида шоир қизиқ маълумотлар беради, жуда жонли картиналар яратади. Бундан ташқари, бу китобда жуда нафис ишланган маънодор, ибратомуз ҳикоялар бор.

Турли ёшда бўлган юзларча болалар мактабда — 10 каттакон нимқоронғи бир уйда ўтириб, «ҳафтияк», «қуръон» сингари қуруқ, англашилмас нарсаларни баланд овоз билан қичқириб ўқийдилар. Муаллим боладан ўқиган сабоғини ёд олишни талаб қилар эди. Ёд олиш учун айни сабоқни тинимсиз қайтариш — такрорлаш керак. Такрор устига такрор (айниқса маъносиз нарсаларни такрор қилиш) шогирдларнинг юракбағрини қон қилади. Инсофли домлашундай вақтларда, ўз шогирдларини зериктирмаслик учун, уларга шеър ўқишни таклиф этади. 20

Алишер мактабда Фаридиддин Атторнинг ҳалиги китобини ўқий бошлади. Катта шоирнинг ёлқинли мисралари ёш Алишернинг юрагини сеҳрлайди, Алишернинг кўксига лим тўлган ҳисларни тўлқинлатиб юборди, у ҳикояларнинг қаҳрамонлари билан эш бўлади. Қушларнинг тили билан айтилган киновий фикрларнинг асл маъносини очишга тиришди. Ёш ақлнинг кучи билан ҳикояларнинг сирли пардаларини кўтарган сари Алишернинг юраги завққа тўлади. У бора-бора бу китобнинг сўзларидан ўзга бир сўзни эшитгиси келмайди. 30 Пировардида шундай ҳолга тушадикки, одамлардан ўзини четга олишга майл кўрсатади. Ўз тенгдошларининг эртаклари, шовқин-суронлари ёқмай қолади. Хилват жойларда танҳо ўтириб, Фаридиддин Атторнинг қушлари билан «ҳамроз» бўлади. Бу воқеадан унинг ота-онаси, табиий, хабарсиз қолмайди. Улар жоҳил одамлар эмасдилар. Илм-фаннинг, ҳар қандай санъатнинг қадр-қимматини билар, истеъдодли ўғлининг илм ва санъатда юқори пояларга эришмагини орзу қилар ва бу йўлда ўғил учун ҳар қандай шароит ҳозирлаш- 40 ни ўзларига вазифа деб билар эдилар. Шундай бўлса ҳам бу воқеа уларни бир қадар чўчитади. Уларда ёш бола шеърнинг сеҳрига берилиб, телба бўлиб қолма-

син тагин, деган хавф туғилди. Ҳалиги китобни ўқиш-нигина эмас, ҳатто у тўғрида сўзлашни ҳам Алишерга ман қилишди. Аммо, боёқиш ота-онанинг бу тadbирни бутунлай фойдасиз эди. Чунки Алишер китобни бошдан-оёқ ўз кўнглига жо қилган эди. Китобнинг истаган боби, ҳикояси истаган вақтда унинг лабларига қуйлиб келарди.

* * *

*

10 Алишер неча ёшда шеър ёза бошлагани маълум эмас. Унинг 47 минг мисрадан иборат катта «Чор девон»ининг биринчи қисмини ташкил этган ва ёшликда ёзилган ғазалларига қараб ҳам қай ёшдан ёзганлигини аниқлаш мумкин эмас. Аммо баъзи бир тарихий фактлар унинг ёш болалигида шеърлар ёзганини ва болалик ижоди бўлган асарлари халққа, ҳатто у замоннинг энг донгдор шоирларига манзур бўлганлигини очиқ кўрсатади.

20 Алишер бола экан, Ҳиротда жуда кекса бир шоир яшар эди. Бу туркий ва форсий тилларда ёзган, ажойиб, чиройли ғазаллари билан донг чиқарган Лутфий эди. XV асрнинг машҳур тарихчиси Хондамирнинг ҳикоясига қараганда, бир кун Алишер Лутфийнинг олдига боради. Бу вақтда Алишер «ёши эндигина тўлиб, нарсалар ҳақида фикрлар юргизаётган даврнинг бошланиши» палласида экан. Кекса шоирнинг фикрларини билиш мақсадида Алишер шу байтни унга ўқийди:

30 Оразин ёпғоч, кўзимдин сочилур ҳар лаҳза ёш,
Бўйлаким пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлғоч қўёш.

Алишернинг таланти ва бу байти ҳақида Лутфий шу онда жуда юқори баҳо беради. У шундай дейди: «Қасам тангригаким, агар мумкин бўлса эди, мен ўзимнинг форс ва туркий тилларида айтган ўн икки минг байтимни шу ғазалга алмашар эдим. Ва шундай бўлган тақдирда, мен ўзимни катта мақсадга эришган ҳисоблар эдим».

40 Кекса Лутфий ўз баҳосида, балки, катта муболага қилгандир. Балким, муболага ва тамтароқли бир услуб билан ёзишга кўпроқ мойил бўлган тарихчимиз-

кинг ўзи Лутфийнинг сўзларини анча-мунча қабартир-гандир. Бироқ ҳақиқат шундаки, Алишер болаликдан яхши ғазаллар ёзган ва эл ҳам, шоирлар ҳам унинг талантига қойил қолганлар.

Алишер ун беш-ўн олти ёшда (1456 йил) Ҳиротда Абулқосим Бобир саройига хизматга киради. Бу Хуросон ҳукмдори адабиёт ва санъатни тақдирловчи эди. Ўзи ҳам Темур наслига мансуб баъзи шаҳзодалар ва ҳукмдорлар каби ғазаллар ёзар эди. Алишер бу вақтларда «Зуллisonайн» (икки тилда ёзувчи) лақаби билан машҳур эди. У арабча, форсчани ўз она тили каби яхши билар, ҳам ўзбекча, ҳам форсча жуда эркин ёзар эди. Ўзбек тилида айтган ғазалларида «Навойи», форсчада «Фоний» деган тахаллусни қўллар эди. 10

Жуда эски замонлардан буён Шарқ халқларининг сиёсий ва маданий тарихида икки тил — арабча ва форсча ҳукмрон бўлиб келар эди. «Қуръон» тили арабча, гўё. «муқаддас» ҳисобланар, форс тили эса ўзининг «Шоҳнома» ҳам «Хамса»лари билан қувват ва аҳамиятини намоёнишлантиришга тиришар эди. Туркий халқларнинг тиллари, шу жумладан, ўзбек тили ҳам маданий қийматлар яратишда «рангсиз» бир тил ҳисобланар эди. Араб ва форс тилларининг таъсири шундай кучли эдики, ҳатто туркий халқлардан етишган олимлар, талантли шоирлар, ўз асарларини шу икки тилдан бирида ёзар, у халқларнинг маданиятига хизмат қилар, шу билан баробар у тилларнинг таъсири кучайтирар эдилар. 20

Алишер Навойи замонида ҳам аҳвол умуман шундай эди. Катта бўғинга мансуб Атоий, Саккокий, Лутфий каби шоирлар ўзбек тилида чиройли ғазаллар, қасидалар ёзиб, шуҳрат қозонган бўлсалар ҳам, лекин бари бир она тилининг кучи, лаёқати роса намоён бўлмаган эди. Форс тилининг «гўзаллиги» ва табиатан шеър тили эканлиги ҳақидаги қаноат у вақтда зиёлилар орасида ҳали ҳам ҳукмрон эди. 30

Ёш Алишер адабий тил соҳасидаги қаноатларга, фикрларга қарши чиқди. Она тилида жонли, рангоранг сўз жавҳарларини кўрди. Бола шоир илк қўшиқлариниёқ ўз она тилида дадиллик билан, ифтихор билан янгради. Ўз она тилининг бақувват ва очилмаган қўриғига баҳор ёмғиридай баракали таъсир кўрсатди. У замоннинг чинакам олдинги одамлари «туркий соз- 40

ни» завқ билан, катта маҳорат билан чертган шоирни табрикладилар.

* * *

*

10 Алишер Абулқосим Бобир саройида яхши ҳурмат кўрди. Абулқосим Бобир унинг ғазалларига юқори баҳо берди, янги муваффақиятларга ундади, қизиқтирди. Шу йил Абулқосим Бобир Ҳиротдан Машҳадга борди. Алишер ва шаҳзода Султон Ҳусайн ҳам у билан бирга эди. Абулқосим Бобир қишни Машҳадда кечириб, баҳорда, 1457 йилнинг март ойида вафот этди. Алишернинг мактабдоши Султон Ҳусайн тожу тахт дағдағаси билан яшагани учун Машҳадни тарк этди, теурийлар ўртасида бўлган сиёсий жанжалларга, талашларга боши билан шўнғиб кетади. Алишер Машҳадда қолиб, турли илм ва санъатларни касб этиш билан машғул бўлади. Бироқ бу ерда кўп машаққатлар чекади. Фақир талабалар, мусофирларга хос ташландиқ ҳужраларда яшайди.

20 Қурбон байрами муносабатида халқ ясаниб-тусаниб Машҳад кўчаларини тўлдириб юрган пайтда, Алишер Навоий «бир ҳужрада ғариб ва хаста» ётар эди. Ногоҳ бир тўда одам у ётган ҳужрага кириб келди. Узоқдан келган одамлар учун мусофирларнинг манзилларини ҳам кўриб чиқиш одат ҳукмида экан. Ҳалигилар деворга битилган байтларни ўқиб, мағзини чақадилар. Аммо бир байтни изоҳлашда ораларнда баҳс бошланади. Улардан бири — улугсифат ва бошқаларни ўзига қаратган киши — бир фикрни баён қилади. Қолганлар эса унга қўшилмайдилар. Бир бурчакда ётган Алишер, беморлигига қарамай, баҳсни диққат билан тинглаб, кўпчиликнинг фикрини маъқуллаганини билдирди. Улуг кишига бошқалар: «Манов бемор ҳам бир сўз айтади», дейишгач, у хастанинг қошига келади ва баҳсни ўртага ташлайди. Алишернинг изоҳини эшитган ҳамон, у ўз сўзидан қайтади ва беморнинг фикрига таҳсин қилиб, ҳол-аҳвол сўрайди.

30 Бу киши Хуросоннинг донгдор шоирларидан Шайх Камол Турбатий эканини Алишер суҳбат жараёнида англайди. Сўнг ўзини танитади, бир-бирларини ғойибона таниган ва кўришмакни кўпдан орзу қилган икки шоир бу учрашувдан жуда хурсанд бўлишади. Шайх

Қамол Турбатий хаста, фақир ёш шоирнинг кўнглини кўтаришга тиришди. Дарров ўзининг бир муаммосини ўқиб берди. Манзилига қайтгач, Навоийга совғалар юборди. Бундан кейин ҳам Алишер Машҳадда яшаркан. Шайх Қамол доим унинг ҳузурига келиб турди.

Машҳадда Алишер етти-саккиз йил фақирона яшаб, таҳсил кўргандан сўнг, Ҳиротга қайтди. Аммо, Абу Саид мирзо томонидан ҳеч қандай илтифот кўрмади. Бу ҳам етмагандек замон ҳукмдори шоирга ўз шаҳрида илм ва санъат арбоблари билан бирга ишлаб, тинч 10 яшашга ҳам имкон бермади. Алишер 1466 йилда Самарқандга жўнашга мажбур бўлди. Бобир ўзининг машҳур «Бобирнома»сида Алишерни Абу Саид мирзо Самарқандга сургун қилганлигини уқтириб ўтади. Алишер эса Самарқандга таҳсил ниятида борганлигини сўзлайди. Аммо, у вақтда толиби илмларнинг Ҳиротдан Самарқанд боришлари учун унчалик эҳтиёж йўқ эди. Чунки, Улуғбекнинг фожнона ўлиmidан кейин Самарқанд ўзининг аввалги порлоқлигини анчагина йўқотган, Улуғбекнинг қотиллари бўлган руҳонийлар, 20 дунёвий — ҳақиқий илм ва санъатларга душман сўфилар, шарқнинг энг йирпк маданий ўчоқларидан бўлган бу шаҳарларни зулмат пардасига чулғамоққа бошлаган эдилар. Аксинча, Абу Саид мирзо Навоийга сиёсат жиҳатдан ишонқирамаслиги мумкин эди: бу ҳукмдорнинг замони Хуросонда анча ғалаёнли бўлган. Абулқосим Бобир вафотидан сўнг Хуросон тахтини эгаллаган Абу Саид мирзога қарши тожу тахт даъвоси билан қатъий равишда майдонга отилган шаҳзода Султон Ҳусайн бўлди. Бу — дам у шаҳарга, дам бу қўрғонга 30 босқин ясаб, гоҳ енгиб, гоҳ енгилиб юрган хавfli рақиб эди. Тахт учун курашда Султон Ҳусайнга яқиндан ёрдам берган ва унинг энг эътиқодли кишиларидан бўлган Мир Саидака ва Муҳаммад Али Навоийнинг туғишган тоғалари эди. Мир Саидака шоир эди, ўзбекча чиройли шеърлар ёзар эди. Тахаллуси Кобилий эди. Муҳаммад Али ҳам шоир, ҳам хаттот, ҳам мусиқийчи эди. «Ғарибий» тахаллуси билан машҳур эди. Абу Саид мирзо шоирнинг бу тоғаларини жуда ёмон кўрган ва ҳар иккисини ҳам қўлга тушириб, ўлдиртирган. 40 Аҳвол шундай экан, Алишерни Самарқандга сургун қилинганлигига шубҳа қилишга ўрин қолмайди. Хуро-

сон воқеаларини инпидан иннасига қадар билган Заҳриддин Бобир бу хусусда ҳам янглишмаган.

Бу вақтларда Самарқандда бир улғу олим яшар эди. Хожа Фазлилло Абулайс. Бу Хожа фикҳ илмида (мусулмонларда ҳуқуқ илми) замонасининг энг катта билимдонни эди. Арабиётда (араб тили ва грамматикаси) бу олимни «Алкофия» муҳаррири буюк Ибн Ҳожиб билан тенглаштирар эдилар. Алишер Самарқандда ана шу олимдан дарс ола бошлайди. Хожа

- 10 Фазлилло шоирнинг истеъдоди, турли илмларда ва фалсафада чуқур маърифати учун ҳурмат кўрсатади. Унга мадрасасидан жой бериб, худди ўз ўгли каби меҳрибончилик қилади. Абу Саид мирзо Алишерни Самарқандда ҳам ўз эркича қўйишни истамаган. Унинг юриш-туришини назорат қилишни ўз саркардаларидан Аҳмад Ҳожибекка топширган. Аҳмад Ҳожибек илгари ўн йиллаб Ҳирот ҳокими бўлиб, ниҳоят, Самарқанд ҳокими этилиб тайинланган эди. У ўқимшли ва илмфаннинг қимматига етадиган бир бек эди. Мактаб ва
- 20 мадрасалар бино қилдиргани ҳам маълум. Яхши отлар миннишни севган бу киши шоир эди. Ҳатто ўз ғазалларидан бир девон ҳам тузган. У «Вафойй» деган тахаллусни қўллар, Алишернинг кенгаши билан кейин бу тахаллусни ўзгартган эди. Алишер саркарда шоир билан бот-бот учрашар, шеър, адабиёт устида суҳбатлашарди.

- Сургунда яшаган шоирнинг тирикчилиги оғир бўлса-да, ўзи билан дўстона муносабатда бўлувчи Аҳмад Ҳожибек сингари саркардалардан ёрдам талаб қилишни эп билмаган. Алишернинг умуман ғурури ва табиатининг нозиклиги ҳақида ривоятлар бор. Алишер Навоий ўз манфаати учун бошқаларга ёлланиб-ёлпонганишдан кўра, заҳмат ва машаққатларга чидашни, кулфатларни ўз ичига ютишни афзал кўрган. Ундаги ғурур ва нозиклик шу маънода эди.
- 30

- Алишер Самарқандда чамаси уч йил қолади. Шаҳарнинг бир кўп олимлари ва шоирлари билан танишади. Билим доирасининг фавқулодда кенглиги, шеърдаги маҳорати ва умуман, тоза инсоний хулқи билан
- 40 кишиларнинг ҳурмат ва муҳаббатига сазовор бўлади. Андижонлик шоир Юсуф Бадий, шоир Риёзий ва Улоий Шоший билан дўст тутинади. 1469 йилнинг бошларида Абу Саид мирзо вафот этиб, Хуросонда ҳоким

мният Султон Ҳусайн Бойқарога ўтгач, шоир Ҳиротга жўнайди.

Баъзи ривоятларга биноан, гўё Султон Ҳусайн тахтга ўтириши биланоқ ўзининг қалин дўстини йўқлаб, Аҳмад Ҳожибекка хат билан мурожаат қилган ва Алишер Навоийни тездан Ҳиротга юборилишини ундан илтимос этган эди. Ҳатто Султон Ҳусайн билан Алишер болалик чоқларида келажакда бир-бирларини унутмаслик учун аҳд қилишган эмиш. Аҳмад Ҳожибек Навоийни сафарга тантана-дабдаба билан узатган 10 эмиш. Бу — чинакам тарихий воқеаларни қайд этишдан кўра чиройли уйдирмалар тўқишга мойил баъзи эски ёзувчиларнинг хаёл мевасига ўхшаб кетади. Султон Ҳусайн Навоийдан атиги икки-уч ёш катта эди. Уларнинг ёшликда бир мактабда сабоқ олишлари ҳақиқатдан узоқ эмас. Абулқосим Бобир саройига улар бир замонда хизматга киришлари ҳам рост. Орадаги дўстликка ҳам шубҳа қилинмаса бўлади. Лекин булардан ҳалигидай «шоирона афсона» тўқиш, албатта, қийин гап. 20

* * *

Алишер Навоий апрель ойининг ўрталарида, байрам куни «Ҳилолия» номли қасидасини Султон Ҳусайнга тақдим этди. Кўп вақт ўтмасдан подшо уни муҳрдорлик вазифасига тайинлади.

Султон Ҳусайн тахтга ўтирган йилидаёқ Хуросонда ва пойтахт Ҳиротда катта воқеалар рўй бердики, буларда Навоий чуқур фикри, донишманд тадбирлари ва ғайрати билан ўзини ёрқин намоён этди. 30

Шоҳрухнинг эвараси Ёдгор Муҳаммад Астробод томонларида Султон Ҳусайнга қарши исён кўтарди. Тахт, ўлка талашини Темур авлодининг қонига сингган бир одат эди. Ҳар бир шаҳзода бир қарич ёшидан тож кийишни орзу қилар эди. Султон Ҳусайн исёнчига қарши қўшин сурди, аммо, Астрободга етмасдан, бир қисм аскарни юбориб, ўзи Ҳиротга қайтди. Бироқ, Ёдгор Муҳаммаднинг хуружи зўрайгани учун, келаси йил яна ўзи сафарга чиқишга мажбур бўлди. Алишер Навоий ҳам у билан бирга жўнади. Солиқ ишларини олиб борувчи баъзи вазирлар ва катта амалдорлар шу 40

вақтда ўзаро тил бириктириб, халққа фавқуллода, оғир солиқ соладилар. Хазина учун ҳар нав солиқлар, йиғимлар деҳқон ва косиб оммасининг тинкасини жуда қуритган эди. Амалдорларнинг ўзбошимчалик билан солган бу закотлари ўлганнинг устига тепган бўлиб тушди. Ҳиротда халқ катта қўзғолон кўтарди. Ғазабланган бечоралар золимларни тошбўрон қилмоқ учун қўлларига тош олдилар. Ниҳоят, молия маҳкамаси биносига оломон босиб кириб, шовқин-сурон кўтарди ва бу маҳкаманинг бошлиғи Хожа Абдуллога ҳужум қилди. Боши яраланган амалдор яқиндаги мадраса қавакларидан бирига базўр қочиб қутулди.

10 Қўзғолон хабари подшоҳга етгач, у пойтахтда оёйишталик барпо қилишни Навоийга топширди. Халқнинг эзилганлигини, амалдорларнинг золимлигини яхши билган шоир қўзғолончилар қошига қуруқ сўз билан, ваъз-насиҳат билан бориб, уларни алдашни сира истамас эди. Шунинг учун подшоҳни қистаб, халқнинг бир қанча талабларини амалга ошириш тўғрисида ундан бир фармон олди ва йўлга чиқди.

20 Ҳиротнинг мингларча камбағаллари катта жомега тўпланган эдилар. Алишер Навоий минбарга чиқиб, фармонни ўқиб эшиттирди. Бу шоирнинг кенг халқ оммаси билан биринчи юзма-юз учрашуви эди. Бундан сўнг Алишер бўлиб ўтган воқеаларни батафсил текширди. Жабр-ситам кўрганларнинг арз-додини тинглади. Халққа жабр қилган амалдорларнинг ҳамма кирдикорларини аниқлади. Кейин Ҳиротдан жўнаб кетдида, подшоҳнинг қароргоҳига келиб, халқнинг оғир аҳволини баён қилди, халқни талаган ва қўзғолон кўтарилишига сабабчи бўлган вазирларга, катта-катта амалдорларга қаттиқ жазо берилишини сўради. Шоирнинг қистови ва келтирган яққол далиллари орқасида Султон Ҳусайн ниҳоят кўнди. Бошқа бир фармон ёзилиб, Ҳиротга жўнатилди. Бу фармон бўйича, бир кўп золим, ярамас амалдорлар, беклар қамоққа олинди. Навоийнинг бу ишларидан халқ жуда мамнун бўлди. Навоий илгари катта шоир ва олим сифатида танилган ва севилган бўлса, энди бунинг устига халқпарвар сифатида ҳам донг чиқарди.

40 Ёдгор Муҳаммад бир-икки тўқинишда яхшигина шикаст еса ҳам, лекин туркман бекларидан катта кўмак олиб, борган сари ҳаракатини кенгайтираб эди.

1470 йил июнь ойида Султон Ҳусайн Ҳиротга қайтди, лекин пойтахтда барқарор бўла олмади. Чунки, баъзи қўшин бошлиқлари Ёдгор билан тил бириктирганидан бўлса керак, унга хиёнат қилишди. Ҳусайн Бойқаро ноилож Ҳиротни тарк этди. Июль ойининг бошларида Ёдгор Муҳаммад ўз аммаси поянда Султон Бегимнинг ва бошқа сотилган бошлиқларнинг ёрдами билан Ҳиротга кириб, подшо бўлиб олди.

Султон Ҳусайн энди пойтахтдан айрилиб, душмандан ҳадиксираб, қўрқа-писа, дам у шаҳарга, дам бу шаҳарга, дам у қўрғонга, дам бу қўрғонга ўзини уриб, қўним тополмай қолди. Яна ҳар кун деярли унинг аскарларидан ва аскар бошлиқларидан бир қанчаси Ёдгор Муҳаммад томонига қочиб кетар эди. Алишер Навоий Султон Ҳусайн билан бирга эди. Бу аҳвол табиий, унга ёқмади. Чунки Алишер Навоий шаҳзодаларнинг ўзаро уруш-талашларини, бутун мамлакатни парча-парчага айиришларини ва ҳар хил бошбошдоқликларни жуда ёмон кўрар, буни халқ учун, юртнинг тараққийси учун энг зарарли нарсаси, деб биларди. Алишер юртнинг ободонлиги, маданиятнинг ўсиши учун, мамлакатнинг сиртида, ичида тинчликни таъмин қилмоқ учун катта, яхлит, бақувват давлатни орзу қилар эди. Яна, Ҳиротдан ҳар хил хабарлар келади — Ёдгор Муҳаммад кеча-кундуз маст, саройда айш-ишратдан ўзга ҳеч нима эсига келмайди. Давлатнинг тизгини ҳаммаси поянда Султон Бегим қўлида. Шаҳзоданинг курашида ёрдам кўрсатган беклар, ҳар хил амалдорлар ўзбошимчалик билан овора...

Султон Ҳусайн, Навоийнинг кенгаши ва кўрсатишлари бўйича пойтахтга кутилмаган вақтда ҳужум қилишга тайёрланди. 1470 йилнинг август ойида Ҳусайн Бойқаро бир неча сипоҳлари билан Ҳирот дарвозалари олдида тўхтади. Йигитлар жангга тайёрланиб, совутларини кийдилар. Пойтахт қаттиқ уйқуда — душмандан ном-нишон йўқ. Ёдгор Муҳаммад яшаган саройга — «Боғи Зоғон»га кирилди. Шаҳзоданинг хобгоҳи (ётоқ уйи) баланд тепалик орқасидаги қасрда эди. Подшо қасрга чиқишга буюрса ҳам, йигитлар дастлаб ботина олмадилар. Уларда шундай гумон бор эди: қўққисдан бўлган бу босқиндан шошиб қолган Ёдгор Муҳаммад ўз сипоҳларини шу тепага тўплаб, пушиб ётган бўлса керак! Йигитларнинг ҳадиксираганини сез-

ган Алишер Навоий отдан тушди, қиличини суғурди, тепага югурди. Қилични ҳассадай қадаб, тепага дадил тирмашган шоирни кўриб, унинг изидан бирин-бирин йигитлар ҳам чопишди. Ича-нча бир икки хизматкори билан учиб қолган фитначи шаҳзодани қўлга тушириб олиб келишди.

* * *

- 10 Алишер Навоий расмий мансабларга унчалик қизиқсинмасди. У кўпроқ илм, санъат билан машғул бўлишни севар ва ўз она тилида катта бадний асарлар яратиб, ўз халқининг адабиётини ва маданиятини бошқа халқларники қадар баланд даражага кўтаришни чуқур орзу қилар эди. Шунинг учун муҳрдорлик вазифасидан бўшаб, ўз ўрнига дўсти шоир Суҳайлийни тайин эттирган эди. Аммо ўткир ақли билан ҳар қандай мушкул масалани ҳал қила оладиган бу соҳибтадбир донишманднинг давлат ишларидан узоқда қолишини Ҳусайн Бойқаро истамасди. Орадан кўп вақт ўтмасдан
- 20 Алишерга амирлик (беклик) мансабини таклиф этди. Шоир жуда самимий эътироз қилди. Чунки вазирлар, беклар ва ҳар хил юқори амалдорлар ўртасида ҳасад ва душманлик кучли эканини билар, айниқса, барлос ва арлот беклари унинг бу янги мансабидан мамнун бўлмасликларига, орада беҳудага гап-сўз чувалишига ишонар эди. Барлос ва арлот беклари темирлийлар давлатида қадимдан буён имтиёзли эдилар, ўзларини давлатнинг асосий таянчи деб билар, ҳар вақт баланд мавқеларни қўлда тутар эдилар.
- 30 Навоийнинг эътирозларига подшо қулоқ солмасди. Бир фармон билан унга амирлик (беклик) унвонини берди. Бу фармон бўйича ҳамма беклардан биригина — амир Музаффар Барлос Навойдан юқори муҳр босишга ҳақли эди. Тантанали кунда подшо Навоий учун амирларга хос бўлган кийим «жуббан тиллодўзи ва кулоҳи наврўзи» юборди. Навоий расмий бир ёрлиққа илк дафъа амир сифатида муҳр босиши керак. Бу муносабат билан жуда кўп улуғлар тўпланган эди. Алишер Навоий Музаффар Барлосдан бошқа ҳамма
- 40 беклардан юқори муҳр босишга ҳақли бўлса ҳам, лекин қоғознинг шундай жойига муҳр босадикки, бундан

настга ҳеч кимнинг муҳр босиши мумкин эмас! Бу ҳодиса ҳаммани ҳайратда қолдирди. Айниқса, Алишер бизлардан юқорига муҳр босар экан, деб ичлари куйган обрўпараст, мансабпараст беклар шоирнинг бу олижаноблиги, камтарлиги қаршисида маънан эзилиб, лол бўлиб қолдилар. Алишер Навоийнинг муҳр босган ери шундай эзгу ҳурматга, севгига сазовор бўлдики, бундан кейин худди шу ерга муҳр босишни ва қўл қўйишни ҳар ким ўзи учун шараф деб била бошлади. Навоийнинг муҳр босишига атаб шоирлар чиройли «таърих»лар ёздилар. 10

* * *

*

Ҳукуматда катта мавқега эга бўлган ва подшонинг яқин кенгашичи Навоий бутун кучи, ғайрати билан мамлакатни обод қилишга, маданиятни гуллаштишга ҳаракат қилди. Алишер ўзининг давлатга, халққа, маданиятга муносабати, қараши билан у замондаги барча улуғ мансабдорлардан бутунлай ажралиб турар эди. Подшодан тортиб то кичик амалдорларгача ҳаммаси халқ учун оғир юк эди. Вазирлар, беклар, қозилар ва ҳоказо ўз мавқеларидан фойдаланиб, бойлик орттиришга, дабдабага, айш-ишратга зўр берар эдилар. Уларнинг турмушлари тишдан ялтироқ кўринса ҳам, пчи фисқ-фужур билан тўла эди. Беклар, Навоийнинг таъбирича, ёлғиз тўнларига олтин қадашнигина эмас, балки этикларининг нағалини ҳам олтиндан ясашни истар эдилар. Порахўр қозилар, муфтилар пул учун, ҳақни ноҳақ деб фатво сўқар эдилар. Майда амалдорлар қишлоқларни изғиб, деҳқонларнинг уруғлик учун чуқурга кўмиб қўйган донларини тортиб олар эдилар. Феодализм даврида юқори табақанинг ахлоқи шундай эди. Навоий эса юксак чинакам инсоний ахлоққа эга эди. У ўзининг ёрқин сиймосига зарра қадар доғ юқтиришни истамади, келажак наслларга яхшилик билан ном қолдиришга тиришди. Навоий ўзининг сиёсий, ижтимоий, тарбиявий, маданий ва ниҳоят ижодий ишида халқпарвар бўлди, асосий куч деб халқни таниди. Одамгарчилик сифатини белгилашда ҳам халқни мезон қилиб олди. Шоир бу фикрни шундай ифодалайди: 30 40

Одавий эрсанг демагил одами,
Оинки йўқ халқ ғамидин ғами.

Халқнинг улуғ ўғли Навоий, халқни катта-кичик амалдорларнинг зулмидан, жабрдан қўриқлади. Қаерда зулм, ҳақсизлик кўрса, унга қарши ҳайқирди. Ҳар қаерда зулмни синдириб, адолатни барпо қилишга киришди. «Илгимдин келгунча зулм тингин ушатиб, мазлум жароҳатига интиқом марҳамин қўйдум ва илгимдин келганин ул ҳазрат арзиға еткурдим...» деб ёзади шоир.

- 10 Подшони қонун ва адолат билан иш кўришга чақирди. Подшога қаратиб ёзган шеърларида, ҳар кун девонда ўтириб, халқнинг шикоятини ўзинг тингла, жабр-зулм кўрганларга шафқат ва марҳамат қил, ёмонларни сира аямай жазосини бер, қўйларни бўриларга топшириб қўйма, мактаб ва мадрасаларни кўпайтир, деб мурожаат қилади. Халқ манфаати устида гап борганда, шоир подшодан ҳам ҳайиқмайди, ҳақиқатпараст юракнинг бутун қудрати билан баралла куйлайди:

Гарчи синуқ игна ҳақунносдур,
Бағринг аро ханжари олмосдур.

- 20 (Халқнинг синиқ нинасини олсанг, у сенинг бағринга олмос ханжар бўлиб қадалур).

Кимгаки бир ришта стурдунг зиён,
Қатлинга ул риштани билгил илон.

(Агарда бировнинг ипини олсанг, у ип сени ўлдириш учун бир илонга айланади).

- 30 Навоий халқ учун илм ва санъатнинг аҳамиятини чуқур англади. Ўз замондаги шоирларнинг — хоҳ взоқда, хоҳ яқин бўлсин — деярли барчаси билан яхши муносабатда бўлди. Шоирларнинг асарларида учраган хатоларни кўрсатди. Агар шоир ўжарлик қилмаса, уларни ўз қўли билан тузатиб, шеърда усталикка ўргатди. Жуда кўп шоирлар Навойдан моддий ёрдам олиб турдилар. Шунинг сингари, олимларнинг ҳам ягона ҳомийси — ишонган тоғи Навоий эди. Ўз мажлисларига ҳаминша олимларни таклиф этиб, улар билан қизғин илмий суҳбатлар қилди. Шарқнинг дохий олимларини Ибн Сино, Форобий, Улуғбек сингари илмий ишлар билан машғул бўлиш ва улар каби қимматли асарлар ёзишга ундади. Шоирларга кўрсатган ёрдамни олимлардан ҳам аямади, чинакам олимларга катта-

катта ҳадялар берди ҳам уларнинг илмий ишлари учун ўнғайликлар туғдирди.

Ўзи яхши мусиқийчи бўлган ва куйлар тўқиб чиқарган Навоий мусиқи санъатининг ривожланишига кўп уринди. Навоий ҳар бир шоирдан мусиқини жуда чуқур эгаллашни талаб қилди. Бу санъатдан хабарсизликни у, шоир учун катта нуқсон ҳисоблади. Бутун Хуросонга донғи кетган энг уста чолғувчилар — устод Қул Муҳаммад, Шайх Нойи ва бошқалар Навоийнинг шогирдлари эдилар ва унинг тарбияси натижасида санъатда катта маҳоратга эриша билдилар.

Беҳзод — ҳақли равишда Шарқнинг Рафаэли деб номланган улуғ санъаткор — рассом... Беҳзоднинг кисти (рассом қалами) ҳақиқатан, том маъносида сеҳргардир. Бўёқларининг майин гўзаллиги, жонли оҳанг, чизиқларнинг ёрқин кўзга ташланган маъноси билан бу рассом ўз санъатининг «қайта келмас» бир моҳирдир. Беҳзод ҳақида буюк тарихчи Хондамирнинг айтган байти тўғри, лекин Беҳзод санъатини таърифлашда анча хирадир: «У қаламнинг ажойиб маҳорати билан жонсиз нарсаларга жон бағишлади».

Беҳзод ёшлиқда ота-онадан айрилган ҳиротлик бир етимча эди. Бу шўрлик етимча Шарқнинг Рафаэлига айланди. Унинг асарлари Европа, Оснё, Америка кутубхоналарининг гавҳарларини ташкил этди. Лекин шу нарса муҳаққаққи, Беҳзод Алишер Навоий кашф қилган санъат тарихининг ёрқин ва нодир сиймоларидандир. Расм санъатидан яхши хабардор бўлган, уни чуқур севган, ингичка завқли, бениҳоят маълумотли шоир Навоий Беҳзоднинг азамат талантини очган ва гуллатган. Буни Навоийнинг замондошлари эътироф этадилар.

Чиройли ёзиш — хаттотлик санъатининг номи ўчмас устоди ва ўз даврида «хаттотлар султони» деб ном қозонган, бугун эса ажойиб ёзувлари дунёнинг катта кутубхона ва музейларининг нодир бойлигини ташкил этган Султонали Машҳадий ҳам хаттотликда улуғ шонининг тарбиясидан четда қолган эмас.

Ҳирот Алишер даврида Шарқнинг энг йирик маданий ўчоғига айланади. Бу қадим шаҳар шоирлар, олимлар, рассомлар, меъмор усталари, хаттотлар, наққошлар билан тўлади. Ҳиротда санъат чаманзори кўркем гуллайди. Бобир мирзонинг айтишича, Ҳиротда Алишер

замонда бирон санъат ва ҳунар билан машғул бўлган ҳар кимса, ўз ишини камолотга эриштиришга тиришган..

Бу илм, санъат арбобларининг бошида ҳомий ва муаллим сифатида улуғ шоир Навоий турар эди.

Ҳижрий 881 йилда Ҳиротнинг шимол тарафидан Навоий катта ер олди. Бу ерда, «Инжил» наҳрининг бўйида мадраса, хонақоҳ қурди. Бу бинолар меъморчилик санъатининг энг гўзал намуналаридан эди.

- 10 Ҳиротнинг энг йирик усталари ўз санъатларининг мўъжизасини бу муаззам иншоотларда гавдалантирганлар. Бу бинолар «Ихлосия» деб аталди. Яна шу ерда касалхона ва ҳаммом солинган. Булар «Шифоня» деб аталди. «Унсия» деб ном олган биноларни шоир ўзи учун қурдириб, бунда катта кутубхона ташкил этди. Ҳамма бинолар катта боғчалар, ажойиб хиёбонлар, хилма-хил гуллар очилган кўркам чаманзорлар билан ўралган эди. «Инжил» ёқасидаги бу латиф ва дилкаш манзилга кирган киши усталарнинг маҳоратига, Навоийнинг завқига таажжубланмасдан иложи йўқ эди.

«Ихлосия» мадрасаси у замоннинг намунали илм ўчоги бўлди. Унда замоннинг энг олдинги олимлари турли-туман илмларда дарсгўйлик қилишди. Йигитлар учун мадраса эшиги ҳаммаша очиқ. Таъминот яхши ва мунтазам эди. «Ихлосия»га узоқ ўлкалардан талабалар келиб, таҳсил кўриб, қувона-қувона ўз ватанларига қайтганлар, шоирга бўлган севги ва ҳурматларини қалбларида ташиб, ўз элларига етказганлар. Хонақоҳда четдан келган олимлар қўнган ва Ҳиротнинг шоирлари, санъаткорлари, олимлари ҳам яшаган. Хуллас, ғоят бой безалган хонақоҳда мусофирлар, қўноқлар учун ҳамма нарса муҳайё бўлиб, хизмат учун анча мулозимлар, ошпазлар ва ходимлар тайин этилган эди.

- 30 «Шифоня»да яхши табиблар йиғилиб, касалларга қараганлар ва шу касалхона қошида Мавлоно Ғиёсиддин Муҳаммад деган олим тиб илмидан (медицинадан) дарс берган. Бу нарса у замонлар учун жуда нодир ва фавқулодда ҳодисадир.

- 40 «Унсия»даги кутубхонага турли тилларда энг қимматли асарлар тўпланган. Олимлар ва шоирлар ҳар вақт шу кутубхонадан фойдаланганлар.

Алишер Навоийнинг ғайрати, ташвиқи орқасида Ҳиротда илмий ҳаёт жонланиб, яхши самаралар бер-

ди. Хондамир ўзининг «Макоримул-ахлоқ» («Гўзал хулқлар») деган асарида ёлғиз Навоий исмига бағишланиб ёзилган йигирмалаб асарни кўрсатиб ўтади. Машҳур тарихчи Мирхонд «Равзатус-сафо» номли етти жилдли қалин тарихий асарни Навоийнинг илтимоси ва ёрдами билан ёзган. Навоийнинг улуғ замондоши, дўсти бўлган донгдор шоир ва йирик олим Жомий ҳам «Нафоҳатул-унс» деган катта асарни (машҳур шайхлар, сўфиларнинг ҳаётига доир маълумотларни ўз ичига олган) Навоийнинг илтимоси билан яратган. 10

Навоийнинг қурилиш соҳасидаги фаолияти юқоридан кўрсатилган гўзал бинолар билан чекланмайди. Мамлакатнинг турли нуқталари орасида алоқани яхшилаш, сайёҳлар ва карвонларга ўнғайлик туғдириш ниятида йўлларни тuzаттирган, чўлларда работлар қурдирган, кўприклар солдирган.

Навоий зироатни ривожлантиришга ҳам катта аҳамият берди. Шоир деҳқон меҳнатига чуқур севги билан қаради. Бойликнинг, тўқчиликнинг асосий манбаини деҳқон меҳнатида кўрди. Подшодан тортиб то чарх 20 йигирган кампирга қадар ҳамманинг тирикчилиги, ҳузур-ҳаловати деҳқон меҳнатига боғлиқ, деб тушунди. Давлатнинг мустаҳкамланиши, хазинанинг бойиши учун ҳам шу асосий манбани — деҳқончиликни ўстиришни зарур деб топди. Шунинг учун шоир ариқлар қаздириб, сувсиз ерларни обод қилишга уринди. Ҳатто ўзи ҳам деҳқончилик билан машгул бўлди. Ерларидан мўл-мўл ҳосил олиб, унинг бир қисмини навкарларга, сипоҳларга тарқатган ва қолган қисмини ҳар йил фақирларга улашган. 30

Алишер Навоий ҳаминша халқ манфаатини ўйлади, деҳқонлар ҳам касибларнинг турмушини енгилаштириш учун шоир ўз ғайратини, ҳимматини, мол-мулкни аямади. Бир вақт Ҳусайн Бойқаро Мозандарон деган вилоятга сафар қилган экан, подшо бу ердан Ҳиротга Амир Муборизиддин Муҳаммад Валибек исмига бир буйруқ юбориб, зарур харажатлар учун пойтахт аҳолисидан ва атрофдаги деҳқонлардан юз минг танга йиғиб, маблағни тездан жўнатишни талаб қилади. Юз минг тангани уй бошига сочиб, халқдан ундирмоқчи 40 бўладилар. Аммо бу иш Навоийнинг қулоғига етиб қолади. Шоир бу ўринсиз, вақтсиз оғир солиқни халқ-

дан ундиришга рози бўлмайди. Талаб қилинган маблагни ўз ёнидан бериб юборади.

- Бундай воқеалар Навоий ҳаётида жуда кўп учрайди. Халқ ҳам шоирни унинг меҳрибончилиги учун ўз дўсти деб билади. Ҳар ерда чуқур қадрдонлик кўрсатади, ҳар йўл билан ўз севгисини изҳор қилади. Шоирнинг гўзал ғазаллари Ҳиротда ва бошқа шаҳарларда ҳар онлада куйланади. Унинг халқ орасида эътибори ва таъсири шундай кучли эдики, ҳар ким ўз исмини 10 шоир билан шарафлантиришга самимий интилади. Шоир ниманки қилмасин, элга манзур бўлади. Навоийга замондош тарихчилар бу хусусда қизиқ воқеаларни ёзиб қолдирганлар. Мана улардан бири: бир вақт Навоийнинг тиши оғрийди. У чакаги орқали «ёвлиқ» (рўмол) боғлайди. Тез орада Ҳирот аёллари, қизлари рўмолларини (тишлари оғримаса ҳам) Алишер боғлагандек, чакаклари орқали боғлай бошлайдилар ва бунга «ёвлиқи Алишерий» деб ном қўядилар. Бу жуда расм бўлиб кетади. Шундай қилиб, шоирнинг тиш оғриғи аёллар учун янги ҳусн воситасига айланади...

- Аммо ҳар муносабат билан шоирни ранжитишга тиришадиган душманлар ҳам йўқ эмасди... Шоир ўз олдига қўйган буюк мақсадни юзага чиқариш учун астойдил ғайрат кўрсатди. Чуқур маъноли ва инсоний ҳислар, кечинмаларнинг яллиғи билан, сўзларнинг жонли ранги, ажойиб мусиқаси билан жонларга жон бағишловчи, юракларни мавжлантирувчи ғазаллар ёзди. Адабиётнинг бошқа навларида ҳам катта маҳорат кўрсатди. Энди бир «Ҳамса» қолган эди. Одатда беш 30 мустақил дostonдан тузилувчи «Ҳамса»лар гўё ёлғиз форс тилидаги адабиётнинг порлоқ, эришилмас чўққилари ҳисобланар эди. Ўзбек тилида ва умуман, туркий тилларда «Ҳамса» яратилмаган эди. Бу ишни, балки имконсиз деб билар эдилар ҳам.

- Навоий 1483 йилларда (шоир қирқ икки ёшларда эди) гоят мушкул бир вазифага — ўз она тилида «Ҳамса» яратишга бел боғлайди. Икки йил мобайнида ўзбек адабиётининг ва бутун туркий халқлар адабиётининг муаззам «шоҳ асари» бўлган «Ҳамса»ни яратди. 40 Навоийнинг ғайратига, ишчанлигига, шеър тўқишдаги қудрат ва маҳоратига таажжубланмасдан илож йўқ. «Ҳамса»ни икки йилда ёзганлигини жуда камтар бўлган Навоийнинг ўзи иқрор қилмаса эди, ишониш ҳам

қийин бўлур эди. Яна қандай шароитда ишлаган? «Хамса»ни ёзаётган вақтда шоирда ҳар нав ишлар бениҳоят кўп экан:

«Қим бор эди бошимга кўн меҳнатим,
Пўқ эди бош қошиғоли фурсатим».

Сонсиз-саноқсиз иш ва машаққат билан банд бўлган Навоий мутолаа учун ҳам, катта ва гўзал асарларни ёзиш учун ҳам имконият топа олар эди. Навоий вақтни беҳуда ўтказишни ёмон кўрар, ундан қандай фойдаланишни билар эди. Навоий ҳатто отда юрганда ҳам вақтни бекорга совурмас эди. 10

Бир кун шоирга Марвга жўнашга тўғри келди. Сафарга тайёрланди. Сўнг, ўз дўсти Мавлоно Жомий билан хайрлашмоқ ниятида унинг ҳузурига борди. Жомий унга бир китобча тақдим этади. Навоий кўз югуртириб қараса, янги бир асар — «Лужжатул-асрор». Жомий илҳомининг янги меваси... Шу топда Навоийнинг эсига яқиндагина шу ерда бўлиб ўтган бир адабий суҳбат тушади: бундан қанча кун илгари Навоий ўз дўстининг олдига келганда, одатдагича, шоирлар ҳақида сўзлашадилар. Гап асносида Навоий Хусрав Ҳиндийнинг «Дарёйн аброр» деган асарини жуда мақтайди. Навоий ўз фикрининг исботи учун Хусравнинг сўзларини далил қилиб келтиради. Хусрав ўзининг зикр этилган асари ҳақида шундай дер экан: «Агар замонларнинг ўзгарishi орқасида менинг барча асарларим маҳв бўлиб, йўқолиб кетса-ю, ёлғиз шу қасидам — «Дарёйн аброр» қолса, манга шунинг ўзи кифоя, чунки буни ўқиган ҳар бир одам менинг шеърдаги қудратимни, иқтидоримни билиб олади!» Аммо, дўсти бу мақтовларга ҳеч нима демаган эди. 20 30

Жомий тутқизган янги асар Хусравнинг шу асарига жавобан ёзилган. «Жомийнинг олдида Хусравни бу қадар мақташ муносиб эмас экан!»— ўйлайди нчида Навоий.

Жомийни янги асар билан табриклайди. Китобчани қўйнига тиқади, дўсти билан хайрлашиб, отга минади. Бепоен саҳрода отни йўрғалатиб бораркан, қўйнидан китобчани олиб, мутолаа қилади, тугатади, мамнун бўлади: яхши асар! Жомий Хусравга жавобан буни яратибди, нега у Жомийга шу хилдаги бир асар билан жавоб бермасин? Яратишга жазм қилади. Асарнинг биринчи байти қўйилиб келади: 40

Оташин лаълеки тожи хусравонро зевараст,
Ахгаре, баҳри хаёли хом пухтан барсараст.

(Подшоларнинг тожига тақилувчи ёлқин лаъл, ҳақиқатда подшо бошидаги хом фикрларни пиширувчи бир чўғдир).

Манзилга (работга) етганда отдан тушиб, Жомийга хат ёзади. Хатда шу байтни ҳам битиб, бу ҳақда дўстининг фикрини сўрайди. Жомий ўз навбатида шеър билан шундай дейди: «Сеннинг лочин табъинг шавқидан муқаддас қуш (фаришта)лар тустовуқ (сайд) бўлишни истайдилар. Бир кишидан юборган матланг шундай гўзалки, сўз санъаткорлари орасида унинг каби матлаъни ҳеч ким ривоят қилган эмас»².

Навой от устида шеър тўқиб, ҳар манзилга қўнганда қогозга кўчира беради. Шундай қилиб, Марвга етгунча катта гўзал қасидани битиради. Бу асарга «Туҳфатул-афкор» деб ном қўяди. Жомий номига бағишлаб, Марвдан юборади. Асар Жомийга жуда ёқади. У ўз хатида асарнинг «ҳар бир ҳарфига сиёҳи каби кириб кетдим» деб ёзади. Улуғ шоир Шайх Абдураҳмон Жомий Навойга бир қалпоқ ва бир рўмол совға қилиб, Марвга юборади.

Навой ижодининг энг кўркам меваси ва дунё адабиётининг азамат ҳайкалларида бўлган «Хамса»нинг мазмуни билан жуда қисқа танишайлик.

Биринчи дoston — «Ҳайратул-аброр» йигирма битта айрим мақолат (боб)дан ва кичкина-кичкина гўзал ҳикоялардан иборатдир. Бу дoston бошдан охиригача бирон воқеани илға чизгандай ҳикоя қилиб бермайди. Бунда Навой одамзод фикрининг ёрқин дурдоналаридан кўркам шодалар ясайди. Бу дoston фалсафий-ахлоқий характердадир. Навой ҳаётга, бир кўп ижтимоий масалаларга ўзининг қарашларини, бой, кенг, чуқур ҳаётий кузатишларини (мушоҳадаларини) тасвирлайди, мукамал инсоннинг ахлоқи, фазилатлари қандай бўлиши кераклигини кўрсатади. Тўғрилик, дўстлик, вафодорлик, севги, мардлик ва ҳоказо инсонлик шаънига ярашадиган сифатларни мақтайди, буларни ҳаётда, кишилар орасида томир ёйишни орзу қилади. Тамахўрлик, риёкорлик, ёлғончилик, эгрилик,

² Қаралсин: Хондамир. Макоримул-ахлоқ. Тошкент, 1948, 32-бет.

манфаатпарастлик каби кишилик номига доғ солувчи сифатларни қаттиқ қоралайди.

Достоннинг бутун мазмунидан шундай хулоса чиқариш мумкинки, шоир бу асарда мукамал инсонни қидиради. Унинг маънавийети инмалардан иборат бўлиши кераклигини кўрсатишга интилади.

«Ҳайратул-аброр»да Навоий зулми қаргайди, қоралайди. Золимларга, эл таловчиларга қарши нафрат билан ҳайқиради. Ҳатто ўз даврининг подшоҳига ҳам қаттиқ ҳужум қилади, унинг кирдикорларини баланд овоз билан фош этади. Саройларнинг ҳашамати, зийнати ҳамма элнинг жонидан, қонидан, кўз ёшларидан ясалганлигини ҳаққоният билан айтади:

Қасрки, базм анда муҳайё бўлуб,
Зийнати фирдавси муалло бўлуб.

Пардалари риштаси эл жонидин,
Лаълино шингарфи улус қонидин.

Шамсаси эл моли била зарнигор,
Эл дуру лаъли била гавҳар нигор.

Хиштини масжид бузубон келтуруб,
Тошнини эл марқадидин еткуруб.

20

Яна бу достонда Навоий хонақоҳларда, масжидларда уя қуриб, макр, ҳийла билан эл таловчи шайхларнинг бутун ифлосликларини очиб беради. Бу боб Навоий қаламининг ҳажвдаги қудрат ва маҳоратини жуда равшан кўрсатади. Навоий ўз давридаги порахўр муфтиларнинг, қаерга борса, вабодай ҳаётни қийратувчи амалдорларнинг, олтин-кумушга ўч бўлган, кеча-кундуз маст, жанг майдонида эмас, балки мардлик ҳақида оғизда лоф урган фитна-фасодчи бекларнинг хулқларини, афт-башараларини қотириб чизади.

Навоийнинг қалами, у қайси мавзуда юрмасин, ҳар вақт ёрқин ранг ва жон сочади. Яхдан жонли олов чиқаради, «шоирона» бўлмаган нарсалар ҳам у тегиши билан ёниб, чақнаб кетади. Масалан, достонда тўғрилиқ ва эгрилик устида сўз боради. Бу, гўё, оддий, «қуруқ» гап... аммо бу мавзуда Навоийнинг ҳар мисраси йирик гавҳардай порлайди:

Шамъки тузлук била масрур эрур,
Гарчи куяр боштин-аёқ нур эрур.

40

Барқки, эгрилик ўлубтур хуйи,
Гарчи ёрур, лек борур ер қуйи.

Сарвким, ул тўғри, чекиб қоматин,
Кўрмайин осибн хазон офатин.

Чирмашибон сунбули тар боғ аро,
Эгрилик онинг юзин айлаб қаро.

Кўзки эрур эгри апинг хилқати,
Бирни ики кўрмак эрур санъати.

10 Уринсиз, ортиқча кулги одобдан эмас, деган фикр-
ни Навоний шундай ифодалайди:

Кулгуки ўз ҳаддидин ўлди йироқ,
Йиғламоқ андин кўп эрур яхшироқ.

Равшан этиб шамъини ҳар тун йиғи,
Елга бериб ғунчани хандонлиғи.

20 «Ҳайратул-аброр»да турмуш фалсафасига доир тушунчалар, қарашлар ана шундай ранг ва нур билан товланувчи гўзал мисраларда берилади. Шунинг учун ўқувчи таълимий фикрларни ҳам катта завқ билан, ҳаяжон билан ўқийди. Бу хусусият учун «Ҳайратул-аброр»ни таълимий дostonларнинг энг гўзал намуналаридан деб ҳисоблаш мумкин.

30 «Хамса»нинг иккинчи дostonи — «Фарҳод ва Ширин» халқ афсонасидан яратилган чиройли дostonдир. Бунинг мазмуни шундай: Чин подшоси бир ўғил кўради. Отини Фарҳод қўядилар. Бола жисман ва руҳан гўзал, мукамал. У тез ўсади, дунёда ягона олим бўлган бир зот унга таълим беради. Фарҳоднинг зеҳни фавқулодда ўткир. У ўн ёшга кирганда ҳамма мавжуд илмларни эгаллаб олади. Фарҳод бу ёшда арслондай кучли, файласуфдай фикрчи бўлади. Ҳарбий ишларни ўрганиш соҳасида ҳам катта маҳоратга эришади. Бироқ бу бахтли бола, гўё ошиқ бўлиб туғилгандек, бир қаричликдан унинг юрагида аллақандай мубҳам севги дарди яшайди. Фарҳод ҳасратга мойил. Ун тўртга етганда Фарҳодда хасталик аломатлари кўринади. Қари ота ваҳимага тушади. Ўғлининг кўнглини очиш учун тўрт қаср (сарой) солишга буюради. Оламнинг энг моҳир усталари йиғилиб, муаззам биноларни қуришга бошлайдилар. Бу тўрт саройда йилнинг тўрт фасли

40 тасвир этилиши керак эди.

Фарҳод томоша учун бу иншоотга келади, бу ерда ҳар хил ҳунар ва санъат мўъжизаларини кўради. Хусусан, наққошларнинг, рассомларнинг, тош кесувчиларнинг санъатлари уни таажжублантиради. Фарҳод бу усталар, санъаткорлар билан бирга ишлашиб, уларнинг санъатларини ўрганиб олади. Пўлатни махсус равишда тоблаб, ўткир теша ясашни тош кесувчи устандан ўрганади.

Тўрт қаср битди. Гўзаллиги, зийнати таърифга сизмас саройларда суронли зиёфат ва базмлар бошланди. 10 Фарҳод ҳар саройда бир мавсумни кечирди. Ҳар бир саройда бир мавсумнинг бутун ҳусни ва бутун руҳи жонли акс этганди. Ҳар бир саройнинг жиҳозлари, безаклари ўз фаслига мувофиқ ва ҳамоҳанг эди. Лекин бу гўзал қасрлар, май ва мусиқи билан тўла ҳаёт Фарҳоднинг юрагидаги дардларига эм бўлолмади. У яна ишқий эртақларни севар, тинглар ва йиғлар эди.

Бир кун шаҳзода ўз отасининг хазинасини томоша қиларкан, саноқсиз қимматбаҳо нарсалар орасида ғалати, мустаҳкам бир сандиққа кўзи тушади. Очишга 20 буюради. Сандиқни очтирмасликка тиришадилар. Ҳар нарсани билишни, англашни, нарсаларнинг сирини фаҳмлашни севган Фарҳод калитни топиб, тезда очишга қистайди. Одамлар ҳар бир нарсани фикр билан билган, маним учун мушкулот йўқ, илмим билан ҳар масалани ҳал қилишим керак, дейди у. Улар ниҳоят сирли сандиқни очишга мажбур бўладилар. Ичидан ҳикматли ойна чиқади. Бир замонлар Искандар файласуфларга буюриб, бу ажойиб кўзгуни яساتган эди. Фарҳод бу ойнанинг сирини изоҳлаган бир ёзувни 30 ўқийди. Ойнага қараган одам, ўз умрида келажакда нималар кўражagini, тақдир нима ёзган бўлса, шуларнинг ҳаммасини ойнада жилваланишини биларкан. Аммо бу нарса тилсим бўлиб, буни очиш учун Юнон мамлакатада Суқрот ҳақимга йўлиқиш шарт экан. Ҳақимга етмак учун даҳшатли, офатли бир неча манзилларни ўтишга тўғри келар экан.

Фарҳод бу фикрни амалга ошириш орзуси билан ёнади. Кўзгунинг сирини унинг бутун борлигини қоплайди. Сафарга чиқади. Юнон мамлакатига етиб, Суқрот 40 тоғи йўлида аждаҳолар, девлар билан курашиб, балоқазоларни бартараф қилади-да, ҳақимга йўлиқади. Бу ҳақим кўзгу хусусида шаҳзодага таълим беради, панду

насиҳатлар қилади. Фарҳод ўз юртига қайтиб, хазинадаги ҳалиги ойнага қарайди. Ёт, белгисиз юртда, азин тоғлар манзарасида гўзал қизни кўради. Фарҳод ошиқни беқарор. Юрагидаги ишқ учқунни энди алангага айланади. Фарҳод ўз ишқини яширишдан тамом ожиз:

Чу лола гунчаси зоҳир бўлур чоғ,
Неча кўнглида асрар ёшловчи доғ.

Печаким истади Фарҳодни гамнок,
Ёшурмоқ ўт ёниб устига хошок.

10

Ва лекин элли оҳу ашқи ногоҳ,
Қилур эрди ишқон дардини огоҳ.

Епар фокус бирла шуъласин шамъ,
Кўрарлар пардадин ул шуълани жамъ.

Кўз ичра махфи ўлмас ашқ қони,
Бўлурму шиша ичра май ишқони?

- Фарҳодни даволаш учун табиблар уни денгиздаги гўзал ороллардан бирига юборишни кекса отага маслаҳат бердилар. Подшо денгиз сафарига тайёрлик кўради. Фарҳод мингларча одамлар билан кемаларга ўтиради. Иттифоқан даҳшатли бўрон денгизни қаттиқ чайқатади. Тоғ-тоғ сувлар юксалиб, кемаларни кўкка отмоққа киришади, юзларча кемалар бир-бирларига урилиб, парчаланadi. Фарҳод бир парча тахтани ушлаб олиб, даҳшатли тўлқинларнинг оғушида юзади. Тасодифан савдогарлар кемаси уни кўриб қолиб қутқаради. Бироқ бу кема аҳлига денгиз қароқчилари учрайди. Савдогарлар қўрқувдан даҳшатли фарёд кўтардилар. Лекин Фарҳод катта баҳодирлик кўрсатиб, ўқлари билан қароқчиларни тумтарақай қочиради.
- 30 Кема аҳли унга жуда меҳр қўяди. Фарҳод кемадагилардан Шопур деган бир зот билан самимий дўст тутинади. Шопур дунёнинг ҳамма ерларини кўрган, ҳунар бобида замоннинг ягона устаси, фазилатли, олижаноб киши экан. Яман вилоятига етиб, кемадан тушадилар. Фарҳод билан Шопур бир-бирларидан бир зум бўлсин айрилгилари келмайди. Кейин Шопур ўз дўстининг бутун сирларидан воқиф бўлади. Уни кўзгуда кўринган гўзал қизнинг юртини топиш мумкинлигига қатъий ишонтиради. Икки дўст йўлга равона бўлишади. Улар
- 40 бир неча кун юриб, янги бир иқлимга — кўзгуда кўринган мамлакатга етадилар. Юзларча одамлар тоғ ора-

сида теша билан тошларни кесиб, чўлга сув келтириш ниятида ариқ қазиш билан оворалар. Фарҳод бу ерда урина-урина нўхатдек тошни базўр кесаётган чарчоқ одамлардан ҳол-аҳвол сўрайди. Улар, бу мамлакат арман мамлакати эканини, юртни оқила, олима бир аёл — Меҳинбону идора қилаётганини, унинг Ширин номли гўзалликда танҳо бир хоҳарзодаси борлигини, бу ариқни шу қиз қазираётганини сўзлайдилар.

Қазувчилар уч йилдан буён тоғ кесиб, атиги икки-уч юз қарич жой оча билган эканлар. Оғир меҳнатдан 10 йигитлар чоллардек букчайиб қолган. Фарҳод бу бечораларга ачинади. Ўз кучини, ҳунарини ишлатмоққа жазм қилади:

Ҳунарни асрабон неткумдур охир,
Олиб тупроққами кеткумдур охир?

Ешликда фан билан қуролланган Фарҳод тоғ қазишга киришади. У ёшликда ўрганган усул бўйича пўлатга махсус равишда тоб бериб, катта теша ясайди. Бу мукаммаллашган қурол билан қаҳрамонларча ишлайди. Юзларча одамларнинг уч йилда бажарган ишини бу бир кунда қилади. Фарҳод ажойиб маҳорати, кучи билан бутун мамлакатга доврўқ солади. Мусофир қаҳрамоннинг ишини томоша қилиш учун ўз ўртоқлари билан Ширин келади. 20

Фарҳод ўз қаршисида сеҳрий гўзаллик билан намоён бўлган бир жононни кўрдик, бу — кўзгуда қалбни яралаган қиз. У ҳушдан кетади. Шириннинг юраги ҳам бу мард, олижаноб йигитнинг муҳаббати билан лим тўлади.

Ўз синглисини чуқур севган, унинг ҳар орзусини 30 муҳайё қилишга ҳаминша тайёр турган Меҳинбону ҳам шод. Арман мамлакатининг икки нодира аёли Фарҳодни саройга чорлайдилар, катта, самимий ҳурмат кўрсатадилар. Файласуф, мантиқчи, тарихчи, ҳисобчи, шоира ва ҳоказо турли илм ва санъатларда донг чиқарган қизлар билан руҳафзо мажлислар, зиёфатлар тузадилар.

Фарҳоднинг орзуси ўз Ширинининг орзу ва режаси билан бошланган ишни — ариқ қазиб, сув келтиришни илдам бажаришдир. Жононининг марҳамати ва илти-40 фоти билан маст Фарҳод тоғларни ағдариб, муҳандислик қондаларини мукаммал қўллаб, ниҳоят, бир дарё

ясайди. Карнай, сурнай ва ноғораларнинг садолари, бутун халқнинг сурони, олқишлари остида сувни очадилар. Кумуш тўлқинлар қовжираган ерларга югуради. Дарёни жуда маънодор исм билан — «Наҳрул ҳаёт» деб атайдилар. Фарҳод энди ўз севгилиси учун гўзал ҳовузлар, боғчалар, саройлар қура бошлайди. Бироқ, ёруғ кундузни сўндирган қора булутлар каби, қора, ваҳший, қўпол кучлар бу тинч гуллаётган ўлкага босиб келадилар: Эрон шоҳи Хисрав Шириннинг ҳуснини 10 эшитиб, уни зўрлик билан кўндириб, ўзига хотин қилиш учун катта қўшин тортиб келади. Меҳинбону ва Ширин зулмга, ҳақсизликка бўйсунини истамай, қаршилиқ кўрсатишга бел боғлайди.

Ошиқ Фарҳод бу қора кучлар билан мардона курашади. Тепаликлардан Хисрав қўшинига тош бўрони ёғдиради. Фарҳод бу ўлкада яшаркан, асло зафар қозона олмаслигини англаб Хисрав макр-ҳийла ишлатади: бир маккор, сеҳрчи кампир ёрдами билан Фарҳодга «доруйи беҳуш» ҳидлатиб, асир қилади. Занжир-20 банд, асир Фарҳод шаҳаншоҳ қаршисида ўзини мардона тутати. Фарҳод фикрининг тиғи, ҳисларининг олови, чуқур севгувчи қалбининг жасорати билан Хисравга ҳужум қилади. Уни маънан енгади. Хисрав Фарҳодни буюк бир тоғдаги зиндонга ташлатиб, посбонлар қўяди.

Хисрав ҳаётдаги гўзалликни қийратувчи, инсонлик сифатларини оёқ остида топтовчи қора кучдир. У золим, таловчидир. Фарҳоднинг юраги чақнаган қундуз бўлса, Хисравнинг юраги зим-зиё, қабр қоронғиси билан тўла тундир. 30 Навоий Фарҳод тилидан Хисравга ҳайқиради:

Қилиб эл мулки ичра қатлу торож,
Олай деб мулк элидин тахт ила тож.

Бировниким бериб мулкни барбод,
Қилурсен нозанин кўнглини ношод.

Шикастига ситам ёйин қурарсен,
Эшиттим ишқ лофин ҳам урарсен!

Шириннинг юраги унинг ҳусни каби гўзал ва нодир-40 дир. Ширин ўзи туфайлидан мамлакатнинг фалокатга учраганини билади, ҳатто ўз меҳрибони Меҳинбонудан уялади, элнинг аҳволига юраги қон бўлади. Лекин вафо ва садоқатни бир зум бўлсин унутмайди. Фарҳод-

ни яна аввалгидай, қалбининг бутун алангаси билан севади. Оғир кунларда Шопур орқали Фарҳодга юборган хатининг ҳар бир сўзида катта, чуқур севги тўлқинланади:

Хироминг чоғи йўлдош ўлсам эрди,
Сукунинг вақти қўлдош ўлсам эрди.

Қуёш янглиғ бўлуб кундуз қарининг
Бўлуб тун соя янглиғ ҳамнишининг.

Тикан кирса кафингга кинасидин,
Чиқарсам эрди киприк игнасидин...

10

Хисрав Фарҳодни ўлдириб, бу йўл билан Ширинни ўзига хотин бўлишга кўндиришни хаёл қилади. Леки бу золим зулм ишида ҳам разилона қаллобликни қўллайди. Илгарин Фарҳодни ҳушсизлатиб, асир туширган маккор кампирни унга юборади. Бу махлуқ Фарҳоднинг олдига: «Ширин ўлди!»— деб дод-фарёд билан боради. Ваҳший тоғларда занжирбанд ошиқ бу хабарни чин деб тушунади. Энди унинг учун яшамоқнинг ҳеч маъноси йўқ. Чунки унинг юраги, бутун борлиги Ширин ёди билан тўла эди, Ширин ёди билан яшар эди. Бу машъум хабар Фарҳодга «момуққа урилган чақмоқ»дек таъсир қилади. Унга «бузуғлиқ фалак»дан, яъни жабр-зулмдан, қора кучларнинг ҳукмронлигидан қаттиқ шикаст етади.

Фарҳод ўзини тошларга уриб ўлдиради. Фарҳоднинг ўлимини эшитиб, бутун халқ йиғлайди. Меҳинбону онасидек аза тутади. Ширин бу даҳшатли хабардан қандай ўртанганини ёзишга ҳожат йўқ. Бу орада яраш масаласи ўртага тушади. Давлат арбоблари Меҳинбонуга ярашмоқни маслаҳат берадилар. Меҳинбону Шириннинг раъйини сўрайди. Ширин шундай жавоб беради:

Чу кечти жуфтдин ул тоқи офоқ,
Нечук мен жуфт кўзлай, ул бориб тоқ.

Вафо аҳли иши мундоқ бўлурму?
Вафо айлар киши мундоқ бўлурму?

Одамгарчилик, вафони ҳар нарсадан юқори қўйган Ширин энди бошқа қарорга келган эди: «Ўлаётган вақтимда халққа зулм қилмай»,— дейди. Кучли душман билан ярашмоққа Меҳинбону мажбур бўлади.

40

Фақат элчиларга, Ширин бир оз касал, шифо топсин, кейин Хисравнинг орзуси бажарилар, дейди.

Хисравнинг Шируя деган бир ўғли бор эди. У Ширинни севиб қолиб, шундай ўйлайди: агар отамни ўлдирсам, икки олам меники бўлур, яъни ҳам подшо бўлурман, ҳам Ширинни олурман!

- Шируя отаси Хисравни ўлдирди. Тож кийиб тахтга чиқди. Ширинга уйланишни ўртага солди. Ширин, мен олдин Фарҳодга аза тутай, кейин рози бўлурман, деди.
- 10 Шируя кўнди. Ширин Фарҳоднинг жасадни ётган уйга кириб, уни қуча-қуча жон берди. Жондан азиз ва се-викли Ширин бошида Меҳинбону кучли фиғон тортади-да, бу фиғон билан у ҳам кўзларини ҳаётдан юмади.

- Орадан кўп вақт ўтмасдан Чин мамлакатининг ба-ҳодирин Баҳром Фарҳодни қидириб, катта қўшин билан арман ўлкасига етиб келди. Фарҳоднинг қабрини қу-чиб, баҳодирона кўксини дўстининг тупроғига қўйиб йиғлади, мотам тутди. Кейин Хисравнинг зулми орқа-сида арман мамлакатига етган зарарларни Шируяга тўлаттирди ва уни арман юртидан ҳайдади. Меҳинбо-ну уруғидан виждонли, одил бир кишини подшо қилди. Хисрав бузган, хароб қилган шаҳарларни тездан туза-тиб, ўлканни обод этишни буюрди. Баҳром ўзи билан келган йиғитларни юртларига — Чинга қайтариб юбор-ди. Ўзи тож-тахт орзуларидан, ҳукмдорликдан бутун воз кечди. Шопур билан бирга Фарҳоднинг қабри те-пасида фақирона маскан қуриб яшади.

- Учинчи дoston — «Лайли ва Мажнун» — бу ҳам
- 30 Шарқнинг энг қадим афсоналаридан олинган. Бахтсиз севги ҳақидаги қайғули афсонадан Навоий ижтимоий, тарбиявий фикрлар билан бой. гўзал асар яратган. Шоир «йиғлай-йиғлай тугаттим!» деган бу дostonнинг мазмунини шундай: бир араб қабиласида фарзандга ташна давлатманд онлада бола туғилади. Исминини Қайс қўядилар. Бола тўрт-беш ёшга кирганда, бир устоди комилга таълим учун берадилар. Фавқулodда истеъодда эга бўлган Қайс мактабда жуда яхши ўқий-ди, турли илмларни осон эгаллайди. Лекин Қайс бу
- 40 мактабда ўз юрагини, борлигини бир гўзалга олдира-ди; бу — ўзининг мактабдоши Лайли эди. Лайли ҳусн-да, ақл-фаросатда нодир қиз эди. У мактаб болалари орасида, юлдузлар ичида тўлин ой каби эди.

Бир вақт қиз хасталанади. Тузалгандан кейин мактабга биринчи келган кунни устод қувониб, болаларни озод қилади. Баҳор фасли эди. Дала-даштар, боғлар гулларга тўлган эди. Болалар боғларда кезишга чиқадилар. Кўксин қайғуга тўла Қайс сайр этишни истамаса ҳам, лекин орада Лайли бўлганидан рози бўлади. Болалар чаманзорларга тарқалиб, ўйнаб кетадилар. Аммо Қайс ҳар ёғи гулларнинг ранги ва жонли девори билан ўралган бир пана жойга кириб, кўз ёшларини юм-юм тўкиб куйиб-ёнади. Ногоҳ бу жойга Лайли ҳам келиб қолади-да, соддадиллик билан сўрайди: 10

Кей, турфа йиғит, не ҳолатинг бор,
Не навъи гаму малолатинг бор?

Ким шодлиғинг йўқ ўзгалардек,
Ободлиғинг йўқ ўзгалардек?

Лайлининг сўзидан Қайс ҳижолат чекади, йиғлайди ва юрак дардини, севгисини жуда чиройли баён қилади-да, ҳушдан кетиб йиқилади. Лайли қайғуланиб, кўз ёшларини қуя-қуя, Қайснинг бошини ўз қучоғига олади. Шу аснода қизнинг икки канизи келиб қолади, капалаклари учиб кетади. Биров билмасин бу воқеани деб тезда Лайлини уйга жўнатадилар. Бечора Қайс ярим кечада кўзини очади. Ҳеч ким — на ёри, на дўстлари бор! Ошиқ бетоқат бўлиб, кўкракларига уради. Ёрнинг оёғи теккан тупроқларга кўзларини суради. Кечанинг поёнсиз оғуши унинг аччиқ фарёдлари билан тўлади. 20

Қайснинг эс-ҳуши фақат Лайли билан банд. Бир кеча уйдан чиқиб, Лайли қабиласига жўнайди. Йўлда ит ҳуришини эшитиб, унга ўз дардларини бир-бир айтади. Ёрнинг қабиласида эркин юра билган, унинг остонасига бош қўйиб, посбонлик қилишга ҳақли бўлган бу итнинг «бахтига» ҳаваси келади! Қабилага яқинлашган сари мажолсизланади, йиқилади, нола, фиғон билан судрала-судрала боради. Лайлининг бир дояси бор экан: Қайсга меҳрибон ва дардидан огоҳ экан. Унинг ёрдами билан Қайс ва Лайли учрашадилар. Аммо икковлари ҳам бир онда ҳушдан кетиб йиқилдилар. 30

Қайснинг ишқи ҳаддан ошади. У ота-онани, қавм-қариндошни, ўзини ҳам унутади. Унинг учун ёлғиз Лайли мавжуд! Ота-онанинг, одамларнинг панд-наси- 40

ҳати, ўтга сепилган мойдек ишқнинг алангасини кутай-тиради, холос... Уни ҳамма «Мажнун» (девона) деб номлай бошлайди. Кўчада юрганда болалар орқасидан эргашиб «Мажнун! Мажнун!» деб қичқирадилар. Ниҳоят, Қайснинг ишқи Лайлининг отаси қулогига етади. У бу тўғрида жуда зўр жаҳолат, таассуб кўрсатади. Қайснинг отасига, ўғлиниги кишанга сол, бўлмаса, сени бутун қабиланг билан бу ердан ҳайдаб юбораман, деб дўқ қилади. Араблар орасида ўзининг давлати, обрўси ва ҳоказони пеш қилади. Боёқиш ота-она ўзининг тилаб олган ўғлини бир қанча вақт занжирлашга мажбур бўлади.

10 Лайлига Ибни Салом дегандан совчилар келади. Ибни Салом ҳеч қандай маънавий фазилатга эга эмас. Лекин унинг қўйи, туяси беҳисоб бўлиб, мол-мулкнинг овозаси ҳар ёққа кетган экан. Лайлининг отаси кўнади. Аммо шундай бўлса ҳам Лайли бир қадар заиф, тузалсин, сўнг тўй бўлсин, дейди.

Мажнун кимсасиз саҳроларда, ҳайвонлар билан, 20 қушлар билан улфат бўлиб яшайди. Лайли ҳақида чиройли шеърлар тўқийди. Бир кун унга саҳрода бир киши учрайди. Бу Навфал эди. Навфал мардлиги, олижаноблиги билан арабда ном чиқарган экан. Мажнун билан сўзлашиб, унинг илмини, юксак ахлоқини, шоирлигини самимий ҳурматлайди ва Лайлини олиб беришга бел боғлайди. Лайлининг отасига хат ёзади. Рад жавоби олгач, куч билан кўндирмоқчи бўлиб, ўз йигитлари билан келади. Қаттиқ жанг бошланади. Лайлининг отаси мағлуб бўлишига ишониб, «номусни қутқармоқ учун» қизини ўлдиришга жазм қилади. Бу ҳол Мажнунга аён бўлгач, у жангни тўхтатишни Навфалдан ўтинади. Кейин Навфал Мажнунга ўз қизини ниқоҳлаб беради. Аммо Мажнун гўшангадан саҳрога қочади (чунки қизнинг севган йигити бор экан, Мажнун уларнинг бахтига тўқинишни истамайди).

30 Ибни Саломга унашилган Лайли отасининг бу жабр-зулмидан нафрат қилади. У доим Мажнун севгиси билан ёнади, йиғлайди.

Лекин қафасдаги қизни Ибни Саломга зўрлаб узатадилар. 40 Ўз ёрига садоқатли Лайли ўзини ўлдириш учун бир ханжарни яширин олиб кетади. Бироқ ханжарни ишлатишга ўрин қолмайди. Чунки куёв Ибни Салом беҳад шароб ичгани учун, эски бир касали

қўзиб, бирпасда вафот қилади. Тўй азага айланади. Тўполонда Лайли ёлғиз қолади, у дарров сахрога кетади. Тасодифан Мажнунга йўлиқади. Туннинг қора чодириди бечора севгиллар бир-бирларининг оғушига отиладилар.

Яна айрилиқ, битмас-туганмас айрилиқ... Мажнун сахрода дарбадар. Эркисиз Лайли ота-онанинг уйида, уларнинг раҳмсиз панжасида. Дард, ҳасрат секин-секин Лайлини йиқитади. Бир куз фасли сариқ япроқларни ел ураркан, ажал ели Лайлини соуради. Бунни Мажнун эшитиб, бўрондек югуриб келади. Қизнинг васияти бўйича, энди ота-она Мажнунни қабул қилади. 10

Дардкаш ошиқ ўз ёрини қучиб, кўзларини мангу юмади:

Бир наъшқа солдилар иковни,
Жонсиз келину ўлук кувни.

Кирди ики жисм бир кафанга,
Йўқ, йўқ ики руҳ бир баданга.

«Хамса»нинг тўртинчи достони «Сабъан сайёра» ҳам ишқий дoston. Етти иқлимнинг улуғ подшоҳи Баҳром ов вақтида бир манзилга қўниб, айш-ишрат билан машғул экан, даштда илдам кетаётган бир кимсага кўзи тушади. Одам юбориб, уни ўз ёнига чорлайди, ҳол-аҳвол сўрайди. Жавобларидан маълум бўлдики, бу киши Чин мамлакатидан келаётган машҳур бир рассом экан. У ерда Дилором деган энг яхши чолғувчи, қўшиқчи ва гўзал бир қизнинг расмини чизиб, уни Баҳромга олиб келаётган экан. Баҳром ўзини танитгач, мусофир суюниб, расми чиқаради. Баҳром кўрган ҳамон қизга ошиқи беқарор бўлиб қолади. 20

Дилором ёшликда ота-онадан айрилиб, давлатманд бир одамнинг тарбиясига ўтган экан. Баҳром бу гўзал чолғувчи қизга тезроқ эришмоқчи бўлади. Дилоромнинг баҳоси бир йиллик Чин хирожига баробар экан. Подшо бу маблағни муҳайё қилиб, Чинга кишилар юборади. Кўп ўтмасдан, булар қизни олиб қайтадилар. Баҳром бу қизнинг ҳуснига, санъатига мубтало бўлиб ҳатто мамлакатни, халқни ҳам унута бошлайди. Бир сония қиздан ажралмайди. Кўзи унинг юзида, қулоқлари унинг ажойиб, сеҳрли овозида. 30

Бир кун овда Баҳром қиз билан гашт қилиб юрар экан, узоқдан бир кийинка кўзи тушади. Дилоромга 40

- қараб: «Қаеридан ва қандай урайин?» деб сўрайди. Дилором овчидан катта мерганликни талаб қиладиган йўсунда жавоб беради: «Олдин бир ўқ билан кийикнинг икки оёғини боғлаки, ҳаракат қилолмасин, сўнгра бир ўқ билан бўғизла!» Умри овда ўтган уста овчи Баҳром Дилоромнинг шартини расо бажаради ва ёридан мерганлиги ҳақида мадҳ-сано кутади. Аммо ўз ҳусни, санъати билан мағрур Дилором мақтамайди, тааж-жубланмайди ҳам. Машқ, доимий шуғулланмиш орқасида ҳар бир ишда маҳорат касб этиш мумкинлигини сўзлайди. Подшо бундан қаттиқ ғазабланади. Дилоромнинг қўл-оёқларини боғлатиб, саҳрога ташлаб кетади. Кейинча Баҳром бу қилмишидан жуда пушаймон ейди. Гўзални соғинади. Аммо ундан из ҳам йўқ эди. У ўзида аввалгидан ўлчовсиз даражада кучли муҳаббат сезади. Ниҳоят, севги ҳасрати орқасида у ҳасталанади. Давлат арбоблари, табиблар касалга чора қидирадилар. Шоҳнинг кўнглини олиш учун, мамлакатдаги жамikki наққош, рассом ва бошқа усталарни йиғиб, етти гўзал қаср ясатадиларки, ҳар бири ўзга бўёқлар, ўзга безаклар, ўзга жиҳозлар билан яшнар эди. Кейин Баҳром учун етти подшонинг гўзал қизларини келтирадилар. Баҳром ҳар кун навбат билан бир қасрда базм тузиши керак эди. Лекин Баҳром Дилоромни бир зум бўлсин унутмас эди. Кечалари уйқуси қочар. Шунинг учун ҳар кун кўчадан бир мусофирни чорлатиб, ҳикоя, афсона сўйлатади. Еттинчи қасрга кирганда, еттинчи иқлимдан келган мусофирнинг — хоразмлик бир мусиқачининг ҳикоясини эшитади. Бу мусофир худди Дилором ҳақида сўзласа бўладими! Гап шундаки, Дилоромнинг Чиндаги ота бўлмиши ўз асранди қизини кўрмоқ учун келаётганда, уни саҳрода чала ўлик ҳолда топган ва уни Хоразмга олиб жўнаган. Дилором ҳозир ўша юртда. Баҳромни соғиниб, ҳеч кимга кўринмасдан, қайғули қўшиқлари билан ёлғиз яшар экан. Баҳром Хоразмга кишилар юбориб, Дилоромни даъват қилади. Унинг келаётганини эшитиб, шаҳардан ташқарида гоят самимий, катта соғинч билан қаршилайди. Улар шод-ҳуррам яшай бошлайдилар.
- 40 Бир вақт Баҳром катта ов ташкил қилади. Ов майдони аслида ботқоқлик жой экан. Бу ерда сонсиз-саноқсиз ҳайвонлар урилиб, қонлари тошқин бўлиб оқади. Яна кучли сел қуйиб беради. Натижада, ботқоқлик юмша-

лади, Баҳромни ва унинг барча одамларини ўз қаърига тортиб, аждаҳодай ютади.

«Хамса»нинг сўнгги дostonи «Садди Искандарий»нинг қаҳрамони македониялик машҳур Искандарнинг нақ ўзи эмас. Унинг тўғрисида дoston ёзишни Навоий ўз олдига мақсад қилиб қўйган ҳам эмасдир. Навоий мамлакатда тинчлик барпо қила биладиган, маданиятни ўстиришга ғайрат қиладиган, халқпарвар ва адолатли шодшони ҳаёл қилар эди. Қисман тарихий манбалар, кўпроқ афсоналардан фойдаланиб, шоир улуғ жаҳонгир македониялик Искандар орқали ўзи орзу қилган маърифатчи, мукамал подшо образини яратишга тиришади. Бу образ, тарихий шахс бўлган Искандардан узоқдир. 10

Навоий яратган Искандар ажойиб қаҳрамон. У тож кийганда халқни йиғиб, нима арзларнинг, нима орзуларнинг бўлса, тўппа-тўғри менинг ўзимга келиб айтларинг, дейди. Ҳар ким менни ўзидек билсин, меннинг тахт-тожимни кўриб, сира тортинмасин, дейди. Искандар халқни солиқлардан озод қилади, унинг адолати натижасида халқ бойийди. Искандар кўп нарсалар ихтиро қилади. У ҳар вақт файласуфлар, олимлар билан қуршалган. Ҳар бир ишни улар билан бамаслаҳат бажаради. Забт этган ўлкаларида шаҳарлар, қишлоқлар, йўллар бино қилади. Ҳамма ерда жабр-зулмин йўқотади. 20

Искандар — илмпарвар. У илмнинг куч ва қудратига ишонади. Ҳамма мавжудотнинг сирини англашга интилади. Махсус асбоблар ясаб, денгиз тағларига тушади. Навоийнинг қаҳрамони ҳар тарафлама мукамал, ажойиб ёрқин бир шахсдир. 30

«Садди Искандарий» фалсафий, илмий-ахлоқий фикрларга бой бир дoston. Искандарнинг ҳарбий сафарларидан ташқари, унда қонун ва адолатга, илмларга, ҳаётини масалаларга, ахлоқ ва одобга доир чуқур фикрлар, мулоҳазалар бордир. Навоий ижодиётининг азамат дарахтида етишган мевалар хилма-хил бўлсалар ҳам, бир илдиз билан бир заминдан — улуғ шоирнинг қудратли қалбидан, илҳомидан тўйиниб, бир бутунлик ташкил этганларидек, бу дostonдаги рангоранг фикрлар ҳам бутун, кўркам, жонли бир гулдаста ясайдилар. «Хамса» олтмиш минг мисрадан ортиқ ҳажми каби ҳар бир мисраси ҳам мазмунан жуда сал-

моқдор, шаклан дилдор ва порлоқ бўлган бир асардир.

- Навойнинг «Хамса»сига ва умуман, бутун ижодиётига у замоннинг энг атоқли шоирлари, тийран мутафаккирлари жуда юқори баҳо берганлар. Форс-тожик адабиётининг йирик классиги ва XV аср адабиётининг ёрқин намояндаси Жомий Навоийга бағишланган қасидасида унинг «Хамса»си ҳақида шундай дейди: «Сенинг бу бешинг (беш дostonинг) шундай кучли бир панжа бўлибдирки, дарё қафтларининг панжаларини букибди»... «У қаламга офаринлар бўлсинки, бу гўзал нақш ундан туғилди». «Агар у ҳам (сенинг қаламинг ҳам) форс тилида шеър ёзса эди, у вақт (бизларга) сўз сўзламоқ учун мажол қолмас эди».

Навойнинг ёш замондоши ҳам талантли шоир, ҳар тарафлама олим бўлган Бобир мирзо шундай баҳо беради: «Алишербек назирни йўқ киши эрди. Туркий тил билан то шеър айтубдурлар, ҳеч ким онча кўп ва хўб айтган эмас».

20

* *
*

- Халқнинг улуғ ўғли, доҳий шоири Навоийга ҳужум қилувчи тескаричилар бўлганлигини сўзлаган эдик. Сарой доираларида юқори мансабдорлар, беклар орасида шоирнинг очиқ ва яширин анча душманлари бор эди. Улар Навоийнинг мамлакатда қонун ва адолат барпо қилишга уринишини, халқпарварлик фикрларини ёқтирмас эдилар. Шунинг учун уни ўртадан кўтариб, ҳамма ишни қўлга олишни, давлатни говмиш сигирдай соғиб ичишни орзу қилар эдилар. Мана бу гуруҳлар ивир-шивир, чақимчилик билан машғул бўлдилар. Ниҳоят шоирнинг Ҳиротдан сургун қилдиришга ҳам эришдилар. Бу воқеа 1487 йилда бўлди: подшо девонда вазирлардан — Хожа Афзалиддин ва Низомулмулдан икки туман (ўн минг сўм) пул топиб беришни сўрайди. Хазинада шу миқдорда маблағ қолмаганидан, ҳар икки вазир подшога лом-мим деб жавоб бера олмайди. Шу ерда ҳозир бўлган катта мансабдор Мажиддин Муҳаммад бу фурсатдан яхши фойдаланади.
- 40 Бу киши парвоначи эди. Парвоначининг вазифаси подшо девонда бўлганда унга ишлар ҳақида маъруза

қилиш, подшонинг буйруқларини қаламга олиш ва ҳоказо эди. Маждиддин Муҳаммад Навоий ва унинг тарафдорларининг катта душмани бўлган. Пул топиб беришдан ожиз қолган вазирлар девондан чиқиб кетгач, Маждиддин дарров Навоийни қоралашга бошлайди. Хазинада маблағ йўқлигини ҳам Навоийдан кўради. Агар подшо жамики ишларнинг ихтиёрини ўзига топширса, икки туман эмас, балки икки минг туман маблағни қулайлик билан муҳайё қилишини билдиради. Эртасига подшо Маждиддинга «султонликнинг, давлатнинг 10 эътимодли вакили» деган тамтароқли унвон бериб, ҳаммадан юқори қўяди. Навоийни эса Астрободга жўнатади. Навоий Астрободга шаҳарнинг ҳокими сифатида юборилган бўлса ҳам, лекин бунинг ҳақиқий маъноси сургундан бошқа нарса эмаслиги каттадан кичикка аён эди.

Бу ҳодисада маблағ масаласи анчайин бир баҳона бўлган. Аслида подшо илгаридан бу қарорга келганлигига шубҳа йўқдир.

Ҳусайн Бойқаро темурийлар орасида энг забардаст 20 қиличбоз эди. Ҳарбий ишларга анча моҳир эди. Шеърлар ёзар, илм ва санъатга қизиқар. Аммо шу билан баробар қўпол ўйинларни ҳам яхши кўрган. Масалан, каптарлар боқиб учирар, қўчқор уриштирар эди. Ҳар кун пешиндан кейин ичкилик базми тузиб, кечаси билан ичиб чиқар эди. Кейинроқ айш-ишратга, фисқ-фужурга жуда ҳам шўнғиб кетган ва ифвогарлар, чақимчиларнинг таъсирига тушиб, ахлоқан пасая бошлаган экан. Ҳатто Навоийга ишончсизлик билдириб, унинг орқасига махсус жосус қўйганлиги маълум. Бу 30 жосус шоирдан соядай ажралмас, унинг ҳар бир мажлисида ҳозир бўлар, Навоий нима гапирса, ҳаммасини оқизмай-томизмай подшога етказар эди.

Парвоначи Маждиддин Ҳиротда «подшонинг ноиби» бўлиб, давлатда юқори пояга эришди. Аммо сургун қилинган шоир эса халқ севгисининг энг юксак чўққисига кўтарилди. Астробод ҳаёти бирдан байрам тусини олди. Навоийнинг келиш дараги халқни кўзғатиб юборди. Ҳамма кўчаларга отилди. Олимлар, шоирлар билан бирга мингларча халқ оммаси умумий қувонч, 40 тантана билан шоирни қаршилади. Шоирлар қасидалар, мадҳиялар ёзиб, Навоийни олқишладилар. Атрофдан ҳам табрикномалар ёғилди. Туркман султони Яъқуб-

бек шоирга инъомлар юборди. Астрободда Навоий яна халқ билан машғул бўлди. Бу вилоятда илгари ҳокимлик қилган ҳар хил бекларнинг порахўрлик, таловчилликларига хотима берди. Ишларни халқ манфаати ва умумий давлат ташкилотининг мустаҳкамланиши асосида тартибга солишга интилди. Бу замонларда ҳам мамлакатда феодал бошбошдоқлигини, жабрзулмни, қонунсизликни йўқотиб, ўз замонига кўра «мукаммал» давлат ташкилоти яратиб фикри Навоий

10 қалбини яна қаттиқроқ банд қилади. Бунини фақат ақлли, маърифатли, одил подшо орқали юзага чиқариш мумкин, деб ишонганидан, яна Хусайн Бойқарога мурожаат қилишга мажбур бўлади. Гафлатга ботган подшонинг кўзини очишга тиришади. Астрободдан ёзган хатларида сиёсий, ижтимоий ҳаётнинг энг муҳим масалаларидан баҳс этади, давлат ташкилотининг бир неча муҳим томонларини айириб, буларни ислоҳ қилиши йўллари кўрсатади.

Астрободда Навоий ўз ғазалларини тартибга солиш билан шугулланади. Натижада «Хазойинул-маоний» («Фикрлар хазинаси») деган қирқ беш минг мисрадан иборат қалин китоб вужудга келади. Бу ғазаллар китоби кўпроқ «Чор девон» номи билан машҳурдир. Мисралари маълум ададдан ошмайдиган, маълум равишда тузиладиган, умуман, кичик шеърлар ғазал деб аталган. Ғазал эски адабиётнинг юраги эди. Шоир дейилган вақтда кўпчилик «ғазалчи»ни англади. Ғазалда шоир турли фикрларни ифодалаш мумкин. Ғазал ҳаёт ва табиат картиналарини чизишга ҳам имкон беради.

30 Лекин эски адабиётда шоирлар кўпинча ички кечинмаларини, муҳаббатга доир фикр ва ҳисларини ғазалда куйлаганлар.

Навоий энг моҳир, энг гўзал ғазалчидир. Унинг ҳар бир ғазалида фикрнинг гавҳари порлайди, ҳисларнинг олови ёнади. Ишқ! Бу Навоий ғазалларида жўш урган бир дарёдир. У замоннинг ғазалчиларида ранги ўчиб, қони қочган ишқ мавзусига Навоий мингларча хил порлоқ бўёқлар, илиқ нурлар, ҳаётний маънолар беради. Ғазалга қудратли жон бағишлайди. Навоийнинг ғазалларида сўзлар орқасидан севар юракнинг жонли уриб туриши сезилади. Шунинг учун ғазалчиларнинг кўҳна қадрдонлари бўлган «гул-булбул»лар ҳам Навоийда янги маъно ва латофат касб этади:

Минг захм урди ханжари ишқинг бу тан аро.
Бу тинни ҳажр ташлади юз минг тикан аро.

Булбул не куймасунки бир ўт ёқти қасдиға,
Ҳар оташин гул ушбу вафосиз чаман аро.

Қўрдунг Навоний, ул сари зулф узра юз шикан,
Қўр эмди юз шикаста кўнгул ҳар шикан аро.

Навонийда ёр қайғуси, ундан ошқининг ўпкаланишлари, шикоят ва надоматлари жуда самимий, жонга яқин ифодалар топади.

Ўлгумдурур чу фурқат ила иштиқдин,
Кел, қутқар эй ажал, мени ушбу фироқдин.

Сен май пчасен эл била, ул ғамза қоп қилур,
Мен қон ютиб, назора қилурмен йироқдин.

Мутриб била не кўнгли очилсун Навонийнинг
Ким, мен фироқдин десам, ул дер ироқдин.

Навоний кўпинча шеърининг «ич тили» билан сўзлашганга интилади. Чуқур кечинмаларни, нозик кайфиятларни содда сўзлар, содда тасвирлар билан ёрқин, ғоят таъсирчан куйлайди. Мана, узоқдаги ёрни соғинган, бутун борлиги, кўнгли ёр хаёлига ғарқ бўлган ошнқ қандай содда, самимий сўзлайди:

Баҳор бўлдию майли гул қилмади кўнглум,
Очилди ғунчаю лекин очилмади кўнглум.

Юзунг хаёли ила вола эрдим андоқким,
Баҳор келгани кетгани билмади кўнглум.

Навоний ўз газалларида баъзан бир неча чизнқ билан жуда жонли картиналар яратди:

Ўтган кеча мен эрдиму ул сийм тан эрди,
Гулшан тўрида масканимиз бир чаман эрди.

Гулбун аро икки кишига сиққуча манзил,
Булбул ила гулдек иккимизга ватан эрди.

Лола киби ёқут қадаҳ — йўқ тубида дурд³
Бир шиша май андоқки ақиқий Яман эрди.

Бу парчада ҳар сўз, ҳар чизнқ, ҳар деталь ҳаёт билан нафас олади. Гўё шоир «ўтган кечадаги» бахт-

³ Дурда — қуйқа.

ли дақиқаларнинг ҳали ҳам юракни лим тўлдирган
нашъа ва хотираларини сўзларга қуйгандай, жонли ва
тоза...

Навойнинг ғазаллари катта мусиқиликка эга.
Уларни ўқиркан, хаёлни кўпинча садоларнинг сеҳрли
оҳанги қучиб кетади. Бу жуда табиий. Навоий араб-
форс шеърига хос бўлган вазни ўз она тилига қулай
бўйсундирди. Сўз танлашдаги усталик, сараланган қо-
фиялар шеърнинг мусиқисини жаранг, тўлғин оҳанги-
ни яна ҳам авжга миндирган. Навоийнинг бир кўп ғаз-
заллари ўз замонида, ундан кейин ҳам халқ орасида
севиладиган ашулаларга айланиб кетган. Мана бу ғаз-
залда жўшқин ҳислар гўё мусиқида ифодалангандек
туюлади:

Очмағай эрдинг жамоли оламоро кошки,
Солмағай эрдинг бори оламға ғавғо кошки.

Чун жамолинг жилван оламға солди руста хез,
Қилмағай эрди кўзим они тамошо кошки.

20 Бўлмағай эрди кўзум ўтлук юзинг кўрган замон
Ишқинг ўти шўъласи кўнглумда пайдо кошки.

Айлагач ишқинг балоси зор кўнглумни ҳазин,
Қилмағай эрдинг мени маҳзунға парво кошки.

Тушмағай эрди фирибомиз лутфунг билмайин
Нотавон кўнглумға васлингдан таманно кошки.

Лутф ила кўнглумни васлингдин таъмакор айлабон
Қилмағай эрдинг яна зулм ошқоро кошки.

Бевафолиғ айлагач ишқингни кўнглум тарк этиб,
Қилмағай эрди ўзин оламда расво кошки.

30 Эмди ким, девонаю расвойи олам бўлмишам,
Васл чун мумкин йўқ, ўлтурғай бу савдо кошки.

Эй Навоий, бевафодур ёр бас, не фойда,
Неча ким десанг агар ёхуд магар ё кошки!

Бу ғазал ёзилиши биланоқ бутун Ҳиротга тарқа-
либ, ҳар ерда севилиб ўқилганлиги, Жомий форс тили-
да бу ғазалга ўхшатма ёзганлиги маълум. У замоннинг
кўп шоирлари Навоий ғазалларидан илҳомланганлар,
Фарғона, Хива хонликлари замонидаги кўп шоирлар.
Яқинда ўтган Муқимий, Фурқатлар ғазалчиликда
Навоийдан кўп нарса ўрганганлар, ҳатто унга эргаш-
ганлар.

Навоий ўз ғазалларида муҳаббатдан ташқари фалсафий қарашларини, сиёсий, ижтимоий, ахлоқий фикрларини ҳам тараннум қилиб, ғазалнинг мазмун доирасини жуда кенгайтирган.

Навоий ўз она тилида мазмуни қуюқ, салмоқдор, шакли, ишланшини порлоқ ғазаллар яратиб, энг донгдор шоирларга — ғазалнинг моҳир устодларига кўлка соладиган бир юксакликка эришди. Ғазаллар ҳақида сўзни шоирнинг ўзига берайлик:

Ғазалда уч киши тавридуру ул навъ
Ки андин яхши йўқ назм эҳтимоли. 10
Бири мўъжизбаёнлик соҳири Ҳинд,
Ки ишқ аҳлини ўртар сўзи ҳоли.
Бири Ийсонафаслик ринди Шероз,
Фано дайрида масту лоуболи
Биридур қуде асарлик орифи жом,
Ки жоми Жамдурур сингон сафоли.
Навоий назмига боқсанг, эмастур
Бу учнинг ҳолидин ҳар байти холи. 20
Жаҳон кўзгу дурурким акс солмиш
Анга уч шўҳи маҳвашнинг жамоли.

Демак, сургунда ҳам шоир халқ учун баракали, фэйзли ишлар билан шуғулланди. Лекин Ҳирот каби маданий ўчоқдан, ўз ғайрати ва ҳиммати билан гуллата бошлаган илм. санъатлар оламидан, ёр-дўстларидан узоқда яшаш мажбурияти шоирга, табиий, катта таъсир қилган эди. Бу замонга оид бир латифа бор: бир кун Астрободда ҳаво бир неча марта ўзгарибди. Алишер Навоий бу шаҳарнинг катталаридан баъзиларини кўриб, бу кун ҳавода қизиқ ўзгаришлар бўлганини айтибди. Улардан бири шундай жавоб берибди: «Шаҳримизнинг яхшиликларидан бири шуки, бунда бир кунда тўрт фаслнинг ҳавоси зоҳир бўлади». Навоий шу онда унга дейди: «Тўғри, бу шаҳарда бир кун бир йил бараварида ўтар экан!» Бу гўзал ва ингичка жавобда шоирнинг Астрободдаги кайфияти ҳам ифодаланмайдими? 30

Бир йиллардан кейин Навоий Ҳиротга қайтди. Ўз ўрнига бошқа одамни тайинлашни, унга Ҳиротда қолишга ижозат беришни подшодан сўради. Бу вақтларда Ҳиротда аҳвол шундай эди: Навоийнинг тарафдорлари вазифаларидан бўшатишган, шаҳардан қувилган. 40
Ҳазинага маблағ тўплаш баҳонаси билан солиқлар ҳаддан ташқари оширилган. Маждиддин тарафдорлари мамлакатда ўзлари хон, ўзлари бек. Халқдан шилинган

маблағларнинг кўп қисмини Маждиддин ўз киссасига уриб, ақлга снғмас зиёфатлар беради, ҳовузларни май билан тўлдиради. Мана бу «ишбошилар» Навойнинг Ҳиротда қолишини эшитгилари ҳам келмади. Иккинчи кун пойтахтдан чиқиб кетишни буюришди. Навоий яна Астрободга қайтишга мажбур бўлди.

- Бу аснода сарой доираларидаги разил гуруҳлар Навоийнинг ҳаётига қасд қиладилар. Султоннинг баковулдини — ошпаздини қўлга олиб, шоирга заҳарланган таом беришни буюрадилар. Бироқ бу машъум ният, афтидан, Навоийнинг сезгирлиги натижасида бўлса керак, амалга ошмай қолади. Астрободдан Ҳиротга расмий иш билан келган Ҳайдар — Алишернинг тоғаваччаси бу жиноятни Султоннинг қулоғига етказди. Ҳайдар юрагида кири йўқ, беғубор йиғит эди. Ўзи шоир бўлиб, «Сабуҳий» тахаллус қўллар эди, ҳарбий истеъдодга ҳам эга эди. Ҳайдар, Алишер Навоий зимдан тайёрланган жиноятни пайқаб, ўз ҳаётининг таҳлика остида қолгани учун зўр ташвишда эканини, бу вазиятдан қутулниш учун бирон чора излаётганини, энди ҳар нарсага шак-шубҳа билан қараётганини айтиб беради.

- Бурун Султон бу жиноятдан хабардор бўлганмиди, йўқмиди буниси равшан эмас. Аммо, шу нарса муҳаққақки, Ҳайдарнинг сўзидан кейин подшо типирчилаб қолган. У дарров хат ёзиб, Астрободга чопар юборади. Хатда, бундай гаплардан тамом хабарсизлигини, унинг ҳаётига қасд этиш ҳеч вақт хотирига келмаганини билдирди. Бу шов-шувни бир ёқли қилиш учун Навоий Ҳиротга қайтди. Бу гал Астробод ҳокимлиги вазифасидан бўшаб, пойтахтда қолишга муваффақ бўлди. Энди шоир ҳамма расмий вазифалардан воз кечди. Кўпдан буён интилган орзуси ҳам шу эди. Навоий энг севиклишига — ижодиётга берилди. Аммо, унинг душманлари яна ифлос қуролларини йиғиштирмадилар. Хуросон кўкидаги ёрқин юлдузни сўндиришдан ожиз қолган чиркин булутлар яна унинг теварагида қуюқлашди... Чунки, золимлар қанча кучли бўлмасинлар, Навоий бор жойда эркин нафас ололмасдилар.

- Давлатнинг тизгинини қўлда тутган Маждиддин, ҳар 40 эҳтимолга қарши, ўзи учун янги таянчлар қидирди ва фитначи вазир Низомулмулк билан алоқани яхшилади, ундан ҳеч бир ишда ўзига қарши чиқмасликка сўз олди.

Навоийнинг Дарвиш Али деган туғишган укаси бор эди. У шаҳзодалардан Иброҳим Ҳусайн номидан Балх шаҳрида ҳоким эди. Дарвиш Али ўз акасининг — Навоийнинг оғир вазиятини кўз олдига келтирди. Агар иш шундай кета берса, Мажиддин ва унинг тарафдорлари бир кун менинг ҳам тегимга сув қуйишлари аниқ, деб ўйлади-да, исён кўтарди ва Абу Саид мирзонинг ўғли Султон Маҳмуд билан алоқа боғлади. Бу исён қаршисида Султон Ҳусайн Мажиддинни ишдан четлаштириш лозим кўрди. Лекин уни шоҳона лутфикорлик билан бўшатди. Мажиддинга ҳар ойга 50 минг сўм маош тайин қилди. Бу жуда катта пул эди.

Дарвиш Алининг исёни Мажиддин ва бошқалар учун катта дастак бўлди. Улар подшога чақимчилик қилиб: «Агарда бу ишларда Алишернинг қўли бўлмаса эди, Дарвиш Али бундай хиёнатга ботина олмас эди!»— дея бошладилар. Подшо энди Навоийдан гумонсирай бошлади. Бу қуруқ тухматдан Навоий жуда хафа бўлади.

Подшо Дарвиш Алини тутиб келтириш учун аввал Хўжа Ғиёсиддин Деҳдорни Балхга юборди. Кейин ўзи ҳам қўшин билан йўлга чиқиб, Навоийни ҳам бирга олиб кетди. Хўжа Ғиёсиддин Деҳдор Балхга етиб келиб, исённинг оқибати ёмон бўлишини Дарвиш Алига тушунтирди ва уни подшо олдига бориб таслим бўлишга кўндирди-да, ўзи билан бирга олиб, йўлга чиқди. Мурғоб наҳри ёқасида Хўжа Ғиёсиддин Деҳдор подшонинг қароргоҳига келиб, «Китобдор — ожиз қул»ни келтираётганини, лекин уни занжирбанд қилиш учун йўлда бўғов топа олмаганини билдирди ва кишан талаб қилди. Ҳусайн Бойқаро суюнди. Ўз оёғи билан келган ожиз қулни афв этди. Кейин Балхга бориб: қишни ўша ерда ўтказди. Баҳор келиши билан Султон Маҳмудга қарши сафарга отланаркан. Навоийни Балхда қолдирди ва Дарвиш Алини қамоққа олишни буюрди. Шонр, чор-ночор, ўз укасини ўз қўли билан қамашга мажбур бўлди. Бу нарса шонрни қаттиқ хўрлаш эди.

Бу вақтларда Мажиддиннинг хиёнатлари, таловчиликлари бирин-кетин очила бошлади. Ҳусайн Бойқаронинг унга бўлган эътимоди озайди. Низомулмулк энди унга қарши фитна қўзғай бошлади. Мажиддин ўз дўстлари бўлган Барлос бекларининг кўмаги билан сувдан қуруқ чиқишга астойдил интилди. Подшога катта маб-

лағлар совға қилди. Аммо қайта бошдан шоҳнинг илти-
фотини жалб этолмади. Ниҳоят қамалди. Унинг хусусий
мол-мулкини текширдилар. Мол-мулкнинг, қиммат-
баҳо буюмларнинг, олтин-кумушларнинг миқдори та-
саввурга сиғмас даражада мўл топилдики, ҳатто под-
шонинг ўзи ҳам бу бойликка таажжубланди. Давлат
хазинасини роса ўпирган экан бу муртад парвоначи!

* *
*

10 Энди вазир Низомулмулкка келсак, бу кўп жиҳат-
дан Мажиддинга ўхшайдиган одам. Шунинг учун
мамлакатда тартиб ва осойишталик барқарор бўлмади.
Аксинча, подшо хонадоннда катта зиддиятлар рўй бер-
ди. Мамлакат тўхтовсиз қўзғолон, бош-бошдоқлик май-
донига айланди. Навоий ҳаётига ҳам алоқадор бўлган
бу воқеаларни айтиб ўттишга тўғри келади.

Подшо хонадоннда тўполон шундай бошланди:
Хусайн Бойқаронинг ўғиллари кўп эди. Улар подшонинг
турли хотинларидан туғилган эди. Энг каттаси шаҳзо-
20 да Баднуззамон мирзо эди. У вақтларда кўпинча айрим
шаҳар ва вилоятларнинг идораси шаҳзодалар ихтиёри-
га топшириларди. Баднуззамон Астрободда эди. Кейин-
чалик подшо Баднуззамонни Балх ҳокими этиб тайин-
лади. Баднуззамон ўзининг ёшгина ўғли Муҳаммад
Мўминни Астрободда қолдириб, янги вилоятга келди.
У Астрободни ўз ўғлига олиб бериш умидида эди. Ле-
кин подшо бу шаҳарни Муҳаммад Мўминга эмас, бал-
ки ўзининг севикли ўғли Музаффар Хусайнга топширди.
Музаффар Хусайн подшонинг Ҳадичабегим деган хоти-
30 ндан туғилган бўлиб, Баднуззамонга ўғай ука эди.
Баднуззамон ўз истагига эриша олмади. Шу сабабдан
ота билан ўғил орасига — подшо билан Баднуззамон
орасига совуқлик тушди. Баднуззамон Астрободга
Музаффар Хусайн келса шаҳарга киритмасликни, қар-
шилик кўрсатишни ўғлига буюрди. Вазият жуда оғир-
лашди.

Баднуззамонга насихат қилиш, уни итоатга келти-
рини мақсадида подшо Алишер Навоийни 1497 йилда
Балхга юборди. Мамлакат учун тартиб, халқ учун осо-
40 йишталикни зарур, деб ҳисоблаган Навоий воситачилик
қилишни қабул қилди. Лекин унинг уринишидан сира

фойда чиқмади. Чунки, Ҳусайн Бойқаро, бир томондан, Навоийни вакил сифатида юбориб, иккинчи томондан, Бадруззамон овдан қайтган пайтда уни Балхга киргизмай қўлга тушириш ҳақида яширин фармон беради. Бу фармон, қандай йўл биландир, Бадруззамоннинг қўлига келиб тушади. Энди масалани тинчлик билан ҳал қилишга имкон қолмайди. Навоий Ҳиротга қайтишга мажбур бўлади. Шу орада Бадруззамон ўз отасига қарши уруш очади. Жангда Ҳусайн Бойқаро енгади. Бу вақтда Музаффар Ҳусайн ўзига берилган Астрободга юриш қилади. Аммо Муҳаммад Мўмин отасининг буйруғига мувофиқ, амакисига шаҳарни топширмайди. Уртада рўй берган тўқинишда у асир тушади-да, Ҳиротга юборилиб, Ихтиёриддин қалъасига қамалади. Шу вақтда подшо Мурғоб наҳри бўйидаги қароргоҳида эди. Бир кеча кўп ичиб, қаттиқ маст бўлганида, вазир Низомулмулк ва унинг икки ўғли кенгаши билан Ҳадичабегим (Музаффар Ҳусайннинг онаси — подшонинг севакли хотини) эрини алдаб набираси Муҳаммад Мўминни ўлдирини тўғрисида фармон олади ва уни тезда бажариш учун Ҳиротга жўнатади. Эрталаб подшо ҳушёрланиб мастликда берган фармонни бекор қилади, Ҳиротга чопар юборади. Бироқ чопар Ҳирот дарвозаларидан кирганда ёш шаҳзода Муҳаммад Мўминнинг ўлиги устидан чиқади. Навоий Машҳаддан қайтаркан, бу воқеани эшитиб, жуда хафа бўлади. Бунин Навоий, теурийлар ҳокимиятининг яқин ҳалокатига аломат, деб ҳисоблайди. Подшонинг бу ҳаракатидан халқ ҳам жуда норози бўлган. Шоирлар подшони қоралаб шеърлар ёзганлар.

Уз қилмишидан пушаймон бўлган Ҳусайн Бойқаро бутун аламини Низомулмулк ва унинг ўғилларидан олди. Зиндонда Низомулмулкнинг кўзи олдида унинг икки ўғлининг бошини кестирди. Низомулмулкнинг ўзини эса ташқарига олиб чиқиб, ҳамманинг кўзида остириб, терисини шилдирди.

Аввалги гиналарга энди ўғлининг қасосини қўйиб, Бадруззамон отага қарши курашни кучайтирди. Гўё бундан ибрат олгандек, бошқа ўғиллар ҳам шаҳар, вилоят талашиб, отага қарши исён кўтара бердилар. Кекса ота гоҳ у ўғлига, гоҳ бу ўғлига қарши сафардан сафарга югурди. Бир ёнгинини сўндирса, иккинчиси, учинчиси ловиллаб ёнди. Ота билан ўғиллар, ака-ука-

лар орасидаги бемаъни уруш-талашларнинг охири кўринмас эди. Мамлакатда тартиб, халқ ҳаётида, вақтинча бўлсин бир осойишталик қолмади. Давлат парчаланиб, бурдаланиб кетмоқда эди. Навоий энг ёмон кўрган, ҳаётида ва асарларида бутун нафрати билан қораланган ва қарғаган воқеалар авж олиб кетди. Шоир ғазабланади, қайғуради. Юртининг, халқнинг ҳолига йиғлайди. Ниҳоят, тоқати тоқ бўлиб, бутун самимияти билан севган ва гуллашини, мустаҳкамланишини ўз умрининг ягона ғояси деб билган бу мамлакатни тарк этиб, ўзга ерларга бош олиб кетишга жазм қилади. 1498 йилда Машҳадга келиб, Султонга ҳам бу хусусда хат ёзади. Лекин унинг дўстлари, мамлакат учун чинакам қайгурган одамлар бу ишга рози бўлмайдилар. Улар, агар сиз кетсангиз, мамлакат тамом ҳалок бўлади, ҳали ҳам бутун гайратингиз ва истеъдодингизни сафарбар қилиб, юртда тинчлик ўрнатишга ҳаракат қилишингиз лозим, деб ватанини тарк этмаслигини ўтинадилар. Ватан ва халқ учун Навоий қароридан воз кечади.

20

* *
*

Алишер Навоий ҳақида ёзган баъзи бир эски муҳаррирлар шоирнинг ҳаётини, сиймосини янглиш кўрсатганлар. Уларнинг фикрича, шоир ҳаётдан «этак силккан», хилватда дарвишона яшаган ҳақиқий бир сўфидир. Бу тўғрида муллалар яна ҳам илгари кетиб, Навоийни «авлиёнамо бир зот» деб тушунтирганлар. Табиий, улар улуғ шоирга ўз синфи нуқтан назарлари, орзу ва майллари билан яқинлашиб, уни халққа «ўзларники» қилиб кўрсатишга интиланганлар. Навоийнинг замонини, ҳаётини, қилган ишларини, асарларини яхшилаб текширилгандан кейин, эски муҳаррирларнинг, муллаларнинг англашлари, тўғриси, англанишлари бутунлай пуч, уйдирма гаплар эканлиги яққол кўринади.

Биз Навоийнинг бошидан ўтган бир кўп воқеаларни ёздик, қўшиб-чатганимиз йўқ. Биз келтирган фактларни Навоийни яқиндан билган, таниган ва ҳатто у билан кўпинча ҳамсуҳбат бўлган замондошлари ўз асарларида ёзиб қолдирганлар. Бу фактлар кўрсатадики, шоир, хонақоҳгами, тақягами, ҳужрагами тиқилиб олиб, «кароматфурушлик» қилувчи дарвишлардан, сўфилар-

40

дан бўлган эмас. Навоий замонда шундақа шайхлар, «авлиё»лар кўп бўлган. Шоир уларни жуда ёмон кўрган, ўз асарларида уларни қаттиқ масхара қилади. уларнинг «кароматлари»ни «бемаъни хаёл», «васваса», деб тушунтиради. У, шайхлар халқни талайдилар, улар зоҳиран фариштадай бўлиб кўринсалар ҳам, ичларида шайтон жўш уради, дунёда улардай ёмон одам йўқ, деб баланд овоз билан қичқириб, уларни шармандан шармисор қилади.

Навоий «хирқапўшлик»дан жуда-жуда узоқдир. 10 Шоирнинг ҳаёти шу дунёнинг мазмуни билан, кураш билан тўла жўшқин ҳаётдир. У, халқнинг шу дунёда бахтли, маданиятли, шод-хуррам бўлишини орзу қилди. У, одамлар орасида дўстлик, вафодорлик, қаҳрамонлик ватанпарварлик каби энг яхши хислатларнинг чуқур томир ёйишини истади. Асарларида шу хислатларни мақтади, шуларга интилишга одамларни чақирди. Инсонпарвар Навоий «минг йиллик тоат-ибодатга қараганда, халққа фойдали бўлган бир соатликкина иш яхши» дегувчи олижаноб, олиҳиммат инсонлардан эди. 20 У одамларга яхшилик қилишни ҳамма нарсадан юқори деб билар эди. Шоир ўз ҳаётида шу хислатнинг ёрқин тимсоли бўлишга тиришди. Асарларида ҳам шуни такрор-такрор кўйлаб, ўқувчиларнинг юрагига, қонига сингдиришга ҳаракат қилди. Халқ орасида шоир ҳақида оғиздан-оғизга нақл этилиб юрган бир афсона ҳам нақ шу фикрни гавдалантиради: бир ўспирин йиғит мардикорчилик билан кун кечираркан. У юрган йўлида жанжал-суронларни бостириб, аҳволи танг одамларга ёрдамлашар, юк кўтарган қариларнинг қўлтигига кирар, 30 балчиққа ботган араваларни суриб чиқариб берар экан. Шунинг учун Алишер Навоий уни жуда ҳурматлар, йўлиқганда ундан олдин салом бераркан. Йиғит Алишернинг ҳурматига ҳайрон қолибди. «Мен, эрта-кеч ёқавайрон юрсам, умримда намоз ўқимасам, рўза тутмасам, хўш, нега менни Алишер ҳурмат қилади? Бу юришдан фойда йўқ. Ўзимни тузатишим керак. Унда Алишер яна кўпроқ яхши кўради мени»,— дебди ва пирга қўл берибди, тақводор бўлибди, эрта-кеч жиловхонада ўтириб, тоат-ибодат билан шуғулланибди. 40

Бир кун Алишер бир киши билан гаплашиб, жиловхона олдидан ўтибди. Йиғит ўрнидан туриб, таъзим билан салом берибди. Бироқ Алишер унинг саломига жа-

воб бериш эмас, ҳатто, афтига ҳам қарамабди. Ўнгит
ичида «мени яхши пайқамадилар шекилли» деб ўз-ўзи-
га тасалли берибди. Орадан уч-тўрт кун ўтар-ўтмас
Алишер яна шу ерда кўринибди. Ўнгит яна ўрнидан
туриб, таъзим билан салом берибди. Бу гал ҳам Али-
шер индамай ўтиб кетибди. Ўнгит дарров югуриб, Али-
шерни тўхтатиб дебди: «Тақсир, мен пешанам саждага
тегмай, бақириб-чақириб юрганымда салом берар эдинг-
10 ғиз. Энди яхши одам бўлдим, эрта-кеч тоат-ибодат би-
лан машғулман. Хўш, нега саломимга жавоб қайтар-
майсиз? Сабаби нима?» Алишер ўнгитга шундай жавоб
берибди: «Сен ўша вақтларда халққа фойда етказар
эдинг. Энди бўлса эрталабки нонуштаг билан, кеч-
қурунги овқатнинг гамида, бутун кун жиловхонада халқ-
қа кўз тикиб ўтирасан. Одамларнинг устига юк бўлиб
олдинг. Сенинг саломингга жавоб қайтариб бўлмайди!»

Навонийнинг хусусий ҳаёти ҳам ҳеч бир жиҳатдан
«сўфиёна» эмас. Бу ҳаёт, «худонинг ишқи учун» бу
оламнинг завқларини, лаззатларини, неъматларини,
20 қувончларини «гуноҳ» деб эълон қилувчи, ҳаётнинг гу-
лини эмас, кулини қучишни талқин ва ташвиқ этувчи
дарвишларнинг таассубидан, муллаларнинг бемаъни,
қуруқ тақводорлигидан озод бир ҳаёт эди. Навоний
ҳақиқий ҳаётнинг рангини, нурини, гўзалликларини,
қувончларини, курашини, меҳнатини, оромини севган
ҳаётбахш, ҳаётпарвар шоир эди. Навоний мусиқи чалар-
ди, мажлисларида кўпинча энг уста чолгувчилар, ҳофиз-
лар бўларди. Навоний расм чизарди, рассомлик, ҳай-
30 калтарошлик санъатларини ривожлантиришга тир-
шарди, шатранж ўйнарди, май ҳам ичарди. Бу нарсалар
ислом нуқтаи назаридан «бидъат» эмасмиди? Қани
тақводорлик, қани сўфилик! Навонийнинг аксар ғазал-
ларида киноявий маънодан озод, жонли, тўлақонли
ишқ, чуқур ҳаётий бўлган туйгуларнинг илқ тўлқинла-
ри тараннум этилади:

Не хуш бўлғай иковлон маст бўлсақ васл боғинда,
Қўлим бўлса анинг бўйишдаю оғзим қулогинда.

Ғаҳи беҳудлуғумдин сесканиб тутсам адаб расми,
Белига чирмашурда шавқнинг ифроти чоғинда.

40 Не келса тонгла келсун, бир тун усрук етса ҳам хуштур,
Киши гул чоғи бир гул хирманин тортиб қучоғинда.

Бу мисраларда сўфиёна — дарвишона сезги ва кечин-маларнинг изи ҳам йўқ. Шонрнинг ҳаётга бўлган меҳр-муҳаббати ўлчовсиз чуқур ва мазмундор эди:

Хушдурур боги коннот гули, барчадин яхшироқ ҳаёт гули!

Навоний ўзининг баланд мавқега, катта бойлигига қарамай, ҳеч вақт ошиб-тошмаган. бойликка бини қўймаган. Қўлига нима тушса, мулкидан қанча даромад келса, ҳаммасини халқ фойдасига, илм-санъатни ривожлантиришга сарф қилган. Бу, албатта, дарвишлик эмас. 10 Бу инсонни комилнинг ишидир, юксак инсоний ахлоқ тимсолидир.

Ҳақиқатан Навоний буюк, ажойиб бир қалб эгаси эди. Шонрнинг асарларидагина эмас, бутун қилмишларида, бир томчида қуёш акс этгани каби, унинг қалби акс этади. Хондамирнинг китобидаги ҳикоялар шоян ҳайратдир. Бир мисол: бир вақт Навонийга Марвда қишлошга тўғри келади. Унга махсус чодир қуриб берадилар. Бу чодирга бир мусича кириб-чиқиб юради, ҳеч ким унга озор етказмайди. Ниҳоят, баҳор фаслида бу мусича чодирнинг ичига, ўзи учун ўнгай бир жойни топиб, уя ясайди. Тухум ҳам қўяди. Шу вақтларда подшо Ҳиротга кўчинга қарор қилади. Чодир йиғиштирилиши. Навоний ҳам кетгани керак. Мусича эса бепарво, тухумини босиб ётибди. «Қушга озор бермаслик учун нима қилиши керак?» — ўйлайди шонр. Кейин Хожа Ҳасан деган кишини чақиради, унга то мусича бола очиб, болаларини ўстириб, уларни учирма қилиб олиб кетмагунча, бу чодирни бузмасликни, мусичага ҳам, чодирга ҳам қоровуллик қилишини буюради. Хожа Ҳасаннинг бу хизмати учун ҳақ тўлашни ваъда қилади. Сўнг Хожа Ҳасан буни шонр истагандек бажаради. 30

* *
*

Шаҳзодаларнинг қўзғолонларини ҳеч қандай куч, на-сиҳат, мурасасозлик билан бартараф қилиб бўлмас эди. Баъзан бир неча вилоятда бир неча ўғил бир вақтда қўзғалар эди. Қарилкдан букчайиб, футурдан кетган ота бундай вақтларда катта мушкilot қаршиида қолар, қуролини қай томонга ўқталишини билмас эди. 40 Тўнгич ўғил Бадиуззамон узлуксиз исёнлар, қонли

урушларда куч орттириб, ниҳоят, пойтахт дарвозаларига қадар қўшин тортиб келадиган бўлди. Ҳусайн Бойқаро уни қурол кучи билан енгиндан ожиз қолиб, бир қанча вилоятларни беришга мажбур бўлди. Баднуззамон ўзинга теккан вилоятларда қарийб подшо эди. Хутбаларда отаси билан бир қаторда унинг номи ҳам ёдлана бошлади. Ҳўн, Баднуззамон эришган бу галабага нега бошқалар уринмасин! Ун тўрт ўғилнинг ҳаммаси ҳам тож-тахт даъвосида ҳуқуқлидир. Ога-шинлар бир-бирларидан ўзмоқ, бир-бирларидан кучаймоқ истайдилар. 1500 йилнинг ёзида шаҳзода Муҳаммад Ҳусайн яна қайтадан бош кўтарди. Ҳусайн Бойқаро пойтахтни Алишер Навоий билан амир Муборизиддинга топшириб, ўглига қарши Астрободга ланкар тортиб борди. Бу гал уруш енгил-елли ўтди. Ота-ўғил ярашишган эди. 28 декабрь, душанба кун бу сафардан подшонинг қайтаётгани тўғрисида хабар келди. Таомилга кўра, подшо пойтахтга қайтганда унинг яқинлари, ҳар хил улуглар уни шаҳардан ташқарида кутиб олишлари керак эди.

20 Навоий расмий вазифаларни кўпдан буён йиғиштирган. Лекин 60 ёшли қари шоир ҳам бундай маросимларда нитирок этиши керак эди. Кейинги йилларнинг галвалари, оғир мусибатлар, донмиёйиши орқасида шоирнинг тинкаси қуриган эди. Шоир қобиргалари саналадиган даражада озган, ништаҳасиз, кечаси тинч ухлай олмайдиган, ҳассасиз юролмайдиган, одамларнинг ёрдамсиз отга минолмайдиган бир ҳолга тушиб қолган эди. Лекин ундан атиги икки ёш катта бўлган Ҳусайн Бойқаро яна кўпроқ занф эди. У отга минолмаганидан, «тахти равон»да юрар эди.

Қари подшо билан қари шоир, орада ўтган бир кўн мухалифотларга, зиддиятларга, гоҳ кескин, гоҳ юмшоқ гинжоятларга қарамай, ҳали ҳам дўст эдилар. Шоир ундан вақтида марҳамат ҳам кўрди, вақт бўлдики, бошига ундан кулфаглар ёғилди. Подшонинг табиатида отабободарининг баъзи ярамас одатлари, анъаналари чуқур ўрнашган эди. Яна, атрофини, то тахтга чиққандан буён, ахлоқсиз, фитначи бир гуруҳ одамлар қуришди, уни яхшиликка эмас, ёмонликка ундаб келар эди. Навоий подшонинг бутун зафликларини билар эди. Лекин бошқа иложи йўқ эди. Орзу қилган, энг одил, энг маърифатчи подшони қайдан топсин! Мамлакатда сиёсий танглик авж олган бир даврда давлат бутунлиги, бир-



Ойбек ўгли Омон билан. Москва, 1947 йил.

лиги нуқтаи назаридан, яна қари Бойқаронинг томони-
ни олишдан бошқа чора топиш шоир учун имконсиз
каби кўринар эди.

Салтанатининг иккинчи ярмида маънан пасайган,
фитна-фасодчиларнинг таъсирига ботган подшо эса ўз
тож-давлати учун энг оғир пайтларда донишманд шоир
кўрсатган хизматларнинг халқ учун ва мамлакатнинг
равнақи учун у бажарган катта ишларнинг бутун маъ-
носини чуқур англашдан ожиз бўлса ҳам, лекин уларни
10 инкор ҳам қилолмасди. Ўртада аввалги ишонч, аввал-
ги садоқат ва самимият йўқ, лекин узиллиш ҳам йўқ
эди.

Иккинчи кун бир гуруҳ ҳоким ва мансабдорлар би-
лан бирга Алишер Навоий ҳам Ҳиротдан чиқди. 31 де-
кабрь, пайшанба кун эрта билан ҳамма «Муҳаммад
Валибек» деган манзилда подшога мунтазир туришар-
кан, шоир аллақандай занфлик, бетоблик сезади. Дар-
ров Хожа Шаҳобиддин Убайдулло деган кишини чақи-
ради: «Мендан беҳабар бўлманг, аҳволим яхши
20 эмас»,— дейди. Шу вақтда подшонинг араваси яқин
кела бошлади. Навоий у билан кўришиш учун отдан
тушади. Бироқ олдинга юриб боролмайди. Хожа Ша-
ҳобиддин ва Жалолиддин Хондамир дарҳол кексани
қўлтиқладилар. Шоир подшога базўр яқинлашиб, ҳол-
аҳвол сўрашди. Аммо шу онда ҳушидан кетиб йиқила
ёзди. Подшонинг одатда шундай тантанали мулоқот-
ларда айтадиган сўзларига жавоб бера олмади. Бу
касал — сакта, яъни кишида ҳис ва ҳаракатга қобилият-
нинг йўқотадиган хасталик экани англашилди. Навоий
30 сўзлашдан, ҳаракатдан ожиз эди. Хастани аравага ёт-
қиздилар. Бу ерда бўлган табиблар бир-бирлари билан
баҳслашдилар, баъзи табиблар касални шу ерда шифо-
лаб, тузалгандан кейин Ҳиротга олиб боришни, бошқа-
лари эса тўппа-тўғри пойтахтга элиб, табибларни йи-
ғиб, кенгашиб, шунга қараб даволашни маъқул кўрди-
лар. Машҳур табиб Абдулхай ҳам шу фикрни илгарин
сўрди. Хастани Ҳиротга олиб жўнадилар. Йўлда унинг
ҳоли оғирлашди. Шоирни ўз отасидай севган, ундан кўп
яхшиликлар кўрган ёш тарихчи Хондамир қаттиқ хафа
40 бўлади. У касалнинг таҳликали эканлиги, ҳозир қон
олиш кераклигини сўзлаб, кишиларни кўндиради. Бу
хусусда подшодан рўхсат олиш учун қароргоҳга киши
юборилади. Султон ўз розилигини билдиради. Аммо

рухсат олиб ва жарроҳ топиб келингунча, орадан хийла вақт ўтади. Шоирнинг томирига ништар урилганда, атиги беш-олти томчи қон томчилайди. Шу вақтдан бошлаб касаллик борган сари оғирлашаверди. Жума кун кечаси шоир пойтахтга, ўз уйига келтирилди. Эрта билан шаҳарнинг энг яхши табиблари йиғилишди. Булар ҳам қон олишни лозим топишди. Яна қон олинди. Лекин бундан ҳеч натижа чиқмади. Шоирнинг бошида тўпланган табиблар бошқа муолижа йўлларини, ҳар нав дориларни қўллаб, даволашга тиришдилар. Лекин 10 хаста соат сайин орқага кетди. Ҳижрий 906 йил 11 жумодил охирда — мелодий 1501 йил 3 январда тонг чоғи Алишер Навоий вафот этди.

Қуёш чиқмасданоқ бу аламни, оғир хабар бутун Ҳиротга тарқалди. Катта тўйлар, катта аза-мотамларини кўп кўрган Ҳирот ҳеч вақт бу кунгидай ҳаяжонланган эмасди. Улуғ шоирдан, самимий дўстидан, ҳомийсидан мангу айрилган халқнинг фарёди фазони қопладди. Қарилар, ёшлар, хотин-халажлар, болалар — ҳамманинг кўксин аччиқ, бениҳоят аламга тўлди, кўзларда ёш 20 булоқдай қайнайди. Халқнинг мотамига шерик бўлгандай кўкка тошган булутлар ҳам кўз ёшларини юм-юм тўкди. Шоирнинг қариндошлари, яқинлари, дўстлари тин қора кийиндилар. Шоирнинг жасади халқнинг фарёди остида масжиди Жомеънинг ёнида илгаридан махсус қурилиб қўйилган гумбаз ичига кўмилди. Олимлар, шоирлар ва мамлакат улуғларидан бир гуруҳи шоирнинг қабри устида тунадилар. Эртаси Ҳусайн марҳум шоирнинг уйида аза очди. Ҳиротнинг барча мачит ва жомеларида мингларча халқ тўпланиб, шоирга мотам 30 тутди. Ўлимининг еттинчи кунин «Ҳавзи моҳиён» деган катта далада «етти» қилинди. Бунга бутун Ҳирот қатнашди. Таомлар тортилди. Кейин шоирлар, олимлар Алишер Навоийга бағишланган шеърларини, марсияларини, «таърих»ларини ўқидилар, шоирнинг фазилатларидан сўзладилар. Яна кўзларга қайноқ ёшлар қуйилиб келди. Дўстлар қора кийимларини ечдилар. Лекин юраклар узоқ вақт қайғунинг қорасида қолди.

«ХАМСА»НИНГ АСОСИЙ ОБРАЗЛАРИ...

Беш дostonдан иборат «Хамса» Шарқда кўп шоирларнинг идеали бўлса-да, уни яратиш шарафига ҳамма ҳам муяссар бўлавермаган. Машҳур «Хамса»лар орасида Навоийнинг «Хамса»си алоҳида ўрни олади. Бу мустақил ва поэтик қиммати эътибори ила ёлғиз ўзбек адабиётидагина эмас, бутун туркий халқлар тарихида яратилган ўз шериклари билан бўй ўлчашажак бир тарздаги кўркем асардир.

10 Навоий учун адабиёт, санъат ёлғиз ҳаёт безаги эмас. Буюк мутафаккир шоир адабиётнинг халқ учун чуқур тарбиявий, маънавий аҳамиятини яхши англади. Расмий давлат тилига айланган, бутун соҳани эгаллаган, бадний адабиёт оламида деярли абсолют ҳукмрон бўлган форс тили ўрнига ўз она тилини — хўрланган, «қишлоқи» тилини илгари суришни, бутун ҳужумларни, очиқ ва яширин истеҳзоларни назар-писанд қилмай, она тилининг гўзаллигини, бойлигини исботлашга интилишни, бадний сўзнинг халқ учун файзкор аҳамиятини тушуниш билан изоҳлаш мумкин.

20 Грек, араб, эрон, ҳинд маданиятларига чуқур муҳаббат билан қараган ва бу халқларнинг интеллектуал тараққиёти заминида ўз маънавиётини гуллатган Навоий ўз халқининг маданиятини ҳам севган, у билан фахрланган:

Муғанний кел, черт туркона соз!

Навоий ижодиётидан бир томчи бўлган шу биргина мисранинг ўзида шоирнинг халққа, ўз халқи маданиятига нисбатан қандай улуғ, самимий муҳаббати тўлқинланади!

30

Халқнинг Навоидан илгарчи ўтган бирмунча дохий ўғиллари бу «туркона сўз»дан ё хабарсиз эдилар, ёки муҳит ва анъананинг зўри остида уни севмадилар. Ҳатто шоир яшаган даврда ҳам, бир кўп «аҳли табъ» унга туркий тилида жўр бўлишдан бош тортди. Ўз халқини у даврдаги бошқа маданийроқ халқлар даражасида кўришни истоган ва ўз халқининг маданий эҳтиёжларини туйган шоир маданий қурол сифатида бадний сўзнинг қудратини англайди. Навоий классикларнинг донг қозонган «Хамса»ларида «туркона завқ» топмасдан, 10 «тонгдин оқшомгача» «халқ гавғоси» билан машғул бўлиб, «бош қошиғали» фурсатга эга бўлмаган бир ҳолда, катта муҳаббат, фавқуллодда гайрат ва матонат билан ўзининг фарзанди каби «жонга пайванд» тилида «Хамса» яратишга киришади.

«Хамса» шу дostonларни ўз ичига олади: «Ҳайратул-аброр», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъан сайёра», «Искандарнома» («Садди Искандарий»).

Биринчи дoston йнгирма айрим «мақолат»дан ва 20 ҳар бир «мақолат»га жонли мисол бўлган алоҳида кичик ҳикоя, масал ва афсоналардан ташкил топади.

«Ҳайратул-аброр» Жомийнинг «Тухфатул-аброр»и тарзида ёзилган.

Ўрта асрларда Фарбда ҳам, Шарқда ҳам авторитетларга сизгиниш ҳукм сураб эди. Фалсафий ва илмий фикр соҳасида Аристотель қанчалик мустаҳкам, қўзғалмас мавқе тутган бўлса, бадний фикр оламида Шарқнинг улуғ шоирлари ҳам шундай таъсир кучига эга бўлганлар. Классикларга тақлидгина эмас, балки 30 мустақил ижодиёт асарларини ҳам, қайси йўл биландир, уларнинг ном билан боғлаш традиция эди, яъни устод шухратини қозониш учун ўзини уларга шогирд кўрсатиш керак эди.

«Хамса»да «Ҳайратул-аброр» алоҳида ўрин олади. Бу ўзининг мазмуни ва композицион тузилиши эътибори ила бошқа поэмалардан ажралиб туради. «Ҳайратул-аброр»нинг поэтик материяси фикрлашдир. Бу асарда буюк олим, тубдан мутафаккир, реалист сиёсатчи, ҳушёр давлат арбобининг ва поэтик ижодиётда 40 моҳияти бўйича фикр санъаткори бўлган улуғ шоирнинг олам ва ҳаёт ҳақидаги қарашлари, ахлоқий дасурлари, принциплари, зулм ва адолат, халқ ва ҳокими-

ят теграсида маҳкам қаноатлари, баркамол инсон ҳақидаги тушунчалари чуқур акс этади.

Навоийнинг дунёқарашини, унинг фикриётини англашда «Ҳайратул-аброр» бой ва гўзал бир манбадир. Катта фалсафий қимматга эга бўлган бу асарни чуқур ва муфассал таҳлил этишнинг гоят аҳамиятли ва зарур иш эканини тушунсак ҳам, бу мақолада умумий обзор ва айрим қайдлар билан чекланишга тўғри келади.

- Навоийнинг «Ҳайратул-аброр»да олға сурган ҳаёт
- 10 фалсафаси яхшилик идеяларини мақташ ва ташвиқ этиши, ёмонлик идеяларини қоралаш ва улардан инсонларни нафратлантиришга қаратилган. Ниҳоятда яхшилик идеялари қонун ва адолатда, ишқда, тўғрилиқда ва яна бир кўп баркамол инсоний фазилатларда тажасумланадигани, шонр буларни жуда жонли, мароқли, гўзал шеърларда нақшлайди. Халққа жабр-зулм энг катта ёмонликдир. Навоий зулмни қоралайди. Лекин бу қоралаш абстракт мулоҳазаларда, ваъз-насиҳатларда эмас, балки халққа жабр-зулм қилувчи конкрет айбдорларни, жинояткорларни очиб беришда кўринади.

- У жамиятдаги ҳақсизликларга, улуснинг тинч ва осойишта ҳаётини бузувчиларга қарши ғазабланади. Ўз замонида қўрқинчли шакл олган ижтимоий фалокатлар тўғрисида баланд овоз билан ҳайқиради. Оташин шонр яхши кийимли аслзодалар орасида ялтирашдан, ижтимоий тузумнинг юксак пояларига эришиб, ўз ҳаётинга зеб беришдан кўра тубанларга, халқ қаърига тушишини, халқ ўгли бўлишини бениҳоят афзал кўради. Бошқаларни ҳам халқ учун хизматга даъват этади. Бобокалонлари юксак мавқелар ишғол этган ва ўзи «макраби султон» бўлган шонрнинг бу халқпарварлигини таърифда гоят нодир ва олижаноб, улуғ шахслар қаторига қўшади. Бутун ҳаётида халқ манфаатларини ҳимоя қилган шонр ўз ижодиётида истибоднинг ашаддий душманига айланади. «Ҳайратул-аброр»нинг учинчи мақолати — «Салотин...» бобида подшога сўз ўқлари бўронини билан ҳужум этишдан чекинмайди. Шоҳнинг қабиҳ кирдикорларини фош этишда шонрнинг қалами мислсиз ўткирлик касб этади. Бу боб феодал-монархия тузу-
- 40 минини фош этувчи васиқадири:

Гарчи синуқ игна ҳақунносдур,
Бағринг аро ханжари олмосдур.

Эйки, қавий айлади давлат қўлунг,
Зулм сори тушти ва лекин йўлунг.

Қасрки, базм анда муҳайё бўлуб
Зийнати фирдавси муалло бўлуб.

Пардалари риштаси эл жонидин,
Лаълию шингарфи улус қонидин.

Шамсаси эл моли била зарнигор,
Эл дуру лаъли била гавҳар нигор.

Хиштини масжид бузубон келтуруб,
Тошини эл марқадидин еткуруб.

Анда тузуб маснади шоҳаншаҳи,
Айшу тараб жоми учун муштаҳи

Зулмунг эрур кундузу фиқинг кеча,
Зулм ила фиқинг неча бўлғай, неча!

Бу парчада ҳар сўз ўз илдизига етказилган, «оллоҳнинг кўланкаси» деб талқин этилган ҳукмдорнинг сиймосидан самовий пардани юлиб ташлаб, уни яланғоч ҳолда, чинакам вазиятини шундай куч билан кўрсатиш учун Навоий каби фавқуллода жасоратга, ростгўйликка, мустақилликка, ҳақиқатчи санъаткор руҳига эга бўлиш керак эди.

Ҳукмдор ёлғиз эмас. У ўз атрофини қуршаган бир гуруҳ билан оғиз-бурун ўпишади, унга суялади. Феодализм даврининг бу ҳашаматли «гулдастаси» халқ учун қандай заққум ис таратганини шоир аямасдан очиб ташлайди:

Базмдағи қорию гар худ йигит,
Майдин ўлуб ҳар бири бир телба ит.

Шайнда қоплондин агарчи фузун,
Нафс итининг илгида лекин забун.

Ҳар бириси юз тамаи хом аро,
Ёйилибон кишвари ислом аро.

Кўзларидин уйқу чу маъзул ўлуб,
Ҳар бири бир зўлмға машғул ўлуб.

Очибон элга ситам абвобини,
Қилғали пайдо тараб асбобини,

Бўлди чу асбоб муҳайё яна.
Қирди тараб базмиға гавго яна.

10

20

30

40

Феодализм истибдоднинг чиркин картинаси! Подшо зулмда бир қоплон: унинг тираги бўлган беклар, нўянлар, ҳар нав аъёнлар телба зулм итларидир. Булар тунларни сарой базмларида кечириб, кундузлари халқни талаш, зиёфат ва дабдабага керакли маблағни халқдан шилиш учун чор тарафга изғиб кетадилар...

- Бу «кишвари исломни» талаган қоплон ва итлар Навоий давридаги ҳокимлар эмасми? Бу парчадаги бутун чизиқлар «замона шоҳи» султон Ҳусайн Бойқаронинг сиймосини гавдалантирмайдими? Бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ. Ҳатто «кўнгилсиз воқеалар»ни хамирдан қил суғургандай, қулайгина тарихдан чиқариб ташловчи эски шарқ тарихчиларининг асарларида Навоий билан Бойқаро муносабатларига ва қалин дўстликка доир боблардаги серҳашам гулдор услуб ҳам ора-сира баъзи бир доғларни сездириб қўяди. Бу, албатта, бежиз эмас. Мамлакатни обод, инсонларни масъуд кўрмак истаган ва адолат қуёшида ҳаётнинг порлоқ манзарасини хаёлида чизган тоза қалбли шоир билан бир тўда телба мастлар орасида бутун бир ўпқон ётиши ғоят табиийдир. Лекин бу ҳодисадан баъзи текширувчиларимиз қилганидек, шоир ва подшо орасида чуқур ва келишилмас душманлик яратиш, бизнингча, тарихий ҳақиқатга унчалик мос тушмайди. Қўлда мавжуд материаллар шуни кўрсатадики, шоир Навоий билан подшо ва айниқса, унинг суюкли беклари, вазирлари ўртасида кучли конфликтлар рўй берган. Шоир ўз асарларида зулмга қарши ҳайқирди, золимларни савалади, ҳокимларни инсоф-адолатга чақирди, халқ
- 30 ғамини еди, унинг оғир аҳволини кўриб, кучли изтироб чекди. Халқ учун қайғуришни инсонликнинг улуғ тимсолига айлантирди. Теварақда ҳукмрон бўлган истибдоддан руҳан қанчалик азобланмасин, аммо бардош қилди. Подшони зулмдан қайтариш, адолат дастурларини амалга ошириш учун чарчамасдан курашди. Узининг прогрессив идеяларини ҳам подшо орқали ҳаётга татбиқ этилишига инонди.

- Феодализм даврида истибдоднинг жиловбардори бўлган дин арбоблари ҳам Навоийнинг омонсиз ҳужуми
- 40 остида қолади. «Ҳайратул-аброр»нинг «Риёи хирқапўшлар» ҳақидаги тўртинчи мақолати шайхларнинг чиркин қиёфасини ажойиб маҳорат билан очиб ташлайди. Мусулмон мамлакатларида ҳар ерда уя қурган ва ўзи-

ни авлиё кўрсатган «соҳиби каромат» зотларни Навоий
жамиятда энг ёмон одамлардан ҳисоблайди:

Бу эл эрур барча ёмондин ёмон,
Кимки йўқ андин ёмон, андин ёмон.

Бу «ҳақиқат оталари» деб аталганлар кимлар? Бу-
ларни танишда, уларнинг кирдикорларини кўрсатишда
Навоий билан тенглашиш қийин:

Эски амомаки бўлуб печ-печ,
Печдин ўзга нима йўқ анда ҳеч.

10

Турфа соқолин осибон кулгудек,
Эски йиғоч узра чиқю ўчкудек.

Ўчкуча ҳам йўқ ишида тўғрилиқ,
.....

Мафсақаи топибон элтиб паноҳ,
Отини маъбад атабу хонақоҳ.

Шайх бу меҳроб аро тоат қилиб,
Ҳар неки шайтон деб итоат қилиб,

20

«Хизр паямбар» қўюбон отини,
Воқеа деб ҳарза хаёлотини.

Дебсабу санда чекиб андоқки шил,
Чангаки нафс олида хору залил.

Рўзи учун мунча фусунсозлиқ,
Мансаб учун мунча дағобозлиқ.

Дев ила шайтон уруб ичинда жўш,
Танга малонк паридан пардапўш.

30

Дин арбобларининг ифлослигини зўр куч билан
масхаралаган бундай асарни биз ҳали ўз кечмиш ада-
биётимиз тарихида тополганимиз йўқ. Исломи дини тўла
ҳукмрон бўлган ва ҳар нав диний-мазҳабий гуруҳлар
гуллаган ва руҳонийларнинг таъсири жамиятнинг ҳам-
ма табақаларини титратган бир даврда «муқаддас сир-
лардан» қалин пардани кўтарган, руҳонийларнинг бе-
маъни мўъжиза ва кароматларини хаёл деб эълон эт-
ган Навоий чуқур ва самимий ҳақиқат курашчиси, про-
грессив интилишларга эга мутафаккир эди. У бутун 40

умрида фан ва санъатга интилди. Буларнинг тараққийсига ёрдам қилди. Фан ва санъат арбобларини ўз ҳимоясига олиб уларга лозим шароитни туғдиришда ҳеч нимасини аямади. Чунки у ҳақиқий маънавий фаолиятнинг ижодкор кучига ишонар эди.

«Риёи хирқапўшлар» боби мукаммал сатиранинг намунасидир. Навоий қаламининг сатирик кучи бу бобда айниқса ёрқин ранглар билан товланади. Бунда ҳар бир сўз тигдай ўткир, ҳар бир чизиқ бениҳоят жонли ва лўндадир. Шунинг учун бизда сатирик жанрнинг илк устоди Навоийдир дейишга тўла ҳақлимиз.

Навоийнинг динга муносабати ҳақида баъзи англашилмовчиликлар бор. Шоирни даҳрий каби кўрсатишга тамойиллар ҳам йўқ эмас. Шубҳасизки, Навоийнинг катта, кўп тармоқли бой ижодиётини ўрганишда бу масала асосий ва муҳим масалалардан биридир. Навоий асарларидаги айрим ўринларни символик маъносидан узиб қаралганда, шоир — даҳрий деган натижани чиқариш қийин эмас. Лекин бу юзаки қараш бўлар эди.

20 Масалан, «Хирқапўшлар»да Навоий динни ва тасаввуфни қурол қилиб элни таловчи шайхларни фош қилади, уларнинг макр-ҳийласи билан тикланган хурофот деворларини йиқишга тиришади. Лекин ана шу бобнинг ўзида шундай шайхлар бўлиши мумкинлигини хаёл қиладики, улар динда, тасаввуфда идеал самимийдирлар, кароматлар тўқиб, халқ молини таламайдилар. Улар тангри йўлида ҳатто ўз жонларидан кечишга ҳар он тайёрдирлар.

Навоий ҳақиқатни қидиради. Лекин буни, асосан

30 дин ва мазҳабларда эмас, уларнинг доирасидан юксакда қидиради. Навоийча, ҳамма динлар бир-биридан ортиқроқ, чинроқ эмас. Бутга чўқинасанми, қуёшга топинасанми, мусулмонларнинг масжидида сажда қиласанми, бари бир. Фақат ишончда самимий бўлиш шарт. Чунки, оллоҳ — вужуди мутлақ бутун оламда ўзини зуҳур эттирган. Табиат оллоҳнинг «гўзаллигини» акс эттирувчи бир кўзгудир. Яна очиқроқ айтганда, оллоҳ ва табиат бирдир. Оллоҳ табиат хорижида эмас, балки унинг ичида жонли бир куч сингари мавжуддир.

40 Навоий учун масжид ҳам, бутхона ҳам бир. У жаннатдан майхонани афзал кўради. Лекин бу даҳрийликка асло ишорат қилмайди. Чин сўфий оддий диндорларнинг жаннат, дўзах андишаларидан озоддир. Сўфи ибодат

билан машғул бўлса, буни охира т хавфидан эмас, балки ёлғиз оллоҳ ишқи, уни таниш учун бажаради.

Навоий пантеистик тушунчаларга кўтарилади. Лекин Навоийнинг қидирувчи фикрини бу ҳам қаноатлантирмайди. У диннинг, оллоҳнинг, тасаввуф фалсафасининг ҳақиқатлигига шубҳа қила бошлайди. Бирмунча саволлар қаршисида қолган шоир дин ва тасаввуф доирасида бу саволларни ҳал қилишдан ожиз қолади. Диний-теологик тафаккур чамбаридан чиқишга тиришади. У баъзан оллоҳга тил тегизади. Лекин дарҳол чекинади, ўзини телбаликда айблайди, яна тавба қилади.

Буюк шоир ва мутафаккирнинг дунёқарашини белгилашда муҳим бўлган бу масала махсус текширишни талаб қилганидан, бу мақолада шу умумий қайдлар билан чегараланишга мажбурмиз.

«Ҳайратул-аброр»да Навоий идеал инсонлик орзусини куйлайди. Ҳаётнинг оғирликларини бартараф қилиш, чинакам инсонлик билан фахрланиш учун одамлар ўзаро қандай муносабатларда бўлишлари керак, бошқаларнинг ҳуқуқларини поймол қилмасдан, ўз ғурурини, одамгарчилигини сақлаш учун ҳар кимдан нималар талаб қилинади — мана шу саволларга Навоий ажойиб шоирона маҳорат ва фикрий чуқурлик билан жавоблар беради. Навоий инсон ғурурини юксалтирувчи гўзал хислатларга даъват қилади, бу хислатларни мақташга ўзининг шоён ҳайрат, бой илмий хазинасини очиб ташлайди. Шу билан бирга, инсонлик номига доғ солувчи қабих хислатларни айни маҳорат ва қудрат билан қоралайди. Биринчи қарашда анча «қуруқ» кўринган мавзулар фикрнинг бойлиги, қарашларнинг, мушоҳадаларнинг чуқурлиги, тасвирий воситаларнинг жонлилиги, ажойиб оригиналлиги орқасида зўр поэтик куч касб этади. «Ростлик таърифида» деган мақолатда шоир тўғрилиқнинг фазилатларини мана қандай тасвирлайди:

Шамъки, тузлук била масрур эрур,
Гарчи куяр боштин-аёқ нур эрур.

Барқки, эгрилик ўлубтур ҳўйи,
Гарчи ёрур, лек борур ер қуйи.

Кўзки эрур эгри анинг хилқати,
Бирни ики кўрмак эрур санъати...

Моласиз ул тухумки, деҳқон сочар,
Сувни тенг ичмас неча яксон сочар.

Инсон сахий бўлиши керак. Бахиллик инсон учун ярашмайдиган бир одат. Аммо, сахийликда ҳам но-мусли ва самимий бўлиш лозим. Жабр-зулм билан халқ молини талаб, ном чиқариш учун уни бошқаларга ула-шиш ярамайди. Яна эҳтиёжи бўлмаган давлатманд-ларга ёрдам кўрсатиш сахийлик эмас:

10

Уйла булутдекки қуруқ боғ уза
Ёрмай ўтуб, сувни тўкар тоғ уза.

Дўстлик, вафо, садоқат тушунчаларини, Навоийча, дунёда, ўз маъноси ва аҳамияти бўйича, ҳеч нарса би-лан тенглаштириш мумкин эмас. Дўстлик ҳам вафо қимматларнинг энг қимматлисидир. Навоий инсонларни дўстликка, садоқатга ундайди. Бир-бирига чинакам содиқ одамларнинг ҳамкорлиги билан ҳар қандай муш-кулни ҳал қилиш мумкинлигини тасдиқлайди. Шоир дўстликнинг идеал образини яратишга тиришади. Ле-кин, афсуски, дўстликка бу қадар юксак баҳо берган 20 Навоийнинг ўзи танҳо эди, унинг тубанлаган шикоятла-ри нақадар маънодор ва самимий, чин шикоятлардир:

Ушбу сифат, ёрки марқум эрур,
Войки бу даврда маъдум эрур.
.

Лола дебон кўксума кўрдум тугон.
Гул тилабон кўнглума топтим тикон.
Қимки анга айламадим жон дариғ,
Қилмади жавр улчаки имкон дариғ.

30

Ҳар кишиким, қўйдум аёғиға бош,
Жола киби бошимга ёғдурди тош,
Войки, юз тош аро ёлғуз бошим,
Чарх соғинмишки, эрур юз бошим.

Ўз умрида дўст топмаган шоир ҳаётда дўстлик ва садоқат идеяларини барпо қилишга даъват қилади, чин дўстликнинг оташин мадҳиячисига айланади.

«Ҳайратул-аброр»нинг яна бир хусусияти — биз-нингча, энг мароқли ва қимматли жиҳати шундаки, биз бу асарда шоир яшаган даврнинг жонли сезгиларини 40 якқол тасаввур қиламиз. Шоир бобларда материални жонли муҳитдан олади, ўз даврининг жуда ёрқин тип-ларини ажойиб усталлик билан чизадики, бу обра-тар

маъданда қуйилган каби, бутун реаллиги билан кўз олдимизда гавдаланади. Мана бир кичкина амалдор, биз унинг ҳақидаги сатрларни ўқирканмиз, у мозийдан гўё тирилиб келади:

Қайси вилоятгаки, азм айлабон,
Эл ҳараму боғида базм айлабон.

Гар худ ул уй соҳиби ҳофий эрур,
Истари аввал майи софий эрур.

Май била бузғоч қарининг ҳолини,
Шоҳид учун ҳам йиборуб золини.

10

Чаҳдағи тухм арпасини оти еб,
Уйда товуғларни сурук тоти еб.

Бу кичкина ўзбошимча амалдор феодал Шарқ тарихида отнинг қашқасидай таниқли зот. Феодализм даврида давлатнинг бундай лайчалари шаҳарда косибларнинг этагига ёпишганлар, қишлоқларда эса деҳқонларни талаганлар. Бу очкўзлар деҳқоннинг кўмиб қўйган уруғлигига ҳам чанг соладилар. Улар қайси уйга кўз тиксалар, у уйда ҳаёт қурийди. Шоир буларни ҳаётни қийратувчи даҳшатли офатларга ўхшатади:

20

Ҳосил ўшул уйга бало дорибон,
Қайси бало, балки вабо дорибон.

Номусни, инсонликни ўз шахсий манфаати олдида қилча назар-писанд қилмаган бу бачкана амалдорлар халқни талашда ўзларига ҳар ерда шерик топганлар. Улар, зулмдан безор бўлган халқнинг домига тушиб қолмаслик учун, галалашиб изғиганлар:

Кентнинг арбоби бир икки авон,
Зулмда бу хожа, алар паҳлавон.

Бир-бири бирла бўлушуб ўйла дўст,
Қим кишиким кўрса дегай мағзу пўст,

30

Бу ўткир ва чуқур ҳаққоний мисраларни ўқирканмиз, шоир Муқимийнинг ўлмас сатирик шеъри «Танобчилар» беихтиёр ёдга келади. Шоир Муқимий икки зolim, порахўр амалдорнинг апоқ-чапоқлигини шундай кўрсатади:

Ош есалар ўртада сарсон илик:
Хўжа чироғ ёғи, Ҳакимжон пилик.

Навоий билан Муқимий замонлари орасида асрлар ётса ҳам, мисралар уларни улайди. Бунда ёлғиз адабий услубий боғланишгина эмас, балки даврларнинг мазмунидаги умумийликни кўрамай. Навоий сатирасининг найзасига дучор бўлган амалдорлар — у даврнинг типик сатирик образлари Муқимий даври учун ҳам характерли бўлган.

- «Ҳайратул-аброр»да Навоий такяларда, хонақоҳларда уя қуриб, уйдирма «каромат»лар билан халқ фикрини заҳарловчи, унинг қўлидан бор-йўғини қоқиб олувчи шайхлар ва дарвишлар билан ҳар нав майда мансабдорларнигина эмас, балки юқори аристократиянинг устунлари ва давлатда юксак мансабларда турган беклар, амирларни ҳам мислсиз даражада зўр сатирик куч ва маҳорат билан гавдалантиради. Ун олтинчи мақолат давлат тепасидаги бу юксак рутбали жанобларнинг ҳаёти, сўзи, фикри қанчалик бўш, чиркин эканини ҳаққонийлик билан, энг ёрқин ва жонли бўёқларда чизиб берган қисмдир. Феодал давлатининг саркардалари — бекларда баҳодирларга хос бўлган бир ғурур эмас, ҳар хил бемаъни такаббуриликлар бор.

Барқдин ул рахшни кам билмайин,
Кўзига Рустамни доғи илмайин.

Кўрмайин азбас тутуб ўзин бийик,
Ўз бошидин кўкка дегин тўрт илик.

Улар шижоатда ўзларини Рустамдан баланд кўрсалар, халққа зулмда Заҳҳокдан қолишмайдилар:

Зулмда Заҳҳоклиғи билгуруб,
Икки йилон эғнида ҳалқа уруб.

- 30 Феодал жамиятининг бу тираклари безакка, ташқи ялтироқликка ўлгудай ҳирс қўядилар, «тўни ипак бўлмаса, кўнгли хазин». Улар нуқул асл молларга ўчдирлар. Уларнинг тўнлари олтин билан товланади. Ҳатто, уларнинг «этик тақаси ҳам зарҳалдир». Шунча ялтироқлик билан улар маънан ғоят қашшоқ, завқдан, гўзаллик туйғусидан маҳрумдирлар.

Дев жамолнини паридек ясаб,
Хорни гулбарги таридек ясаб.

- 40 Жилва қилиб шоҳиди раъно киби,
Бода ичиб гулрухи зебо киби.

Булар умрларини чоғир билан ўтказадилар. Атрофларини «ақл, идрок, ҳис»дан маҳрум бир тўда аблаҳлар қуршайди, хушомад қилади:

Борча ани бегиму мирзо дебон,
Хулқини хуш, ҳуснини зебо дебон.

Бу тоифанинг ўлтиришларида маъноли, фойдали суҳбатлар бўлмайди. Чоғир бошга ургандан кейин, улар тушларида кўрмаган урушлари ҳақида ҳар дам лоф урадилар. Чоғир кайфи билан улар филни пашша қадар, аждаҳони ип қадар назарга илмайдилар. 10

Беклар ўзларига топширилган сипоҳларга, ҳатто подшога ҳам миннат қиладилар. Юз минг, икки юз минг олтинни, бу нима бўлади, деб бақирадилар, менга бутун бошли ўлка берилсин, деб даъво қиладилар. Улар ўз манфаатлари учун ҳар тарафдан исёнлар кўтариб, «эл юрагини тиғ шикоф айлаб», давлат бирлигига, юртнинг тинч ҳаётига раҳна соладилар. «Бу шоҳ бўлмаса, яна бошқа бир шоҳ-да!» деб мамлакатда бошбошдоқликни, фитна-фасодни, ўзаро қонли урушларни кучайтирадилар. Навоий яратган бек образлари жуда жонли. Бу реал образлар орқали шоир ўз атрофини ўраган жонли ҳаёт ҳодисаларини бадий умуийлаштирган. Образни ташкил этган бирмунча элементлар, баъзи деталлар реал тарихий шахсларга, Ҳусайн Бойқаронинг баъзи бекларига ишорат қилади. 20

Навоий ҳукмрон табақанинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан пучлигини, маиший жиҳатдан бузуқлигини чуқур англаб, давлатнинг мустаҳкамлиги учун, мамлакатнинг тараққиёти учун бу табақанинг қабиҳ ва зарарли эканига ишонар эди. Навоий даврнинг манман деган зўравонларига қарши давлат арбоби сифатида кураш билан чекланмасдан бутун ҳаётида ҳақиқат ва маданият жангчиси — шоир сифатида ҳам уларнинг манфур ҳайкалини сўз метали билан қўйиб кетди. 30

Навоий лофчи, разил бекларга, саркардаларга қарши юксак туйғулар, олий ғоялардан илдиз отган баҳодирликни мақтайди. Навоийча, баҳодир ўз манфаати учун эмас, балки катта мақсад севгиси билан яшаб, бу йўлда ҳар қандай оғир заҳматларни бир бахт-саодат деб билиши керак. Навоий халқни таламоқ, ўлжа олмақ ниятида олиб борилган урушларни қоралайди. 40

Мақсад йўлида йигит ўлимни суюнч билан қаршилаши лозим:

Жонинга пайкони ажал ёғмагин,
Бил бори раҳмат булутидин ёгин.

Йигитлик, мардлик кишининг маънавий, жисмоний қобилиятлари билан боғлангандир:

Арзи ҳунар бўлса йигитлар иши,
Қилса аён ўз ҳунарин ҳар киши.

- «Ҳайратул-аброр» фалсафий етук бир поэмадир.
- 10 Мутафаккир шоир жуда кўп ҳаётий масалаларни ҳал этишга, ўзининг етук принципларини ҳаётий ҳодисалар устида бадий конкретлаштиришга интилади. Навоийнинг реал ҳаёт мушоҳадалари билан бойиган қарашларида марказий ўринни идеал инсон проблемаси олади. Шоир тўғрилиқ, ростгўйлик, софлик, мардлик, қаноат, камтаринлик, тавозе, муомала ва ҳоказо ҳақида сўзлар экан, бу билан чин инсоннинг бой, ёрқин образини яратмоқчи, унинг ҳаётдаги ўрни ва вазифаларини белгиламоқчи бўлади. Адолат, инсонларга ҳар нав йўл билан
- 20 яхшилик қилиш тушунчасини шоир шахсий ҳаётда ва жамият тараққиётида энг муҳим омиллардан ҳисоблайди:

Адл ила олам юзин обод қил,
Хулқ ила олам элини шод қил.

- Мутафаккир Навоий учун бахт ва инсонлик халққа чин кўнгил билан, эвазига ҳеч нарса талаб қилмасдан, хизмат қилишдадир, шахснинг индивидуал бахтини бутуннинг, яъни халқ бахтининг хорижида тасаввур этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳар бир шахс қўлдан келганча, бошқаларга яхшилик қилишга интилиши лозим.
- 30 Агар ўз бойлигинг, қобилият ва истеъдодинг билан ёрдам қила олмасанг, жуда бўлмаганда сўз билан, яхши ният билан, ўз хуш хулқинг билан фойда етказишга тирнш, дейди шоир.

Яхшилик ар айламасанг иш чоғи,
Айламагил бори ёмонлиқ доғи.

Бир сўз билан айтганда, Навоийча, инсонликнинг мезони халқ учун қайғурмоқдир.

- 40 Одамий эрсанг демагил одами,
Оники йўқ халқ ғамидин ғами.

«Ҳайратул-аброр»нинг ахлоқ ва фалсафаси ўз даврининг зарурий сояси бўлган диний-мистик тушунчалардан, табиий жуда ҳам ҳоли эмас. Лекин Навоий табиатан «барчадин яхшироқ ҳаёт гули»ни севарди. «Ҳаёт гули»га чинакам ошиқ бўлган шоир ҳатто «нариги дунё» учун қайғуриш кераклигини гапирганда ҳам, соғлом ҳаёт завқи ва унинг жонли жозибасидан кўнглини ўзмагандай, ҳаёт нашъасининг таркига афсуслангандай бўлади:

Тоату тақво нечаким хуш дурур,
Лек йигитлик чоғи дилкаш дурур.

10

Қизиғи шундаки, баъзан диний-тасаввуфий фикрлар айтиш билан бирга Навоий илм-фан ва маданият курашчиси, хурофот душмани сифатида майдонга чиқади. У, илмнинг кучига ишонади. Илм бўлган жойда жоҳиллик, хурофотга ўрин қолмаслигини сўзлайди:

Юз минг эса жаҳлу хато хирмани,
Машъалаи илм кул айлаб ани.

Навоий эътиқодича, тасаввуф ҳам илм билан бир қаторда, инсоннинг камолотига хизмат қилади. Навоий олим образини яратар экан, мукамал олим ҳамма илмларни чуқур билиши кераклигини қайд этади. Шу жумладан, диний «илмлар»га ҳам ўрин қолдиради. «Фикри билан фалак мушкулларини ҳал этган» Ибн Синони ҳурмат билан ёдлар экан «дин ишида жаҳл ва ҳаво доҳили» бўлган Ғаззолий ва Шафийини ҳам унутмайди. Бу каби қарама-қаршиликларнинг илдизи феодализм даври идеологиясининг зарурий таъсири ва сиққиғидир. Поэманинг асл бадиий тўқимасини ташкил этган нарса — халқ саодати, инсон камолоти учун қай-ғуриш ва тоза ҳаё фалсафасидир.

* * *

Навоий энциклопедик маълумотга эга бўлган улғу олим ва чуқур мутафаккирдир. Унинг поэзияси эса жаҳон адабиётида гуманистик ва фалсафий идеялари билан нодир поэзиядир. Шоирнинг «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъан сайёра» каби романтик поэмаларининг қаҳрамонлари кишиликнинг юксак инти-

171

лишларини ташиган энг ёрқин тимсоллардан иборат. Бу қаҳрамонлар шеърга кирмасдан олдиноқ афсоналарда халқ фантазияси кучи билан яралган сиймолардир.

Фарҳод ва Мажнун, Ширин ва Лайли идеал қаҳрамонлар. Улар ҳаётий бачканаликлар билан ўралмайдилар, маиший фактларга кўмилмайдилар. Уларнинг шоирона ёрқинлигига, идеявий улуғворлигига кўлка ташловчи ҳар нав тасодифий чизғилар, тор маиший шароитлар шоир томонидан усталик билан ўчирилади.

10 Бу нарса образнинг жонли қиёфасига зарар қилмагани ҳолда, унинг бадиий тўлақонлигини оширади.

Фарҳодни олайлик. Шаҳзода туғилишидан бошлабоқ ажойиб сифатларини кўрсатади;

Кўрунмай ўзга ёшлардек сифоти.
Кўзига бўлмаётган уйқу илтифоти.

Фарҳод юрагига ишқ гўё она сути билан бирга жо бўлади:

Ичарда мўрдин ўксук физоси,
Топиб қут ончаким, арслон болоси.

20 Бировким ишқдин бўлғай анга қут,
Сут ичса дур бўлур, қон ичса ёқут.

Ёш бола тилга кириши биланоқ, ишқдан сўз очади:

Сўзи бори бўлуб афсонаи ишқ,
Мақому маскани кошонои ишқ.

Фарҳодга табиат фавқулодда кучли истеъдод бағишлайди. У ўн ёшида жаҳонда мавжуд бўлган ҳамма илмларни мукамал эгаллайди. Ёш шаҳзода жисман ҳам тез балоғатга етади: ўн ёшга кирганда гавда ва кучда йигирма ёшлик йигитни хотирлатади. Шу билан

30 бирга, Фарҳоднинг сифатларига яна бир гўзал ва асл сифат — камтарлик қўшилади. Фарҳод шунча илм, шунча баҳодирликка қарамай, кибр-ҳаводан тамом озоддир:

Ўзин абжад ўқур элдин тутуб кам,
Дема донишки, зўри даст ила ҳам.

Давлатманд ва фарзандталаб оилада туғилган Қайс гўдакликданоқ ўзининг нодир маънавий ҳолларини ёрқин ошкор қилади. Чақалоқнинг кўзлари ҳар нарсада ишқни қидиради. Бир дам бўлсин, у дард-аламдан холи

бўлмайди. Ҳатто унинг «ингалаши»да ҳам қулоқлар ўзга бир дардни сезади. Тилга кириш билан ишқдан гапира бошлайди. Бу ҳоллар шундай равшан ва кучлики, томоша учун халқ ёғилиб келади:

Маҳд ичраки тортибон фиғонлар,
Афғонида дарддин нишонлар.

Бўлғоч тили лафздин хабарлиқ,
Ҳар лафзки деб бори асарлиқ.

Атрофдин эл келиб талоша,
Ул нодирани қилиб тамоша.

10

Қайси мактабга, замонасининг улуғ олимига топширадилар, у ҳам Фарҳод каби катта истеъдод кўрсатиб, оз вақт ичида ҳамма илмларни эгаллайди. Аммо, Қайс (Мажнун) жисмоний куч ва баҳодирлик хислатларига эга эмас. У охири чекка етган маънавий куч тимсоли сифатида кўрсатилади.

Фарҳод ҳам, Мажнун ҳам буюк қисматнинг болалари. Улар қазо олами чизган йўлларга киришлари керак. Бу йўлда уларнинг табиатида кўмилган уруғ инкишоф этиши, гуллаши лозим.

Яширин уруғнинг моҳияти нимада? Бу — ишқ. Мана шу афсоналашган ишқни гениал шоир ўз поэмаларида ажойиб фикрий чуқурлик ва бадий қувват билан тараннум этади. Ошиқларнинг абадий, муаззам образини яратади.

Чин шаҳзодаси — ёш донишманд ва баҳодир Фарҳод санъаткорларнинг даҳоси билан музайян, гўзал қасрларда, шоҳона зиёфатларда аллақандай ички бир дард билан яшар эди. Хоқоннинг хазинасида сир каби сақланган кўзгуда у ўз дардининг илҳомчисини кўради. Энди тожу тахтнинг порлоқ шаъшаасига бепарво, ҳокимият орзу-ҳавасига майлсиз бўлган ва ўзининг бой ички маънавий оламининг сеҳркор, тоза ҳасратларига берилиб яшаган Фарҳод учун ажойиб, қаҳрамонликлар билан тўла йўл очилади. Кўзгуда жилваланган гўзал Шириннинг ишқи унинг юрагида шундай шиддат билан мавжланадики, «арслон боласи» Фарҳод кун сайин кучсизлашади. У ўз ақли ва иродасини тўплаб, дардини яширишга нақадар зўр бермасин, ожиз қолади, аксинча, ишқ алангаси кучлироқ ёнади. Қаҳрамоннинг бу кайфиятини Навоий қуйидагича гўзал мисраларда беради:

Нечаким истади Фарҳод ғамнок,
Ешурмоқ ўт ёпиб устига хошок.

Епар фонус бирла шуъласин шамъ,
Қўрарлар пардадин ул шуълани жамъ.

Кўз ичра махфий ўлмас ашқ қони,
Бўлурму шиша ичра май ниҳони?

10 Фарҳод қудратли продага эга. Аммо ишқ бундан ҳам юксак. Тўғриси, унинг иродаси қувватни ишқдан олади. Шунинг учун ёш шаҳзода тайёр салтанатни-қарн отани ташлаб, мақсади йўлида «азм ғурбат»га интилади.

20 Олим, донишманд, ошиқ Фарҳод ўз характерининг энг асл томонини Арманистонда кўрсатади. Лекин ишқ унинг қалбига ягона ҳоким бўлиб, бошқа инсонлик туйғуларини, қаҳрамонлик вазифаларини кўлкада қолдирган эмас. Ишқ унда улуг виждонга, буюк фидокорликларга, азамат ҳамлаларга чақирувчи қудратли ички бир ҳисга айланган. Фарҳод ёт мамлакатда, ёт халқ орасига киради. Тоғда юз теша уриб «бир нўхудча тош кеса олмаган», машаққатдан тинкаси қуриган тош кесувчиларга ҳам раҳм қилиб бутун оғирликни ўз гарданига олади. Ўз юртида машҳур устод Қорундан ўрганган усул бўйича, ўткир бир теша ясайди. Тош кесишда ҳунари ва кучи билан ҳаммани ҳайратга солади. Бу ерда Фарҳод образи ҳақиқатан чуқур маъно ва азаматлик касб этади.

30 Ишқий-романтик поэмада сув проблемасининг қўйилиши асло тасодифий эмас. Ҳаётнинг равнақи учун курашчи Навоий бунда ўз халқининг юрак орзусини, абадий хаёлини ва интилишини ифода қилади. Бу билан Фарҳод кўп эртақ ва дostonларда учрайдиган ва ўз ишқи йўлида кўпгина воқеаларни бошидан кечирадиган «ғойибона ошиқлар» образларидан бениҳоят илгарилаб кетади ва ҳаёт тантанаси учун жонкуяр, энг тоза, энг чуқур муҳаббат билан тўлган бир сиймога айланади.

40 Илмларда камолотга эришган Фарҳод жасур қидирувчидир. У инсон фикрининг кучига ишонади. Ота хазинасини томоша қиларкан, тилсимли сандиққа кўзи тушиб, дарров унинг «сирини» билишга ошиқади. Атрофдагиларга шу сўзлар билан мурожаат қилади:

Улум ичра манга то бўлди мадҳал.
Топилмас мушкиле мен қилмагон ҳал!

Отаси томонидан унинг кўнглини очиш учун қурди-рилаётган тўрт қасрни томоша қиларкан, Моний, Қорун каби нодир санъаткорлар ва улар раҳбарлигидаги бинокорлардан ҳар бирининг иши, ҳунар ва санъатига алоҳида диққат қилади. Қоруннинг тешаси ўткирлиги-га таажжубланиб, тешанинг ясалиш ҳикматини сўрайди. Қорун теша пўлатига «сув бермакда» ҳикмат борлигини, бу — сир тутилишини айтади. Шу кеча Фарҳоднинг эс-ҳуши Қорун санъатининг сирида бўлади. Тонг отиши билан яна қурилишга югуриб, устодга теша ясаттиради ва санъатининг сирини ўрганиб олади. Ёш шаҳзоданинг ғайрати чидамайди. У гоҳ очиқ, гоҳ яширин суратда қўлига теша олиб, жуда кўп ишларни бажариб қўяди. Тўрт қаср қурилиши шаҳзода учун бир санъат мактаби бўлади. У устодлардан, санъаткорлардан айрилмасдан, уларнинг санъатига (сураткашлик, наққошлик, сангтарошлик ва ҳоказога) моҳир бўлади. Шириннинг юртида эса, у биринчи галда ўзининг ажойиб ижодкор иши, мардлиги билан танилади ва бу билан Ширин муҳаббатига сазовор бўлади.

10

20

Навий ишқни ҳаммадан бениҳоят юксак тасаввур қилади. Шоир ошиқнинг мавқеини бир мисра билан белгилайди:

Ки шаҳлик ўзгадур ошиқлик ўзга.

Фарҳод ўз ишқи, идеали йўлида тожу тахтдан кечиб қўя қолмади, балки ундан нафратланди. Мавжуд ҳокимият дағдағаси элга жабр-зулм қилиш, ўлкаларни талаш, обод ерларни вайрон этиш каби энг қўпол, ваҳший ҳаракатлар билан боғлиқ эканини Фарҳод жуда яхши англайди. Ширинни ўз чангалига олиш учун арман юртига қўшин тортиб келган Эрон подшоси Хисрав бошига шу сўзлар билан заҳар тошларини ёғдиради:

30

Кўнгул айлаб сен ул шаҳлик била кенг,
Менинг олимда ул туфроқ била тенг.

Не ишким шаҳ топиб ондин навое,
Вале юз қатла ор этгай гадое.

Жафо майдониға ҳардам суруб от,
Киши андин нечук қилгай мубоҳот.

40

Эрур бу турфароқким тортибон тиг,
Қарортиб ерни хайлинг ўйлаким миг.

Қилиб эл мулки ичра қатлу торож,
Олай деб мулк элидин тахт ила тож.

Бировниким бериб мулкени барбод,
Қилурсен нозанин кўнглини ношод.

Шикастига ситам ёйин қуарсен,
Эшитгим, ишқ лофин ҳам урарсен!

10 Бу сўзлар подшо ҳокимиятини фош қилади. Унинг зулмга, талон-торожга асосланганини очиб ташлайди.

Адолат ва қонун тўла ҳукмрон бўлган ҳаёт ҳақида доимо хаёл қилган ва жабр, истибдоднинг омонсиз душмани Навоий Фарҳод, Шопур, Ширин ва Меҳинбону каби олижаноб, поқиза образлар қаршисида Хисравнинг машъум, ёвуз сиймосини гавдалантиради. Истибдоднинг жонли симболи Хисрав қўпол ҳирснинг қистовига бўйсуниб, Шириннинг юртига қора бўрон сингари бостириб келади. Хисрав ҳаёт гулларини емирувчи, адолат, ҳақиқат қуёшларини сўндирувчи ва шоир томонидан кўп дафъа лаънатланган истибдод тимсолидир. Унинг ҳаракатларида, сўзларида, тадбирларида қитдай бўлсин оддий инсоний хислат йўқ, У Фарҳоднинг васфларини кўп эшитган бўлса ҳам, лекин унинг на юрагини, на сўзларини англашдан ожиз:

Қилур рангин сўзи хотир мушавваш,
Ҳамоноким йилонедур мунаққаш.

30 Ботини чиркин, зоҳири олтин бўлган Хисрав Фарҳодни ҳам тўни ялтироқ бир илон деб ўйлайди. Фарҳодда у ёлғиз бир рақиб — Ширин билан ўзи орасида ётган бир тиканни кўради. Тиканни олиб ташласанг — олам гулистон! Хўш, шунча дабдаба билан Хисрав ана шу «тикан»га қарши нима қила олади? «Пашшанинг парига ҳам озор етказишни» истамаган Фарҳод Ширинни душманга таслим қилмаслик учун тоғ устида фидойилик билан курашади. Сонсиз лашкарнинг сардори Хисрав уни жангда енголмасдан, мақр-ҳийла билан қўлга туширади. Занжирбанд Фарҳод шунда ҳам дадилликни йўқотмайди. Сипоҳлари билан қуршалиб «тахти кайёний»да ўтирган тожли душманга қарши яна баландроқ, яна мардонороқ ҳайқиради. Поэмадаги машҳур диалогда Фарҳод фикр ва мантиқнинг ўткир тиғи билан,

юксак ҳислар тўла севгувчи юракнинг оташи билан ўз душманини чилпарчин қилиб ташлайди. Фарҳод жисман асир бўлса ҳам, лекин маънан ўз душманини бўй борица разолат қаърига шўнғитиб юборади.

Хисрав мустақил шахс эмас. У бўлмағур андишаларнинг, жуда паст ҳисларнинг қулдир. Занжирбанд Фарҳодга Шопур олиб бораётган мактуб қўлга тушганда, Хисрав номани ўқиб, унинг ҳаққоний мазмунига ғазабланади. Фарҳоднинг бегуноҳ эканини, Ширин билан Фарҳод орасидаги муҳаббатнинг чин ва чуқурлигини 10 сеза бошласа-да, лекин шафқат ва олижаноблик кўрсатишдан одатича қўл тортади. «Гадолар шоҳга шерик бўлмасин» деган эътиқодга ишониб, Фарҳодга яхшилик қилишни ўз салтанати, ўз эътибори учун доғ деб билади:

Ва лекин салтанат номусу номи,
Яна сурмак ҳавойи нафс коми.

Ани инсоф сори қўймайин ҳеч,
Солиб кўнглига фикри печ дар печ.

Кишиларга яхшилик қилишдан ожиз подшо жабр- 20 ни ҳам, жиноятни ҳам пардапўш қилиб, «нозик» шаклда бажаришни севади. Фарҳодни ўлдиришга очикча фармон беришга ботинмай (гўё буни гуноҳ ҳисоблаб), вазири билан узоқ кенгашиб, макр билан ҳалок қилишга қарор қилади.

Фарҳод жабрга, ҳақсизликларга, бахт ва саодатга тўсиқ ва ҳаётнинг ҳуснига доғ бўлган кучларга қарши бутун борлиғи билан нафрат қилган асл, лекин танҳо шахсдир. Ёшликдан бошлаб унга ҳамроҳ бўлган ва ёлғизгина «ишқ» сўзи билан ифодаланган қайғу, ҳақиқат- 30 да чексиз чуқур, чексиз маънодор бир қайғудир. Бу қайғунинг илдири, бизнингча, жабркор ҳаётдан норозилликдан ўсиб чиқади. Поэманинг охириги қисмларида, босқинчи Хисравнинг зулми авж олган пайтларда, Фарҳод қайғусининг социал моҳияти яна ҳам чуқурлашадди. Асир Фарҳод маккоранинг уйдирмасига ишониб, ўз ажалини англари экан, унинг ҳасрати оламшумул характер касб этади. Фарҳод атрофини ўраган тоғу тошлар, ҳар хил парранда ва ҳоказолар билан видолашаркан, унинг ҳар бир сўзи зулмга, нифоққа, вафосиз- 40 ликка қарши нафрат ва кин оташи билан алангаланади... Шириннинг тинч юртини босқинчилар топтайди.

Тоғларнинг метин бағридан сувга, ҳаётга йўл очиб, гўзал қасрлар, боғлар, гулзорлар, ҳовузлар яратиб, бахтга, муҳаббатга интилган ва ҳаётнинг тоза поэзияси билан яшаган юраклар зулм ўқидан тирқираб қонайди. Бу қандай ҳаёт? Дунё қандай адолатсиз!... Бундай дунёни Фарҳод қарғайди:

Бузуғлиқ, эй фалак, кўргуздунг охир,
Бузулган хотиримни буздунг охир.

10 Бу не инсоф эди, эй соқийи даҳр,
Улар чоғда қадаҳ тутмоқ тўла заҳр!

Ширин ишқида Фарҳод дунёни ўз душмани ихтиёрига ташлаб, қабрга киришни истамайди. У сабога мурожаат қилиб, ўз юртига, халқига, ота-онасига салом етказишни, аҳволдан хабар беришни ўтинаркан, ўз кўкалдоши Баҳромга вазифа топширади:

Будур комимки, Баҳроми диловар,
Ки, бор эрди менга ул ёру ёвар,

Чириклар жамъ айлаб бемадоро,
Буён қилса азимат ошкоро.

20 Қиличи тўйғазиб Хисравни жондин,
Тилоса бегуноҳ қонимни ондин.

Баҳром қўшин тортиб келиб, қотилдан ўч олмагунча Фарҳод қабрда тинч ёта олмаслигини сўзлайди:

Қи истарсенки, теккай ерга ёним,
Бўлиб хушнуд сендин хаста жоним.

Не бирдам тинки бир соат таёнғил,
Не ҳарбу кийна сўрмоқдин ўсонғил!

30 Фарҳод ўз душманидан кўрган азобларини оламдаги барча шаҳар ва водийларга етказилиб, «ишқ аҳлини Хисрав истибдодига қарши оёқлантиришни», жаҳонда зулм ўрнига «вафо қасрини обод этишни» умид қилади:

Бурун Хисравга чун абри баҳорон,
Қилиб оҳ ўқларидин тирборон

Фиғон ўтидин ўртаб кишварини,
Қул айлаб тожу тахту афсарини.

Бўлуб гирён бу зори бенавоға,
Беринг бору йўғин сели фаноға.

Вафо қасрин бу янглиғ айлаб обод,
Равонимни ўзингиздин қилинг шод.

Фарҳод «бузуқлуқ» оламидан қанча чуқур шикоят-ланмасин, лекин ҳаётдан нафрат қилмайди. Ҳаётнинг давомини, гуллашини истайди. Фарҳод ҳаётнинг равнақини чуқур орзу этганини, уни Ширинни севгандек севганини мана бу мисралар гоят ёрқин ифодалайди:

Иқилса ҳужра, бўлсун қаср обод,
Қурус сабза, бўлсун сарв озод.

Навоий «ишқ» мафҳумини бениҳоят чуқурлаштиради. Ишқий эртақлардан шоир ўз қарашларини, ижтимоий, фалсафий қаноатларини бадиий умумийлаштирувчи асарлар яратади. Навоий учун ишқ билан вафо деярли айни маънодошдир. Унинг қаҳрамонлари «ҳайвон била вафосиз одамий»нинг бир-биридан фарқсизлигини таъкидлайдилар. Улар «вафо»ни муқаддас бурч деб биладилар, улар, ҳаётда учраган оғир тўсиқлардан, мушкуллардан бир он бўлсин чекинмайдилар. Чин ҳоқонининг ботир ўғли Фарҳод, Арманистоннинг тоза, гўзал юлдузи Ширин, араб саҳроларининг нодир гуллари Қайс (Мажнун) ва Лайли ишқда шундай вафокор қаҳрамонлардир.

Фарҳод сингари ишқни она сути билан эмган Қайс ўз севгилисини кўзгуда эмас, мактабда кўриб севади. Бу ҳол Мажнун билан Лайлининг афсонавий ишқини воқеликка яқинлаштиради. Қўйлари, тевалари саҳрони тўлдирган бир араб давлатмандининг ўғли шундай иккинчи бир давлатманднинг қизи билан мактабда ҳамсабоқ бўлиб, севишгани жуда табиий бир ҳол. Қайс ва Лайли бошқа мактабдошлари билан бирга гўзал бир баҳор куни боғ сайлига чиқадилар. Ноғиҳон икки севишган навжувон атрофи гуллар билан қуршалган бир пинҳон манзилда учрашиб, борлиқларини ўраган чуқур, қизгин севги ҳақида илк дафъа тил очишга ботинадилар. Лекин «бузуқлуқ» тўла фалакнинг қаҳрли кучлари Фарҳод билан Ширин ўртасига раҳна солган каби, бу икки ҳамсабоқнинг ожиз елкасига ҳам даҳшатли зарб билан ағдарилади.

Қайс нодир маънавий бойликка эга бўлган олим, шоир, мутафаккир йигит:

Топиб илму хирадға пайванд,
Ҳам олим эдию ҳам хирадманд.

Ақл комилу камоли маъқул.

Таъби хушу назми ҳам равондур.

Қайснинг Лайлига бўлган муҳаббати учун ҳар қандай таъриф ва тавсиф қуёш қаршисида қора чироқ каби кучсиздир. Ишқ донишманд йигитни девона қилади. У узлигини, қавм-қариндошини унутади. Бутун ҳаёт ва кинот унинг учун ёлғиз Лайли ёди билан жилваланади:

Уз отию, қавму ҳайли оти,
Пўқ ёдида ғайри Лайли оти.

10 Мажнун кўчада тентираб юрган дайди итнинг «бахтига» суқланади, чунки ит Лайли қабиласи яшаган жойларда эркингина ирғийди:

Мен гар топмай бу комронлиқ,
Сен айлабон онда посбонлиқ.

Бу ким сену мен биз икки ҳамдам,
Мен хору валек сен мукаррам.

Сен ёр эшигида шоду масрур,
Маҳрум мен ғарибу маҳжур.

Сен кўйида ҳар тараф шитобон,
Мен зорга жилвагоҳ биёбон.

20 Сен кўйида тош уза қўюб бош,
Бошимга фироқи ёғдуруб тош.

Сен мендин ўлуб вафода афзун,
Ҳам сидқда, ҳам сафода афзун.

Пўқса не учун фалак хироми,
Хор этти мени, сен кироми?

Бу шукрғаким сипеҳри хунхор,
Қилди сени муҳтарам, мени хор.

Ким соз этибон фиғонни мендин,
Гоҳи ўп ул остонни мендин.

30 Ажойиб истеъдоди, нодир шахси билан элга танилган йигит шундай қудратли ишқига қарамай, Лайлига эришолмайди. Нима сабабдан? Мажнун билан Лайлининг севгисига тақдир бахтсизлик тамғасини босганми? Поэмада Мажнун билан Лайли гўё қисматнинг йиғлоқ болалари каби тасвир этилади. Лекин бахтсиз севгининг томирларини ижтимоий ҳаётдан ахтаришга тўғри келади. Поэмадаги баъзи воқеалар бу фикрни тасдиқлайди.

Мажнуннинг ишқдан хотири паришонлигини Лайлининг отасига жуда силлиқлик билан билдирадилар.

Лайлининг отаси йигитнинг аҳволига ачинади, унинг фозиллигини эътироф этади-да, мушкулини ҳал этиш-да ёрдамга тайёрдек «қай гулни» севганини, «қиблагоҳи» қайси қабила эканини сўрайди. Мажнун унинг қизига муҳаббат қўйганини ғоят усталик билан ишора қилингач, отанинг капалаги учиб кетади. Мажнуннинг ота-онасига шундай таҳдид қилади:

Ким топса иши жунунга пайванд,
Мажнунга илож банд эрур — банд!

Билманму шукуҳу савлатимни,
Аъроб аро молу шавкатимни?

Ҳам ўғлунга, ҳам сенга билурмен
Ким, ҳарне қилай десам қилурмен.

Лекин сенга бу тағофул ўлмиш,
Фафлат юзидин тажоҳул ўлмиш.

Қил забтин анинг чу бўлдинг огоҳ
Мундин нари ким наузубиллоҳ:

Бўлса яна бўйла амр зоҳир,
Аввал ани айлагумдур охир.

Сўнгра сенга доғи қаҳр сургум,
Хайлигини бу даштдин итурғум.

10

20

Лайлининг отаси ёлғиз бойлигини эмас, балки «шукӯ ва савлатини», «шавкатини» пеш қилади. Кеккай-ган ота ҳар ҳолда катта қабила бошлиғи, йирик феодалдир. У Мажнуннинг Лайлига муҳаббатини ўз иззат-нафси учун, қабилалар орасидаги эътибори учун бир ҳақорат ҳисоблайди. Мажнуннинг отаси, гарчи поэмада давлатманд кўрсатилса ҳам, лекин аслда «қора суяклар»дан оз фарқ қилган бўлса керак. Чўл ҳокимининг таҳдиди Мажнун қабиласини ваҳмга солади. Йигитнинг ота-онаси тилаб олган азиз фарзандини саҳродан судраб келиб, оёқларига кишан уришга мажбур бўлади.

30

Мажнун каби маънавий камолоти билан эмас, мол-мулки билан донг чиқарган Ибни Салом «юз навъ ҳадяи кироми» билан совчилар юборганда (совчилар ҳам афсона гузар, шайх монанд хирадманд зотлардан терилган) Лайлининг мағрур эгаси уларни катта мамнуният билан қаршилайди. Ибни Саломни куёв қилиш билан фахрланишини билдиради. Демак, Мажнун

40

ишқининг трагедияси шундаки, олим ва шоир йигит, юқори, катта давлатманд табақага мансуб бир гўзалга кўнгил қўйган. Асилзода оилага куёв бўлиш учун мажнунона севги, олимлик, шоирлик кифоя қилмайди, Ибни Салом каби «беадад мол, жиҳоз» соҳиби бўлиш керак.

- Ижтимоий адолатсизлик қурбони бўлган, бутун ошиқларнинг дардини, бахтсизлигини ўзида мужассамлантирган Мажнун курашчан руҳга эга эмас.
- 10 У ўзининг қудратли иродасини мақсад йўлида, Лайлига эришиш йўлида ҳаракатга келтирмайди. Унинг кучи, иродаси тақдирнинг даҳшатли зарбаларига ажойиб мардонавор тоб беришга қаратилган. Унинг севги стихияси аллақандай хаёлий шакл олган ишқ бўлиб қолади. Бундан хорижда унинг ўзи ҳам, ҳаёт ҳам йўқ. Бахтсиз ишқининг дард-ҳасрати унга гидо, айрилиқ азоблари унга роҳат ва ором бўлиб қолади. У, инсонлардан қочиб гоҳ чўл-биёбонларда, гоҳ тоғларда тенгираб, ҳайвонлар билан улфатчилик қилади. У кўйлагини йиртиб, жонининг қўтир ити яраларини боғлайди, унинг тумшуқларини ўпади, оёқларига кўзларини суртади, тузалиб яна ёрнинг манзилига борсанг, мени унутма, тумшуғинг билан мен учун ёрнинг эшигини ўп, дейди. Ёрнинг хаёли олдида Мажнун ўз шахсиятини «ҳеч» деб билади. Ўзининг вафодорлигини итнинг вафодорлиги билан тенглаштиради:

Ит кимсага бевафолик этмас,
Бошин олиб ўзга сори кетмас.

- 30 Мен итига узр қулғон итмен,
Бу даштда телба бўлғон итмен.

- Шунинг учун Мажнун тўрт оёқлаб юришдан ҳам хижолат тортмайди. У Лайлини кўриш учун қўй терисига бурканиб, чўпон ҳайдаган қўйлар орасида оғилхонага ҳам киради. Мажнуннинг отаси қидира-қидира уни бу харобада топади: Мажнуннинг кўзларига қадалган тикан ва чўп, киприкларидан мўлроқ; у гоҳ чумоли тутади, гоҳ тупроқдан гўр ясайди, гоҳ кесак ташийди, гоҳ бошига тупроқ сочади, гоҳ томга сакрайди, гоҳ қушларга жўр бўлиб сайрайди ва ҳоказо. Бечора ота суюкли фарзандининг ҳолини бу хароба маскандан ҳам харобароқ кўриб, ўз кўзларига ишонмай қолади ва: «Ким кўрди бу навъ одамизод!» деб

ҳайратини билдиради. Чиндан ҳам Мажнуннинг вазияти фажиъ эди. Унингдек ишқ аламининг тимсоли одамзод орасида ҳеч вақт кўрилган эмас. Лекин шундай фажиъ вазиятда ҳам у ўз муҳитидан маънавий жиҳатдан маълум маънода юксак туради. Ишқдан, садоқатдан маҳрум одамларгина Мажнуннинг ички ёрқин дунёсини англашдан ожиз қолиб, уни «жинни» (мажнун) эълон қилганлар. Ишқ ва айрилиқ, аксинча, Мажнуннинг маънавий хазинасини бойнатади. Лайлининг хаёли шоир Мажнун учун туганмас, ёрқин илҳом 10 манбаини очади:

Лайли ғамидин қилиб тафаккур,
Юз байту ғазал деб ўйлаким дур.

Ҳам қофияси анинг сифоти,
Ҳам барча радифи онинг оти.

Эшитгач ани ғамину дилшод,
Юз завқу нашот ила тутуб ёд.

Абётига маъни оташолуд,
Назми чиқориб димоғидин дуд.

Фақат бир вақтлар «ишқ кўрган» олижаноб баҳо- 20
дир Навфал каби нодир шахслар Мажнунни англади. Навфал саҳрода ваҳший ҳайвонлар билан улфат бўлиб тентираган бу девонани чуқур ҳурмат қилади. У, бечора ошиқнинг бахти учун фавқулудда олижаноблиқ, ҳақиқий мардлик намунасини кўрсатади. Лайлининг отасига кишилар юбориб, «оламдаги барча илми билган» бу олим ва шоир йигитга марҳамат қилишни тавсия этади. Сўз таъсир қилмагач, Навфал қиличнини ишга солади. Қўшин тортиб Лайли отаси билан жанг бошлайди. Ниҳоят, Мажнунни бахтиёр қилиш 30 ниятида Навфал ўз қизини унга никоҳлайди. Жонкуярлигининг сабаби шундаки, саҳро лочини Навфал Мажнун сиймосида юксак инсоний сифатларни кўради. Бу ерда муҳим бир моментни қайд этиб ўтишга тўғри келади. Мажнун ўз севгиси йўлида учраган тўсиқларга қарши курашмади. У зулм-жабрни қарғади, лекин уни поймол қилиш учун қўл кўтармади. Чунки суяниш учун у реал кучларни тополмади. Ожиз ва танҳо ошиқ шоир ҳақсизликларни бартараф қилиш имкониятидан маҳрум қолгач, ўзининг фажиъ вазия- 40

тини ўз қисмати, ўз «ёзмиши» каби қабул этди. Ов овлаб юрган Навфалга йўлиққан вақтида бегуноҳ жониворларнинг қонини тўкмоқ чин инсонга номуносиб бир зулм эканини сўзлаб, теварагидаги ҳайвонларни мудофаа қилади. Аммо Навфал Лайли висоли ҳақида ишорат қиларкан, қувониб кетади ва унинг Лайли отасига очган даҳшатли урушига қарши чиқмайди. Фақат уруш натижасида Лайлига тикилган фалокатни тушида кўриб (жангда Навфалнинг қўли

10 баланд келгач, Лайлининг отаси «ор-номус» сақлаш учун қизини ўлдиришга қарор қилган эди), урушдан воз кечишни Навфалдан ўтинади.

Улуғ ишқнинг мислсиз қаҳрамонлари бўлган Фарҳод ва Мажнуннинг севгилилари ёлғиз ҳуснда, латофатда эмас, балки ахлоқий, инсоний сифатлар эътибори билан ҳам идеал аёл образларидирлар. Арман маликаси оқила Меҳинбонунинг тарбиясида ўсган ва шеър, мантиқ, ҳайъат, тарих, ҳикмат, ҳисоб ва ҳоказо фанларда ва санъатда моҳир олма, шоира қизлар

20 билан қуршалган гўзал Ширин ҳаётнинг равнақиға хизмат қилишга бел боғлаган асл руҳли бир сиймодир. Тоғларни кесиб, чўлга сув келтириш ва бундаги тақир жойларда боғлар, қасрлар яратиш каби жасур ва халқчил фикр Ширинга тааллуқлидир. Фарҳод қазиб битирган ва бутун халқнинг умумий қувончи ва тантанаси билан очилган «Айнул ҳаёт» (ариққа шундай маъноли — «Ҳаёт чашмаси» деб от қўйганлар) илк дафъа Ширин фикрида туғилган ва унинг илҳоми ва ғамхўрлиги билан вужудга келгандир. Ширин Фарҳод

30 нинг подшозодалигини билмасдан, ёлғиз унинг ариқ қазинида кўрсатган қаҳрамонона меҳнати ва эҳтиромкорлиги учун севиб қолади. Фикрнинг гавҳарлари, чуқур севгувчи қалбнинг нозик, тоза ҳислари, ёлқинли эҳтирослари, айрилиқнинг бениҳоят қайғулари билан тўла мактубида ҳам Ширин ошиқнинг мардлигини мақтайди:

Вале бўлмиш жаҳон аҳлиға маълум,
Ки илгинда қаттиқ хоро эрур мум.

40 Чекарга дарду андуҳ журъатинг бор,
Бало торгарға сабру тоқатинг бор.

Агарчи фурқатимдин нотавонсен,
Вале ҳам эрсену ҳам паҳлавонсен.

Хисрав катта қўшини билан Арманистонни қопла-
ганда, Меҳинбонуға шу талабни қўяди: Ширинни ях-
шиликча менга топшир, акс ҳолда мамлакатингнинг
кулини кўкка совуриб, Ширинни куч билан оламан!
Юраги Ширин муҳаббати билан тўлган Меҳинбону
қаттиқ ташвиш тортади. Бир ёқдан мамлакат, иккин-
чи ёқдан Ширин кўнглини оғритмаслик, ниҳоят Меҳин-
бону бу мушкулот хусусида Шириннинг раъйини би-
лишга қарор қилади. Шундай оғир шароитда ҳам Ши-
рин зулмга бўйсуншни истамайди. У инсонлик ғуру- 10
рини, одамгарчилликни ҳамма нарсадан юқори қўяди:

Менга не ёру не ошиқ ҳавасдур,
Агар мен одам ўлсам ушбу басдур.

Агар Бону иложи билса қилсун,
Ўзимни ўлтурурмен йўқса билсун.

Хисрав қамални кучайтиради, мамлакатнинг аҳво-
ли ғоят танг, Фарҳод асир — занжирбанд. Лекин Ши-
рин ўз қалбига, ўз ишқига содиқ қолади. У ўз макту-
бида Фарҳодга муҳаббатини, садоқатини қандай чи- 20
ройли, қандай ёлқинли тараннум қилади:

Хироминг чоғи йўлдош бўлсам эрди,
Сукунинг вақти қўлдош бўлсам эрди.

Қуёш янглиғ бўлиб кундуз қарининг,
Бўлуб тун соя янглиғ ҳамнишининг.

Тикан кирса кафингга кинасидин,
Чиқарсам эрди киприк игнасидин.

.

Агар жонингга қасд этса узун кун,
Сочим еткурса эрди анбарин тун.

Бу билан баробар Ширин мамлакат ва эл олдида 30
ўзини айбли сезади. Душман қўшинининг оёқлари
остида топталган юртига қайғуради. Гарчи эл ва
Меҳинбону икки нодир юракнинг улуғ ишқини англаб,
улардан ўпкаламасалар-да, Ширин эл ва Меҳинбону-
дан уялиб, юраги қонайди. Лекин, бу оғир, аламли
вазиятни Хисрав истибдодига бўйсуниб ўз ишқига хиё-
нат қилишдан афзал кўради. Фарҳод ўлиб, юрт Хис-
равга таслим бўлганда ҳам Ширин ўз ишқига содиқ
қолишга жазм қилади:

Чу кечти жуфтдин ул тоқи офоқ,
Нечук мен жуфт кўзлай ул бориб тоқ!

Вафо аҳли иши мундоқ бўлурму?
Вафо айлар киши мундоқ бўлурму?

Ширин Фарҳоднинг жасадини қучиб жон беради.

Мажнуннинг маъшуқаси ҳам ҳуснда, севгида, са-
доқатда Ширин каби нодир ва идеал бир сиймодир.
Лайли умрининг кўркам гули девона ёрнинг ҳасратида
10 хазон бўлади. Лайли ёшликдан бошлаб ўз муҳитининг
золимона одат ва анъанаси юки остида қолади. У арис-
токраг онланинг кўз қорачиғидай азиз фарзанди бў-
либ канизлар билан қуршалган бўлса-да, эркинликдан
маҳрумдир. Муҳаббатда чексиз садоқатли қиз феода-
лизмнинг одат ва анъаналари, чирик қаҳрли тарбияси
исканжасида бўғилишга мажбур бўлади. Ихтиёрни
севги унинг муҳити назарида катта жиноятдир. Шу-
нинг учун ўз борлигини тўлдирган ишқнинг ошкор бўли-
шидан қўрқади. Баҳорда боғда сайр этаркан гуллар ора-
сида Мажнунга йўлиқиб, кўнгил сирларини сўзлашган-
20 да, канизлари келиб қолади. Лайли қаттиқ қўрқади-
да, йиғлаб канизларига ёлворади.

У ўз ишқи ҳақида оғиз очолмайди. Ибни Саломга
фотиҳа қилингандан кейин, бу хабарни эшитиб, фақат
дояси билангина яширин ҳасратлашади. Айрилиқ из-
тиробларида жимгина ёнишдан бошқа ҳеч қандай
илож тополмайди. Лайли ўз номуси ҳақида қабила
орасида ҳар нав ғийбат ва бўҳтонларнинг ёйилишидан
қўрқади. Шунинг учун бечора қиз тоза, шоирона
муҳаббатини ўз қалбининг қаърида яширишга маж-
30 бур. Ишқ йўлида минг балога йўлиққан Мажнуннинг
бир жиҳатдан сарбастлиги бор: у овозини барала
қўйиб оҳ чека билади. Лайли аёл бўлгани ва ҳуқуқ-
сизлиги учун бутун юрак алангасини ичида сақлайди:

Сен тортибон оҳи оташ олуд,
Мен ўт ёқибон чиқармайин дуд,—

дейди у Мажнунга ёзган хатида.

Жисман нозик бўлган ва айрилиқ ҳасратида тез-тез
оғриб турувчи бу араб қизининг мардона қалби шун-
дай тоза, шундай ёрқин, севгиси шундай чуқур ва гў-
40 залки, унинг хати бунга ойинадир. Унинг юксак туйғу-
лари мавжланган мактубида тенгсиз олижаноблик,

самимият, улуғворлик барқ уради. Ёлғиз Мажнун хаёли билан яшаган ва бутун ҳаётининг маънисини унинг ишқида кўрган Лайли ўз ёрининг Навфал қизига уйлашиш эҳтимолига шундай қарайди:

Мундоқ дағи дедилар фасона
Қим: Навфал ила бўлиб яғона.

Чун ҳужласи сори кўз солибсен,
Олмоққа қизини сўз солибсен.

Бўлсин сенга бахт ёру ёвар,
Биллаҳ менга тушмади бу бовар.

10

Бўлса дағи чун сенга эрур ком,
Не ком сенга менга эрур ком.

Боғ ичра қўйиб қадамни бир кун,
Кўрмиш эдим ул санамни бир кун.

Ҳам хўбу ҳам элга меҳрибондур,
Неча деса яхшиғина жондур.

Евар сенга ҳақ таборак ўлсун,
Бу хайр ишинг муборак ўлсун.

Бўлсанг неча анинг ила хуррам,
Ед айла гаҳи бу хастани ҳам.

20

Инсофға ҳам канора тутма,
Бизни дағи бир йўли унутма!

Лайлини Ибни Саломга узатадилар. Лайли ўзи учун фалокатли бўлган бу тўйга норозилик билдира олмайди. Лекин у тўйни мотамга айлантириш учун тайёрлик кўриб қўяди. Ибни Салом манзилида тўй сурони, ҳашаматли зиёфатлар давом этаркан, Лайли атайлаб олиб борган тиг билан ўз-ўзини қандай ўлдириш каби даҳшатли режани ўйлайди. Унинг бахтига, куёв ногаҳон оғир хасталикка йўлиқиб, у интихордан ва куёв билан бир ёстиққа бош қўйишдан сақланиб қолади. Аммо кўп ўтмасдан, ажал яна унга кўз тикади. Лайли айрилиқ дарди билан ич-ичидан ёниб, ниҳоят, йиқилади. Умрининг сўнгги дамларида у, ўз онасини ёлғиз чақириб, унгагина юрак тугунини очишга ботинади.

Лайли образининг улуғлиги шундаки, бутун ҳаёти қайғу, кўз ёшлари билан кечган қиз оламдан кўзларини мангу юмаркан, ҳаётни лаънатламайди, ҳаётнинг пайдо бўлишини, абадий порлашини орзу қилади:

40

Гул борса чаманга бўлмасун дард,
Кун ботса, фалакка етмасун гард.

Бу мисралар Лайли образини чексиз юксалтиради, унга чуқур маъно ва абадий сўнмас латофат бағишлайди.

Саҳродан қуёндай югурган Мажнун ҳам ўз жонини ёнида ҳаётдан кўз юмади. «Бу кишвари дардининг қаҳрамонлари» Лайлининг онага қилган васияти бўйича бир кафанга ўраладилар, бир қабрга дафн этиладилар.

- 10 «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» содда ишқий эртақлар эмас, балки ишқнинг улуглигига мадҳ ўқувчи қудратли бир симфониядир. Навоий ишқ калимасига оламшумул мазмун беради. Ишқ олдида тожу тахтлар, салтанатлар ҳечдир. Ҳаёт ишқ орқасида маъно ва латофат касб этади. Ишқда вафодорлик, самимият, маънавий тозалик, мардлик сингарни юксак инсоний сифатлар мужассамланиши керак. Навоийнинг қаҳрамонлари бу сифатларни жуда порлоқ акс эттирадилар. Уларнинг ишқи идеаллаштирилган, 20 кучли шоироналаштирилган ишқдир. Ҳатто Навоий «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» поэмаларида ўз дунёқарашига мувофиқ, ишққа символик маъно беришга ҳам уринган. У афсоналарни ўз даврида ҳукмрон диний-фалсафий оқим — тасаввуф идеялари билан сугоришга тиришади. Тилсимотда Фарҳодга Суқрот (Сократ) ишқ моҳияти ҳақида тасаввуфона қарашни олға суради:

Буким ҳақ айлади инсонни мавжуд,
Анга мавжудлиқдин борча мақсуд.

- 30 Эрур ҳақ амрига маъмур бўлмоқ,
Бу ишдин ўзгадин маъзур бўлмоқ.

Чу маҳбуби ҳақиқий улдурур ул,
Анинг васфи сори қатъ айламак йўл.

Гар ул маҳбуб васли бўлди уммед,
Будур иқболи сармад, бахти жавед.

Вале бу давлатедур асру олий,
Эрур мушкул анга етмак хаёли.

Бу йўл ичраки беҳад дарду ғамдур,
Узоқ тортар, вале икки қадамдур.

- 40 Қим ул икки қадамнинг қатъи минг йил,
Қиши урса қадам мумкин эмас бил.

Бирн ўзлукни қилмоқ бўлди фонн,
Яна бир доғи топмоқ бўлди они.

Қиши ўзлукни қўймай они топмас,
Тенгиз кесмай дури яктони топмас.

Бу ўзлукдин қутулмоқ чора сози,
Нима йўқ, ўйлаким ишқи мажози.

«Лайли ва Мажнун»да ҳам ишқ аллегорик парда билан ўралади. Шоир ҳақиқий ва мажозий ишқ масаласига кўп дафъа қайтади. «Ўзлукдин» кечиш асосий шартн, ишқ йўлининг саодатли ниҳояти каби кўрса- тилади: 10

Эй қайди замона бирла хурсанд,
Бўлган сенга ўзлукунг оғир банд.

Ўзлукдин ўзингни айла озод,
То дашти фанога киргасен шод.

Лекин бунга қарамасдан, гениал шоирнинг қаҳрамонлари бутун орзу-амаллари, интилишлари, эҳтирослари билан бой ҳаёт водиснда кезадилар. Мутафаккирнинг баъзан тасаввуфона қарашлари яратган улўф образларини ҳаёт заминидан узолмайди. Унинг қаҳрамонлари дарвиш ҳақиқати учун эмас, ҳаёт ҳақиқати учун курашадилар. Улар эрк ва адолат нури билан яшнаган, поэзия ва муҳаббат билан лим тўлган ҳаётни орзу қиладилар. Навоийнинг қаҳрамонлари гўшанишинликни, тоат-тақвони идеал деб қабул қилмайдилар. Улар ерда юксак ҳаётнинг тантанаси учун бел боғлайдилар. Улар «фалак» мушкулларини ҳал этиш ниятида жамики мавжуд билимларни ўзлаштирадилар. Санъатнинг ўлмас ҳайкаллари бўлган азамат қасрлар барпо қиладилар, тоғларни қазиб саҳроларга дарёлар оқизадилар, зулм-га, ҳақсизликларга қарши курашадилар, улар улўф муҳаббат ва инсонлик учун қаҳрамонона ўлим билан ўладилар. 20 30

«Сабъаи сайёра»да етти иқлим подшоларини ўзига бўйсундирган Баҳромнинг севгилисн Дилором ёлғиз ҳуснда замон нодирасигина эмас, мусиқий санъатининг сожида устодидир. Санъатда идеал камолотга эришган ва офатижон чанг чалиб кўйлар экан, тошларнинг юраги титрайди. Дилоромнинг ҳаёти ҳам қизиқ. У подшолар уруши вақтида, гўдак чоғларида асир тушиб, бир давлатмандга сотилади. Ўз фарзанди каби қараган 40

хўжасиннинг ёрдами билан бу гўзал талантли чўри мусиқа санъатида ажойиб маҳорат касб этади. Дилоромнинг рассом Моний томонидан чизилган расмини кўриш биланоқ, Баҳром ошиқи беқарор бўлиб, Чин хирожи бадалига Дилоромни сотиб олади. Дилором ўз қадр-қимматини биладиган жасур аёл. У шаҳаншоҳнинг ҳузурида ўзини дадил тутади. Баҳром ов овлашда ажойиб усталик кўрсатаркан, Дилором унга офарин ўқимайди, идмон (машқ, такрор) билан ҳар ҳунарда

10 маҳорат касб эта билиш мумкинлигини баён қилади. Бу ҳаққоний мулоҳаза подшонинг ғазабини келтиради. Дилором каби ҳуснда ягона ва нодир истеъдодли аёлни Баҳром чамбарчас боғлаб дашт-биёбонга ташлаб кетади.

Бу воқеадан бурунроқ Баҳром ишқда тараддудлана бошлаган эди. Ҳар вақт кўзлари Дилором юзида, қулоқлари унинг навосида бўлиб, салтанат ишларидан узоқлашиб қолган эди. У «салтанатми, Дилоромми» деган савол қаршисида қолади. Подшолик орқасида

20 кўнгилнинг ҳар қандай орзуларига етишув мумкинлигига ва Дилором ҳам подшолик орқасида қўлга кирганлигига ишонар эди. Ғазаб ва мастлик тарқалгандан кейин Баҳром ўз қилмишига афсус қилади. Кундан-кун зўрайган ишқ ва айрилиқ ҳасрати Баҳромни хасталикка, асабий инжиқликка олиб боради. Подшони соғайтириш учун табибларнинг маслаҳати билан етти олий қаср қурадилар. Баҳром санъатнинг ранг-баранг мўъжизалари билан зангин бу қасрларнинг ҳар бирда бир кун қўниб, шоҳона зиёфат-базмлар ясайди. Аммо

30 оқшом бўлгач, фироқ кучаяди, кўзига уйқу келмайди. Юпаниш учун ҳар оқшом бир мусофирдан ҳикоя тинглайди. Шундай қилиб, у етти қасрда етти мусофирга ҳикоя сўйлаттирадики, чиндан ҳам дostonнинг бадийий маҳоратини ана шу ҳикоялар ташкил этади. Бу мустақил етти ҳикояда юксак ахлоқлик, ажойиб одамларнинг мардона қилмишлари, саргузаштлари, романтик можаролар ўқувчи кўзи олдида бир-биридан гўзал, бир-биридан мароқли, бир-биридан маънодор картиналар равишида гавдаланади. Ҳалаблик давлатманд

40 Аҳий, мисрлик Саъд, румлик заргар, саховатли Масъуд ва уни севган қиз, шаҳзода Суҳайл ва унинг севгилиси малика Меҳр, хоразмлик мусиқийшунос ва ҳоказолар ёрқин шахслардир. Ҳикоялар жонли, бой

фантазиянинг ранг-баранг жилвалари, поэзиянинг тоза чаманзорлари билан товланади. Айрим ҳикоялар фавқулодда мукаммал ишланган кичик поэмалардир. Бешинчи ҳикоянинг сюжетини чизайлик: бир подшонинг гўзал қизи Меҳр денгиз томошаси учун кемага ўтиради. Ногаҳон шамол кучайиб, кемани ўзга ёқларга суриб кетади. Тўлқинларда саргардон маликани денгиз қароқчиси Жобир асир қилади. Лекин қароқчи у ерда қизнинг ҳуснига дарров асир бўлади. Меҳрни жазирадаги қасрга жойлаштириб, унинг одамларини қайтариб юборади ва ўзи гўзал асирасига яқин келишга ботинолмай, унинг ишқи билан ҳушҳол бўлиб яшайди. Меҳр гўзал ва шижоатли бир шаҳзодага — Суҳайлга атоғлик экан. Воқеадан хабарсиз шаҳзода тўй-томоша қилиб севгилисини олиб қайтиш учун кемага ўтиради. Яна бўрон кемани олиб кетади. Денгизларнинг омонсиз ҳукмдори Жобирнинг «ов» қидирган одамлари унга хабар беришади. Жобир бало-қазодек етиб келиб, шаҳзода билан қаршилашади. Икки ботир йигит узоқ ва қаттиқ курашади. Жобир душманни куч билан енгиндан ожиз қолгач, ўзини сувга отиб, Суҳайл кемаси тагини тешади. Сув билан тўлган кема ғарқ бўлади. Қароқчи ҳушсиз Суҳайлни сувдан олиб, ўз қайиғига солади-да, қўл-оёқларини боғлайди. У Суҳайлнинг журъатига тан бериб, ўлдиришдан воз кечади, лекин, қутулса, бир кун бошимга бало бўлади деган мулоҳаза билан уни қасрдаги чуқур чоҳга ташлайди.

Меҳр билан бўлган эл ўз юртига қайтиб, воқеани подшога билдиради. Бу қайғули воқеани ўз қудасига ёзиб, Жобирнинг бандидан Меҳрни қутқариш учун Суҳайл отаси билан бирга юриш қилиш кераклигини билдиради. Суҳайлнинг отаси олти ойдан буён ўғлидан дарак йўқлигининг сабабини энди фаҳмлайди. Икки подшо айни вақтда Жобир устига бири қуруқликдан, бири денгиздан юриш қилади. Аммо, ҳар иккови ҳам қароқчига асир тушади.

Меҳр чоҳ остида бир асир борлигини билиб, уни яширинча бўшатиб, Суҳайлга юборишни ўйлайди. Ҳар қандай хизматни бақаришга асирнинг розилигини билгач, уни икки каниз ёрдами билан чоҳдан тортиб олади-да, ўз дардини очиб, воқеани Суҳайлга етказишни сўрайди. Қизнинг илтимосидан асир ҳушидан кетади. Таажжубланган Меҳр таҳқиқлаб, асирнинг Суҳайл

эканини билади. Шунда топишадилар. Суҳайл Жобирга дуч келиб сен мени ҳийла билан асир қилдинг, мен сенга энди йигитликни кўрсатай, дейди ва уни йиқитиб, боғлаб, чоҳга ташлайди. Жобирнинг асирлари бўшатиларкан, икки подшо Суҳайл ва Меҳрнинг оталари ҳам етиб келади. Айрилганлар йиглаб-йиглаб кўришадилар. Ҳаммада қувонч ва ҳайрат.

- 10 Еттинчи иқлимдан келган мусофир—хоразмлик мусиқашунос Дилоромнинг саргузаштини ҳикоя қиладики, айрилиқни абадий деб ўйлаган Баҳром севгилисининг дарагини эшитгач, кишилар юбориб Дилоромни олиб келтиради.

- Чамбарчас боғланган чала ўлик Дилоромни чўлда тасодифан эски хўжаси (бу киши Дилоромни кўриб келиш учун сафарга чиққан экан) топиб олган ва Хоразмга олиб жўнаган эди. Дилором образида шу нарса муаммо каби туюлади: Дилором ўзининг ҳаққоний сўзи учун подшодан қаттиқ жабр кўрган ва ўлимдан тасодифан қутилган бўлишига қарамай, уни чуқур севишда давом этади. Баҳромнинг қаҳрини оқлаб, ўз қилмишидан пушаймон бўлади, Баҳромга айтган сўзларини жаҳл натижаси деб баҳолайди, тортдиғи азобуқубатини оз деб ўйлайди:

Қи агар адл ила қилиб чора,
Мани қилурса эрди юз пора.
Деганимга жазо эмас эрди,
Қилганимга сазо эмас эрди.

- 30 Дилором тарки дунё қилган каби парда ичига камалади, бошқа шоҳларнинг таклифини рад қилади. Унинг қўшиқларида ҳижрон дарди қайнайди. Унинг овунчоғи йиғи, аламли мусиқа ва куй бўлиб қолади.

- Навий «Сабъан сайёра»ни умуман «ишқ мояси» билан сугоришга уринган. Лекин бу ишқ, бошқа поэмаларда кўринганидек, идеал садоқат, мислсиз қаҳрамонлик идеялари ва чуқур эҳтиросларнинг ёлқинлари билан оламшумул маънолар поғонасига юксалмайди. Чин мулкни хирожи бадалига сотилган гўзал қиз қандай қилиб Баҳромни севиб қолади, унинг қандай хислатларини идеаллаштиради, ундан қандай самимият 40 кўрди — бу саволларга поэмада жавоб йўқ. Дилором чуқур севгувчи аёл сифатида эмас, нодир муסיқий талант сифатида жуда мароқли, ёрқин шахсдир. Ҳукмдорлик шон-шавкатини севгидан устун қўйган ва под-

шолик қўлимда бўлса, бундоқ гўзаллар топилаверадиди, деган Баҳром типик характер эди. Ишқда мардлик ва фидокорликни ҳаммадан юқори кўтарган Навоий бу нуқтани яхши очиб беради:

Ишқ ила шоҳлик мувофиқ эмас,
Ишқ лофида шоҳ содиқ эмас.

Баҳром ўз севгилисини — хуснда ва истейдодда ягона бўлган аёлнинг сочларини боғлаб, биёбон йиртқиқларига ширин луқма бўлсин деб, ташлаб кетаркан, бу ҳаракат жони-тани ов ва май бўлган шаҳаншоҳ учун жуда ёпишиб тушади. Бу ҳолда унинг Дилоромга бўлган муҳаббатини кўнгилнинг енгил орзуларидан бири деб тушунтириш мумкин бўлар эди. Аммо Баҳром ғазабдан тушгач, бирдан катта ишқ сезади. У ўз зулми учун чин, самимий виждон азоби билан оғримайди, қилганига фақат пушаймон қилади, кўзлари Дилоромнинг хуснини кўрмай, қулоқлари унинг сеҳркор наволарини туймай, қайғуради, оҳ-воҳ чекади, ниҳоят хасталанади. Лекин мана шунинг ўзи ҳам Баҳром характери учун анча бегона бўёқ бўлиб кўринади...

«Хамса»нинг сўнгги достони «Садди Исқандарий»дир. Шоир бу поэмада македониялик жаҳонгирнинг таржимаи ҳолини, унинг юришларининг тарихини аниқ васиқаларга суяниб шеърда ҳикоя қилиш каби бир вазифани ўз олдига қўймаган. Исқандар Шарқ халқларига энг кўп таниш бўлган жаҳонгирлардан бири. Унинг ҳақида Шарқда кўп афсоналар яратилган. Бу афсоналарда Исқандарнинг сиймоси ҳам, унинг фаолияти билан боғланган тарихий воқеалар ҳам замон ва муҳит талабларига кўра, катта ўзгаришларга учраган ва фантастик шакллар олган. Навоий достонида ҳам тарихий воқеалар билан афсоналар, фантастик элементлар жипслашиб кетади.

Навоий «Садди Исқандарий» да идеал ҳукмдор образини яратишга интилади. Бу образнинг маънавий сиймосида, амалий фаолиятида шоир ўзининг сийсий қарашларини, ижтимоий идеалларини акс эттиради. Халқ ҳимоячиси бўлган Навоий халқнинг маданий ва иқтисодий кўтарилиши учун жамиятда мустаҳкам қонун ҳукм суриши, давлат тепасида турганларнинг вазифаси қонун ва адолатни қўриқлашдан иборат бў-

- лиши кераклигини илгари сураб эди. Феодализм сиёсий анархиясига, майда хонлик ва бекликларга парчаланишга душман бўлган шоир, табиий, йирик ва марказлашган давлат идеясини ёқлар эди. Шундай давлатда халқнинг тинч меҳнатини таъмин этиш, қонун ва адолат дастурларини барпо қилиш ва хазинани бойитиб, маданий ишларни ривожлантиришга ишонар эди. Шу билан баробар, бу идеяларни юқоридан амалга ошириш мумкин деб биларди. Биринчи
- 10 галда у подшодан кўп нарса кутади. Навоийча, подшонинг тадбир ва сиёсатининг характерига қараб мамлакат ё тараққиётга ёки инқирозга юз тутини мумкин. Шу сабабдан Навоий Ҳусайн Бойқарога муносабати билан ўз фикрларини уқтиришдан чекилмайди. Давлатчиликнинг асосига халқпарварликни, қонун ва адолатни қўйган Навоий ўз асарларида бу тўғрида такрор-такрор сўзлашдан чарчамайди. Бу унинг ижодиётининг энг асосий ҳалқаларидан бўлиб қолади. У зулмининг машъум натижалари, адолатнинг яратувчи кучи
- 20 тўғрисида бир файласуф, тажрибали сиёсатчи, инсонпарвар ахлоқчи сифатида чуқур фикрлар баён қилади. Навоий ўз даврида феодал бошбошдоқлигини, талон-торожни, халқнинг ҳақ-ҳуқуқи поймол қилинганини кўрди, подшонинг зулмини тугатиш ўрнига, бир тўда баланд-паст мартабали золимларга бошчилик қилаётганини тушунди. Мамлакатнинг ободонлигини, халқнинг саодатини кўришни истаган улуғ шоир бу ёвуз кучларга қарши курашга шайланади. Лекин бунинг учун дастлаб подшони фош қилишга тўғри келар
- 30 эдики, бу жуда оғир масала эди:

Шоҳ хизматиға бировки бўлғай мойил,
Кўру кару лангу шал керактур ҳосил.

Асрорининг ифшосида гунг айласа лол,
Бу мушкул эрур барчасидин, бу мушкул.

- Лекин ҳақиқат курашчиси бўлган Навоий подшо олдида кўр, кар, шол бўлишни истамади. Вазияти қанча оғир бўлмасин, у подшонинг сирларини фош қилишга интилди, ҳаётдаги жабр-зулмини имкон борича
- 40 энгишга бел боғлади: «Илгимдан келгунча зулм тўғини ушатиб, мазлум жароҳатига интиқом малҳамини қўйдим ва илгимдан келганини ул ҳазрат арзиға еткурдим».

Шоир ҳаётда халқ манфаатлари ва маданият учун курашиб, Ҳусайн Бойқарони ҳар қачон яхшиликка, адолатга, халққа ғамхўрликка чақирди, ўз ижодиётида зулмни қоралади, ўзининг сиёсий ғояларини акс эттирадиган улуғ образларни яратди. «Искандарнома»нинг қаҳрамони шундай образдир. Навоийча, Искандарнинг улуғлиги ва унинг зафарларининг сабаби шундаки, у халққа яқин турган, халққа ғамхўрлик қилган; тахт билан халқ орасида тўсқинлик ётмаган:

Скандар яна тахтин айлаб мақом,
Халойиққа ҳукм айлади бори ом.

10

Улус қилдилар хизматиға ҳужум,
Қуёш теграсида нечукким нужум.

Ғиғилғоч улус шаҳ қилиб ибтидо,
Халойиққа сўз мундоқ этти адо —

Ки: берди менга додгарлик илоҳ,
Бор эрса халойиқ аро додхоҳ.

Қилиб олима арзи ҳол айласун,
Ўз аҳволини қийлу қол айласун.

Қошмда сўзин арз айлар замон,
Мени бир ўзи янглиғ этсун гумон.

20

Не тахтимдин ўлсун анга даҳшати,
Не тожимдин ўлсун анга ваҳшати.

Навоий Ҳусайн Бойқарога мурожаат қилганда аксар вақт худди шунинг сингари фикрларни уқтиради. Искандар бир кўп нарсалар ихтиро этиб, янги тартиблар барпо қилиб, халқ тирикчилигини осонлаштиради. Искандар амалдорларни назорат остига олади. Яхшиларни тарбия қилади, ёмонларни жазолайди. Халқнинг арзи-додини ҳар кунни ўзи сўрайди, солиқларни камайтиради. Унинг бу тадбирлари бекор кетмайди:

30

Бу янглиғ чу оз вақт тузди русум,
Ғаний бўлдилар адлидин аҳли Рум.

Навоийча, Искандар шижоатли, ғайратли ҳукмдор. У ўзининг ақли, тадбири, адолати орқасида мамлакатни обод қилиб, мукамал қўшин ташкил қилади. У Ғарбда, Шарқда жуда кўп мамлакатларни забт қилади, лекин ўша мамлакатлардаги халқларни талон-

195

тарож қилмайди. Бу ерларда у қонун адолатини бар-по қилади, ваҳший одатларни битиради. Искандар ҳар ерда шаҳарлар бино қилиб, маданиятга хизмат кўрсатади.

Искандарнинг бутун фаолиятида асосий мезон адолат идеясидир. Навоий Искандар образида бу идеянинг фавқулодда қудратини очиб беради. Шунинг учун «Садди Искандарий»ни адолат тантанасини мадҳ этувчи буюк қасида, деб аташ мумкин. Душманлар

10 Искандарнинг қўшинидан кўра адолати олдида кўпроқ бош эгадилар.

Искандар ҳамма илмлардан баҳраманд бўлган ва илмни, илм аҳлини ҳурматлайдиган ҳукмдор. У жуда кўп файласуфлар, олимлар билан қуршалган. Ҳар ишни уларнинг кенгаши билан бажаради. Илмга суюниб, файласуфларнинг ихтироларини татбиқ этиб, мустаҳкам қалъаларни, даҳшатли тилсимларни эгаллайди. Искандар ҳаёт ва табнатнинг сирларини билишга қизиқади. Қуруқликда кезиб кўргани ўсимликлар, кон-

20 лар, ҳайвонлар ва ҳоказо уни қаноатлантирмайди, у денгиз тагига тушиб, сув қаъридаги дунёни кўришга, унинг сирларини англашга қизиқади:

Фаройиб неким даҳр аро бор эди,
Бу бир махфий, ул бир падидор эди.

Наботию конию гар жонвар,
Фаройиб мисолу ажойиб сувор.

Сипеҳр этти олимда ифшосини
Ки, қилдим борининг тамошосини.

30

Неким арз сатҳида топмиш вужуд,
Манга бўлди манзур буду набуд.

Ва лекин тенгиз сайрини қилмадим,
Не эрконни ул пардада билмадим.

Савоҳилда дерларки кўбдур ғариб,
Жузойирда ҳам кубрак андин ажиб.

Бухор ичра худ бениҳоятдурур,
Муҳит ичра беҳадду ғоятдурур.

Шундай қилиб, жаҳонни забт этган қаҳрамон уни танимоққа ҳам интилади. Олимларнинг ёрдами билан махсус асбоблар ясаб, денгиз остига сафар қилади.

40 Навоий яратган Искандар образи юксак камолотга

эришган бир шахсдир. Шоир шундай олим, дониш-манд, одил, олижаноб, халқпарвар ҳукмдор тўғрисида ҳаёл қилар эди. Шоир ўз замонасининг подшоҳига шундай улуғ жаҳонгирдан ибрат олиб, мамлакатни идора этишни тавсия қилар эди.

«Садд» Искандарий» мазмун эътибори билан жуда бой дoston бўлиб, бунда Навоий Искандарнинг юришларини тавсифлашдан ташқари, ҳар хил сиёсий, ахлоқий масалалар, тирикчилик фалсафасига доир муаммоларни ва бир кўп илмий масалаларни ўз давридаги билимнинг савиясига мувофиқ равишда ҳал этишга тиришади. Булар айрим кичик бобларда, кичик ҳикояларда ва Искандарнинг Аристотелга саволи ва файласуфнинг муфассал жавобини ўз ичига олган айрим парчаларда баён қилинса ҳам, лекин поэманинг асосий мавзуи билан органик бирлик ташкил этади, мавзунинг инкишофида воқеаларнинг ва кайфиятларнинг характериға боғлиқ равишда берилади. Буларда асосий мавзудан келиб чиқадиган маълум масала, ҳисси ҳақида дастлаб шоир назарий умумийлаштирувчи йўсинда ўз қарашларини, мулоҳазаларини айрим баён қилади, сўнгра худди шу масалаға доир бўлган ва уни бадний конкретлаштирадиган ҳикоя-афсона берилади. Масалан, поэмада Искандар тахтға ўтириб, ўз юртида адолатни тиклагани тўғрисида сўз борганда, бундан кейин шоир айрим бир бобда умуман адолатнинг ажойиб яратувчи қудрати ва туганмас хислатлари ҳақида ўз қаноатларини сўзлайди. Кейин адолатнинг фойдасини яққол кўрсатадиган бир ҳикоя-афсона (подшо Маҳмуд ҳақида) берилади. Ниҳоят, Искандар ва Аристотелнинг савол-жавоби келадикки, бунда ҳам мавзу, баҳс «адолатнинг натижалари» ҳақидадир.

«Гул ва сабза айёмида» Искандарнинг тўйи ҳақида сўз бораркан, шоир йигитликнинг завқ ва нашъасини, баҳорнинг латофатини мақтайди. Кейин булбул билан зоғ ҳақида кичкина, лекин жуда чиройли ҳикоя-масал беради. Ҳикоя Искандарнинг баҳор гулларига инсон табиа̀ти нима учун мойил эканлиги хусусида бўлиб, ундан кейин Аристотелдан савол ва файласуфнинг жавоби келади.

- Шоирнинг гигант меҳнатининг маҳсули бўлган ажойиб китоб — «Хамса» ўз замонига қадар инсоният фикрий тараққиётининг жуда асл, жуда қимматли қўймаларини ўзида тўплаган хазинадир. «Хамса» бир кўп қадимий маданиятларнинг бадий ва фалсафий фикрининг шоирона синтезидир. Унинг ҳар саҳифаси шоирона даҳо билан нафас олади. Унинг буюк шоирона илҳом билан сугорилган ҳар мисраси, абадий сўлмас жонли гул каби, ўқувчини ҳамма вақт мафтун этади. «Хамса»нинг биз гоят умумий чизгиларда кўздан кечирдигимиз ҳамма поэмалари баркамол инсонни, халқ эркинлигини, ҳаётда адолат ва гўзаллик тантанасини, юксак ишқ ва чуқур садоқатни мадҳ этади, ҳаётнинг тоза ва тўлғин гуллашига тўсиқ бўлган ёвуз кучларни, жабр-зулмни лаънатлайди. Бутун ҳаётида маданият курашчиси бўлган шоир «Хамса»да ҳам маданият ишқи билан ёнади. Унинг мусбат образларининг ҳаммаси замонасининг энг маданий ва барча илмда комил бўлган одамлардир. «Хамса»да энг нодир, энг моҳир санъаткорларнинг образлари берилади, энг гўзал санъат обидалари тасвир этилади. Шоир санъатнинг ҳаётбахш кучига шундай чуқур ишонадикки, ҳатто хасталарни соғайтириш учун поэмаларда табиблар ҳаётий тадбирлар кўрсатиб маслаҳат берадилар.
- Биз поэмаларнинг асосий қаҳрамонлари билан танишганда, поэмаларнинг идеявий чуқурлигини кўрсатиш билан уларнинг юксак бадий қимматига ҳам ишорат қилдик. Чунки, бадий асарнинг руҳи асосан қаҳрамон образидир. Асарнинг идеявий чуқурлиги ва шоирона мумтозлиги образларнинг бадий тўлғинлиги билан ўлчанади. Навоий яратган образлар эса бадий тўлғинликнинг ажойиб намуналаридир.
- «Хамса»да бадий сўз санъаткорлиги энг юқори даражага етказилган. Шоирнинг лексикаси ўз бойлиги билан чиндан-да, шоён ҳайратдир. Ҳар қандай фикр, ҳар қандай ҳис ва кечирма, ҳар қандай эҳтирос учун улар қанчалик чуқур, қанчалик муаллақ ва тутқисиз бўлмасин Навоий энг мос сўз, энг мос ранг ва картина топади. Ҳар қандай воқеа унинг жодугар қалами остида жон ва қон касб этади. Ҳатто, энг оддий воқеа-

ларни ҳам шоир поэзиянинг тоза нури билан ажойиб равишда товлангириб кўрсата билади. Ҳатто, ваъз-насиҳатлар, илмий масалалар ҳам шоирнинг илҳомидан жонли иссиқлик олади. Улуғ шоирона даҳо ҳамма соҳада ҳам ўз қувватини бир хилда кўрсатади. «Ҳайратул-аброр»да ахлоқий-фалсафий мулоҳазаларини поэзиянинг жонли тилига кўчириш билан бир қаторда энг ёрқин сатирик образлар яратади. Фарҳод учун бино қилинган тўрт олий қаерга машҳур санъаткорлар чизган йилнинг тўрт фасли тавсиф қилинаркан, бадний сўз билан яратилган картиналар ҳаётдаги ҳақиқий фасллар картинасидан жонлироқ бўлиб туюлади. Лекин Фарҳоднинг тоғ кесиб, ариқ қазишда татбиқ этган муҳандислик қондалари баён қилинганда ҳам тўла жонли поэтик манзара гавдаланади. «Лайли ва Мажнун»да қўтир итнинг тасвири қандай усталлик билан чизилган! Лекин Лайли ҳам Мажнун ўз мактабдошлари билан баҳор чоғи сайр этгани чиқаркан, баҳорнинг, чаманзорларнинг тасвирида айни шоирона қудрат барқ уриб кўринади. Лайлининг мактубидан чуқур севгувчи қиз қалбининг кечинмалари бутун ингичка мавжлари билан ифодаланади.

«Хамса»нинг охирида асар ҳақида Навоийнинг орзусини ўқиймиз:

Ки эл нозирга нузул айласун,
Улус кўнгли они қабул айласун.

Озод совет халқи улуғ шоирнинг гениал ижодиётини кечмиш маданиятнинг, бадний фикрнинг буюк совғаси каби чуқур муҳаббат билан қабул қилади, абадий эслайди, коммунистик маданиятнинг янги ғалабаларига эришишида унинг дурдоналаридан фойдаланади.

НАВОИЙНИНГ ДУНЕҚАРАШИ МАСАЛАСИГА ДОИР

Навоий жаҳон адабиётининг ўлмас асарларини яратган улуг сўз санъаткоригина эмас, аини замонда чуқур мутафаккир ҳамдир. Унинг бутун ижодиёти бой фалсафий мазмун билан суғорилган. Унинг ижодиётининг идея жиҳатдан шундай тўлиқликка эга бўлиши унинг асарларига жуда катта куч бағишлайди ва шоирни бадий фикрнинг доҳийлари сарасига қўшади.

- 10 Навоий даврида ва ундан бурунроқ ҳам адабиётда соф формализм ҳукм суради. Айрим тонфа шоирлар ўз асарларининг мазмунига эътибор қилмас, улар, асосан, ташқи ялтироқликка, сўз ўйинларига, сўзда чечанликнинг ингичка, ҳайрон қолдирадиган томонларини жиолоантиришга катта аҳамият берар эдилар. Асарнинг бадий қиймати ва шоирнинг таланти даражаси ҳам соф формал хусусиятлари нуқтаи назаридан баҳоланар эди. Навоий ўз она тилининг маънавий жиҳатдан эронийлашган феодал аристократияси томонидан саҳроийларнинг «дағал» тили деб камситилган тилнинг
- 20 тантанаси учун курашибгина қолмади, у адабиётда ҳукм сурган формалистик оқимга ҳам қарши курашди. Навоий поэзияни ғоявий бўлишини асосий талаб сифатида ҳаммадан юқори қўйди. Навоий учун поэзияда энг муҳим элемент шакл эмас, балки, мазмундир. Шоир дейди:

Назмда ҳам асл анга маъни дурур,
Бўлсин анинг сурати ҳар недурур.

Назмки, маъни анга марғуб эмас,
Аҳли маоний қошида хўб эмас.

- 30 Поэзияда идеянинг устунлигини тасдиқловчи бу асосий принципни олға суриб шоир адабиётни фикрий

камбағалликдан қутқаришга, адабиёт тошқинини кишанлаган музларни парчалашга интилди. Шоирнинг бутун ижодиёти ана шу принципга, яъни асарнинг мазмундорлик талабига бўйсунган. Унинг дostonлари, жўшқин лирикаси идея ва образ бойлиги билан ўқувчини ҳайратга солади.

Навоий фикр санъаткори. Лекин бу билан бирга унинг бадий ижодиётида ҳеч қандай дидактика йўқ эмас. Унинг дидактикаси ҳам ўз идеяларини бадий формада ифодалайди, аммо у шоирона формани ўзи талқин этаётган идеяларга кўпроқ ёрқинлик бериш ва уларнинг таъсир кучини яна ҳам ошириш учун қўллайди. Навоий нима тўғрида фикр юргизмасин (ишқ, дўстлик, адолат проблемалари ёки тараққиёт ва фан масалалари), у ҳамма вақт шоир бўлиб қолаверади. Навоий мутафаккир сифатида мантиқнинг қатъий чамбарлари ичида муҳокама юритмайди, балки жонли, илҳомкор тил билан куйлайди. Навоийнинг идеялари ҳамма вақт тоза, ёрқин образларда тажассумланади: идеялар гўё образларнинг табиий ҳаракатларидан ўсиб чиқади, уларнинг танини, руҳини ташкил этади, уларга тўлақонли ҳаётийлик ва бадий камолот бахш этади.

Навоий жаҳон адабиётида асарлари чуқур фалсафий мазмунга эга бўлган оз миқдордаги буюк ва нодир шоирлардандирки, уларнинг асарларида фалсафа билан поэзия органик равишда бирлашади, ягона бир тилга эга бўлади. Навоийнинг ҳар бир дostonининг асосида оламшумул идеялар ётади, бу идеялар устида ҳамма замонларнинг порлоқ заколари ишлаганлар ва улар учун курашганлар.

Навоий ўз асарларида фалсафий мулоҳазалар билан шуғулланишни севади. Маълум бир туркум масалалар борки, шоир ўз ғазалларида ва дostonларида у масалаларга доимо қайтиб келади, улар устида фикр юргизади. Бу масалаларнинг моҳияти нимадан иборат? Бу масалалар худонинг ва дунёнинг моҳияти, энг сўнгги ҳақиқат масаласи, одам ақлининг билиш қобилияти, дин ва этика масалаларидир. Бу масалаларни текшириш ва аниқлаш буюк шоирнинг дунёга қарашини тайинлаш учун ҳам, беш асрдан кейин социализм мамлакати халқларининг ҳақиқий сарвати бўлиб қолган улуг шеърини, маданий меросни танқидий

равишда ўзлаштириш учун ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлса-да, лекин шу вақтга қадар текширувчилар томонидан қўйилган эмасдир.

Масаланинг бутун қийинлигини билсак ҳам фалсафий масалалар деб аталган бу масалалардан баъзи бирларини бу мақолада тушунтиришга уриниб кўрамиз ва келажакда бу истиқоматда яна ҳам мукамалроқ текширишлар майдонга чиқишини умид қиламиз.

- Фалсафанинг абадий масаласи бўлган бир масала, 10 яъни жаҳоннинг ташқарисида бўлган моҳият масаласи Навоийда қандай ҳал қилиниши биринчи галда келиб чиқади. Бу масалада шоирнинг қарашлари бир турли эмас, шоир ўз асарларида баъзи вақт худони анталогик исбот этишга уринади, у жаҳоннинг «онгли ва чуқур гармониясини» ва жаҳондаги ҳайратбахш гўзалликни тавсиф этиш билан худонинг вужудини исбот этишга ҳаракат қилади. Баъзи вақтда эса шоир масалада ислом нуқтаи назарини қабул қилади ва ҳар бир мусулмон каби мусулмон худосини қабул қилади. Бу тушунишга қараганда худо жаҳоннинг тепасида турган аллақандай сирли бир моҳият ва куч сифатида тавсиф этилади. Бу худо қаҳрли ва олий қудратли куч бўлиб, у мусулмон худосининг барча сифатларига эгадир. Ҳамма Шарқ шоирларида анъана бўлиб қолгандай, Навоий ҳам унга қасидалар бағишлайди. Лекин Навоийнинг асарларида биз худони тамоман бошқача англашни ва тамоман бошқа хилда кўрсатишни учратамиз. Бу тушунишга қараганда, худо жаҳоннинг ташқарисида мавжуд бўлган бир сабаб ёки 30 коинотдан хориждаги сирли бир куч бўлмай қолади. Бунда худо бутун олам билан имманент (бир-биридан айрилмас)дир, лекин Навоий асарларида кўп марта такрор қилинган бу қараш ортиқ даражада шоироналаштирилган ва умуман мистик ҳамда Шарқ тасаввуфи пардаси билан ҳам қалин ўралгандир. Бу қараш Навоийнинг шоирона, рангли тилида шу шаклда ифодаланди:

Не бўлуб аввалда бидоят сенга,
Не келиб охирда ниҳоят сенга.

40

Андаки бор эрди ниҳон бу жаҳон,
Балки ниҳон доғи жаҳондек ниҳон...

Кўргузуб орому сукун баҳри зот,
Мавж аён айламайин мумкинот.

Сен эдингу бас яна мавжуд йўқ,
Жилва қилиб ўзунгга ўз ҳуснинг — ўқ.

Мазҳар ўлуб ҳуснунгга миръоти ғайб,
Жилва қилиб анда хаёлотини ғайб.

Нозир ўзунгга эрдунгу манзур ўзунг,
Ишқингга хуш, ҳуснунгга мағрур ўзунг.

Бирлик эдию адади йўқ эди,
Бирдин ўзга аҳаде йўқ эди.

Жилван ҳуснунгга чу йўқ эрди ҳад,
Кўзгу керак бўлди анга беадад.

Очти бу гулшанники рангин эрур,
Ҳар гул анга ойина Чин эрур.
(«Хамса»дан)

10

Биринчи боқишда бу парчада сўз дунёнинг яратилишини бошқача, махсус бир йўсинда тушунтириш устида боргандай бўлиб кўринади. Гўё худо аллақандай абадий, абсолют гўзал бир моҳиятдир. Дунё бир вақтлар худонинг ўз ичида сукут вазиятида турган, яъни дунё, таъбир жоиз бўлса, худонинг мазмунини ташкил этган бўлади. Сўнгра дунё чексиз ва ҳадсиз «ойина»лар сифатида зоҳир бўлиб, худонинг гўзаллигини ўзида акс эттиради. Лекин масала шундаки, Навоийда худо билан дунё айрим-айрим ҳолда мавжуд эмасдир. Бу ерда худо турли динлар томонидан талқин этилган ва аллақандай хаёлий бир фазода «етти қат кўк»нинг орқасида турган зўр қудратли, даҳшатли бир моҳият сифатида тушунилмайди. Навоийнинг англашича, худо — дунёдир, у бутун жаҳонда тажасумлангандир. Шундай қилиб, Навоийда дунёнинг хорижида турган худо тушунчаси йўқолади, шунинг билан худо ва дунё дуализми бартараф қилинади. Бу пантеистик бир қарашдир. Навоий ўзининг бу пантеизминини мана шу мисраларда жуда ёрқин ифодалайди:

Сен-сен, сендан ўзга худ нима йўқ,
Гар кўрунса сен ўлгунг, ул нима йўқ.

Ҳар савр ичра жилвагар ҳам сен,
Жилвагар демайин, савр ҳам сен.

Ўзи нақшу ўзи манқушу наққош,
Киши бу сирни мендек қилмади фош.

40

Навоийнинг англашича, худо дунёнинг хорижида амал қилмасдан, балки, у дунёнинг ўз ичида амал қилади. У дунё ичида ва бутун жаҳон нарсалари ичида эриган ва сингиб кетган. Навоийнинг бу қараши XVII аср материалисти Спинозанинг қарашини жуда хотирлатади. Спиноза шундай ёзади: «Дунёда мавжуд бўлган барча нарса худода мавжуддир ва худосиз ҳеч ниманинг на мавжуд бўлиши, на фикрланиши мумкин эмас».

- 10 Навоий учун худо дунёда тажассумлангандир. У «мазҳар либосида яширингандир». У шундай бир моҳиятдирки, унинг «ўз ҳусни ўзини ҳалок этгандир». Навоий ҳамма нарсада, бутун олам ҳодисаларида идеал гўзалликнинг ифодасини кўради ва ҳар бир чекли, поёнли нарсада чексизликнинг ифодасини топади:

Гул юзида булбул сени асроринга нотик...
Шамъ ўтида парвона сени ҳуснингга шайдо.

Ким бу гулистонким эрур бу жаҳон,
Балки жаҳона гул ичра ниҳон.

- 20 Жаҳонда рўй бериб турувчи барча ўзгаришлар тангри гўзаллигининг таъсири ва бунинг орқасида янги «ойиналар»нинг пайдо бўлиши билан тушунтирилади:

Ҳуснингга ҳар дам ўзга сурат ўлуб,
Кўзгу такрори ҳам зарурат ўлуб.

Худонинг дунёда тажассумланиши шоирнинг севган мавзуларидан биридир. Бу фикрни у ўзининг бир кўп ғазалларида, дostonларининг мадҳалларида турли шаклда, турли бўёқларда ифодалайди.

- 30 Юқорида биз Навоий қарашлари билан Спинозанинг қарашини чоғиштирган эдик. Уларнинг худо ва дунё масаласида қарашлари бир-бирига асосан мос тушади. Спиноза учун табиат худодир ва худо эса табиатдир. Аини қарашни биз Навоийда ҳам кўрдик. Лекин файласуф ва материалист Спинозада худо ўзининг бутун илоҳий сифатларини тамоман йўқотади. Унда худо деган фақат бир номгина қолади. Файласуфлар сингари мантиқий тушунчалар доирасида фикр юритишга эмас, балки образлар билан фикрлашга интилган шоир Навоийнинг қарашларича, худо ўзининг худодлик сифатларини тамоман йўқотмайди. У ҳали

ҳам табиат ичида жонли ва мукаммал гўзал бир куч сифатида ўзини кўрсатиб туради.

Навоийнинг динни англаши ҳам унинг худо ва табиатга қарашлари билан ғоят сиқик боғлангандир. Лекин айтиб ўтиш керакки, эътиқод масаласида шоир изчил эмас. Унинг қарашлари очиқдан-очиқ икки ёқлама характердадир. У баъзи вақтда исломни ҳамма динлардан юқори қўяди, уни ягона чин дин деб ҳисоблайди, унинг аҳкомлари ҳақида сўзлайди, мусулмон бўлганлиги учун шукур қилади. У умуман мусулмон ва мусулмонлар подшоҳининг вазирлиги сифатида шундай қарашни олға суради. Сўнгра, умуман Шарқ шоирларида анъана бўлиб қолган одатга мувофиқ, мусулмонлар худосининг «маҳбуби» саналган Муҳаммаднинг шарафига ва унинг тўрт халифасига қасидалар бағишлаган вақтда, бу қарашни олдинга суради. Лекин Навоий масалага ўз давридаги фикрий оқимларнинг илғор вакили сифатида ва ўз муҳитининг диний таассубидан озод мутафаккир сифатида қараганда, унда диний таассуб тамоман йўқолади. Энди Навоийнинг назарида ҳамма диний эътиқодлар, ҳатто энг «тубан» ва «варвар» эътиқодлар баравар аҳамият касб этади. Шоир учун ҳамма диний айирмалар ўз аҳамиятини йўқотади. Ҳамма динлар бир моҳиятнинг ифодаси сифатида англашлади ва ҳеч бир дин фақат ўзинигина ҳақиқат деб эълон қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади:

Кимни ким бут қошида паст айлаб,
Сажда қилмоққа бутпараст айлаб.

Бериб ўз ҳуснига бут ичра зуҳур,
Айлаб ул ҳусни-ла ани мағрур.

Ҳар киши ким, қуёшга обид ўлуб,
Анга ҳар субҳу шом сожид ўлуб.

Ҳам сенинг талъатинг зиёсиндин,
Заррадек чарх уриб ҳавосиндин.

Шуълаларга солиб юзинг чу укус,
Куйдириб ўзин ўт қошида маъжус...

Бу парчадан яққол кўринадики, бутда, оловда, қуёшда, шоирнинг қарашича, фақат бир моҳиятгина ифодаланади. Демак, қандай бўлмасин, бир динни бошқалардан устун қўйиш ва унигина ҳақиқий дин

деб аташ мумкин эмас. Жаҳон — худодир ва жаҳондаги ҳамма нарсада фақат угина акс этади. Агар бир киши оловга топинса, у оловда худонинг ифодасини кўради ва уни ҳурматлайди, унга топинади. Бу қарашга мувофиқ, ислом дини ҳам бошқа динлардан ҳеч қандай ортиқчаликка, «мукаммалликка» эга эмас.

- Навойнинг юқорида келтирилган қарашларига суяниб, унинг дунёқарашини мана шу контекстда қандай қилиб характерлаш мумкин? Юқорида зикр этилган фикрларга суяниб, уни қайси фалсафий мактабга кiritиш мумкин? Бунинг учун биз Ф. Энгельснинг «Людвиг Фейербах»идаги материализм ва идеализмнинг таърифини келтирамиз. Ф. Энгельс ёзади: «Ҳар қандай фалсафанинг, айниқса энг янги фалсафанинг буюк, асосий масаласи тафаккурнинг борлиққа муносабати ҳақидаги масаладир... Бу масалага жавоб беришларига қараб файласуфлар икки катта лагерга бўлинганлар. Руҳ табиатдан илгари мавжуд бўлган, деб тасдиқловчилар ва бинноан алайҳ, дунёнинг яратилишини қандай бир турда бўлмасин қабул қилганлар идеалистик лагерни ташкил этдилар. Асосий бошланғич деб табиатни ҳисоблаганлар эса, материализмнинг турли мактабларига мансуб бўладилар».

- Навойда асосий бошланғич сифатида табиатни эмас, биз юқорида кўрганимиз каби, аллақандай абсолют, шоироналаштирилган бир кучни кўрамиз. У куч ўз гўзаллигини «томоша» қилиш учун ўзини дунё шаклида ошкор қилади. Ф. Энгельснинг: «Идеалистларнинг системалари руҳ ва материянинг қарама-қаршилигини пантеистик равишда келиштиришга тиршиб, борган сари кўпроқ материалистик мазмун билан тўлдирганлар», деган сўзлари Навойнинг фалсафий позициясига ҳам татбиқ қилиниши мумкин. Чиндан ҳам Навой объектив дунёни қабул қилади, дунё бизнинг онгимиз хорижида мавжуддир. Лекин бу объектив дунё, шоирнинг қарашича, худонинг жилваланиши сифатида тушунилади.

- Навой руҳ билан моддани, тан билан жонни келиштиришга интилади. Навойча, тансиз жоннинг 40 ёки жонсиз таннинг мавжуд бўлиши мумкин эмас:

Чу жисм ичра жон йўқтур, ул йўқ турур,
Яна жонга ансиз бу ҳол-ўқ дурур.

Бу нуқтаи назар, албатта, материалистик нуқтаи назар эмасдир, балки, идеалист-пантеистнинг нуқтаи назаридир.

Навоний дунёнинг объективлигини қабул қилиш билан бирга бизнинг барча билимларимизнинг манбаи сифатида яна шу объектив дунёни ҳисоблайди. Инсон барча билимларни ўзининг сезги аъзолари орқали объектив оламда касб этади; инсоннинг сезги аъзолари ва уларнинг роли ҳақида Навоний дейди:

Ҳар неки оламда бўлар мудраки,
Кимгаки идрок, мунга йўқ шаки.

10

Навоний нуқтаи назарида сезги аъзоси орқали ташқи оламдан олинган билим «инсон димоғининг коргоҳига» берилади. Ташқаридан олинган билим бу ерда яна ишланади. Сўнг у юқори инсониятга, шоирнинг образли ифодасига мувофиқ, «бурнағи хазин»га, яъни руҳга ўтади. Бу руҳ ташқаридан олинганларни тасниф қилади, кераклигини кераксиздан айиради. Шундай қилиб, бу масалала ҳам, шоир нуқтаи назарида, руҳ ва материя орасида гармония, мувофиқат ва уйғунлик пайдо бўлади. 20

Навонийнинг дунёга қараши маълум социал-сиёсий шароит ичида ташкил топгандир. Сиёсий шароитлар ва давр фикрий мазмунининг хусусиятлари шоирнинг қарашларига ўз таъсирини шубҳасиз кўрсатган. Унинг даврида диний тафаккур чегарасидан чиқиш учун қарийб ҳеч қандай имконият йўқ эди. Бу нарса табиий бир ҳол. Дин ва диний таълимотлар феодализм даврида ҳукм сурувчи бир идеология формасини олган эди. Навоний даврида мавжуд бўлган ҳамма фанлар асосан теология таъсиридан қутулмаган эди. У вақтда фалсафа диннинг малайи эди. Фалсафа худонинг борлигини исбот қилиш билан машғул бўлиши, диний ақидаларни асослаши ва уларни мудофаа қилиши керак эди. Ҳозирги замон маъносидаги табиёт у вақтда мавжуд эмас эди. Биз мисол учун у вақтдаги кимё илмини олиб кўрайлик. У вақтнинг кимёси соф алхимия эди. Навоний ўзининг «Мажолисун-нафоис» деган асарида Абдулқаҳҳор деган бир олим ҳақида сўзлар экан, жуда характерли маълумотлар беради. Навоний ёзади: «Мавлононинг хаёли кимёгарликка тушиб, кўп нима зое қилиб, ҳеч нима ҳосил қилолмади. Кўп ўт пуфлаганидан модда қулоғи сари етиб, кар бўлиб 30 40

эрди». Бундан ташқари қандайдир бир алдоқчи ўзини ажнабий олим — кимёгар деб кўрсатиб подшоҳ Султон Ҳусайнни алдаб кетганлиги ҳақида бошқа бир маъхазда маълумот бор: Султон Ҳусайн Бойқаро, кимёгар ҳар кун неча-неча ботмон мисни олтинга айлантирар эмиш, деган хабарга ишониб, кимёгарни зўр тантана билан Ҳиротда қаршилаб олади. Катта зиёфатлар ясайди. Кимёгар «олим» эса, «эксир» (мисни гўё олтин қиладиган сирли модда) тайёрлаётганлигини

10 баҳона қилиб, ойларча подшоҳнинг зиёфатини еб, инъомларини олиб, сўнг сирни очилиб қолади. У вақтда «кимёгарлик» тасавури олтиннинг ярқираши билан боғланган эди. Аниқ фанлардан фақат математика ва астрономия кўпроқ тараққий этган эди. Лекин Улуғбекнинг фожиавий ўлимидан кейин бу фанлар ҳам йирик арбобларни етиштирмайди. Бу нарса астрономия ва математикага қизиқишнинг пасайганлигини кўрсатади. Мусулмон руҳонийлари Муҳаммад таълимотининг «асосларини» гоят сезгирлик билан қўриқлар эди. Агар бир кишининг сўзи ё ҳаракати «каломулло» билан келишмаганлигига зарра қадар шубҳа туғдирса, у одам энг даҳшатли таъқиботларга дучор бўлар эди. Шундай шароитда интеллигенциянинг кўп намояндалари сўфизм (тасаввуф) соҳасига ўзларини олиб қочадилар. Чунки бу соҳада улар ашаддий реакция, эътиқод масаласида ўлгудек мутаассиб, тор тушунчали бўлган руҳонийларнинг даҳшатли таҳдидларидан оз-моз бўлсин, сақлана билар эдилар. Сўфизм намояндалари ўзларини ҳақиқат йўлига кирган инсонлар деб ҳисоблар эдилар. Ҳақиқат деган сўздан бу ерда, албатта, худо тасаввур этилиши керак. Сўфийларнинг таълимоти бўйича, инсон бу дунёнинг бутун нс-матларидан, завқларидан ва ҳар қандай орзуларидан бутунлай воз кечиши керак. Ҳақиқий сўфий фақат бу дунёдан қўл узиш билангина чекланмайди, балки, у «нариги дунёда» мусулмонлар учун худо ваъда этган жаннат ва ундаги «роҳат» ва «саодат»дан ҳам умид узиши лозим эди. Сўфий ўзининг ички маънавий камолотини ошириш учун жафо чекиши керак. Сўфий шундай бир камолот даражасига эришишга тиришадик, бу даражада гўё у худо билан бевосита муносабатда бўлишга имкон топа олар. Сўфий дунёда ҳеч нимани ўйламасдан, фақатгина худонинг «гўзаллигини томошо

қилиш» ва кўнглида фақат унинг муҳаббатини сақлаб яшаши керак. Сўфизм фаннинг ва умуман дунёвий характердаги олимликнинг душмани эди. У махсус бир «фан» ишлаб чиқарган. Бу «фан» «худошунослик» деб аталади. Бу «фан»нинг талабига кўра, билим ва маърифат худонинг қудрати олдида ўзини нодон ва жоҳил деб иқрор қилишдан иборат эди. Сўфийларнинг нуқтан назарича, инсон дунёни англашга интилиши керак эмас, балки, «яратувчининг» қудрати ва донолиги қаршисида фақатгина ҳайрат қилиши лозим.

10

Сўфизм ҳижрий йилнинг II — III асрларида пайдо бўлиб, мусулмон Шарқининг турли мамлакатларида тарқалди. Сўфизм ўзини исломга нисбатан оппозицияда деб ҳисоблайди. Бу таълимот намояндаларининг фикрига кўра, ислом ўзининг аввалги «содаллиги»ни ва «демократ» лигини йўқотиб, аристократик характер олган эмиш. Сўфийлар ўзларини омма манфаатини кузатувчи деб кўрсатишга тиришганлар. Ўз таълимотларини кенг халқ оммаси орасига ёйишга уринганлар ва кўп ҳолларда бунга муваффақ ҳам бўлганлар. Сўфизм бир кўп асрлар бадалида, асосан ўз моҳиятини ўзгартирмаса ҳам, лекин турли мамлакатларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий шароитларига мувофиқлашиб, турли формаларни қабул қилган. Худонинг муҳаббати учун дунёнинг барча неъматларидан воз кечиши, ҳамма жонли ва ҳаётий нарсаларни чиркин деб эълон қилиши, қашшоқлик ва нодонликни идеаллаштириши билан у, албатта, ҳоким синфларнинг фойдасига хизмат қилган. Меҳнаткашларнинг диққатини уларнинг асосий манфаатларидан четга буришга, уларнинг синфий онгини бўғишга олиб борган.

20

30

Сўфийларнинг фикрини қабул қилган киши, албатта, дарвининг кўпол хирқасига ўралиб, қашшоқчилик билан яшаши шарт эмас эди. Сўфийлар таълимотини турли группалар турлича қабул этганлар ва сўфийликка турли даражада мансуб бўлганлар. Навоий даврида сўфизм юксак аристократия муҳитида ғоят катта эътибор қозонган. У вақтнинг кўп ақоиб ва аъёнлари, шоирлар ўзларини тасаввуфга мансуб деб билганлар. Лекин улар бу билан баравар дунёдан «этак силккан» эмаслар. Дунёдаги барча завқ-сафодан истаганича фойдаланиб юра берганлар. Ҳатто подшо Ҳусайн Бой-

40

қаро ҳам кўпинча сўфия истилоҳини қўллар, бу билан фахрланар эди.

- Бир кўп интеллигентлар учун сўфия таълимоти шундай бир соҳа эдики, унинг доирасида улар ўз фикрларини бир қадар кенглик, бир қадар эркинлик сезар эдилар. Гарчи сўфизм фикрига ва фикрловчиларга қарши бўлса ҳам, исломга қараганда бу соҳа бир қадар кенгроқ деб англашилар эди. Ислом догматикасининг торлиги, қуруқлиги фикрни чамбарчас боғлаб
- 10 қўйганлиги орқасида айрим зиёлилар сўфизмда ўзлари учун макон қидирганлар. Ҳақиқатан, сўфийларнинг символикаси ва нозик киноявий тилидан фойдаланиб, қўрқа-писа бўлса ҳам, расми ислом нуқтаназаридан айтилиши жоиз бўлмаган гапларни айтишга, фикрни эркинроқ қўйишга имконият бор эди. Фикрни шундай символик ифодалашга айниқса, шоирлар интилар эдилар. Сўфизм шаробни, муҳаббатни, хотин гўзаллигини тараннум этишга, хурсанд улфатчилик кечинмаларини тасвирлашга ва ижодий шавқ ичида
- 20 қайнаб, ислом нуқтаназаридан четлаб, фикрларнинг ҳақиқий эътиқод йўлидан сирпаниб тойиб кета турган сфераларга учишга имкон берар эди.

- Навоийнинг ҳаёти ҳақида ёзган бир кўп эски авторлар шоир сиймосида самимий мистикни, бутун ҳаётини «фақир» ва «паноҳ» йўлига бағишлаган дарвешни кўришга тиришадилар. Бу қараш асосга эга эмас. У шоирнинг бутун ҳаётига, бутун маънавий сиймосига ва унинг барча идеалларига зиддир. Биз яхши билемизки, Навоий юксак давлат мансабларини ишғол этган. Султоннинг яқин одамларидан бўлган, ҳаётининг охири кунларига қадар мамлакатнинг идора ишларида актив қатнашган. Навоий ўз идеаллари учун курашган ва ўзининг сиёсий қарашларини жондил билан мудофаа этган. Мамлакатнинг эҳтиёжларини чуқур тушунганлиги, кенг халқ оммаси ўртасида катта эътибор ва обрўга эга бўлганлиги орқасида шоир феодализмнинг ички ва ташқи қарама-қаршиликлари билан инқирозга бораётган давлат организмнинг бирлигини сақлаш учун жуда катта хизматлар кўрсатган. Навоий
- 40 фаннинг ва санъатнинг яратувчилик кучига чуқур ишонар эди. У қувватини ва маблағларини аямасдан, уларнинг тараққиёти учун курашди. Сўфия таълимоти фанний тафаккурга душман экан, Навоий фан ва маориф ку-

рашчиси сифатида ўртага чиқади. Унинг учун фан хурофотни, жаҳолатни йўқотувчи бир кучдир:

Юз минг эса жаҳлу хато хирмани,
Машъалаи илми кул айлаб ани.

Фарҳоднинг тилидан шоир инсон тафаккурига мадҳу сано ўқийди:

Деди: ҳар ишки қилмиш одамизод,
Тафаккур бирла билмиш одамизод.

Улум ичра менга то бўлди мадҳал,
Топилмас мушките мен қилмагон ҳал.

10

Мунинг ҳам билмагунча асли будин,
Муайян қилмагунча тору пудин.

Не имконким қарор ўлгай кўнгулга,
Тасалли ошкор ўлгай кўнгулга.

Шунинг каби, мамлакатнинг саодати учун қайғурган шоир ҳунарнинг, савдонинг ва деҳқончиликнинг ўсишига ҳам ёрдам кўрсатади. Халқнинг маданий даражасини кўтариш, унинг моддий ва маънавий жиҳатлардан гуллашини кўриш — Навоийнинг энг буюк ва асл идеали эди. У ҳаётни бой, нашъали ва севги ҳам адолат нури билан яшнаган бир ҳолда кўришни хаёл қилар эди. Унинг табиати — ҳаётни тасдиқловчи, ҳаётга чуқур боғланган табиатдир. У кўп ишлади. Халқ турмушини яхшилаш учун кўп вақтини сарф қилишга мажбур бўлганлигини унинг ўзи ҳам айтади. Навоий жонли, яратувчи меҳнатни севди. Ўз асарларида меҳнат аҳлини мақтади. Қандай бўлмасин бирон ижодиёт соҳасида ўзини кўрсатган одамни, ўз идеалига эришиш учун ботирона жасорат кўрсатган кишини у идеаллаштирди. Хуллас, Навоий «гўшани инзивога» чекилган дарвеш эмас эди. Навоий ҳаётни ва барча ҳаётий нарсани севар эди. Дарвеш эса бу дунёга доир ҳамма орзудан, ҳамма ҳаётий нарсадан қўл силтайди, жилла бўлмаганда бу идеяни талқин этади. Ҳатто худога етишиш йўлида ўзининг гавдасини ҳам тўсиқ бўлувчи, ортиқча бир юк деб ҳисоблайди.

20

30

Навоий даврида Ҳиротда сўфизм ҳукмрон идеология формасини олган эди. Навоийнинг ижодиётида, айниқса унинг лирикасида сўфиёна кайфиятларни, шубҳасиз, учратишимиз мумкин. Бу ҳол асосан давр-

40

нинг тақозоси ва XII асрдан бошлаб Эронда ўса бошлаган ва Фаридиддин Аттор каби бир кўп катта шоирларни етиштирган тасаввуф поэзиясининг таъсирин билан изоҳланиши керак. Тасаввуф поэзияси қаҳрли ва дунёнинг хорижида турувчи моҳиятнинг аллақандай яқин, сезиладиган ва идеал гўзалликка эга бўлган бир кучга айлантиради, мазмун жиҳатдан жуда чекланган сарой-феодал поэзияси учун янги мотивлар беради. Шоирлар худони гоҳ ўзларининг севгилиларига ўхшатадилар.

- 10 Гоҳ эса, қадаҳларига май тўлдирувчи гўзал соқий сифатида тавсифлайдилар. Бунинг орқасида поэзияга, Навоийнинг лирикасида бўлганидек, пантеистик идеялар кириб боради. Масалан, Навоийнинг «Лисонут-тайр» номли асарида ўқиймиз:

Сизга анинг нашъасидандур ҳаёт,
Ким учарсиз ҳар тараф очиб қанот.

Ани аъзонгизда қон янглиғ билинг,
Жисм эҳёсида жон янглиғ билинг.

20

Тан нчинда сизга ул жоңдин яқин.
Ҳар не йўқ, ондин яқин, ондин яқин!

Навоийнинг қарашича, табиат билан худо айна бир нарса эканлигини биз юқорида кўрган эдик. Бу фикр билан у диний тафаккур чамбаридан анча четланганини сўзладик. Лекин, Навоийнинг дунёга қараш масаласи бу билан битмайди. Навоий диний дунёқараш рамкасида чикиб кетишга тиришадн. Тўғри, буни у масалани ижобий ҳал қилиш билан эмас, балки, дин ва худонинг чинлигига чуқур шубҳаси билан кўрсатади. Мутафаккир шоирнинг қидиришлари ва оламшумул шубҳалари яққол ва ёрқин ифодаланган бир фалсафий шеърини келтирамиз:

30

Нечук май билан бўлмасун улфатим
Ки, жон қасди айлар гаму меҳнатим.

Назар айлаб бу коргоҳ вазъига
Ки, ортар тамошосида ҳайратим.

Қуёш йўқки, бир зарра моҳиятим
Топа олмади саъй ила фикратим.

Не келмак аён бўлди, не кетмагим,
Не мабдаъ яқин бўлди, не рижъатим.

Не касби улум этти ҳал мушкилим,
Не тутти илик тақвою тоатим.

Топай деб хабар ушбу мақсуддин.
Туташти баса қавм ила суҳбатим.

Не қилди бу дардим иложин ҳаким,
Не шайх айлади дафъ бу иллатим.

Не қилмоққа бир амридин ҳосилим,
Не кечмакка бу фикрдин журъатим.

Менинг бошима бас, қотиқ тушти иш,
Чу тоқ ўлди бу дард ила тоқатим.

10

Харобат аро кирдим ошуфтаҳол,
Май истарга илгимда сингон сафол.

Шоирнинг фикри қандай қидиришлар ва қандай зўр шубҳалар билан банд бўлганлигини ушбу асар мазмуни очиқ кўрсатади. Донишманд шоирни на дин, на тасаввуф фалсафаси, на теологияга ботган у вақтнинг илмлари қаноатлантирган. Борлиқнинг моҳияти нимада, одам қаердан келди ва қайга борғуси, ҳақиқат нима — шунинг каби саволларга на дин, на тасаввуф таълимоти жавоб бера олган. Шунинг учун шоирнинг улардан кўнгли қолади. Диний таълимотнинг чинлигига шубҳа қилади. На шайх, на пир ва на тоат-ибодат Навойини қўллашдан ожиз қолади.

20

Сўфий худонинг гўзаллигини томоша қилиш ва унинг муҳаббатини кўнгилда сақлаш, тоат-ибодатга, риёзатга берилиш билан яшаши керак. Муслмон учун «халлоқи олам»нинг чиндан мавжудлиги сўзсиз ҳақиқатдир. Унинг учун дунёда ҳар бир нарса жуда осон ҳал қилинади: у барча нарсанинг сирини оллода кўради. Навоий эса бутун борлиғи билан қидиради, бошини ўраган ва уни эзган саволларни ҳал қилишни истади. Навоий жаҳоннинг моҳиятини, ҳақиқатни танишга интилади. Лекин пировардида аччиқ бир хулоса чиқаришга мажбур бўлади. Дунёнинг моҳиятига инсон онги эришолмайди, деган натижага келиб етади:

30

Нечукким билмак керак осон эмас,
Не осон эмас, балки имкон эмас.

Шундай қилиб, Навоий скептиклар (шубҳачилар)нинг нуқтаи назарини олға суради.

Шоир ўз фалсафий қарашларини очиқ ифодалашга

40

имкон топган эмас. У жоҳил уламолар, хурофотчилар томонидан динга ва худога даҳл кўрсатишда айбланишни истамаган. Шунинг учун у ўз фикрларини парда остига олишга, сўфий терминларига ўрашга мажбур бўлган. Шоир ислом қарашларига қарши борадиган идеяларни сўзлар экан, кўпинча, тезгина орқага чекинади, афв сўрайди, ўзини «мажнунлик»да айблайди. Навоий дунёга тўғри нуқтаи назар топишни истайди, қидиради ва бу қидиришда, кўпинча зиддиятларга

10 учрайди, ўксинади, ҳатто ҳақиқатни таниш масаласида ақлни «кўр» деб эълон қилишга қадар бориб етади. Лекин бу ора-чора чекинишлар фикрнинг ва жаҳон поэзиясининг чиндан ҳам гиганти бўлган шоирнинг буюк сиймосини ҳеч бир пасайтирмайди, аксинча, яна юксалтиради. Чунки у ислом тўла ва ягона ҳоким бўлган бир даврда ўзининг чуқур ва оламшумул шубҳаси билан теологик тафаккурнинг ҳукмронлигига зарба етказишга интилди.

НАВОИНИНГ «МАЖОЛИСУН-НАФОИС» АСАРИ ҲАҚИДА

Улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг бой ба кўпёқлама ижодиётида «Мажолисун нафоис» («Нафислар мажлиси») алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу асар ўз типни эътиборида Шарқда намуналари оз бўлмаган «Тазкиратул-шуаро»лар жумласига киради. Бу каби тазкираларда, одатда, маълум даврда яшаган шоирларнинг қисқача таржман ҳоллари ёки ҳаётларида муҳим саналган баъзи фактлар ва воқеалар, ҳам уларнинг ижодиётларидан бир-икки байт, бир-икки қитъа, 10 намуна тариқасида кўрсатилиб ўтилади. Ҳозирги маънода адабиёт тарихи ва адабий танқидчилик мавжуд бўлмаган замонларда, тазкира авторлари бу камчиликни, жуда ибтидоий — содда формада бўлса ҳам, тўлдиришга тиришганлар.

Араб ва эрон тилларида тазкиралар Навоийга қадар мавжуд бўлиб келган бўлса ҳам, лекин Навоийнинг «Мажолисун-нафоис»игача ўзбек тилида шу типдаги бирон асарнинг ёзилганини билмаймиз.

«Мажолисун-нафоис» XV асрнинг 90-йилларида 20 ёзилганлиги тахмин қилинади. Асар саккиз «мажлис» (боб)дан иборат. Биринчи «мажлис»да Навоий ўзидан илгари ўтган, унинг ўз таъбирича, «Мулозаматларига мушарраф» бўла олмаган шоир ва олимлар ҳақида маълумот бериб ўтади. Иккинчисида ёш эътиборида ўзининг улуғ замондошлари, асар ёзилаётган вақтда ҳаёт билан кўпдан видолашган шоир ва олимлар ҳақида, учинчи мажлисда эса яшаб турган замондош шоирлар ҳақида маълумот беради. Тўртинчи ва бешинчи мажлисларда шуҳратлари шеърый ижод билан боғланмаган, лекин бу соҳада яхши вуқуфга эга 30 бўлган, ҳам истеъдоди бўлишига қарамай, ора-сира

ёзадиган (профессионал шоир бўлмаган) шахслар — турли илм-фан арбоблари ва бошқа санъат намояндalари, мансабдорлар ва ҳоказо ҳақида сўз боради. Олтинчи мажлис Хуросондан ўзга ўлкалардаги замондош шоирлар ва олимларга бағишланган. Еттинчи мажлисда шеърга бир даража алоқа кўрсатган ёки ўзи шоир бўлган баъзи шоҳлар ва шаҳзодалар тўғрисида маълумот берилади. Сўнгги «саккизинчи мажлис» ёлғиз Хусайн Бойқаро ижодиётига бағишланади.

- 10 Шундай қилиб, «Мажолисун-нафоис»да Навоий 313 шахсни зикр этади. Буларнинг жуда кўпчилиги ўз ижодиёти билан танилган шоирлардирки ораларида девон тартиб этганлар, бир кўп илмий, адабий мустақил асарлар ёзганлар ҳам оз эмас. Асарда зикр этилган олимлар (тарихчилар, астрономлар, фикҳчилар ва ҳоказо) ҳам айна вақтда шеърый ижодиёт билан озми-кўпми шугулланган кишилардирки, бу нарса Навоий замонида поэзиянинг кенг тарқалганлигини ва унга мароқланишнинг кучли эканини кўрсатади.
- 20 «Мажолисун-нафоис», умуман бошқа тазкиралар сингарин, шоирлар ҳақида тўла-тўкис маълумот бермайди. Навоий келтирган маълумот асосида деярли биронта шоирнинг ҳаёти ва фаолияти ва бутун ҳолда адабий ижодиётининг характери ва ҳоказо тўғрисида тасаввур олиб бўлмайди. Навоий бундай вазифани ўз олдига қўймаган ҳам. Навоий аксар шоирнинг номи — тахаллуси, қаерлик экани, таҳсили, илмларда вуқуф даражаси, мансаби, касб-ҳунари, асарларини кўрсатади. Айниқса, шоирнинг хулқ-атвори, инсоний
- 30 сифатларига катта эътибор қилади. Шоирлардаги гўзал ахлоқий фазилатларни Навоий тантлики билан мадҳ этади, уларга ўз севгисини, ҳурматини самимий ифодалайди. Шоирлик, олимлик унвонларига доғ солувчи, юксак инсоний фазилатлардан маҳрум шахсларни аямасдан қоралайди. Булардан ташқари, Навоий кўпинча шоирларнинг ҳаётида рўй берган бир-икки муҳим ёки мароқли воқеа ва тасодифни кўрсатиб ўтади. Баъзан, мавзу баҳс бўлган шоирга хос баъзи одат, шамойилга ишорат қилади ва киши характерининг баъзи камчиликлари, заифликлари илиқ юмористик чизги билан қайд этилади. Кўпинча бир-икки жумладагина шоирга ва унинг ижодига танқидий қиймат берилади, шоир кимга ва нимага татаббуъ этган-

лиги, у замонда мавжуд бўлган қайси адабий навга (ғазал, қасида, муаммо ва бошқалар) кўпроқ қизиққанлиги ва ундаги маҳорати қайд этилади. Шоирдан бир-икки байт, ё бирон қитъа, рубоний, муаммони ўрнак тариқида келтириш билан характеристика тугалланади. Фақат саккизинчи бобда Султон Хусайн шеърларинигина Навоий, ўз даврининг танқидий савияси ва усулига мувофиқ, тўлароқ таҳлил қилади. Қофия, радиф, ташбеҳ масалалари устида муҳокама юритади. Шеърда оригиналликка, тасвирий воситаларда янгиликка интилишга, сўз санъатининг хусусиятларига конкрет тўхтайди. Умуман, Навоийнинг адабий танқидчилик соҳаси унинг санъат ва адабиётга қарашлари билан ва бутун ҳолда эстетик назарияси билан тифиз боғланган алоҳида ва катта масала бўлганини назарда тутиб, бу ерда у тўғрида сўзлашни лозим топмаймиз. 10

Навоий «Мажолис...»да типик чизгиларни танлайди. Қисқа, ғоят сиқик характеристикада кўпинча жуда ёрқин портретлар яратади. «Мажолис...»даги портретлар орқали биз даврнинг бир кўп муҳим томонларини, XVасрдаги сиёсий-ижтимоий ва маданий ҳаётни тасаввур этишга муваффақ бўламиз. «Мажолис...»нинг айрим ўринларида Темур авлодлари орасида рўй берган сиёсий курашларга, у даврдаги фикрий жараёнларга доир маълумотлар ҳам учрайди. Асарда Навоийнинг сиёсий душманларининг кирдикорларига оид кўрсатишлари ҳам йўқ эмас. Маждиддин Муҳаммад мамлакатнинг идора жиловини ўз қўлига олган даврда ўз сиёсий душманларини (Навоий ва у билан ҳамфикр бўлганларни деб тушуниш керак) кучли таъқиб остида тутганини асар тасдиқлайди. 20

Навоий ўз фикрдоши Хўжа Афзал ҳақида сўзлар экан, бу кишига жуда катта баҳо беради, у Маждиддин Муҳаммад ҳоқимиятини шундай характерлайди: «Маждиддин Муҳаммад йўриғидаким аҳволига футур еткурмаган киши қолмади, ани (яъни Хўжа Афзални — О.) дағи подшоҳга андоқ кўргуздиларким, заруратдин жудойи ватаи ихтиёр қилди». 30

Текширишни истаган тарихчи бу асарда жонли, ёрқин кўпгина фактлар топа олади. Улуғ шоирнинг ўз ҳаётига доир бир кўп муҳим фактларнида «Мажолис...» саҳифаларидан териб олиш мумкин. Шоир ёш бола экан, машҳур тарихчи Шарафиддин Яздий билан

учрашганлиги, Самарқандда Хўжа Фазлилло Абул-лайсда сабоқ олганлиги, Шайх Камол Турбатий билан мулоқотида шоир Машҳадда хасталаниб ётганлиги ва шунинг сингари кўп фактларни «Мажолис...»да шоирнинг ўз оғзидан эшитамиз. Навоийнинг қариндош-уруғлари ва уларнинг тақдири, унинг атрофини ўраган адабий, илмий муҳит — Навоийнинг шоир ва олим йўлдошлари, доимий суҳбатдошлари ҳақида ҳам қимматли маълумотни «Мажолис...» беради.

- 10 Ўз даврининг энг улуг, энг илғор намояндаси бўлган маданият курашчиси Навоий Хуросон ва Мовароуннаҳрдаги адабий, илмий ҳаётни чуқур таъқиб этиб борган. Адабиёт ва илм оламидаги ҳар бир силжишни табриклаган; маданиятнинг узоқ-яқиндаги ҳамма намояндалари билан доимий алоқа тутишга интилган. Уларнинг ҳаёти, ижодиётлари билан ҳар вақт мароқланган; моддий-маънавий ёрдамини улардан аямаган. Шоирларни илм-фан касб этишга ташвиқ қилган; таҳсил кўраётганларнинг илмда муваффақиятларидан хабардор бўлиб турган.

- 20 Бадий сўз санъаткори Навоий шоирлардан ҳам мазмунан, ҳам шаклан мукамал шеърлар талаб қилган. Шоирларнинг асарларида сезилган нуқсонлардан кўз юмиб ўтган эмас: камчиликларни устодона ғамхўрлик билан кўрсатиб ўтишни ва тузатишни ўзи учун вазифа ҳисоблаган.

- Навоий ижодий фикр маҳсулларига чуқур ҳурмат ва севги билан қараган. Санъат асарларининг келажак насллар учун сақланишига жон куйдирган. Мавлоно 30 Муҳаммад Неъмат Ободий ҳақида сўз борар экан, мана шу сатрлар характерлидир: «Бот қазо етиб оламдин ўтти ва фақир муаммоларин жамъ қилдирдум».

- «Мажолисун-нафоис»нинг асл қиймати шундаки, улуг шоир бу асариди бизни бутун бир давр маданиятининг бевосита яратувчилари билан таништиради ва бу билан XV асрда Хуросон ва Мовароуннаҳрда яратилган маданият ҳақида яна ҳам чуқурроқ тасаввур олишга имконият беради. Навоийнинг «Мажолисун нафоис»и бўлмаса эди, асарлари бизгача сақланиб етмаган юзларча шоирлар, олимлар келажак насллар учун бутунлай изсиз йўқолган бўлур эди. «Мажолис...»нинг саҳифалари у даврнинг кўп тармоқли, бой бадий сўз хазинасидан айрим-айрим дурчаларни асрларга сақлаб

келди. «Мажолис...» у даврдаги адабиёт ва санъатни аристократик табақага мансуб зиёлиларнинг ёки бир қанча сарой шоирларининг ижодиёти билан белгилаш, ўлчаш хато эканини кўрсатади. Навоий қайд этган шоирлар орасида кафшдўзлар, косагарлар, кисадўзлар, наққошлар, ҳаттотлар, саҳҳофлар, ҳолвафурушлар ва шунинг сингари касб-ҳунар намояндalари оз эмас. Булар хашаматли саройлардан четда, ўз қўл кучлари, «пешона терлари» билан турмуш кечириб, юракларида ёнган санъат севгиси орқасидагина шеърий ижод билан шуғулланганлар. Моддий қийинчиликлар ичида яшаган, ҳатто, ўлган вақтда кафансиз қолган шоирлар ҳам бўлган (Мавлоно «Қобулий»га қаралсин). Халқ ичидан етишган бу талантлар учун илм ва санъатнинг юксак чўққиларига эришиш, табиий, қийин бўлган. Лекин улар маданиятга ўз ҳиссаларини қўшганликлари шубҳасиздир. 10

Навоий «Мажолис...»да, шоирларнинг асарларидан ўрнак тариқада келтирган парчалари ичида, баъзан социал сатирага ёрқин мисол бўладиган байтлар, қитъалар учрайди. Буларда мансабдорларнинг разолати фош этилади, ёки давлат арбоблари ҳажв ўқларига нишон бўладилар: 20

Шукри худо, ки қозийи шаҳри Ҳири наям,
Дар силки одамсифатонам, хари наям.

(Худога шукрки, Ҳирот шаҳрининг қозиси эмасман, одамшавандалар қаторида ману эшак эмасман, инсон сифатлиман). Бобир Мирзо замонида катта мансабга эришган шоир Мавлоно Муҳаммад муаммой Шерозда Хўжа Ҳофиз қабрига гумбаз ясатиб, подшоҳни зиёратга чақирганда кимдир шу матлаъни кўз тушадиган бир жойга ёзиб қўяди: 30

Агарчи жумлаи авқофи шаҳр ғорат кард,
Худош хайр диҳад он, ки ин иморат кард.

(Гарчи шаҳарнинг ҳамма вақфларини совуриб юборган бўлса ҳам, худо хайр берсинки, у шу иморатни ясади). Бу каби мисоллар китобда кам эмас. 40

Улуғ шоирнинг бу доҳиёна содда асари ҳар бир ўқувчи томонидан севилиб, такрор-такрор ўқилажагига, унинг бошқа бир кўп адабий, илмий-тарихий мазиятлари ўз-ўзидан англашилганига чуқур ишонганимиздан, ортиқча изохотни кераксиз топдик.

НАВОИЙНИНГ АДАБИЙ МЕРОСИ МАСАЛАСИГА ДОИР

Адабий меросни ўрганиш соҳасида айрим масалаларга, айрим шоирларнинг ҳаёт ва ижодиятларига бағишланган мақолалар ҳам жуда оз монографиялардан бошқа, кенг, негизли илмий-текшириш ишлари ҳали майдонга чиқмади. Ўзбек халқининг қадим ва бой адабиётини жиддий ўрганиш яқинда бошланди. Улуғ Октябрь инқилобигача бизда шеър — поэзия ҳаваскорлари кўп бўлса-да, лекин профессионал адабиётшунослар, танқидчилар йўқ эди. Замоннинг ўқимшли одамлари Навоийни, Бедилни ўқишар, нозик ва пардали маънолари ҳақида ўзаро баҳслашар эдилар. Аммо улар шоирларнинг даврини, ҳаётини, ижодиятларини махсус ўрганиш ва асарлар яратиш зарурлиги ҳақида оз ўйлар эдилар. Мадрасаларда ўрта асрлар схоластикаси, диний ва айрим дунёвий «илмлар»ни ўзлаштиришгагина аҳамият берилар эди. Бир кўп шоирлар ва бир кўп адабий обидалар эса яхши ўрганилмай келар эди.

10 Ўзбек халқининг қарийб минг йиллик адабиётини ўрганиш совет олимларининг зиммасига тушди. Бу — фахрли, лекин жуда қийин вазифа. Ўзбек тили ва адабиётининг бир кўп муҳим ёдгорликларигина эмас, балки, ҳали қарийб бутунлай ўрганилмаган бутун-бутун адабий даврлар турибди. Ўзбекистон ва Ўрта Осиё халқларининг умумий тарихи ҳозирча чуқур ўрганилмагани ва Шарқда илмий, фалсафий фикр тараққиёти тарихининг етарли ўрганилмагани адабий тараққиёт жараёнини ҳар тарафлама ойдинлатиш масаласини яна қийинлаштиради. Чунки адабий ҳаётни тарихий тараққиётдан узиб бўлмайди. Аксинча, у ёки бу асрнинг, у ёки бу даврнинг адабиётини англаш учун ҳаммадан бурун

даврниг социал, сиёсий, маданий ҳаётини чуқур ўрганиш кераклиги бир аксиома қабилидадир.

Бу қийинчиликларга ва ўзбек адабиётшунослигининг ёшлигига қарамасдан, классик адабиётни ўрганиш соҳасида жуда жиддий ишлар қилинди, қадим замонлардан бошланажак ўзбек адабиёти тарихининг асосий ва энг муҳим масалалари ҳал қилинаётир. Ўзбек адабиёти тарихини яратишга уриниш галдаги яқин вазифалардандир.

Ўзбек классик адабиётини ўрганишда катта марказий масала Алишер Навоий ижодиётидир. Улуғ шоир ва мутафаккир Навоий ўзининг ўлмас асарлари билан ўзбек адабиётини муаззам чўққига кўтарди, дунё адабиёти хазинасини бойитди. Гениал Навоий ҳайратбахш миқдорда кўп бадий, илмий-фалсафий, таълимий-ахлоқий асарлар яратди. Яна шоир бу ўлмас асарлари билан она тилининг бутун кучини, бойлигини, гўзаллигини исбот қилди. Ўзбек адабиёти ва ўзбек адабий тили тарихида Алишер Навоий унга қадар ҳеч кимга муяссар бўлмаган, ҳақиқатан титаник ишни бажарди. Шоирнинг буюк ижодиёти ва унинг она тили учун тимсолсиз курашини назарда тутиб бўлса керак, Навоийга қадар бўлган адабиётни инкор қилишга қадар бориб, ўзбек адабиёти тарихини Навоийдан бошлашни таклиф қилдилар. Бу, албатта, бутунлай нотўғри, ғайриилмий қарашдир. Тарих ва адабий ёдгорликлар кўрсатадики, ўзбек адабиётининг ниҳоллари Навоийдан бир неча аср бурун ўсиб чиқиб, аста камол топиб, XV асрда, Навоий ижодиётида қудратли дарахтга айланади. Бутун бир адабий тараққиёт даврисиз Навоий қандай пайдо бўлиши мумкин? Ўзбек адабий тили ҳам XV асргача маълум шаклланиш босқичини кечирган эди. Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Рабғузий, Хоразмий, Дурбек ва бошқаларнинг асарлари ўзбек тили тараққиётида шубҳасиз, маълум ролни ўйнадилар. Айниқса, Навоийнинг яқин ўтмишдошлари Сақкокий, Атоий, Лутфий шеър санъаткорлари эдилар. Айниқса, Лутфий ижодиётига Навоийнинг ўзи «Мажолисун-нафоис» асарида юқори баҳо беради, «малик-ул-калом», ўз даврида унга тенг келарли шоир йўқ эди, дейди. Лутфийнинг лирик «Девон»и, шубҳасиз, ўзбек классик поэзиясининг қимматли дурдоналаридандир. Алишер Навоий ижодиётининг шаклланишида Лутфий

таъсир этмай қолган эмас, албатта. Хўш, иш бундай экан, ўзбек адабий тилини яратиш соҳасида Навоийнинг роли ва хизмати нимада? XV асргача ҳам, Навоий даврида ҳам, гарчи ўзбек тилида ёзувчи шоирлар бўлса ҳам, лекин бари бир адабиётда форс тили ҳоким эди. Навоий «Мажолисун-нафоис» асарида, бир неча юз шоир ва поэзияга тааллуқдор одамлар ҳақида қисқа-қисқа маълумот беради, булар орасида фақат бир неча шоирнинг ўзбекча ёзганини қайд этиб ўтади.

- 10 Форс адабиёти эришилмас юксак чўққи ҳисобланарди, форс тили поэзия ва илҳом тили ҳисобланиб, унинг ширин садолиги ва табиий гўзаллиги ҳақида ҳеч қандай баҳс бўлиши мумкин эмасди. Форс тилининг шоирона кучини, серифодалилигини шуҳратдор шоирлар — Фирдавсий, Хайём, Саъдий, Ҳофиз ва бошқалар ўзларининг юксак асарлари билан кўрсатмиш эдиларки, уларнинг обрўси Шарқда мутлақ кучга эга эди. Иккинчи тарафдан, қуръон тили ҳисобланган араб тили илмда ва Ўрта Осиё халқларининг интеллектуал ҳаётида ҳукмрон эди. Бу тилни мукаммаллатиш устида асрлар давомида олимлар, шоирлар ишлаган эдилар. Бутун умрини она тилининг тантанаси учун бағишлаган Алишер Навоий ҳам «Муҳокаматул-луғатайн» асарида бутун эҳтироси ва мантиқи билан форс тилининг устунлигига қаттиқ «тил тегизгани» ҳолда, араб тили олдида «ҳурмат» сақлаб, унинг юксак «самовий» фазилатларини таъкидлаб ўтади. «Қўпол саҳройи» тил деб таҳқирланган ўзбек тили адабий тил сифатида мамлакатда ҳоким тилга айланиши керак эди. Бу вазифани Навоий аъло
- 40 бажарди.

Навоий форсчани гўзал билар эди; уч-тўрт ёшларида форсча байтларни ўқиб, катталардан офарин эшитганини шоир ўзи «Мажолисун-нафоис» асарида ҳикоя қилади. Ўз даврининг ўғли Навоий ижодиётини форс тилида шеърлар айтиш билан бошлайди. Лекин кейинчалик унда кескин бурилиш рўй беради. Ёш шоир ўз йўлини узил-кесил белгилайди — форс тили ҳукмронлигига қарши она тили учун кураш байроғини кўтарди — то вафотига қадар бу курашнинг ўти ва ишқи билан яшайди. Лекин бу бурилиш санасини аниқлаш учун ҳозирча қўлимизда ҳеч қандай факт йўқ. Она тилининг форсчага нисбатан устунлиги ва она тилида адабиёт яратиш зарурлиги ҳақидаги чуқур қаноат

14
 13
 12
 11
 10
 9
 8
 7
 6
 5

Навоийнинг адабий мероси ~~тоғри~~
 масаласига доир.
 ЗНУнинг масаласига доир.

Ушбу хатинини қилганимизга 100 йил борада
 хатини хатини

Шайхнинг ўрганиши билан бизнинг
 Адабий меросини ўрганиши билан
~~Адабий меросини ўрганиши билан~~

Тарқатишнинг келиши билан адабий меросини
 тарқатишнинг келиши билан адабий меросини
 тарқатишнинг келиши билан адабий меросини
 тарқатишнинг келиши билан адабий меросини

тарқатишнинг келиши билан адабий меросини
 тарқатишнинг келиши билан адабий меросини
 тарқатишнинг келиши билан адабий меросини
 тарқатишнинг келиши билан адабий меросини

тарқатишнинг келиши билан адабий меросини
 тарқатишнинг келиши билан адабий меросини
 тарқатишнинг келиши билан адабий меросини
 тарқатишнинг келиши билан адабий меросини

тарқатишнинг келиши билан адабий меросини
 тарқатишнинг келиши билан адабий меросини
 тарқатишнинг келиши билан адабий меросини
 тарқатишнинг келиши билан адабий меросини

«Навоий адабий мероси масаласига доир» мақоласидан саҳифа. Муаллиф дастхати.

- форс маданияти, илми ва адабиёти руҳида тарбияланган шоирда қай вақтда, қандай ички қўзғатишлар ва ташқи омиллар, таъсирлар орқасида пайдо бўлганини ҳам фактлар билан кўрсатиш ҳозирча мумкин эмас. Навоий темурийлар хизматида бўлган ва сарой доираларига яқин гуруҳлар орасида тарбия кўради. У замонда ҳукмрон доиралар эрон адабиёти ва санъати олдида топинсалар ҳам, лекин ўз она тилини, урф-одатларини, традицияларини сақлаган эдилар, ҳатто баъзи-баъзи миллий анъаналар билан фахрланардилар.
- 10 Бобир ўзининг «Бобирнома»сида «туркона расм» — сарой доираларида қўллангани ҳақида сўзлайди (тўйда келин бошидан сочқи сочиш, келиннинг юзидан ўртулари (шойи рўмоли)ни илк дафъа гўдакнинг олиши, қиз узатар тантанасида хотинларнинг «ёр-ёр» қўшиғини айтишлари — Навоий, «Мезонул-авзон»). Айниқса, аристократия ҳарбий традициялар билан фахрланарди. Эрон аристократиясининг ингичкалашган ва сертақаллуф одатлари, манераларига тақлид этган ўзбек
- 20 аристократияси ўзининг қадим, содда, саҳройи урф-одатларини ҳам сидқидил билан бажарардилар. Бобир ўзининг машҳур «Бобирнома»сида Хуросон ва Мовароуннаҳр аристократияси ва бошқарувчи доираларнинг намояндаларини ҳарбий, давлат арбоби сифатида характерлаганда, уларнинг шахсий ҳаётларига доир типик чизгиларни тасвир этганда, биз юқорида айтган фикрларни исботловчи маълумотлар беради. Навоий ўсиб-унган муҳит ҳам худди шундай эрон адабиёти ва санъатини юқори баҳолаб, лекин ўз миллий одат ва
- 30 традицияларини, содда қўшиқларни севган бир муҳит эди. Еш Навоийнинг тоғалари Мир Саид ака ва Муҳаммад Али шоир эдилар ва она тилида шеър айтардилар. Ҳар ҳолда Навоийнинг она тилига муҳаббати ёшлигида пайдо бўлган. У ўн беш-ўн олти ёшда, Абулқосим Бобир саройида хизмат қилганда, икки тилли (зуллисонайн) шоир каби танилганди, яъни бу вақтларда Навоийнинг ўзбекча ва форсча ёзган шеърлари диққатни жалб қилган эди.
- 40 Она тилининг ва она тилидаги адабиётнинг тарихий тараққиётда ва халқнинг тақдирида ўйнаган роли ва аҳамиятини Навоийга қадар ўзбек тилида ёзган ҳеч бир шоир унинг каби чуқур, атрофлича англамаган эди. Навоийча, тил маданияти, халқни ёритиш каби,

давлат аҳамиятига эга бўлган бир ҳодисадир. Навоий ҳар бир халқнинг ўз адабиёти, ўз санъати, ўз маданияти бўлиши кераклигини, давлатнинг мустақамланиши учун уларнинг кучли факторлардан эканини яхши тушунди. Навоий ўзининг «Муҳокаматул-луғатайн» асариди араб ва форс тилларининг ҳукмрон бўлганининг сиёсий сабабларини кўрсатади, натижада, энди модомики сиёсий ҳокимият бизнинг қўлда экан, тилимиз ўз ҳуқуқини олиши керак, деган хулосани чиқаради.

10

Навоийни ўз даврининг ҳамма мутафаккирларидан, давлат арбобларидан айирадиган бир сифати шундаки, буюк шоир ҳаммадан бурун халқ манфаатлари ҳақида қайғурарди. Давлатнинг бирлиги, унинг сиёсий ва иқтисодий мустақамланиши пировардида халқнинг вазиятига боғлиқдир. Навоийнинг адабий, маданий, ободончилик фаолиятида ҳам, унинг Султон Ҳусайн Бойқаро билан бўлган низоларида ҳам, унинг Маждиддин бошлиқ реакционерларга қарши курашида ҳам марказий ўринни, асосан, халққа муносабат масаласи ишғол этади. Сиёсат соҳасида Навоий одил подшодан халқнинг арзи ҳолини ҳар кун ўз қулоғи билан эшитиши кераклигини, мамлакатда қонуниятнинг барпо этилишини, давлат идораларидан золим, жабркор амалдорни йўқотишни талаб этган бўлса, адабиёт соҳасида шоирлардан она тилда ёзишни, халқ завқига мувофиқ асарлар яратишни талаб этди. Навоий ўз ижодиёти олдиға халққа хизматни мақсад қилиб қўйганлигини асарларида ифтихор билан такрорлайди:

20

30

Чун форси эрди нукта шавқи,
.....

Даҳр аро шоҳ чу турк воқеъдур,
Эл аро турк лафзи шоеъдур.

Чун бу маънини айладинг малҳуз,
Турк улус доғи ўлдилар маҳзуз.

Халқ, ватан ва давлат ҳақида ўйлаш, ғамхўрлик ва уларга доир проблемаларни асарларида қўйиш ва ҳал этишға урғиниш ўзбек адабиётида Навоийға қадар ҳеч бир шоирда кўрилмайди. Навоий ижодиётида бу мотивлар асосий ва турли робита ҳам муносабатлар билан такрорланувчи мотивлардандир. Навоий она тили учун

40

курашганда ҳам масалага ана шу халқ ва давлат, уларнинг келажаги нуқтаи назаридан ёндашади. Ўзбек тилини адабий тил сифатида тасдиқлаш, унинг бойлигини, ифодачилигини кўрсатиш учун бу тилда катта адабиёт яратиш, бадий даражаси бўйича машҳур эрон шоирларининг буюк асарлари билан тенглаша биладиган асарлар яратиш керак эди. Навоийнинг ўтмишдошлари, агар шоир Лутфий лирикаси истисно қилинса, форс адабиёти асарлари билан бўй ўлчашадиган асарлар ярата олмаган эдилар. Буни Алишер Навоий бажарди — у она тилида қудратли талантини намоён этди. Навоий буюк ижодий ҳамла билан ишлаб, фикрнинг чуқурлиги ва бадий форманинг гўзаллиги билан шоён ҳайрат асарлар яратиб, она тили ва адабиётининг муаззам ҳайкалини барпо қилди.

10 Алишер Навоий «Муҳокаматул-луғатайн» асарида она тилининг форс тилига нисбатан мазиятларини илмий, назарий равишда исбот қилмоққа тиришади. Шоир форс тилидаги адабиётга муҳаббати зўр бўлгани ва уни жуда яхши билганини ҳам таъкидлаб ўтади.

30 Форс ва ўзбек тилларининг сўз бойлиги, грамматик қоидаларининг ихчамлиги ва бошқа жиҳатлардан чоғиштириб, ҳамма муносабатларда она тилининг афзаллигини исбот этиб, шоир ёзади: «ва филҳақиқат агар киши яхши мулоҳаза ва тааммул қилса, чун бу (туркий) лафзда мунча вусъат ва майдонда мунча фусҳат топилур керакким мунда ҳар навъ сўхангузорлиғ ва фасиҳгуфторлиғ ва назмсозлиғ ва фасонапардозлиғ осонроқ бўлғай...»

Шоир ўз поэзиясининг боғларини безаган она тил хазинасининг бойликларини, унда яширин имкониятларни кўрсатиш билан ундан фойдаланишда қандай мушкilotларга дуч келганини қайд этади.

40 Навоий халқ тилини чуқур ўрганиб, ундан адабий тил учун асил дурлар терди, тилнинг бойишига, шаклланишига, мукаммалланишига катта хизмат қилди. Бу осон эмасди, бу шоирдан жуда кенг билим ва қаттиқ меҳнат талаб қилар эди. Навоий айниқса дostonларни ёзишда ҳали ишланиб етмаган тил қандай қийинчиликлар келтирганини ва ўз халқининг сўзига бўлган муҳаббат орқасида бу қийинчиликларни бартараф қилганини ифтихор билан кўп жойда сўзлайди:

Тузудди бу назминг бори бир сири,
Яна турки алфоз анго бу сири.

Ки ҳар нечаким диққати бордур,
Талаффуз аро лакнати бордур.

Сўзунгники яхши кўрар сен ўзунг,
Кўрунмас ёмон чун эрур ўз сўзунг,

Қошингда сенинг гарчи кўп вази бор.
Чу бор, ўз сўзинг йўқ анго эътибор.

Ки сўз зодан табъи фарзанд эрур-
Ки, фарзанд эрур жонга пайванд эрур.

10

Навойй ғоят катта ва хилма-хил адабий мерос қолдирди. У поэзиянинг ўша вақтки ҳамма формаларида — кичик «муаммо» ва «туюқ»лардан дostonга қадар — ажойиб шонрона асарлар яратди, илмий, тарихий, ахлоқий китоблар ёзди. Бу буюк бадий хазинани марксизм-ленинизм позициясидан ўрганиш, тўғри баҳолаш, совет халқининг мол-мулки этиш совет илмининг муҳим вазифаларидан биридир, Навоййни ўрганиш соҳасида қилинган ишлар ҳозирча ғоят оздир. Шоирнинг 500 йиллик юбилей байрамига тайёргарлик муносабатини-ла кейинги бир неча йил ичида пайдо бўлган айрим илмий текширишлар, мақолалар, бадий асарлар Навойй даврини, ҳаёти ва ижодиётини тўғри, марксистик ёритиш вазифаси жиҳатдан қаралганда, ҳали тўла қаноатлангирмайди. Ҳақиқатан масала енгил эмас. Навойй меросини ўрганиш соҳаси жуда мураккаб бўлиб, катта коллектив учун узоқ муддат талаб қиладиган, сермеҳнат соҳадир.

20

Шоир яшаган даврни унинг машҳур муосирлари ва салафларининг ҳаёт ва ишларини, ҳам шоирга маънавий ғидо берган маданиятларни, адабиётларни илмий, фалсафий жараёнларни жиддий ўрганмасдан туриб, Навоййни тўғри англаш, албатта, оғир гап. Масалага юзакни қараш, марксизм-ленинизм назарияси билан қурулланиб текширмаганлик натижасида хато мулоҳазалар, қарашлар, баҳолашлар майдонга чиқди. Навойй — демократ, Навойй — меҳнаткаш оммалар манфаатининг ҳимоячиси, Навойй — атеист, подшолар, султонларнинг ашаддий душмани, Навойй — революционер ва ҳоказо нотўғри тасдиқлашлар улуғ шоирнинг меросини ўрганишга зарар беради. Навойй ғоят

30

40

улуғ, жуда кўп қиррали шахсият экани маълум. Навоий дунёқараши ҳам чуқур қарама-қаршиликлардан холи эмасдир. Навоий бир неча ўн минг байтларни ташкил этган поэтик асарларида сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маиший, фалсафий, диний, ахлоқий соҳаларга доир жуда-жуда кўп масалалар устида мулоҳаза юритади. Унинг асарларини атрофлича, чуқур текширмасдан, текширувчи олдиндан белгилаб қўйган мақсадларини исбот қилиш учун атайлаб мисралар қидирса, ёки

10 тасодифий юлиб олинган жойларга восита қилинса, шоирдан хоҳлаган фигурани — фанатик мусулмон, дарвеш, сўфий; атеист, революционер ва ҳоказони яшаш қийин эмас. Бу — жуда зарарли. Шоир идеаллаштириш ёки асрлаштириш (модернизация)га мутлақо муҳтож эмас.

Навоий ўз даврининг ўғли, у даврнинг энг прогрессив намоёндаларидан бири. Шарқ феодализм жамияти шароитида яшаган бу улуғ шоирнинг, мутафаккирнинг, Темур эвараси бош вазирнинг дунёқарашида

20 кучли, ғоят прогрессив томонлар билан бирга, у даврнинг социал шароити билан шартланган заиф моментлар бор. Навоий фаолиятининг чинакам прогрессив жиҳатларини кўрсатиб, заифликларини яшира олмаймиз.

Лекин бир ҳақиқат борки, Навоий ўзбек адабиётининг тараққиётини бир неча асрга белгилаб берган ва жаҳон адабиётини бойитган энг улуғ шоир ва геннал сўз россомидир. Унинг поэтик асарларида — ғазаллари, достонларида шоирнинг илҳомкор сўзлари, мана беш асрдир, юлдузлардай чақнаб туради. Унинг улуғ

30 асарларини варақлар экансиз, саҳифалардан жонли фикрларнинг, қизғин ҳисларнинг тоза, нузли дарёлари мавжланиб турганини сезасиз. Унинг шеърлари, қўшиқлари 500 йил бурун Ҳиротда, Самарқандда қандай севилиб куйланган ва юракларни тўлқинлатган бўлса, бугун ҳам улар айни севги билан куйланади, юракларни ўз сеҳрига олади. Чунки бу сўзлар буюк қалбнинг ўти билан, севгиси билан суғорилгандир.

Навоий бутун умрида яратган ғазалларини, турли формалардаги шеърый асарларини «Чор девон» номи билан машҳур улкан, салмоқдор китобда тўплаган. «Чор девон»ни ҳақиқатан поэзия денгизи дейиш мумкин. «Чор девон»нинг ҳар саҳифаси баҳорги боғча каби ранг, ҳид, нафислик билан товланади. «Чор де-

вон» лирик поэзиянинг кўркем, ёрқин, ажойиб гул-тождир.

«Чор девон»даги мингларча ғазалларнинг мазмуни ва поэтик хусусиятлари ҳақида умумий тарзда тасав-вур бермоқ учун-да қалин бир жилд ёзиш керак бўлади. Шунинг учун Навоий лирикасининг ёлғизгина баъзи бир жиҳатларини ишора қилиб ўтишдан бошқа илож йўқ, «Чор девон» асосан ишқий ва фалсафий руҳдаги лирик шеърлардан иборат. Шарқда традицион лирик форманинг бутун жони — ёр образи. Навоий ҳам аксар 10 ғазалларини баркамол ҳуснга эга бўлган гўзалга — ёрга бағишлаган.

Ёр — гоҳ малика, пари, гоҳ лўли қиз ва ҳоказо. Лекин у ҳаминша — бениҳоят гўзал. Шоир ёр ҳуснининг тавсифида шоён ҳайрат хаёл бойлигини кўрсатади. Ёрга мурожаат этаркан, ҳижрон дарди, висол-қовушмоқ орзуси, ишқий кечинмаларни, ҳисларини Навоий — сўз сеҳргари ғайри такрорий образларда буюк самимият билан ифодалайдики, ҳар сўзда, ҳар иборада гўё шонрнинг қалби уриб туради. Навоий ҳамма вақт об- 20 разнинг чуқур, ёрқин ва ингичкалигига интилади:

То бузуг кўнглум аро зулфунг хаёли айланур,
Аждаҳодурки, бир вайрона ичра тўлганур.

Навоий ғазаллари ҳаётний шўхлиги, тўлақонлилиги билан ажралади:

Ўн сакиз минг олам ошуби агар бошиндадур,
Не ажаб, чун сарви нозим ўн сакиз ёшиндадур.

Деса бўлгайким, яна ҳам ўн сакиз йил ҳусни бор.
Ўн сакиз ёшинда мунча фитнаким бошиндадур.

Ўн сакиз йил дема, юз саксон йил ўлса, улдурур
Ҳусн шоҳи, ул балоларким кўзу қошиндадур...

30

Эй кўнги, келким, иков бўлуб нигоре кўзлоли,
Сарв қадди истабон сиймин узоре кўзлоли.

Ёрлиғ кўз тутқанимиз кўзлади чун ўзга ёр,
Бизда ҳам кўз бор, бориб бир ерда ёре кўзлоли.

Чун ғубори маркабидин равшан айлар эл кўзин,
Телмуруб турғунча бориб шаҳсуворе кўзлоли.

Гар анингдек шўх шаҳр ошуби офат топмасак,
Бир фақри меҳрибони ғамгусоре кўзлоли...

Қилғали маҳрум жоми васлидин жонон мени,
Талхком этмиш тириклик борасидин жон мени.

40

Ҳар замоне ўлтирур ғам захридин ҳижрон мени.
Ҳажр ўлумдин талх эмиш, мундин сўнг, эй даврон мени
Айлагил жондин жудо, қилгунча жонондин жудо...

Ошиқеким, бўлғай ул бир шўхи гулрухсорсиз.
Ўйла булбулдурки, қолмишдур гулу гулзорсиз,
Вой ул бедилғаким, қолғай тирик дилдорсиз,
Бир иёсиз ит бўлиб эрди Навоий ёрсиз,
Бўлмасун, ё рабки, ҳаргиз банда султондин жудо.

- 10 Навоий ғазаллари фикр бойлиги, хаёл рангдорлиги, кечинма ва ҳисларнинг самимийлиги, ҳаётга кенг, риндона қарашлари билан ҳамма вақт кишини сеҳрлайди. Унинг оҳангдор шеърлари ўз-ўзидан куйланади. «Чор девон» мотивлари ғоят бой ва ранго-рангдир. Табиат, ҳаёт ҳақидаги тантанали гимнлар ва шоирнинг пантеистик қарашларини ифодалаган чуқур шеърлар, хайёмона рубойлардан тортиб, то Ҳирот гўзалларига бағишланиб халқ поэзияси руҳида ёзилган шўх қўшиқларга қадар — ҳаммаси ажойиб, абадий сўлмас поэзия гулдастасини ясайди.
- 20 Бизда баъзи бир текширувчилар Навоий лирикасида фақат реал — ҳаётий, ерга хос фикрлар, ҳислар ифодасини кўришга интиладилар. Улар Навоий поэзиясидаги бутун символикани, аллегорик приёмларни тушунгилари келмайди. Навоий лирикасини бутун ҳолда яшанилган, кечинилган деб тасдиқлаш мумкин эмас. Тўғри, ишқий ғазаллар орасида бевосита шоирнинг кечинмаларини ифодалаган шеърлар кўп, ҳатто автобиографик чизгиларни ҳам гоҳо учратиш мумкин. Аммо Навоийнинг бундай май ва маҳбуб ҳақидаги 30 ғоят нозик шеърларининг асли мазмунини тушуниш учун аллегорик формани оча билиш, тўғриси, символик пардани кўтара билиш керак. Бундан ташқари, Шарқда, классик адабиётда лирика асосан шартли характерда бўлганини унутиш керак эмас. Акс ҳолда, агар бу жиҳатларни назарда тутмасак, Навоий гўдакликдан бошлаб, то умрининг охиригача ёрдан бошқа ҳеч нимани ўйламаган, ишқ қули ва гўдакликдан то қабрига қадар кеча-кундуз шаробда чўмилган майхўр бўлиб қолади, бу тарихга ҳам, ҳар қандай мантиққа ҳам 40 ҳам хилофдир. Навоийда май ва маҳбуб мотивлари қисман шартли ва қисман аллегорик характердадир:

Қувонурмен итинг синғон сафоли
ичра май ичсам.

Чу маст ўлдим эса май бирла юйингиз
баданим,
Тангинг ўшул он наъшим белига риштаи ток.

Бу мисралар, албатта, Навойнинг майга берилганига ишорат қилмайди.

Навой лирикаси орасида фалсафий-сўфиёна фикрларни ифодаловчи ёки шундай тасаввуф руҳи билан сугорилган ғазаллар топилади. Лекин Навой ҳаёт-бахшликни севган, инсоннинг, ҳаётнинг баркамол бўлишини ҳаёл қилган шоир эди. У ўзини дарвеш деб аташни севса-да, у на дарвеш, на сўфий. Фақат табиатга пантеистик қараш унинг дунёқарашини учун характерлидир. Навой ҳамма мавжудотда буюк, абадий, мутлақ гўзал кучнинг — «худо»нинг жилвасини кўради. Унинг лирикасида машҳур тасаввуф шеърларида кўрилганидек, гўзалликка, ҳақиқатга, тангрига бўлган ишқ аллегорик формада тасаввуф поэзиясида қабул этилган, канонлашиб қолган символлар системаси билан ҳам ифодаланади. Бу поэзия аксар тамоман реал ёрға хос ишқий мотивларда куйланади: 10

Кўзунг не бало қаро бўлубтур,
Қим жонға қаро бало бўлибтур.

Мажмуи давони дард қилди,
Дардинги, манга даво бўлубтур.

Ишқ ичра анинг фидоси юз жон.
Ҳар жонки, сенга фидо бўлубтур.

Бегона бўлубтур ошнодин,
Бегонаға ошно бўлубтур...

Боқий топар улки, бўлди фоний,
Раҳравға бақо фано бўлубтур.

То тузди Навой ояти ишқ,
Ишқ аҳли аро наво бўлубтур.

Бу ғазалда шоир қора кўзли гўзалга мурожаат этиб, унга бўлган севгисини изҳор қилса-да, тасаввуфий ҳисларни, фикрларни ифодаловчи аллегорик образларга мурожаат этган. Яна бошқа бир мисол:

...Ҳар қуюн гўёки бир саргашта ошиқ гардидур
Баски, туфроқ ўлди ишқинг даштида оворалар.

Англаким, аҳбобни кўнглумда меҳмон этмишам,
Итлари оғзида гар кўрсанг багирдин поралар.
Анда Мажнунмен, буён Лайли сен эткач ижтимоъ,
Бир тараф девоналар, бир ён пари рухсоралар.
Хонақоҳ вақфи сўйин ичмаслар, эй шайх, англагил.
Гар хумор ўлса фано дайридағи майхоралар,
Эй Навоий, ишқ аро ўлмактин ўзга чора йўқ.
Бас, ғалат бўлғай, демак ушшоқни бечоралар.

- Бунда ҳам ишқ фалсафий, тасаввуфий рангдадир.
10 Навоий тасаввуф фалсафаси позициясидан ислом ақида-даларини, фанатизмни, хурофотларни, мунофиқ, жоҳил, қуруқ руҳонийларни, вонзларни, эл таловчи шайхларни тошга тутадн:

Дайр пирига мурид ўлди Навоий негаким,
Шайхулислом деган кимсага ислом керак...

Тонглоғи кавсар учун дерсан: буюн май ичмагил,
Тек тур, эй зоҳид, Навоий сен киби ношимудур?..

Истасанг даврон жафосидин қутулмоқ, эй кўнгул,
Хонақо таркин қилиб, майхона кўин сори бор.

20

Ҳеч янглиғ топмасанг дайр ичра май олмоққа важҳ,
Раъй учун бўлсун Навоий хирқау дасторн бор.

Бу парчалар аллегорикдир — тасаввуфона руҳдан холи эмасдир. Бунда Навоий баён этган фикрлар расми ислом нуқтаи назаридан ман этиладиган фикрлардир. Лекин бундан Навоийнинг атенстлигини ҳам хулоса қилиб бўлмайди. Чунки бу қарашлар ингичкалашган, фалсафий-диний қарашлар қобиғига буркангандир.

- 30 Навоий ғазалларида май, майхона, май сотувчи гўзаллар ва маст-аласт бўлиб шовқин кўтарган кишилар ҳақида кўп гапиради, ўзни шулар орасида кўради, шу муҳитга интилганини баён қилади. Май учун тасбеҳни, саллани гаров қўйганини сўзлайди. Бунинг ҳаммаси тасаввуф поэзиясининг зарурий атрибутларидир. Шонрнинг ўзи ҳам май, майхонани фалсафий поэтик символлар эканини ишора қилади:

Жаҳон ғамида узум бодаси гумон қилманг
Ки, зоҳир аҳлиға бу маъни этти бўйла зухур,
Ва лек аҳли ҳақиқатга нима май эрур ваҳдат.

- 40 Навоий ана шундай «аҳли ҳақиқат» — яъни тасаввуф фалсафаси мафҳумида ҳам иш кўради, баъзи тад-

қиқотчилар ўз асарларида бу жиҳатларга тамоман эътибор бермайдилар, улар Навоий дунёқарашини тасаввуфга мутлақо зид деб тасдиқлайдики, бу шубҳасиз, бир томонлама қараш натижасидир. Навоий на материалист, на атеист, на ислом ақидаларидан ўзгани калласи сиғдирмайдиган мусулмон руҳонийси. Унинг қарашлари қарама-қаршиликли ва турли тусда товланади. Лекин у худо, олам, ҳаёт ва ўлим каби масалалар талқинида пантеистик позициядан ёндашади.

ЧЕКСИЗ УМР

Бутун мамлакат мислсиз сиёсий руҳланиш билан СССР Олий Совети сайловларига қизгин тайёрланаётган улуг ва тарихий айёмда мутафаккир Навоийни хотирлаймиз — фавқулодда чуқур ва маънодор ҳодиса.

Бу ҳаммадан аввал, совет халқининг ажойиб сифатини, давримизнинг улуглигини ва маънавий тўлқинлигини кўрсатади. Яқиндагина Навоийнинг қаҳрамон авлоди разил ва зулматдор душманни тору мор этмоқ

10 учун ватан уруши фронтларига жўнаркан, ватанпарвар шоирнинг ватан йўлида: «Киши ҳарб этар то имкони бор» деган сўзларини ўз юрагига жо этган эди.

Бу сўзлар бизга беш асрдан қолган. Навоий ўз ижодий даҳоси билан, бутун ҳаёти, кураш ва фаолияти билан номини ўлмаслади, Навоийча ерда инсоннинг энг олий ҳиссиёти, бурчи ва унинг инсонлигининг асосий ўлчаги — ватанга, халққа, башариятга хизмат ва «меҳру вафо» уруғини экмак, ҳаётни гўзаллаштирмакдир. Навоий ўз асарларида ҳар муносабат билан так-

20 рорлаган «Яхши ном қолдириш» идеяси шудур. Яхши ном — ўлимдан сўнг, иккинчи ва чексиз умр. Бу чексиз умр эгаси шоир, ҳақиқатан, ўз умрига муносиб иш қилди — мавжлари асрларнинг доvonлари ва тоғларидан ошадиган муаззам «наво» яратди.

Навоийдан илгари ҳам она тилида жўшқин лиризм билан тўла ғазаллар яратилган. Лириклар ва фикрий чўнг, мусиқаси салобатли қасидалар берган шоирлар оз эмасди; ораларида «сўз подшоси» унвонини олган

30 Лутфий каби донгдор санъаткорлар ҳам бор эди. Лекин Навоий ижоди қоялар узра кўкнинг бепоён гумбази сари юксалган чўққи бўлди. Навоийга қадар «деvonлар» бор эди. Лекин «Чор девон» йўқ эди. Айрим дostonлар бор эди, лекин «Хамса» йўқ эди. «Чор

девои» ва «Хамса»ни жаҳон бадий фикрининг хазина-сига Навоий даҳоси бахш этди.

Навоий асарларининг қиймати, фазилати улугъ идеялар, башарий идеаллар ва мотивларнинг мукамал шоирона ифодасидадир. Навоий сиймосида биз буюк шоирнинг, кенг, чуқур эрудияли олимнинг, жасур курашчи — мутафаккирнинг ажойиб тимсол мужассамини кўрамиз. Чиндан ҳам унинг ҳар мисраида, томчида қуёш акс этганидек, шу жиҳат барқ уради.

Навоийга қадар ҳақиқий ҳаёт ва унинг муаммолари билан адабиёт орасида қандайдир узилиш мушоҳида қилинади. Кўп шоирлар ўз ижодиётларини осмон хизматига, талабларига бўйсундирган эдилар, қолганлари эса, катта-кичик саройлардаги базмларни қизитиш учун май ва маҳбуб куйчиси бўлгандилар. Уларни на халқ, на ватан, на давлат тақдирни қизиқтирарди. Шунинг учун девонларда даврнинг жонли нафаси эсмайдди. Навоий адабиётни муножотчиликдан ва сарой зийнати бўлишдан қутқаришга тиришди. Адабиётга у улугъвор ва ҳаётий идеялар, проблемалар, жонли, инсоний фикрлар, ҳислар, кечирмалар дарёси билан кирди. Навоийнинг дostonлари монументал шоирона лавҳалардирки, уларда шу идеяларнинг қуёшлари порлайди, юлдузлари чақнайди. Қизгин араб саҳроларининг гулидек буюк муҳаббат алангасида қавжираган Лайли образида шоир ўз даврининг қандай катта ва илғор тарбия масалаларини илгари суради. Чин либосини кийган йигит Фарҳод образида Навоий — сеҳркор санъаткор қандай буюк, гўзал, ёрқин идеялар билан тўла, ижодкор руҳли қаҳрамонни яратади. Унинг севгилиси Ширин ўзининг баркамол ақли, одамгарчилиги, муҳаббатга вафоси билан юракларни ларзага соладиган ҳамниша тирик бир гўзаллик эмасми?. Искандардан Навоий адолат байроқдори, илм ва ҳунар, фалсафа ғамхўри ва ихтиро ташаббускори, ажойиб ҳукмдор яратмадимми?

Навоий учун ижодиётдан мурод — халққа, ватанга, кишиликка хизматдир. У яратган барча мусбат образларнинг юраклари юксак инсоний туйғулар билан лиммо-лим. Чунки буюк шоир ва мутафаккирнинг ўз юраги айни туйғулар билан яшайди. Навоий ишқни дунёга ҳаётбахш қуёш каби англайди. Лекин Навоийча чин инсон бўлиш ундан ҳам баланд. Ишқ қизи, вафо ҳамшираси Ширин дейди:

Менга не ёру не ошиқ ҳавасдур,
Агар мен одам ўлсам ушбу басдур!

Навоий учун халқ ватаннинг, давлатнинг негизи, ҳақиқий илдизидир. Халқ яратувчи, қурувчи ва қўриқловчидир. Мамлакатнинг ободонлиги халқ қўлида. Шунинг учун унинг ҳаётини яхшилаш, унга доимий ғамхўрлик қилиш, унинг игнасига қўл узатганларнинг қўлини синдириш — улуг инсоний вазифа ва шоирнинг умр гоёси. Халққа зулм-ситама қилувчилар, майли, улар жамиятда қай мавқеда бўлмасинлар, шоирнинг манхус душманлари. Навоий уларнинг пўстагини қоқади: олтин тахт эгаси султондан бошлаб, сарой остонасини ялаган майда очкўз амалдорларгача, авлиё жомасинга ўралган шайхлардан бошлаб, эл алдар исқирт сўфигача — ҳаммасини қоралайди. Навоий сатирасининг ўткир ўқлари умумий қабоҳатларни эмас, кўпинча, худди шу қабоҳатларнинг лўнда намояндаларини нишонга олади. Навоийнинг сатирик ижоди шундай бой, шундай жонли ва ёрқинки, уни ўқир экансан, ҳукмрон табақанинг ҳаёти ва феъл-атвори кўз олдинда гавдаланади.

Шоирни она тили курашчиси, илм, санъат ва маданият ҳомийси эканини исбот қилишнинг ҳожати йўқ. Лекин шуни қайд этмоқ керакки, бу нарса Навоийнинг халққа муҳаббати, чуқур ватанпарварлиги ва давлатни мустаҳкамлаш ҳақидаги мулоҳазалари — қарашлари билан зич боғлиқдир. Навоий она тилида адабиёт яратишнинг чуқур ижтимоий ва сиёсий аҳамиятини тушунди. Ҳар бир халқнинг ўз тарихий ўсиш жараёнида, махсус шароитда вужудга келувчи ва ўзига хос сифатлар билан бошқалардан фарқ қилувчи санъат ва маданиятли бўлишини англади. Навоий халқнинг руҳи, завқи ва анъаналари заминида ривожланувчи санъат ва маданият яратиш учун курашди.

Орадан беш аср ўтди. Навоийнинг озод, бахтиёр халқи буюк ватаннинг чин муҳаббат, мангу дўстлик билан боғланган барча халқлари-ла янги зафарлар сари, маданиятнинг янги чўққилари сари ҳамла қилаётир. Навоийнинг ўлмас асарларини бутун совет халқи Низомийни, Шота Руставелини, Пушкинни ўқиган ва севгани каби ўқийди ва севади. Навоийни улуг айём кунлари хотирлаётирмиз. Шоир Ҳиротда туғилди ва Ҳиротда вафот этди. Унинг ғариб ва муқаддас қабрини унутмайлик...

БУЮК ГУМАНИСТ

Алишер Навоий яшаган даврдан бизни беш асрдан кўпроқ вақт ажратиб турибди. Бироқ шоирнинг ҳаяжонли сўзлари асрлар оша бизнинг ўзгаришлар ва воқеликларга бой замонамизга ҳам етиб келди. Алишер Навоийнинг номи Ш. Руставели, Низомий, Шекспир, Данте, Сервантес, Толстой, Бальзак каби бадний сўз султонлари қаторидан муносиб ўрни олган.

Навоий яшаган давр темурийлар ҳукмронлигининг сўнгги даврига тўғри келади. Бу, шижоаткор фотиҳ-Темур тузган буюк империянинг емирилиш даври эди. Шаҳзодаларнинг тахт учун ўзаро урушлари, ички ва ташқи сиёсий инқирозлар халқ оммасининг қашшоқланишига ва мамлакат эканомикасининг турғунлигига олиб келди. Бу давр маданиятидан, аниқроғи Хуросон ва Мовароуннаҳр маданиятидан жамиятнинг фақат юқори қатламигина баҳраманд эди, холос.

Буюк шоир яшаган ва ижод этган давр ўзининг кескин қарама-қаршиликлари билан ажралиб туради. Бир томонда деҳқон ва ҳунарманларнинг қулларча оғир меҳнати; бир томонда йирик бой ва феодалларнинг дабдабали ҳаёти; ҳашаматли саройлар ёнгинасида каптар уясини эслатадиган камбағалларнинг лойдан ясалган кулбалари. Кишини ҳайратга соладиган Улуғбек расадхонаси бўй кўтариб, олимлари буюк фалак фотиҳи Улуғбек раҳбарлигида самовий ёриткичларни кузатиб, дунё фани тараққиётига бебаҳо ҳисса қўшган Самарқандда мутаассиб шайх Хўжа Аҳроп яшар эди.

Ҳа, давр шундай эди. Уша даврда ҳам қийинчиликлар ва қувғинлардан қўрқмай, фан ва маданият тараққиёти учун курашиб, жаҳолат ва ўзбошимчалнк-

ни, зулм ва ҳуқуқсизликни фош этган виждонли, ҳақиқий инсонлар бор эди. Ана шундайлар қаторида буюк мутафаккир, улуғ шоир, чин инсон Алишер Навоий сиймоси тоғдаги пурвиқор чўққидек ажралиб туради. Ақлий теранлиги ва қомусий билими билан Алишер Навоий, ҳатто Уйғониш даври титанлари орасида ҳам алоҳида ўрин тутади.

10 Навоий ёшлик йилларидаёқ шарқ халқлари тарихи ва тилини, фалсафасини ва шеърятини, тасвирий санъати ва ҳуснихатини, динни, сиёсатни ўрганди, ҳинд, араб, форс, юнон шоир, файласуф ва донишмандларининг асарларини ўзлаштирди. Темурийларнинг сўнггиси бўлмиш Султон Ҳусайн Бойқаронинг бош вазири даражасигача кўтарилган Навоий ўша давр сарой аёнлари ва феодаллари тушунчаси ва тасавури учун бегона бўлган мақсад сари интилди, ўзининг барча имконият ва билимини, бутун ижодини меҳнаткаш халқ ва Ватанига хизмат қилишга қаратди.

20 Навоий давлатнинг асосий, ҳақиқий таянчи фақат халқ бўлиши мумкин деб билар эди. Шунинг учун халқни севар, уни эзиш, зулм ўтказишни оғир жиноят деб ҳисоблар эди. Шоҳдан бошлаб навқаргача халққа сидқидилдан хизмат қилиши керак, бутун давлат системаси халқ манфаатини ҳимоя қилиши керак деган ғоя Навоийнинг фақат ижтимоий, сиёсий фаолиятининг асосий ғояси бўлиб қолмай, балки унинг бутун шеърятининг ҳам асосий ғоясидир. Кишининг инсонийлиги ва инсоний балоғатининг ўлчови, Навоий фикрича, халққа ва Ватанга сидқидилдан хизмат қилишдир. Ватан Навоий учун муқаддас бўлиб, унинг учун қон тўкиш ва унга жонини фидо қилиш инсон учун шараф ва мукофотдир.

30 Навоийнинг ўз она тили учун кураши, унинг фақат ўзбек адабиёти ва маданияти олдидаги буюк хизматларидан бири бўлибгина қолмай, бутун туркий халқлар олдидаги беқиёс хизмати ҳамдир.

40 Навоий ўз назми ва илмий асарлари билан феодалларнинг юқори қатлами томонидан қўпол тил деб четга суриб қўйилган ўзбек тилининг бойлиги ва гўзаллигини намоиш қилади.

Навоий катта сабот ва чидам билан замондошларини ўз она тилини севишга ва бу тилда илмий, бадиий асарлар яратишга чақирди. Шоир тил оммани

тарбиялашда ва унинг маданиятини ривожлантиришда муҳим восита эканлигини жуда яхши тушунар эди.

Навоий яхши билар эдики, унинг халқи ҳам бошқа халқлар каби ўзига хос маданият, адабиётга эга бўлиши ҳамда уни янада ривожлантириши керак. Шеърят халқнинг ҳаёти, орзу-истакларини акс эттириши зарурлигини англаган ва бу фикрни тез-тез такрорлаб турган буюк шоир, ўз асарлари худди ана шу мақсадга хизмат қилишини таъкидларди.

Эски, сийқаси чиқиб кетган шеърый усулларга кўр-10 кўрона эргашиш, ҳаётдан, ҳақиқатдан узоқлашиб, диний-мистик мотивларга берилиш, яланғоч сўз ўйинлари, қуруқ шакл орқасидан қувиш дунёвийликка зид турган шоирлар ижоди учун характерли бўлган ҳолда, Навоий учун бадий ижод «чиройли ёлғон»ни айтиш, самовий ҳис ва кечинмаларини баён қилиш воситаси эмас эди, балки халқнинг гўзалликка, юксакликка интилишини, яъни инсонни инсон қилган ва уни безаган нарсаларни куйлаш воситаси эди.

Навоийнинг бадий-эстетик қарашлари ўз даври 20 учун янги, жасоратли ва прогрессив бўлиб, санъаткор олдида янги уфқ очар эди. Шоирнинг бу қарашлари қуруқ назарий ҳолатда қолиб кетмади, гуманист уни ўзининг қатор асарларида кенг планда акс эттирди.

Навоийнинг мероси жуда катта. У лирик ғазаллардан тортиб йирик романтик дostonлар, тарихий-фалсафий асарлардан тортиб, то тазкирагача бўлган шаклан ва мазмунан турли-туман кўплаб асарлар ижод қилди. Агар Навоийнинг шеъриятига назар солсак, унинг сеҳрли қалами урилмаган классик шарқ шеър-30 риятида мавжуд бирон-бир форма, жанр қолмаганлигининг гувоҳи бўламиз.

Буюк сўз устасининг фақат «Чор девон» лирик девонининг ўзи қирқ етти минг мисрадан иборат. «Чор девон» шеърят гулистонининг сўнмас гулидир. Бу беқиёс асарда ҳаётий, жонли фикр ва ҳислар билан севги ва инсонпарварлик улуғланади, қора кучлар ва адолатсизлик фош қилинади. Навоий шеърияти осмондаги юлдузлар бундан беш юз йил аввалгидек, ҳамон порлаб турибди. 40

Машҳур Ҳофиз каби Навоий ҳам лирик формаларнинг буюк устасидир. Навоий тарихда биринчи марта ўзбек тилида «Хамса» яратди. «Хамса» яратиш Шарқ

шоирлари ижодий кучи ва бадий камолатнинг чўққиси бўлиб, уни муваффақиятли тугатиш форс тилида ижод этган бир неча буюк шоирларгагина nasib бўлган. Навоий атиги икки йил ичида ўзбек шеърятининг бу монументал ҳайкалини қад кўтартирди. «Хамса» билан Навоий ўз она тилининг шухратини таратди, унинг қудратини, гўзаллигини, нозиклигини, бойлигини ва кўркини намойиш қилди. Хамсахон кўз олдида ранг-баранг ҳодиса, воқеа ва интилишлар, қадим халқлар ҳаётидан турли-туман лавҳалар, ёруғ ва қора кучларнинг тўқнашуви ва образ, типларнинг ажойиб галереяси намойён бўлади.

- 10 «Хамса»даги воқеалар силсиласи Осиё ва Европанинг кўпгина мамлакатларини қамраб олади. «Хамса» қаҳрамонлари Хоразм ва Чинда, Эрон ва Ҳиндистонда, Арманистон ва Юнонистонда, барча араб мамлакатларида ҳаракат қиладилар. Ҳирот кўчалари ва майдонларидаги қизгин ҳаёт, қурилишлар тасвири, Искандар Зулқарнайннинг узоқ мамлакатларга юриши ва жанглари, унинг ҳаёт сирларини билиш иштиёқида ёниши, сув остидаги подшоҳлиги гениал шоир қалами билан сайқал олади. «Хамса»даги афсонавий воқеалар қаерда рўй бермасин: Чиндами ёки Суриядами, Арабистондами ёки Ҳиндистондами, Хоразм ёки Юнонистондами — Навоий ўз даврининг асосий ижтимоий масалалари: тарбия, меҳнат тарбияси, фан ва санъатнинг аҳамияти ва роли, кишининг ўз халқи ва Ватанига муносабати, шахс эркинлиги кабилар устида фикр юритади.

- 30 Навоий ўз дostonларида ўзи орзу қилган ижтимоий муносабатларни тасвирлайди ва қаҳрамонни ўрта аср ижтимоий муносабатларининг тор доирасидан олиб чиқиб, орзуси билан бунёд қилган ажойиб оламда ҳаракат қилдиради.

- Навоий қаҳрамонлари етук ва олижаноб кишилар. Улар дунё ва табиат сирларини билишга доимо ташна бўлиб, ҳақиқат ва адолат йўлида ўз бошларини тикмоққа ҳамиша тайёр. Унинг қаҳрамонлари қалби барча гўзалликлар учун ланг очик, бироқ дунёдаги қора кучлар, жаҳолат, зўрлик ва шунга ўхшаш инсонийликни камситадиган барча нарсаларга нафратли ҳамда ғазаблидир ва бу қора кучлар билан бетиним курашадилар. Фарҳод, Қайс, Искандар, Сухайл, Ахий, Шопур

ва бошқалар ана шундай гармоник тараққий этган қаҳрамонлардир.

Фарҳоднинг меҳнатни севиши унинг Ширинга бўлган муҳаббатидан кам эмас. У Шириннинг ватани Арманистонда саҳрога жон киритиш учун тоғни кесиб ариқ ўтказди. Навоийнинг Фарҳод қазиган ариқни ҳаёт ариғи («наҳрул ҳаёт») деб аташи бежиз эмас. Фарҳод меҳнатсевар, довюрак жангчигина бўлиб қолмасдан, олим, гуманист ва уста ҳам эди. У ҳамма ҳунарини ишга солиб, Ширин ватанини золим Хисрав 10 ҳужумидан мардонавор ғимоя қилади. Фарҳод золимлик, зўрлик, разилликдан нафратланади ва ҳаётнинг моҳиятини ҳақиқат, севги, гўзаллик учун курашда кўради. Навоий дostonларида аёллар образи жуда гўзал ва ёқимлидир. Ислом дини ўзининг бутун кучи билан аёллар ҳуқуқсизлиги, қуллигини қонунлаштирган бир пайтда, Навоий ўз асарларида ўз тақдирини ўзи яратадиган аёллар образини зўр маҳорат билан яратди. Навоийдаги аёллар пассив ёки ҳарам ичига қулфланган эмас. Улар эркаклар қатори энг яхши инсоний хислатлар соҳиби. Ширин, доно Меҳинбону, Гулрўз, Меҳр ана шундай аёллар тимсолидир. Бу хислатлар Арабистоннинг назик гули Лайлига ҳам хос. 20

Навоий дostonларида аёллар ўткир зеҳли, сезгир ва гўзал қалб эгалари. Улар муҳаббатда вафодор, дўстликка содиқ бўлиши билан бирга ўз ҳуқуқлари учун толмас курашчилар ҳам. Бу аёллар жангчи, шоира, математик, файласуф, табиатшуносдирлар.

Ўзга элат ва халқларни талаш, хонавайрон қилиш, қишлоқ ва шаҳарларнинг кулини кўкка созуриш одатлари бир иш деб қаралган ва ислом дини халқларни кофир ва мусулмонларга ажратиб ташлаган бир даврда буюк шоир ватанпарварлик, инсонпарварлик ғояларини куйлайди. Айрим халқларнинг устунлиги, бир халқнинг иккинчисини эзиш ғоялари Навоий учун ёт эди. 30

Буюк шоир ва мутафаккир, гуманист ва давлат арбоби Алишер Навоий Уйғониш даври шоир ва мутафаккирлари қаторида ўзининг муносиб ўрнини олиб, табассум билан боқиб турибди. 40

УЛУҒ ШОИР ВА ГУМАНИСТ ҲАҚИДА

Бугунги кун ўзбек халқининг кўп асрлик (многовековой) тарихида шонли ва қувончли бир кундир. Бу кун буюк Ленин партиясининг енгилмас байроғи остида узилмас дўстлик билан бирлашган барча қардош совет халқлари ўзбек халқининг улуғ шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг 500 йиллик тўйини таътанан билан ўтказаятирлар.

Совет ҳокимиятининг 30 йиллик даврида Улуғ Ватанимизнинг озод ва бахтиёр халқлари тарихида мисли кўрилмаган даражада иқтисодий, маданий тараққиётга эришдилар. Социализм мамлакатни генерал раҳнамо партиясининг доно раҳбарлиги остида жаҳонда озодлик, прогресс кучларини, ҳақиқий демократия кучларини бирлаштириб, ақл ва ҳақиқатнинг қуёшдор байрогини баланд кўтариб, башариятнинг янги, баркамол, оҳангдор ҳаётнинг буюк даврига (эра) етакламакдандир. Реакциянинг зулматкор кучлари, жабрга, таловчиликка, инсон мазиятини¹, ғурурини ҳақоратлаш, тубанлатишга асосланган кўҳна дунёнинг чиркин шарпаларни тарихни орқага бура олмас. Қуёш қаршисида зулмат ҳамиша маҳв бўлмишдир. «Бутун йўллар Коммунизмга олиб бораётир!»

Буюк Октябрь социалистик революцияси натижасида рўёбга чиққан (возрожденный) ўзбек халқи қисқа муддатда экономикада, маданиятнинг турли соҳаларида ажойиб ғалабаларга эришди. Халқи номини йўқота бошлаган, зolim хонлар, феодаллар чангалида парчаланган, қашшоқланган мамлакат, маҳаллий ва чор амалдорлар тарафидан таҳқирланган, диний таассуф

¹ Фазилатини.

ва хурофотлар зулматига чулганган саводсиз мамлакат, ҳақсизлик, жабр-зулм ва икки-уч қат эзилиш ва эксплуатация бўйинтуруғи остида бўғилган мамлакат қисқа муддат ичида олдинги социалистик республикага, Шарқда социализм машъалига айланди. Халқнинг асрлардан буён бўғовланган ижодий қуввати бизнинг мамлакатда, социализм қуёши остида нашъу намо топди. Лениннинг буюк ўзгартувчи кучга эга бўлган идеялари кўкси ғам-ғуссага тўла ўзбек ерининг юзини таниб бўлмас даражада ўзгариб юборди. Ўзбек халқи буюк совет ватанининг барча қардош халқлари оиласида ўз шонини — қудратли, яратувчи халқ шонини топди. Ўзбек халқи ўрта асрларга хос тузум ва турмуш формаларидан, онгги ўргимчак индек чулганган диний-мистик хурофий тушунчалардан асрий ва энг илғор фанларнинг чўққиларини эгаллашга, янги социалистик маданиятнинг муаззам биносини барпо этишга муваффақ бўлди. Импералистларнинг, реакционерларнинг Шарқ халқлари маданиятининг «қобилиятсизлиги» ҳақида тўқилган йиртқичона назарияларининг ёлғондан, тухматдан иборат эканини совет Шарқи халқлари, шу жумладан ўзбек халқи инсоний фаолиятнинг ҳамма соҳаларида ижодий ғалабалари билан фош этиб, астар-аврасини ағдариб ташлади.

Ўзбек халқи ўзининг тарихий ютуқлари билан фахрланади. Лекин у ўзининг кечаги аҳволини кўз олдига келтириб, бугунги бахтли ҳаётини яратишда унга доимо оғаларча ғамхўрлик қилган, ундан ёрдамни аямаган буюк рус халқига севгисини, ҳурматини, садоқатини изҳор этишни ўз бурчи деб билади. Жаҳон тарихининг улуғ миссиясини ҳал этувчи, ақли равшан, қудратли, қаҳрамон халққа мангу емирилмас қардошлик севгиси билан робита барпо қилганни ўз тақдирининг бахти деб ифтихорланади. Бу емирилмас, самимий дўстликни, қардошликни Лениннинг буюк партияси яратди. Утмишда беҳад азоб-уқубатлар чеккан ўзбек халқи Ленин миллий сиёсатининг тантанаси натижасида қолоқликдан, қашшоқликдан, жабр-зулмдан, ҳуқуқсизликдан қутулиб, миллат ҳолида бирлашишга, мустақилликка, илғор маданиятга ва нур тўла ҳаёт ярата билишга имконият топди. Ўзбек халқи ўзининг гўзал ватани, озод ва мустақил мавжудияти ва бутун тарихий ютуқлари билан буюк қудратли большевиклар партиясига — совет халқини коммунизм сари элтувчи,

барча ғалабаларнинг ташкилотчиси, илҳомчисига бурч-лидир.

Ўзбек халқи бу тантанали кунда, ўзининг буюк шоири Алишер Навоийнинг шонли юбилеи кунда, ўзбек поэзиясининг қуёши юзидан замонлар, даврлар пардасини кўтариб, халққа бағишлаган доно ва меҳрибон партияга чексиз муҳаббатини изҳор қилади.

Алишер Навоий яшаган ва ижод этган давр билан бизнинг замон орасини беш аср айиради. Доҳийнинг 10 (гений) сўзлари лоямутдир. Шоирнинг илҳомкор сўзлари, воқеалар, ўзгаришлар гирдоблари билан тўла замонлар, даврларнинг чўққиларини ошароқ, бизгача етиб келди. Навоий, бадий сўзнинг титанлари Шота Руставели, Низомий, Пушкин, Шевченко каби совет халқининг — ўтмишда дунё халқлари томонидан яратилган барча ҳақиқий қимматлар ва гўзалликларнинг ягона меросхўри бўлган халқнинг — ҳурмат ва муҳаббатига сазовор бўлди.

Алишер Навоий яшаган ва ўлмас асарларини яратган давр XV асрнинг II ярмига, сўнгги теурийларнинг ҳукмронлик замонига тўғри келади². Бу — Хуросон ва Мовароуннаҳрда Шарқ феодал культурасининг гуллаган даври эди.

XV асрдаги Хуросон ва Мовароуннаҳр маданияти тор, заиф техник-экономик негизга қурилган бўлиб, жамиятнинг асосан, юқори қатламларида ёйилган эди. Феодалларнинг нозиклашган, шаъшадор (блистательная) ва ярқироқ — кўркам (пышный) маданияти, май, мусиқий, поэзия ичида ўтган ҳаёти деҳқон ва косиб 30 оммасининг беҳад оғир қулларча меҳнати устида барқарор эди. Энциклопедик маълумот соҳиби ажойиб олимлару мутлақ саводсиз ва нодон халқ оммаси, кабутархоналарга ўхшаш мингларча фақир кулбалар орасида муҳташам саройлар, самовий гумбазлар, пештоқлар, шоирларнинг мусобақалари, фалсафага қизиқиш билан бирга диний таассубнинг, хурофотнинг қора мавжлари, мадрасалар каби ўқув юртлари билан бир

² Оқсоқ Теурийнинг бутун-бутун мамлакатлари, давлатлари бўрон даҳшати билан ағдариб тузган ғоят кенг империяси кўпдан парчаланган, ҳатто унинг сўнгги, ўзак қисмлари ҳам ички ва ташқи сиёсий силкинишлар, ўзаро урушлар исканжасида қолган эдики, буларнинг оқибати ўлароқ қашшоқланиш ва иқтисодий путурсизлик борган сайин кучаяр эди.

қаторда китобий билимларга ашаддий душман бўлган дарвешлар, сўфийларнинг хонақолари (обитель)ни — бу даврнинг маданий ҳаётини ва фикрий вазиятини характерлайди. Ислом ақидаларидан сал-пал тойиш оғир жазоларга сабабчи бўлган.

Мадрасанинг пештоқида «илм ўрганиш ҳар бир мусулмон ва мусулмон аёл учун фарздир» деган битик — у замонга кўра жуда жасур, жуда прогрессив шиорга қарши илмларнинг шайтоний бир ибтидо эканини ваъз этиш каби бир-бирига тамоман зид қарашлар мушоҳида қилинади. Самарқандда, Улуғбекнинг шоён ҳайрат илмий муассасаси — обсерватория юксалган бир шаҳарда, машҳур шайх, ўта кетган фанатик Хўжа Аҳрор, бир кун ўз шоғирдларини бошлаб келаётган катта олим астроном Али Қушчини кўриб, муридларига шундай деган: Ана, қанжиқ ўз итбаччаларини ёнига олиб келаётир!

У замоннинг ҳақиқий илғор одамлари, ҳар қандай мушкулотларга қарамай, маданият ва маориф учун курашганлар. Зулм, ҳақсизликларни қоралаганлар. Насллар учун қимматли асарлар қолдиришга ғайрат қилганлар. Бу асрнинг энг илғор, энг прогрессив, энг жасур ва энг самимий, энг виждонли намояндалари орасида Алишер Навоийнинг — шоир, мутафаккир инсоннинг яна ҳам баланд, яна ҳам тўкис (цельный), яна ҳам ёрқин сиймосини кўрамиз.

Ўзбек адабиёти тарихида ажойиб бутун бир давр яратган, ўзбек тилининг адабий тил сифатида роль ва аҳамиятини янги юқори босқичга кўтарган, бир қанча асрлар бўйи ўзбек адабиётининг тараққиёт йўлларини белгилаган ва адабий, илмий мероси билан Шарқнинг бир кўп халқларининг бадиний культурасига, ижтимоий фикр тараққиётига таъсир кўрсатган улуғ шоир Ҳиротда, теурийларнинг сарой доираларига яқин турган онлада туғилди. Болалик йилларидан бошлаб у Ҳиротнинг, Машҳаднинг, Самарқанднинг донгдор олимларида, санъаткорларида ўқиди, ўрганди. Алишер гоят фавқулодда истеъдодга, фавқулодда ҳар тарафлама қобилиятга эга эди. У тилларни, халқларнинг тарихларини, маданиятларини, фалсафа ва поэзияни, расм ва хаттотликни, диний илмларни, сиёсатни, ҳатто, тадбиқий илм ва санъатларни ўрганди. Алишер туркий халқларнинг маданиятлари билан бир қаторда, эрон,

ҳинд, араб классик шоирларининг, файласуфлари ва доноларининг (мудрецы) бадий ва фикрий хазинасидан қониққунча истифода этади.

- Сўнгги темурийлардан Султон Ҳусайн Бойқаро — ингичка шоир ва қиличбознинг вазир даражасига кўтарилган Алишер Навоий теварагини ўраган сарой аҳллари, феодал аслзодалари (знать)га тамом ёт бўлган, уларнинг тушунчаларига, одат-ахлоқларига (нравы) тамом эид бўлган вазифалар ҳам мақсадларга интилади. Алишер Навоий ўзининг бутун қобилиятини, бутун билимларини, бутун ижодиётини халққа, Ватанга хизмат учун бағишлайди.

Одамий эрсанг демагил одами,
Оники йўқ халқ ғамидин ғами.

- Навоийга қадар ҳеч бир ўзбек шоирининг ижодиётида халққа, Ватанга муҳаббат, ғамхўрлик, уларнинг тақдир устида ўйлаш кераклиги ҳақида бу қадарли ўткир мотивлар йўқ. Навоийнинг ҳалафлари ва замондошларидан баъзилари халққа диний-мистик фикларни талқин этиш билан чекланган бўлсалар, бошқалари халқнинг мавжудлигидан беҳабардек безакли, кайфсафоли ҳаётнинг маст мавжларида чўмган оқсуякларнинг завқига мос ишқ ва май лирикасидан нарига ўтмаганлар. Алишер Навоий ўзаро тўхтовсиз урушлар орқасида мудом парчаланиб, ҳаробланаётган ватанин, ички ва ташқи душман кучларнинг қўпоровчи таъсир остида заифлашаётган давлатни саломат сақлаш, мустаҳкамлаш учун ягона умид, ягона тирак халқ эканини гоят чуқур англади. Шоир халқни қалбининг бутун қудратли ишқи билан севади, халққа жабр-ситам қилишни энг оғир ёмонлик, энг қабих жинойт деб билди ва ситамкорларга қарши ғазаб ва нафрат тўла овоз билан қичқиради. Халққа муносабат масаласида шоир-вазир ҳатто ўзининг болаликдан дўсти Ҳусайн Бойқарони ҳам фаш этишдан тойинмади.

Ты у народа взял иглу — не позабудь вернуть:
Она — кинжал, и грудь твою пронзит когда-нибудь.
О, царь, большую в жизнишьшьшь даёшь тебе престол,
Но ты пути добра отверг, путь гнёта предпочел.

- 40 Алишер ижодиётида халқ проблемаси ва уни жабр-зулмдан қўриқлаш, унга фавқулодда одилна муносабат марказий ва органик мавзу бўлиб қолади. Халққа

муносабат, бутун давлат системасини, то подшодан бошлаб навкарга қадар, ҳаммани халқ учун хизмат қилиши кераклиги ҳақидаги идея Навоийнинг ёлғиз ижодиётининггина эмас, балки унинг бутун ижтимоий-сиёсий фаолиятида ҳам асосий чизиқни ташкил қилади. Навоийнинг сарой доиралари, ҳокимлар, юқори мансабдорлар, ҳатто Султон Ҳусайн билан олиб борган ва ўнларча йил давом этган, кўпинча унинг бошига оғир кулфатлар, изтироблар келтирган курашнинг негизида ҳам, аслида халққа муносабат проблемаси ётади. Инсоннинг камолоти ва мумтозлик даражаси учун ўлчак (мера) деб Навоий халққа ва Ватанга чин кўнғил билан хизматни кўрсатади. Ватан, Навоий учун, шундай улуғ муқаддасотки (святыня), унинг учун ўз қонини тўкиш, ўз ҳаётини қурбон қилиш инсонга энг шарафли ишдир. 10

Навоийнинг она тили учун ҳирсли кураши ўзбек халқи тарихи, маданияти, адабиёти олдида унинг энг буюк хизматларидандир. Болалик чоғларидан бошлаб ўзбек ва форсий тилларида гўзал шеърлар ёзиб, «икки тили» шоир сифатида донг чиқарган шоир, кейинчалик она тили учун курашнинг байроқдорига айланади. Она тилининг тантанаси учун асрлардан буён мусулмон шарқида давом этган традицияларга, адабий тил соҳасида аксиома шаклига кирган қарашлар билан, қаноатлар (убеждение) билан, ўз замонасида форсий тилининг ашаддий, фанатик тарафдори бўлган насллар билан буюк, мислсиз яловбардорликка (единоборство) киришади. Мусулмон Шарқида араб ва форс тилларидан бошқа, лекин бойликда, гўзалликда улардан қолишмайдиган учинчи бир тил, «дағал» деб хўрланган тил борлигини ўзининг ўлмас поэтик асарлари билан, илмий далиллари билан исбот қилади. Она тилини севишга, унда илмий, шоирона асарлар ёзишга, уни ўстиришга ҳамма ерда, ҳамма вақт ўз замондошларини инотчиликка (настойчиво) чақиради. Алишер Навоийнинг она тилига бўлган чексиз муҳаббати, унинг тантанаси учун жонкуярлиги тилининг халқ тарбияси учун, давлат учун, маданият учун энг муҳим қурол эканини англаш билан изоҳланади. Навоий замонида ҳам, ундан илгарилар бўлганидек, маълумотли доиралар ва феодал аслзодалари (знать) тилида ўқишар, ёзишар, сўзлашар эдилар. Она тилини, тугма адабиётни менсимас эдилар. Алишер Навоийнинг гениал ақли ҳар бир 40 217

- халқнинг ўз миллий маданият ва адабиётлари борлигини ва шундай бўлиши кераклигини, унинг халқ ҳақида ўзига хос маданият ва адабиётга эга бўлиши кераклигини англади. У, поэзияда халқнинг завқини, унинг онгини ифода этувчи, руҳи билан форсичага ўхшамаган асарлар яратиш кераклигини, ўзининг ўлмас дostonларини ёзаркан, шундай мақсадни кўзда тутганини кўп дафъа таъкидлаб ўтади. Адабиётнинг моҳиятини, ҳаётдаги роль ва аҳамиятини тушунишда ҳам
- 10 гениал шоир ўз ҳалафларидан, бир кўп замондошларидан олдинга кетади. Замондоши бўлган шоирларда кўҳна, чайналган намуналарга кўр-кўрона тақлид, воқеликдан қочини, диний-мистик мотивларга, формалистик, мураккаб шеърини фокуслар, сўз ўйинларига берилиш авж олган эди. Навоий адабиётнинг ижтимоий-тарбиявий аҳамиятини чуқур англади. Навоий учун бадий сўз «гўзал ёлгон» эмас, пуч безак эмас ёки самовий ҳисларнинг ифода воситаси эмас. Навоий йигитчалик давридаёқ ўз дўсти Муҳаммад Сайид Паҳлавон билан
- 20 поэзия ҳақида суҳбатлашганда, шоир ўз асарларида ҳаёт воқеаларини, инсоний фикр, туйғуларни акс эттиришни керак, деган идеяни илгари суради. Навоий — баркамол шаклларнинг сеҳркор мастери — поэзияда маъно, мазмуннинг устунлиги принципини «Хамса»да бутун қатъият ва равшанлик билан баён қилади. Замон ўтиши билан бу фикрларини чуқурлаштиради, бойтади. Навоийнинг адабий, эстетик қарашлари ўз замони учун янги, жасур ва сўз рассомлари олдида янги уфқлар очувчи, адабиётни янги босқичга кўтарувчи чуқур ўйланган принциплар эди. Бу принциплар
- 30 Навоийда қуруқ назария бўлиб қолмади. Уларни шоир ўзининг буюк асарларида (творения) тажассумлантирди. Холис поэзия соҳасини олсак, Шарқ классик поэзиясида мавжуд бўлган ва Навоийнинг серилҳом, сеҳркор қаламидан четда қолган бирон поэтик форма ҳам жанр йўқдир. Унинг ёлғиз лирик девони 47 минг мисрадан иборатдир. «Чор девон» поэзиянинг абадий жонли гулдастасидир; бу — борлиқни ихота қилувчи буюк ишқнинг ва инсончиликнинг куйчиси (песняпевец), ёрқин ибтидоларнинг воизи, шаарни (зло) ашаддий қораловчи, фош этувчи бўлган шоирнинг ёлқинли фикрлари, ҳисларидан тўқилган ажойиб бир асар (творения). Навоий поэзиясининг юлдуз самоси ҳозир ҳам
- 40

худди беш аср бурунгидек чақнаб туради. «Чор девон» тематика, мазмун жиҳатдан фавқулодда бой ва ранг-барангдир. Навоий лирикаси табиатнинг ранго-ранг, хилма-хил жилваларига мадҳ ўқувчи пантеистик гимнларни, даврни тўлқинлатган социал проблемаларни, ҳаёт ва инсон ҳақида шоирнинг ўйларини, ёрга бўлган жонли, хирсли, тоза севгини бепоён, бир-биридан чуқур, гўзал ва самимий ифодасидан иборат мингларча ғазалларини ўз ичига олади. Навоий, худди Ҳофиз каби, ўзбек классик поэзиясида ғазалда тенги йўқ 10
мастердир.

«Хамса» Навоий даҳосининг энг тўлғин, энг қудратли ва энг гўзал асаридир (творение). Фикрнинг чуқурлиги, табиат ва ижтимоий ҳаёт ҳодисаларини кенг иҳота этиш, инсон психологиясини англашда, фавқулодда ингичкалик ва дақиқлик (проницательность), ҳаёт ҳақиқатига интилиш, форманинг ва мастерликнинг мукамаллиги «Хамса»нинг ҳамма дostonлари учун характерлидир. Навоий ўз дostonларининг ўқувчилари назарига воқеалар, ҳодисалар, ҳислар гирдобини, халқлар, қабилалар, давлатлар, мамлакатларнинг рангин ҳаётини, даврларнинг ҳаракатини, ёрқинлик ва зулматларнинг курашини (тасвирлайди). «Хамса»да Навоий эртакона, афсонавий сюжетлар тўқилмасида энг муҳим социал масалаларни — давлат бутунлиги учун кураш, давлат ва халқнинг тараққиёт ва таназзули сабаблари, бошқарувчи доираларнинг ахлоқи, фазилатлари ҳақида, ижтимоий тартиблар ҳақида, ишқ, оила ҳақида, яратувчи меҳнат, ҳаётни барпо қилиш ҳақида, фанлар, санъатларнинг ҳаётдаги роли ва аҳамияти ҳақида, инсон шахсиятининг озодлиги бўлган проблемаларни олдинга суради. «Хамса»да Навоий жуда кўп асрлар мобайнида яратилган фикрлар, таълимотлар, системаларнинг ажойиб бадний синтезини яратади. 20

Навоий ўз дostonларида ижтимоий муносабатларнинг картиналарини чизади. Унинг мусбат қаҳрамонлари ана шу муносабатларни энг ёрқин очиб ташлайди. 30

АЛИШЕР НАВОИИ

Улуг ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ижодий фаолияти ўзбек адабиёти тарихи тараққиётида бутун бир давр яратди. XIV асрда туғилган дунёвий адабиётнинг XV асрга келиб тез суръат билан ривожланиши ва ажойиб ютуқларга эришиши Алишер Навоий номи билан чамбарчас боғлангандир. Алишер Навоий дунёвий адабиётнинг мазмун жиҳатдан энг салмоқдор, бадний форма жиҳатидан энг етук намуналарини яратган забардаст вакилидир.

10 Алишер Навоий ижодиётининг аҳамияти ўзбек адабиёти доирасида чекланиб қолмайди. У жаҳон адабиётининг мумтоз сиймолари қаторидан ҳақли равишда жой олади. Унинг яратган «Чор девон», «Хамса» асарлари фақат ўзбек классик адабиётининггина эмас, балки жаҳон адабиётининг қимматбаҳо дурдоналаридан ҳисобланади.

20 Алишер Навоий ўзининг ранг-баранг бой ижодида замонасининг прогрессив идеяларини куйлади. Навоий назарида мамлакат равнақи учун курашишдан кўра ҳам, халқ манфаатлари учун хизмат қилишдан кўра ҳам шарафлироқ иш йўқ эди. Навоий бутун онгли ҳаётини, узоқ муддатли ижодий ва амалий фаолиятини халқ манфаатларини ҳимоя қилишга сарф этди. Шунинг учун феодал зулмига қарши нафрат, ғазаб, эркин ва бахтли ҳаётни орзу қилиш мотивлари Навоий ижодининг ғоявий асосини ташкил қилади.

30 Алишер Навоий феодал ўтмишда, эксплуатация, диний фанатизм ва жаҳолат авж олган бир даврда халқ бахти-саодати учун тинмай курашган ўзбек маданияти тарихининг энг илгор, энг улкан сиймоларидан биридир.

Алишер Навоий 1441 йил 9 февралда Ҳирот шаҳрида кичик амалдор оиласида туғилди. Унинг отасини Ғиёсиддин Кичкина дер эдилар. Тарихий манбалар уни «Кичкина Баҳодир», «Кенжа Баҳодир» деб ҳам атайдилар. Ғиёсиддин Кичкинага бу лақаб унинг жанрларда кўрсатган жасорати учун берилган эди. Бу тарихий ҳақиқатни Бобир ҳам ўз асарин «Бобирнома»да таъкидлаб ўтган. У Алишернинг отасин «бекии эмас, мусоҳибий эди», яъни аристократ эмас, балки уларга суҳбатдош («мусоҳибий») бўлиш даражасига кўтарилган киши эди деб уқтиради. Демак, Алишер Навоийнинг отасин Ғиёсиддин Кичкина оддий амалдорлардан бўлиб, ўз ғайрати, жасорати орқасида замонасида шуҳрат қозонган киши эди. 10

Баъзи тарихий манбаларда Ғиёсиддин Кичкинани «Кичкина бахши» деб ҳам атайдилар. Бу лақабда Ғиёсиддин Кичкинанинг оғзаки халқ ижодига яқин муносабатда бўлганига ишора бор. Ғиёсиддин Кичкина умуман санъат ва адабиётга, шу жумладан оғзаки халқ ижодига қизиқар ва шоирлик ҳавасида шеърлар ҳам ёзар эди. Санъат ва адабиёт, айниқса, поэзияга қизиқиш фақат Ғиёсиддин Кичкинадагина бўлмай, балки Алишер Навоий оиласининг кўп аъзоларига хос хусусиятдир. Масалан, Алишернинг тоғасин — Абу Санд замонасининг пешқадам шоирларидан бўлиб, «Қобилий» тахаллусин билан шуҳрат қозонган эди. Кичик тоғасин Муҳаммад Али эса, талантли музикачи, уста хаттот (каллиграф) сифатида танилган ва «Ғарибий» тахаллусин билан шеърлар ёзар эди. Навоийнинг жияни Мир Ҳайдар, укасин Дарвеш Алилар ҳам ўз замонасининг шоирларидан бўлиб, адабий тахаллус эгаларин эди. 30

Бу оилавий муҳит Алишерда жуда эрта адабий завқнинг уйғонишига таъсир этди. Навоийнинг ўз сўзига қараганда, у тўрт-беш ёшларидаёқ анчагина шеърни ёд билар ва уйдаги ўлтиришларда меҳмонларга ўқиб берар эди.

Алишер олти ёшларида мактабга кирди, оиласида туғилган ундаги завқ мактабда яна кучайди, мустаҳкамланди. Алишер зўр иштиёқ ва ғайрат билан ўқишга киришди, машҳур шоирлардан Саъдий, Ҳофиз, Аттот, Хисрав Деҳлавий, Низомий, Атоний, Лутфий ва бошқа- 40

ларнинг асарлари билан чуқур танишди, ўзи ҳам шеърлар машқ қилишга киришди.

Мамлакат сиёсий ҳаётида ҳукм сураётган нотинчлик — феодал урушлари ва ғалаёнлари туфайли Алишер ёшлик, ўсмирлик ва йигитлик даврини Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг турли шаҳарларида ўтказишга мажбур бўлди ва ниҳоятда қийин иқтисодий аҳволда яшади. У 1449 йилгача Ҳиротда яшади, 1449—1451 йиллар орасида опласи билан бирга Хуросоннинг турли шаҳар ва қишлоқларини кезиб юриди, 1452 йилда Ҳиротга қайтди, 1456 йилдан 1464 йилгача Машҳадда яшади. 1464 йилда яна Ҳиротга қайтди. 1467 йилда эса Хуросон ҳокими Абу Саид Мирзо томонидан Самарқандга сургун қилинди.

Алишернинг ёшлик даври бундай нотинч ва оғир шароитда ўтган бўлишига қарамай, у илм-маданият чўққиларини эгаллашга, адабий-ижодий ишга зўр ҳавас ва муҳаббат билан интилди, фавқулодда сабр ва матонат билан меҳнат қилди.

20 Алишер тинмай ўқиш, излаш, ижодий меҳнат қилиш орқасида ҳайрон қоларли муваффақиятларга эришган эди. У, Машҳадда яшаган даврида (1456—1464) етук шоир сифатида танилган, ижодий таланти шаклланган эди; Ҳиротда яшаган даврида эса (1464—1467) замонасининг Абдурахмон Жомий, Саид Ҳасан Ардашер, Паҳлавон Муҳаммад, Шайх Камол Турбатий каби энг прогрессив шоирлари билан, бирга илғор адабий ҳаракатга бошчилик қилди, поэзияда олижаноб хислатларни, адолат, маърифат идеяларини жўшқин куйлади.

30 Бу даврда Алишер Навоий бадиий таланти ҳамма томондан баробар эътироф қилинган ва у етук шоир сифатида зўр шуҳрат қозонган эди.

Абу Саид Мирзо билан Ҳусайн Бойқаро ўртасида Хуросон тахти учун узоқ муддат давом этган кураш 1469 йилга келиб, Абу Саиднинг енгилиши, Ҳусайн Бойқаронинг тахтга ўлтириши билан хулосаланди. Хуросонда сиёсий вазиятнинг ўзгариши муносабати билан Алишер Навоий 1469 йилда Самарқанддан Ҳиротга қайтди. Машҳур шоирни Ҳусайн Бойқаро яхши қабул қилди ва ундан фойдаланишга тиришди. Янгигина тахтга ўлтирган Ҳусайн Бойқаро олдида ўзаро урушувчи феодалларга чек қўйиб, мамлакатда тартиб ўрнатиш, ўз давлатини мустаҳкамлаш каби муҳим сиёсий вазифалар

турар эди. Бунинг учун унга обрўли, тадбирли кишилар керак эди. Хусайн Бойқаро Навоийга шундай кишилардан бири, деб қаради ва уни саройга тортди.

Алишер Навоий, аввал (1469—1471) муҳрдорлик вазифасида турди, сўнграқ (1472—1476) вазирлик вазифасини бажарди.

Алишер Навоийнинг давлат арбоби сифатида олиб борган ишлари Хусайн Бойқаро ва унинг саройига тўпланиб олган реакцион аристократ гуруҳларнинг кутганидек бўлиб чиқмади. Алишер Навоий саройдаги қисқа, лекин самарали иш даврида мамлакат истиқболи, халқ фаровонлиги, унинг бахти-саодати, илм-маданият тараққиёти учун зўр бериб курашди, бор имкониятларни шу йўлга сафарбар қилди. Алишер Навоий давлат маблағини асли ўз ўрнида фойдаланишга — мамлакат ва халқ учун фойдали ишларга сарф қилишга интилди, бу мақсад йўлида ҳаттоки ўзининг шахсий бойлигини ҳам аямади. Навоий халқ хўжалигини кўтариш мақсадида даштлик ерларга сув чиқариш учун канал қаздиришга киришди; қурилиш, ободончилик ишларини ривожлантириб юборди; кўприklar, карвонсаройлар, роботлар, мадрасалар, ҳаммомлар, шифохоналар солдирди. Манбаларнинг кўрсатишига қараганда, Алишер Навоий ташаббуси билан Хуросоннинг турли ерларида қурилган бундай биноларнинг умумий сони 370 дан ортади.

Алишер Навоий вазирлик қилган вақтда Хуросон пойтахти Ҳиротни илғор маданият марказига айлантириш учун кўп ишлар қилди. Олим, шоир, ҳунарманд, санъаткорларни мамлакатнинг турли ерларидан Ҳиротга тўплади; уларга узлуксиз хомийлик ва раҳбарлик қилиб турди. Маданият ҳомийси Алишер Навоий туфайли Ҳирот ўша даврнинг илм-маданият марказига айланди.

Вазир Алишер Навоийнинг мамлакат ва халқ манфаати учун бундай йўл тутиши эгоист — манфаатпараст Хусайн Бойқаро ва сарой аристократларининг шахсий манфаатларига зарба бўлиб тушди, уларнинг ғашини келтирди. Шундай қилиб, саройдаги реакцион аристократ гуруҳлар Алишер Навоийга, унинг тутган йўлига қарши кураш бошладилар, ёвуз ниятлар билан фитна — фасод тузоғини қуришга киришдилар. Саройдаги бу қора кучлар ифвосини собиқ вазир Маждиддин уюштирди. Жирканч сарой фитна-фасодларидан безор

бўлган Алишер Навоий 1476 йилда вазирликдан истефо берди ва 1487 йилга қадар расмий вазифаларда бўлмади. Бунга қарамай Навоий ўзининг олижаноб мақсадлари йўлидаги курашини давом эттирди, халқ ҳаётида актив иштирок этиб, мамлакатдаги илғор кучларга бошчилик қилди. Алишер Навоий зулм ва жаҳолатга ўтли нафратлар айтувчи, золимларни фош қилувчи, бахт-саодат куйини куйловчи жуда кўп бадиий асарлар қаторида ўлмас «Хамса»ни ҳам шу даврда 10 (1483—1485) ёзди.

Халқ манфаатлари учун жонкуяр, илм-маданият, тараққиётнинг қизғин жарчиси шоирни таъқиб этиш давом қилди. Алишер Навоийнинг саройдан кетишига эришган реакцион гуруҳлар 1487 йилда уни Астрободга ҳоким қилиш пардаси остида пойтахтдан сургун қилдилар. Навоийни таъқиб қилиш шу даражага бориб етдики, ҳатто уни заҳарламоқчи ҳам бўлдилар.

II

Алишер Навоий ижодий меросининг муҳим қисмини лирика ташкил қилади. Навоий ижодини кичик лирик шеърлар ёзиш билан бошлади ва умрининг охиригача бу жанрда ижод этди. Навоий лирикаси икки тилда — ўзбек ва тожик тилларида ёзилган. Тожикча шеърларида шоир «Фоний» тахаллусини қўллаган. Ун икки мингга яқин мисрани ўз ичига олган бу шеърлар девон шаклида тўпланган, халқ ўртасида «Девони Фоний» номи билан машҳур.

Алишер Навоийнинг ўзбекча шеърлари эллик минг мисрага яқин. Булар девон шаклида тўпланган. Бу девон тўрт қисмдан иборат бўлиб, Навоий томонидан 30 «Хазоинул-маони» («Маънолар хазинаси») деб аталган. «Хазоинул-маони» халқ ўртасида «Чор девон» номи билан юритилади. «Чор девон»га кирган лирик шеърлардан ташқари Навоийнинг «Хамса», «Лисонут тайр» каби эпик асарларида, «Маҳбубул-қулуб» каби илмий-прозаик асарида ҳам кўп лирик парчалар учрайди.

«Чор девон» тўрт қисмдан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири қуйидагича номланади:

1. «Ғаройибус сиғар» («Ёшлик ғаройиботлари»),
- 40 2. «Наводирӯш шабоб» («Йигитлик нодирликлари»),
3. «Бадоеул васат» («Ўрта ёшлик гўзалликлари»)

4. «Фавондул кибар» («Кексалик фойдалари»). «Чор девон»нинг бу мукамал нусхаси Алишер Навоий томонидан 1480—81 йилларда тартибга солинган. Бундан кейин ёзилган шеърлар ҳам, шубҳасиз, бу тўпламларга кирган бўлиб, Навоий лирик меросини ўрганишда шу тўрт қисмдан иборат бўлган «Чор девон» асосий манба ҳисобланади.

«Чор девон»даги лирик шеърлар жанр жиҳатидан ранг-барангдир. Унда классик поэзиямизда бўлган ҳамма жанр намуналари учрайди. Энг кичик лирик жанр 10 ҳисобланган фардлардан тортиб, қитъа, рубоий, ғазал, мустазод, мухаммас, мусамман, таркиббанд, таржибанд, соқийнома, қасидалар учрайди. «Чор девон»даги шеърларнинг кўпчилигини ғазаллар ташкил қилади.

III

Алишер Навоий ўзбек адабиёти тараққиёти учун ажойиб муваффақиятлар билан қизгин кураш олиб борар экан, у икки мақсадни кўзда tutар эди. Биринчидан, ўзбек тилида ҳам юксак бадний асарлар яратиш мумкин эканини исбот этиш, у тилга адабий тил сифатида 20 гражданлик ҳуқуқини қайтиб олиш, иккинчидан, ўзбек халқининг фикр олишувини бирдан-бир восита бўлган бу тилни, бу тилдаги адабиётни шу халқ манфаатлари, мамлакат манфаатлари учун кураш майдонига айлантириш ва бу кураш майдонидан ўз мақсадлари йўлида максимум фойдаланиш. Алишер Навоийнинг бу адабий программаси уни кенг бадний 30 полонога эга бўлган катта эпик асарлар яратишга олиб келди. Чунки катта кўламдаги эпик асарлар Навоий учун, ўз идеяларини, мақсадларини кенг ва тўлиқ очилишга, турмуш масалаларини чуқур ва атрофлича қамраб олишга имконият берар эди.

Алишер Навоий бундай асарлар ёзиш тўғрисида кўпдан бери ўйлар эди. У, 60-йилларнинг охирида Самарқанддан ёзган бир хатда Фирдавсий «Шоҳнома»сидек катта асар ёзиш ниятида эканини айтган эди. Алишер Навоий бу улуг ниятини амалга ошириш учун имконият туғилишини сабрсизлик билан кутди ва ниҳоят 1476 йилда вазирликдан бўшаб олгандан сўнг бу мақсадни амалга оширишга киришди. 40

Алишер Навоий «Чор девон»и билан ўзигача бўлган дунёвий лирикани янги поғонага кўтарган бўлса, «Хамса»си билан ўзбек эпик адабиётини мислсиз бойитди. Алишер Навоийгача ўзбек адабиётида эпик асарлар бармоқ билан санарли даражада кам эди. Навоий ўз «Хамса»сини яратишда турли манбалардан жуда самарали равишда фойдаланди. У, эпик асарлар соҳасидаги ўзбек адабиётининг бошланғич ишларига суяниб, шарқ адабиётининг биринчи навбатда Низомий ва Хисрав Деҳлавийларнинг хамсачилик соҳасидаги гажрибаларини ижодий ўзлаштирди, бой халқ оғзаки адабиёти материалларидан кенг кўламда фойдаланди. Бу мураккаб ишларни Алишер Навоий ҳайрон қоларли суръат билан давом эттириб, икки йил мобайнида, 1483—1485 йиллар ичида эллик минг мисрадан ошиқроқ бўлган гениал шеърини асарини тугатди.

«Хамса» беш дostonни ўз ичига олади.

- «Хамса»нинг биринчи дostonи «Ҳайратул-аброр».
- 20 «Ҳайратул-аброр» 1483 йилда ёзилган бўлиб, саккиз минг мисрага яқин шеърни ўз ичига олади. Дoston дидактик-таълимий характерга эга. Шунинг учун унда бошдан-оёқ давом этадиган ва маълум усулда ривожланиб борадиган сюжет чизиги йўқ. Бу жиҳатдан «Ҳайратул-аброр» «Хамса»даги бошқа дostonлардан ажралиб туради. Дoston ахлоқий ва фалсафий масалаларга бағишланган алоҳида-алоҳида боблардан ташкил топган. Алишер Навоий бу темалардаги ўз фикрини исбот қилиш, асослаш учун ҳикоялар, масаллар ҳам беради. Бундан ташқари дoston ўша
- 30 давр адабий традициясига мувофиқ турли муқаддималар, бағишловлар билан бошланади, охирида эса бир неча бобдан иборат хотима берилади. Шундай қилиб, дostonда катта-кичик 64 боб бор. Лекин «Ҳайратул-аброр»нинг асосини ташкил қилувчи боблар 20 та, булар «Мақолат» деб юритилади. Алишер Навоий ҳар бир «Мақолат»да ўз замонаси ҳаётининг бирор масаласини асосий тема қилиб олади ва шу масала тўғрисидаги ўз қарашларини баён қилади. «Мақолат»ларда қўзғотилган масалалар мазмун ва характер эътибори
- 40 билан турлича бўлиб, ўша давр жамият ҳаётининг ҳамма томонларини деярлик қамраб олади. Бу «мақолат»ларда қўзғотилган масалалар ва бу масалалар бўйича баён қилинган фикрлар орқали Навоий даври

жамият ҳаётини ҳам, Навоий дунёқарашининг жуда латларда Навоий ўзининг ахлоқий, сиёсий-фалсафий фикрларини илгари суради ва уларда ўз идеяларини жамият ҳаётига татбиқ қилиш, турмушдаги бузуқликлардан қутулиш йўлларини кўрсатади. Масалан, «Ҳайратул-аброр»нинг «Золим подшолар зикрида» деб аталган учинчи «Мақолат»ида Алишер Навоий золим подшоларнинг сирларини очиб ташлайди, уларни адолатга ундайди ва инсофга чақиради. «Риёий харқапўшлар ҳақида» деб аталган тўртинчи «Мақолат»ида 10 эса шайхларни, риёкор дин аҳллариини жамиятнинг энг ёмон элементлари деб ҳисоблайди, уларни жамият баданига ёпишиб олган паразитлар деб атайди ва халқни улардан ҳазар қилишга чақиради. Худди, шунингдек, «Ҳайратул-аброр»нинг бошқа «Мақолат»ларида ҳам сиёсий, ахлоқий масалалар устида сўз боради. Алишер Навоий «Ҳайратул-аброр» достонида ўз дунёқарашининг асосий нуқталарини қисқа, лекин жуда равшан ва мароқли формада баён қилади. «Ҳайратул-аброр» Навоий дунёқарашини ўрганишда ни 20 ҳоятда бой ва қимматли материалларни ўз ичига олган дostonдир.

«Хамса»нинг иккинчи достони «Лайли ва Мажнун». Навоий «Ҳайратул-аброр»ни тамом қилиши биланоқ иккинчи достонини ёзишга киришади ва 1484 йилнинг бошларида «Лайли ва Мажнун» достонини битиради. Дoston 7200 мисра шеърни ўз ичига олган бўлиб, 38 бобдан ташкил топган.

«Лайли ва Мажнун» достонининг асосий қаҳрамонлари — Лайли ва Мажнундир. 30

«Фарҳод ва Ширин» «Хамса»даги мазмун жиҳатдан энг салмоқдор, бадиий форма жиҳатдан энг етук дostonдир. Дostonда Алишер Навоийнинг самимий муҳаббат, инсонпарварлик, меҳнат, илм-ҳунар ҳақидаги фикрлари акс этган. Дoston — олижаноб инсоний фазилатлар, ажойиб гуманистик идеялар шаънига айтилган қўшиқдир.

«Фарҳод ва Ширин» достони 1484 йилда ёзилди. У 11404 мисра шеърни ўз ичига олади. Дostonнинг асосий қаҳрамонлари Фарҳод билан Шириндир. Фарҳод ва Ширин халқ оғзаки адабиётининг энг севимли ва жуда кенг тарқалган образларидандир. Алишер Навоий, ўтмишнинг кўп мутафаккирлари сингари 40

олийжаноб ва прогрессив ғояларини амалга ошириш йўлларини топа билмади. У, жамиятни соғломлаштиришга, ундаги бузуқликларни бартараф қилишга ақлидрок ва адолат принципларига амал қилиш билан эришиш мумкин деб ўйлади. Шунинг учун унинг ўз мақсадларини амалга оширишда тутган йўли утопик характерга эга бўлиб қолди. Алишер Навоий дунёқарашдаги бу чекланганлик унинг хатоси эмас, камчилигидир; бу камчилик XV аср шаронти билан, 10 у даврнинг тарихий чекланганлиги билан изоҳ қилинади.

Алишер Навоий гениал асарлар автори ва олижаноб инсоний идеялар куйчиси эди. У «Фарҳод ва Ширин»да ўзининг шундай идеалларини куйлади. Достондан кўринадикки, ҳаёт Фарҳоднинг юрагидаги дардларга эм бўла олмади. У доимо ишқий эртақларни севар, тинглар ва йиғлар эди.

Бир кун шаҳзода ўз отасининг хазинасини томоша қиларкан, sanoқсиз қийматбаҳо нарсалар орасида ғалати, мустаҳкам бир сандиққа кўзи тушади. Очишга 20 буюради. Улар сирли сандиқни ниҳоят очишга мажбур бўладилар. Ичидан ҳикматли ойна чиқади. Бу нарса тилсим экан. Бунни очиш учун Юнон мамлакатига бориб, Суҳайл ва Суқрот ҳакимга йўлиқиш шарт экан. Ҳакимга етмак учун даҳшатли, офатли бир неча манзилларни ўтишга тўғри келар эди.

Фарҳод бу фикрни амалга ошириш орзуси билан ёнади. Кўзгунинг сирини унинг бутун борлигини қоплайди. Сафарга чиқади. Юнон мамлакатига етиб, Суқрот 30 манзили йўлида аждаҳолар, девлар билан курашиб, бало-қазоларни бартараф қилади, ҳакимга йўлиқади. Бу ҳаким кўзгу хусусида шаҳзодага таълим беради, панду насиҳатлар қилади. Фарҳод ўз юртига қайтиб, хазинадаги ҳалиги ойнага қарайди: ёт, белгисиз юртда азим тоғлар манзарасида гўзал қизни кўради. Фарҳод ошиқни беқарор, юрагидаги ишқ учқунини энди алангага айланади.

Фарҳодни даволаш учун табиблар уни денгиздаги гўзал ороллардан бирига юборишни кекса отага мас- 40 лаҳат берадилар. Подшо денгиз сафарига тайёрлик кўрди. Фарҳод мингларча одамлар билан кемаларга ўтиради. Иттифоқо даҳшатли бўрон денгизни қаттиқ чайқатади. Сувлар тоғ-тоғ юксалиб, кемаларни кўкка отмоққа киришди, юзларча кемалар бир-бирларига

урилиб, парчаланди. Фарҳод бир парча тахтани ушлаб олиб, даҳшатли тўлқинларнинг оғушида сузди. Тасодифан, савдогарлар кемаси уни кўриб қолиб, қутқаради. Бироқ бу кема аҳлига денгиз қароқчилари учрайди. Савдогарлар қўрқувдан даҳшатли фарёд кўтарадилар. Лекин, Фарҳод катта баҳодирлик кўрсатиб, ўқлари билан қароқчиларни тум-турақай қочиради. Кема аҳли унга жуда меҳр қўяди. Фарҳод кемадагилардан Шопур деган бир зот билан самимий дўст тутинади. Шопур дунёнинг ҳамма ерларини кўрган, ҳунар бобида 10 замоннинг ягона устаси, фазилатли, олижаноб киши эди. Яман вилоятига етиб, кемадан тушадилар, Фарҳод билан Шопур бир-бирларидан бир зум бўлсин айрилгилари келмайди. Кейин Шопур ўз дўстининг бутун сирларидан воқиф бўлади. Унинг ягона орзуси — кўзгуда кўринган гўзал қизнинг юртини топиш мумкинлигига қатъий ишонтиради. Икки дўст йўлга равона бўлишади. Улар бир неча кун юриб, янги бир иқлимга, кўзгуда кўринган мамлакатга етадилар. Юзларча одамлар тоғ орасида, теша билан тошларни кесиб, чўлга 20 сув келтириш учун ариқ қазиш билан оворалар. Фарҳод бу ерда урина-урина тошни базўр кесаётган чарчоқ одамлардан ҳол-аҳвол сўрайди. Улар бу мамлакатнинг арман мамлакатини эканини, юртни оқиладелима бир аёл — Миҳинбону идора қилаётганини, унинг Ширин номли гўзалликда танҳо бир хоҳарзодаси борлигини, бу ариқни шу қиз қаздираётганини сўзлайдилар.

Ёшликда фан билан қуролланган Фарҳод тоғ қазишга ихтирочли сифатида киришади. У ёшликда ўрганган 30 усули бўйича пўлатга махсус равишда тоб бериб, катта теша ясайди. Бу мукаммаллашган қурол билан қаҳрамонларча ишлайди. Юзларча одамларнинг уч йилда бажарган ишини бир кунда қилади. Фарҳод ажойиб маҳорати, кучи билан бутун мамлакатга довруқ солади. Мусофир қаҳрамоннинг ишини томоша қилиш учун ўз ўртоқлари билан Ширин келади.

Фарҳод ўз қаршисида сеҳрли гўзаллик билан намоен бўлган бир жононни кўрдикки, бу — кўзгуда қалбини яралаган қиз... у ҳушдан кетди. Шириннинг юраги ҳам бу мард, олижаноб йигитнинг муҳаббати билан лим тўлди.

Ўз хоҳарзодасини чуқур севган, унинг ҳар бир орзусини муҳайё қилишга ҳамниша тайёр турган Миҳинбону ҳам шод. Арман мамлакатининг икки нодира аёли Фарҳодни чорлайдилар, катта самимий ҳурмат кўрсатадилар.

10 Жононнинг марҳамат ва илтифоти билан маст Фарҳод тоғларни ағдариб, муҳандислик қондаларини мукаммал қўллаб, ниҳоят, бир дарё бунёд этади. Дарёни жуда маънидор исм билан — «Наҳрул ҳаёт» деб атайдилар. Эрон шоҳи Хусрав Шириннинг ҳуснини эшитиб, уни зўрлик билан кўндириб, ўзига хотин қилиш учун катта қўшни тортиб келади. Миҳинбону ва Ширин зулмга, ҳақсизликка бўйсунини истамай, қаршилиқ кўрсатишга бел боғлашади.

20 Ошиқ Фарҳод бу қора кучлар билан мардона курашади. Тепаликлардан Хусрав қўшинига тош бўрони ёғдиради. Хусрав бу ўлкада яшаркан, асло зафар қозонолмаслигини англаб, макр-ҳийла ишлатади, бир маккора сеҳрчи ёрдами билан Фарҳодга «доруйи беҳуш» ҳидлатиб, асир қилади. Занжирбанд асир Фарҳод «Шаҳаншоҳ» қаршисинда ўзини мардона тутати. Фарҳод фикрнинг тиғи, ҳисларнинг олови, чуқур севувчи қалбнинг жасорати билан Хусравга ҳужум қилади. Уни маънан енгади. Хусрав Фарҳодни буюк бир тоғдаги зиндонга ташлатиб, посбонлар қўяди.

Хусрав Фарҳодни ўлдириб, бу йўл билан Ширинни ўзига кўндиришни хаёл қилади. Фарҳоднинг олдига: «Ширин ўлди!» деб разилона хабар юборади.

30 Фарҳод ўзини тошларга уриб ўлдиради. Фарҳоднинг ўлимини эшитиб бутун халқ йиғлайди. Миҳинбону оналардек аза тутати.

Навоий ижодиётининг азамат дарахтида етишган мевалар хилма-хил бўлсалар ҳам, бир илдиз билан бир заминдан, улуғ шоирнинг қудратли қалбидан, илҳомидан тўйиниб, бир бутунликни ташкил этганларидек, бу дostonдаги ранг-ранг фикрлар ҳам бутун, кўркам, жонли бир гулдаста ясайдилар.

40 «Хамса» олтмиш минг мисрадан иборат бўлган ва ҳажми каби ҳар бир мисра ҳам мазмунан жуда салмоқдор, шаклан порлоқ бир асардир.

Навоийнинг «Хамса»сига ва умуман бутун ижодиётига у замоннинг энг атоқли шоирлари, мутафаккирлари жуда юқори баҳо берганлар.

МУҚИМИЙ АСАРЛАРИДА СОЦИАЛ ТИПЛАР

Ўзбек адабиётида Муқимий, шубҳасиз катта ўринга эгадир. Ҳазаллари бу кунгача халқ орасида севилиб куйланган ва бир кўп дўст-ёрлари ҳали тирик бўлган ажойиб шоирнинг ҳаётини оз биламиз, ижодиётини оз текширдик. Ҳолбуки, Муқимий ижодиёти ҳар тарафлама ўрганишга сазовордир. Муқимийнинг ўзбек адабиёти тарихида ёрқин халқчиллик хусусиятларига эга бўлган ижодиётида бутун бир даврнинг акс этганлигини кўра-
рамиз.

Муқимий Урта Осиёнинг чор Россиясига қўшилиши арафасида туғилди, хонлик тузумининг йиқилишини, мамлакатнинг колониал режим шароитида кечирган ҳаётини кўрди, унда рўй берган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ўзгаришларнинг ва ўлканинг маънавий ҳаётида вужудга келган ҳодиса ҳам ўзгаришларнинг шоҳиди бўлди.

XIX асрнинг сўнгги чорагида Урта Осиёга Россия капитализмининг кириши, меҳнаткаш халқнинг икки-уч ёқлама эксплуатация қилиниши натижасида мамлакатда синфий кучларнинг таносиби ўзгарди, янги социал табақалар шакллана бошлади. Илгарилар мамлакатнинг хўжайинлари хон, амир, унинг уруғ-аймоғи, ҳарбий бошлиқлар — беклар, феодал ҳокимиятининг йирик амалдорлари, катта ер эгалари, феодаллар ва баланд даражали руҳонийлар эди. Истилодан кейин жамиятнинг бу устунлари, тиракларидан баъзи категориялари ўз нуфуз ва эътиборини йўқотди, уларнинг ўрнини янги хўжайинлар эгаллади. Бу янги хўжайинлар — рус ҳокимлари, капиталистлари, помещиклари кўланкасида дастлаб маҳаллий савдо, кейинроқ савдо саноат буржуазияси ўсиб чиқди ва хўжайинлар қаторига ўтишга тиришди. Хонлик даврида савдогарлар, судхўрлар мамла-

10

20

30

катнинг сиёсий ҳаётида кучли таъсирга эга эмасдилар. Рус ҳокимлари, чиновниклари, капиталистлари, помешчиклари забт этилган ўлкада биринчи галда бойларга, пулдорларга суяндилар. Чунки улар ўз юртларида ҳам халқ оммасидан нафрат қилардилар, ундан қўрқардилар, бу ерда ҳам халқдан нафрат қилдилар, қўрқдилар. Тез орада, халқни талаш учун эксплуататорлар, миллий ва диний тафовутларга қарамай, апоқ-чапоқ бўлиб кетдилар...

- 10 Бу даврда эксплуатациянинг оғир чўқмори деҳқонлар бошига тушди. Дуруст, хонлик ҳокимияти даврида ҳам уларнинг ҳаёти гоят оғир эди. Шоир Махмурнинг машҳур «Ҳапалак» шеърида «Амирул-мўъминин» унвонини таққан дабдабадор Умархон салтанатида қишлоқ ҳаётининг фажиъ картинасини кўриш мумкин. Лекин мустамлака режими шароитида деҳқонларнинг қашшоқлашиши авжга чиқади. Рус ҳокимлари, бойлари билан маҳаллий бойлар орасида барпо бўлган қадрдонликни ва деҳқонларнинг оғир аҳволини кўрсатувчи қўлёзмалар бор. Сўнги Қўқон хони Худоёрнинг сарой хизматчиларидан шоир Мирзо Олим ёзади.

Русияликлар бой халқига қилд шафқат,
Бой халқи ҳам унга бўлди донм улфат.
Деҳқон халқи ўлпонидан тортди кулфат,
Ҳалок бўлиб захру заққум ютди, дўстлар.

Деҳқондан ҳокимлар ҳар навъ солиқлар олади, мироблар сув пули олади, уни савдогарлар, катта ер эгалари талайди. Мирзо Олим ёзади:

- 30 Баъзилари мирза бўлди, мироб боши,
Сув устидан либослари, еган оши,
Сандуқлари сув пулидан тўлди, дўстлар.

Капиталистик муносабатларнинг кучайиши орқасида деҳқон ва ҳунарманд оммасининг хонавайрон бўлганини, ишсизлик, қашшоқлик кучайганини, халқнинг қонини ҳар навъ катта ва кичик паразитлар сўрганини, ахлоқий, маънавий тушкунлик бошланганини самарқандлик шоир Ҳожин Собир жуда ҳаққоний тасвир этади:

- 40 Қайси тарафга борсанг, бир неча халқ бекор,
Ҳар хил кишини кўрсанг, турмуш жойи самевор,
Бул тўғрида нечанинг ота-онаси безор,
Косибнинг аксаридир, устасидан бўнақдор.

Қосибчилик йўқолди, барча дўкондор, эй бил,
Ҳақ сўзни беркитишиб, ёлғонга очдилар тил.
Дехқончиликка эрмас ҳеч кимнинг кўнгли мойил,
Боққол олди оғир, сотмоққа берди енгил,
Ҳақ сўзламак буларга амри гарон бўлади.

Мен шу мисоллар билан чекланаман. Булар мамлакатда меҳнаткашлар аҳволи яна оғирлашганини гоят ёрқин ифодалайди.

Муқимий шоир сифатида танилган вақтларда, XIX асрнинг охирларида, ижтимоий ҳаётдаги бу тенденциялар яна кучайган ва чуқурлашган эдилар. Шоир туғилиб ўсган шаҳар — Қўқон бу вақтларда Туркистон ўлкасининг кучли савдо марказларидан бирига айланган эди. Муқимий яшаган кўҳна мадрасанинг қаршисида банклар, конторалар, магазинлар қаторлашган эди, улар халқ қонидан, теридан олтин ясашда бир-бирларидан ўзишга киришганди. 10

Муқимий — «бир жойда турғун» демакдир. Шоир камбағалона сокин ва камтар яшарди. Муқимийнинг қадами теккан жойлар — Тошкент, Наманган, яна ўз диёри теварагида ўнларча қишлоқ... Саёҳатлар учун «мулла жириг» керак эди. У қайдан олсин? Унинг замонида олтин жаранги олдида шоирнинг садоси «ҳеч» эди. Халқда эса на пул бор, на савод. Халқ унинг ғазалларини чойхоналарда, тўйларда дайди ашулачилардан, созандалардан тингларди, сўзларини ўз фикрига жо этиб, қайда бўлса куйлар, ғамли юрагини юпантирарди. Шундай, Муқимий Қўқонда мадраса ҳужрасида фақир ва ғариб яшади, ўқиди, ёзди, поэзиянинг гоят нодир муҳиблари — қимматшунослари билан суҳбатлашди. Лекин мадрасанинг тош деворлари теварақда қайнаган ҳаётни англашга монелик қилмади. Шоир жонли ҳаётда рўй бераётган воқеаларни, ўзгаринларни ўткир мушоҳада қилиб борди. 30

Муқимийни бир кўп замондош шоирлардан айирувчи хусусиятларидан бири ҳам Муқимий ижодиётининг социал истиқоматлилиги, йўналишидадир. Муқимийга замондош шоирлар оз эмас. Асарлари «баёзлар»ни тўлдирган ўнларча шоирлардан Муқимий ёлғиз ўз талантининг кучи ва сўз санъати билангина эмас, балки тематикасининг бойлиги, турлилиги, ҳаётийлиги билан кескин айрилади. Фурқат, Завқий, яна бир қанча шоирларни истисно қилганди. Муқимийга замондош шоир- 40

ларнинг аксарияти ҳаётдан, воқеликдан узоқ эди, тева-
ракларида бўлаётган воқеаларга улар карқулоқ эди.
Дунёда на ишлар бўлаётир — улар гўё билишни истамас
эдилар. Шоирларнинг бир қисми диний туманликларга
кириб кетган эди. Улар ўз ғазалларида тангрига илтижо,
азиз-авлиёларга сиғиниш, улардан нажот кутиш мотив-
лари билан чекландилар, хурофот ва фанатизм ботқоғи-
га халқни яна кўпроқ тортдилар. Яна бир гуруҳ шоир-
лар — булар анчагина эди — энг қабиҳ парнографияга

10 ўрнак бўлурлик муҳаббат мотивларини куйладилар. Бу
сассиқ «лирика» ахлоқсизликни тарғиб этарди. Шеърлар
тўплами — «баёз»ларнинг бир бетида бир шоир худога
ёлборади, пайғамбарга мадҳ-сано ўқийди, бошқа бетида
иккинчи шоир баччани тунги базмга ундайди. Поэзияда
дин ва фаҳш мотивлари шундай чаплашиб кетадики, бу,
шубҳасиз, маданиятсизлик, жаҳолат, маънавий тушкун-
лик ва бузилишнинг чирик мевалари эди...

Муқимий, баъзи тасодифий заифликлардан катъий
назар, ўз ижодиётининг тозалигини сақлай олди. У кат-
та талантли, зўр эрудицияли, асл характерли шоир эди.
20 Бундай шоир қидириши, поэзияда ўз индивидуаллигини,
ўз сўзини топиши керак эди. Муқимий шундай қилди.
У ўздан бурунги бир кўп шоирлар ва бир кўп замон-
дошлари каби эски, мингларча мақомда такрорланган
мотивлар билангина чекланиб қола олмасди. Муқимий
поэзиянинг сиқик доирасини кенгайтирди, янги мотив-
лар билан бойитди. Шоир бу янги мотивларни теваараги-
даги ҳаёт материалидан яратди. Шоир даврни характер-
ловчи қатор одам образларини адабиётга олиб киради.

30 Муқимий кенг халқ оммаларининг ҳаёти билан қи-
зиқди. Деҳқонларнинг зорига, қишлоқнинг дард-алами-
га қулоқ солди — машҳур «Танобчилар»ни яратди.

Ҳар нав солиқлар учун экин майдонларини ўлчаш
тартиби амалдорлар учун ҳар хил алдам-қалдамга, по-
рахўрликка, талонга катта йўл очгани шубҳасиз. Замо-
насининг ярамас ҳодисаларини ўз кўзи билан кўриб, шеъ-
рий формада тавсиф этган Мирзо Олим ҳам солиқлар
учун ерларни ўлчаб, «хатга олиш» тартибидан шикоят-
ланган эди.

40 Муқимий қишлоқнинг таланишини, деҳқонларнинг
бошдан кечирган жабр ва ҳақсизликларини «Танобчи-
лар» даги умумийлаштирувчи картинада чизиб беради.
Муқимий учун деҳқон халқи зулм остида қолгани рав-

шан. Шоир одилона муносабатни хаёл қилади. «Танобчилар»да шоир дейди:

Адл қулоғи-ла эшит ҳолими,
Зулм қилур баски менга золими.

Золим кўп. Лекин «Танобчилар»да шоир улардан ўлчовчи амалдорнинг қиёфасини кўрсатади — булар Султон Али ва Ҳақимжон. Бу пастки даражали амалдорларнинг манхус образини Муқимий кучли, ўткир, ёрқин чизиқлар ва бўёқлар билан моҳирона гавдалантиради. Султон Али ва Ҳақимжонда эски феодал Шарқда мусулмон амалдорлари гуруҳининг типик намояндалари гавдаланади. Муқимий ҳаётда таловчи, жабркор, очкўз, ҳийлагар, ўсол-ёвуз амалдорлардан юзларча, мингларчасини кўрган. Шоир уларга хос сифат ва белгиларни кўрсатишда танобчилар фигурасини таъналади. Мана, характерни очувчи баъзи бир чизгилар, аломатлар:

Саллалари бошларида оқ сават,
Кўрпача тагда ҳама вақт уч қават...

Оғизлари мақтаниб ўн беш қариш,
Майда сухан, эзма (чурук), занчалиш...

«...Нафъини билмайди булар баччағар»
Дебки, узангуга оёғин тирар...

Бир бурайн мўйлабимни чиқиб...

Ҳақимжон ва Султон Али қишлоққа офатдай кириб келади. Отдан тушмасдан туриб халқни йиғади. Дўқ, алдаш, кеккайнш, фирибгарлик — ҳамма ифлос воситаларни улар ишга солади. Яна Ҳақимжон ва Султон Али чиркин башарасини асилзодалик ва қудсиёт билан безашга тиришади. Машҳур азиз-авлиёлар уларнинг аждодлари ва қариндош-уруғлари...

Бу амалдорларнинг бир илинжи бор — пора. Деҳқон халқи бундайларни кўра бериб хапишта бўлиб қолган. Улар ивир-шивир билан, кўзлар имоси билан маслаҳатлашадиларда, итга суяк ташла, қабилда: «бир нима бериб жўнат», дейдилар.

Муқимий сатирик асарларида ўз даври учун гоят характерли бир қатор образлар яратади. Шоир биринчи галда ўз замонасининг бойларини нишонга олади. Булар, асосан рус фабрикант савдо фирмалари билан алоқадор янги типдаги мусулмон бойлари, купецлар, ҳар

нав алдоқчилардир. Муқимий бойлардаги очкўзлик, хасислик, нокаслик, фирромлик, фаҳш ва бузилишни фош қилади. Уларда на дин, на виждон, на одамгарчилик, на вафо бор. Мана Ҳодихўжа эшон. Бу киши «Московчи бой» номи билан донг чиқарган. Лекин аслида фирт авантюрист, фирт муттаҳам. Унинг ўзида ҳеч нима йўқ. У бошқаларнинг капитали билан иш кўради. Бошқалар завод ишлатади-ю, нега у қуруқ қолсин. Ахир, Ҳодихўжа эшон масковчи бой. Бироқ авантюристнинг сирини тез очи-

10 либ, шармандаси чиқиб қолади. У, Москва фабрикантларига катта қарзни тўламайди, синади. Ҳодихўжа эшон завод қуради. Лекин ишчилари — маччойилар (тожиклар) ундан балодан қочгандай қочиб кетадилар. Юртлирига бориб, у бечора мазлумлар ўз элатларига уқтирадидлар: «Агар Қўқонга бориб қолсангиз, ана шу одамнинг қўлига туша кўрманглар, ишларнинг чатоқ бўлади». Ҳодихўжанинг рус инженерини ҳам ундан безор — башарангни кўрмай, деб қочади. Ҳодихўжа фаҳш ботқоғинга ботиб кетган энг чиркин махлуқ:

20

Агар борсалар қайси ҳаммомга,
Чиқар ходимийлар кочиб томга.

Ҳодихўжадан ҳатто унинг хотини нафрат қилади, чунки оилада ҳам у чиркин. Ҳодихўжа тухмат, бўҳтондан ҳам қайтмайди. Одамлардан бўҳтон билан пул даъво қилиб судга боради. Хўп, унинг феъл-атвори, ахлоқи маълум бўлди. Зоҳиран у қандай? Бу мунофиқ ўзини шундай олиб юридики, яқиндан танимаганлар уни жаннат макон деб фаҳмлайдилар:

30

Вале растада савлатин кўрсангиз,
Қим арзийди шайхи замон билсангиз,

От устида мардум қилурлар гумон,
Мударрислари Бегни, деб, Тош эшон.

Амома бошида, сафид жомалар,
Хаёл айлагайсизки алломалар...

Ҳодихўжа эшон бутун бир ижтимоий табақанинг ҳаётини, ахлоқини очиб берувчи мукамал бир типдир. Феодал-мустамлакачилик замоннда ўзларини «жамиятнинг гули» деб кеккайдиган бундай Ҳодихўжалар кўп эди.

40 Муқимий тасвирлаган бойлар, савдогарлар ахлоқан паст ва чиркин, очкўз ва даҳшатли хасисдирлар. Улар

Бошқаларга ёрдам у ёқда турсин. ҳатто ўзларини қисадилар. жабрлайдилар. Мана, икки чойфуруш. Улар битта нонни ўртада баҳам кўра олмайдилар, бир-бирларига ишончлари шундайки, кўзларини бир дам ғаладондан (кассадан) узмайдилар:

Пойлаб, емакка бир нон олиб бир-бировини,
Тиқ этса ғаладонга хабардор чойфуруш.

Ўзлари учун бир чақани кўзи қиймаган бойлар текин таом бўлса иштаҳалари карнай:

Мардум устидан ҳамиша еб, ичиб овқатлари,
Ҳеч Қорундин кам эрмас еру сув, давлатлари.
Кўча-кўйда кўрсангиз от ҳуркитар савлатлари,
Уйларида ой ўтиб, чой ичмагайлар ўт қалаб.

10

Бойларнинг ҳаммаси, Муқимийча. икки юзлама, ашаддий мунофиқ. Улар ҳам асл қиёфаларини яширадилар. Ахлоқсизликни катта дастор, оппоқ жомалар, узун тасбеҳлар билан ниқоблайдилар. Хасислар эса ўзларини сўзда Ҳотамтой қилиб кўрсатишга тиришадилар. Ташқи савлат, лоф-қоф, сўзамоллик — ҳаммаси алдам, кўзбўямачилик воситалари:

20

Лоф рахшин катталиқ майдонига ҳар ён суриб,
Қўл билан ҳар дам бурутларни юқорироқ буриб.
Юз гарафдин сўзга ёлгондин масаллар келтуриб,
Жўра дастурхонларида чорзону ўлтуриб
Пашмак, ҳалволарни ургайлар нишолдога булаб...

Очкўзлик, хасислик капитал тўплашга хизмат қилар эди. Бу хусусият колониал даврда мусулмон бойлари учун жуда характерли аломатлардандир. «Ема, ичма, бойлик орттир» — бу дастур уларнинг қонига сингиб кетган эди. Ташқи савлат, ниқоб ҳам эксплуатация қуроли эди. Чунки ҳамма вақт қамчи ишлатиш қийин. Ишчилар, чоракорлар, батрақларни алдаш керак бўлар эди. Зоҳири улугворлик, авлиёнамолик билан халқни ўзларига муте тутишга тиришадилар. Қай вақт қамчи кўтариш, қай вақт мўйлабни бураш, қай вақт худо ва пайғамбарни кўндаланг қилишни улар билар эдилар. Муқимий мусулмон буржуазиясининг ниқобларини очиб ташлаб, унинг ҳақиқий башарасини кўрсатади.

30

«Тўй» номли катта шеърда Муқимий ўз даври учун жуда характерли ҳодисани катта юмор билан моҳирона тасвирлайди. Бу шеърда бой билан унинг гумаштаси орасидаги муносабат ғоят мароқлидир. Мақтанчоқ гу-

40

машта ўзини мустақил фаҳмлаб, обрўни, донг чиқаришни хаёл қилади. Мажлисларда, тўйларда керилади:

Қирқ чорак гурунч олай дейман,
Яна тўйимга етмагай дейман...
Камлигим бир сўқум билан ўтунум.

10 У катта бойга, хўжайинга орқа қилиб, оғиз кўпиртиради, тўйларда, гап-гаштакларда тўрга ўтириб, элга сўз бермай керилади, йўғон-йўғон ейди. Мана у ўғилчасининг тўйини бошлайди. Бироқ хўжайиндан келган телеграмма унинг орзу-хаёлларини чиппакка чиқаради. Хўжайин шундай буюрган:

Ман ризомас, кишига нон берсанг,
Е товуқ сақласангу дон берсанг.

Туйнугингдин агарда чиқса тутун,
Мунда бер дастмояларни бутун.

10 Узини «аҳли раста»лардан ҳисоблаб, обрў, донг қидирган хомхаёл гумаштанинг пешанаси тошга тегади. Тўй азага айланади. Керилмачоқ гумашта разил қўрқоққа айланади. У шундай бир тўй ясайдики, бундай тўйдан ҳатто гадой ҳам ор қилар эди. Бу тўй картинасини Муқимий ажойиб усталик билан чизади. Шеърнинг ҳар сатрида Муқимийга хос ингичка юмор барқ уради.

Муқимий яратган типларнинг айрим қаторини руҳонийлар намояндалари ташкил қилади. «Баччағар», «Авлиё», «Охуним» каби шеърларда Муқимий руҳонийларнинг разолатини фош этади.

4 Колониал Туркистонда хурофот, фанатизм беҳад кучайган эди. Бутун ижтимоий ҳаётни дин оғуси қоплаган эди. Мактабни ҳам, мадрасани ҳам жаҳолат, хурофот зулмати қоплаганди. Эшонлар, имомлар нимани алжираса — ўша ҳақиқат, ўзга илм, ўзга маданиятнинг бўлиши мумкин эмас. Ҳар қандай жонли фикр ниҳолларини руҳонийлар омонсиз юлиб ташлар эдилар. Бу — рус ҳокимларига ҳам, маҳаллий эксплуататорларга ҳам фойдали, муҳим қурол эди. Ҳазларини «халқ раҳнамолари ва ҳомийлари» деб эълон қилишни севган руҳонийларнинг аксарияти ахлоқи бузуқ, чиркин махлуқлар эди. «Баччағар» образида Муқимий эл таловчи, суллоҳ, мунофиқ, жоҳил, фаҳш ва фисқу фужур мужассами руҳонийни 40 кўрсатади:

Ис чиқарган ерда ҳозир мисли шайтон ҳамтабақ,
Қанча сўксанг, шунча шилқим, турфа суллоҳ баччағар...

Ётқузуб тилсанг баногоҳ, қорнидин чиқмас алиф,
Саллани кўрган киши дер: «Қатта мулло баччағар».

Унинг кўзларида сурма, эгнида қат-қат тўн, бошида бир қучоқ салла, у гўё авлиёликка даъво қилади. Лекин гадоё бир чақа сўраса, худди этини кесиб беришни талаб қилгандек рад қилади. Муқимий бу образда руҳонийларга хос ғоят мароқли хусусиятни қайд этади. Баччағар ҳаждан яна кўпроқ мўлтони, фирибгар, макрли бўлиб қайтади: 10

Илгари филжумла номусу ҳаёси бор эди,
Қайси кун ҳажданки келди, бўлди расво баччағар.

Баччағар учун «ҳожидан» унвони ҳам элни алдаш ва талаш воситаси бўлиб қолади. У энди одамлар орасида ёлғон-яшиқ гаплар билан оғиз кўпиртиради, ўзини ҳатто турк султонининг яқинларидан қилиб кўрсатади, бу билан ўз обрў-эътиборини кўтаришга тиришади.

Муқимий бундай разил таловчиларнинг душмани эди. Шоир нафратининг бутун кучи қуйидаги мисраларда ифодаланади: 20

Ҳеч кимни баччағар деб бўлмағай то бул тирик,
Мундин ўзга баччағар йўқ, ўзи танҳо баччағар.

Баччағар авлиёликни фақат даъво қилар эди. Мана энди авлиёнинг ўзи («Авлиё» шеъри) бу авлиё олдида баччағар, ип эшолмайди. Унинг бутун шуҳрати расволикдан иборат. Авлиёнинг қўлида тасбеҳ, лекин кўзлари,— агар юмшатиб, пардали қилиб айтсак,— лўли хотиннинг иштонида ва бесоқолларнинг изида. Бундай махлуқнинг пайдо бўлиши мумкинлигига шоир ҳам ҳайрон. 30

Охунд ҳам ўз шериклари бўлган Баччағар ва Авлиёнинг сифатлари мужассами бўлган бир махлуқ. Охунднинг ҳам «сурати сўфинамо»ку, лекин унинг бутун хатти-ҳаракатлари фикс-фужурдан иборат. Бу тип такяларда, чойхоналарда, хушҳаво манзилларда маст-аласт қанғийди. Унинг ёнидан силлиқ бола ўтолмайди. Охунд шундай беҳаё...

«Вексель», «От», «Араванг», «Ҳожидан» тилграфчининг оти», «Кўсамен», «Уруғ» каби шеърларида Муқимий жонли бўёқларда даврнинг типик намояндаларини, 40

муҳим воқеаларни, одамларнинг турмуш ва хулқларини тасвирлайди.

- Муқимийнинг бир туркум катта шеърлари унинг саёҳат дафтарини ташкил қилади. Бу шеърлар шоирнинг «Қўқон — Шоҳимардон», «Қўқон — Фарғона», «Қўқон — Исфара» саёҳати таассуртоларига бағишланади. Бу бир «Саёҳатнома». Бу асар, менимча, Муқимий ижодиётининг энг баркамол, энг етук ва энг мазмундор меваларидандир. Бу ўзига хос «Қишлоқ хроникаси» да рассом Муқимийнинг бўёқларга бой палитраси ва сеҳргар мўйқалами ҳаётнинг ажойиб жонли картиналарини яратади. «Саёҳатнома»ни ўқир экансиз, кўз олдингизда революциягача бўлган қишлоқ тикланади. «Саёҳатнома»да Муқимий ўзи босиб ўтган ҳар бир қишлоқнинг, манзил ва шаҳарнинг амалдорларига (қози, мингбоши, бўлус ва ҳоказо), руҳонийларга халқнинг тирикчилиги, одат, хулқи ва ўзга хусусиятларига диққат қилади. Шоир ҳаётнинг энг типик, энг характерли жиҳатларини ёрқин ва ифодакор чизиқларда жуда сиқик тасвирлайди. Мана, камбағал шоир қоронғи ҳужрада юраги дилгир бўлдида, мадрасанинг тош деворларини тарк этди. Мана, у «Ўлтарма» деган қишлоққа кириб келди. Бу ерда нима кўради у?

Бир маърака кўрдим бутун,
Жами ёпинган бошга тўн.
Боқсамки, беш юзча хотун
Воиз сўзин тинглов экан.

- 30 Мингбошилиқ кимнинг иши,
Десам, деди бедониши.
Бир «қўштегирмонлик» киши,
Ҳожин Исо саркор экан.

Мағрур, хасису бешу кам,
Ҳар гапда юз ичкай қасам.
Таг жой олур моховдан ҳам,
Ҳожин ўзи мурдор экан.

Шоир бу ердан «Дўрмонча»га ўтади. Бу ернинг бўлиси Ҳожин саркордан қолишмайди:

- 40 Унда бўлус Ғози деди,
Ҳам муфти, ҳам қози деди,
Юрт барча норози деди,
Қилғон иши озор экан.

Бу икки касофатдан шоир тезроқ қочади. У «Оқ ер»да:

«Оқ ер»дан ўтдим; бойлари —
Олий иморат жойлари,
Меҳмонсиз ўтган ойлари,
Келса биров ночор экан.

Шоир хасис бойлар қишлоғини ҳам тарк этади. Мана у «Зоҳидон»да:

Маънос бордим «Зоҳидон»,
Бир кўча кетгунча дўкон,
Шўх одами ичмай пиён,
Маст отаси безор экан.

10

Шоир бу ердан «Олтиариқ»қа бормоқда, йўлда селда қолиб, жиққа ҳўл бўлиб келяпти. «Олтиариқ»да шоир ҳамма вақт нафрат қилган «қаҳрамони»га дуч келади:

Мингбошиси сўфинамо,
Тасбеҳу бўйнида ридо,
Чўқиб қочар зоғи ало,
Бир доғули айёр экан.

Қишлоқлар ана шундай паст, разил амалдорлар чангалида, ҳайвонсифат хасис бойлар бўйинтуруғи остида инграрди. Шоир ҳар ерда муттаҳам бошлиқларни кўради, ҳар ерда хароба вайронликка дуч келади. Ҳар ерда жаҳолат, қолоқлик, тушқунлик, қўполликни мушоҳада қилади:

Чойхўридин кўкнори кўп,
Бир раста носу банг экан.

Қилди ашула бир жувон,
Эшак деманг, андин ёмон.

«Яйфан» агарчи хуш ҳаво,
Одамлари енгил намо,
Бир-бирлари-ла доимо,
Бўлар-бўлмагса жанг экан.

30

Муқимий йигирмалаб қишлоқ ва шаҳарчаларни бо-сиб ўтади, бир-икки ҳол истисно қилинса, ҳамма жойда қоронғилик, жаҳолат, қашшоқликни кўради, ҳар ерда айёр, мунофиқ, хасис, раҳмсиз, жоҳил амалдорларни — эксплуатация ва талон авжига минган даҳшатли даврнинг бадбашара «қаҳрамонлари»ни, тасқара типларни кўради.

Муқимийнинг сатираси, «Саёҳатнома»си катта ба-дий қиммати, мазиятидан ташқари, шоир яшаган давр-ни англаш учун алоҳида аҳамиятга эгадир.

271

Муқимий ижодиёти ўзбек адабиётида энг халқчил ижодиётдир. Муқимий халқнинг ҳаётини билар, унинг дардини чуқур сезар эди. У бойларни, савдогарларни, амалдорларни, руҳонийларни фош этиб, халқ кўзида шарманда қилишга тиришади. Муқимий халқ тарафида. У зулм, жабрни қоралади, бадкирдорлардан ҳамиша нафратланди. Лекин Муқимий у даврнинг энг илғор сиёсий, ижтимоий ва фалсафий оқимларидан беҳабар эди. Шoir ўз муҳити, тарбияси, психологияси бўйинча мадраса (муллалик) теграсида ўралиб қолди. Шунинг учун 10 у халқ оммасини курашга даъват қилмади, зулм ва жабрдан қутулиш учун нима қилиш кераклигини айтолмади. Муқимий ёвузликни қоралади, фош этди, ҳаётдаги нуқсонларни танқид этди, бироқ мусбат идеалларини амалий равишда илгари сурмади. Бу — Муқимийнинг, албатта, заиф жиҳати. Аммо теваракдаги зулмни, даҳшатли ҳаётни дадил кўрсатди. Муқимий яхши замонлар келишига, халқнинг кучига ишонарди. Шоирнинг хаёли амалга ошди.

АДАБИЁТДАН ТЕКШИРИШЛАР

XI ва XII асрларда ҳукмрон араб ва форс тили билан бир қаторда туркий тиллар ҳам аста-секин аҳамият касб эта бошлайдилар. Халқ оммаси ўртасида бахшиларнинг қўшиқлари ва катта дostonларга жўр бўлиб «халқ романлари» — жангномалар кенг тарқалади. Жангномалар ғоят қизиқ ва можароли сюжетга эга бўлиб, тарихий, афсонавий ёки ўйлаб тўқилган қаҳрамонларнинг қилмишларини, саргузаштларини муболағакор услубда ҳикоя қиладилар. Жангномаларнинг типик мисоли — араб истилогарларига қарши қўзғолон қаҳрамони машҳур хуросонли Абу Муслим ҳақида XII асрнинг II ярмида Хоразмда ёзилган халқ романидир. Бироқ ўсиб келаётган адабий-илмий ҳаёт дарахтини мўғуллар босқинининг қора бўронлари қовжиратди. XIII аср бошида Чингиз бошчилигида мўғул варварлари Урта Осиёга босқин ясайдилар. Мўғуллар мамлакатни талон-тарож қилиб, ёқиб-йиқадилар. Мўғул ўтидан на шоҳлар саройи қолди, на дарвешлар кулбаси. Ҳар ерда халқ оммаси ўз баҳодир йўлбошчилари қўл остида ватан ва мустақиллик учун мўл-мўл қон тўкиб мардона жанг қиладилар. Мўғул босқини маданий ҳаёт учун даҳшатли зарба бўлди. Бир кўп илм ва адабиёт арбоблари душман чангалида инграган ватанни тарк этмакка мажбур бўладилар — Мисрга, Қичик Осиёга ва Ҳиндистонга қочадилар. Мўғуллар босқинидан то теурийларгача ўтган юз эллик йилни илмий ва адабий ижодиётда маҳсулсизлик даври дейиш мумкин. Бу даврда яратилган ғоят сийрак адабий асарлар бадий жиҳатдан кучсиз, чуқур умидсизлик билан суғорилган асарлардир. Адабий ёдгорликлардан бири — Насриддин Ибни Бурҳониддин (Рабғузий)нинг «Қиссасул анбиё»-сидир. Бу катта насрий асар пайғамбарларнинг ҳаёт-

10

20

30

лари, уларга нисбат берилган мўъжизалар, кароматлар ва улар ҳақидаги афсоналарни ўз ичига олади. Автор ўз китобини исломни янги қабул этган эътиборли бир мўъул бегининг илтимоси билан 1310 йилда ёзган. Рабғузий диний ҳикоялар ва афсоналар орасига бутунлай ҳаётий, бадний содда, самимий лиризм билан тўла шеъррий парчалар киритади. Бу — эрон поэзиясидан илҳомланмаган, халқ лирикаси заминидан гуллаган бутунлай оригинал поэзиядир. Рабғузийнинг «Қиссасул анбиё»си

10 ўзбек тилининг шаклланиши ва тараққиёт тарихини ўрганиш учун муҳим обидадир.

Ўрта Осиёда мўъуллар истилоси даврида яратилган асарлар орасида ўзбек адабиёти учун формал ва руҳ жиҳатдан янги деб қабул қилиниши мумкин асар — Хоразмийнинг «Муҳаббатнома»сидир. Олтин Ўрда хонларидан Жонибекка бағишланган бу поэма маснавий тарзида ёзилган 11 ишқий мактубдан иборат. Хоразмий ўз поэмасида Шарқда машҳур поэмалардаги каби ишқий романтик сюжет яратмасдан, хатларда севишганларнинг айрилиқ дардларини, соғинишларини, қовушмоқ орзуларини самимий куйлайди. Хоразмий ижодиёти диний-мистик ҳис ва кечинмалардан, ваъз-насиҳатлардан озод, ингичкалашган дунёвий поэзиядир. Поэманинг тили халқ тилига яқин, жонли, ихчам, бой, ёрқин. Хоразмий поэмасининг ўзбек адабиёти тараққиётидаги ролини, таъсирини кўрсатувчи фактлардан бири — қарийб 100 йилдан сўнг Темур набираларидан шоир Сайдахмад унинг поэмасига тақлидан, айни шакл, услуб ва руҳда, «Таашшуқнома» деган дoston яратади.

30 Ўзбек классик поэзиясининг идеявий мазмун ва бадний форма жиҳатдан баланд чўққиси, уни жаҳон адабиёти хазинасига қўшилишга сазовор, ўлмас асарлар яратган даври — XV аср. Бу давр маданияти ва адабиёти Темур ва Темурийлар империяси даврига тўғри келади. Темур сиёсат саҳнасига чиқиш олдида Ўрта Осиё сиёсий бир анархия даврини кечирарди. Чингиззодалар, чиғатойзодаларнинг ҳокимияти жуда заифлашган; мамлакатда хонлар, феодалларнинг ўзаро тўхтовсиз урушлари, талонлар халқ оммасини, ҳатто айрим феодал гуруҳларининг кучли норозилигига сабабчи бўлганди.

40 Қув, ақли, ташкилотчи, жасур Темур мавжуд шароитдан ғоят моҳирона фойдаланди. Мамлакатни бирлаштириш, осойишта ҳаёт таъмин этиш, хўжаликни ривож-

лантириш, ҳақсизлик ва ўзбошимчаликларни йўқотиш ва ҳоказо идеялари билан ўзи учун таянч кучлар тўплаб, узоқ курашлардан сўнг ҳокимиятни қўлга олди. Оқсоқ лашкарбоши учун Урта Осиё чегаралари тор туюлди. Савдо аҳли учун тинч йўллар, бозорлар керак эди, Темурнинг беклари, феодаллари учун янги ўлкалар керак эди. Темур катта, кичик — лекин ҳамма вақт ғолибона юришлари орқасида буюк империя тузди. Забт этилган мамлакатларнинг хазиналари унинг пойтахти Самарқандга ташилди. Донғи қитъаларга кетган бу шаҳарга буюк олимлар, нодир санъаткорлар, ҳунармандлар тўланди. 10

Шаҳарларнинг кулини кўкка совурган, калла миноралар ясаган қаҳрли, тошюрак Темур ўз мамлакатини обод этишга тиришди. Айниқса, унинг набиралари даврида Самарқанд ва Ҳирот илм ва санъат ўчоқларига айланди. Буюк олим, астроном Улуғбек Самарқандда мадрасалар қурди, обсерватория барпо қилди, мукаммаллиги билан бугун ҳам кишини ҳайратга соладиган таблицалар яратди. Маълум давргача Самарқанд ва Ҳиротда диний фанатизм ва жоҳилона тақводорлик чекинди. Дунёвий илмлар ривожланди. Санъатнинг турли шаклларида ажойиб асарлар яратилди. Тушунчалар, завқлар ўзгарди. Поэзия ҳам янги руҳ касб этди, янги босқичга кўтарилди бошлади. 20

Темур давридан қолган илк ва йирик асар Дурбекнинг «Юсуф ва Зулайхо» дostonидир. Шоирнинг ҳаёти ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ, лекин дoston унинг катта талант соҳиби эканига шоҳиддир. Шарқда машҳур ва севилиб ўқиладиган дoston мавзуи қадим яҳудий афсонасидирки, тавротга ҳам, қуръонга ҳам кирган. Яҳудийларнинг Мисрга ҳижратларини акс эттирадиган бу афсона қуръонда айрим «сура»да муфассал нақл этилади. Шарқда бир кўп шоирлар бу сюжетни ишлаб чиққанлар. Фирдавсийнинг ҳам дostonи бор. Яҳудий афсонаси Ёқуб пайғамбарнинг 12-кенжа ўғли гўзал Юсуф билан Миср фиръавни вазирининг хотини гўзал Зулайхо орасидаги ишқий тарихдир. Ёқуб ҳамма ўғиллари орасида гўзал Юсуфни кўпроқ севади. Акалари рашк қилиб, Юсуфни далада бир қудуққа ташлайдиларда, оталарига келиб: «Укамизни бўри еб кетди»,— дейдилар. Тасодифан савдогарлар карвони Юсуфни қудуқдан чиқариб, Мисрга элтади-да, фиръавннинг вазирига қул қилиб со-

тади. Вазирнинг хотини Зулайхо Юсуфнинг ҳуснига шайдо бўлади. Юсуф унинг севгисини рад қилгани учун зиндонга ташланади. Юсуф фиръавннинг даҳшатли тушини тўғри таъбир қилади-да, зиндондан озод қилинади ҳам вазир тайин этилади. Ниҳоят, у Миср тахтини ҳам эгаллайди. Зулайхо ҳали ҳам Юсуфни севади, лекин энди у кампир ва кар. Юсуф бир «дуо» билан уни ёш, гўзал қизга айлантиради ва унга уйланади.

10 Шоирнинг нақлига кўра, дoston 1409 йили Балхда ёзилган. Бу вақт Балх даҳшатли муҳосара кунларини кечирар экан. Дурбек қамалган шаҳар ичидаги ҳаёт ва воқеалар билан тушдаги ҳаётнинг таққосланишини гўзал, жонли чизади. Дурбек ўз дostonида воқеаларни моҳирона инкишоф эттиради. Қадим диний афсонага жонли ҳаёт ранг ва илиқлигини беради. Дурбек яратган картиналарнинг аксари ҳаётий деталлар билан бой, чуқур реалистик картиналардир. Тилининг соддалиги, очиқлиги ҳам Дурбек дostonининг катта мумтозликларидан биридир.

20 Вақтнинг кўп қисмини ўз обсерваториясида, эмакдош олимлари билан бирга юлдузлар ҳаракатини ўрганишга бағишлаган ҳукмдор Улуғбек фавқулodда кўп томонли (разносторонный) шахсият эди. У санъатни, поэзияни чуқур севар эди. Улуғбек саройида олимлар қаторида шоирлар ҳам оз эмасди. Шоирлар орасида Саккокийни — фикрга бой мисралар, қудратли қасидалар шоири ва ўзбек поэзиясида интим лириканинг илк мастери сифатида кўрамиз. Саккокийнинг ғазаллари жасур ўхшатишлар, кутилмаган метафоралар билан ярқирайди. Саккокий поэзиясида улуг Ҳофизнинг лирикасидаги нафислик ва мусиқийликни ҳис этамиз. Саккокийдан ягона нусхада бир лирик девон қолган. Улуғбек ва унинг отаси Шоҳрух ҳузурида Ҳирот ва Самарқандда ижод этган яна бир шоир Атоийдир. Яссавий шайхларидан машҳур Иброҳим отанинг авлоди — Атоий жўшқин, шўх бир лирик. Май, маҳбуб, дунё завқи-лаззатини куйлаган ғазаллари сўзларнинг соддалиги ва жонлилиги, образларнинг ёрқинлиги, шўх мусиқийлиги билан айрилади. Атоий ижодиятининг муҳим ва қимматли хусусияти шундаким, шоир ўз ғазалларида сунъий, мураккаб образлардан, тамтарoқли сўзлардан қочади. Атоий конкрет деталларга катта эътибор беради. Шоир кўпинча юқори услубдан, кескин ва кутилмаган бир ай-

ланма (оборот) билан ҳаётий чизгига, картинага ўтиб, газални жонлантириб юборади:

Кел, бениқоб чиққил уйингдан том устига,
Аҳли замона хўбларини бир уялтир!

Атоий ижоднётида унинг буюк замондоши шоир Лутфийнинг таъсири кўрилади.

Лутфий замоннинг ўзбек ва форс шоирлари тарафидан ҳурматга сазовор ва кўп шоирларга ўз ижоди таъсири кўрсатган донгдор шоир. У XIV асрнинг II ярмида туғилиб, Хиротда яшади. Тахминан бир аср қадар умр кўрди. Лутфий мадрасада мукамал таҳсил олгандан кейин олим ва шоир сифатида тез шуҳрат қозонди. Кейинча сўфизм таълимотига қизиқиб, дарвеш бўлма-сада, дарвешона камтар ва беғавфо, пок ҳаёт кечирди. Ҳам ўзбек, ҳам форс тилида айни маҳорат билан шеърлар ёзган Лутфий донгдор лириклардан мастерликда ўзишга тиришди. Лутфий ўз она тилидаги газаллари билан фахрланиб машҳур тожик шоири Камол Хўжандийга пичинг қилади:

«Если дойдут речи Лутфи до самаркандцев,
То не переправится через Аму ладья
Ходженди»

20

Лутфий Навоийнинг улкан замондоши эди. Навоий ёшлигида у билан учрашган ва ўз шеърларини ўқиб бериб, кекса шоирдан офарин эшитган. Навоий ҳаётининг охирларида ёзган «Мажолисун-нафоис» асарида Лутфий ҳақида: «замонининг маликул каломи эрди, форси ва туркийда назир ийўқ эрди, аммо туркийда шуҳрати кўпрак эрди» дейди. Лутфий биринчи навбатда, шеърнинг катта, кучли мастериدير. Унинг газаллари формал мукамаллик билан айрилади. Содда, очиқ, жонли шонрона тил, бой ва оригинал қофиялар, чуқур мусиқийлик. Мана, Лутфий шеърининг хусусиятлари. Лутфий газаллари халқ қўшиқлари каби ўз-ўзидан куйланади. Араб-форс тилларининг табиатига мос «аруз» вазни қолипига Лутфий ўзбек сўзларини жуда моҳирона жойлай билди. Ёр образини риндона бир самимият билан куйлаган Лутфийда баъзан сўфиёна-фалсафий мотивлар ҳам учрайди. Лутфий ўз-ўзига ғоят мушкулписанд ва талабкор бўлганлиги унинг газалларидан равшан.

40

У ҳаётни, фикр ва туйғуларни ўзича туюш ва ўзича ифода этишга тиришган. Лутфийнинг газаллари жуда

нозик, оригинал ва мураккаб образлар билан ярқирайди. Лутфийнинг баъзи ғазалларига ҳеч ким тақлид қила олмаганини Алишер Навоий сўзлайди. Ингичка лирик Лутфий йирик эпик асарлар ёзишга ҳам уринган. XV асрнинг атоқли тарихчиларидан Шарафиддин Яздийнинг Темур юришлари ва ғалабаларига бағишланган «Зафарнома» асарини ўзбек тилида шеър билан ишлаб чиқмоққа киришади. Лекин бу асар чала қолган. Лутфийдан катта лирик девон ҳам «Гул ва Наврўз» номли

10 ишқий дoston сақланиб, бизга қадар етди.

Ўзбек адабий самосини бир-биридан ёрқин ва кўркам юлдузлар аста-аста безата бошлаган эди. Ниҳоят, унинг қуёши ҳам кўтарилди. Бу — Алишер Навоий, ўзбек халқининг гениал шоири ва мутафаккири Навоийнинг ижодиёти бутун ўзбек классик адабиётининг гултожи бўлиб қолди. Навоийга қадар ёлғиз ўзбек адабиёти тарихидагина эмас, балки бу туркий халқлар адабиёти тарихида ҳеч бир шоирга мўъассар бўлмаган ишни — адабиёт ва маданиятнинг энг улуғ ишини порлоқ

20 бажарди у, ва номини лоямут этди. Навоий ўзбек адабиётида янги, буюк давр очди ҳам ўз даҳоси билан адабиётимизнинг тараққиёт йўлини кўп асрларга белгилади.

Бу буюк шоир ва мутафаккир 1441 йилда Ҳиротда туғилди. Бу шаҳар у вақтларда, худди Улуғбекнинг давридаги Самарқанд каби, маданият, санъат ва поэзиянинг йирик маркази эди. Алишернинг отаси ва қариндошлари темурийлар давлатларида хизмат қилар эдилар, ораларида шоирлар, ўқимишлилар, мусиқийчилар

30 бор эди. Алишер гўдакликдан фавқулодда қобилиятларини кўрсата бошлайди. У 4—5 ёшида буюк форс-тожик шоирларининг ғазалларидан ўқиб, катта ёшлиларни ҳайрон қолдирарди. Бошланғич мактабдаёқ форс классикларининг дostonларини ва фалсафий характердаги асарларини завқ билан ўқир ва текширар эди. Алишер Ҳиротда, Машҳадда, Самарқандда ўз замонининг машҳур олимларидан тилларни, адабиёт, илм ва фалсафани ўрганди. Асрнинг таланти санъаткорларидан мусиқий, хаттотлик, расм каби санъатларни касб этишга киришди

40 ва айни замонда бутун борлиғи билан шоирона ижодиётга берилди. У 14—15 ёшидаёқ, ўзбек ва форс тилида ажойиб ғазаллар яратиб, «зуллисонайн» — икки тилли шоир каби танилган эди.

Навоийнинг катта масштабдаги давлат арбоби сифатидаги фаолияти теурийлардан унинг ёшликда мактабдоши бўлмиш Хусайн Бойқаро Ҳиротда ҳокимиятни қўлга олгандан сал ўтмай бошланади. У 1469 йилда муҳрдор тайин этилади, уч йилдан сўнг Хусайн Бойқаро давлатининг бош вазири бўлади. Навоий умрининг сўнгги кунларигача давлат ишларидан қўл узмади. У расмий мансаб ишғол қилганда ҳам, мансабни тарк этган чоғларида ҳам, давлатнинг тираги, «жони» бўлиб қолди. Давлат арбоби сифатида Навоий аввалдан чуқур ўйланган, асосли, мустаҳкам принципларни изчиллик билан ҳаётга татбиқ этиш учун курашди. Бу — парчаланиб бўлиниш ва ҳалокат хавфи қаршисида турган давлатнинг бирлигини, бутунлигини сақлаш, давлатни кенг халқ массалари манфаатларига хизмат эттириш, мамлакатда қонунчиликни барпо этиш ва жабр-зулмга қарши омонсиз кураш, мамлакатнинг иқтисодий ҳаётини кўтариш, илм ва санъатларни ривожлантириш ва ҳоказо. Бу идеялар Навоий ижодиётида бадий юксак образларда акс этмишдир. Навоий ўз ижодиётида чуқур социал масалаларни, умумбашарий идеяларни олға суради. Навоийга қадар ҳеч бир шоир ўз ижодиётида ватан, халқ, давлат, адолат, прогресс масалаларини ва одам, башарият, гуманизм проблемаларини Навоий каби бутун кенглиги ва чуқурлиги билан қўйган эмас.

Алишер Навоий учун ҳар бир халқнинг маданияти ва тарихи мавжудияти асосини тил ташкил этади. Шундан — Навоийнинг она тили учун кураши.

Теурийлар даврида ҳам адабиётда, администрацияда форс тили ҳукмрон эди. Форс тилида ёшликдан гўзал ғазаллар ёза олган шоир она тилининг кучини, гўзаллигини форс адабиётининг устунлари (столбы) асарлари билан тенглашажак ғазаллари ва дostonлари билан кўрсатди. «Муҳокаматул-луғатайн»да ўзбек ва форс тилларини чоғиштириб, она тилининг мумтозлигини ўз даврининг лингвистикаси усуллари билан илмий равишда исбот этмакка болишди.

Навоий тўрт қисмдан иборат (умрнинг айрим даврларига мувофиқ) ва мингларча ғазалларни ўз ичига олган «Чор девон» яратди. Ғазалларида шоир ишқий ва фалсафий лириканинг самовий чўққиларига эришди. Ғазалда Навоий Ҳофиз, Хусрав Ҳиндий ва дўсти, муосири Жомийнинг қудрат ва маҳоратини тасдиқлайди.

Аммо унинг ўз ғазаллари эса шу ҳар учала шоирнинг қудрат ва маҳоратини бир варакай ифодалаганини қайд этиб ўтади. Чиндан-да Навоий ғазаллари фикрнинг чуқурлиги, образларнинг беҳад бойлиги, ёрқинлиги, нафислиги ва ҳаёл ранго-ранглиги, ҳисларнинг бевосита лиризми билан ўқувчи қалбини асир этади.

- Шарқда бир неча энг буюк шоирларгагина муяссар бўлган «Хамса»ни (беш дoston) Навоий она тилида оз муддатда ярата олди. Навоий «Хамса»си «Ҳайратул-аб-
10 рor», «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин», «Сабъаи сайёра», «Садди Искандарий» каби дostonлардан иборат. Биринчи дoston ахлоқий, фалсафий характердадир. Унда шоир ўз ҳаёт фалсафасини, сиёсий ва ижтимоий идеяларини, дўстлик, вафо, тўғрилиқ, саҳийлик, одиллик ва ҳоказо каби умумий ахлоқий принципларни ифодалайди. «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин», «Сабъаи сайёра» дostonлари ишқий-романтик дostonлардирки, уларда шоир ўз ижодининг қудратли қулочлари билан буюк севгининг, қаҳрамонликнинг, инсонгарчиликнинг, эҳтиросларнинг, изтиробларнинг, фожеаларнинг, яратувчи куч манбаларининг, гўзалликнинг
20 нур ва зулмат бошлангичининг бутун бир дунёсини очиб беради. Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун ҳамда Дилором ҳар қайсиси ўзича Навоийнинг буюк идеяларини ифодаловчи монументал образлардир.

Сўнгги дoston «Садди Искандарий»да Навоий буюк сардор образи орқали идеал ҳукмдор ҳақидаги ўз ҳаёллари ва орзуларини ифодалайди.

- Навоий поэтик асарлардан бошқа яна кўп илмий, тарихий, ахлоқий асарлар ёзган. Шоир ва мутафаккирнинг
30 қалами тинмай ишлади. Ёлғиз 1501 йилда бу қалам ёзишдан тўхтади...

- XV асрда Мовароуннаҳр ва Хуросонда поэзияга ялпи қизиқиш ва мароқ (увлечение) ҳодисаси мушоҳада қилинади. Навоий ўз «Мажолисун-нафоис»ида уч юздан ортиқ шоир ҳақида сўйлайди. Булар орасида шаҳзодалар, вазирлар ва оддий шаҳар ҳунармандлари ҳам бор. Олимлар илмий, тарихий асарларни ҳам айрим шеърӣй парчалар — байтлар ва рубоийлар билан безашга тиришадилар. Темурий ҳукмдорлари орасида шоирона ижоди билан шуҳрат қозонганлардан бири Ҳусайн Бойқародир.
40 40 йил қадар султонлик этган бу қиличбоз ва ингичка кайф-сафо ҳам қўпол ўйинлар ошиғи ўзининг донишманд

ва шоир вазири Навоий таъсири билан илм, санъат ва поэзияни ҳимоя қилди. Она тилини ривожлантиришни ташвиқ этди. Ҳзи ҳам она тилида ғазаллар ёзди. Ҳусайн Бойқаронинг кичик ғазаллар девони бор. Шеърларининг ҳаммаси бир вазнда ёзилган. Шеърларининг мазмуни — май завқи, ёр образи, айрилиқ дардлари. Ҳусайн шеърда формал мастерликка алоҳида диққат этади. Унинг поэзияси типик ўрта аср сарой поэзияси. Унинг энг гўзал ғазалларини диққат билан текширилса, уларда Навоий илҳомининг таъсирини кўриш мумкин.

10

Темурий шаҳзодалар орасида шеър парисига севги гўё бир модда шаклини олган эди. Бироқ, шаҳзодалар учун бу бир эрмак ёки безак эди. Бобир улар орасида таом мустасно ўрин тутди — у ўзининг ижодиёти билан Шарқнинг буюк шоирлари даражасига кўтарилди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобир 1483 йилда туғилди. Отаси Фарғона ҳукмдори эди. Мустасно қобилиятларга эга Бобир болаликдан илм ва санъатларга берилди. Отаси ўлгандан сўнг 12 ёшида Андижонда тахтга ўтирди. Ёшлигига қарамай, ўз ҳокимиятини кенгайтиришга

20

ва мустақамлашга киришди. У вақтларда Мовароуннаҳрда темурийларнинг ўзаро курашлари, жанглари авжга чиққан эди. Ёш Бобир бу курашда устунлик қозониш учун қўшинлари бошида сафарларга юрди. Енгиш нашъасини ва енгилиш ҳасратини тортди. XV асрнинг охириги йилларида Бойсунқур Мирзодан Самарқандни тортиб олди. Бироқ, Темурнинг собиқ пойтахти бу шонли шаҳар, барча сиёсий тўқнишлар, курашлар ва жангларнинг маркази эди. Бобир Самарқандда узоқ қола олмади. Кўчманчи ўзбекларнинг хони Шайбонийхон уни сиқиб чиқарди. Бобир ўзининг кучли рақиби билан Самарқанд ва Мовароуннаҳр учун давомли кураш ва қонли жанглардан кейин, ниҳоят, ўзининг сўнгги кучлари билан Афғонистон орқали Ҳиндистонга ўтди. Бу ерда тарихда машҳур буюк давлат қурди.

30

Бобир кучли сардор, чуқур эрудияцияли олим ва талантили шоирдир. Асарлари орасида энг йириги, энг кўп шуҳрат қозонгани — унинг мемуарлари «Бобирнома» дир. «Бобирнома» ўзбек классик прозасининг энг гўзал ва энг мислсизи (неправзойденный) дир. «Бобирнома» нинг илмий-тарихий қиммати ва юксак адабий фазилатларини шу кунгача ҳамма якдил эътироф этади. Бобир бу асарда бутун бир даврнинг сиёсий аҳволи, иқтисо-

40

дий ҳаёти, маданияти ва давлат ҳам маданият арбоблари билан таништиради. «Бобирнома»нинг тили ғоят содда, бой ва жонли; услуби Шарқ олимлари ва тарихчиларининг ёзув манерасига тамом зид, ҳар қандай муболағакорликдан, кераксиз гулдорликдан, тумтароқдан холи жонли ва чуқур реалистикдир. Айниқса, Бобир кишилар образини кўрсатишга уста; бир неча хасис чизгилар билан бутун бир характери, типни чизиб беради.

- 10 Бобир поэзияси — Навоий поэзияси қуёши нурларида яшнаган, лекин ўз бой ранги ва исига эга бир гулзордир. Бобир поэзиясининг бутун «жони» — унинг фикрий тўлғунлигида, чуқур ва соф лиризмида, самимиятида, ҳис ва кечинмаларнинг илиқлигидадир. Бобирнинг, айниқса, поэтик мактублари дунё поэзиясининг баркамол (шедеври) асарларидандир. Мактубларда шоир чуқур самимийлик ва муҳаббат билан ватанни куйлайди. Гўё Ҳиндистонда туриб Самарқанд биоларининг муаззам гумбазларини кўради. Фарғона гулларининг ҳидини ислайди, сувларининг шилдирашини тинглайди. Буюк мамлакатнинг шуҳратдор ҳукмдорининг юраги айрилиқ ҳасрати ва соғинч билан ёнади...

Бобир поэзиясининг чўққиси унинг рубойларидир. Бобирга қадар ва ундан кейин бир кўп ўзбек шоирлари рубойий формасида ёздилар. Аммо улардан ҳеч бири рубойида Бобир чуқурлигига, мастерлигига эриша олмадилар, десак мумкин. Рубойида Бобир ўзбек Хайёмидир. Унинг рубойлари, худди Хайём рубойлари каби, фалсафий фикрга бой, тор, мусулмоний қарашлардан эркин, риндонадир ва шаклан нафис ва мукамалдир:

- 30 Май таркини қилғали паришондурмен,
Билман қилур ишимнию ҳайрондурмен.
Эл барча пушаймон бўлуру, тавба қилур,
Мен тавба қилибману пушаймондурмен...

- Бобир ўзбек адабиётида, Навойдан кейин, энг буюк шоир бўлиб, адабий тилнинг тараққиётида ва ўзбек шеърининг реалистик йўналишида ҳам шеър техникасининг мукамалланишида катта роль ўйнади. Ўзининг юришлар, жанглар билан тўла, анвоъ-анвоъ можаролар билан тўла умрида турли халқларнинг, қабилаларнинг, турли шаҳарлар, қишлоқларнинг, саҳроларнинг ҳаётини ўрганди. Чексиз юришларда оддий аскарлар билан бирга қийинчиликларни, маҳрумиятларни тортган бу сардор ва олим шоирнинг ўз фикр ва туйғуларини, мушо-

ҳадаларини халқ услубида содда ва самимий ифодалашни бутунлай табиийдир. Ҳақиқатан, Бобир сарой шоирлари томонидан «темир қонун» деб ҳисобланган ва завқнинг, ингичкаликнинг, шоирликнинг асосий ўлчаги (критерия) деб эълон қилинган қоидаларга, шаклларга, приёмларга қарши чиқади. Бобир ўз ўғлига ёзган хатларидан биринчида, унинг, ўглининг услубини қаттиқ танқид қилади ва содда, ихчам, ортиқча такаллуфсиз ёзиш кераклигини сўйлайди ва биринчи навбатда фикрни равшан ва гўзал ифода эта олиш санъатини эгаллаш кераклигини таъкидлайди. Бу принципни Бобир ўз ижодиётида — хоҳ насрда, хоҳ шеърда — изчиллик билан татбиқ этишга интилди.

Темурийлар даврида поэзияга қизиқишнинг кучли бўлганини, катта ва кичик, машҳур ва номашҳур шоирларнинг кўплигини юқорида сўзлаган эдик. Ҳатто уларнинг кўзга энг кўринганлари ҳақида сўзлашга бу мақолада имкон топмадик. Ҳолбуки, улар орасида темурийлар династиясини (сулоласини) танқид этган ва Бобирнинг ўзаро династик курашларда кучли рақиби бўлган Шайбонийхон хизматидаги Муҳаммад Солиҳни — «Шайбонийнома» деган машҳур дoston шоири каби кучли қалам соҳибларини кўриш мумкин.

XVI асрда темурийлар династияси Ўрта Осиёда ва Хуросонда тарих саҳнасидан тушди. Ҳокимият Мовароуннаҳрда Шайбонийлар династияси қўлига ўтди. Бу даврда, илк Шайбоний хонлари — Убайдулло ва кўчкинчи хонлар замонида — адабий ва илмий ҳаёт анча жонланади. Айниқса, тарихни ўрганиш ва текшириш соҳасида кўзга кўринарли ишлар қилинади. Муҳим ва оригинал тарихий асарлар яратилади ва бир неча қимматли тарихий асарлар ўзбек тилига таржима этилади. Лекин узоқ замон ўтмасдан мамлакат айрим хонликларга ажралади — Бухоро ва Хива хонликлари пайдо бўлади, булар орқасидан Фарғона ҳам ўзини мустақил эълон қилади — Қўқон хонлиги келиб чиқади. Бу хонликларнинг ўзаро тўхтовсиз курашлари парчаланишни (раздробленне) яна кучайтиради. Ҳатто айрим шаҳарлар ва айрим туманлар, беклар, йирик феодаллар ва қабила бошлиқлари томонидан деярли мустақил идора қилина бошлайди. Бу ҳол халқ массаларининг камбағалланишига, иқтисодий ҳаётнинг турғунлигига сабабчи бўлади. Адабиётда диний-мистик мотивларда умидсизлик ҳукмрон

бўлади. Оригинал ижодиёт асарлари жуда сийрак кўри-
ла бошлайди. Аксар шоирлар эски намуналарга тақлид-
дан нари кетмайдилар.

XVII асрнинг танилган шоирлари Турди, Сўфи Ол-
лоёр, Машрабдурки, ўзгалари тожик тилида ёзганлар.
Турди ўзбекларнинг «юз» қабиласидан бўлиб, Бухоро-
да Субхонқулихон хизматидаги «юз» қабила арбоблари
ичида танилган бир шахс эди.

- 10 «Юз» қабиласи бошлиқлари сарой теварагидаги фит-
на-фасодлар, амал талашувлар натижасида катта исён
кўтарадилар. Бу исёнда Турди актив қатнашади. Исён
узоқ давом этади ва қийинлик билан бостирилади. Тур-
ди учун энди Бухоро ёпиқ. У Хўжандда (ҳозирги Лени-
нобод шаҳри) Оқбўтабий номли катта феодалнинг осто-
насида хорлик-зорлик билан умр кечиради. Турли асар-
ларидан бизга келиб етганлари жуда оз. Лекин бу оз
нарса ҳам Турдининг шоирона талантининг бутун ку-
чини яққол кўрсатиб туради. Турдининг бизга етган ҳам-
ма шеърлари қабила исённинг ва сарой фитналари-
нинг тасвирига ҳам шоирнинг ўз саргузаштлари ва таас-
суротларига бағишлангандир. Бу шеърлар даврнинг
20 сиёсий вазиятини ва халқ оммалари ҳаётини чуқур очиб
беради. Шоирнинг ўткир сатирик ижодиёти чуқур со-
циал руҳ ва протест билан суғорилган. У хонларни, бек-
ларни (чиновникларни) аямай савайди. Халқни талаган
ҳоким синф намояндаларига ҳайқиради:

Едингиз барчангиз итдек фуқаронинг этини!

- XVII ва XVIII аср шоирлари орасида ўз оригинал та-
ланти билан ва ажойиб афсонавий ҳаёти билан халқ
30 массалари ўртасида севги ва ҳурматга сазовор, шеърла-
ри энг популяр (популярний) — шоир, ҳеч шубҳасиз,
Машрабдир.

- Машрабнинг ҳаёти ҳақида қарийб ҳеч нима маълум
эмас. Унинг бутун умри қалин афсона пардаси ва сир
билан ўралган. Баъзи маъҳазларга ва асарларда учра-
ган автобиографик деталларга қараганда, у Андижонда
қашшоқ бир оилада туғилади. Онаси ип йигириб рўзгор
қилар экан. Машраб ёшлигида Наманган бориб, ундаги
машҳур эшонда хизмат қилади. Кейин қаландар бўлиб,
40 гоҳ пиёда, гоҳ эшакда шаҳарлар кезиб ўз қўшиқларини
эл орасида куйлаб юради. Шеърлари унинг фантастик
ҳаёти ва можаролари ёзилган китобда — «Девони

Машраб»да тўпланган. Машраб ижодиёти ёрқин, индивидуал хусусиятга эгадир. Бу хусусият Машрабнинг ҳур фикрлиги (вольнотдумство) ва чирик, тор диний ақидаларни инкор этиши, ижтимоий ҳақсизликларга қарши самимий протестдан келиб чиқади. Машрабни халқ унинг чин сўзлиги, мунофиқларнинг, ёлғондаки авторитетларнинг бетидан «фазилат пардасини» шартта юлиб ташлаши, ҳақиқатпарастлиги, ҳатто самимий телбалиги учун севгандир. Машраб ҳаётни тузатиш йўлларини билмайди. Лекин ундаги яраларни кўради. Бойлик ва зийнат дунёсини бир чақага олмаганлигини баралла сўзлайди. Ҳоким синфларнинг дабдабали ҳаётидан соф қашшоқликни, беқайд, беғавфо, бепарво ялангоёқликни афзал кўради. Дарбадар қаландар шеърларида диний муқаддасотларга ўз лоқайдлигини ифодалайди, ҳатто улардан аччиқ киноя қилади. Макка ҳақида дейди:

Қолғон Иброҳимдан ул эски дўконни не қилай!

Машраб кенг сўфизм фалсафасини чуқур билган. Шеърларида расмий ислом қарашларига зид бўлган пантеистик идеалларни куйлайди. Бу циник қаландар ҳаммадан бурун энг буюк лирикдир. Қиз ҳақида куйлайдими, ўз кечирмалари ҳақида куйлайдими ёки фалсафий қарашларини ифодалайдими — Машрабнинг мисралари ҳаминша илҳомкор, ҳаминша жўшқин, ҳаминша юракнинг жонли ўти билан ёлқинланади. Халқ учун ёзган Машрабнинг тили содда, бой ва ёрқиндир. Ҳазаллари мусиқийли ва куйчандир. Машрабнинг ҳур фикрлилиги ўз замонаси учун ғоят жасуруна эди. Халқнинг суюкли шоирини шарнатга хилоф сўзлари учун Балх шаҳрида дорга осдилар.

Уч хонлик даврида адабий ҳаёт шу хонликларнинг пойтахтларида — Бухоро, Қўқон ва Хивада — яна тўғриси хонларнинг саройларида ва умуман аристократия муҳитидагина мавжуд бўла олар эди. Бу — жуда табиий ҳол. Чунки, илм, санъат ва адабиёт ҳатто оддий саводи жуда тор гуруҳнинг — аристократиянинг монополиясида эди. Халқ ичидан етишган талантлар ҳам шу юқори доираларга кира олсаларгина, уларга ўз уқув ва санъатларини манзур қила олсаларгина ижодиётларини давом эттира билардилар. Шоирнинг илҳоми меценатга, унинг мароқи, завқи ва саҳийлигига боғлиқ эди. Шунинг учун феодализм даври ўзбек адабиётининг айрим намоянда-

лари ва айрим этаплари ҳақида сўзлаганда, унинг «юқори ўчоқлари»га мўралашга тўғри келади.

Хоразмда адабий ҳаёт жонланиши XVII асрда, Абулғозинхон даврида бошланади. Абулғози «Шажараи турк» каби жуда қимматли тарихий асарнинг автори сифатида машҳурдир. Абулғози ўз теварагида жиддий олимлар, тарихчилар бўлмаганидан, бу асарни ўзи тузишга мажбур бўлганини сўзлайди. Бу тарихчи — хон Хоразмга илм ва адабиёт арбобларини чорлашга киришади.

- 10 Унинг даврида ва ундан кейин Хоразмда бир кўп шоирлар ва олимлар етишади. Лекин XIX аср бошларида Мухаммад Раҳим I замонида адабиёт самарали бир фаслни кечиради. Бу замоннинг энг яхши шоири шубҳасиз Мунисдир. Бу шоир, ўз замонида кўра, чиндан ҳам энциклопедик маълумотли, ажойиб қобилиятларга эга жуда ёрқин бир шахсиятдир. Мунис мусиқийни яхши биларди, ингичка каллиграф эди, тарих олимларидан эди. Ёлғиз ўзбек классик адабиётидагина эмас, бутун форс адабиёти соҳасида ҳам чуқур маълумот соҳиби эди. Табиат
- 20 Мунисни нодир қобилиятлар билан таъминлантирган эса-да, шоирнинг тақдири нашъасиз бўлди. Мунис ўрта асрларнинг кўҳна, чирик, қоронғу муассасаларини ўзининг ушоқ (крохотный), тевараги ёпиқ (замкнутый) давлатида тажассумлантирган кичкина деспотнинг сарой шоири эди. Қўл осларидаги бир кўп халқни эзиб, қонини сўришдан бошқага ноқобил бу қўғирчоқсимон бачкана хонлар хаёлларида ўзларини Искандар Зулқарнайн ёки Темур ҳисоблардилар. Сарой шоирлари уларни қасидаларда мақташлари керак эди. Мунис учун сарой
- 30 сиқиқ эди. Ўз мавқеини ўзи учун хўрлик (уничительный) эканини сезар, қайғурар ва эркинликка интилар эди.

Мунис классик поэзиянинг турли формаларида ёзди-қасидалар ғазаллар яратди. Мунис поэзияда буюк Навоий традицияларини классик соф ва баланд даражада давом этишга интилди.

Шоир Огаҳий ҳам ғазал формасида классик услубдан қутулолмади. Лекин баъзи шеърлари Огаҳий ижодиётида ажойиб реалистик тенденцияларни кўрсатади. Унинг «Рўза» деган шеъри ўзининг ҳаётийлиги ва жонли юмори билан ярқирайди:

И стан, как чанг сгибала мне руза,
И облик искажала у меня.
Камнями била в ревности своей
Всех радостей пиалы у меня.

Огаҳий катта лирик девон яратди. Бағоят ишчан шоир таржима соҳасида катта фаолият кўрсатди. Араб ва форс тилларидан жуда кўп илмий-тарихий асарларни ўзбек тилига таржима қилди. XIX асрнинг II ярмида Хоразм хонлиги рус империясининг вассали бўлиб қолади. Муҳаммад Раҳимхон II (1847—1910) ўзини адабиёт ва санъат ҳомийси каби шуҳратлантиришга тиришади. У ўз атрофига олимлар, шоирлар ва санъаткорларни тўплайди. Унинг бу фаолияти ўтмишда меценатлиги билан донг чиқарган баъзи ҳукмдорларга ёлғиз тақлид истагидангина келиб чиқмайди. Энди замон ўзгарган эди. Хон, шариатга кўра, истар-истамас рус культурасига кўзни юма олмади. Халқ учун бўлмаса-да, ўз саройи учун бир навъ маданият туси беришга мажбур бўлди. Муҳаммад Раҳимхон ўзи шеърни севарди. «Феруз» тахаллуси билан ғазаллар ёзар ва традиция бўйича, уларни сарой шоирларига ўхшатмалар ёзишлари учун тақдим этарди. Кейинча бу ғазаллар «Мажмуаи шуаро» номи билан катта антология шаклида босилиб чиқди. Хон мусиқийни ҳам ривожлантиришга аҳамият берди. Машҳур мусиқийчиларга янги куйлар яратишни ва ҳатто миллий шарқ мусиқийси учун «ноталар» ишлаб чиқишни топширди. Форс ва араб тилларидан асарлар таржима эттирди. Бу замоннинг энг йирик шоирлари, шубҳасиз, Комил ва Аваз Утардир. Комил худди Мунис каби ажойиб қобилиятларга эга эди. У ёлғиз ингичка ишқий лирик шоир эмас, гўзал хаттот, рассом ва композитор эди. Комил ўзининг ўткир ақли билан мамлакатнинг иқтисодий, сиёсий ва маданий жиҳатдан бениҳоя орқада қолганини кўрди, эзилган халқнинг изтиробларини сизди, ватани, халқи учун озодлик ва янги тараққиёт йўлларини юракдан орзу қилди. Комил халқ бошида тегирмон бўлган саройда хоннинг илмий, адабий ҳаёт яратиш учун кўрсатган уринишларини бутун зоҳирлигини, бачканалигини тушунарди.

Комил бир шеърда замондош Хоразм шоирлари ва олимларининг хору зорлигини, сафолатини ва мавқеларининг фожеълигини жуда ёрқин ва ҳаққоний тасвирлайди. Кўҳна, чирик феодализм тузумидан норози шоир ўз фикрларини шеърларида очиқ ифода этишга ботинмаса-да, мавқе, мансаб қидирган сарой хушомадгўйлари, чақимчилари уни оёқдан чалишга, қоралашга тиришдилар.

Комил 1899 йилда вафот этди. Ундан катта лирик девон қолган. Комилнинг мусиқий асарлари халқ орасида кенг тарқалган.

- Илмларнинг аҳамиятини англашда, халқни оқартириш ва ҳаётни аста-аста янгилаш кераклигини тушунишда шоир Аваз Ўтар яна илгари силжиди. Аксар ғазалларида ҳаётий, қайноқ, нашъадор ва шўх туйғулар билан тўлиб-тошган бу эпикарик кайфиятли шоир эскиликнинг ўткир танқидчиси, илм ва маорифнинг оташин
- 10 агитатори сифатида ҳам бадиий сўздан фойдаланади. Аваз Ўтар ўз замондошларига, ёшларга, ўз она тили билан чегараланмай ўзга халқларнинг тилларини ўрганиш кераклигини ва у тиллар орқали илм хазиналарини эгаллаш мумкинлигини уқтиради. Аваз Ўтарнинг мусулмон олимларига қаратилган шеъри ҳақиқатан жасур ва кучли бир ундовдир. Шоир томонидан қамчинланган олимлар чиндан-да хурофот ботқоғига ботган, ҳақиқий илмлардан тамоман беҳабар, жоҳил ва реакцион руҳонийлардирки, улар ҳаётдаги ҳар қандай янгиликка,
- 20 дунёвий илмларнинг элементар бошланғичларига тиштинроқ билан қаршилик кўрсатардилар. Феодализм тузумининг устунларидан бўлган бу тор диний фанатизм намояндаларига қарши Аваз Ўтар ғазаб ва нафрат тўла овоз билан хитоб қилади.

Власть суеверия в мире святыней сделали, вы,
.....

Не люди мы что-ли! Мы тоже песен хотим и книг.
Людей же стадом в безводной долине сделали вы.

- У VIII асрда Мовароуннаҳрда феодал курашлари ва ўзаро жанглари жуда кучайган эди. Бухоро хонлиги тартибсизликлар ва тўхтовсиз урушлар натижасида заифлашган эди. Шу вақтларда Фарғонада мустақил хонлик пайдо бўлади. Фарғонанинг иқтисодий ҳаёти тез кўтарила бошлайди. Айниқса, Олимхон ва Умархон даврида — XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг биринчи чорагида хонликнинг сиёсий ва иқтисодий таъсири кучаяди. Бу замонда Тошкент, Хўжанд ва Туркистон вилоятлари Фарғона хонлигига киритилган эди. Ўзини афсоналар орқали Темур авлоди қилиб кўрсатишга интилган, «Амирул муслимин» (Мусулмонларнинг амири) деган баланд унвонни ўзига эп билган ва дабдабани, зийнатни севган Умархон Қўқонда, ўз саройида 70 га яқин шоир-
- 40

ни тўплади. Ўзи ҳам шоир эди. Руҳонийларнинг йирик намояндалари ҳам катта ер эгалари билан иноқлашган хон дунё завқига берилади. Катта овлардан, суронли базмлардан бўшаган вақтларида шеърлар ёзади, шоирлар мажлисларини уюштиради. Сарой шоирлари эса, поэзияда ўз товуши билан сайраш, ўз индивидуаллигини кўрсатиш ўрнига, кўпинча, унинг ғазалларига ўхшатмалар ёзиш билан банд бўлардилар. Шу йўсинда яратилган ғазаллар антология шаклида айрим китобда тўпланган. Бу даврнинг ижодиёти ўзбек адабиёти тараққиётида мустақил ўрин тута оладиган шоирлари Ҳозиқ, 10
Ғозий ҳамда сатирик асарлари билан шуҳрат қозонган Гулханий, Махмур ва бошқалардир. Бу даврдаги сарой поэзияси ижтимоий, ахлоқий идеяларга, ҳаёт ва табиат мотивларига тамом бегонадир. Бу севги, май, лаззат ва ингичка эротик ҳислар лирикасидир. Бунинг ўша давр учун типик бўлган, сийқаланган намуналарини Амирий, Фазлий каби шоирлар берди. Сарой шоирларидан ёлғиз Гулханийгина ўзининг ижодиёти ижтимоий моҳияти бўйича алоҳида хусусиятга 20
эгадир. Ҳаммомчиликдан, навкарликдан сарой шоири даражасига муяссар бўлган бу талантли одам, халқ ҳаёти ва халқ тилини чуқур билган сўз чевари эди. Умархон унга халқ мақолларини йиғишни буюради. Гулханий «Зарбулмасал» деган бир китоб ёзади. Бу китобда ҳайвонлар турмушидан бир сюжет тўқиб, мақолларни уларнинг тилидан гапиртиради ва муносабати келганда, киноявий шаклда у замоннинг эл таловчи амалдорларини, мулкдорларини қаттиқ фош қилади. 30
Китоб «Амирул муслимин»га манзур бўлмайди. Сарой аҳли Гулханийни қўпол, тарбиясиз, қора халқ одами деб менсимайдилар.

Махмур катта шеърда бир қишлоқ ҳаётининг картинасини чизади. Қишлоқнинг фожеъ қашшоқлиги ўзининг бутун даҳшатли ҳақиқати билан ўқувчи олдида тажассумланади. Чуқур реалист санъаткор Махмур хонлар замонида халқ массаларининг нақадар эзилганини, нақадар таланганини, нақадар қонсизланганини бир қишлоқ тасвири орқали умумлаштириб беради.

Қўқонда яратилган ўзбек поэзиясини уч шоиранинг— 40
Нодира, Маҳзуна ва Увайсийнинг ижодиёти безайди. Нодира — Умархоннинг хотини эди. Ақли, мударбиралиги билан машҳур эди. Маҳзуна ва Увайсий ҳам ўз замони-

нинг олималаридан, музанинг «ичкари»га қамалган соҳибаларидан эдилар. Шоираларимизнинг ғазаллари аёл қалбининг нозик лиризми билан, хассослиги билан лим-мо-лим. Нодира учун буюк Ҳофиз лирикасидаги каби чуқурлик, кенг, риндона қараш, зоҳидликдан ингичка киноя характерлидир.

Пей вино! Тому, кто любит и любимым хочет быть.
Слыть ханжей и лицемером не пристало, мой дружок.

10 Маҳзуна ва Увайсий ғазаллари хаёлнинг шўх ўйинчанлиги (игривость), нафислик, ҳисларнинг бевоситалиги билан ярқирайди, нафас олади. Яна бир муҳим ва қизиқ бир моментни қайд этмоқ керакки, ҳар учала шоиранинг лирикасида классик поэзиянинг шаблонларидан, қотиб қолган шартли приёмларидан, сунъий, мураккаб, абстракт образлардан қочиш, эркин ифодага, ҳаётийликка интилиш равшандир.

«НАВОИЙ» РОМАНИНИ ҚАНДАЙ ЕЗДИМ

Навоий шеърляти ва Навоий образи ҳамиша кучли бир қуёш каби кўнглимни тортар эди. Ўз асарларимда шоир Навоий образини яратишга зўр майл, орзу, истаким бор эди. Лекин тарихга кўз ташласам, Навоий гигант, буюк бир сиймо ҳолида қаршимда турар эди. Ёшлигимдан бери Навоийнинг ўлмас, абадий шеърларини севиб ўқир эдим, унинг жозибали ғазаллари борган сари кўнглимга сингиб борди, шакл ва мазмунлари юрагимни маст ва мафтун этди.

10

Ўзбек адабиётининг энг буюк мемори улуг Навоийни биз эндигина текширишга бошладик. Унинг мисли йўқ «Хамса»си, дилбар ғазалларини чала-чулпа, пала-партиш текширишлар бошланди; лекин баъзи адабиётчиларнинг айрим асарлари диққатга сазовордир. Умуман айтганда, Навоий ҳақидаги текширишлар ҳали тор ва сустдир. Чуқур мазмунли, вазминли текширишлар ҳануз йўқдир.

Тахминан 1936—37 йиллар кичик поэма — «Навоий» ни ёздим. Лекин бу машқ Навоий образини яратишда чизилган фақат бир эскиз эди. Кейин 1942 йил буюк полотнога ўтиб, «Навоий» романини ёздим. Бунинг учун, албатта, Навоийнинг барча асарлари, Навоий яшаган даврнинг тарихи, у даврнинг социал қиёфаси, у давр жамиятининг характери, урф-одати, хулқи-атвори билан танишишга тўғри келди. Кўп тарихий фактлар, материалларни йиғдим, уларни таҳлил этиб, мағзини чақиш учун чуқур ҳис этишга, ўйлашга бошладим. Бу ишга шу қадар фарқ бўлган эдимки, ромanning иш плани қоғозда йўқ эди. У менинг кўнглимда, ёдимда эди, бутун борлигимни банд этган эди. Юрсам-турсам ҳамиша Навоийни ўйлар эдим. Унинг маънодор ақлли кўзлари, хушфёъл,

30

рахмдил, олижаноб қиёфаси, асл, пок улуғ қалбини ҳис этардим, кўз ўнгимда кўрардим. Унинг теран, нозик, фалсафий фикрларини тўла тушунишга уринардим. Роман персонажлари ҳақида, уларнинг характерлари, бир-бирдан фарқи, бир-бирига муносабатини равшан, яққол бериш устида хаёл юритиб, образларни тарашлардим. Ниҳоят, юракка йиққан, юракда сақланган бу материални ёза бошладим. Шунинг учун асар яратиш каби мушкул, оғир иш дунёда йўқдир,— дейман... Чуқур ҳис этиш, қалбнинг зўр ҳаяжони, ўткир фикр, фаҳм, ажойиб илҳом... билмадим, яна ва яна кўп хислатлар керак.

Масалан, фараз қилайлик — Навоий ва Бойқаро масаласи. Булар тарихий қонкрет шахслардир. Буларнинг образлари, ўзаро муносабатлари, фарқлари катта, кенг мураккаб ва ғоят қарама-қаршидир. Айрим боблардаги воқеалар тарихий чин, реалдир; айрим боблардаги воқеалар эса шу замон характерига мувофиқ тузилган хаёлимнинг натижаси, мевасидир. Умуман айтганда, бу романда мен кўрсатишим лозим бўлган давр, Навоий даври, қийин, мураккаб даврдир. Роман устидаги меҳнатимда мушкул ва мураккаб воқеаларга кўп учрадим. Романда тарихий воқеаларни тўғри берганман, лекин баъзан хаёлга ҳам оз-моз ҳуқуқ бериб қўйганман; бу нарса истак, орзу, ҳисларимнинг иши, илҳомбахш нарсалар, албатта.

Олайлик Навоий ва Жомийни. Романда Навоий ва Жомийни тарихий чин ва ҳақиқий, тўғри бердим. Навоий ва Жомийнинг учрашувлари, суҳбатлари ҳақиқий реал воқеалардир. Лекин бу воқеалар тарихий материаллардан хира кўринади. Қандай қилайки, тарих ишлари, ҳаёт шундай мураккаб.

Жомийнинг ҳовли-жойи, ҳужраси, китоб устида чуқур мутолааси, Жомийнинг муомаласи, сўзлаши, қилиқлари, одати, хаёли, дунёқарашлари — жиндай фантазия қўшилган хаёлим мевасидир.

Тил масаласи айрим масаладир. Навоий яшаган даврларда ўзбек тили ўзига хос рангли, тўла, таъсирли тил эди. «Муҳокаматул-луғатайн» да Навоий туркий тили хусусида кўп яхши гапиради, форс тили ҳақида умуман айтганда, андак шикоятумуз гапиради.

Навоийдан сўнг камбағаллашган, рангини йўқотиб ўча бошлаган ўзбек тили инқилобдан бошлаб яна жон-

лана кетди. Жозибали ифодалар, ранг-баранг бой турлар билан тўла бошлади.

Мен Навоий тилининг қудратини, гўзаллиги ва ҳуснини тўла кўрсатишга тиришдим. Унинг тилидаги айрим ўткир, моҳир салмоқли ифодаларни, Навоийга хос терминлар ва шаклларни ишлатдим. Навоийнинг ёрқин шеърларидан, социал мотивларидан жиндек киритдим.

Хонлар, подшоҳлар, вазирлар, бекларнинг дабдабали ифодаларини, руҳонийларнинг форсий ва араб сўзларига фарқ бўлган, бежалган усулларини кўрсатдим. Халқнинг маъноли, бой, оригинал, жонли, ўзига хос равшан тилини кўрсатдим. Бунинг учун, албатта у давр адабиётини, ҳаётини, халқ тилини чуқур, муфассал ўрганишга тиришдим. Ёзувчилар тилни халқдан ўрганишлари лозим. Халқ тили ажойиб учирмалар ва қочириқларга бой битмас-туганмас асл манбадир.

«Навоий» романида асосан у даврдаги социал ҳаётни, кучли интригаларни, мураккаб сиёсий воқеаларни акс эттиришга тиришдим.

ТАДҚИҚОТЛАРГА
ТАЙЁРГАРЛИКЛАР

НАВОИИ ҲАҚИДАГИ ИЛМИЙ ИШЛАРГА ТАЙЁРГАРЛИК

(1-дафтар)

«Зафарнома» — Шарафиддин Яздий
Ибни Батутанинг саёҳати
«Рашаҳоти айнул-ҳаёт»
«Нузҳатул-қулуб» — ҳинд босмаси
«Мақомоти Мавлавий Жомий»
«Матлабил толибин»

Чин хоқонининг салтанати, бойлиги. Фарҳоднинг туғилиши. Болалиги. Уч ёшида «афсонавий ишқ»дан сўзлайди. Фарҳоднинг ўқиши. Қаҳрамонлиги — кучи. У гўё ишқ учун, ёниш учун туғилгандай. Қаҳрамон ҳаётида юз берган ўзгаришни кўрсатишдан бурун бир қатор ўхшаш ҳоллар, образлар келтирилади (101-саҳифа). Қасрларнинг тарихи, тавсифи (саҳифа 101). Қурилиш (саҳифа 103). Тавсиф — 105.

Табиат тасвири — 106—107. Конкрет тасвир эмас. «Гул» сўзининг маъной номутоноҳиси — саҳифа 107. Шу саҳифадаги «гул»ни санаш керак. Чиройли образлар — саҳифа 108.

Навоий қиссанинг давомида айрим тушунчаларга тўхтайди, у ҳақда узоқ гапирди: қарилик, йигитлик ҳақида, саҳифа 110.

Хоқон билан ўғли Фарҳод ўртасидаги муқолима. Фарҳодда билиш, ўрганиш ҳаваси кучли. Унда «сир»ни англашга ирода ҳоким. Хазинадаги «сандиқ»ни очишга интилиши. 112. Тилсимга етиш учун Юнон мулкига сарфар қилишга тайёрлиги.

Сухайло ҳаким. Афсоналар. Ўрта аср адабиёти учун характерли ҳамма воқеалар тасвирида тумтароқлик, ҳашаматлилик сезилади. Воқеаларни шоир сирга ўрайди.

Аждарҳо. Саҳифа 118. Муболаға. Умуман гиперболизм катта роль ўйнайди.

Қаҳрамонда одам сифатлари қолмайди. У табиатдан тиш сифатларга эга бўлади. Аждарҳони ўлдириш, дев билан кураш ва ҳоказо.

Ҳизрга учрашуви. Тилсимларни тушуниш керак. Воқеалар мистик характер, маъно олади.

Ишқи мажозий ва ишқи ҳақиқий тўғрисида.

10 Фарҳод синиқ қайиқда ҳалокат олдида экан, савдогарлар кемаси уни қутқзади. Ўзлари билан олиб кетадилар. Саҳифа 134. Фарҳод денгизда учраган қароқчиларни енгади. Савдогарларнинг муҳаббатини жалб қилади.

Фарҳоднинг тоғ қазиб ариқ ясовчиларга раҳми келади. Тоғ қазиб ҳаммани ҳайратга солади. 137.

Хотин гўзаллиги тавсифи. 140—141.

Хисрав Ширинни севади. Элчи юборади. Манфий жавоб олади. Хисрав лашкар тортиб келади.

20 Фарҳод тоғда. Унинг қаҳрамонлиги ҳар қандай муболағага сиғмайди. Фарҳод ила Хисравнинг мусоҳабаси. Фарҳодни «Салосил» қўрғонига қамоққа юбордилар.

Фарҳод — буюк виждонли. Нигоҳбонлар уни озод қўйиб юборишга тайёрлар. Бутун жавобгарликни ўз бўйнимизга оламиз дейдилар. Фарҳод унамайди. Нигоҳбонларга тушадиган зулмни ўйлайди.

Фарҳод тоғларда кезганда қушлар қаноти билан унга соя солади. Шерларни миниб юради. Бўриларга ҳолини шарҳ қилади.

30 Шопур орқали Фарҳод ила Ширин орасида мактублашма. Маккора Фарҳодга Ширин ўлди, деб хабар келтиради. Фарҳоднинг ўлиши.

Ширин ҳам Фарҳод ишқида, Фарҳод жасади ила «дўш бар дўш» ўлади. Меҳинбону Шириннинг ўлганини кўриб, бир ондаёқ жонини таслим қилади. Ошиқлар жаннатда топишар эмишлар.

Баҳром келади. Халққа яхшилиги. Баҳром подшоҳликдан воз кечиб, Фарҳод қабри устида фақирона яшайди.

40 Навоий подшоҳларга, хонларга чуқур ҳурмат ва садоқат кўрсатади. Қасидалари.

«Лайли ва Мажнун» достонида реалистик моментлар йўқ эмас.

Ибн Саломдан келган совчилар, Лайлидан яшириш, бу ишдан Лайлининг хабардор бўлиши ва ҳоказо.

Навфал овга чиққанда ҳамма кийиклар қочиб Мажнун олдига йигилдилар. Навфал қўшини кучлилик қилади; Лайли отаси номусини сақламоқ учун тонгла қизини ўлдирмоқчи бўлади. Бу ҳол Мажнуннинг тушига киради. Мажнун уйғониб урушни тўхтатишни Навфалдан сўрайди.

10

Мажнуннинг қўтир итга шафқати. Зайд Лайлидан нома келтиради. Мажнун саҳрода Лайли чўпонига йўлиқади. Чўпон Мажнунга қўй териси ёпинтириб, оқшом қўйлар ила Лайли уйига ҳайдаб келади. Халқ эртакларида учрайдиган унсур.

Мажнунга Навфалнинг қизини олиб берадилар.

Мажнун ила Лайлининг бир кеча учрашуви.

Мажнун ота-онасининг вафот этганини тушида кўради.

Лайли ўлганда онасининг тилидан айтилганлар жуда 20
чиройли.

Лайлининг ўлими Мажнун қулоғига сирли равишда
етади.

Ўзбек классик адабиёти лирикаси моҳияти ёр ва унинг адсофини тараннум этишдан иборат. Шоир чиндан-да севадими, йўқми, бунинг аҳамияти йўқ. Поэзияда шоир албатта ошиқ бўлиб кўрнини керак. Ишқ ва ҳижрон бўлмаса гўё шеър ҳам мумкин эмас. Адабий традициялар ҳар шоир устида мутлақ ҳукм сурадир.

Бобир газалиётини ўқидим. Ўзбек классик адабиёти 30
лирикасига хос айни мавзу, айни адо, айни услуб:

Олғали жонимни ҳижронга ҳавола қилди ёр,
Қўйма ҳижронга, ажал, жонимни ол тангри учун.
Сарвдек қадди фироқида фигонимдур баланд,
Гул киби рухсори ҳажрида ёшимдир лолагун.
Ишқ ила девоналиғда бўлмишам соҳиб камол,
Ишқ аҳли эмди Бобирни дегайсиз зуфунун

Лутфий дсвонидан:

Набот нархини синдурмаса шакар ирнинг
Не ишки, тенг сотилур тол йиғочи бирла набот

40

Жамол бойлигида Лутфий сори боқ, садоқанг,
Ки фарзи айн эрур, албатта, мустаҳиққа закот.

Ҳар нафас кўкка етар бағрим кабобиндин тутун,
Нетайин, жонимни ҳар дам оҳи сўзон куйдурур.

Ҳақ ул кунким жамолинг бор этубдур,
Жаҳон ҳуснин борин сизга берибтур.

Парию одами мундоғ хўб эрмас,
Фаришта гўйе кўкдин инибдур.

10

Қуёш ойдек юзунгнинг ҳижлатиндин,
Қочиб, тўртинчи кўк узра чиқибдур.

Юзунг ногаҳ кўриб ой теб соғундум,
Магар хушу ҳирад мендин кетибдур.

Солди Туркистон элига Лутфийни кофир кўзинг.
Не мажоли борки қилса рост оҳанги Ироқ.

Хусн элинда тоқ эрур меҳробдек икки қошинг,
Кўрмади ер юзуни кезган мунингдек жуфту тоқ.

Ҳар ямон сўзи била ўлтурма бизни хору зор.
Расм эрур шоҳлар вафолиқ қулни яхши асрамоқ.

20

Ҳар саҳар «ё раб» деб илкимни кўтарсам йиғлаю,
Ўртанур оҳим ўтиндин етти ферузи равоқ.

Эй пари рухсорлар, бизга нигоҳ айлаб ўтинг,
Бир назар бирла гадони подшоҳ айлаб ўтинг.

Ниқоб олки, юзингдин сафо тилай келдим,
Кўнгул элига лабингдин шифо тилай келдим.

Адамда боғлаб эдим ул оғиз хаёлини мен
Ки мунда Хизрдек оби бақо тилай келдим.

Губор тутти фироқингда кўзни кўп йиғдин,
Бирор изинг тўзидин тўтиё тилай келдим.

Алишер Навоий. «Қомусул аълом» дан:

30

Шоирларимизнинг пешвоси. Форсча шеърлари ҳам мақбул бўлганидан зуллисонайн лақабила талқиб ўлинмишдир.

Отаси Кичкина Баҳодир. Темурийлардан Султон Абу Саиднинг вазири. Навоий Султон Ҳусайн Бойқаро ила мактабда дарс шериги бўлган. Навоий Хуросонда, Самарқандда таҳсил кўради. Султон Ҳусайн Бойқаро тахтга чиққач, Алишерни Самарқанддан чақириб олади. Али-

шер тантана ила қарши олиниб, муҳрдорлик рутбасига тайин этилади. Сўнгра вазир бўлади. Навоий илм ва адабиётга катта хизматлар кўрсатади. Сиёсий ишлардан қўл узади. Сўнг Астрободга вали тайин этилади. Бу ишда кўп турмасдан, Ҳиротга қайтади. Бизда Навоийдан аввал Навоий қадар гўзалроқ ёзган киши йўқ, дейдилар. Навоий катта кутубхонага соҳиб эмиш. Ҳар ким фойдалана олар экан. Зиёрати кўп. Абдурахмон Жомий ила асрдош. Она тилида ёзган шеърларини тўрт девонга тақсим этган: Болалик, йигитлик, етишган (камол) 10 ва қариллик даврлар. Форсий девони ҳам бор.

Эскилар фанларни қизиқ тасниф этганлар: илми зоҳирий ва ботиний! «Ботин илмда ёзуғлик топиш»ни (нг) ҳақиқий маъноси.

Мажолисун-нафоис

Мавлоно Хаёлий — Бухородин:

Гаҳ муътакифи дайраму гаҳ сокини масжид,
Яънеки туро металабам хона ба хона.

Мавлоно Бисотий — Самарқанддиндур:

Дил шишаву чашмони ту ҳар гўша барандаш
Мастанд, мабодоки, баногаҳ шиканандаш.

Мавлоно Яҳъё Себак.— Хуросон мулкининг машҳур фозили, «Шабистони хаёл» номли китоби бор. 20
Ҳожи Муҳаммад Абул Ҳасан. Туркдур.

Келибтур ул гулу бир ҳафта туруб борадур,
Бу ўт кўнгулга тушиб, жонни куйдириб борадур.

Мавлоно Қутбий — Султон Масъуд Мирзо мулозимлари эрди:

Ғунча гар нисбат қилур ўзига дилдор оғзини,
Эй сабо ели, тўла қон айла зинҳор оғзини.

30

Мавлоно Наимий:

То адамдин бўлди пайдо мунчаким ҳусну жамол.
Сен паривашдек яратмабдур башардин зулжалол.

Навоий олти ёшда Мавлоно Яздий билан учрашганини ҳикоя қилади.

Ҳожа Фазлуллоҳ Абулайсий. Самарқанд ақобиридин. Бисёр олим киши эмиш. Навоий бу кишида икки йил сабоқ олганлигини гапиради.

301

Мавлоно Абдулқаҳҳор: донишманд киши эрди. Ҳирийнинг мутаайин хуштаъбларидин эрди. Мавлононинг хаёли кимёгарликка тушиб, кўп нима зоеъ қилди ва ҳеч нима ҳосил қила олмади. Кўп ўт пуфлагандин модда қулоғи сори иниб, кар бўлиб эрди.

Ҳаририй Қаландар. Самарқанд вилоятидин:

Неча йнглай шамъдек ҳажрингда, ёрим, кечалар,
Оҳким куйдирди доғи интизорим кечалар.

Мавлоно Тархоний:

10 Тушгали банд ичра бўлдим ул пари девонаси,
Кўк саро фонусдир ул шамъу мен парвонаси.

Хўжа Юсуф Бурҳон: фақру фано тариқида сулук қилур эди. Фақир (Навоий) мусиқий фанида ани шогирдиди.

20 Мавлоно Қабулий. Фақир киши эрди. Бозорчаи Маликда газалфурушлик дўкони бор эрди. Бир сабоҳ ул маҳалладин жамоа келдиларким, бу кеча Мавлоно Қабулий бизларни тилаб васият қилдиким, бу кеча оламдин борурмен. Такфил тажҳиз жиҳатидин ким ҳеч нимама йўқтур, сабоҳ девонимни фалон киши, яъни фақир қошига элтиб, ниёзимни етқуриб, илтимос қилингким, мени Содоти Мусриҳ гўристониди дафн қилурсун. Сабоҳ хабар туттуқ эрса, ўтуб эрди. Васияти дастури била девонин сенинг қошинга келтируб, биз фақир анинг васиятини бажо келтируб, тадфинидин сўнгра девонин очтуқ эрса бу мақтаъ келдиким:

Агар қабули ту ёбам Қабулиям, вар на
Ба ҳар ду кави чу ман ноқабул натвон ёфт.

30 Мавлоно Садркотиб. Чоғир ани андоқ мағлуб қилиб эрдиким, ихтиёри ҳеч ишда йўқ эрди.

Мавлоно Ёрий. Ўзи ҳақида шу нарсаси машҳур

Чодаршаб худранг
Не жома мани.

Дарвиш Нозукий. Хуросоннинг одамийзодаларидандур. Отаси Машҳад ҳукуматин қилиб эрди. Ўзи сипоҳилиқ таркин тутуб дарвешлик водийсига тушиб... Машҳадда гўша ихтиёр қилди.

Мавлоно Низом толиби илм ва фақир киши эрди. Хонақоҳ тақҳида бўлуб эрди.

40 Мавлоно Лутфий ўз замонининг маликул-каломи эрди. Форсий ва туркийда назири йўқ эрди. Аммо

туркийда шуҳрати кўнрақ эрди ва туркча девони маш-
хурдур:

Нозуклук ичра белича йўқ тори гисуйи
Ўз ҳалдини билиб белидин ўлтурур куйи.

Сайд этти дилбарим мени сшуфта сочдин,
Солди каманд бўйнума икки қулочдин.

Охир умрида радифи «офтоб» шеъри айттиким, за-
мон шуароси барча татаббу қилдилар. Ҳеч қайсиси мат-
лаъни онча айта олмадилар.

Ул матлаъ будурким:

10

Эй зи зулфи шаб мисолат сояпарвар офтоб,
Шоми зулфатро ба жои моҳ дарбар офтоб.

Мавлоно йигитликда улуми зоҳирни такмил қилгон-
дин сўнгра Мавлоно Шаҳобиддин Хиёбоний қошида сў-
фия тариқида сулук қилгондур. Азизу мутабаррик киши
эрди, бу фақир борасида кўп фотиҳа ўқубтур.

Мавлоно Яқиний. Тундроқ, машраблиқ киши
эрди. Туркий ва форсий шеър айтур эрди:

Оҳдим, жонимга еттим ёри нодон илкидин
Доду фарёд ул жафочи офати жон илкидин.

20

Мавлоно Муқимий ҳирнийлик эрди. Дарвеш,
машраб киши эрди. Сўфия истилоҳидин ҳам вуқуфи бор
эрди. Таржеъ:

Сенсан асли вужуди ҳар мавжуд
Сендин ўзга вужудда не вужуд.

Мавлоно Латифий. Қаерлилиги маълум эмас.
Таъби ҳили шўх экан. Ёшликда ўлган:

Гаҳ оқар, гаҳ томар лабинг шакари,
Бизга тегмасму ҳеч оқар, томари.

Мавлоно Билол.

30

Жону кўнглумни жафо ўти била куйдурдингиз,
Ўйлаким кул бўлдуму мендин кўнгил тиндирдингиз.

Мирсайд. Эл орасида «Қобулий» лақаби била
машхурдир, фақирга тағойи бўлур. Яхши таъби бор
эрди.

Туркчага кўпроқ майл қилур эрди. Бу туюқ анингдур:

Эй муҳиблар, етсангиз гар ёза сиз,
Гул адоқинда хумори ёзасиз.

303

Гар мен ўлсам турбатимнинг тошига,
Куштаи бир шўх эрур деб ёзасиз.

Муҳаммад Али — Ғарибий тахаллус қилур эрди. Ул ҳам фақирга тағойи бўлур эрди. Кўпроқ созларни яхши чалур эрди:

Дарди ҳолимдан агар ғофил, агар огоҳ эсанг
Ҳеч ғамим йўқ гар менга сен дилбару дилхоҳ эсанг.

Мирзобек

10 Кўзинг не бало қаро бўлибтур,
Ким жонго қаро бало булбуртур.

Сайид Ҳасан Ардашер. Қитъа:

Чу хуш бошад сабуҳи бо дилором,
Лаболаб аз қадаҳ ҳар дам кашидан.
Чу ғунча ҳар ду дар як пираҳан танг,
Баҳам печидану дарҳам кашидан.

Туркча:

Илоҳи, нури ирфондин кўнгулга бир сафо бергил,
Ки исён зулмати ичра хароб аҳволу ҳайрондур.

20 Амир Шайхим Сухайлий. Хуросон мулки-
нинг мутааъийин аҳлидиндур. Султон Абусаид Мирзо
хизматига тушиб, махсус мулозим бўлди ва ашъори эл
орасида шуҳрат тутти.

Дил чу шикаста макуш ошиқи хаста ҳолро,
Санги ситам чи мезани мурғи шикаста болро.

Зухд эли тасбиҳ деб ҳайрон қолур авбош аро,
Риштаи жисмимни кўрса қатра-қатра ёш аро.

30 (Навоий бир кўп шоирларни ичкуга мубтало эканини
айтиб ўтадур, май ҳақидаги шеърларда ёлғиз сўфиёна
бир маъно ва рамз қидириш у қадар тўғри бўлмаса ке-
рак).

Мавлоно Шавқий. Туркий ва форсий ёзар.
Туркчаси.

Бориб овора кўнглум зулфинг ичра мубтало қолди,
Тараҳҳум қилки менинг бордию эмди санго қолди.

40 (Навоий нақл этган шоирларнинг бир кўпи ҳунар-
мандлардан, бирон санъат аҳлларидан. Ораларида ко-
сагар, кавушдўз, наққош, жомабоф, ҳалвогар ва илоҳ
бор. Савдогарлик ила машғул бўлгани ҳам бор. Кўпла-
рининг жуда фақир эканликларини ҳам Навоий айтиб
ўтадир).

Мавлоно Гадонӣ — туркигўйдур. Машҳур матлаътаридин:

Оҳким девона кўнглим мубтало бўлди яна,
Бу кўнгулнинг илкидин жонға бало бўлди яна.

Дилбаро, сенсиз тириклик бир балои жон эмиш,
Ким анинг дарди қошида юз ўлум ҳайрон эмиш.

«Илк мутасаввуфлар»дан:

Исломият ҳижрий иккинчи асрдаёқ баъзи ўзгаришларга учрайди, мухталиф ўлкаларда турли ҳаётий шароитда яшамаш ва турли анъана ва маданиятларга эга бўлмиш халқлар орасига киргач, ислом ўз софлигини сақлаб қола олмасди. Ислом дини эрон маданияти, мусулмонлик, христианлик ва эски юнон фалсафаси, ҳинд маданияти таъсири остида қолади.

Эронийлар зардуштийликдан айрилғулари келмайди. Унга янги шакллар бермакка тиришчалар.

Турли мазҳаб ва маслаклар пайдо бўлади. Ислом оламида бу вақтларда тасаввуф кенг тарқалади. Мутасаввуфлар кўпаяди.

Н(ео) Афлотунлиқ. Ислом тасаввуфинда пантеизм масаласи.

Мутасаввуфлар ҳар хил қаршилиқларга учрайдилар, «Турк муҳитларинда инкишоф этган тасаввуфий фикрларда асосан шаръияга дарин ва самимий бир муҳобикат кўрули юрди... Нега бундай? Турк халқлари қадимдан эрон ила яқиндан муносабатда эдилар. Ислом дини Эронга, сўнг турк халқлари орасига ёйилгач, исломлашган Эрон ўз таъсирини ҳар жиҳатдан кучайтиради. Исломни қабул этгандан сўнг эронийлар қасида ва ғазал шакллари тараққий эттирадилар. Янги бир форма — «Достон» формасини яратадилар.

Ислом маданияти туркларга Эрон културасининг маркази бўлган Хуросон йўли ила Мовароуннаҳрдан ўтиб келарди» (Куприлизода).

Ўтмишимизда адабий тил тараққийсида шундай даврлар кўрилади:

I давр — қорахонийлар давлатнинг қурилиши ила бошланган ва маркази Қашқар бўлган.

II давр. Ўғуз ва қипчоқлар орасида исломнинг қувватламиши ила бошланган, Сирдарёнинг пастки ҳавзаси ва Хоразмда марказлари бўлган давр.

III давр. Ўрта Осиё ўтроқ қисмида, темурийлар ерларида маданий ҳаётнинг кучайиши, маҳкамланиши ила бошланади. Бу III давр ўзбек тилининг шаклланишида муҳим ва файзли бир давр бўлган. Ўрта Осиё турк адабиётининг тарихида шу давр олтин давр аталишга лойиқ. Навоий ва унинг раҳбарлиги остида бир кўп шоирлар шу даврда етишади. Шу даврда (XV—XVI асрда) адабий тил «Чигатой тили» номида ҳам айтиларди. Бу III давр XX асрга қадар давом этади, ҳозирги ўзбек адабий тили шу Чигатой адабий тилининг ўрнига, уни алмаштириш учун келаётир, дейди Самойлович.

(«Новый чигатайско-персидский словарь»).

Навоийнинг адабий асарларининг қиймати ва таъсири жуда катта. Ўрта Осиё, Эрон, Туркия, ҳатто Ҳиндистонда Ўрта Осиё тили ва адабиётини ўрганганлар ва текширганлар.

Ишонч билан айтиш мумкинки, қайд этилмиш мусулмон шарқининг катта бир қисмида, истеъмолдан чиққан бир тилни ўрганишга...

20 «Бобирнома»дан.

... (Андижоннинг) «Эли туркдур. Шаҳр ва бозорисида турки билмас киши йўқтур. Элининг лафзи қалам била росттур. Ани учунким, Мир Алишер Навоийнинг мусаннафоти бовужудким Ҳирида нашъу намо топибтур, бу тил биладур».

Бобир катта Хитой карвонини қор босганлиги ҳақида нақл этади.

30 Мир Алишер Навоий Ҳирийдин Самарқанд келган фурсатларда Аҳмад Ҳожибек била бўлур эди. Аҳмад Ҳожибек соҳибни девон эди. «Тўйда олтин ва кумушдин бодом ва писталар қилиб эдилар». Султон Ҳусайн ила Бадиуззамон орасидаги низоларни бартараф қилиш учун Алишер Навоий воситачилик қилар.

«Бу мирзолар андоқ ифрот била фисқ ва айшқа машғул эдиларким, рамазони мутабаррук ва азиз ойга бир кечалик фурсат қолиб, отасидан ийманмай, тангридин қўрқмай қилур иши чоғур ичмак эди, нишот бирла мажлис оролиқ эди».

Самарқанднинг гўзаллиги, ундаги иншоот ҳақида.

40 «Мунча толон ва торож қаратган вилоятлардин нима олмоқ нечук муяссар бўлғай. Черик элининг ўлжаси туганди. Самарқандни олганда, Самарқанд андоқ хароб эдиким, муддат тиним ва тақовийга эҳтиёж бор эди».

«Бобир Самарқандга киради. «Моғул агар босса ҳам ўлжа олур, бостурса, ҳам. Ўз элини талаб, тушуриб олур, ўлжа қилур».

«Темурбекнинг юртида бу тарихда андин (яъни Султон Ҳусайн Мирзодан) улугроқ подшоҳ ҳам бошқа вилоятга ва ҳам чирка бийла йўқ эди».

Қирқ йилга ёвуқдурким, Хуросонда подшоҳ эди, кун йўқ эдиким, номоз пешиндин сўнг ичмагай, вале сабуҳий қилмас эди, ўғлонлари ва жамъи сипоҳийга ва шаҳрига бу ҳол эди, ифрот бийла айш ва фисқ қилурлар эди. Бовужудким, ҳам ёш ва салтанат бийла улук подшоҳ эди, кичиклардек қўчқор сақлаб, кабутар сақлаб, кабутар ўйнар эди. Товуқ ҳам урушқа солур эди».

«Тун-кун айш ва ишраттин ўзга иши йўқ эди. Балки тавобец ва ловоҳқида айши ва ишрат қилмас киши йўқ эди, жаҳонгирлик зиъж ва табъин тортмай ложирим боргон сари навкар ва вилояти кам бўлди ва ортмади».

Навий ҳақида: саҳифа 313—314 ...«Қамолиддин Ҳусайн Козаргаҳий эди. Агарчи сўфий эмас эди, мутасаввуф эди. Алишербек қошида мундоқ мутасаввуфлар йиғилиб, важду самоъ қилурлар экандур».

«Султон Ҳусайн Мирзонинг ажаб замони эрди, аҳли фазл ва беназир элдин Хуросон битаҳсис Ҳири шаҳри мамлу эди».

Навий — Биноий, саҳифа 226.

Султон Ҳусайн ўлгандин сўнг беклар иттифоқ қилиб Баднуззамон била Музаффар Мирзони Ҳирий тахтида подшоҳ қилдилар.

Султон Ҳусайн Мирзо — 203.

258 саҳифа керак.

30

«Улугбек ва унинг замони» — Бартольд

«Чигатой» термини кўчманчи ва кўчманчилар традициясини сақлаган аҳолини кўрсатадиган ном бўлиб, Чигатой авлодларидан хонлар кўпдан бўлмаган замонда ҳам Мовароуннаҳрда сақланиб қолди. Темур ўн йил ичида Мовароуннаҳрни ўзига қаратади. **Темур 25 шаъбон 736 хижрий — 9 апрель 1336 мелодийда туғилади.** Амир (Нўъён) Тарагайнинг ўғли.

Клавихога қараганда, Темур ўз фаолиятини қароқчилар атамани ролида бошлаган. Барлос уруғидан.

Қарши ва Шаҳрисабзда бу уруғ жойлашган эди. Шаҳрисабз беки «Ҳожин» эди.

Темур мўғуллар ила, чигатойлар ила курашларда иштирок қилади. Дам у томон, дам бу томонга ўтади. Ўз атрофига кишилар тўплашга тиришади.

10 Руҳонийлар, сандлар билан алоқани мустаҳкамлайди. Темур, умуман, уламога яхши қарарди. айниқса, Муҳаммаднинг авлоди ҳисобланган сандлар Темур қошида катта обрўга эга эдилар. Мантиқ, фалсафа, тиб. илми 10
нужум билан машғул бўлган олимларни ҳам ҳимоя қиларди. Самарқандга келтирган олимлар орасида юқоридаги илм аҳллари ҳам бор эди.

Сиёсий мақсадлари учун динни истифода қилар эди.

20 Темур ўз чигатойлиларини ташкил қилди, уларни интизомга ўргатди, улардан ташқи томондан Чингиз аскарларига ўхшайдирган фидокор, содиқ куч яратди. Қлавихоча: «Чигатойлар ўз чорвалари билан қаерда хоҳласалар шу ерда юра оладилар, қаерда хоҳласалар шу ерда чорва боқишга, экишга, яшашга қиш ва ёз ҳақлидирлар. Улар озод, подшоҳга солиқ тўламайдилар, чунки, чақирган вақтда улар урушда подшоҳга хизмат кўрсатадилар».

Темур ўрдусида, маълум даражада, рицар идеаллари мавжуд эди. Баъзи фактлар. Темур ўрдусида идолопоклонниклар ҳам бор эди, жангларда иштирок қиладурган хотинлар ҳам бор эди. Темур аскарлари мажусий мўғулларга ўхшаш кокил қўйган эдилар.

30 Темурнинг хотинлари ва бошқа хотинларнинг Темур саройидаги вазияти ислом талабларидан кўра мўғул одатларига мувофиқ эди. Маликалар ва шаҳзода хонимлар зиёфатларда иштирок қилар, эркаклардан қочмас эдилар. Темурнинг хотинлари ҳам ўзларича зиёфатлар тузиб, меҳмонлар даъват қилар эди. Темур хотинлари учун Самарқанд атрофида гўзал боғлар, саройлар бино қилдирган. Давлат бутун уруғ (род)нинг мулки каби ҳисобланарди, айрим шаҳзодалар ўзларига берилган уделларда деярли мустақил ҳукмдор каби эдилар.

40 Мироншоҳ, Темурнинг ўғли, 14 ёшида Хуросон ҳокими тайинланган. Мироншоҳ баҳодир ва айёр, золим эди. Ҳирот ҳокимининг ўғли Пирмуҳаммаднинг бошини бир зиёфатда қаҳ-қаҳа билан кесиб ташлаган ва сўнг ўз айбини мастликка жўйган (Абдулраззоқ).

Мироншоҳнинг хотини эридан аразлаб Самарқандга Темур олдига келади. Темур Султон Боязид устига юриш қилади. Мироншоҳ қаршиликсиз Темурга бўйсунди ва ҳокимликдан туширилади. Унинг кайф-сафо дўстлари жазоланади. «Хулакухон тахти» Мироншоҳнинг ўғли Умарга топширилади. Темурнинг саройида қиссахон бор эди. Унга ўқиттириб эшитар эди. Шундай қилиб, тарихдан кўп нарса биларди. Темур тарих соҳасидаги маълумоти билан машҳур Ибни Халдуни ҳайратда қолдирган, дейдилар. Шахматни ҳам яхши ўйнар экан.

10

Исфизорни олгандан сўнг Темур буйруғи бўйича 2000 тирик одамни бир-бири устига қалаб, минора ясаб, устидан лой ва ғишт парчалари билан сувалиб ташланган. Сивосни олгандан сўнг 4000 асирни тирикликгича кўмдирган.

Бузғунчилик билан бирга иншоотга ҳам катта аҳамият берган. Буюк бинолар, боғлар солдирган. Шаҳар ва қишлоқларни тиклашга ҳаракат қилган, суғориш системалари қурдирган. Самарқанд атрофида Темур солдирган қишлоқлар: Султония, Шероз, Бағдод, Дамашқ, Миср. 1395 йилда «Беш йиллик» походдан қайтгач, Темур аҳолини уч йил солиқдан озод қилган. Самарқандда Шайхулислом Абдулмалик шахмат ва қимор ўйнар эди, шеър ёзар эди.

20

Улуғбек Шоҳрухнинг ўғли, Темурнинг набирасидир. 1394 да Султонияда туғилди.

Хитой билан Ўрта Осиё ўртасида кучли савдо муносабати бор эди. Темур ҳузурига элчилар келади. Темур сўнгги походларнинг бирида 1405 да Ўтрорда ўлади.

Темурнинг ўлган хабари эшитилар-эшитилмас зухур этган саросима ҳолати, Темур ўрнини олиш учун бўлган талаш-тортишувлар (ўғиллари ва набиралари орасида).

30

Темурдан сўнг узоқ курашлар орқасида Шоҳрух қўлига кўп ерлар ўтади. Темурнинг бошқа ўғиллари ва уларнинг наслари аҳамиятларини йўқотадилар, ҳатто баъзилари оғир аҳволга тушиб қоладилар. Лекин, Шоҳрухнинг ҳукмдорлиги расмий эди. Давлатни унинг хотини Гавҳаршод (Улуғбекнинг онаси) ва ўғиллари ҳам бекар, аёнлар идора қилар эди.

Улуғбекнинг Самарқанддаги саройи жуда ҳашаматли эди. Темур даврида Чингиз наслдан подставной хон кўтариб қўйиларди. Унинг мамлакатни идора қилишда роли, аҳамияти бўлмас эди. Самарқандда Улуғбек замонида

40

ҳам оқчалар Шоҳрух исмидан зарб қилинар, ёрлиқлар номинал хон номидан чиқариларди. Кейинча бу одат йўқолган.

Улуғбекнинг походлари? Ўзбекларнинг тазйиқи? Те-мурийлар давлатининг чегара шаҳари Туркистон эди. Хи-той ва бошқа Шарқ мамлакатлари билан савдо муноса-батлари давом этарди. Хитой билан Шоҳрух ва Улуғбек ҳукуматлари орасида элчилар қатнаб турар эди. Ҳиротда Шоҳрух шариаат буйруқларини расо бажарар эди. Сарой-да ҳашаматга, зиёфатларга ўрин йўқ эди. Самарқандда эса Улуғбек дабдабага катта аҳамият берган дейди. Са-марқандда ҳаёт шаън эди. Самарқанд шайхулисломи базмлар ясар эди. Бир базмга ҳатто ашулачи хотинларни ҳам таклиф этган дейди. Самарқанд шайхул исломлари аҳолининг аристократик қисмларидан эдилар. Улуғбек даврида ҳокимият уларнинг томонида эди. Дарвишлар эса халқ массасининг манфаатларини мудофаа қилар эди. Уламо аристократиянинг раҳбари бўлиб қолгани учун дарвишлар уларга қарши эди, шариаатни муҳофаза қи-лишга тиришар эди (?!)

Улуғбек савдогарларга хазинасидан пул берар ва қи-лингн фойдага иштирок қиларди. Улуғбекнинг динга қа-раши. Руҳонийлар ила муносабати. Улуғбек замонида ер солиғи озайтирилган, лекин савдо ва саноат солиқлари (тамга) кучайтирилган эди. Улуғбек(нинг) фан билан машғулоти. Самарқандда Улуғбек замонида Эрон олим-лари бор эди. Буларни Темур Эрондан келтирган эди. Улуғбек обсерваторияси. Обсерватория Улуғбек ўлиши биланоқ ишини тўхтатади. Улуғбекдан сўнг мусулмон астрономияси тараққиёт кўрсатмади.

Улуғбек адабиёт билан қизиқарди. Шоирлардан Низо-мийни маъқул кўрарди. Унинг саройида бош шоир Қамол Бадахший эди.

Темурийлар даврида форсий поэзияга тақлидан тур-кийда шеър яратишга уринган шоирларнинг девонларига Улуғбекнинг қараши номаълум. Бу шоирлардан Сакко-кий Улуғбекни куйлаган эди. Бир шеърда дейди:

Аристотлигу Афлотуну Битолимусу Жолинус,
Али Синову Фалоқус, Арастуву Абу Моъшар
Риёзи ҳашту ҳикмати расад, Иксиру Иқлидус
Бадиёю санойини санинтек билмади онлар.
Фалак йиллар керак сайр этсаю келтирса илқиға
Менингтеқ шоири турку санингтеқ шоҳи донони.

Лутфий ҳам Улуғбекни куйлаган. Улуғбекнинг беш хотини бор эди.

Навоий замонида Ҳиротдаги налоглар системасига оид материаллар

Ҳирот у замоннинг энг катта, халқи кўп, савдоси ривожли шаҳарларидан бўлган. Бу шаҳарда турли гуруҳларнинг манфаатлари орасида кучли қарама-қаршилик мавжуд эди. Мавжуд тартибни ўзгартиришга интилган оппозициячи элементлар бор эди. «Китоб ...дон» ни кенг тарқалиши ҳам тасодифий эмас. 10

Жомий юксак мартаба билан ҳаёт кечирган. Йиллик расходи 100 минг кебак динор — тахминан 50 минг сўм.

Жомийнинг сиёсий сиймо сифатида ўйнаган буюк роли ва маънавий раҳбар — пир сифатидаги обрўси моддий асосга эга эди.

Жомийга Ҳиротда ғайри мафқул анча мулклардан ташқари, Ҳирот вилоятида жуда кўп ер тегишли эди.

Жомий узоқ сафар учун кўпгина маблағ тадоригини кўриш учун ўз мулкларига тушадирган налогларни тўхтатиб туришни Султон Ҳусайндан сўраган. Султон қабул этган ва мундан ташқари яна бир кўп имтиёзлар берган. 20

Сўфийлик у замонда ҳоким синфларнинг, интеллигенциянинг идеологияси, бутун даврнинг фалсафаси эди, Ҳирот давлатида асл давлатнинг расмий дунёқараши даражасига кўтарилган эди. Жомий замонида феодаллар мулки бир неча категориялардан иборат эди. Мулки хоса ва холис (налогдан озод, хусусий ер-мулк), суюрғол (инъом қилинган ерлар), ҳам вақфиялар. 30

«Мулки холис» — мерос бўлиб қоладиган, ўз эгаси ихтиёрида бўлган ердир. Бундай ердан натурал налог — камбағаллар фойдасига закот олинар эди, закот экин ва ҳайвоннинг 1/10 қисмига баробар. Шунинг учун бу ерларга «мулки ашрий» ном берилган.

Суюрғол — ер мулкининг имтиёзли бир шакли. Чингизхон томонидан юзага чиқарилган. Бу — хон томонидан инъом этилган ва налоглардан озод ердир.

Тархон — мўғулча сўз. Темирчи, мастеровой, эркин одам демакдир. Мўғул миллий афсонасига боғлиқдир 40

(Тархон деган темирчи тоғни эритиб, қамалиб қолган мўғул қабиласига йўл очади). Вақф ерларидан налог олинмас эди. Шунинг учун баъзилар ерни вақф этиб, мутаваллилик — бошқарувчиликни ўз қўлларида тутар эдилар. Бу билан, даромад, албатта ўз ёнига тушади. Ўзидан сўнг ўғиллари, набиралари мутавалли бўлади.

- Навойи замонида кўп катта ерлар налогдан озод этилган эди. Хазина учун пул топиш керак. Демак, налогнинг оғирлиги деҳқон ва касиб устига тушган:
- 10 «Тужихоти хорижий», «Орзот», «Қўш» каби налоглардан ташқари, деҳқонлар яна «Соҳиб жам», «Мироб», «Масҳал», «Доруға» каби бир қатор налоглар тўлар эдиларки, булар молия маъмурларининг кечиниши учун кетар эди. Деҳқонлар «Саршикор» деб аталган «Жом пули» ҳам тўлар эдилар. «Бегор» — ҳокимлар ва помешчкларнинг талабига мувофиқ деҳқонларни текинга ишлашга мажбур қилишдир. Бу мажбурият деҳқонлар учун ғоят оғир бўлган.

НАВОИЙ ҲАҚИДАГИ ИЛМИЙ ИШЛАРГА ТАЙЕРГАРЛИК

(2-ДАФТАР)

«Хамсатул-мутахаййрин» — Навоий.

Жомий Шоҳрух замонининг ўрталаридан бошлаб Абусаид Мирзо замонининг бошланғичига қадар шаҳарда сокин экан, кейин хиёбон бошида ҳазрат пир Маҳдум Саъдиддин Қошғарийнинг мозори бошида иқомат этган. Жомийни ҳузурига шаҳарнинг бутун уламо, акобир ва ашрафлари, ҳатто подшоҳ ҳам бориб турар экан. Навоийнинг «Фигония» боғчасида дарвиш Ҳожи деган боғбон дарахт ўтказаётган вақтларда Жомий баъзан бу тунд боғбон билан сўзлашар, дарахтни қаерга ўтказиш тўғрисида жанжаллашар экан. 10

Бир панжшанба куни Навоий Жомий билан козоргоҳдан дашт билан хиёбон сари борар экан. «Боғи жаҳоноро»нинг боғбони Саид Ғиёсиддинга йўлиқадилар. Бу киши боғ учун сарв кўчатларни аробага ортмоқда экан. Жомий унга мутоиба қилиб: «Ҳеч сарв оғочи қолдимми, аробада қанча?»,— деб сўрайди. У, бир юз тўрт, дейди. Навоий: «Муносиб ададдур, нечунки, қад адади билан мувофиқ» деган. Жомий, рост, деб Навоийга таҳсин қилади. 20

Музаффар Ҳусайн Мирзонинг Аҳмад Ҳусайн Мирзо деган фарзанди ўлган вақтда Жомий аза учун Боғи сафидга келади. Навоий марсия тариқида ёзган мана шу байтни:

Гар шамъ мурд, миҳри фалакро мадор бод,
Гар қатра рехт, оби бақоро қарор бод.

Жомийга ўқиб беради. Жомий шу ерда қалам, сиёҳ қоз тилаб ёзади: 30

Фарзанд меваест зи шоҳи дарахти умр,
Гар з-онки мева рехт, шажар пойдор бод.

Навоий давлат ишидан қўл узишини «Инсон жинси» суҳбат ихтилотидан тўйганлиги билан изоҳлайди. Жомий Мавлоно Соғарий билан кўпроқ мутоиба қилар экан.

Навоий «Хамса»ни бошламоқчи бўлганда Жомий билан маслаҳатлашади.

10 Навоий Жомийнинг эски бир девонини замоннинг яхши хаттоти Мавлоно Абдусаматга биттириб, Жомийга кўрсатади. Жомий олиб қолади. Кейин борганда, котиб жуда кўп хатолар қилганини, бир кўп байтларни тушириб қолдирганини айтади. Сўнг Жомий ўз қўли билан бу хатоларни тўғрилаб, Навоийга қайтаради. Яқуббек китоб сўратганда Навоий шу девонни юборади.

20 Бир кун эрталаб Жомий Навоийнинг уйига келади. Товусларнинг болалашини ҳақида сўз очилади. Бу тўғрида Жомий хато фикрда экан. Урғочи ва эркак товус шу аснода жуфтлашиб масалани яққол ҳал қилади. Жомийнинг Сайфиддин Муҳаммад отлиқ фарзанди ўлганда Навоий таъзияга боради. Йўлда Шайхим Суҳайлий учраб, у ҳам ҳамроҳ бўлади. Одам жуда кўп экан. Навоий таъзия сўзини тез орада билдира олмайди. Хиждлат тортиб, «таърих» ёзиб узатади.

Анварийнинг қасидалари ҳақида сўзлашади.

Навоий билан Жомий бир-бирларига мактуб ёзиб туришган. Жомий ўз мактубларидан бирида шунини битиб юборади:

30 Жуз ин коре мабодат гоҳу бегоҳ,
Ки дар зилли залили давлати шоҳ.
Хати ҳаз-зи худ аз дил бартароши,
Барои ҳақ паноҳи халқ боши.

(Шоҳ ҳазратларининг сояи давлатида эртаю кеч бошқа ишинг бўлмасин. Ўз манфаатинг хатини кўнгилдан тарошлаб ҳақ учун халқ таянчи бўлгин).

40 Бир кун Навоий Жомийнинг ҳузуринида бўлганда сўз орасида Амир Хисравнинг «Дарёи аброр» номли қасидасини жуда мақтайди. Амир Хисрав ўзи шундай дер экан: агар замон ўзгариши орқасида менинг барча назимим маҳв бўлиб кетса, ёлғиз бу қасида қолса, менга шунинг ўзи кифоя; уни ўқиган одам, менинг шеърдаги қудрат ва иқтидоримни билиб олади.

Аммо Жомийнинг олдида бу хусусда... таъриф муносиб эмас экан. Жомий ҳеч нима демайди. Яна бир учрашувда Жомий ўз қўйнидан бир жизв чиқариб беради. Навоий очиб қараса «Тўхфатул-асрор» экан («Дарён аброрнинг» жавоби). Буни Жомий шу кунларда ёзган экан. Навоий хайрлашиб отга миниб жўнайди. Манзил тўққиз работ экан. От устида бу қасидани ўқиб, хушҳол бораркан, «Тўхфатул-афкор» қасидасининг матлаини айтади. Манзилга етганда буни битиб Жомийга юборди: маъқулми, йўқ, давом эттиришга арзийдими, йўқ? 10 Жомий ўз жавобида жуда мақтайди. Навоий Марвга етгунча қасидани тугатади. Жомий отига бағишлайди. Марвдан юборди. «Тўхфатул-афкор»нинг матлаи бу:

Оташин лаъле, ки тожи хисравонро зевар аст.
Ахгаре баҳри хаёли хом пухтан бар сар аст.

Жомий Маккага борганда, Бағдоддан чиройли бир мактуб юборди. Қайтишда Халабдан ҳам мактуб ёзади. Жомий Маккадан келганда Навоий подшоҳ билан Балхда экан. Хат ёзиб бир кишидан юборди.

Навоий Астрободда ҳам Жомий билан хат ёзишиб 20 туради.

Подшо «Қундуз» сафарига отланганда Жомий бу сафарни маъқул кўрмайди. Бу юришни ман қилишга урингил, деб Навоийдан талаб қилади. Навоий бундан ожиз қолади.

Жомийга «Нафоҳатул-унс»ни ёзишга Навоий таклиф қилади. Жомий ҳам буни ўйлаб юрган экан (Хожа Абдулла Ансорий «Табоқати Машайхи сўфия»ни ёзган. Фаридиддин Аттор «Тазкиратул-авлиё»ни ёзган). Жомий хурсанд бўлиб ёзишга бошлайди. Тугаган қисмини 30 Навоийга бериб туради. Асар оз вақтда тугайди.

«Арбаин ҳадис»ни Жомий форсчага таржима қилиб Навоийга кўрсатади. Навоий туркийга таржима қилади. Навоий Жомийдан «Сўфия рамуз ва ишорати ва алфоз ва иборати истилоҳи» ҳақида сабоқ олади.

Навоий «Имом Али Мусо ар-Ризо» зиёфатидан қайтганда аввал Жомий ҳузурига боради. Жомий ўз қўли билан битилган девонини беради.

Навоийнинг туркий ғазалларини йиғиб, қисмларга айириб, ҳар бирига айри исм қўйишни Жомий таклиф 40 қилади.

Навойй газалиётини тўртга бўлиб, исм қўяди (исм-лари маълум).

Навоййнинг:

Очмағай эрдинг жамолинг оламоро кошки,
Солмағай эрдинг бари оламға ғавғо кошки

газали халқ орасида шуҳрат қозонади. Жомий ҳам эшитиб шу баҳр, шу қофия ва радифда форсча газал ёзади:

Дидаме дидори он дилдори раъно кошки
Дида равшан кардаме аз хоки он по кошки.

10 Буни подшоҳга юборади. Подшоҳ Жомийнинг бу газалига мусаддас боғлашни Навоййга буюради.

Навойй бир кўп китобларни Жомий ҳузурида ва унинг ёрдамила мутолаа қилгонлигини сўзлайди.

«Ҳафт авранг»ни ҳам Жомий мажлисда ўзи ўқиб берар экан, Навойй тинглар ва баъзан Навойй ўқиб, бошқалар тинглар.

Жомий ҳижрий саккиз юз тўқсон саккизда муҳаррам ойининг ўн еттисида жума кунини вафот қилган. У касал ётганда Навойй дам-бадам хабар олиб турган. Жума кечаси Навойй ташвишланиб, Жомийга боради. Бунда бир кўп одамлар Жомий бошида туришар. Касал гоҳ беҳол, гоҳ ҳушига келади. Унинг ўғли Мавлоно Зиёиддин Юсуф Жомийнинг оёғида ўтиради. Эрталабки намоздин сўнг ҳоли оғирлашади. Нақшбандия тариқи билан ҳафиз зикрига машғул бўлишади. Хўжа Ҳофиз Гиёсиддин Муҳаммад Деҳдор унинг бошида қуръон ўқийди. Эл жума намозидан ҳали чиқмаган эди — вафот этади.

Навойй гоят қаттиқ қайғурганлигини сўзлайди.

20 Подшоҳнинг ўзи келиб ҳўнграб-ҳўнграб йиғлайди. Мавлоно Зиёиддин Юсуфни қучоқлаб, тасалли беради. Навоййни юпантиради. Сўнг, жанозага турмай жўнайди.

Дафнга бутун шаҳар халқи қатнашади. Султон Аҳмад Мирзо ва Музаффар Ҳусайн Мирзо бошлиқ барча шаҳзодалар ясовуллик қилиб, йўл очиб, тобутни кўтарардилар. Мавлоно Саъиддин Кошғарий ёнига дафн қилинади. Бир йилдан сўнг подшо йил оши маросимини тантана билан ўтказди. Навойй вафот тарихига марсия ёзади. Йил ошида ўқиб берилади.

АНТОЛОГИЯГА ТАЙЁРГАРЛИК

1. Чингиз истилосидан кейин мўғул саройларида шеърга эҳтиёж оз сезилади. Қасидачилик сўнади. Мўғул истилоси даврида умумий руҳий тушкунлик бошлади. Бу тасаввуфни кучайтиради.

2. Туркий тилларда адабиёт: қадим замонларда асосан фольклор. Бахши—адабий ижодиётининг руҳи. Урушлар ва қаҳрамонликлар — мавзу. Шеър — тўртликларидан: хаёл, кураш, тарз, ифода ғоят содда. Лекин табиий. Мисол: саҳифа 6. Ибтидоий қабила ҳаёти ов ва ўйинларни тасвирлаган гўзал парчалар. 10

Аҳмад:

Золим агар жафо қилса олло дегил,
Илгинг очиб, дуо айлаб, бўйин сунгул.

Мулло, муфти бўлганлар,
Оқни қаро деганлар,
Ноҳақ даъво қилганлар
Ул тамуққа кирмишлар.

Мўғуллар истилосидан теурийларгача адабий таваққуф. Дин ва бадбинлик. 20

«Таашуқнома» — Сайдаҳмат.

Шоирлик учун лозим воситалар?

Саройдан ташқарида адабиёт. Достонлар.

Яссавий шоирлари: Вафой — Хоразмий, Иқоний, Шамс — Ўзгандий ва бошқалар бўлган.

Неча фикр этсанг қани, йўқтур
Ўлумга ҳеч илож.
Барча туғар ўлмаж учун,
Йўқтур ўлумга ҳеч илож.

Саҳифа 91. 30

XVIII асрда уч хонлик. Шу асрда қаландарлик авж олади.

«Тоҳир ва Зухро» дан:

Баҳодирлар, мени йўланг йўлима,
Арзим будур, севар ёра етишсам,
Мен ошиқман, раҳм айлангиз ҳолима,
Мусофирман бир диёра етишсам.

Турди:

Едингиз барчангиз итдек фуқарони этини,
Бўлмади кам бу раият бошидан ҳеч таёқ.

Сўфи Оллоёр:

10 Отанг эрдир, санам эрдек қилиқ қил,
Емонлиқ айлаганга яхшилиқ қил.

Крылов: «истинно народный» поэт — Пушкин.

* * *

1. Навоий ижодиётининг аҳамияти, уни ўрганиш учун даври, муҳити ва ҳоказони текшириш керак. Навоий ижодиёти маълум маданий заминда ўсган. Маълум адабий тараққиётга суянган. Навойдан олдинги адабий ҳаётни, шоирларни билиш керак. Пушкинга қадар Ломоносов, Карамзин, Державин ва ҳоказо.

20 2. Навоийнинг илм, фалсафий мактаби:

Грек фалсафаси арабчага таржима қилинган. Афлотун, Арастуни овруполилар XIII—XIV асрларда арабчадан таржимага мажбур бўлганлар. Ибн Сино, Улуғбек, Темур даврида четдан санъат аҳллари билан бирга олимлар ҳам келтирилган (Мушкили афлок бўлиб бежадал. Бу Алининг фикрати олида ҳал!). Улуғбек ҳақида:

30 Темурхон наслидин султон Улуғбек,
Қи олам кўрмади султон анингдек,
Анинг абнойи жинси бўлди барбод.
Қи давр аҳли биридин айламас ёд.
Ва лек ул илм сори топди чун даст,
Кўзи олинда бўлди осмон паст.
Расадким боғламиш зеби жаҳондур,
Жаҳон ичра яна бир осмондур.
Билиб бу навъ илми осмоний,
Қи андин ёзди «Зичи Кўрагоний».

40 3. Навоийнинг адабий мактаби. Форс поэзияси: Фирдавсий, Аттор, Хусрав Ҳинди, Низомий, Хайём, Ҳофиз Шерозий.

4. Навоийдан бурунги ўзбек адабиёти. Навоий ижодиёти бир неча асрлик адабий тараққиётни яқунлади.

5. Ўзбек адабиёти тарихи масаласи. Ишланмаган. Умумий тарих йўқ.

6. Адабиёт тарихи фольклор, ёзув, бошланғич тил ёдгорлари билан тўғиз боғланган ҳолда текширилиши керак.

7. Биз ўзбек адабиёти тарихини умумий схематик равишда ҳам чизиб бера олмаймиз. Биз бу соҳада ҳали текширишнинг биринчи стадиясидамиз. Бу керакли нарса, Фактлар тўплаш, шоирларнинг ҳаёти ва ижодиётини ўрганиш ва ҳоказо ишларни бажариш жуда зарур.

8. Ўтмиш адабий меросда тўғридан-тўғри бизники бўлганлар бор. Маълум даражада ҳиссаманд бўлишимиз керак бўлган халқимизнинг узоқ ўтмишига алоқадор бўлган асарлар бор.

9. Адабиёт тарихимизни нимадан бошлаймиз? Энг эски тил — адабий ёдгорликлардан бири Ўрхун ёзувларидир. Бу тош битиклар (Енисей — Ўрхун) да топилган. VI асрда катта давлат қурган тўнжукларнинг «Билка қоон» билан унинг иниси Култагин ҳақидаги битиклардир. VIII аср ёдгори деб ҳисобланади. Битикда ўз халқига хизмат қилган ботирнинг қаҳрамонликлари, душманлари билан курашлари ва ҳоказо тавсиф қилинади. Баъзи хоқонларнинг ахлоқий сифатлари ҳақида маълумот беради. Хоқоннинг билимсизлиги, қўрқоқлиги орқасида, беглари қинғир бўлгани орқасида халқни, юртни қўлдан чиққанлиги, халқ ўғиллари, қизлари қўшниларга қул, чўри бўлганлиги ва ҳоказо ҳақида сўзлайди. Билка қоон ўз иниси Култагин билан кундуз ўтирмай, кечалари ухламай ишлагани, душманлари билан курашгани, халқларни ўт билан сувдай бир-бирига душман қилмасдан уларни бирлаштиргани, қўшниларга кетган оч-яланғоч халқни ўз тарафига келтиргани ҳақида сўзлайди. Ўлимга маҳкум халқни тирилтирдим,— дейди Билка қоон. Бундан ташқари феодаллик давридаги урушлар тасвир қилинади. Шундай қилиб бу битиклар бир кўп тарихий воқеаларни баён қилиб, у давр тарихини тушунишга ёрдам қилади.

10. «Қутадғу билиг» — бу китоб Еттисув вилоятида бўлган Баласоғун деган шаҳарли Юсуф Хос Ҳожиб томонидан (1069—1070) ёзилган. «Қутадғу билиг» уйғур Буғрақорахонга аталиб ёзилган. Муҳаррир ўз даврининг

анча билимдони. Давлат, жамият ишларига йўл солишга тиришадиган бир идеологи бўлганга ўхшайди. Ижтимоий меҳнат тақсимооти анча зўрайиб, турли ҳунарлар айрилиб чиққан, жамият ҳаёти анча мураккаблашган, синфий зиддиятлар ўзини кўрсата бошлаган бир даврда бу қарама-қарши кучларни қандай бошқариш кераклиги, турли табақалар орасида бир оҳанг пайдо қилиш йўллари кўрсатилади. Ҳукмрон синфга мансуб бўлган беклар, аскар бошлиқлари, вазирлар ва ҳоказонинг хон олдидаги вазибалари. Автор турли ижтимоий табақаларнинг жамиятдаги ўрнини тайинлашга, уларга юклатилган вазибаларни маълум нуқтаи назардан (феодализм манфаатига мувофиқ) аниқлашга тиришади.

- 10 Автор ҳаётни анча яхши биладиган одам. Унинг характеристикалари кўпинча ёрқин қиррали (меткий) — феодализм қўшин бошлиғида у шу сифатларни маъқуллайдди.

- 20 Керак сув башинга бу бир қач қилиқ,
Еғиқа йўз урса бу тузса йориқ,
Еғида кўр арслан юраги керақ,
Қариштуқда асрий тилаги керак.
Тўнгузтак титимлиг, бўритак кучи.
Адыглаю ирғар қотуз таг очи,
Яма алчи бўлса қизил тулкутак.

- 30 Қўшин бошлиғи арслондек юракли, урушда қоплондек билакли бўлиши, чўчқадек (тўнгиздек) титувчи бўлиши, айиқдек полвон, яна тулкидек алдамчи бўлиши керак. Бундан ташқари у ҳандасани, ҳисобни, шахматни яхши билсин ва ҳоказо. Автор савдони ва савдогарларнинг ролини жуда юқори кўтаради:

- 40 Уларда болур бу ажун арзуси,
Будун кўрки, урдум талу эдгуси,
Туғардин, батарка юриб тезгинур.
Тиламиш тилакин сенга калдирур.
Туманту ағилар аждин тангсуқи,
Уларда бўлур эй билиглик ақи!
Сотиқчи юримади эрса казиб
Кўзин ким кўрар арди йунжу териб.
Бу янглуг болур бу сотиқчи қамуг,
Қатилгил уларқа очуқ тут қапуг.

Дунёнинг тансиқ нарсалари уларда бўлади, элнинг кўрки, танлагони, эзгу нарсалари ҳаммаси уларда. Шарқдан Ғарбгача улар кезадилар. Тилаган тилакларингни санга муҳайё қиладилар. Ун мингларча ипакли моллар,

дунёда тансиқ бўлган нарсалар уларда. Буни тушун, эй сахий.

Савдогарлар кезмаса эди, инжунинг кўзини ким кўрар эди? Ҳамма савдогарлар шундай бўлади. Уларга яхши қара, эшигингни уларга очиқ тут.

11. Фарғонада XIII аср бошларида ёзилган «Ҳиба-тул-ҳақойиқ» деган асар ҳам бор. Буни мустақил асар ҳисоблаш қийин. Мазмун эътиборила «Қутадғу билиг»дан оз фарқ қилади. Феодал ахлоқи тушунчасига хос бўлган насиҳатлар, воизлардан (ваъзлардан) иборат. Лекин тил жиҳатдан бизга анча яқин. 10

Дод — сипаҳсолор бек учун бу китоб.
Чиқортим очунда оти қолсу теп...
Китобимни кўрган, эшитган киши
Номимга дуо бирла ёд қилсун теп.

Биликтин оюрман сўзумга ула,
Биликликка, ё дўст, ўзингни ула,
Билик бирла билинур саодат бўла,
Билик бил саодат йўлини бўла.
Баҳолиқ динор у биликлик киши,
Бу жоҳил биликсиз — баҳосиз биши. 20

12. Аҳмад Яссавий XI аср охирида Туркистонда Яссада туғилади, 1166 да вафот қилади. Бухорода ўқийди. Машҳур мутасаввуф Юсуп Ҳамадонийдан тасаввуфни ўрганиб, Туркистонга келиб, ўзи тариқат бошлиғи — эшон бўлиб олади. Сўфийликда яссавийлик деган бир оқимни яратади (Абдухолиқ Ғиждувоний — иккинчи сқим намояндаси). Буларни нақшбандлар деб аталади. Яссавийдан:

Қиёматнинг шиддатидан ақлим ҳайрон,
Қўнглим қўрққан, жоним ҳурккан, хонавайрон.
Сирот отлиғ кўпригидан дилим ларзон,
Ақлим кетиб беҳуш бўлиб қолдим мано. 30

* * *

I. «Қутадғу билиг» — ахлоқий, дидактик асар эди. «Ҳиба-тул-ҳақойиқ» ҳам шундай. Умуман, шу тарздаги асарлар анча-анчагина бўлиши мумкин.

Яссавий — XI асрнинг охирида Яссада ёки Сайрамда туғилди. Бухорода шайхлик ҳам қилади. Кейин шайхликни Бухорода Абдухолиқ Ғиждувонийга топшириб, ўз юртига қайтади. 1166 да ўлди. 40

Тотлиқ-тотлиқ еганлар,
Турлук-турлук кийганлар,
Олгун тахт ўлтурганлар,
Тупроқ аро ётмишлар.

Мулла, муфти бўлганлар,
Оқни қаро деганлар.
Ноҳақ даъво қилганлар,
Ул тамуққа кирмишлар. (Подшоҳларда,
вазирларда адолат йўқ).
Охир замон олимлари золим бўлди,
Хушомадни айтқувчилар олим бўлди.

01

Яссавий бу билан баробар оммани тарки дунё қилиш-
га сургайди.

Золим агар жафо қилса, олло дегил,
Илгинг очиб, дуо айлаб, бўйин сўнғил.

II. XI—XII асрларда Яссавия шоирлари шу руҳда
асарлар ёзганлар.

20 Яссавий таълимоти унинг замонида ва ундан кейин
катта соҳага нуфуз ёйди. Унинг шогирдлари шаҳар, қиш-
лоқларни кезиб ҳар ерда такбирлар очиб, пирнинг таъ-
лимотини тарқатдилар. Ҳоким синфларга ҳам бу тари-
қат фойдали эди (Темур соғона ясаттиради). Сулаймон
Боқирғоний (Ҳаким ота) — унинг яқин шогирди эди.
Хоразмга бориб эшонлик қилиб, яссавийликни ёяди.
Ўзи ҳам Яссавий руҳида ҳикматлар ёзади. 1192 йилда
Хоразмда ўлади.

30 Бундан бошқа шоирлар ҳам бўлиши мумкин. Лекин
асарлари қолган эмас, Ҳа, биз, X, XI, XII асрларда тур-
кий тилда ёзилган асарлар ҳақида сўзлаймиз. Йўқса,
Бухоро, Самарқандда ва Хоразм шоҳлар саройларида
кўп шоирлар бўлган. Лекин улар форсча-тожикча ёз-
ганлар.

III. Мўғул истилоси. Иқтисодий-маданий тушкунлик.
Бунинг адабиётга таъсири, олимлар, шоирлар бошқа
мамлакатларга қочишга мажбур бўлганлар (масалан,
Мисрга). Адабиётда турғунлик. 1218 дан бошлаб бир
ярим асрлик замон ичида йирик асарлар яратилганини
билмаймиз.

40 IV. Рабғузийнинг «Қиссасул анбиё»си — Насриддин
Ибни Бурхониддиннинг (Работ — ўғиз деган жойли)
асари 1310 йилда ёзилган. Диний моҳиятда. Авлиёларга
нисбат берилган афсоналардан иборат. Бу асар янги
мусулмон бўлган (мўғул бўлса керак) Тўқбуға деган

бир йигитнинг илтимоси билан ёзилган эканини автор сўйлайди. Зериктирмаслик учун ёзувчи айрим жойларда гўзал ибратли ҳикоялар, шеърӣ парчалар келтиради. Нуҳ тўфони, Юсуф қиссаси, Қобил билан Ҳобил ҳикояси ва ҳоказо диний легендалар. Тили жуда содда, бой, услуби кучли, рагон. Эски адабиётимизда энг яхши наср намунаси:

Зулайхонинг сабри қолмади. Бир кун Юсуфни бўстонга кийгурди. Айтти: «Эй Юсуф, меним кўнглимда бир сўзим бор. Қимсага айта билмасман. Сен билурму-сен?»— деди. Юсуф: «Эй Зулайхо, сенинг кўнглингдагини мен не билайин!»— дейди. Зулайхо айтти: «Эй Юсуф, менинг кўнглимда сенинг суюклигунг бор. Сени бағоят севаман»— деди.

Ш е ъ р

Сабо эснаюрда йиғоч бонг солур,
Булут йиғлаюрда, чечаклар кулар,
Бу мундоғ чечакларда кўнглим бу кун
Сенинг бирлан ўлтуруб овутмоқ тилар.

V. Хоразмийнинг «Муҳаббатнома»си. Бу асар 1353 да Олтин Ўрда хони Жонибекнинг амалдори Муҳаммад Хўжа деган кишининг илтимоси билан ёзилади. Замоннинг характеристикаси. Олтин Ўрда билан Хоразм орасида маданий-иқтисодий алоқа зўр эди. Форсийда бўлгани сингари гўзал, лекин ўз она тилида битилган асарларга орзу кучаяди. Китоб бошида дейилади:

Табассум қилди айди: эй фалони,
Кетургил бизга лойиқ армуғони.
Кўнгул баҳринда кўп гавҳарларинг бор,
Очунда порсий дафтарларинг бор.
Муҳаббат нардини кўплардан ўттинг,
Шакартек тил била оламни туттинг.
Тиларменким бизинг тил бирла пайдо,
Китобе айласанг бу қиш қотимдо.

Бу асар ошиқнинг ўз маъшуқасига ҳусни, муҳаббати ҳақида мақтовлардан иборат айрим номалар шаклидадир. Бунда дидактик, таълимий, ахлоқий, мантиқ ва далилга зўр берган жанрлардан лирик поэзияга ўтиш кўрилади.

Аё кўрк нчра олам подшоҳи,
Жаҳон тутти сенинг ҳуснинг сипоҳи,
Пари рухсорларнинг кўркабойи,
Юзунг наврўзу, қошинг байрам ойи.

Кўнгул ширин сўзингдин бўлди Фарҳод,
Кўзунг Қашмир жодусига устод.

Аё бўйи санавбар, чеҳраси ой,
Қуёш янглиғ жамолинг ороморой.
Хатинг тўтиси лаъл узра қўнуб ёр.
Берибдур пистага қанду шакар бор.
Турубдур кўзда қаддингиз хаёли,
Анингдекким сув узра тол ниҳоли.

10 «VI. Темур даврининг шоири Дурбек. Балхли. «Юсуф ва Зулайхо» қиссасини ёзади. 1310 йилда Али деган бири ҳам биринчи дафъа туркча «Юсуф Зулайхо»ни ёзган эди. Дурбек, Темур ўлгандан бир оз кейин, 1409—1410 йилларда ёзади.

VII. Чигатой адабиёти деб аталган XV аср адабиётининг умумий руҳи, Навоийга қадар тенденцияси ҳақида. Илм-фан ўсади. Муסיқий, меъморий каби санъатлар юксалади. Илм. Темур саройи олимлари: Тафтазоний мантиқ, фалсафада, Саид Шариф Журжоний тарихдан ёзди. Абдураззоқ Самарқандий бўлган.

20 Лутфий, Атоий, Саккокий.

Лутфий — 1366 да туғилиб, 99 йил яшаб, 1465 да ўлади. Туркий, форсийни яхши билади. Туркийда шуҳрат қозонади.

Навоий ўзининг «Мажолисун-нафоис»ида унга юқори баҳо беради:

«Мавлоно Лутфий ўз замонасининг маликул каломи эрди. Форсий ва туркийда назирини йўқ эрди. Туркийда шуҳрати кўпрак эрди» дейди Навоий. Қелажак асрларга кўп таъсир қилган. «Таашшуқнома» Олтин Урда саройи да ёзилган. 1436—37 тамом бўлган (яратилган). Шоири Сайид Аҳмад. Китоб Темур ўғли Шоҳрух Мирзога бағишланган. Бу «Муҳаббатнома»нинг тақлиди. Вазни, мазмуни ҳам шундай. Унта ишқий мактубдан иборат.

30 Лутфий форс шоирларидан Камол Хўжандийга эргашди. Арузни жуда яхши билади. Шеърларида чуқур лиризм, муסיқийлик бор:

Сани жамъики гулрухсор дерлар.
Мани ҳам андалиби зор дерлар,
Бу қад эрмас, эрур руҳи мусаввар,
Равон улким, ани рафтор дерлар.

40

Гулчеҳралар очунда агар сад ҳазор эрур,
Сайд этгувчи кўнгул қушин бир нигор эрур.
Тушимда туттим илгима кўнглоги енгини,
Таҳқиқ қилдим охири ул ҳам хаёл эрур.

Қон бўлди кўнгул фироқингиздин,
Жон куйди ҳам иштиёқингиздин,
Дину дилу ақл бўлди яғмо,
Жон олғувчи ул қароқингиздин.

Жоним чиқадур дард ила жононима айтинг,
Мен хаста гадо ҳолини султонима айтинг.
Уртанмагу кўз ёшини тўкмакдурур ишим,
Бу ғуссани ул шамъи шабистонима айтинг.

Атой, Шоҳрух мирзо замонида яшаган. Шаҳзодаларга хизмат қилган. Лутфийнинг бир кўп ғазалларига 10
чиройли ўхшатмалар ёзган. Шеърлари содда, лирик.
Атой мураккаб тасвирлардан қочади. Тили халқ тилига яқинлашиб келади. Бу Атойнинг яхши томони,
гарчи Навоий уни «туркона»роқ ёзади деса ҳам.

Кўнгул олдинг бегим, ёшурмоғинг не?
Жафони ҳаддидин ошурмоғинг не?
Рақибларга қилур лаълинг табассум,
Қонимни ғуссадин тоширмоғинг не?
Кўнгул шишасида меҳринг майидир
Жафо бирлан анга тош урмоғинг не?

20

Саккокий.—қасидачи.

ШАРҚ ҲАЁТИ
ВА АДАБИЁТИГА ОИД
ТАДҚИҚОТЛАР УСТИДАГИ ИШ

ВОСИФИЙ. БАДОЕУЛ ВАҚОЕ

Амири калон (Хўжа Мажиддин) буюк зиёфат ҳозирлайди. Бу зиёфатга Навоий келиши керак. Навоий учун махсус ҳозирланган зиёфат эди. У замонда яхши мутойиба қилувчилардан Мавлоно Абдулвосе Муншининг албатта бу мажлисда бўлишини Амири калон таъкидлаб ўтади. Амир Алишер учун зиёфат эмас, сизнинг бўлишингиз матлубдир, дейди. Абдулвосе эса кела олмаслигини сўзлайди ва шу сабабни кўрсатади: Неча муддатдурким сизнинг била Амир Алишернинг орангиздаги муҳаббат ҳавосида андак ниқор ғубори кўринур эрди. Алҳамдулиллоким, ҳақ таоло карами булути наmidан ул ғубор мартафиғ бўлмишдир ва бу мажлис шаниъ мутойибалар билан бўлғувсидир. Бу мажлисда онинг бу каминага дахл этмаслиги мумкин эрмасдир. Менинг ҳам онинг иззатин мулоҳаза этиб онга таъриз навкин отмаслиғим мажолат жумласидандир ва онинг мижози нозиклиги ўзимизга маълумдир. Менинг сабабим билан сулҳ барҳам еб, сафо қудратга мубадал бўлғусидир. Сана 897 жумодул аввалда бу мажлис бўлади. 10

Бундоқ нақл қилурларким Султон Ҳусайн Мирзо бир кишини тайин этмиш эрдиким навқарлик расми онла Амир Алишернинг мулозиматида бўлур эрди ва ҳарнаким мажлисда воқе бўлса каром алкотибдек ани бир қоғозга ёзиб, ҳар кунда они Султон назарига етурур эди. Ҳеч киши они билмас эрди... 20

РЮИ ГОНЗАЛЕС де КЛАВИХО

*Дневник путешествия ко двору Тимура
в Самарканде (1403—1406 гг.)*

Хукмдор тутган қадаҳни тиз чўкиб, икки қўл билан олиш керак экан. Чуқур темир қошиқлар.

Гўшт, биринч кўп ейилган, овқатни жуда неопратно ер эканлар. Катта қадаҳлардан тутилган винони бир томчи қолдирмай сипқариш керак экан.

10 Дамашқни Темур куч билан олади, хароб қилади, усталарни Самарқандга юборди.

Темур жангда ўнг оёқдан яраланган, оқсоқ.

Зиёфатларда — от гўшти.

Темурга овчи қарчиғайлар ҳадя юбориш.

20 Темур замонида йўл ишлари: маълум масофалар орасида бекатлар. Бу бекатлар аҳоли яшаган жойлардагина эмас, чўл-биёбонларда ҳам бўлар. Меҳмонхона сифатида катта уйлар солинар, атрофдаги одамлар от ва овқат-озик етказишлари керак. Отларни ҳар вақт шу бекатларда алмаштирилади. Бу бекатларда элчилар туради. Чопар ёки элчилар келганда улар янги отларни эгарлаб берадилар, хизмат қиладилар. Ҳам улардан бир нечаси йўлда элчини кузатиб — ҳимоя қилиб боради. Подшо ҳузурига кетаётган элчи йўлда учраган ҳар қандай кимсанинг ҳам отини сўраб ола билади. Ҳатто шаҳзоданинг ҳам отини олиш мумкин экан. Бу тартиб — хабарларни сарҳадлардан жуда тез олишга имкон берган. Отда жуда қаттиқ юрганлар. Элчилар бирон жойга келиб қўнсалар, аҳолидан бутун керакли нарсани олиб берганлар. Агар аҳолидан бирон камчилик сезилса, 30 маъмурлар уларни жуда таёқлаганлар. Элчиларни бошлаб юрган маъмурлар шаҳар ёки қишлоққа шовқинсурон ва дағдаға билан кирганлар, аҳоли ҳар тарафга қочган.

Аҳоли кўчманчи бўлган. Аҳоли урушга бутун чорваси, хотин, бола-чақаси билан борган. Халқ чидамли, бақувват, чавандоз, тирандоздир. Гўшт бўлса, жуда кўл сшайдилар, бўлмаса «қуртоба» билан қаноатланадилар. Чигатойлиларда имтиёз бўлган: «Улар чорвалари билан истаган жойларида юрганлар, истаган яйловларидан фойдаланганлар, истаган жойларига экин экканлар. Бож-хирож тўламаганлар. Чунки улар урушда иштирок қилганлар.

Балх — жуда катта шаҳар, атрофи кенг тупроқ вал — қўрғон билан ўралган; валнинг қалинлиги ўттиз қадамга яқиндир, лекин бир қанча ерлари ёрилган. Шаҳар валлар билан 3 бўлимга айрилган. Дарёдан ўтиш учун Темур лодкаларда турадиган кўприк яساتган. Амурдарёда лодкалар ишлаган. Утувчи одамлардан давлат маъмурлари катта пошлина олганлар. Бу ерда қоровул дасталари турган: Атрофдан келтирилган қуллар ўз юртига қочиб кетмасин учун.

Инъом тўғрисида жуда кўп гапирилади. Темурнинг герби 0 шаклида уч доира эмиш! Мен ернинг уч қитъасига эгамен, деган ишорат эмиш.

«Қуёш ва Арслон» — Темурдан олдинги подшонинг герби бўлса керак, дейди.

Шаҳрисабздаги саройнинг — боғнинг тасвири.

Темур Шаҳрисабзда туғилган бўлса ҳам наслан бу ерли эмас. У Чигатой деб аталган татарлардандир (мўғуллардандир).

Чигатой беклари шаҳардан кўра далада яшашни севадилар. Темурнинг отаси катта молдор бек бўлган эмас. Тўрт-бешта навқари бўлган. Темур ана шу навқарлари билан бирга қўшниларининг қўйларини, от-сигирларини ўғирлаб юрган. Ўзи юракли бўлган.

Ўлжани йигитлари орасида тақсимлаган. Шундай қилиб, ниҳоят, 300 отли йигитга эга бўлган. Сўнг катта йўлга чиқиб қароқчилик қилган. Савдогарларга босқин ясаган.

500 йигит билан Сиистонга ҳужум этиб, чорвани талаган. Сиистонликлар унга бир кеча ҳужум қилиб, кўп одамларини ўлдирганлар, ўзи ҳам ўнг оёғидан урилган. Ўнг қўлининг 2 бармоғидан айрилган. Темурни ўлди, деб ташлаб кетганлар. Темур ўрnidан туриб, ўзини бир четга олган. Ярасини тузатиб, яна йигитларни йиққан. Темур элчиларни 5—6 кундан кейин қабул этишни бир

одат қилган. Элчилар келтирган совғаларни икки рицарга беришлари, улар эса бошқа махсус кишилар орқали подшога тақдим этишлари керак экан. Подшо турган боғнинг дарвозаси жуда гўзал ишланган. Олтинкумуш билан нақшланган эшик олдида жуда кўп навкарлар. Ҳеч ким эшик олдида кела билмас. Эшикдан кирганда боғ ичида олтига фил. Устларида кажава. Бунинг ҳар бирида қўш байроқ.

10 Темурнинг кичкина-кичкина набиралари ҳам саройда махсус ўринда ўтиришган.

Элчиларни аввал уларга олиб боришган. Бу набиралардан учтаси элчидан хатни олиб, Темурга элтганлар. Темур супада — ердан баланд ишланган махсус жойда ўтирган. Олдида фонтан отилади. Фонтанда қизил олмалар. Темурнинг тагида кичкина ипак кўрпача, ёстиққа ёнбошлаб ётган. Элчилар тиз чўкканлар. Ҳалиги уч набира уларни стаклаб шоҳ олдида олиб келганлар. Бу ерда элчилар яна тиз чўкканлар.

30 Саройда Чин эчилари ҳам бўлган. Темур илгари Чинга дань берар экан. Саройда зиёфат. Қовурилган, қайнатилган қўй ва от гўштлари жуда кўп миқдорда. Қатта супраларга солиниб киритилади. Махсус тўғровчилар яхна гўштни тўғраб олтин, кумуш тобоқларга соладилар. Кейин уларга соус каби шўрба қуядилар. Табоқ устига юпқа нонлар қўядилар. Бундан кейин ҳар хил тар мевалар. Олтин, кумуш қадаҳларда қимиз. Сўнг подшоҳнинг олдидан ҳадяларни бир-бир олиб ўтадилар.

Темурнинг «Дилкушо» номли саройи. Бу боғда ипакдан ва бошқа материаллардан ясалган жуда кўп чодирлар бор. Бошқа бир боғида гулдор гилам чодирлар. Боғнинг ўртасида уй. Пардалари жуда гўзал. Темур майда-ипак ёстуқлардан иборат тўшакда ўтиради. Уйнинг девори олтин ишланган қат-қат шокилалли ипак пардалар билан қопланган. Шокилалар ерга тегиб туради. Иданда (полда, ерда) гиламлар. Уйнинг ўртасида иккита олтин стол. Буларнинг устида еттига олтин кўзача. Иккитасига йирик марваридлар, зумрадлар, ферузалар қадалган. Ҳар бирининг жўмраги оғзида рубин. Олтита олтин пиёла.

40 Зиёфатда хотинлар ҳам бўлар. Шароб базми бўлса жуда кўп шароб ичилган. Темур далага чодир қурса, унинг атрофига бутун маияти ва авлоди ўз чодирларини ўз мавқеларига мувофиқ ерда қура берадилар. Бутун

бир ўрда пайдо бўлади. Ошпазлар, ҳунармандлар, қас-
соблар ҳаммаси бўлади.

Темур сайидлар билан шахмат ўйнаган.

Подшонинг чодирли!

Темурнинг хотинлари, келинлари, набираларининг
чодирлари. Савго қилинган нарсалар тўққизтадан бўли-
ши бир одат.

Мироншоҳнинг хотини Хонзода зиёфатига элчиларни
даъват қилади. Гидамлар, шоҳи кўрпалардан иборат 10
баландликда кўкраги билан ётиб, ёнида турган
кўзачалардан май ичади. Муסיқачилар ҳам бўлган. Со-
қийлар кичкина олтин қадаҳларга май тўлдириб, талин-
кага қўйиб, Хонзодага уч марта тизза букиб элтадилар.
Жуда қаттиқ ичадилар. Одамлар Хонзоданинг олдида
йиқилиб қоладилар.

Баъзан Темур буйруғи билан шаҳар савдогарлари ва
жамики ҳунармандлар шоҳнинг ўрдаси атрофига кўчиб
чиқар, ишлари билан шунда машғул бўлар эдилар. Бу-
лар яшаган жойга «дор» ясаб қўяр эди.

Темур бир қанча кафшдўз, этикдўзларни молни қим- 20
мат сотганлари учун ҳукм қилган, пулларини тортиб
олдирган.

Осиш ва калласини олиш — айни жазо эмас. Зода-
гонлар осилган, фуқаронинг бошини кесганлар.

Темурнинг набираси Пирмуҳаммаднинг кийими: тў-
гарак шаклида олтин расмлар ишланган кўк шоҳи
кийим. Қалпоғига йирик марварид ва қимматли тошлар
терилган. Қалпоқнинг учида йирик, ярқироқ ёқут. Унинг
олдида тери камзул — нимча кийган икки полвон кураш
тушади. 30

Филларни турли рангларга бўяб ўйнатиш. Байрамда
ногора-карнай чалиш.

КЛАВИХО

Темур сайидлар билан шахмат ўйнайди. Чодирларнинг навеси жуда баланд бўлади. Шоҳнинг чодирининг кенглиги юз қадам. Мустатил шаклида. Тепаси гумбаздай юварлоқ. Ун иккита йўғон устунлар тутиб туради.

Подшоҳ чодирининг атрофида бочкаларда винолар. Бочкалар бир-биридан бир «тош отим» масофада турарди. Шоҳ чодирига ҳеч ким яқинлашолмас, чунки қуроли отлиқ посбонлар юрарди. Қимки ҳалиги бочкаларга яқин келса, ўқ отар ёки урар эдилар. Темурнинг чодиринида олтин-кумушдан ишланган турли асбоблар билан бир қаторда «олтин дарахт» ҳақида сўзланади. Дарахт болут оғочига ўхшар. Танаси — одам оёғидай. Шоҳлари кўп. Барглари болут баргларидай. Шоҳлари ҳар ёққа тарвақайланган. Баландлиги одам бўйидай; Бир лаганд устида ўсиб туради (лагандга ўтқазилган). Дарахтнинг мевалари сариг рубиндан, сафидлардан, равшан, юварлоқ йирик дурлардан. Бу тошлар дарахтнинг турли жойларига қадалган. Бундан бошқа бу дарахтда олтиндан ясалган, ранг-баранг эмал билан отделка қилинган бир кўп қушчалар бор эди. Улар дарахтда. Баъзиларининг қанотлари ёзилган. Баъзилари ерга тушмоқчидай. Баъзилари бу дарахтнинг меваларини чўқиб турган вазиятда. Тумшуқларида рубин, феруза, дур ва бошқа тошлар. Ипак тўшаклардан ложалар. Ерда ипак ёстиқлар. Кўрпаларнинг барчаси вишивкали. Қлавихонинг таъбирича, палаткалардаги ажойиб ишланган нарсаларнинг гўзаллигини таъриф қилишга сўз етмайди, кўриш керак.

Эшиклар, дарвозалар, идишлар, курсилар ҳамма нарса олтин ва кумуш билан ишланган. Темурнинг ташиб юрувчи масжиди. Буни қаерга борса, олиб юрар экан. У масжид — уй тахланиши мумкин экан. Энг яхши соболь (сувсар) мўйнаси 14—15 дукат баҳоланар экан. Баъзи палаткаларнинг подкладкаси соболь мўйнасидан, ичкари томони оқ белка мўйнасидан. Қишда ҳам, ёзда ҳам қуёш таъсир этмасин деб қилинган экан.

Подшо ўрдасида ҳаммаси бўлиб 40—50 минг палатка. Рубинлар ва қимматбаҳо тошлар Бадахшон тоғларида топилар экан. Тоғлардан рубин топиш? Тозалаш?

Темур қарилек вақтида отда эмас, носилкада юрган.

Темур Самарқандда бозор-расталар туздирган. Самарқандга мато Ҳиндистондан, Татариядан келар эди. Бу бозор кўчаси Самарқанднинг бир чеккасидан иккинчи чеккасига кесиб ўтиши керак ҳам бўлган. Кўча учун уйлар бузилган. Бу иш учун жуда кўп одам ишлатганлар. Иш кеча-кундуз давом этган. Кеча-кундуз сурон кўтарилган. Иш йигирма кунда битган.

10

Темур онаси учун масжид солдиради. Масжид битганда, унинг олди томони ёқмайди (пастроқ кўринган). Буздирган. Ишни тезлатиш учун ҳар куни ўзи носилкада келади, мушоҳида қилади. Чуқурда ишловчиларга пиширилган эт ташлаб турилган. Баъзан ўзи ташлаб турган. Танга ҳам ташлаган.

Самарқанд тавсифи. Самарқанд қўрғон билан қуршалган, шаҳар ташқарисида катта боғлар, саройлар, катта бинолар кўп. Боғларнинг орасидаги очиқ ерларга қовун, пахта экилган. Сув мўл. Қовун жуда кўп. Уни қуритадилар. Қўй кўп, бир жуфт қўй бир дукат. Ғалла кўп. Биринч бениҳоят. Самарқанд (Симескент) бой қишлоқ — (богатые селение) демак эмиш. Темур Самарқанднинг донғини чиқармоқчи бўлган. Бағдоддан мастерлар келтирган. Шоҳи тўқувчилар, қурол-аслаҳа усталари, чинни ва жом ясовчилар ва ҳоказолар. Туркиядан сангтарошлар, заргарлар келтирган. Четдан инженерлар келтирган. Келгиндиларнинг барчаси юз эллик мингдирлар. Ҳиндистондан: Мускат ёнғоқлар. долчин мускатный цвет, анбар, турли гўштларни, ҳатто ғоз, фазан (қирговул), какликларни ҳам бозорда кундуз ҳам тунда ҳам топиш мумкин.

20

Шаҳарнинг четида қаср (замок) бор. Атрофи чуқур ўрқандоқ. Бунда Темурнинг хазинаси туради. Бу ерда мингга яқин қул мастерлар ишлайди. Улар дубулға, ёй, ўқ, совутлар ясайдилар.

30

Самарқанддан 15 кунлик йўлда амазонкалар бор эмиш. Троя амазонкалари наслидан эмиш! Судьялар. Подшонинг муҳрида «тўғри» (правда) сўзи ёзилган. Ҳўртасида мана шу 00 аломат. Темур билан Тўхтамиш жанги.

40

«ВАҚФНОМА»ДАН

Жамиятнинг турли табақаларига мансуб одамларнинг Навоийга ишлари тушган. Уларнинг ишларига ёрдам бериш учун Навоий кўп ҳаракат қилган. Бунинг мақобиласига ҳеч қандай музд талаб қилмаган.

Навоий зироат билан машғул бўлганлигини, мўл ҳосиллар олиниб, даромаднинг кўпини навкарларга, черик яроғига сарф этганлигини, хайр-эҳсон қилганлигини сўзлайди.

10 Саккиз юз саксон бирда подшоҳ ер беради. Навоий бунда иморат бино қилади. Бу ер Ҳиротнинг шимол ҳаддида, тоғ билан маъмуранинг мобайнида. Тоғ тарафидан «Жўи навъ» (Анҳор) оқар, шаҳар тарафидан «Инжил» суви ўтар экан. Шу мавзуда ўттиз «Жариб» ерни девор билан ўраб, иморатлар, боғчалар ясаган.

Эски, хароб бир бинонинг ўрнига мадраса ва масжид солдиради. Мадрасанинг тўрида — Шимол ҳаддида — бир гумбаз ясалган. Бунда ҳар кун қорилар қуръон тиловат қилар экан.

20 Бу гумбазни «Дорил ҳаққона» деб аталган. Мадрасанинг Шарқий ва Ғарбий супасида икки мударрис тадрисга қўйилган (Ҳар дарс ҳалқасида ўн бир толиби илм). Мадрасага «Ихлосия» деб от қўйилди. Бу мадрасанинг жанубий ҳадди ташқарисидан Инжил ариғи оқади. Бунинг жанубий қирғоғида подшоҳ бино қилган катта мадраса бор. Бу мавзу «Неъматобод» аталган. Инжил ариғи ёқасида Гавҳаршод мадрасаси. Ихлосия мадрасаси қаршисида Навоий хонақоҳ ясайди. Бунга «Халосия» от қўяди.



Ойбек 60 йиллигини СССР Ёзувчилар союзида табриклаш.
Москва, 1965 йил.

Элнинг тараддуди, улус ихтилоти, арзол тамаллуҳи, ашроф инбисоти, ҳавос икромии, аъвом ғавғоси, золим иброми, мазлум алоласи, раоё гулуси, ясоғлиқ ярғуси, тамаъ аҳлининг ноҳамвор мулоямати, талаб ҳайлининг ноҳанжор мулозамати, жаҳҳол ситамидин шеvasи азо бўлғонларнинг сугворлиғи, аммол қаламидин рўзгори қоро бўлғонларнинг беқарорлиғи, бурчлуқ азобига қолғонларнинг йўлум бошида турмоқлиғи, фарзандин гаврав қилганларнинг этагимга илк урмоқлиғи, ифлос ойин 10 талабанинг арзадошти ва риқъаси ва фалокат шиор шуаронинг қасида ва қитъаси, вилоятлардан келган дармондалар ҳолининг тафтиши, аларнинг ризолари билан узатмоқнинг ташвиши, сарҳад беклари элчиси таклифининг заҳмати ва аларни дилҳоҳлари била қайтармоқнинг меҳнати... солим жисмин хасталиққа солиб шарбат важҳи тилагонларнинг зар созлиғи, тирик кишисин ўлукдек ётқузуб, кафан баҳоси олғонларнинг ҳийлапардозлиғи, вақфийлар бедодидан ғариб талабанинг руқъа тиламоғи, амал аҳли фасодидин заиф раоё- 20 нинг сипориш истамағи... ва ҳоказо машаққатлар.

Муқаддимадан сўнг Навоий вақф қилинган боғлар, дўконларни санаб ўтади. Улардан унган даромадларни қандай сарф қилишни муфассал кўрсатади.

С. АЙНИЙНИНГ МАҚОЛАСИДАН

Жомий Навоийнинг «Тухфатул-афкор»ини жуда маъқуллайди. У ёзади: «Бу қасиданинг бошдан охиригача ҳар байтини, ҳар мисраини диққат билан ўқидим. Ҳар бир ҳарфига сиёҳи каби кириб кетдим ва бу қасидага гўё кўз тегмасин, деб менинг мадҳим киргизилганидин бошқа нуқсон тополмадим».

Мактубнинг охирида: «Қасиданинг мазмунидан шундай билинадики, Сиз зоҳирий кўринишлардан подшоҳ дарборидин қочмоқчисиз, Сизнинг бу иродангиз шукур қилишга сазовордир. Лекин сизнинг бу ниятингизга азизлар рози бўлмаганлиги учун бу тўғрида кўп қаттиқ турмасангиз ҳам бўлади. Чунки мақсадни ҳар ерда ҳосил қилиш мумкин»... Жомий бу қасидага мукофот тариқасида бир қалпоқ, бир рўмол юборган.

Навоий бу асарида шайхларни, подшоҳларни қоралайди. Камбағалларни камбағалликдан қутулишга ундайди.

Золиму одил на яксонанд дар таъмири мулк
Хук дигар дар шиёри мулку деҳқон дигараст.

(«Золим билан одил мамлакатни иморат қилиш — обод қилишда баробар эмаслар, чунки ерни шудгор қилишда чўчқа билан деҳқоннинг ишлари бошқа-бошқадир).

Қасида — икки юз мисра бўлган. Фақат эллик мисрасигина сақланган.

Бу қасида ўз замонида катта шуҳрат олган. Подшоҳ ҳам мақтаган. Лекин бу мақтовдан шоир ҳижолат чеккан. Бу қасидага ўхшатма қилиб бошқа қасида ёзиш фикрига тушган, гўё бу билан подшоҳга ўзр этмақчи бўлган. Аммо бу қасидасида подшоҳни эмас, «фақир аҳ-

лини» мақтаган ва подшоҳга бағишлаган. Бу қасиданинг бош байтигина сақланган.

Жомий вафотига ёзган қасидаси ҳам гўзал:

«Дўстлар ҳар бир фанда оламнинг яғонаси бўлган у зот
Ипсон болалари жинсларининг ҳар бирдан афзал ва сўзда қаерда?
Сўхбатдошларнинг юраги унинг фироқи ниши билан уста бўлган киши қаерда?
Узининг ёқимли хулқи-атвори билан ҳаммага марҳам юз пора бўлди,
(маҳрам) бўлган киши қаерда?»

10

Муаммо — бир жанр сифатида форсий-туркий адабиётида XIV асрдан бошлаб ўзини кўрсатган. Илк дафъа муаммо қондалари ҳақида асар ёзган Шарафиддин Яздийдир. Жомий ҳам бу тўғрида бир неча асар ёзган. Лекин Навоийнинг «Муфрадот»и жуда яхши чиққан. Жомий бу китобчани ўз ўғли Юсуфга дарс китоби сифатида ўқишга буюрган.

20

Снёсатда Алишерга энг яқин одамлар Хўжа Афзал ва Хўжа Абдуллоҳ Марварид эди. Навоий расмий ишлардан чекилганда ҳам булар Навоий таъсирида ишлайдилар. Навоий буларга бир мактуб билан мурожаат қилади, бу мактуб улар учун бир «қўлланма» тариқида эди. Номусли, виждонли бўлишга, подшоҳнинг илтифотидан маст бўлиб, ўзни, халқни унутмасликка, ҳушёр бўлишга, амал билан иш кўришга ва ҳоказога чақиради.

РАВЗАТУС-САФО

Муҳаммад Ҳованд. VII жилд

Боғи Жаҳонорони Султон Ҳусайн тахтга чиққандан кейин бино қилади. 400 таноб ерни ишғол қилади.

Мирзо Ёдгор воқеасидан кейин Султон Маҳмуд Балхни олмоқ учун ҳаракат қилади. Шаҳарни мухосира этади. Балхда Султон али Қичкина турар эди. У Султон Маҳмуд тарафига ўтиб, Балхнинг дарвозасини очиб беради. Султон Маҳмуд шаҳарни фатҳ этади. Султон Ҳусайн урушиб, қайтиб олади.

10

Шайх Ҳасан Темур шижоатли киши эди. Аммо фитначи. У подшоҳга бир неча мартаба хиёнат қилган. «Жанушон» қалъасида бошлиқ экан. Бир кун унинг ёмон ниятда бўлганини хабар берадилар. Подшоҳ уни туттириб, «Ихтиёриддин» қалъасига банди қилади. Ниҳоят ўлим жазосига ҳукм қилинади.

Султон Маҳмуд ва Султон Аҳмад — икки биродар бирлашиб ҳаракат қиладилар. Балхни олмоқчи бўладилар. Лекин фатҳ этмоқ уларга муяссар бўлмайди.

Муҳаммад Бурундуқ барлос амирул умаро эди. Ҳаммадан юқори муҳр босарди. 20

Султон Ҳусайн Балх сафаридан қайтгандан кейин Абу Саид Мирзонинг қизи — Хоним Султонбегимни Бадиуззамонга олиб бермоқчи бўлди. Тўй учун тайёргарлик бошланди. Чаҳор тоқилар боғланди. Барча касб аҳлини ишга соладилар. Ҳар ким ўз ҳунарини кўрсатишга тиришади. Жуда катта тўй бўлади.

Амир Зулнун шижоатли, иш кўрсатган беклардан экан. Қандаҳор вилоятида ҳоким бўлган. Мол-мулкни кўп орттирган. Йигитлари ҳам кўп бўлган. Фитначи- 30

лар уни подшоҳга ёмонлайдилар. Подшоҳнинг кўнгли қолади. Амир Зулнун Бадиуззамондан нажот сўрайди. Подшоҳ Амир Зулнунга ҳужум қилмоқ фикрида бўлганда, Бадиуззамон отасига қарши чиқади.

Бадиул Камол бегим — Султон Ҳусайннинг ҳамшираси. Жўржондан Ҳиротга катта тортиқлар билан келади.

- Музаффар Мирзонинг хатна тўйи Боғизоғонда бўлади. Ҳовузларга шарбат тўлдирадилар. Ҳамма шаҳзодалар учун чортоқлар қурилади. Ҳунармандлар боғни, кўчаларни безайдилар. Султон Ҳусайн ўзи учун махсус чортоқ қурдиради. Бу олтин ва ложувард билан манқиш ва маънур бўлган, ҳунармандлар ажойиб суратлар ясайдилар. Ҳар бир чортоқда катта зиёфат, базм. Хатна тўйидан сал кейин подшоҳ ўз ҳамширасининг қизи Хонзода хонимни унга олиб беради. Бу воқеа 892-йилнинг бошида бўлади. Шу йил Мир Алишер Астрободга юборилади. Алишер Астрободга сарой мулозимларидан Амир Бобо али ва Амириддин билан ҳамроҳ бўлиб боради.

- Муҳаммад Маъсум Мирзо Султон Абу Саиднинг ўғли Улугбекнинг қизига уйланганда, Пули Моландан то Боғи Жаҳонорогача кўчаларга ва бозорларга ойна боғладилар ва чортоқлар кўтариб барча девор ва дўконларга чин дебоси ва фаранги форси ва Хитой атласи била оройиш еткурдилар. Келинга сочиқ сочмоқ учун махсус жойларда сарой хотинлари ўтирганлар. Келин Пули Моланда истиқбол қилинади. Ҳар икки томондан бениҳоя кўп сочиқлар сочилади. Пули Моландан келин Боғи Жаҳонорога келтирилади (Масофа 1 фарсаҳ). Йўлнинг икки томонида ашулачилар куйлаб, созандалар мусиқий чалиб турадилар.

- Маждиддин Низомулмулкни қаттиқ сиқади. Барча ҳуқуқларини тортиб олади. Низомулмулк подшоҳга арз қилади. Маждиддин иғво йўли билан барча айбни унга ағдаради. Ясовуллар Низомулмулкка ва авлодларига қўпол муомалалар қиладилар. Ҳатто бир кун Ҳирот чорсусида Низомулмулкни қийнайдилар. Арқони давлат Низомулмулкни, Маждиддинни мансабдан туширмоқчи бўладилар. Буни Маждиддин эшитиб Низомулмулкни панага чақириб дейди: Ман сени янадан вазир қиламан. Лекин бунинг бадалига сен мен билан

аҳду паймон қиласан. Ҳеч тўғрида менга қарши бор-майсан. Душманларим билан дўст тутинмайсан. Низомулмулк кўнади, онт ичиб шартни қабул қилади. Шу вақтда Балхда Дарвешали ихтило кўтаришга тиришгани, Султон Маҳмудга номалар битгани ҳақида хабар келади. Подшоҳ Маждиддинни мансабдан олиб ташлашга мажбур бўлади. Шу куниёқ Низомулмулк(ни) юз минг тилло пул бериб ва тилладўз хилқат кийдириб бош вазир қилиб белгилайди. Ўзи Балхга жўнайди. Подшоҳ Балх ташқарисида бўлган Амир Мазит Арғун 10 деганнинг чорбоғида қишлайди. Маждиддинни Низомулмулк Султонга ёмонлайди. Унинг мол-мулки кўплигини сўзлайди. Маждиддин яширин яшашга мажбур. У Муҳаммад Бурундуқ Барлос ва Муборизиддин жаҳонгирга ҳадялар юбориб, улардан ёрдам истайди. Лекин Низомулмулк бу барлос бекларини қоралайди Султонга, улар гўё Қундуз сафаридан унга хиёнат қилганларини, Султон Увайс Мирзога биат кўргузуб, уни подшоҳ кўтармакка қарор қилганларини сўзлайди. Маждиддин ҳатто Жомийга ҳам мурожаат қилиб ёрдам сўрайди. Ниҳоят барлос беклари ёрдами билан Боғи 20 Жаҳонорога киришга муваффақ бўлади. Подшоҳга кўриниш бериб, йигирма минг динор тортиқ қилади. Барибир подшоҳнинг кўнгли қолганини фаҳмлайди. Бир жумъа кунни подшоҳ Боғи Жаҳоноронинг улуғ ҳовузи атрофидаги чаҳор кўшқида базм тузиб ўтирганда, бирдан Амир Бурундуқ, Амир Жаҳонгир ва Маждиддинни келтиришга буюради. Амир Али Аткони Маждиддин уйига, бошқаларни икки бек уйига юбориб, ҳибс қилишга буюрди. Маждиддин бир неча кун Амир Али 30 Атконинг уйида маҳбус бўлди. Подшоҳ ундан ҳисоб сўрашга буюрди. Амир Насриддин Абдуҳолиқ, Амир Аҳмад барлос, Муҳаммад Валибек, Низомулмулк ва бошқа аркони давлат, ичкилар, мақраблар Боғи Жаҳоноронинг айвонхонасида ўтириб, Маждиддинни оғир банд билан келтириб сўроққа тутдилар. Баъзи нависандалар Низомулмулкнинг иғвоси билан унга ҳар хил айбларни сўзлаб беравердилар. У ниҳоят иқрор бўлишга мажбур бўлади. Низомулмулк унинг молу мулкани мусодара қилишга ҳукм чиқаради. Молу мулк, хазина 40 ғоят кўп чиқади. Низомулмулк, қийнаш керак эди, яна кўпроқ топар эдик, деди. Подшоҳ қийнашга буюради, аммо ҳаётига шикаст етмасин, дейди. Низомулмулк ун-

дан маълум миқдорда маблағ талаб қилади, топса, халос қилишни ваъда беради. Мажиддин кўнади. Қутулади. Лекин, Ҳиротда турулмай, Кармана биёбони йўли билан Ҳижозга жўнайди.

- 10 Бадруззамон исён кўтарганда Амир Зулнундан ёрдам сўрайди ва у билан ҳаракат қилади. Султон Ҳусайн Музаффар Мирзони Бурундуқ барлос ва Амир Насриддин Умарбек билан бирга Астрободга юборади. Ўзи эса Алишер Навоийнинг воситачилиги натижа бергандан кейин Балхга, Бадруззамонга лашкар тортади. Бадруззамон ҳам катта лашкар тўплаб, отасини «Пули чироғ»нинг яқин даҳасида кутади. Ҳар икки тараф уруш тийёргарлигини кўради. Тонг пайтида уруш бошланади. Бадруззамон енгилиб, одамлари билан қочади. Орқадан уни тутмак учун укаси Абулмуҳсин Мирзо қувмоқда. Йўлни чап бериб, тоғ йўли билан қочадилар. Шундай ерга келадиларки, отда юриш мумкин эмас. Саллаларни бир-бирига улаб, тоғдан тушиб, Кундуз вилоятига чекинадилар.

БАҲРОМ

- I ҳикоя. Ҳинд хонининг ўғли Фаррух тушида бир гўзални кўриб, тож-тахтдан кечиб, уни қидирмоққа сафар қилади. Халабда бир давлатмандга — Ахийга йўлиқади. Шаҳзодани қидиргани Ахийнинг хотини бўлиб чиқади. Ахий ўз хотинини талоқ қилиб, яна кўп мол билан шаҳзодага беради ва юртига жўнатади. Сўнг-ра ўзи гадоликка тушиб, юртида туролмай, Ҳиндга келади. Сайр этиб юрган шаҳзода унга дуч келади. Саройда юксак мавқе беради. Синглимни никоҳ қилиб олинг, деб тўй ясайди. Ахий қасрга кирганда, ўз хотинини кўради. 10
- II ҳикоя. Румли моҳир заргар. У, ҳам ҳаким, ҳам файласуф; фанларда «якфан», фақат айш-ишратга берилган ва бепок одам. Ўз подшоҳи учун олтин тахт ясайди. Фақат олтин ўрнига кўпроқ кумуш ишлатади. Бундан хабардор бўладилар. Шоҳ уни чоҳга ташлайди. Заргар чоҳдан қочиб, Қастантияга боради. Бу ерда бутпараст бўлиб, бутхонадаги барча олтин бутларни темирдан ясаб, устига ҳал бериб, олтинларни ўзи кемага босиб, юртига қайтади, чоҳга тушади. Подшоҳ касал эди. Уни талаб қилиб, иззат-икром билан қабул қилади. Заргар шоҳни тузатиб юксак пояларга эришади. 20
- III ҳикоя. Бир мисрли ақлли, илм-фанда камолга эришган бой йигитча Шаҳрисабз тоғларидаги бутхонада бир тилсимни очмоқ учун келади. Шаҳрисабз подшоҳининг қизига — бутун шартларини бажаргандан кейин уйланади. 30
- IV ҳикоя.

V ҳикоя. Денгиз қароқчиси Жобир. Шижоатли йигит. Кемаларни талаб молларни бир жазирага йиғади. Шу атрофда бир одил подшоҳ бор. Унинг гўзал қизи Меҳр бир кун денгиз томошаси учун отланади. Денгизда бўрон қўзғолиб, қайиқни суриб кетади. Жобирнинг одамлари буни кўриб, хабар берадилар. Жобир шоҳ қизининг қайиқ, кемаларини тутати. Жобир қизни кўриб ҳушидан кетади. Қизни қасрга киргизади-да, унинг одамларини бошқа бир кема билан ўз юртига жўнатади. Жобир бу қизга яқинлашмай, унинг хаёли билан яшайди. Шу жазирада бир шаҳар бор экан. Унинг подшоҳининг Сухайл отлиқ бир ўғли бор. Ҳуснда якто, Меҳрни севар экан. Меҳр унга «атотлиқ» экан. Аҳди-никоҳ пайти етиб, Сухайл денгиз билан жўнайди. Яна шамол унинг кемасини олиб кетади. Жобирнинг одамлари кўриб қоладилар. Жобир кемага киради. Шижоатли Сухайл билан курашади. Жобир уни енгилдан ожиз қолиб, ўзини сувга отиб, кемани тешади. Кема ғарқ. Жобир Сухайлни боғлаб, ўз қайиғига солади. Ботир душманни ўлдирмасдан, қасрдаги чуқур чоғга ташлади.

10

20

Меҳрнинг одамлари юртларига етиб, подшоҳга қизининг аҳволдан хабар берадилар. Подшоҳ қайғуда. У Сухайлнинг отаси Нуъмонга хат ёзиб, интиқом олишга даъват қилади. Икки подшоҳ — бири қуруқлик билан, бири денгиз билан йўлга чиқади. Меҳрнинг отаси Нур йўлда. Овни жуда севарди. Ногоҳ бир ҳайвон ёнидан ўтади. У беихтиёр (шу ҳайвонни) қувади. Ҳайвон ўрмонга қочади. Шоҳ ўз душманини, сипоҳини унутиб, қува кетади. Ёлғиз Нур Жобирнинг одамларига банди бўлади. Уни ҳам қасрга элтиб, чоғга ташлайдилар. Нуъмон ҳам денгизда Жобир қўлига тушади. Уни бошқа зиндонга солади. Одамларини ўз юртига жўнатади. Жобир Меҳрга етиша олмай, кеча-кундуз ичиб ётади. Меҳр чоғдаги асирни қутқариб, уни Сухайлга юбориш мақсадида чоғга келади. Асирни қутқаради, бошидан ўтганларини бир-бирига сўйлаб, Су-

30

40

хайлга хабар етказишни сўрайди... Буни эшитиб Сухайл ҳушдан кетади. Сўнг ўзини танитади. Иккиси топишади, бир кун Жобир боғда юраркан, унинг қаршисига Сухайл чиқади. Мени ҳийла билан олдинг. Мен сенга йигитлик кўрсатай, деб жанг қилишди. Сухайл уни йиқиб, банд этиб, чоҳга ташлайди. Нур, Нуъмон озод қилинади, ҳаммалари топишиб шодликдан базмлар тузадилар.

VI ҳикоя.

10

Икки киши саёҳатга чиқади: Муқбил, Мудбир. Мудбир ҳар баҳона билан худога эътироз қилар эди. Муқбил ҳар вақт худо билан машғул эди. Даштни ўтиб, денгизга чиқишади. Кемага боғланган қайиққа ўтирадилар. Муқбил тоатда, Мудбир куфр сўзлари айта бошлади. Денгизда тўлқин кучаяди. Кемалар паришон, ҳар ёққа сурилиб кетади. Қайиқ кемадан узилади, Муқбил худога илтижо қилади. Шамол тинди. Уларнинг кўзига кичик бир жазира кўринди. Шу ерга қўндилар. Бир чашма. Бир тош. Тошда ёзилган: сувдан ичган одам ёлгон гапирса, қорни ёрилади. Ростгўй ичсин — яхши фазилатларга эришади. Ростгўй ичади — сувга тушади. Чиқаркан, бир гулшан кўради. Қизлар келиб, хўжани қаршилайдилар. Қасрга олиб кирадилар. Қасрда юзларча қизлар билан қуршалган бир гўзал қаршилайди. Хўжа ҳушдан кетади.

20

Хўжани тахтга ўтқизадилар. Зиёфат. Хўжа майдан маст бўлади, гўзалга кўз олайтиради. Гўзал, эртага никоҳ билан сенга муясар бўлай, дейди. Истасанг, бу кеча, бошқа бир гўзал билан бўлғил, дейди. Хўжа мастликдан кўнади. Эрталаб, жуда ҳижолат чекади. Хўжа жиноятни ювиш учун яна ҳовузга шўнғийди — бош чиқарса, аввалги булоғнигина кўради. Мудбир билан бирга қайиққа ўтириб, яна денгизга тушадилар. Йўлда бир кемага ёндашадилар. Кемага ўтадилар. Кемада ҳамма ўлган экан. Бу кема бир подшоҳники экан. Қизига бир қаср яратиш учун юк юборганда, кема аҳли денгизда фалокатга йўлиққан экан. Муд-

30

40

10 бир кемани, ундаги бутун молни эгаллайди. Соҳилга етадилар. Соҳилда Муқбилни подшоҳ қаршилайди. Мудбир дейди: мен савдогар эдим. Одамларим ҳалок бўлди. Бир қулимгина қолди. Шу вақтда қорни ёрилади, ҳалок бўлади. Подшоҳ ҳайрон, Муқбилдан сўрайди. Муқбил бутун воқеани тўғри айтади. Унинг тўғрилиги подшоҳга ёқади, ўзига вазир қилади. Қизини беради. Қиз, унга жинлар шоҳи ошиқ бўлганини, тилсим қилиб, у ерда унинг нақшини ясаганларини, тилсимдаги гўзал унинг ўз нақши эканини айтиб беради.

VII ҳикоя.

20 Ҳикоячи—машҳур мусиқачи. Хоразмга чинлик бир савдогар келади. Мол-мулки гоят кўп. Унинг бир гўзал қизи бор. Парда ичида. Ҳамма халқ унинг ҳуснини эшитиб, беқарор бўлади. Подшоҳ аёллардан унинг ҳуснини эшитиб, ўртага даллоллар қўяди. Хўжа подшоҳга хат ёзиб, қиз эр қила олмаслигини, «тоқ» яратилганини баён қилди. Шоҳ ғазабланиб, Хўжанинг мол-мулкани ва қизни келтиришга буюради. Буйруқ бажарилади. Шоҳ унга келганда қиз қўлига чанг олиб шундай чаладики, шоҳ ва бошқалар уйқуга кетадилар. Ҳар вақт шоҳ қизга кирмак истаганда қиз бу йўл билан ўзини сақлайди.

30 Ниҳоят подшоҳ Хўжага бориб, уни ўзига ота, қизни қардош қилади. Ҳикоячи айтади: мен машҳур мусиқачи эдим, тириклигим бу билан эди. У қиз чанг чала бошлагандин бери халқдан илтифот кўрмадим. Бир кун дод фарёд билан Хўжага бордим, менга зулм қилдингиз дедим. Воқеани айтдим. Нетай, мен шу ерда қолай, хизмат қилай, мусиқийда таълим олай, дедим. Ҳунар олмоқ учун, ражъиятни йўқотган эдим, тафтиш қилиб ишондилар. Мен хизматларида бўлдим. Қиз наъма чалар, бари ошиқона эди, қиз пинҳон йиғлар эди ҳам. Қизга ёлғиз мен маҳрам эдим. Ҳар нимани мендан сўрар, жавоб олар эди. Кечалари мендан ҳикоя нақлини сўрар, ҳижрон, фироқ шарҳ этилганда йиғлар эди. Ишқи борлигини бил-

дим, билмак истадим, яширин дардини сўрадим. Ул деди: тўғри фаҳмлабсен, лекин айтишим қийин. Шу шарт: ё бу сирни сўрама, ёки сўрасанг, эшитгандин сўнг, бошингни олиб кет! Мен қабул этдим. У деди: икки хон жанжали сабабли ёшликдан бир кишига асир тушдим. Хўжам ўз фарзанди каби кўрди. Устозларда мусиқий таҳсил этдим. Донғим чиқди. Ҳар ким мени кўп молга сотиб олишни истади. Моний деган наққош яширинча суратимни чизиб, бир шоҳга кўрсатмиш. Шоҳ элчилар юбориб, бир кўп йиллик ҳирож бадалига мени олди (Кейин овда бўлган воқеа ҳикоя қилинади). Хўжа мени кўрмак учун йўлга чиққан экан. Мени биёбонда топиб олди. Мен хаста ва ҳушсиз эдим. Аста-аста тузалдим. Мен қолган умримни яна ул шоҳга фидо қилмоқ истадим. Лекин, бу раъйимдан қайтардилар. Биз ундан қочиб, бу ерга келдик. Хаёлим ул шоҳда.

10

20

Баҳром бу ҳикоядан яна беқарор бўлади. Баҳром Хоразмга отланмоқчи бўлади. Ҳукамолар соғлиққа зиён — хат ёз деб, маслаҳат берадилар. Гўзални тилаб, хат ёзадилар. Хўжа ва гўзал суюнадилар. Йўлга чиқадилар. Икки манзил қолганда Баҳром кечаси ёлғиз йўлга чиқади. Гўзалнинг чодирин олдидаги бир чинор қавагида ўтиради. Гўзал уйғониб, чанг чалиб, шоҳ ҳижронини ҳақида қўшиқ айтади. Подшоҳ чидай олмай гўзалнинг оёғига йиқилади. Иккиси ҳам ҳушдин кетадилар. Кейин халқ истиқболга чиқади. Қувонч билан қайтадилар. Подшоҳ Хўжани вазир тайинлайди.

30

ҲИРОТДАГИ ҒУЗАЛ ЖАВЛОНҒОҲ

Навоий ҳаётда безакни, ёрқин рангларни севарди. Ҳиротни Алишер ингичка, завқига мос келадиган ғузал истироҳатгоҳлар — боғлар, парклар, хиёбонлар, олий иморатлар билан тўлдирди. Навоий ҳаётда қурмоқдан, яратмоқдан завқ оларди. Хуросонни маданий ва обод ўлкага айлантирмоқ учун ғайрат қилди. Чўлларда, карвон йўлларида йўлчилар учун ҳамма ўнғайликларга эга бўлган ғузал работлар қурдирди. Ҳар ерда мустаҳкам кўприклар қурдирди. Тарихий биноларни, санъат намунаси бўлган эски иморатларни таъмир этиб, сақлашга тиришди. Навоий Ҳусайн Бойқародан Ҳиротда «Инжил» ёқасида ташландиқ катта майдонни сўраб олди ва бу ерда бир даста ажойиб маданий муассасалар вужудга келтирди. «Инжил» ёқаси бирдан жонланди. Мингларча усталар, бинокорлар, тошчилар, наққошлар ва ҳоказолар билан тўлди. Унларча филлар жиддий оғир қадам ташлаб, филбонларнинг ҳайқириғи остида материаллар — тошлар, оғочлар ташийдилар. Юзларча теваалар карвонни кеча-кундуз ишлайди. Ҳар ерда гуруҳ-гуруҳ усталар катта гранитлар, мрамарлар устида куймаланиб, тарош-лаб, живир-живир гуллар ўядилар. Хаттотлар бино порталлари учун юзларча қадам наридан кўзга ташланадиган ҳарфлар билан таърихлар, битиклар ёзадилар. Катта, баҳайбат гумбазларнинг теваарагида наққошлар ранглардан чаманзорлар ясаш билан банд...

Бу усталар Хуросоннинг энг олдинги, донгдор одамлари эдилар. Булар, табиий архитектура ва наққошликда махсус мактаблар кўрмаганлар. Лекин улар асрларнинг тажрибасини практик равишда ўзлаштирган, яратувчи хаёлга эга ажойиб инженерлар, санъаткорлар эдилар. Навоийнинг ўзи ҳам бинокорлик ишларининг ҳамма деталларига чуқур қизиқар, ҳамма масалаларни ҳал қилишда иштирок этарди. Навоий жонли ишари севарди. У ҳар куни «Инжил» ёқасига келар, баъзан этакларни белга қистириб, вазирлик ипак тўнининг энгини шимариб, дуч келган ишга берилиб кетарди — ғишт таширди, ганч қорарди, наққошларга ёрдамлашарди.

Айрим пайтларда, биноларнинг муҳим қисмлари ту-
гаган чоғда, бу ерда катта зиёфатлар берар, усталарга
жомалар кийгизарди.

«Инжил» ёқаси бир неча йил мобайнида Ҳиротнинг
энг обод қисмига, энг гўзал жавлонгоҳига айланди. Бу
ерда катта мадраса, хонақоҳ, жомеъ, кутубхона, хаста-
хона, ҳаммом ва бошқа олий иморатлар, кўшклар пайдо
бўлди. Ҳар бир бинонинг атрофи бинонинг ўзига муво-
фиқ боғчалар, чаманзорлар билан ўралди.

Мадраса, жомеъ, хонақоҳ — «Ихлосия» номини ола- 10
ди. Хастахона, ҳаммом — «Шифоия», кутубхона ва бош-
қа ёндош бинолар — «Унсия» деб юритилади. Мадраса-
га Навоий Хуросоннинг энг олдинги олимларини мудар-
рис тайинлайди. Талабаларнинг нафақаларини яхши таъ-
минлайди. Диний илмлар билан бир қаторда дунёвий
илмлар ҳам киритилади.

Мадраса қаршисидаги хонақоҳ — бир кўп хоналар-
дан иборат чиройли бино эди. Бу мусофирлар қўниши
учун кўзланган бинода шоирлар, олимлар ҳам яшар, иш-
ларди. Уларнинг тинч машғулотлари учун бу ерда ҳам 20
ма нарса муҳайё эди. Ҳар уйга махсус хизматчи. Овқат
ҳам шу ерда тайёрланиб, ҳар кимнинг ҳужрасига кел-
тириларди. Машҳур тарихчи Мирхонд «Равзатус-сафо»-
ни бу ерда ёзган эди.

Кутубхонага турли илмлар бўйича ҳамма қимматли,
нодир китоблар йиғилган эди. Бу ерда ўнлаб хаттотлар
қўлёзмаларни кўчириб, нусхаларни кўпайтириш билан
машғул бўларди. Ҳирот олимлари учун кутубхона ҳар
вақт очиқ эди. «Шифоия»да энг яхши табиблар хаста-
ларни боқарди. 30

«Инжил» ёқасидаги биноларнинг тарихи ҳақиқатан
узоқ элларга кетган эди. Сайёдлар бу ерда ўзларини
ғалати бир дунёда сезиб, лол бўлиб қолардилар. Шоир-
лар бу ернинг ҳуснини мақтаб, қасида ёзмасдан илож-
лари йўқ эди.

Навоий ўз дostonларида ажойиб, бой, серҳашам са-
ройлар, кошоналарни тасвирлайди. Персонажлари ора-
сида санъатда камолга етган усталарни кўрамиз. У ҳа-
ётда, ўз юртида шундай ободонликни кўришни истарди.
«Фарҳод ва Ширин»да тўрт фаслни тасвирлаган тўрт 40
ажойиб қаср, «Ҳафт манзар»даги саройлар тасвирини
ўқиркан, ўқувчи «Инжил» ёқасидаги биноларнинг илҳо-
мини туюши мумкин.

ҲИРОТ

Шаҳар баҳор шодлиги ва тўлғинлиги билан нафас оларди. Бир парча булутсиз самонинг ложувардида жануб қуёшининг олтини ловуллаб ёнар, боғлар, чаманзорлар, сарвзор хиёбонларнинг яшил жингалагини нур билан ювиб, эркаларди. Етти муаззам тоқи ҳавога гердайиб қулоч ёйган масжиди жомеънинг само шакл гумбазида, мадрасаларнинг азамат деворларида, порталларида, гигант алиф каби юксалган минораларда бой, безакли, серҳашам қадли янги саройларнинг садларида нақшлар жонли, ҳавоий чаманзор каби ранг-баранг оловланарди. Бу муаззам биноларнинг катга дуб оғочи ўз ёнидаги япасқи кустарникни кўримсиз қолдиргандек, қат-қат тоғ каби юксалган. Азамат деворлари, тупроқ уюмлари, метин башнялари билан ҳайратомуз иншоот бўлган. «Ихтиёридин» қалъаси, қаҳрли салобати билан кўзларни ўзига қадарди. Шаҳар атрофини кўҳи қоф каби ўраган, устида отлиқ ва ароба юра биладиган кенг кунгирали деворларга беш ёқдан ўрнатилган азамат дарвозаларга элтувчи катта тўғри йўлларда, суронли майдонларнинг ёрқин тўғарагига қўйилган ҳар икки ёнида бир қабатли текис томли оддий каркас уйлар, болахонали шинам иморатлар, енгил, ҳавоий кўшклар, оғочларнинг яшил деворлари тизилган, кўчаларда ҳам қатновчилар кўп. Шаҳар атрофидаги қишлоқлардан беш дарвозадан савдо ва юмуш учун кирган отлиқ, эшакли, пиёда деҳқонлар, шаҳар косиблари, бўзчилар, кулоллар, бўёқчилар, этикдўзлар ва ҳоказо ҳам гўзал туркман отида зар ёқа тўнли, мағрур, қиличи олтин-кумуш билан ишланган савлатли беклар, қаҳрли, қиличбоз навкарлар, малла тўнли хокисор, олло ишқининг кўнгул сирининг муроқибасига берилган сокин дарвешлар, кулоҳ кийган, кундалик

ҳаёти учун нафақа тилаган қаландарлар, шаробхоналардан чиққан шўхчанг олифта йигитларни учратиш мумкин. Бетларига саҳроларнинг чанги қўнган, узоқ ўлкалардан келаётган карвонлар қўнғироқларини вазмин оҳангдор жаранги билан ҳавони янградиб, шаҳарнинг турли ерларидаги карвонсаройларга оқадилар. Атрофда аёнларнинг, шаҳзодаларнинг, бекларнинг гўзал кўшклари ўрнашган машҳур хиёбоннинг сокин, оромбахш салқинида болалар ўқ-ёй отиб ўйнаб юрадилар. Бу шаҳарда ҳар қадамда учрайдиган битта-яримта шоирни, баъзан, чўчитиб, хаёлини қочирадилар. Мадрасаларнинг ўймакори эшиклари олдида катта саллали, узун, олача тўнли муллабаччалар риторика ҳақида, мантиқ ҳақида, ёки шариатнинг ингичка масалалари ҳақида, Суқротнинг ахлоқий принциплари ёки Ибн Синонинг тибга оид фикрлари ҳақида музокара қиладилар.

Шаҳарнинг марказидаги «Чорсу» ҳар кунги минг товушли сурони билан қайнайди. Бу ердан тўрт ёққа кетган, тўрт катта йўлга ола-була қурама оламон тўлқини оқади. Бу йўллар бозорга элтади. Тим билан қопланган ним қоронғу расталарда — турли матолар сотиладиган дўкон қаторлари — савдо чаққон. Йирик савдо йўлларининг устида ётган бу шаҳарнинг бозорларида турли мамлакат одамларини, молларини учратиш мумкин. Баззоликда Қашмир шоли, Хитой ипакликлари, мис тўқилмалари билан дўконлар ердан шифтгача тахланган. Рангбаранг ипак девол орасида чордона қурган тужжор ҳушмуомаласи, айёрча табассуми билан харидорни қочирмасликка тиришади. Қурол-аслаҳа растасида Бағдод, Исфаҳон пўлатларидан ясалган қиличлар, ханжарлар, ингичка санъат намунаси бўлган гўзал қинлар ва ҳоказо устида тиғшунослар, ҳаваскорлар уймалашади. Ўнларча кичик дўконлардан иборат бўлган «саҳҳофлик»да катта-кичик, қалин, юпқа китоблар қалашган. Бу ерда Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сидан тортиб Мавлоно Жомийнинг терма ғазалларига қадар, «Қутадғу билиг»дан тортиб Мавлоно Лутфийнинг девонигача, илмий, тарихий асарлардан бошлаб «илми ром»га оид рисоаларгача топиш мумкин. Бу китоблар юзларча эски, янги, гўзал хаттотлар томонидан қунт билан ёзилганлар. Китоблар орасида анчагина олтин ва кумуш ҳам, нодир бўёқларни истеъдодли рассомларнинг йилларча оғир, диққатли меҳнатини қамраган ажойиб асарлар ҳам бор.

Бу растада ҳар вақт шоирлар, олимлар, муллаваччалар, хаттотларни учратиш мумкин. Янги девон, янги хаттот, янги шоир, янги қасида ёки газал ҳақида тоза маълумот кўпинча бу ердан учади. Бу растада бир неча муқовачилар ишлайди. Давр муқовачиликни нозик санъатлардан ҳисоблайди. Тоза чармдан ишланиб, ўйма гуллар солинган, зарҳал, чамандай товланган муқовалар устида усталар ойлаб ишлайдилар. Шундай ҳаваскорлар топиладики, китобнинг мазмунига, хаттотнинг санъатига қандай эътибор қилсалар, муқовага ҳам шундай қарайдилар...

10 Ҳирот ҳар кунги тўлғун, қайноқ, рангдор ҳаёт билан яшайди. Чет эл одами — ким бўлмасин, сайёҳ, тужжор, жанговар — Ҳиротнинг беш дарвозасининг биридан бош суққан ҳамон бу шаҳарда жуда кўп ажойиб нарсалар кўради. Дарров уни севиб қолади. Ҳавоси мўътадил, мевалари мўл ва ранг-баранг, суви айқирган, тупроғи мунбат. Ҳиротнинг донғини улар узоқ ўлкаларга элтдилар. Унинг тўғрисида китоблар, хотиралар, шеърлар 20 ёзадилар. Кўп шаҳарларни, кўп ўлкаларни кўрган ва ҳар ҳодисага танқидий қарашга мойил машҳур Бобир Ҳиротга қойил қолади. Уни рубъи маскунда энг катта ва гўзал, обод шаҳар дейди.

Тарихий ҳужжатлар ҳам афсоналар бир оғиздан Искандар Зулқарнайн бино қилганлигини тасдиқлаган, узоқ умрида ғоят бой, улуғ ҳодисаларни кечирган бу шаҳар темурийлар даврида ҳақиқатан Шарқнинг энг обод ва гўзал, маданий марказига айланган, ҳатто Темурнинг пойтахти Самарқандни ҳам орқада қолдирган эди.

30

* *
*

Ҳиротда, кутилмаган вақтда, қўзғолон кўтарилди. Қўзғолончиларнинг асосий массаси шаҳар ҳунармандлари, қашшоқлари ва пойтахт атрофидаги деҳқонлар эди. Қўзғолоннинг асосий сабаби оғир солиқлардан ва феодализмга хос бўлган жабр ва произволдан норози эди.

Бу ерда XV асрда темурийлар давлатидаги налог системаси билан танишмоқ зарур.

40 Феодал гуруҳларнинг ерлари турли даражадаги имтиёзлардан фойдаланар эди. Пайғамбар ва унинг халифаларининг насллари ҳисобланган сайидларнинг ерлари «мулки мушрий» номи билан юритилар. Ҳосилотнинг ёл-

ғиз ўндан биригина налогга кетарди. Хон томонидан ҳады этилган суюрғол ерлари ҳар қандай налогдан озод этилган. Ҳатто суюрғол ерли одам ўзига қарам деҳқонлардан солиқ тўплашга ҳақли бўлган. Чингизхон замонидан қолган бу система тўғридан-тўғри тархонлик билан боғланган.

Тархондан ҳеч қандай солиқ олмас. У хон олдига истаган вақтда кириб чиқаверади. Агар бирон жиноят қилса, тўққизинчи мартагача уни жазоламайдилар.

Шунингдек, вақф ерлар ҳам имтиёзли ерлардандир. 10 Мулкдор томонидан ижтимоий хайр ишлари фойдасига ажратилган мулк — манқул, ғайри манқул — вақф дейлади.

Налог тўламаслик учун мулкни бирон масжид ёки мозор фойдасига вақф этиб — мулк идорасини ўз қўлида тутиши шарти билан — дохонди ўз кармонига солган мулкдорлар кўп бўлган. Солиқлар хирож ерларидан — деҳқон аҳолисига тегишли ерлардан олинган. Асосий қишлоқ хўжалик налоги хирождан бошқа (исключительные) фавқулдда сборлар — «қўш», «сарона» — 20 ҳаммаси деҳқон устига тушган. Бундан ташқари деҳқон аҳолиси властарнинг талаби билан ҳар навъ юмушларни текинга бажарарди. Солиқ тўпловчилар ва умуман солиқ ишлари билан банд бўлган барча чиновниклар давлатдан маош олмас, халқдан ўзлари учун ёғлироқ қилиб шилиб олардилар.

Хусайн Бойқаро тантана, дабдабани, безакни, шоҳона зиёфатларни севадиган танти подшо эди. Унинг вазирлари, беклари, яқинлари ҳам кенг ҳаётга, безакка ўч эдилар. Катта харажатларни қопламоқ учун налог аппаратида зўр берар эдилар. Налог аппаратида ишлайдиган чиновниклар айниқса зolimликлари, пбрахўрликлари билан айрим ўрин тутардилар. 30

Хусайн Байқаро пойтахтдан узоқда, Мирзо Едгор фитнасини босиб билан овора экан, Ҳиротда молия ведомостининг йирик маъмурларидан Хўжа Абдулла Хатиб, Хўжа Низомиддин Бахтиёр ва ҳоказолар вақтни ғанимат топиб ўз ҳамёнларини тўлдирмоқ ғамига тушадилар. Улар подшоҳдан рухсатсиз, халқдан ҳар нав ғайри қонуний сборлар тўплашга киришадилар. Бундан ташқари улар ҳар ерда халққа қўпол муомала қиладилар. Гражданларнинг ҳуқуқларини поймол этадилар. Ҳақли шикоят овозини бўғадилар. 40

Халқ оммаси бунга жавобан кўчаларни, майдонларни тўлдиради. Учқундан аланга пайдо бўлади. Халқ молия маҳкамасининг дарвозасига тўпланиб даҳшатли шовқин солади. Жинойткорларни чақириб жавобга қистайди. Айбдорлар маҳкама ичидан бошларини чиқаришга жасорат қилолмайдилар. Ниҳоят омманинг ғазоби ҳаддига етади. У маҳкама ичига бостириб киради. Ҳамма хоналарни изғиб, золимларни қидиради. Хўжа Абдулла Ҳатиб кўриниши билан уни тошбўронга тутайди. Халқ оммаси ўзининг энг манфур, энг разил душманларини ҳар вақт тошбўронга тутган. Боши ёрилган маъмур ва унинг шериклари бу маҳкамага ёпишган мадрасага ўтиб йўлни чап бериб қочадилар. Лекин халқ оммаси бу билан тинчимайди. Соат сари, кун сари унга ғазоби кучаяди. Халқ ҳар ерда золим амалдорлардан, таловчилардан, ахлоқсизлардан ўч олишга бошлайди. Шоирлар, санъаткорлар шаҳри май ва мусиқий тўлқинларида яшаган беғам, хурсанд, гўзал пойтахт бирдан қаҳрли бир шакл олади. Ҳар ерда тош ва таёқ кўтарган халқнинг ғазобли шовқини янграйди. Чопарлар арғумоқларда шаҳар дарвозаларидан кетма-кет учиб, янги хабарлар билан бир-бирларини қувиб ўтишга тиришадилар.

САМАРҚАНД

Темур ўз шаҳри Шаҳрисабзни севарди. Буни пойтахт қилмоққа ҳаракат қилиб, дастлаб бу ерда олий иморатлар бино қилдиради. Лекин бунда пойтахт бўлурлик шароит оз бўлгани учун, ниҳоят, Самарқандни танлайди. Афсоналар Македония улуг саркардаси бино қилганига ишорат этган бу қадим шаҳарнинг донғи катта империя каби тез ўсади... Темурга тобе бўлган мамлакатлардан фан ва турли санъат намояндалари бу ерга йиғилади. Темурланг йиллаб сурилган оғир юришлар даврида ҳам, янги сафарларга тайёрлик кўрилган тинчлик чоғларида ҳам, ўзининг азамати, бой безаги билан шоёни ҳайрат санъат ҳайкаллари барпо қилган. 10

Чиннидан, мрамардан яратган ажойиб саройлар ва кўшкларни Бобир ўз «Бобирнома»сида мукамал тасвир этади. У Самарқандни Шарқнинг энг ёрқин обод шаҳрига айлантиришга тиришган. Пойтахт атрофидаги қишлоқларга у вақтдаги Шарқнинг йирик маданий марказларининг Дамашқ, Бағдод, Миср ва ҳоказо номларини берганлиги ҳам бежиз эмас. Темур хонадони аъзолари, аъёнлари, беклари шаҳарнинг ичида ва ташқарисида ажойиб боғлар, парклар ясаганлар. 20

Темур ва унинг машҳур набираси Улуғбек даврида Самарқанд чиндан ҳам ўз порлоқлиги ва шухратининг ҳаддига етади. Самарқанд илм ва санъат ўчоғига айлана бошлайди. Мадрасаларга диний илмлар билан бир қаторда дунёвий илмлар ҳам киради. Меъморий санъати билан бир қаторда мусиқий ва поэзия инкишоф этади. Исломнинг ман этишига қарамай, расм санъатига ҳавас, мароқ кучаяди. Бобирнинг нақлича, «Боғи дилкушо» даги гўзал кўшқда Темурнинг Ҳиндистон юриши тасвир этилган. Ҳаёт, қувноқ баҳор кўкидай ислом фана- 30

тизмининг совуқ ридосидан бошини кўтаради. Одамлар куйлайдилар, шароб ичадилар, шахмат ўйнайдилар. Ҳар ёқда най ва дафларнинг садолари янграйди.

Маданий кучларнинг бошида Улуғбек туради. У шеърни, мусиқийни, дабдаба ва безакни севган ҳар томонлама олим — астроном подшо. Унинг мадрасасида замоннинг энг яхши, жиддий олимлари дарс беради. Унинг саройида шоирлар девонлар яратади. Машҳур Саккокий ўз она тилида гўзал қасидалар ёзади. У катта олимлар коллективи — Қозизода Румий, Гиёсиддин Жамшид, Али Қушчи ва бошқалар билан пойтахтда обсерватория бино қилади.

Катта муҳташам уч қаватли бино — энг яхши, энг аниқ инструментлар билан қурулланган обсерватория у вақтдаги Шарқнинг обсерваториялари орасида энг яхшиларидан ҳисобланган. Самарқанд астрономлари обсерватория қуришда энг қийин масалаларни ғоят оригинал ва янги усулда ҳал қиладилар. Улуғбек ўз ёрдамчилари билан бирга бу ерда йиллаб иш кўради — юлдузларнинг ҳаракат қонунларини текширади, ўзидан олдин ўтган астрономларнинг ишларини аниқлайди, илмни янги маълумотлар билан бойитади. Ўзининг машҳур астрономия таблицаларини тузади. Лекин фанний фикрдан оловдек қўрқувчи руҳонийлар, китоб фикрини инкор қилган ва ўзларини худонинг ошиқлари деб ҳисоблаган жоҳил дарвешлар илмндай тўлғанадилар. Улуғбек ҳаётини заҳарли ҳалқа билан ўрашга тиришадилар. Ниҳоят, улар Улуғбекнинг ўғли Абдулатифни ўз қўлларига олиб, 1449 йилда даврнинг энг ёрқин, энг гўзал сиймосининг бошини кестирадилар. Бу фожиали воқеадан сўнг Самарқанд самосида қора булутлар қуюқлаша бошлайди.

МАДҲАЛГА ҚУШИМЧА

Ўрта Осиёда иқтисодий ҳаётнинг жуда узоқ замонларда ҳам анча юқори даражада турганлиги маълум. Ўрта Осиёда ипакчилик, пахтачилик ва маъдан саноати милоддан бурун ҳам мавжуд эди. Зироатнинг чорвадан айрилиши, саноатнинг зироатдан айрилиши, қишлоқ билан шаҳарнинг айрилиш тарихи жуда эскидир, суғориш каналларининг кенгайиши орқасида ўтроқ зироат районларида хўжалик тез ўсиб, шаҳар ҳаётининг тараққийсига сабабчи бўлган. Ўрта Осиёда бирин-кетин шаҳарлар, савдо-саноат марказлари ўсиб чиқа бошлаган. 10

Саноатнинг қанча турли тармоқларга айрилиб, айрим районларда специализация пайдо бўлганлигини ва умуман хўжалик ҳаётининг анча юқори бир даражага эришганлигини Мақдисийнинг шу ёзуви кўрсата олади: «Ўрта Осиё аҳолисининг бир қисми кўчманчи бўлиб чорвадорлик ила машғул бўлган. Суғоришга имкон бўлган донраларда халқ зироат билан машғул бўлиб, асосан ўтроқ ҳаёт кечирган. Яна катта-кичик бир кўп шаҳарларнинг мавжуд эканини назарга олсак, мамлакат ичида оқча-товар муносабатларининг кучли бўлганлигига шубҳа қолмайди. Кўчманчилар билан ўтроқ зироат районларининг орасидаги савдонинг ўсуви орқасида кўчманчиларга яқин турган районларда янги шаҳарлар, масалан, Утрор, Саврон, Суғноқ каби шаҳарлар пайдо бўлган эди. Демак натурал хўжалик ҳукми суриши билан хўжаликнинг турли соҳалари товар-оқча муносабатларига анчагина боғланган эди. Оқчанинг роли, аҳамияти кучли эди»¹. 20 30

¹ Улуғбекнинг ўгли Абдулатифнинг оқчаси ва қимматли асбоблари ҳақидаги маълумотни келтириш керак.

Хонлар давлат бошига келаркан, оқча чиқаришга ва оқчага ўз номларини бостиришга тиришар эдилар.

Хонлар, беклар ўзларига қарашли ўн мингларча, баъзан юз мингларча аскарларига (қўлга тушган ўлжаларни бўлиш, забт этилган ўлкани талатдириш ва ҳоказодан ташқари) оқча ҳам берар эдилар. Темурийлар даврида савдо ишидан аристократия, ҳатто шоҳ ҳам четда эмас эди. Улуғбекнинг фойдага иштирок қилиш шарти билан савдогарларга оқча берганлиги ҳа-

10 қида маълумотлар бор.

Ташқи (савдо) феодаллар ва йирик мулкдорлар, пулдорлар қўлида бўлган. Темур забт этган мамлакатлар савдо йўллари ила боғланиб, улар ўртасида йирик савдо муомалалари давом этар эди. «Бобирнома»да (шу) шеърни ўқиймиз.

Чигатой аристократияси у вақтнинг дунёда энг катта давлатини идора этиб, катта моддий бойликка эга бўлиб, киборона ҳаёт кечиришга тамойил кўрсатади.

Юқори табақа ҳаётига ҳашамат, безак, ингичка одатлар кира бошлайди. Куйга, мусиқийга, рақсга рағбат зўраяди. Ҳоким синф учун поэзия, айниқса, ишқ ва майни тараннум этган ғазаллар бирор санъат намунаси бўлиб қолади. Аристократия форс тилини ўрганади, адабиётни текширади, форсча ёзишга тиришади. Бу ҳол борган сари кучаяди. Саройларда қадимдан бошланган бир одат каби шоирлар катта обрў ва ҳурмат билан яшайдилар. Бир кўп шоирлар ўзлари турк бўлганлари ҳолда шеърда форс тилини мақбул кўрадилар, форсча ёзадилар, девонлар тузадилар.

30 Лекин бу процесс билан мувозе ўлароқ, чигатойча дейилган Урта Осиё туркчаси ҳам XIV—XV асрда жонланиб такмилланиб, адабий тил ҳолида шакллана боради. Чигатой туркчасида ёзувчи йирик шоирлар етишади. Булар хон ва бекларга қасидалар ёзиб, тақдим этадилар. Ингичкалашган ишқий мотивларда ғазаллар билан аристократиянинг безакли турмушини тўлдирдилар. Унинг шуурига, ҳиссига мувофиқ туркча кибор поэзиясининг тамалларини қуришга тиришадилар...

Шундай қилиб, Темур походларининг натижасида 40 Туркистонга жуда кўп бойлик таланиб келтирилган ва у замонда Урта Осиё савдоси ҳам анча юқори турган.

БАВИЛОВ. АФГОНИСТОН ҲАҚИДА

Ҳирот ва Қандаҳор — 925 ва 1050 метр баландликда (денгиз сатҳидан). Ҳиндиқуш, Сулаймон тоғлар — Афғонистонни шимолӣй ва жанубий қисмга айиради.

Наҳрлар: Амударё, Гилмент, Кобул, Мурғоб, Герирут. Мурғоб қумликларда йўқолади.

Герирут — 850 километр. Феруз Қуҳ билан Сафидқуҳ орасида оқади. Ҳирот ёнида шимол томон бурилади.

Иқлим — Афғонистонда, бизнинг Урта Осиё жумҳурияларидаги каби, ҳаво умуман қуруқ, булут оз, зиё мўл, ёғин оз, ёз иссиқ, қиш қиёсан совуқ. 10

Иқлим жуда континентал. Туни билан кундуз орасидаги температура фарқи катта. Ноябрьда Қандаҳорда кундуз 25—30 градус, кечаси эса сув яхлайди. Кобулда ёмғир энг кўп март ва апрелда ёғади. Июнь — сентябрда ёмғир йўқ.

Афғонистоннинг шимол районларида — Туркманистон ва Ўзбекистонга ёндош — ёғин оз, ёз иссиқ, қишда 0° дан паст. Жалолобод вилоятида ҳаво нам. Иқлим субтропик. Бунда апельсинлар, шакар қамиш, хурмо ўсади. 20

Чўл областлар — Қандаҳор, Ҳирот водийси киради. Ёғин оз, қиш совуқ, иқлим қуруқ, Қандаҳорда одатда қор бўлмайди. Июнь-июль, август энг иссиқ — сояда 48°. Ҳирот совуқроқ. Қишда февраль ойида 12° гача тушади. Қор ёғади. Ҳиротда йилнинг тўрт фасли очиқ сезилади. Баҳор мартда бошланади. Энг ёғинли ойлари март, апрель. Ёзда кундуз иссиқ, кечаси анча салқин.

Кушқадан Файзнободгача — қирқ (100—юз) километр, масофа. Баҳорикор (суғорилмайди) буғдой, арпа экилади. Боғчалар ҳам кўп. Бўстонларда қовун-тарвуз. Қирларда ўт мўл. Бу ерга Афғонистоннинг ҳар томо-

нидан кўчманчилар мол ҳайдаб келадилар. Эски Бақтрия маданиятининг бунда ўсганлиги бежиз эмас. Ҳирот водийси. Герирут водийси кенг, туташ яшил бир кўлдири. Деҳқончилик яхши ўсган. Шаҳар дала билан кўшилиб кетган. Масжидлар, миноралар, мақбаралар, боғлар, далалар билан аралшиб боради. Водийнинг кенглиги Ҳиротга яқин 50 километр. Туташ дала, туташ қишлоқ, сув мўлгина.

10 Ҳиротдан Қобулга борадиган карвон йўли Қандаҳор орқалидир. Ҳиротдан чиқиб бир неча соат юрилса, кимсасиз тақир чўл бошланади. Жанубий Афғонистон чўлларида ўт оз.

Ҳирот ва Қандаҳор баҳори (суғорилмас) деҳқончилик бўлмайди. Современный Балх — это «Бактра», «Мать городов», многократно разрушаемый и восстанавливаемый «Бактра» резиденция «легендарных царей Персии, родина сказочного Зороастра», «Как гласить предание... Герат — старая «Александрия Азии», «ключ к Индии».

20 Современный Герат мало изменился с X века и настоящий план города и общий вид его мало чем отличаются от описаний арабских географов Ибни Наидиал и Мидиа dassi.

30 Ҳирот водийси бизни аллақандай интенсив қишлоқ хўжалиги дунёсига олиб киради. Хўжалик — ўтроқ; оригинал қадим замон зироат культураси кўрилади. Ҳиротга яқин жойда Герирут дарёси водийси кенгайди. Аҳоли — тигиз. Ҳирот оазиси шимолда Помир тоғлари билан, жануб ва ғарбда чўллар билан, шарқда юксак тоғлиқ ҳазар билан ажралган. Жуда қадим замонлардан бошлаб бунда деҳқончилик тараққий этган. Бу ерда сув кўп, суғориш осон, Ҳирот ҳавосининг қуруқлиги сунъий суғориш ва йилда 120 кун майдан сентябргача—Ҳиндиқушдан эсан шамол билан мўътадиллашади. Ариқлар кўп ва тўғри тақсим этилган. Экинларнинг ҳили жуда кўп: бугдой, арпа, тарик, жўхори, ловья, зиғир, кунжут, пахта, беда, тамаки. Боғларда анжир, анор, ўрик, шафтоли, олма, нок, олуҳирот, тутзорлар ҳам кўп. Ток ҳам етиштирилади. Бўстонларда сабзавот ҳам кўп навлидир. Умуман, Ҳирот водийсида юзга яқин ўсимлик етиштирилади. Ҳирот вилоятида каптархоналар уяси учун тешикли катта бинолар кўп. Бу ерда каптар тезаги кучли ўғит ҳисобланади.

Зироатлик даражаси баланд бўлса ҳам шаҳар ҳаётига унинг таъсири оз. Шаҳар ҳаёти жуда ибтидий. Кўчаларга тош терилмаган. Ёритилмайди. Ифлослик. Кўчалар тор. Ёз кунларида Ҳиротда жуда кучли сас-сиқ ва димлик. Ҳиротда миноралар, эски биноларнинг қолдиқлари кўп. Мусулмон санъатининг яхши намуналари бор. Герирутга қурилган тош кўприк бунга далил. Герирут суви ёз вақтларида (июль-августда) жуда озаяди. Шунинг учун экин майдонини кенгайтиришга имкон йўқ.

ҚАЙДЛАР, ПЛАНЛАР,
ТЕЗИСЛАР

ТЕМУРИЙЛАР ВА НАВОИЙ ҲАҚИДА

Навоий 1441 йил 9 февраль (844 ҳижрий) Ҳиротда туғилди. Вафоти 1501 йил 3 январь.

Оиласи темурийлар хонадонидан, Темурнинг ўғли Умаршайхнинг авлоди билан алоқада бўлган. Боболари темурийлар давлатида катта хизматларда бўлиб келган. Бобоси (она томонидан) Мирбу Саид чанг Бойқаронинг (Ҳусайн Мирзонинг бобоси) девонида бош амир бўлган. Кичкина Баҳодир (Ғиёсиддин Баҳодир) Султон Абулқосим Бобирнинг саройида катта мавқе
10
ишғол этган. Оиласи темурийлар сулоласига яқин тургани учун ёш Алишер шаҳзодалар билан бирга ўқиган.

Навоийнинг тоғалари

I. *Мир Саид* (Амир Саид ака). — 1461 да **Сераҳсни** Абу Саид олганда Мир Саид ўлдирилади. Абу Саид уни ниҳоятда ёмон кўрган. Мир Саид Султон Ҳусайннинг яқини. Туркча шеърлар ёзган. Тахаллуси Кобулий.

II. *Муҳаммад Али* — Дарвишали (Ғарибий), Доруғай китобхонаи хумоюн. Туркча шеърлар ёзган, мусиқачи, хаттот, Султон Ҳусайнга яқин. Абу Саид томони-
дан ўлдирилган. 20

III. *Ҳайдар* — Амир Саиднинг ўғли. (Навоийнинг жияни), гўзал, шижоатли йигит, тахаллуси Сабухий, ҳар иккалови Султон Ҳусайнга хизмат қилганлар. Илм билан, шеърят билан, ҳарбий иш билан машғул бўлган. Яхши ўқ узган, қиличбоз бўлган. Дарвиш-қаландар бўлади. 1499 йилда Ҳусайн Бойқаро ўлдиради.

Шайбоний 1501 йилда Самарқандни забт этади, 1507 да Ҳиротни забт этади. Султон Алини ўлдиради, Бобир тахтини эгаллайди. 30

Мирхонд. 1432—1485.

Хондамир. 1475—1535.

Хўжа Муҳаммад (Навой одамларидан) соат ясайди, чинни ишлаб чиқаради.

Шарафиддин Али Яздий 1454 да ўлган. Абу Саид 1451 да Самарқанддан Ҳиротга келади. Ҳиротга 1452 да Абулқосим Бобир келади.

1457—1469 орасида Навоий Машҳадда, озгина вақт (ўртада) Ҳиротда, кейин Самарқандда яшаган.

10 Аҳмад Ҳожибек (Шоир Вафонӣ) 1496 ларда урушда ўлади, Ҳирот ва Самарқанд ҳокими бўлган. Навоийнинг ҳомийси.

Хўжа Фазлуллоҳ Абулайсий — Навоийнинг домласи (Самарқандда) 1468/3. Ҳиротга Хусайн, 1469/4. да Навоий келади.

Расадхона яқинида «Боғи Баланд»да ҳовузи, қувурлари, зинапоялари, айвонлари бўлган. Соф чиннидан ясалган Улуғбекнинг «чинни хонаси» бўлган.

Темур давридаги боғлар:

20 «Боғи зогон», «Боғи шамол», «Боғи ҳамиша баҳор», «Боғи дилкушо»лардир.

«Боғи биҳишт» 1378 да Темур хотини Туман оға учун барпо этган. «Дилкушо»ни 1397 да Тукал хоним учун, «Боғи шамол»ни 1397 да невараси учун — Шоҳрухнинг ёки Мироншоҳнинг қизи (аниқ эмас).

«Зафарнома»ни Шарафиддин Али Яздий Иброҳим Султон даврида ёзган (Иброҳим 1454 да вафот этган). Бир бухоролик туркчага таржима қилган. Лутфий назмга солган — 2000 сатр.

30 Шоҳрух болалари, неваралари орасида низо бошланади ва ҳокимият Умаршайх ва Мироншоҳ авлодига ўтади. Шоҳрух невараси Султон Муҳаммад бобосига қарши бош кўтариб, Исфaxonни, Шерозни босиб олганда Шоҳрух Шарафиддин Яздийни айблайди (Султон Муҳаммад қочади), Яздий унинг маслаҳатчиларидан бўлган дейилади (бирга юрар экан доимо). Гўё, «қари ёшга ўрин беради, чол ғарбга бормаиди» деб шеър айтган эмиш. Сўроқда Яздий «Ғарбга бормаиди» деганини ўз устига олади. Абдулатиф Яздийни Ҳиротга жўнатади, яъни сақлаб қолади, кейин Самарқандга жўнатади. Хуросонни (1449) қисқа муддат Султон Муҳаммад забт этганда Яздий Тафтга кетади. 1454 да вафот этади.

Мўғул ҳокимиятидан сўнг Ҳиротда Муизиддин Ҳусайн мустақил давлат тузади. (1331—1370).

Қозағон (1346—1318) Темур отасининг амири.

Темур 1381 да Ҳиротни ишғол қилади. Аввал Мироншоҳ, кейин 1397 дан бошлаб Шоҳрух ҳоким бўлади.

Жаҳонгир, Умаршайх, Мироншоҳ болаларининг давлатлари Шоҳрух ўғиллари қўлига ўтади. 1409 дан бошлаб Самарқанд Улуғбекка, 1414 дан бошлаб Иброҳим Султон Шерозда, 1418 дан Суюртгамиш, Кобул, Ғазна, Қандаҳорда Бойсунғур (яхши маълумотли отаси олдида вазир ҳолида бўлади). 10

Темурийлар. Темур 1336 йилда туғилган (сичқон йили).

Қадак хотун — Темурнинг ўғай онаси (1389 да ўлган).

Жаҳонгир (1356—1376).

Умаршайх (1354—1394).

Улжон (Туркан оға — Темурнинг хотини), амир Қадағоннинг невараси, Ҳусайннинг ҳамшираси.

Сарой Мулк хоним — Темурнинг хотини, аввал Ҳусайннинг хотини бўлган. Қозон хонининг қизи — бефарзанд. 20

Чўлпон Мулк — Темурнинг хотини, гўзал. Мўғул Ҳожибекнинг қизи, рашкдан Темур ўлдирган эмиш. (лекин 1404 да ҳам у ҳаёт эди, дейдилар).

Улуғбек ҳокимияти. 1409—1449.

Шоҳрух: 1404—1447.

Темур Ҳусайн ҳарамидан унинг тўрт хотинини олади: бири — Сарой Мулк хоним, яна бири — Торма Ширин хоннинг қизи бўлган. Шу сабабдан Темур Кураган аталади (хон куёви). 30

Мўғул хони — Хон Ҳизр хўжанинг қизи Тукал хонимга уйланади Темур.

Султон Бахт бегим — Темурнинг қизи. (Улжон Туркал оғадан) Темурнинг қизи → Султон Ҳусайн → Феруза.

Феруза бегим Мироншоҳнинг невараси, Ҳусайннинг онаси.

Мироншоҳ 14 ёшда жангда иштирок этган, у Ўзбекхоннинг неварасига уйланган (Кураган). Ҳирот ҳокими бўлган. Кейин Темур Хулоку тахтини ҳам Мироншоҳга беради. Хулоку — форс-мўғуллар давлати бўлган (шимолий Эрон, Бағдод, Закавказия), пойтахти Султония, Табриз. Мироншоҳ қаттиққўл, овда отдан йиқилган, 40

шундан сўнг (1396) ҳокимиятни эплай олмаган (хотини Темурга келиб шикоят қилади). (Бартольд, II, 56).

Шоҳрух 1447 12. 3 да ўлади. (қишлолда). Тахтда шу вақтда Алавууддавла бўлади. 1448 йил бошида Улуғбек Ҳиротни олиб, Абдулатифни тахтда қолдиради. 15 кундан сўнг — 1448 йил баҳорида Абулқосим Ҳиротга киради (1457 да ўлади).

10 25 (27) октябрь 1449 да Абдулатиф Улуғбекни қатл эттиради. 5 май 1450 да Абдулатифни ўқ отиб ўлдирадидилар. Самарқанд тахтида Абдулло (Улуғбекнинг куёви, Шоҳрухнинг невараси) ўтиради.

1451 да Самарқанд тахтига Абу Саид ўтиради. 1458 да Ҳиротни олади. 1469 да ўлади (урушда). Тахтга Мирзо Султон Аҳмад ўтиради (оми, динчи, майхўр). Тахтга Мирзо Султон Маҳмуд ўтиради (илмпарвар). Тахтда Ҳусайн Бойқаро (1506 да вафот этади).

Абдулло Улуғбекнинг куёви.

Улуғбекнинг хотинлари:

20 1. *Оға бегим* — Муҳаммад Султоннинг қизи (1419 да ўлган, Ўзбекхон авлодидан).

2. *Оқ султон хоника* (Султон Муҳаммадхон қизи).

3. *Ҳусн Нигор хоника* (Ҳалил Султон қизи).

1404 да Улуғбек уйланади.

Шоҳрух Баҳодир хон. Улуғ Султон Муаззам Шоҳрух хон, Шоҳрухбек.

Улуғбек хон, Улуғбек Курагон.

Гавҳаршод — Чиғатой Фиёсиддин Тархонни қизи (Шоҳрухнинг хотини).

30 Султон Муҳаммадни Абдулқосим Бобир ўлдирган.

Шоҳрухнинг онаси — канизак, Тоғай Туркан оға. Абдулатиф 1450 5/V. «Боғи Чинор»да ўқ билан ўлдирилади. (Бартольд, II, 161).

Халил Султоннинг онаси — Суюнбика хонзода.

40 Шодмулк — Халилнинг севимли хотини; у хазинани сарф қила бошлайди, Темур хотинларини эрга бердиради. Сарой Мулк хоним ва Тукал хонимни заҳарлаганмиш. 1409 да Шоҳрух Самарқандни олади, Шодмулкни кўчаларда сазойи қилади. Кейин Халилга қайтаради. Халил 1411 да вафот этади, Шодмулк ўзини ўлдиради. Халил Султонни онаси Қизил Урда хони Ўзбекхоннинг невараси.

1457 да Абу Саид буйруғи билан Гавҳаршод ўлдирилади. (Алауддавланинг ўғли, яъни Гавҳаршоднинг невараси Султон Иброҳим билан яширин алоқада деган айб билан).

Абу Саид Мироншоҳнинг невараси.

Абул Ҳайр, 1452 да Улуғбекнинг қизи Робия Султон Бегимни олади, Сугноқда яшайди, қабри Яссиди. Абул Ҳайр 1458да ўлади. Ўғли Суюнч хон (Яна бир ўғли Кучкинг хон, невараси Муҳаммад Шайбоний).

Оға бегим Улуғбекнинг биринчи хотини, Муҳаммад Султоннинг қизи. 1419 да вафот этган. Суюн оға (Суюн бика — Муҳаммад Султоннинг онаси) Ўзбекхоннинг невараси (хонзода аталади). Отаси Хоразм амири, 1374 да Жаҳонгирга тўй бўлган, Жаҳонгир ўлгандан сўнг Мироншоҳга теккан. 10

Ҳусайннинг онаси Феруза бегим — Мироншоҳнинг қизининг қизи ва Темур невараси — Султон Ҳусайннинг қизи.

Султон Ҳусайн 1445 йил ўлдирилган, оиласи Шоҳрух ўлганда Тафтга қочади. Бойқаро Темур ўлганда 12 ёшда бўлган, у 1415 да ҳокимиятни йўқотади. Шоҳрух уни Қандаҳорга юборади; Қандаҳор ҳокимига қарши иш кўргани учун қамалади. Самарқандга юборилади. 1417 да ўлдирилган бўлса керак. 20

Муҳаммад Мўмин (— 1497да ўлган).

Ибн Ҳожиб (— 1248 да вафоти). Фиқҳ ва араб тили мутахассиси.

Хуросонда Абдулқосим Бобир ва Султон Муҳаммад (Шоҳрух набиралари), Самарқандда Абдулатиф, Мирзо Абдулло, Абу Саид ҳукм сурди). 30

Абул Қосим Бобир 1457 да вафот этди, 1459да Абу Саид Ҳиротни босиб олди.

Ҳусайн Бойқаро 1460—61, 64-йилларда Абу Саидга қарши курашди. Навоийнинг тоғалари Мир Саид ва Муҳаммад Алилар Бойқаро қўшинлари сафида жангларда ҳалок бўлди (Абу Саид ўлдирди).

Абу Саид Улуғбекнинг 16 ёш набираси Аҳмадни, 17 яшар Мирзо Абдураззоқни, Маҳмуд Мирзони ва Гавҳаршод бегимни қиличдан ўтказди.

1446 да Бойсунқорнинг ўғли Султон Муҳаммад босиб Шоҳрухга қарши бош кўтаради. Шоҳрух Гавҳаршодни ва Абдулатифни ўзи билан бирга жабҳага олиб кетади. Ғалаба қозонади ва қишлолда вафот этади (12 март—25 зулҳижжа 850 да).

Гавҳаршод Абдулатифга аскарларини бошқаришни буюради, Абдулатиф бош байроқ остида туради (сўнг отаси Улуғбекка хабарчи юборади).

10 Улуғбек Шоҳрухнинг ёлғиз ҳаёт ўғли. Гавҳаршод яширин элчини Алауддавлага юборади (У Ҳиротда тахтда қолган эди).

Абдулатиф Гавҳаршодни қамоқда тутган ҳолда Шоҳрух жасадини олиб йўлга тушади. Бойсунқор ўғли Абулқосим Бобир ва Халил Султон Муҳаммад (Жаҳонгирнинг ва Шоҳрух қизининг ўғли) бош кўтарадилар ва Абдулатиф шимолга — Самарқандга юролмасдан Шарққа йўл олади. Гавҳаршод қамалганидан хабар топган Алауддавла ғазабга келади (у аввал Улуғбекдан андиша қилиб, ўзини подшоҳ деб эълон қилишдан ҳайиқиб турган эди). Ғазабланиб, тахтни олади. 29 апрель 1447 да Шопур ёнида Алауддавла аскарлари Абдулатифга ҳужум қилиб, уни қамоққа олади, Гавҳаршодни озод қилади, Ҳиротга яқин жойда Алауддавла қарши олади. Абдулатиф Ихтиёриддин қалъасига ҳибс қилинади. Шоҳрух дафн этилади.

Алауддавла аскарлари билан бирга Улуғбекка қарши ҳужумга жўнайди. Улуғбек ва Алауддавла битим тузади. Алауддавла ва Абулқосим Бобир ўртасида ҳам битим тузилади. Абдулатиф озод қилинади ва Балхга ҳоким бўлиб кетади. 1447—48 да яна Абдулатиф ва Алауддавла ўртасида низо бошланади. 1448 қишида Улуғбек ва Абдулатиф биргалашиб Ҳиротдан 14 фарсаҳ масофада Алауддавла билан жанг қилади, ғолиб келадилар. Алауддавла биродари Бобир (Абулқосим) олдига қочади. Гавҳаршод ҳам аскарбошилар билан бирга қочади. Улуғбек Ҳиротни, Машҳадни олади. Абулқосим ва Алауддавла қочадилар. Улуғбек Ғолибият фармонини Абдулазиз номидан ёздиради. Ихтиёриддин қалъасида Абдулатифнинг хазинаси — олтин, кумуш идишлар ва миллион сўм олтинни Абдулатифга олишни ман этади. Абдулатиф норози бўлади отасидан.

Абулқосим Бобир тагин ҳужум бошлайди. Самарқандга Абулхайр хон ҳужум қилади. Улуғбек Шоҳрух

жасадини олиб Самарқандга жўнайди. Абдулатифни Ҳиротга қўяди. (У Балхни Абулқосимга ташлаб қочган эди). Улуғбек Султон Абу Саидни ва Ёр Алини — Нерито қалъасига ҳибс этган эди. Абу Саид одамларидан бири нон ичида арра киритади, улар кишанларини арралаб қочади ва қалъадан хазинани ҳам олиб қочади. Аскар тўплаб, ҳужумга киришадилар. Улуғбек кетгандан сўнг, яъни 15 кундан кейин Абдулатиф Ҳиротни ташлаб қочишга мажбур бўлади. Бундан хабардор бўлган Улуғбек Абдулатифга Балхга жўнашга буйруқ 10 қилади.

Бобир (Абулқосим) аскарлари Ҳиротни талади. Уч кун сўнг келган Ёр Али шаҳарни босиб олди ва йигирма кун ўтгач, Абулқосим Бобир етиб келди. Шаҳар ўртасида, чорсуда Ёр Алини жазолади. 852 охириги кунлари — 1449 да.

Абдулатиф ва Улуғбек орасида низо бошланади (1449 баҳорида Абдулатиф ҳокимиятида шаҳзодалардан бири бош кўтаради, уни Абдулатиф қатл эттиради ва буюмлари орасида, гўё Улуғбек исмидан бир мактуб топади. Шунини баҳона қилиб отасидан норози бўлади, жанг бошлайди). 20

Аскарлари уч ой қарама-қарши туради.

Абу Саид Самарқандга ҳужум бошлайди. Улуғбек Самарқандга қайтади, Абу Саид қочади. Улуғбек бир қадар тартиб ўрнатади. Улуғбек Абдулазизни олиб, тагин Абдулатифга қарши жўнайди. (Самарқандга Мироншофурчи деган кишини қўйиб кетган эди. Ота-бола ўртасида Самарқандга яқин жойда жанг бўлади. Улуғбек мағлубиятга учрайди (IX, X—1449). Самарқанд дарвозасидан киролмайди, Мироншоҳ дарвозани ёпади. Улуғбек, Абдулазиз, бир неча навкарлари билан бирга Шоҳрухия қалъасига боради, қалъа ҳокими Иброҳим киритмайди ва Улуғбекни Абдулатифга тутиб бермоқчи бўлади. Улуғбек ўз ихтиёри билан Абдулазизни ва навкарларини олиб, Самарқандга келиб Абдулатифга таслим бўлади). 30

Улуғбек Маккага кетмоқчи. Абдулатиф унга Амир Муҳаммад Хисравни қўшади. Улуғбекдан яширин суд бўлади. Гўё Абдулатиф четда қолади. Чингизийлардан бир одам хон дейилади. Бу хон олдида Аббос (қасосчи). Унинг отасини Улуғбек жазолаган, бир вақтларда, дейдилар, тиз чўкиб қасос олишга руҳсат сўраган (Абду- 40

латифнинг ҳийласи). Хон рухсат беради. Имомлар фатво беради. Аммо Қози Мискин имзо чекмайди. Улуғбек Хўжа Муҳаммад Хисрав билан бирга кечқурун Самарқанддан чиқиб кетади. Қайфи чоғ. Кўп ўтмай, орқадан биров келиб, хон исмидан буйруқ келтиради. Бир манзилни кўрсатади. Сафар тараддудини кўриш керак дейди. Бир қишлоқда тўхтайдилар. Хона совуқ, Улуғбек ўт ёқишни буюради. Гўшт пиширинглар, дейди. Улуғбекнинг тўнига учқун тушади, озгина куяди. Улуғбек оловга қараб: «Сан ҳам билдинг», — дейди. Қайфи бузилади. Ҳожи уни овутмоқчи бўлади. Бирдан эшик очилиб, Аббос билан бир киши киради. Улуғбек сапчиб туради. Аббоснинг кўкрагига мушт туширади. Аббоснинг шериги Улуғбекнинг устидан олтой пўстинини йириб олади ва маҳкам ушлайди. Аббос арқон излаб чиқиб кетади, Ҳожи эшикни занжирлайди (Улуғбек таҳорат қилиб олсин учун). Аббос Улуғбекни боғлаб ҳовлига олиб чиқади. Ҳожи ва бир нечалар бурчак-бурчакка яширинадилар, кўринмаслик учун. Аббос фонус олдига

10 Улуғбекни ўтқазиб, қилични бир солиб қатл этади (саккиз рамазон 853 ҳижрия — 25 октябрь 1449). Қабрида ўнинчи рамазон **ёзилган**.

Султон Муҳаммад ҳужум қилиб Ҳиротни ишғол этади (Султон Муҳаммад Улуғбек қатлини эшитиб қайғуради). Уч-тўрт кундан сўнг Абдулатиф Абдулазизни қатл эттиради. Бир неча амирларни қатл этади. Абу Саидни ҳибс этади. 1450 йил баҳорида у қочади. Абдулатиф имом-эшонларга илтифот қилади, ҳурмат қилади. Халқ ва ҳарбийларга ҳаёт оғирлашади. Қаттиққўл

30 бўлади. 1450 йил, 8 майда Улуғбек ва Абдулазиз навкарлари Абулатифни ўлдиради. У «Боғи Чинор»дан шаҳарга намозга кетаётганда ўқ билан ўлдирилади. Шу кеча у туш кўрган эмиш. Унга патнисда ўз бошини келтирганлар эмиш. Чўчиб уйғонади ва китоб билан фол очади (Низомий девони билан). «Отасини ўлдирганга тахт тегмайди, тегса ҳам олти ойдин ортиқ ҳукм суролмайди», деб ёзилган экан. Ўқ узган Бобо Ҳусайн Баҳодир. У Туркистонга қочади. Абдулатиф «Оллоҳ! Ўқ тегди...» деб отдан йиқилади. Ёнидагилар тум тарақай қочади.

40 Душманлари шу он калласини кесиб, Улуғбек мадрасасига осадилар. Абдуллони зиндондан озод қилиб, тахтга ўтказадилар. 1450—1451 ҳукм суради. Балки у Улуғбек жасадини Гўри Амирга дафн эттирган

бўлса керак (қабр тошига Абдулатиф — отасининг қотили деб ёзилган).

Абу Саид Бухорода қамалган эди. Абдулатифнинг ўлдирилганлиги хабари олинган он, уни озод этиб подшоҳ деб кўтардилар. У Самарқандга юриш бошлайди. Мағлубиятга учраб, даштга қочади.

Абдулло ва Алауддавла, сўнгра Султон Муҳаммад ва Абулқосим Бобир ораларида жанг бўлади. Абу Саид Туркистонни олади. Абу Саид билан Абдулло ўртасидаги жангда Абдулло ўлади. Абулхайр Абу Саидга ёрдам берган. 10

Абу Саид (1451) Самарқанд тахтига ўтиради. Абдулатиф одамларини жазолайди. Тошкентдан Хўжа Аҳрорни олдирди.

1458 да Абу Саид тагин Ҳиротга келади.

Ғарбий Эронга юришда 1469 да Абу Саид ўлади.

Ундан сўнг Мирза Султон Маҳмуд тахтга ўтиради (илм ҳомийси). У Хўжа Аҳрорни ёмон кўради.

Ҳиротда Ҳусайн Бойқаро. Ҳирот гуллайди, яшнайди, Заҳириддин Бобир «Дунёда энг гўзал шаҳар Ҳирот» дейди. 20

1453 йилда Ғарбий Эрон, Озарбайжондан океанга қадар туркманлар қўлига ўтади. 1380 дан Темур ва Темурийлар қўлида бўлган эди. Жаҳоншоҳ (туркман) билан Абу Саид ўртасида битим бўлади: Ғарбий Эрон Жаҳоншоҳга, Хуросон Абу Саидга деб. (Жаҳоншоҳ — қора қўй, Узун Ҳасан 1466—1478 оқ қўй, унинг ўғли Яқуб (1479—1499)).

Кейин Туркистон Абу Саид болалари қўлида. Хуросон Ҳусайн Бойқаро қўлида қолади. 30

Ҳирот маданияти Самарқанд маданиятидан юксак бўлади.

«БОБИР» ДОСТОНИ УЧУН МАТЕРИАЛЛАР

Андижон ноки энг яхшидур. Семиз қирговулни тўрт киши тамом қилолмади.

Ўшнинг ҳавоси соф. Боракуҳ тоғида Бобир 902 йилда ҳужра (айвонли) қурдирган. Боғ кўп гунафшали гўзал.

Марғилонда энг яхши анор, дона калон.

Субҳоний — туршак, мағизли.

Исфарада бодом кўп.

10 Исфара тўрт бўлакдан иборат: Исфара, Воруҳ, Сўх, Хушёр.

Шайбоний Султон Маҳмудхон ва Олача хонни енгиб, Тошкент ва Шоҳрухияни олганда Бобир Сўх ва Хушёрда бир йил қийин ҳаёт кечириб, Кобилга жўнайди. Хўжанд тоғи — Мути — гилада феруза кўп, маъданлар кўп ва илон кўп.

Аҳси — шаҳар, қовуни кўп ширин.

Фарғона тоғларида Тобулғу ҳасса қамчи ишланади.

20 *Умаршайх* — Бобирнинг отаси, 39 ёшда жарга йиқилиб ўлади (кабутарлари билан). У 860 (ҳижрий)да туғилган, Султон Абу Саиднинг тўртинчи ўғли. (Султон Аҳмад, Султон Муҳаммад, Султон Маҳмуд, Умаршайх).

Султон Аҳмад баланд бўйли, қора соқолли, мағиздай семиз, саллани қошига бостириб тўрт марта ўрар экан, хуш суҳбат. Бургут билан яхши ов қилар экан. (Улуғбекдан кейин иккинчи ўринда туради).

Умаршайхнинг хотинлари: Тун Султон, Оға Султон, Улус Оға ва Қутлуғ Нигор хоним.

30 Хонзода бегимни Шайбонийхон олади, ўғли Хуррам шоҳ.

Бобирнинг Маҳинбегим исмли хотини бўлган,
1533 йилда вафот этган.

Самарқанд олмаси ва соҳиби узуми машҳур.

Кўк Саройда мачит бор, ҳинд меъморлари ишлаган.

Самарқанд шарқида Темур икки боғ қурган: «Боғи бўлди» ва «Боғи Дилкушо». «Боғи Дилкушо»дан фе-
руза дарвозасига қадар хиёбон — теракдан.

«Дилкушо»да қаср бор, деворларида ҳинд муҳара-
баси (расмлар).

Темур Қўҳак тоғи этагида Конирил канали (оби 10
раҳмат) бўйига «Нақши жаҳон» боғини қурган. (Бобир
кўрғанда бу боғ харобага айланган экан).

Самарқанд жанубида «Боғи Чинор», Самарқанд-
нинг пастида «Боғи шамол» ва «Боғи биҳишт».

Улуғбек Самарқандда ҳаммом қурдирган. Хил-хил
тош билан тўшалган. «Хуросонда мисли йўқ бўлса ке-
рак» дейди Бобир.

Расадхона Қўҳак тоғи этагида, уч қават, «Қураго-
ний Жадвали»ни қурган. Қўҳак тоғининг ғарбий эта-
гида Улуғбек «Боғи Майдон» қуриб икки қават «Чил- 20
стун» номида бино қурдиради. Ҳаммаси тошдан. Юқо-
рида гир айланган айвон. Ўртада тўрт эшикли уй. Яна
бир кичик боғ қуради. Ўртасида айвон. Ўртасида тош
тахт. Тош — ўн тўрт, ўн беш қарич бўйи, саккиз қарич
эни, бир қарич қалинлиги. Узоқдан келтирилган, сўнг бир
дарз пайдо бўлган. Боғда бир айвон бор, ярмидан паст
қисми ҳаммаси чиннидан.

Сулиғон Аҳмад Мирзо замонида ҳам кўп боғ қурил-
ган.

Бозор, ҳар бир мол ҳунар учун айри-айри бўлган. 30

Дунёда энг яхши қоғоз Самарқандники. Бу қоғоз
учун сув Конирил каналидан келади. Конирил Сиёҳоб
бўйида. Самарқанд қирмизи дуҳобаси бутун дунёга
машҳур.

Аҳсийда Мир Темурий қовуни ширин. Бухоро олхў-
риси ҳам жуда машҳур. Бухоро майи энг ўткир май.

Самарқанд билан Шаҳрисабз орасида (кеш) тоғ
бор, Итмакдабоний аталади. Бинокорликка тош шун-
дан келтирилади.

«Ўттиз ёғоч чўзилган боғлари бор» деган Темур, 40
чунки вилоятлар боғ ва далалар билан тутшиб кетган.
Самарқанд билан Қарши оралиғи — ўн саккиз ёғоч.

Хўжа Мавлоно Қозий (Абдулло) Бобирнинг устоди, мураббийси. Ота томони Шайх Бурхониддинга боради, она томони Султон Илк Мазага чиқади. «Ундан ўзга жасурни кўрмаганман» дейди Бобир. Авлиё дейди уни Бобир.

Самарқандни ташлаб, Андижонни ололмаган. Бундан ортиқ ғам, азоб умримда чекмаганман, дейди Бобир.

10 Носухда «Исмоил Шайхий» деган қовун кўп лаззатли, сувли, шарбатли.

Адинапур қалъаси олдида «Боғи вафо» қуради Бобир. Кобулдан ўн уч ёғоч.

Ватан латофатларини нечук унутгай. Ҳинд беклари билан кенгаш қилади. Ҳинд урф-одатларига риоя қилади. «Саккиз жаннат» боғига узум, қовунлар эктиради. Улардан ҳосил етишганда суюнади, йиғлайди. Бобир Ҳиротни — Ҳирийни жуда мақтайди.

Кўҳи Сафиддан сира қор кетмайди, ярим кунлик йўлда пастда ҳеч қор тушмайди.

20 Оратош — олтин рангли вино, суҳантош — қизил вино. Бу винолар Дарайн Нурда ясалади.

Мастик оғочи кўп ёруғлик беради, ҳиди хушбўй, чўғи узоқ сақланади. Кўк новдалари ҳам ёнади.

Иман — кўп иссиқлик ва кўп чўғ беради. Кўк новда барглари билан ёқилса, шатирлаб ёнади, бошдан оёқ бирдан ёнади. Бодом оғочни ҳам ёқадилар.

Бобирнинг жуда нозик қалби бор эди. Гўзал манзараларни, гўзал боғларни яхши кўрар эди. (масалан, теракнинг кузда сарғайганини гўзал дейди).

30 Бобир қирқ ёшдан сўнг ичмасликка ният қилган, шунинг учун қирққа яқин ниҳоят кўп ичдим дейди.

«МАЖОЛИСУН-НАФОИС» ДАН

1444 да Навоий биринчи марта амир Ҳасан Анвар (шоир, файласуф) шеърини ёд олади ва отасининг дўстларига ўқиб беради. Улар ҳайратланади.

Риндему ошиқему жаҳонсўзу жома чок,
Бо давлати ғами ту зи фикри жаҳон чи бок.

(Риндлармиз, ошиқлармиз, жаҳонни куйдирувчи ва ёқаси вайронлармиз, Сенинг ғами давлатинг билан эканмиз, жаҳонни ўйлашнинг не ҳожати бор?)

Навоий 14—15 ёшда икки тилда ижод этади, машҳур бўлади. 1456 да Абулқосим Бобир саройида хизматда бўлади. Шоҳ Машҳадга борганда Алишер ва Ҳусайн кузатиб борадилар. 1457 да Бобир вафот этади. Алишер Машҳадда илм ила машғул қолди, камолот ва фозилликни эгаллаш учун қолди. Бир неча йилдан сўнг Ҳиротга қайтади. Сўнг Самарқандга. 1469 апрелда Ҳиротга, Ҳусайн Бойқаро саройига муҳрдорликка келади. 1472 да бош вазир бўлиб тайин этилади. 300 дан ортиқ жамоат бинолари қурдиради. 120 минг сатрдан ортиқ шеър ёзади. 1487 да Астрободга боради, 1489 да Ҳиротга қайтади. 3 январь 1501 да вафот этади.

Абулқосим Бобир саройида Мавлоно Волаҳ — Хаёлий.

Мавлоно Муқимий — сўфийлик илмидан билурди.
Камолий — шоир.

Мавлоно Атоин — хушхулқ, хушчақчақ.

Шайх Камол Турбатий — Хуросоннинг таниқли билимдонларидан. Навоий уни кўришга орзу қиларди. Бир қурбон нидда Машҳадга зиёратга узоқ-яқиндан кўп кишилар келди. Мусофирлар ҳужраларни кўриб юраркан, Навоий ҳужрасига кирдилар. Навоий хаста

Йиқилган ётурди. Улар деворда битилган байтларни ўқиб, бир байт устида баҳсга тушдилар. Бир улугроқ киши бошқаларни баҳсда енгиб чиқди. Хаста Навоий энгилган кишилар ёнини босиб сўз айтди. Улуғ киши зиёратга келмиш Камол эди, унга бемор йигит сўз айтурди, дедилар. Навоий бошига келиб фикрини сўради. Алишер жавоб бергач, у сўздан қайтди, таҳсин айтди, ёнига ўтириб кўнглини олди, у ҳам Навоийни эшитганлигини ва кўрмакка орзуси борлигини сўзлади.

10 Кейин манзилга бориб, туҳфа-совғалар юборди ва кетгунча келиб турди.

15 билан 45 ёшда киши ишққа қаттиқ берилади, дейди Навоий. У Жомий, Ҳофиз Шерозий, Ҳисрав Деҳлавий шеърларини кўп ўқийди, ёдлайди. 50 минг байт ёд билурди. Шеърини ижодга қаттиқ берилишини Навоий йигитлик даври — ҳаёт лаззатларига берилиш даврига тўғри келганини айтади: «Жонима ишқ бодасидан маст ва бода ишқидан майпараст маҳалимда, умрим кечаси ёшлик шамъларида чароғли, ҳаётим гулшани йигитлик гуллари ҳидларига тўлган чоғимда, кўнглимда не фикр пайдо бўлса — тилим уни назм кетимига кийгазиб ифода этар эди».

Бўлмаса олдимда гулруҳ, соқий аҳволим хароб,
Йўқ эса соқийда гулгун, жоми май бағрим кабоб.
Кўнглимда не маъно эрса бўлса пайдо,
Тил айлар эди назм либосида адо.

Мавлоно Абдуқаҳҳор — донишманд, истеъдодли киши, ишқи кимёга тушади, кўп нима зойеъ қилиб ҳеч нима ҳосил қила олмади. Кўп ўт пуфлаганидан модда қулоғи сори эниб, кар бўлди, анинг кўп яхши шеърлари бор.

30

Абу Саид оқ саройни ясаганда Мавлоно Ишқийнинг иморат таърифидаги шеъри яхши тушибдур.

Навоий кўп кишилар ила танишди, яқинлашди. Тўрттаси жуда яқин эди: Саид Ҳасан Ардашер. Олим, шоир. Алишер 1455—56 унинг билан учрашади. Отам дейди уни.

Паҳлавон Муҳаммад (қирқ йил дўст бўлган булар). 1491 да ўлган, демак Навоий 10 ёшларда танишган.

40 У олим, файласуф, паҳлавон, мусиқашунос, шоир, созанда, бастакор, табиб, астроном.

Навойи уни «Шамсулмиллат» — «Миллат қуёши» деб атайди. Булар садоқатли дўст бўлганлар.

Навойининг дўсти, устоди, ҳамкори — Абдурахмон Жомий — Қомусий олим. У Абу Саид замонида Ҳирот ташқарасида Саъиддин Кошғарий мозори бошида ўзига кулба қилади.

Яна бир дўсти, устоди сўз подшоҳи — Лутфийдур.

Абулқосим Бобир Алишерни ҳурмат қилар, шеърларини ўқир, у сўзнинг қадрига етувчи подшоҳ эрди.

Навойи Абу Саиддан илтифот кўрмагач, қайта Маш- 10
ҳадга кетади.

Навойи йигитлик даврини Самарқанддан Ҳиротга кетиш даврим дейди. Йигитлик чашмасининг, ҳаёт-бахшликнинг оғози — 25 дан 35 ёшгача дейди.

1445 да Алишерни мактабга элтадилар, Ҳусайн Бойқаро билан бирга ўқийди. Навойи яхши ўқийди. Тез орада шерикларидан ўзиб, таърифи кетади. Муаллим саводлари равон бўлсин деб шогирдларга насрдан ва назмдан ёдлатади. «Гулистон» ва «Бўстон» дан парчалар беради. Навойи «Мантиқут-тайр»ни севиб қолади 20
(Фаридиддин Атторники).

Шоҳрух вафотидан сўнги тахт учун бўлган можарода Ғиёсиддин Қичкина ақраболари билан бирга Ироққа қочади.

1453 йилда Абулқосим Бобир Ғиёсиддинни Сабзаворга ҳоким тайин қилди. Оила кўчиб борди. Астрабодда ўлган Мавлоно Шоҳийни келтириб, дафн қилганларида булар етиб борадилар. Навойи уни кўрмаса-да, у билан хат ёзишган эди. Алишер 10 ёшларида ҳам шеър ёзган дейиш мумкин, балки 7—8 ёшларида ёза 30
бошлаган. У Хўжа Юнус Бурҳондан мусиқа фанидан дарс олмишдир.

Сабзаворда олим, шоир Хўжа Авҳат Муставфий (фалакиётдан яхши билурди) ила Навойи кўп суҳбатда бўлурди. Ота-оналари билан Сабзаворда туриб, сўнг Навойи Абулқосим саройида бўлди.

Вале Қаландар бад шеърликда машҳур бўлган.

Алишернинг бобоси Темур ўғли Умаршайх билан кўкалдош эди (яъни, бир онадан эмишган).

Абдураззоқ Самарқандий — Шоҳрух саройи тарих- 40
чиси, дипломат.

Шаҳзодалардан Ҳусайн Бойқаро ва Абулқосим Бобир шоир бўлганлар. Давлатшоҳ ва Муҳаммад Со-

лиҳ шоир ва адабиёт тарихчиси бўлганлар. Бу иккиси сиёсий фаолиятдан кечиб, илмга ва адабиётга берилганлар.

Навойнинг болалик чоғида кўзга кўринган шоирлар: *Мавлоно Қадимий* — нақорачиликка машҳур; *Мавлоно Зоин* — киссадўз. *Мавлоно Орғун* — ҳаймадўз (чодир ясовчи). *Мавлоно Зулолий* ип йигириб сотувчи. У шеърлари тиниқ бўлганидан Зулолий тахаллусини олмиш.

Хўжа Исматулло Бухорий — Ҳалил Султон саройида катта шоир бўлган (форсигўй шоир). Тахт Улуғбекка ўтгандан сўнг саройдан четлашган. Улуғбек саройининг 10 шоири Саккокий (туркигўй).

**«НАВОИЙ» РОМАНИГА КИРИТИЛИШИ ЛОЗИМ БУЛГАН
БАЪЗИ ТУЗАТИШЛАР ВА БУЛИМЛАР**

1. Қизнинг исми Дилнавоз эмас — Ойбадоқ.
2. I бўлимни қайтадан ишлаш керак.
3. Ойбадоқ билан унинг йигитининг ишқи ҳақида қишлоқда, Тўғонбек борган вақтда алоҳида бир картина лозим.
4. Навоий Ҳиротда тартиб ўрнатиш учун келганда унга Ойбадоқнинг йигити арзи ҳолга кирсин.
5. Навоийнинг уйига одамлар арзи ҳол ва ҳар нав ёрдам учун доимо келиб туришларини кўрсатиш керак.

«ЧОР ДЕВОН»ДА 47 МИНГ МИСРА

1. «Ғаройибус-сиғар» — Диковины детских лет.

2. «Наводируш-шабоб» — Достопримечательность юности.

3. «Бадоеул-васат» — Редкости средней поры жизни.

4. «Фавойидул-кибар» — Наставление старости.

«Чор девон»да ғазаллардан ташқари маснавийлар, соқийномалар, рубойлар, туюқлар, муаммолар, қитъалар бор. Шеърнинг турли навларига доир мисоллар

10 кўп топилади.

Ғазалларни мазмун эътиборила учга бўлиш мумкин:

1) Ишқий мотивлар;

2) Социал мазмунга эга ғазаллар.

3) Фалсафий мазмунли шеърлар.

Навой ғазаллари бадий тасвирий воситаларга ғоят бой. Шоир кутилмаган ўхшатишлар яратишга интилади. Унинг тасвирий воситаларида энг кўп ўринни метафора олади. Унинг метафоралари ғоят сиқиқ, оригиналдир. «Чор девон»да араб, форсий вазнининг жуда

20 кўп турларини қўллайди.

Ғазаллар орасида халқ мотивлари таъсири остида ёзилган жуда жонли соддалари ҳам учрайди. Унинг ғазалларига ўша вақтларда Ҳиротда энг яхши мусиқий-шунослар куй боғлаганлар. Энг яхши ҳофизлар айтганлар. Ҳозирги вақтда ҳам Навой ғазалларини халқ завқ билан тинглайди.

ЕН ДАФТАРЧАНИНГ БИР ВАРАҒИ

Қайдлар ва эслатмалар:

1. Оғзи куймаса оловни ютади (Таъмагир, олғир ҳақида).

2. Чол билан кампир ойдинли тунда ўз ёшликларини, биринчи севги йилларини хотирлашади.

3. Хотинлар азада семиради.

4. Султон Ҳусайн Мирзо Ёдгорга қарши (курашда) ёрдам олиш учун ўзбек хони Абулхайр қошига боради. Хон руку¹ қилса, қабул қилишни билдиради. Темур авлоди учун бу талаб оғир. Уртада музокара юритилиб, ниҳоят хон уни қабул қилади. Зиёфат. Султон Ҳусайн кўп ичади, маст бўлмайди, хон таажжубланиб, таҳсин қилади. 10

¹ Эғияш.

ҚАИДЛАР

1. Ложувард — зангори эмас (*мунаққид фикри*).
 2. Забардаст — чапдаст.
 3. Мушоира — баҳри байт.
 4. Ўрта аср шаҳарларига хос унсурлардан бири — гадой — бу йўқ менда.
 5. Хирс билан қараш?
 6. Навоий халқ тўғрисида ғоят кўп сўзлайди.
 7. Инсон номи баланд ва улуғвордир — бу фикрни
- 10 бошқа шаклда бериш керак.
8. Ингичка санъат — нафис санъат.
 9. Зайниддин аския ва латифаларни оз сўзлайди.
 10. Расм санъати ҳақидаги фикрлар бўш.

ЭСДА ҚОЛДИРИШ УЧУН

1. Ҳар зоғ ба як доғ.
2. Як бом, ду ҳаво (кампирнинг ўз қизи-куёвига ҳам ўгли-келинига қараши ҳақида).
3. Отаси бек ўтмаган одам овга чиқса, ғоз-ўрдакни фарқ қилмасдан қарғага қуш солади.
4. Машраб Балхга жўнаркан, йўлда дарё учрайди. Кемачи уни кемага олмайди. Машраб жаҳл билан эшакни сувга солади. Соҳилга саломат етиб, кемачига дейди:

10

Кемачи, кеманга солмай, юрагинг ғам бўлдиму,
Эшагини сувга солдим, тўқими нам бўлдиму?

(Ситораи Моҳихосса боғбони оғзидан).

5. Товус қичқираркан, «фироқ, фироқ» дер эмиш (Товус Одам Ато ва Момо Ҳаво билан жаннатдан қувилган, «Фироқ» шундан киноя).

ЭСДА ТУТИШ УЧУН

1. Навоий Астрободда экан, олимларга мактублар ёзиб, илмий ишларидан хабардор бўлиб туради.

2. Беҳзоднинг асарлари билан қизиқади. Султон Алига янги китоблар буюради.

3. Романнинг бош қисмларида Беҳзод билан Навоийнинг учрашуви кўрсатилади.

4. Навоий Беҳзоднинг ишхонасида.

10 5. Дастлабки бобларда Навоий болалик, йигитлик чоқларини хотирлайди.

6. Арслонқулга закотчилар келади. Арслонқул улар билан анча гижиллашиб олади.

7. Маждиддин ўз боғида қилган яширин мажлисида Дарвеш Али масаласини ҳам эслаб ўтиш керак.

20 8. Маждиддин Навоийнинг Астрободда қилаётган «қирдикорлари» ҳақида подшога сўзлагандан сўнг девонхонага чиқади. Подшо ёнига Низомулмулк киради. Маждиддиндан шикоят қилади. Подшо кечки базм олидида Маждиддин билан сўзлашади. Маждиддин ҳамма айбни Низомулмулкка ағдаради ва уни вазирликдан туширади.

9. Навоий Астрободда экан, мулозимларига хат ёзиб зироатдан ва ўзга вақфлардан келган даромадни қандай сарф қилиш тўғрисида муфассал кўрсатиши керак.

10. Беҳзод Навоийнинг бино қурилишига келиб тамошо қилади. Илҳомланиб расм ишлашга қарор қилади.

30 11. Навоий Ҳиротга қайтганда эшикда тўпланган халқ ундан нима кутганлигини сўзласин, Навоий, токи тирикман, эл манфаати учун ишлайман, десин ва ҳоказо.

НАВОИЙ АРИҚ ҚАЗДИРГАН

«Чашмаи гулист» — Хуросоннинг машҳур чашмаларидан. Товус вилоятида. Машҳадгача оқиб борар эди. Уzunлиги икки фарсаҳ. Тошлоқ-тошлиқ, паст-баланд жойлардан ўтади. Машҳад шаҳри бу ариқдан сув ичиб жаннатдай бўлганлигини Шоҳ (Давлатшоҳ Самарқандий) ўз таъкирасида сўзлайди.



Хусайн Султон Маҳмуд юришидан Балхга келади. Катта овдан кейин Ҳиротга қайтади, Алишер ҳам Ҳиротга жўнайди. Бурундуқ ҳам унинг ўғли Шужондин Муҳаммад Маждиддин томонини олади. Низомулмулк ёмонлайди. Султон ҳаммасини қамоққа буюради. Шу воқеалар замонида Жомий ўлади. — 1492, 9 ноябрь, жума куни. Маждиддинни Муҳаммад Амир Ободий сўроқлайди.

Низомулмулкнинг ўғиллари — Қамолиддин Хусайн, Амидил Мулк.

1497 йилда Алишер Бадруззамонга — Балхга боради. Воситачилик учун. Шаҳзода 1497 йил 2 майда (29 шаботда) отага қарши уруш очади. Енгилади. Эртаси куни Астрободда унинг ўғли Музаффар Мирзо қўлга тушади (1497 йил 29 сентябрда), (903 ҳижрий, сафар ойида) Ҳиротга келтирилиб қамалади. Ҳадича бегим Мурғобдаги лагерда. Буйруқ олади. Бу вақтда 20 Алишер Машҳадда бўлган.

1497 йил майда Хўжа Афзал келади. Афзал Низомулмулкка душманлигини кўрсатади. (Шуввал ойида) — 23 майда Афзал вазир тайинланади. Бу вақтда Султон Улангнишинда эди. Жанубий Афғонистонни ишғол қилиб, ўғли учун қасос олишни истаган Бадиуззамоннинг янги ҳужумини кутарди. Алишер Султон билан бирга лагерда эди.

Султон Хусайн Низомулмулкнинг жиноятларини кўриб, Алишер билан кенгашиб, уни бутун оиласи билан 30 қамашга, молини мусодара қилишга буюради. Июнь бошида Низомулмулк ҳам унинг қариндоши Низомиддин

Курт уларнинг ишидан қамалади. Бу вақтда Навоий Ҳиротга қайтади.

Низомулмулк ўлдирилган кун Бадидуззамоннинг та-
рафдорлари ҳисобланган Имодул Ислоҳ, Хўжа Абдул-
азиз, Низомиддин Курт, Маҳмудшоҳ Фарофий ўлдири-
ладилар.

Султон Уланғишинда. 13 июнда Бадидуззамоннинг
яқинлашуви эшитилади. Алишер Валибек билан Ҳи-
ротда куч тўплаб лагерга жўнайди.

Бадидуззамоннинг ҳужуми даф этилади. 28 августда 10
Алишер шаҳзода қошига бориб, музокара юритади.
Султонни ярашмоққа қистайди. Султон 3 сентябрда
Ҳиротга қайтади.

1498 йил кузда Султоннинг икки ўғли исён кўтара-
ди. Марвдаги ўғлининг оти Абулмуҳсин (У) Марвни
тўрт ой муҳосира қилади. Бу вақтда Алишер табиб
Абулхайрни Машҳаддан Марвга нома билан юборади.
Маккага жўнашга руҳсат сўрайди. Султондан рад жа-
воби келади. Машҳаднинг шайхлари ва саидлари ҳам
бу вазиятда ватанни тарк этмак яхши эмас, дейдилар. 20
Алишер Султон ҳузурига жўнайди. (1499 йил, илк ба-
ҳорда). Марв йўлида, Серафаст диёрида сулҳ тузилга-
нини эшитади. Дарвеш Али ўртада турар экан, тез кун-
да Серафастга Султон келди. Бозоргон тепада учраш-
дилар. Султон унинг ҳамма талабларини қондиришга
ваъда берди. Ҳиротга қайтиб, Алишер Козоргоҳ мозори
олдида катта ош тортди. Дарвешлик, фақирлик йўлига
киришга ҳаракат қилди.

Алишер ўз вазиятини бўш сезарди. Шунинг учун
тарки ватан қилишга тайёр эди. 1499 да Султон (Ҳу- 30
сайн) Ҳайдарни ўлдирди (Ҳайдар Қундузга Хисрав
шоҳ олдида борди. Хисрав шоҳ Балхга ҳужум қилди.
Ҳусайн Бойқаро Балхга, туғли Иброҳим Хусайнга ёр-
дамга чиқди. Хисрав Ҳайдарни музокара учун юборди.
Уни тутиб ўлдирдилар). Алишер қаттиқ қайғурди. Ке-
йин Султон яна Марвга, Астрободга юришга мажбур
бўлади. Ҳиротда Алишер ва Муборизиддин қолади. Бу
вақтда Бадидуззамоннинг келаётганини эшитади. Ҳирот
мудофаасини Валибек, Алишер олади. У Бадидуззамон-
га элчилар юборади. Султоннинг кучи оз эди. Султон 40
келиб ўғли билан сулҳ ясайди. Балх ҳам Амударёдан

Мурғобгача бўлган жойлар унга тегди. Исми Хутбада айтиладиган бўлди.

28 июль 1500 йилда Султон яна Астрободга — Муҳаммад Ҳусайнга қарши отланди. Ҳиротда Алишер ва Валибек қолди. 28 декабрда Ҳиротга қайтади. Алишер истиқбол учун чиқади, ҳасталаниб қолади ва ҳоказо.

Мирхонд — 1485 да 66 ёшида ўлади.

Хондамир — 1475 да туғилиб 1535 да ўлади.

Мирсайид Кобилий — шоир.

10

Муҳаммад Али Ғарибий — шоир, хаттот, мусиқачи.

Навоий 1441 да, Ҳусайн — 1438 да.

Ҳусайннинг отаси Ғиёсиддин Мансур 1445 да ўлган.

Шоҳрух ўлганда тўполонда (Навоий) оиласи қочади. Тафтда Шарафиддин Яздийга учрашади. Ҳусайннинг онаси Феруза бегим (Темурнинг невараси — Султон Ҳусайннинг қизи бўлган. Султон Ҳусайн 1405 йили ўлдирилган).

Феруза Мироншоҳнинг қизининг қизи.

ТАҚРИЗЛАР

АЗИЗ ҚАЮМОВНИНГ «ҚУҚОН АДАБИЙ МУҲИТИ» АСАРИ ҲАҚИДА

Азиз Қаюмовнинг «Қўқон адабий муҳити» қўлёзма-сини мен диққат билан синчиклаб ўқиб чиқдим. Хоразм, Бухоро, Қўқон хонлари даврида яшаган шоирларнинг ижоди энди текширилишга бошланди.

Қўқон адабиёти соҳасида XVIII ва XIX асрларда шоирлар орасида анча самарали ижод этганлари бор. Қўқон шоирлари, умуман айтганда, Навоий ва Бобир яратган шеър ва дostonларни мазмунан ва шаклан фақат чайнаганлар дейиш мумкин. Аммо Ғозий, Ҳозик, Завқий, Маъдан, Нодира, Увайсий, Маҳзуна каби шоирлар ўз асарларида эски ишқий мавзудан ташқари замонасининг оғир, фожеъ, даҳшатли ҳаёти, қишлоқларда деҳқонларнинг мусибатли кунлари, умуман ижтимоий масалаларни куйлай бошлаганлар. Хонларнинг жабру зулмига жасур бош кўтарган Ҳозик каби шоирлар ҳаёти фожиали тугаб, бошлари кесилиб, ижод оқимлари узилгандир. Халқ бахтини, адолат ва тинчликни излаган шоирларнинг ва олимларнинг ҳаёти шундай қувғинда, ижодияти бўғилиб ўтганлар. Аммо фақат хонларни мақтаган, қийматсиз қасидалар ёзиш билан машғул бўлган, хон саройларида хира пашшадай бўлган шоирларгина кун кечира олганлар.

Азиз Қаюмовнинг бу асарида шу иккига ажралган шоирлар оқими яхши, мукаммал анализ этилган. Мисоллар ғоят тўла ва кўп берилган. Шундай оғир, қонли даврларда, беҳад жабркор хонлар тирноғида яшаган Ғозий, Ҳозик ва Маъдан каби шоирлар зулм, ваҳшатларга қарамасдан исён овозини баралла қўйиб, ижод қилганларини Азиз Қаюмов яхши, муфассал, чуқур кўрсатган. Кўриниб турибдики, автор кўп ишлаган, шу

мавзуга оид материалларни қидирган, топган ва яхши тадқиқ этган.

Лекин айрим жойларда ортиқча кенг ва такрор анализ қилинган ва бир масала устида ортиқча кўп мисоллар келтирилган. «Қўқон адабий муҳити» муҳим ва адабиётимиз учун керакли асардир.

Муаллифнинг олтиндай асл фикрлари, мулоҳазалари кўп. Аммо мен шошиб бу тақризни ёзганим учун мисолларни мукамал келтирмадим.

10 Уйлайманки, бу асарга ўртоқлар тўғри баҳо берурлар.

Ҳ. СУЛАЙМОННИНГ «АЛИШЕР НАВОИИ ЛИРИКАСИНИНГ ТЕКСТОЛОГИК ТАДҚИҚОТИ» ҲАҚИДА

XIV асрнинг II ярми ва XV аср бошида Мовароуннахрда, Самарқанд ва Ҳирот ҳийла кучли маданий марказга айланади. Айниқса, адабиёт ва санъат яхши ривож топиб ўса бошлайди. Бизнинг тарихий бойлигимиз бўлган, жаҳонда деярли мисли йўқ гўзал архитектурамиз ҳам шу даврга оид бўлиб, наққошлик, нафис санъат намуналари ҳам юқори босқичда бўлган. Тил, адабиёт, илм соҳасида ҳам шоир ва олимларимиз дунёда шуҳрат қозонганлар. Урта Осиё ўзбек-туркий тилининг адабий тил ҳолида шаклланиши, ишланиши ва мукаммалланиши, адабиётимизнинг тараққиёти ҳам шу даврга тўғри келади. Бунга қадар ўзбек-туркий шоирларнинг кўпчилиги ўз она тилларини рад этиб, форс тилида ёзганлар ва шеър, адабиётни фақат форс тилида ёзиш мумкин деганлар. XV асрда кескин ва кучли бурилиш пайдо бўлади ва ўзбек-туркий тилида ижод этувчи шоирлар кўпгина кўрина бошлайди. Буюк шоиримиз, олим ва файласуфимиз Алишер Навоий ўзбек-туркий адабиётини энг юқори чўққига кўтарди ва ниҳоят зўр, ниҳоят кенг ҳажмли адабий хазина қолдирди.

Улуғ шоир Навоийнинг ижодий мероси кенг ва катта бир оламдир. Уни яхши ўрганиш, ҳар томонлама мукаммал тадқиқот юритиш учун Навоий яшаган мураккаб даврнинг сиёсий-ижтимоий аҳволини, Навоийнинг дунёқараши, фалсафаси, тили, сиёсий фаолиятини жуда чуқур ва тафсилли ўрганиш лозимдир. Фақат буюк Октябрь инқилобидан сўнггина партияимизнинг тўғри миллий сиёсати дунё адабий меросини қадрлаши, ғамхўрлиги, адабиётчиларимиз ва олимларимизга Навоий ижодини чуқур ўрганиш учун кенг йўл очиб берди.

Навоийнинг ҳаёти, ижодили текшириш, асарларини

нашр этиш, текстологик тадқиқотлар юзасидан бугунга қадар бирмунча ишлар қилинди. Аммо Навоий ижодиёти ниҳоят мураккаб ва ниҳоят катта иш. Бу соҳада текстологик текширишда биринчи жиддий иш деб Ҳамид Сулаймоннинг «Навоий лирикасининг текстологик тадқиқоти»ни кўрсатиш мумкин.

10 Ҳамид Сулаймон Навоий лирикасини текстологик тадқиқ этишга зўр ғайрат ва шижоат билан киришди ҳам ўз олдига қўйган вазифани ғоят тўла ва кўркам бажаришга муяссар бўлди. Унинг иши майда, нозик, диққатли ва кенг ҳажмли ишдир. Ҳамид Сулаймон бизнинг улуғ мамлакатимиздаги Навоий ҳақидаги бутун адабий бойлик хазиналаримизни оралаб, дунёнинг машҳур кутубхоналари билан яқин алоқада бўлиб, Навоийнинг беҳад меросини ғоят зўр сабр билан текшириб чиққан. Жуда кўп энергия ва зўр ғайрат бўлмаса бундай кенг ҳажмли жиддий ишни албатта бир шахснинг эплаши маҳол эди.

20 Ҳамид Сулаймон Навоийнинг деярли бутун лирикасини йиғиб тартибга солган. Навоий лирикасини текстологик текшириб, шоирнинг асл шеърятини аниқлаш вазифасини ўз олдига қўйган ва бунга тўла ва мукамал бажара олган. Ҳамид Сулаймон ўзининг тадқиқотлари асосида «Ҳазойинул-маоний»нинг 1-жилди — «Ғаройбус-сиғар»нинг илмий-танқидий текстини тузган ва «Ҳазойинул-маоний»нинг бутун тўрт жилди (Чор девон)ни нашр эттирган.

30 Ҳамид Сулаймон Навоий асарлари қўлёзмаларини текшириш асосида ҳозирга қадар номаълум бўлган «Бадоеул-бидоя», «Наводирул-ниҳоя»ни топган, уларнинг мазмуни, ҳажми, таркибни тайин этган. Бу Навоий ижодиёти ҳақида маълумотимизга қўшилган яхши ҳиссадир.

40 Ҳ. Сулаймон ўзимиздаги ва хорижий кутубхоналардаги бир неча «Девони Фоний»ларни текшириб, солиштириб Навоийнинг асли «Девони Фоний»сини топган. Шу тобга қадар «Девони Фоний» масаласи ҳал этилмаганининг сабаби «Фоний» таҳаллусли шоирларнинг кўп бўлганлиги, уларнинг «Девони Фоний»лари сони кўплигидан ва бу масала жиддий, чуқур текширилмаганидан келиб чиқади. Ҳамид Сулаймон кунт билан текширган. У диссертациясида «Девони Фоний» ҳақида жуда ажойиб, қимматли фикрларни айтади.

Ҳозирга қадар Навоийнинг ўзининг қўл хати топилмаган ва номаълумдир. Ҳамид Сулаймон ҳам кўп уринишларга қарамасдан Навоийнинг қўл хатини топа олмаган ва топилиши мумкин эмас, деди. Унинг бу хулосаси менимча тўғридир. Балки Навоий ўз асарларини энг уста хаттотлар томонидан кўчиртиргандан сўнг ўз қўлёзмаларини эҳтимол йўқ қилгандир. Беш асрлик тарихимиз бағридан буни топиш кўп мушкул. Лекин Навоий ҳаёт экан, кўчирилган девонлари, Навоийнинг бево-сита иштироки билан тузилган девонлар, айниқса, уста хаттот машҳур Султон Али Машҳадийнинг қўли билан кўчирилган девонлар бизнинг энг қимматли адабий ме-росимиздир. Ҳамид Сулаймон айтганидай, Навоийнинг қўл хатини унинг сиёсий фаолиятидаги ҳужжатларидан топилиш имкониятидан албатта умид узмаймиз. 10

Ҳамид Сулаймон Навоийнинг ўзи неча дафъа девон тузганини айтиб, девонлари исмини (номини), мазмунини, тузилиш тартибини, тахминий хронологиясини тайин этишга уринган ва бирмунча муваффақиятларга эга бўла олган. Бу ишда, албатта, узоқ ва систематик уринишлар натижасидагина тўла муваффақиятга етиши-лажакдир. Мен ўйлайманки, навоийшуносларимиз, кўп ёш олимларимиз ва Ҳамид Сулаймоннинг ўзи бу соҳа-да адабиётимиз учун кўп самарали хизмат қилажак-лар. 20

Навоийга қадар ва Навоий билан бир даврда яша-ган, ижод этган шоирларнинг ҳеч биронтаси Навоий каби кўп ва катта адабий мерос қолдирилмаганлар. Улуғ Навоий ҳақиқатан энг буюк бир сиймо, энг буюк бир шоирдир, унинг «Чор девон»и, унинг ажойиб лири-каси бу айтганларимизни тўла тасдиқ этади. Навоий ўз девонлари устида, асосан Астрободда, дўстларидан узоқда, ғариблик, мусофирлик даврида ишлаган. Буни Ҳамид Сулаймон ҳам тўғри қайд этган. 30

Навоий девонларини жилдларга бўлиш тартиби, ту-зилиш принципида ўзининг яқин дўсти, устоди Абду-раҳмон Жомий билан маслаҳатлашган ва унинг фикр-ларини кўп ҳурмат этган. Бу ҳам Ҳамид Сулаймоннинг диққатидан четда қолмаган.

Навоийнинг фалсафий шеърлари кўпдир ва булар нозик, ҳам чуқур мазмунли бўлиб, буларда шоир кои-нот сирлари ҳақида фикр юритади. Ҳамид Сулаймон тўғ-ри айтади: Навоий Шарқда тенги йўқ шоирдир. 40

Қадим шоирлар ўз асарларида асарнинг ёзилган вақтини кўрсатмайди. Шу сабабдан бирор шоир асарлари текширилар экан, унинг хронологиясини аниқлаш ниҳоят мушкулдир. Ҳамид Сулаймон Навоий (асарларининг) хронологияси устида кўп текширишлар олиб борган. Кўп уринган ва бир қанча муваффақиятли натижаларни қўлга киритган. Қолгани келажакнинг вазифасидир.

- 10 Ҳамид Сулаймон ўз олдига қўйган «Навоий лирикасининг текстологик тадқиқоти» оғир, мушкул вазифадир. У бу ишни кенг филологик план, яхши метод билан олиб борган, шунинг учун ҳам етишган (чиқарган) хулосалари тўла, мукамал ва салмоқлидир.

Диссертацияда иловалар, жадваллар, луғатлар ниҳоят тўла ва тартибли бажарилган.

Ҳамид Сулаймоннинг тадқиқоти ғоят катта. Мен бунда жуда оз ва қисқа ёздим. Унинг иши титаник иш, қийин ва оғир иш. Бу иш сўзсиз филология фанлари доктори даражасини олишга тўла лойиқ ишдир.

- 20 Ҳамид Сулаймонга филология фанлари доктори даражасининг берилишини сўрайман.

Э. ИБРОҲИМОВАНИНГ «УВАЙСИЙ ИЖОДИГА ДОИР» ДИССЕРТАЦИЯСИ ҲАҚИДА

XVIII аср охири ва XIX аср биринчи ярмида яшаган шоира Увайсийнинг ҳаёти Қўқон ва Марғилонда ўтган. Шоира яшаган замон—зулм, ваҳшатга тўла хонлар замони — жуда мураккаб, халқимизнинг энг кулфатли бир даври бўлган. Айниқса дин ва хурофот авжда эди. Навоий ва Улуғбеклар замонида тараққий топа бошлаган илм-фан, санъат тамом сўниб, дин ва хурофот қоронғилигида, зимистон бағрида ғарқ бўлган эди. Аммо шу қоронғиликда истеъдод эгалари бир учқун каби ялт этиб қолар эди. Ана шуларнинг бириси шоира Увайсийдир. Эътибор Иброҳимова диссертациясини шу шоира Увайсий ижодига бағишлаган. Унинг ишини ўқиб чиқдим. Умуман айтганда, Иброҳимова диққат билан чуқур ишлаган, унинг ижодини текширган. Увайсий ҳаёти, турмуши, яшаган замони, шоиранинг Қўқонга Умархон саройига боргани ҳақида фикрлар юритади, унинг сарой мушоираларида доимий қатнашиб турганини айтади. Адабиётга яқин бўлган ота-оналари Увайсий тарбиясида унинг қалбига шеърятга муҳаббат сола олганлар, шоира кичиклигидан шеърни севган ва жуда ёш вақтидан бошлаб ижод этишга киришган. Шеърлари тоза муҳаббат, нафис ҳислар, туйғуларга тўла, самимий ва юракдан ёзилган. Иброҳимова Увайсий ижодини текширар экан, бу ҳақда тўла, чуқур фикр айтади. Шоира ҳаётининг сўнгги йилларида ёзилган шеърларида умидсиз бўшлиқ, ҳаётдан чекинниш, ваҳдатга ва зоҳидликка интилиш каби кайфиятлар юз берганини Иброҳимова айтади. Бу тўғридир. Увайсий ижодида бу нарса очиқ кўриниб туради.

Шоиранинг дostonлари тинчлик, инсонпарварлик (ғоялари) билан сугорилган; оғир замонанинг машақ-

қати, халқнинг беҳад эзилиши шоирага қаттиқ таъсир этган, албатта. Буни ҳам Иброҳимова тўғри қайд этади. Аммо бадиий жиҳатдан шоиранинг дostonлари ғазалларидан паст туради дейиш менимча тўғри эмас. Шоиранинг Ҳасан ва Ҳусан дostonлари ғоят моҳирлик билан ёзилган бадиий юксак дostonлардир. Диний кайфият кўп, лекин шоира самимий ҳислар, нозик туйғулар, чуқур кечинмалар эгаси бўлганлигидан бу асарларни юрак билан яратган. Ниҳояти бир аср биздан 10 илгари яшаган бу шоиранинг ҳаётини текшириш, бор маълумотларни аниқлаш ва масалани тўла ёритиш олимларимизнинг вазифасидир. Гап кўп, шоирамиз ижоди ва ҳаётини ўрганиш ҳали кўп меҳнат талаб қилади.

Иброҳимова диссертациясининг ёзилишида, баъзан, айрим жойларида бирмунча суюқроқ жумлалар, стилистик заифликлар бор. Нашр этилганда тузатилар деб ўйлайман.

Умуман айтганда, иш яхши. Эътибор Иброҳимовага 20 филология фанлари кандидати илмий даражаси берилишини илтимос қиламан.

**С. ДОЛИМОВНИНГ «ОГАҲИЙНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ»
МАВЗУИДАГИ ДИССЕРТАЦИЯСИ ҲАҚИДА БИР-ИККИ СЎЗ**

XIX аср Хоразм адабиёти тарихида ажойиб давр, адабиётчиларимиз тадқиқоти учун мароқли ва самаралидир. Бу даврнинг намоёндалари ҳақида озми-кўпми диссертациялар ёқланди, лекин асосли, тўла, ҳар ёқлама чуқур текширишларга энди уринишлар бошланди. Бунга С. Долимовнинг «Огаҳий ҳаёти ва ижоди» тадқиқоти мисол бўла олади. С. Долимов бу ишда аввало ниҳоят кўп материал тўплаган, чуқур ўрганган. 10

Огаҳий (1809—1874) шеърлари ажойиб лирика, равон, мазмунан гўзал ва теран маъноли. Демократик руҳда бўлган бу шоир Ватанга муҳаббати зўр, халқнинг юрагидаги алам ва фироқини куйлаган, шоир эди. Хонлар, беклар, мансабдорларнинг ифлос, жирканч башарасини ошкор этган шоир эди. С. Долимов Огаҳийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида изчиллик билан чуқур ва атрофлича тадқиқот юритиб, масалани ғоят ёрқин ва равшан гавдалантиради. Огаҳийнинг шеърларидан жуда кўп ва мукамал парчалар келтиради. Хонлар, 20 бекларни зўр нафрат билан эзиб қамчилаган асарларидан жуда муваффақиятли мисоллар келтирган.

Огаҳийнинг табиат манзаралари ҳақидаги шеърлари ғоят нодир, ажойиб лирика. Буни ҳам С. Долимов муваффақиятли кўрсатган. Огаҳий шеърятининг қофиялари мукамаллиги ҳақида С. Долимов кенг ва чуқур фикр юритган ва янги хулоса чиқарган.

Огаҳий томонидан форсчадан ўзбекчага таржима этилган ва бу билан халқнинг эҳтиёжини таъмин этган муҳим асарлари ҳақида ҳам С. Долимов етарли маълумот берган. Баъзи бобларда ортиқча кенг гапирилган, буни эса зериктиргич дейиш мумкин. Бу диссертация нашр этилишида керакли қисқартишлар лозим бўлади. 30

С. Долимовга филология фанлари кандидати илмий даражаси берилишини маъқул ва лозим деб ҳисоблайман.

**И. ХУСАНХУЖАЕВНИНГ «АЛИШЕР НАВОИЙ
ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ҲАҚИДА» МАВЗУИДАГИ ДИССЕРТАЦИЯСИ
ЮЗАСИДАН**

Алишер Навоий ҳақида олимларимиз турли тадқиқотлар юритиб, бирмунча диссертациялар ёқлашга киришдилар. Шоир ва мутафаккир, олим ва давлат арбоби Мир Алишернинг бизга қолдирган ниҳоят катта кўламли ва салмоқли ижодий мероси ҳали кўп илмий тадқиқотлар учун битмас-туганмас материалдир. Навоий ижодини ўрганиш ишлари энди бошланиб кетди. Унинг ижодини мукамал ва ҳар томонлама теран ўрганиш учун олимларимизнинг ҳали кўп чидамли меҳнатлари керак.

10 Ҳусанхўжаев Навоийнинг бутун асарларини жиддий ўрганиб, унинг мактаб, таълим-тарбия ҳақидаги фикрларини чуқур анализ қилган ва мактаб болаларига Навоий ижодини ўрганишни енгиллатиш ва Навоий ижодини осон ўзлаштириш мақсадини ўз олдига қўйган.

20 Таълим-тарбия соҳасида Навоийнинг кўп ажойиб фикрлари бор. Буларни Ҳусанхўжаев топа олган ва тўла-равшан ёритган. Ҳусанхўжаев ўз олдига қўйган бу вазифани етарли даражада бажариш учун бевосита фақат Навоий асарларинигина эмас, балки Форобий, Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек асарларини ҳам қунт билан ўқиб чиққанлиги унинг диссертациясида кўриниб туради. У Навоийнинг ўзбек халқининг тарихида, илм-маданиятида ва тарбия соҳасида тутган мавқеини тузуккина кўрсата олган. Масалан, диссертациянинг 26-бетида Ибн Синонинг болалар тарбияси ва таълимоти ҳақидаги қимматли оригинал фикрлари яхши келтирилганки, булар ҳозирги замонда ҳам ўз қимматини йўқотмаган, дейиш мумкин.

30 Ҳусанхўжаев XV аср Мовароуннаҳр ва Хуросонда-

ги маданий ҳаётни яхши текшириши натижасида диссертацияни тўла ва чуқур ишлашга муваффақ бўлган.

Навоий ижодида мактаб ва мадраса, илм ва маълумот, ахлоқ ва одоб, тарбиянинг усуллари ҳақида жуда кўп ўрин берилганки, бу мавзу устида ҳали кўп олимлар иш қилиши керак.

Навоийнинг йирик шеърларидан бошлаб, «Хамса»си ва бошқа ҳар бир асариде тарбия ва одоб ҳақида кўп нозик ибратли, қимматли фикрлар тўлиб ётибди.

Навоийнинг тарбияга оид таълимоти мукамал инсоннинг пок ғояли, одоб ва тарбия, тоза хулқиға мужассам бўла олади. 10

Ҳусанхўжаев Навоий асарларидаги бу масалаларни ўз диссертациясида мукамал кўрсата олган ва ўз олдиға қўйган вазифаларни яхши бажарган. Навоий асарларидан энг ёрқин мисолларни топа билган ва кўрсатган.

Бу асар мактаб ўқувчиларига Навоий меросини ўргатишда қиммати каттадир. Шунинг учун нашр этиш масаласи муҳимдир. 20

Диссертацияни ўқиганимда бирмунча жузъий хатолар, баъзан, жумлаларда тартибсизлик учрайди. Албатта, буларни бартараф этиш қийин эмас.

Бу иш юзасидан Ҳусанхўжаевға педагогика илмлари кандидати даражасини бермак керак деб ҳисоблайман.

ЮНУС ЮСУПОВНИНГ «АДАБИЙ МЕРОСИМИЗ ТАРИХИГА ДОИР» АСАРИ ҲАҚИДА

Юнус Юсуповнинг Хоразм адабиёти тарихи ҳақида ёзган «Адабий меросимиз тарихига доир» асари қўлёзмаси машинка босмада мингдан ортиқ саҳифадир. Асарни варақлаб, синчиклаб кўрар эканман, у менга ёқиб қолди. Кейин мукаммал ўқиб чиқдим.

10 Асар ўн беш бобдан иборат бўлиб, биринчи боб кириш, қолган ўн тўрт бобда ўн тўрт шоир ҳақида ёзилган. Булардан биринчиси — Маҳмуд XIV асрда яшаган, бошқалари XVIII, XIX аср ва XX асрнинг бошида яшаган, ижод этган, кўплари шу асрларнинг йирик, танилган, халққа сеvimли шоирлари бўлган.

Мунис, Огаҳий, Аваз, Комилларнинг шеърлари халқ юрагига яқин, лирик мусиқадай ширин бўлиши билан бирга инсониятнинг юксак туйғуларини, дардини, орзусини тараннум қилади ва халққа одоб, тарбия, таълим каби юқори фазилат ҳисларини бағишлайди.

20 Асар мингдан ортиқроқ саҳифани эгаллайди: биринчи қараганда бу ниҳоят кўпга ўхшаб кўринади, аммо уч аср адабиёти, яъни ўн тўрт шоирнинг ижоди, ҳаёти ҳақида ёзганда, бундан қисқа ёзиб бўлмайди. Ҳар бир шоир ҳақида 200—250 саҳифа ёзилган. Тарихий материаллар, воқеалар, фактлар ғоят кўп. Шоирларнинг у даврларда оғир машаққатли ҳаёти, уларнинг бошидан кечган жожеъ воқеалар, хонларнинг зулми, ҳаётини манзаралар, лавҳалар асарда кўп йиғилган. Айниқса, хонларнинг зулмини кўрсатувчи фактлар кўп. Бу жиҳатдан асарнинг қиймати ниҳоят зўр.

30 Мен бу асарни ниҳоят керакли деб топаман. Юнус Юсупов классик адабиётни яхши биладиган, тарихни чуқур ўрганган адабиётшуносдир.

Асар материалга бой бўлишига қарамасдан, лозим бўлса, озгина қисқартиш мумкин, балки таҳрир процессида қисқартириб бўлар. Шу даврларни яхши биладиган бир муҳаррирга топширилса, албатта, асарни баъзи такрорлардан тозалаш, силлиқлаш мумкин бўлар. Айниқса, муҳаррир «Қириш» бобини қунт билан таҳрир қилиши лозим.

Яна такрор айтаманки, асарнинг қиммати жуда катта, бундаги бой материаллар ёш олимларимиз учун катта манба. Асарнинг албатта нашр этилишини тавсия қиламан. 10

«ЎЗБЕК ШОИРАЛАРИ» ҲАҚИДА

Тўхтасин Жалолов Улуғ Октябрь инқилобидан илгари ўтган ўзбек шоиралари ҳақида ғоят муҳим асар ёзди.

10 Шу вақтга қадар ўзбек адабиётида ўзбек шоиралари, ҳаётлари, асарлари деярли ўрганилмаган. Улар ҳақида яқунланган асарлар йўқдир. Айрим шоиралар тўғрисида энди-энди адабиётчиларимиз ишлай бошладилар. Бу ҳуқуқсиз, чексиз жафо кўрган мазлума шоираларнинг асарлари, уларнинг бахтсиз тақдирлари бўронида йўқ бўлиб, унутилиб кетган. Т. Жалолов тарих варақларини ахтара-ахтара ўзбек шоиралари ҳақида қимматли хийла маълумотлар тўплади. Ўзининг катта синчикли текширишлари натижасида ўттиздан ортиқ ўзбек шоираларини топди. Бу ғоят ажойиб воқеадир.

Халқимиз ўзбек адабиёти тарихининг ёрқин саҳифаларини кўришга муштоқ ва бундай асарларга ташнадир.

НУТҚЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ
А. С. ПУШКИН НОМЛИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ
ИНСТИТУТИДАГИ НАВОИЙГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ
МАЖЛИСНИ ОЧИШДА ОИБЕКНИНГ НУТҚИ

Ўртоқлар!

Бугун буюк шоир ва мутафаккир, донишманд ва халқнинг меҳрибон дўсти улуғ Навоийнинг туғилганига 520 йил тўлди. Одатда биз ҳар йил улуғ шоир ва адиб Навоийнинг туғилган кунини чуқур ҳурмат ва муҳаббат билан эслаймиз. Тил ва адабиёт институти, кенг жамоат, ўқув юртлири, кутубхоналар, адиб, шоирлар Алишер Навоийнинг туғилган кунини зўр тантана ва илмий мажлислар билан ҳар йил нишонлайдилар.

Дўстларим, Навоий яшаган давр темурийлар даври, ўзаро урушлар, даҳшатли жанглар, тож-тахт устида талашлар, қонли-фожеъ воқеаларга тўла давр эди. Шоҳлар, шаҳзодалар, беклар, зангинлар халқ меҳнати ва қонини сўриб, шоҳона-тантанали ҳаёт кечирганлар, ўз халқини ва қўшни мамлакат халқларини талаб, шароб-муסיқа билан айш-ишрат сурганлар. Мана шундай бир томонда, бир тўда шоҳ, шаҳзодалар қабиҳ ҳаёт кечирар экан, иккинчи томонда халқнинг чин ўғлонлари илм-санъат, адабиёт йўлида хизмат этдилар. XV аср Урта Осиёда илм ва санъат муסיқа ва шеъриятнинг энг юқори инкишоф даври эди. Бу давр Навоий замони бўлиб, Самарқанд ва Ҳирот илм, санъат, адабиёт ўчоғи эди.

Алишер Навоий илмда, ҳикматда, санъатда, муסיқада чуқур маълумот касб этган эди. Унинг ижоди туганмас бир булоқдай кенг бир дарё бўлиб оқди. Унинг «Хамса»си, ҳисобсиз девонлари шеър ва дostonлар кониدير. Навоий гигант ҳамлалар билан, қуёш каби олтин саҳар очиб, ўз замонига кириб келди. Халқимизнинг кўнглига, азалдан Навоийнинг шеърлари, дostonлари

офтоб каби ёқимлидир. Унинг асарлари ўлмас, ёрқин руҳ каби кўнгилларда абадий яшайди.

Инқилобдан аввал зулм-вахшат даврида боёнлар, уламолар, миллатчилар Навоийни мистик ва тасаввуф шоир деб кўрсатишга уриндилар. Аммо Октябрь инқилобидан сўнг Коммунистик партия раҳбарлигида халқ Навоий хазинасининг ҳақиқий мазмунини очди.

10 Навоий хазинаси ғоят кенг ва мазмунан терандирки, бутун дунёда Алишер Навоий юксак ижодкор, буюк шоирлар қаторида туради. Унинг шеърлятида, Хусравникидан юксак лирика, Ҳофизникидан юқори нафислик, Жомийникидан чуқур фалсафа кўрамиз.

Навоий ўз асарларида замонасининг бутун нуқсонларини шайхлар, зангинларнинг халққа кўрсатган жабру зулмларини ажойиб моҳирлик билан очиб ташлади. «Лайли-Мажнун», «Фарҳод ва Ширин» ва бошқа кўп дostonларида ҳаққоният, муҳаббат, дўстлик, севги, садоқат, меҳнат каби инсоннинг бутун юксак фазилатларини куйлади.

20 Геннал шоир Навоийнинг шеърляри гавҳар каби нодир, пантеистик фалсафий қарашляри чуқур, дostonляри ахлоқий юксакдир.

Буюк шоир ўзининг бутун ҳаётини, фаолятини халққа бағишлади, халқ учун хизмат этди. Унинг ажойиб асарляри ҳамиша халқлар учун хизмат этади. Асарляри ўлмас ва мангудир. Бутун совет халқларининг севимли азиз шоири, асрлар бўйи инсоният оламида ҳаққоният йўлини излаган улуг сиймоларнинг бириси буюк Навоийдир.

30 Тил ва адабиёт институти ходимляри Навоийни чуқур ўрганишга киришдилар. Аммо Навоий мероси илмий тадқиқот ишляри учун туганмас бир манбадирки, бизнинг бу соҳадаги муваффақиятляримиз ҳозирча бир томчи десак янглишмаймиз.

**ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИДА
НАВОИЙНИНГ ТУҒИЛГАНИГА 525 ЙИЛ ТЎЛИШИ
МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎТҚАЗИЛГАН СЕССИЯДА
ОИБЕКНИНГ КИРИШ НУТҚИ**

Ўзбек адабиёти ва маданияти тарихида энг ёрқин, энг гўзал сиймо — буюк шоир, доно мутафаккир, одил давлат арбоби Алишер Навоий Сабзавор ҳокими Ғиёсиддин Кичкинанинг оиласида Ҳиротда — 1441 йил 9 февралда туғилди.

Бугун ўртоқлар, шу улуг сиймонинг туғилганига 525 йил тўлгани муносабати билан ҳаммамиз шу ерга 10
йиғилиб, ҳаммамиз юрак тўла севгимиз, чексиз ҳурма-
тимиз билан шоир Навоийни, мутафаккир Навоийни
хотирлаймиз. Адабиёт ва маданият тарихимиз ўтмиш-
нинг узоқ асрларига кириб боради. Классик адабиёт-
мизнинг инкишоф нуқтаси XV асрдадир. Ҳаммангизга
маълумки, Темур ва теурийлар даврида Самарқанд ва
Ҳирот илм ва санъатнинг, поэзиянинг маркази бўлган.
Саккокий, Атоий, Лутфий ва кўп шоирлар ишқий, фал-
сафий, лирик шеърият яратдилар. Алишер Навоий шеъ- 20
рият тожисига мушарраф бўлди. У юлдузлар орасида
энг ёрқини, энг порлоғи, энг чақноқ юлдузи бўлди. Унинг
шеърияти қудратли бир шалола бўлиб ҳаётга кирди-ки,
бу ўзбек адабиётини бутун жаҳонга олиб чиқди. Ўз
даврининг адабий ва илмий муҳитида энг илғор, энг
улуг намояндаси бўлган Навоий олимлар, шоирлар, хат-
тотлар, мусиқийчилар ва бутун санъаткорларнинг ҳо-
мийси бўлди. Уларга ҳамиша моддий ва маънавий ёрдам
берди. Маданият курашчиси илм ва адабиёт, санъат
аҳллариининг ҳар бир силжишини кўрганда юракдан 30
қувонди, табриклади, мароқланди. Уларнинг нуқсонла-
ридан кўз юммади, мукамаллик талаб қилди, чуқур
ҳурмат ва севги билан қаради. Хуросон давлатига тобе
мамлакатлардан илм-фан, адабиёт, санъат намояндала-
ри Ҳиротга йиғилди. Шоҳлар бузувчи бўлса, Навоий

халқпарвар, буюк қалбидан халқ муҳаббати тошган вазир Навоий, Ҳусайн Бойқаронинг оғир, ҳатто уруш даврларида ҳам яратувчилик, ободончилик ғамини унутмади. Навоий халқ фаровонлигини ўйлади. Меҳнаткаш халқ ғамини еди, халқ овозига қулоқ солди. Шифохоналар, мадрасалар, толиби илмларга ётоқхоналар қурдирди. Шоён ҳайрат санъат ҳайкаллари, оромбахш хиёбонлар, ажойиб боғлар барпо қилди, ариқлар қаздирди.

- 10 Меъморий санъатга, хаттотликка, рассомликка мауроқ кучайтиришга тиришди. Энг истеъдодли ижодкорларни етиштиришга уринди, муваффақ бўлди, шатранж ўйинлари, мусиқий садолари, ғазаллар янгради. Шунинг учун ҳамки, биз тарихимизда XV асрни энг порлоқ, энг ёрқин давр деймиз.

- Улуғ Октябрь инқилобига қадар ўзбек халқининг овози, ҳаққи, ўрни йўқ эди. Ўрта Осиёнинг қолақ халқларидан бириси дебгина қарардилар бизга. Октябрь инқилоби бизга озодлик, тўла ҳуқуқ келтирди. Халқимиз энг гўзал, энг эзгу орзуларига етишди. Илм-маърифат, санъат, маданият, адабиётда кенг тараққиёт йўлига киришди. Академиямиз, катта илм ўчоғимиз бор, йилдан-йил олимларимиз сафи қалинлашиб, кўпайиб бормоқда. Улуғ Навоийнинг ҳам тилаклари, орзулари шу эди, албатта.

- Тарихчи, адабиётчи олимларимиз ўтмишдаги маданият, санъат, адабиёт, тарихимизнинг ёрқин саҳифаларини очиш учун илмий тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Олимларимиз Навоийнинг ўлмас асарларини текшириб, 30 жилд-жилд асарлар ёздилар. Навоий асарларидан жилд-жилд асарлар таъ этилди. Булар билан ҳаммамиз фахрланамиз. Халқ муҳаббатига сазовор асарлардир, барчаси.

- Навоий ижоди, Навоийнинг шеърияти, Навоийнинг фалсафаси устида олимларимиз, айниқса, ёш олимларимиз ғоят чуқур, мазмунли муҳокамалар, тадқиқотлар юритишлари лозимдир. Навоий асарлари устида кўп олимлар ҳали кўп ишляяжак. Навоий ҳазратларига ҳурматимиз, муҳаббатимиз мангудир!
- 40 Азиз дўстларим, улуғ шоир, мутафаккир Навоийга бағишланган ЎзССР Фанлар академияси сессиясини очиқ деб эълон этишга ижозат этгайсизлар. Сессия ишига зўр муваффақият истаيمان.

ВАРИАНТЛАР

ТАДҚИҚОТ ВА МАҚОЛАЛАРНИНГ ҚҰЛЁЗМА
ВА БОСМА МАНБАЛАРИ:

- Қ — қўлёзма.
 УАС — «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1940, 3-сон.
 НГ — «Навоий гулшани» (Навоий ҳақида мақолалар), Тошкент, 1967.
 БИҲ — Бадий ижод ҳақида (Совет ёзувчиларининг нутқ ва мақолалари), Тошкент, 1960.
 УТАМ — «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари», 1961, 1, 2, 5-сонлар.
 Қуйида келтирилган вариант матнлари ёхуд айрим парчаларнинг ўзгаришдан ҳоли бўлган қисмлари тилда (∞) белгиси билан алмаштирилди.

НАВОИЙ ҲАҚИДА
(7-бет)

7-бет

- 4 шахсиятнинг/шахснинг (УТАМ) шахсиятнинг (Қ)
 7 англашилади./англашила биладир. (Қ)
 8—9 адабий фикрни, манбаларни/адабий фикр манбаларини./адабий, фикрий манбаларни (Қ) (УТАМ)
 14 Урта Осиёнинг туб халқлари/Урта Осиё туб халқлари
 15 Ҳаёт процессини тадқиқ этган ∞ /ҳаёт процессининг (Қ) бир кўп ҳолида тадқиқ этган, мозийни кўз олдимизда гавдалантирадирган бир асарга эгамиз (Қ)
 18 илмий равишда етарли текширилган эмас./илмий равишда текширилиб, маъноси англашилган эмас. (Қ)
 19 темурийлар ҳақида/темурийлар даври ҳақида (Қ)

8-бет

- 5 бир вақт/бир кўп (Қ)
 39—42 Азалдан ўртаосиёлик кўчманчи турк халқлари Сир ва Амударё бўйларида, ўтроқ турклар, тожиклар эса, Мовароуннаҳрнинг шаҳарларида (Самарқанд, Бухоро, Фарғона) яшар эдилар./Бу вақтларда Урта Осиё кўчманчи турк халқларини кўпроқ тарта бошлайди. Кўчманчи турклар Сир ва Амударё бўйларини эгаллаб оладилар. Эрон унсурлари (тожиклар) эса Мовароуннаҳрнинг баъзи шаҳарларига (Самар-

қанд, Бухоро) ва сўнг Фарғона, Шарқий Бухоронинг тоғлиқ жойларига сиқилиб боради. (Қ)

10-бет

- 9 Туркистон/Туркистонда (Қ)
10 замонида/даврида (Қ), (УТАМ)
13 вақтида/даврида (Қ), (УТАМ)
13—14 Турк уруғлари кўшаяди./турк уруғлари шу қадар кўпаядими, эроний унсурларни сиқиб чиқара бошлайди. (Қ)
27 Темур Мовароуннаҳрда/Темур юрти Мовароуннаҳрда (Қ)
33 рақиблари ила/рақибларни (Қ)
34 уларни енгиб./енгиб, (Қ)
38 савдо сармоясининг/капиталининг (Қ, УТАМ)

11-бет

- 8 харобаларида/харобаларида ўзининг (УТАМ)

12-бет

- 6 Узлуксиз/Беш йиллаб, етти йиллаб чўзилган (Қ)
8—9 ички тўқнишлар халқ ҳаётида бениҳоят қийинчиликлар туғдирган./ички тўқнашувлар бунга имкон қўймайди. (Қ)
20 зодагонларига/аристократиясига (Қ)

14-бет

- 3 тўплаган/тўплаган Мовароуннаҳрда (Қ, УТАМ)
10—11 расадхонаси/обсерваторияси (Қ, УТАМ)
12 кўрсатажак/кўрсатадиган (УТАМ)
12—14 Ўрта Осиё турк-ўзбек адабий тили ўлароқ шаклланган, мукаммалланган/Ўрта Осиё туркчасининг адабий тил ўлароқ шаклланиши, мукаммалланиши (Қ)
20—21 Танқидий асарлар етарли бўлмагани каби./танқидий бир асар бўлмагани каби, (Қ) танқидий асарлар етарли бўлмагани каби, (УТАМ)
24 етарли эмас./тилимизда мавжуд эмас. (Қ)

15-бет

- 11 Алишер бўлиб./Амир Алишер бўлиб, (Қ, УТАМ)
12—13 (1441 милодий)/1440—41 милодий (Қ, УТАМ)
26 мактабдоши/мактаб орқадoshi (Қ, УТАМ)
34 ўлими билан/ўлими орқасида (Қ)
38 муаллифи/муҳаррири (Қ)

16-бет

- 1 Тафтгаким./ (тафт) ҳаким (УТАМ), (тафт) таким (Қ)
2 Иттифоқо/Иттифоқан (Қ, УТАМ)
17 ҳайл/хил (Қ)
18 адно шуур ҳосил бўлди»/уни шуур ҳосил бўлди» (Қ, УТАМ)

18-бет

- 22—23 тасаввуф бошлиқларини/дин намояндаларини, тасаввуф бошлиқларини (Қ)
36—37 миноридан/минбаридан (Қ)

20-бет

- 2 Мажиддин/Мужаддин (Қ, УТАМ)
3 Муҳаммад Қирмоний/Муҳаммад Қармоний (Қ, УТАМ)

- 21-бет
 4 муаллифи/муҳаррири (Қ, УТАМ)
 9 шу мажлисда/шу войисда (УТАМ)
 17—18 шаниъ мутоибалар/шайх мутоибалар (УТАМ)
- 22-бет
 1—2 мухолифат (исён) бўлган, дейдилар./мухолифатдан (исёндан) ўзга чора йўқ. (Қ)
 11 Алишер/Мир Алишер (Қ, УТАМ)
- 24-бет
 7 ривоятларида/ривоятларида (УТАМ)
 15 Алишер Навоий/Миралишер (Қ, УТАМ)
- 25-бет
 7 Ана шу сабабли/Ана шундан (Қ), Ана шундай (УТАМ)
 40 унинг ўғилларига/ўша ўғилларига (УТАМ)
- 26-бет
 4 ташкилотигина,/ташкilotи, (УТАМ)
 14 демак, самимий эмас эди,/демак, сохта эди, (Қ, УТАМ)
 26 икки юзлигини/икки юзлигини (Қ)
 36 келишга/кечишга (Қ)
- 27-бет
 1 феодал давлат/Шарқ феодал давлат (Қ)
 17—18 қаршилиқ/қаршилиқлик (Қ)
 26 иккинчи ўғли/иккинчи бир ўғли (Қ)
 29 силоҳ кучи билан йўлда/силоҳ кучи билан бўлса-да, (Қ)
 35 банд экан,/овора экан, (Қ, УТАМ)
 39 подшоҳдан/подшоҳга (Қ, УТАМ)
- 28-бет
 30—31 мусодара этишга/мусодара қилишга (Қ)
 42 муҳоваралар/муҳобира (Қ, УТАМ)
- 29-бет
 24—25 фузалоси, шайхларини/фузалоси, қозиларини, шайхларини (Қ)
- 30-бет
 1 Алишер/Мир Алишер (Қ)
 33—34 Хўжа Шаҳобиддин Убайдулло/Хўжа Шаҳобиддин Абдулло (Қ, УТАМ)
 37 Мир Алишер подшоҳнинг олдига/Мир Алишер отдан тушиб подшоҳнинг олдига (Қ)
- 31-бет
 5 топиб,/тўплаб (Қ)
 18—19 унга мотам тутди/унинг мотамини тутди (Қ)
 21 ўзи қурдирган/ўзи қурдирлиғи (Қ)
 24 Алишер/Мир Алишер (Қ, УТАМ)
 37 муҳаббат қўйган/муҳаббат туйган (Қ)
- 32-бет
 1 ҳар шоирнинг/ҳар бир шоирнинг (Қ)
 26—27 келиб тургани,/келадиргани (Қ, УТАМ)
 36 шоирлар,/ҳамма шоирлар (Қ)
- 33-бет
 15 ботган экан, янглиғ/ботган экан. Янглиш (УТАМ)

21—22 кўрамиз.

Ҳар қандай бўлмасин, «Табиати нозик», аристократ, вазир шоирнинг диққатини жуда назокат билан ўзига торта билган шоир ва олимларгина ундан кўпроқ истифодаланганлар.

Ҳар қандай бўлмасин, (Қ)

29 ёзишига/ёзувига (Қ, УТАМ)

34-бет

5—6 дафн ва қаъда маросимларини/диний маросимларни (Қ, УТАМ)

11 манбаларини/маблағларини (УТАМ)

13 Алишер Навоийнинг/Мир Алишернинг (Қ, УТАМ)

ҲАЗАЛИЕТИ

(35-бет)

35-бет

24—25 даврга айириб, даврга бўлиб, (УТАМ)

36-бет

7—8 ишқий ҳиссиётлар экани/эротик момент экани (Қ), ишқий ҳиссиёт экани (УТАМ)

9 интизорлик туйғулари/интизорлик (томление) ҳисси (Қ), интизорлик ҳисси (УТАМ)

10 асосий/ягона (Қ, УТАМ)

15 деярли унга/деярли (Қ, УТАМ)

22 тараннум қилинади, кўп вақт ишқдан келган изтироб, тараннум қилинмасдан, балки ҳар вақт ∞ (Қ, УТАМ)

37-бет

31—32 образи анча абстракт бир идея билан чапишиб кетгандай. Албатта шоир/образи ҳеч вақт конкретлашмайди. У абстракт бир идея бўлиб қола беради. Шоир (Қ, УТАМ)

37—38-бетлар

37—1 тавсифлар образни етарли конкретлаштирмасдан, аллақандай рамзлар, «пардалар» воситасида берилгандай туюлади, ёр образи бирмунча абстракт характер касб этади./тавсифлар образни конкретлаштиришга восита бўла олмайди. Аксинча, унга абстракт характер беради. (Қ, УТАМ)

38-бет

3—4 Севгилисининг қайғуси/унинг қайғуси (Қ, УТАМ)

5 очиқ билинмайди./билинмайди. (Қ)

6—13 Шоир, эҳтимол, ҳаётида севгига мубтало бўлгандир. Лекин у шеърларида фақат соф бир севгининг ўзини куйламоқда, ўзи ўйлаб тўқиган идеал бир гўзалнинг муҳаббати алангасида ёнаётганлигини тараннум этмоқда. Шоир эҳтимол, умрида майни тоғиб кўрмагандир. Лекин шеърда май ва унинг фазилатлари — муҳаббат билан бир қаторда — ҳар вақт ниманидир ифодалайди./Шоир эҳтимол ҳаётида асло севмагандир. Лекин у шеърларида фақат севгини куйлаш, ўзини ўйлаб тўқилган идеалний гўзалнинг муҳаббати алангасида ёнаётганлигини та-

раннум этиши керак. Шоир, эҳтимол, нима сабаб-
дандир умрида асло майни тотиб кўрмагандир. ∞
куйланиши керак (Қ)

16 хаёллар/вымыселлар (Қ)

39-бет

9 шакллаш/шакллаш ўрнига (УТАМ)

10 тараннумидай таъсир қолдиради,/тараннумини кўра-
миз (Қ, УТАМ)

16—17 кўкларга кўтариш учун/самовийлаштириш учун (Қ,
УТАМ)

40-бет

15—16 халқ шеърларига ўхшаган/халқ шеърларига, узоқ
мужибиҳатга эга бўлган, (Қ)

17 самимийроқ, ҳаётийроқ/самимийроқ, (УТАМ)

34 шу мавзунини/шу ягона мавзунини (Қ)

37 топишга ва қўллашга тиришилади./ўйлаб чиқаришга
тиришилади. (Қ)

41 Навоий ғазалларида қофия жуда мукаммал,/Навоий
туркий тилининг баъзи хусусиятларига уйғун келма-
ган вазн — арузни қўллагани учун баъзан вазнда
сакталар учрайди. Лекин Навоий ∞ (Қ, УТАМ)

43 жуда хилма-хилдир./жуда мутанаввиъдир. (Қ,
УТАМ)

41-бет

3 замонавий/синфий (Қ, УТАМ)

4 нодир, юксак, (Қ, УТАМ)

26—27 ҳиндуга ўхшатилади. Ёрнинг киприги «кўнгилни
заҳмловчи»,/ҳиндуга ўхшатилади.

Бирмунча бадий воситалар турли ғазалларда
айнан ёки бир оз ўзгариш билан такрор-такрор уч-
райверади. Баъзи метафора, ўхшатиш ва сифатлаш-
лар ортиқ андаза бўлиб қоладилар. Уларни бузишга
шоир жасорат қилмайди. Улар поэзиянинг умумий
бадий воситалари шаклида ҳамма шоирлар томони-
дан ҳам ишлатила берилади. Ёрнинг кўзлари — нар-
кас, лаби — таъли, ёқут, гунча, киприк — ўқ, у
«кўнгилни заҳмловчи», (Қ)

30—31 яна шам ила парвона ва бошқалар қўлланади./шам
ила парвона ва бошқалар (Қ, УТАМ)

31—32 Янги сифатлашлар билан шоир эски бадий восита-
ларни янгилашга ҳам тиришади./Шоирнинг образла-
ри жонли, юксак, ҳислари, туйғулари нозик ва те-
рандир. (УТАМ)

42-бет

6—7 қилинадиган ажиб воситалар бўлиб келади./қиладир-
ган ажиб воситалар кўрсатади. (Қ, УТАМ)

11—12 биз унда ёйиқ — кенг картинани ва серифодали ба-
дий воситаларни кўрамиз./Кўпинча биз унда ёйил-
ган (развернутый) бадий воситаларни кўрамиз.
(Қ, УТАМ)

33 мушоҳадаларигагина/мушобаҳадларигагина (Қ)

39 мажозлар/мафҳумлар (Қ, УТАМ)

41—42 поэтик маъно билан кейинги мисралардаги/поэтик маъ-
нодан қуйидаги мисрада (Қ, УТАМ)

9 классик адабиётга хос, феодал адабиётга хос (Қ, УТАМ)

18 атоқли/жиддий (Қ, УТАМ)

19—20 ўйинига, ~ яшагга интилганлар./ўйинидан ~ яшайдан қутулмаганлар, (Қ, УТАМ)

35 белгили/шу синфий (Қ, УТАМ)

39 ижтимоий-синфий/синфий (Қ, УТАМ)

40 идеология/синфий идеология (Қ, УТАМ)

44-бет

11 асл ижтимоий-прогрессив моҳияти/синфий моҳияти (Қ, УТАМ)

20—22 кўрсатдилар. Иккинчи томондан, поэтик ижодда буюк шоирни оригиналликдан/кўрсатдилар. Бунинг орқасида Навоий кўрсатган катта таъсирларни бир кўп халқлар адабиёти устида асрларга давом эттирган поэтик ижод орқага сурилди. Ҳатто поэзияда буюк ишларни оригиналликдан (Қ)

23 оз бўлган эмас./нодир эмас. (Қ) оз эмас. (УТАМ)

26—27 балки ўз даври билан боғланган энг илғор, гуманистик қарашларини акс эттирди./маълум даврдаги прогрессив идеологияни акс эттиради. (УТАМ)

32—35 буларни ўз асарларида бадний ифодалаган шоир ва мутафаккирдир. У ўз фаолияти ва ижодида асосан прогрессив, халқчил идеологияни ўтказгандир./чуқур тушуна олган юқори демократ гуруҳига мансуб бўлган шоир ўз асарларида, асосан, илғор идеологияни ўтказгандир (УТАМ)

36 гуманистик адабиётнинг/у даврдаги прогрессив адабиётнинг (УТАМ)

37—38 Навоий ғазалларида инсонга ва ёрга муҳаббат — асосий мотив бўлган.../Навоий ғазалларида инсонга ва ёрга муҳаббат асосий мотив. (Қ)

39 ҳар бир даврда/ҳар даврда (УТАМ, Қ)

40—41 XIV—XV аср ўзбек адабиётида ҳам ҳоким синф —/XIV—XV асрларда бутун адабиётда акс этган идеянинг ҳоким синф (Қ, УТАМ)

44—45-бетлар

42—1 феодал даврининг катта маъмурлари ва ҳоказолар манфаати ва мафкурасини ифодалаган адабиёт бўлган./феодал давлатининг катта маъмурлари ва ҳоказоларнинг мафкураси бўлиши табиий бир нарса. (Қ)

5—8. Ҳукмрон доиралар эзилган халқ оmmasига ~ замин ҳозирлашга уринар эдилар./Эзилган халқ массасига ~ заминни ҳозирлашар эдилар. (Қ) феодализм давридаги аристократик поэзия эзилган халқ оmmasига ~ заминни ҳозирлар эди. (УТАМ)

13 йўл очар эди./ўсиб илдиз отишига яхши замин эди. (Қ, УТАМ)

33 қабул қилдиришга тиришганлар./қабул қилганлар. (Қ)

35 рост каби/ҳақиқат каби (Қ, УТАМ)

38 акс этгандир./бадний шаклда акс этгандир. (Қ, УТАМ)

- 2 тарбиялашга тиришади/тарбиялайдир. Оммадан феодалларга содиқ қул ясашга тиришади. (УТАМ), Массадан феодалларга тиришади. (К)
- 5—30 бағишланар эди. Навоий эса, буларнинг аксича бутун ҳаётида халқ (райят) ҳомийси булди, хонлар, шоҳларнинг зулмини фош қилди, юрт сўровчиларни адолатга, инсофга даъват қилди. У умумхалқ манфаатларига хизмат қиладиган, инсонларварлик ғояларини ифодалайдиган адабиёт яратди...

Навоий поэзияси халқнинг орзу-интилишларига, прогрессив доиралар психологиясига, уларнинг завоқига мувофиқ бир поэзиядир. Албатта, Навоий ўзинга қадар бўлган турк-ўзбек адабий аъёналарини, форсийгўй шоирлар поэзиясининг серзавқ мотивларини давом эттирди. Буюк шоир Навоий мазмун, шакл ва услубда эрон поэзиясига яқинлашароқ ўзбек тилида шеърлар ёзди. Зотан, Навоий ҳаёт кечириш қайғуси, подшоҳ ва беклардан инъомлар олиш орзуси билан саройга яқинлашган шоирлардан жуда узоқ эди. У замонасининг энг пешқадам, маданий ва адабий арбобларидан эди. У, табиий, халқнинг орзу-армонларини улуглаш, маънавий камолотини бойитиш учун ёзди, бадий қийматлар яратди. Унинг шеър ва адабиёт ҳақидаги концепцияси, тарбия ва муҳити, мавқеи, олмос истеъдоди ва юксак онги ҳам шуни тақозо қилар эди.

Навоий ғазаллари/бағишланар эди. Шоирлар қасидада эҳсон, истибодчи подшоҳни, хонни ўз фантазиясининг доирасига сиққунча мақтайдилар, унинг қилмишларини идеаллаштирадидилар. Кичкина, ожиз хонни ва бекни Александр Македонский даражасига кўтарадир. Эзувчи, ғаддорлар адолат тимсоли, халқпарвар ва энг буюк шахс сифатида кўрсатиладир. Бу билан феодализм тузилишининг мустаҳкамланишига, феодаллар мавқеини юксалтиришга хизмат қиладир. Бунда бадий қийматлар яратувчи шоир ва адибларнинг ижтимоий мавқеи ҳам катта роль ўйнаган. Феодализм даврида адабиёт ва фанлар ҳоким синф монополиясида бўлган. Бошқа табақалардан етишган талантлар ҳам аксар ҳоким синф руҳида ёзишга мажбур эдилар. Ҳаёт кечириш учун шоирлар бекларга, ҳокимларга қасидалар ёзиб, ҳадялар олишга тиришар эдилар. Порлоқ истиқбол, обрў, шуҳрат орзулари подшоҳларнинг саройларига суқулиб киришга судрар эди. Шоирлар ўз асарлари билан подшоҳнинг ва вазир ва бошқа «умаро»нинг диққатларини жалб этишга ҳаракат қилар эди. Хон саройларидан, кибор доиралардан узоқлашиб, бирон хонар ва хизмат билан кун кечирарак ижодий иш билан машғул бўлган шоир учун ўз талантини танитиши, шуҳрат қозониш маҳол эди. У кўпинча унутилар эди. Иқбол ва эътибор қидириб баъзан соддача яшаш қайғусида саройлардан-саройларга

Ўтиб юрган шоирлар бизнинг феодализм даври адабиёти намояндалари орасида жуда кўпдир. Сарой адабиёти номини олган адабиёт шу равишда пайдо бўлмишдир. Унинг мазмуни, шакли ва бутун бошқа хусусиятлари ўсиб чиқдиги заминнинг хусусиятларини ташийдир. Бу адабиёт ҳоким синфнинг турмуш ва идеологияси билан ҳамоҳангдир.

Навой поэзияси ҳам ингичкалашган сарой аҳли ва кибор доиралар психологиясига, уларнинг завқига мувофиқ бир поэзиядир. Навой чигатоӣ аристократияси учун Эроннинг ингичка поэзиясидан завқланиб келган «турк улуси, анинг хуштаб беклари ва мирзодалари ва соҳибзеҳн, поктаблари ва озодалари» учун мазмун ва шакл усталикда эрон поэзиясига яқинлашароқ чигатойчада — туркий тилда шеърлар яратди. Албатта, Навой ҳаёт кечириш қайғуси, подшоҳ ва беклардан инъомлар олиш орзуси билан сарой шоири бўлмади. У аристократ эди, феодал давлатининг олдинги арбобларидан эди. У, табиий, юқори муҳит учун, бадний қийматларни англайдирганлар учун ёзди. Унинг шеър ва адабиёт ҳақидаги концепцияси, тарбия ва муҳити, мавқеи ҳам шуни тақозо қилар эди. ∞

Навой ғазаллари (Қ)/бағишланар эди. Навой бутун ҳаётида халқ хомийси бўлди, хонлар, шоҳларнинг зулмини фош қилди ва прогрессив табақалар адабиётига хизмат этди.

Навой поэзияси эса нозиклашган, прогрессив аҳл психологиясига, уларнинг завқига мувофиқ бир поэзиядир. Аристократик поэзия намояндалари Эроннинг нозик поэзиясидан завқланиб келган ва форсий тилда ижод этганлар. Буюк шоир Навой мазмун, шакл ва усталикда эрон поэзиясига яқинлашароқ, ўзбек-туркий тилда шеърлар яратди. ∞ У замонасининг илғор демократ арбобларидан эди. У, табиий, илғорлар учун, халқ учун ёзди. ∞ юксак онги ҳам шуни тақозо қилар эди.

Навой ғазаллари (ЎТАМ)

32—33 жавҳаридир?

Бу — қийин савол./жавҳаридир?

Ҳоким синф нима учун поэзиядан шундай эротик куйларни истаган? Бу қийин савол.

40 Шарқ адабий муҳитида, Шарқ саройларида, (Қ, ЎТАМ)

47-бет

4 кайф-сафо оламига/кайф-сафо дунёси оламига (Қ)

6—7 хазинани камбағаллашган халқдан ситиб, талаб олиб тўлдирадидлар. хазина камбағаллашса, халқдан ситиб оладидлар, талайдидлар. (Қ) хазинани камбағаллашган халқдан ситиб оладидлар, талайдидлар. (ЎТАМ)

11 шоирона/романтик-шоирона (Қ, ЎТАМ)

18 ингичка/нозик (ЎТАМ)

19—20 ингичкалашган оқсуяклар/ингичкалашган аристократ

- (Қ), нозиклашган аристократ (УТАМ)
 25 усталikka зеб берилган./усталикни кутган. (Қ,
 УТАМ)
 25—26 ҳоким синф поэзияси/поэзия (Қ, УТАМ)
 27—29 акс эттирган...

Феодал/акс эттирган.

«Одоб, назокат» ва ингичка завқ — эротикани
 рангдор булутларга ўрайди. Феодал (Қ), «Одоб, на-
 зокат» ва нозик завқ ~ Феодал (УТАМ)

48-бет

- 4—36 қўлланади ~ ташкил этади: қўлланади.

Навоий поэзиясида кўрилган хусусиятлар фео-
 даллар турмуши идеологиясига жуда мувофиқ ту-
 шади. Навоий ғазалларидаги ишқ ва майни кўпин-
 ча танқидчилар тасаввуфий характерда эканини, ол-
 ло ва унга эришувни шоир символик образ билан
 ёр, жононга бўлган ишқ шаклида тараннум этилган-
 ини сўзлайдилар. Навоий лирикасидаги муҳаббат
 тароналарига ялписига киноявий-аллегорик маъно
 бериш, менимча, янглишдир. Ҳаётга эпикурик назар
 билан қараганда, безакка, ҳашаматга зўр берган
 киборона нафис манералар, одатларни қабул этган
 XVаср чигатой аристократияси ва Бобир таърифича
 «ифрот, айш-ишрат, фиққ»қа берилган подшоҳни,
 шахзодалар, бекзодаларни, улар бу билан дунёдан
 қўл узган аллақандай мистиклар қилиб қўядилар.
 Ҳақиқатда, Навоийдаги ишқ мистик идея билан
 боғланмаган ишқдир. Фақат, феодал идеологиясига
 ва унинг бадиий адабиёти услубига хос бўлган
 идеаллаштириш тамойили орқасида у ҳақиқий эро-
 тика ўз қирраларини яширган, ортиқ даража нафис
 шаклга киргандир. Бир кўп шеърларида айрим де-
 таллар ишқнинг ҳеч қандай мистик идея билан боғ-
 ланмаганини очиқ кўрсатадир: (Қ);

қўлланади:

Навоий поэзиясида ҳам ишқ ва май бор, аммо
 шоир буларга юксак маъно берди, пок муҳаббатни
 кўп куйлади, вафосизлик ва севги ҳақида ажойиб
 шеърлар яратди: лекин у вазирлик, давлат арбоби
 вазифасида бўларкан, юрагида кўп тоза фикрлар,
 халқ қайғуси, халққа бўлган муҳаббати ривож топ-
 ди. Аристократлар, подшоҳларнинг разил ҳаётидан
 нафрат қилди.

Навоий ғазалларидаги ишқ ва майни кўпинча
 танқидчилар тасодифий характерда эканини, оллоҳ
 ва унга эришувни шоир символик образ билан ∞
 Ҳақиқатда, Навоийдаги ишқ мистик идея билан боғ-
 ланмаган ишқдир. Аммо, Навоийда баъзан мистик,
 сўфиёна шеърлар учрайди. Унинг поэзиясида бу нар-
 са ортиқ даража нафис шаклга киргандир. Кўп
 шеърларида айрим деталлар ишқнинг, асосан, ҳеч
 қандай мистик идея билан боғланмаганини очиқ
 кўрсатади. Муҳаббат дарёси, май, маҳбуб ҳақидаги

юксак куйлари унинг ижод хазинасини ташкил этади:

49-бет

- 20 Ичкиликка/Ичкига (Қ)
33 Сўнгра, Навойда/Сўнгра, (УТАМ)
35 шоир/Навой (УТАМ)

50-бет

- 3—11 Чунки, Навойда ∞ маълумот берамиз./Чунки, Навойда тасаввуф идеяларини тараннум этган ғазаллар ҳам кўпдир. Буларда ишқ ва май, ёр, уни соғиниш, мақташ, айрилиқ ва ҳоказо киноявий маънода бўлиб, тасаввуф фикрларини ифода қиладир. Навой поэзиясида диний-мистик тароналарни яхши фаҳхламоқ учун биз бу ерда тасаввуф — сўфизм ҳақида қисқача маълумот берамиз. (Қ, УТАМ)
12 Ҳижрий II—III (милодий XI) асрда пайдо бўлиб, / Ҳижрий II асрда зуҳур этиб тез замонда бутун мусулмон мамлакатларига тарқалган, (Қ), XI асрда пайдо бўлиб, (УТАМ)

14 халқ оммаси ичига тарқатилган/кенг халқ оммаси ичига силжиб кирган (Қ)

51-бет

21—22 энди кўрина бошлади./ҳали йўқ. (Қ)

25—27 инсоннинг ∞ дейди сўфийлар./Инсоннинг моддий-жисмоний борлиги уни «гумроҳ» қилади, жисмоний борлиқнинг ҳар хил талаб ва эҳтиёжларини ўтамак қайғуси инсонни оллодан узоқлаштиради, дейди сўфийлар. (Қ)

52-бет

25 кўчирилиб/кўчиб (Қ)
32—33 қарам қилиб олгач, шу босиб олинган ўлкалардаги/ўзларига киргизгач мустамлакалардаги бойликни (Қ, УТАМ)

53-бет

14 тавсиф/тасвир (УТАМ)

25 янги/энди, у (Қ), У энди (УТАМ)

54-бет

30 етишади!/қотишади! (Қ)

35 киришдилар./тиришдилар. (Қ)

55-бет

11 одамларни/халқни (Қ)

31—32 илдиз отган./илдиз отабилмишдир. (Қ)

36—37 дарвишлар омма ўртасида энг зарарли фикрларни ташвиқ этиш билан/дарвешлар оммага заҳарли қарашларни таълим бериш, энг зарарли фикрларни талқин этиш билан (Қ)

56-бет

8 ясадиғи/юзага келтирган (УТАМ)

10 кесилиши/ўлдирилиши (УТАМ)

12—13 Жомий/Ҳофиз Шерозий, Жомий (УТАМ)

13—17 каби шоирлар ∞ тузадилар./каби шоирлар Эроннинг ва умуман сўфий адабиётининг энг йирик намояндаларидандирлар. Тасаввуф «назария»сига доир асарлар ёзилади. Баъзи шоирлар тасаввуфнинг асос-

- ларини халққа ўргатмоқ ниятида ахлоқий-таълимий манзум асарлар яратадилар (Қ)
- 36 қизиққан/уринган (Қ, УТАМ)
- 4 маълум маънони/айни маънони (Қ)
- 7 дунёвий ишқ-муҳаббат поэзиясининг услубидан/сарой аристократик эротик поэзиясининг (Қ, УТАМ)
- 8 ғазалларда ҳам/ғазалларда (УТАМ)
- 15 дунёвий/сарой-аристократик (Қ, УТАМ)
- 15 севги/эротик (Қ, УТАМ)
- 22 «нозик»/«ингичка» (Қ)
- 24—27 Навоий сўфийликнинг ~ учрайди/Навоийда сўфийлик руҳида ёзилган кўпгина ғазаллар билан бир қаторда тасаввуф «назарияси»га оид ва сўфийча-ахлоқий таълимот айрим асарларида учрайди (Қ)
- 29—30 билан ҳам бирмунча/биланда (Қ)
- 36—38 тасаввуфий асарлардан ҳоли бўлмаган ҳикоялар ҳам мавжуд бўлган манзум асари бордир./тасаввуф асосларига оид фикрлар ва ахлоқий сўфиёна ҳикоялардан иборат манзум асар ёзади (Қ)/манзума ёзади (УТАМ)
- 58-бет**
- 15—17 тараққийсига бениҳоя катта ҳисса қўшган. У муаззам иншоот ишлари билан/тараққийсига чолишган. Катта иншоот ишлари билан (Қ)
- 19 Шоир/Вазир шоир (Қ)
- 27—28 феодал/аристократияси (УТАМ, Қ)
- 37—38 «рўкач қилиш»/«кўрсатиш» (УТАМ, Қ)
- 42 маънавий/руҳоний (УТАМ, Қ)
- 59-бет**
- 6 савалайди,/яланғочлайди, (Қ), фош қилади (УТАМ)
- 13 ёлгончи таловчилар/ёлгончи, эл таловчилар (Қ, УТАМ)
- 60-бет**
- 7 алдамчи шайхларни/шайхларни (Қ), мунофиқ шайхларни (УТАМ)
- 9 нозик/ингичка (Қ), чуқур (УТАМ)
- 61-бет**
- 21 бутунлай қарши/қарши (УТАМ, Қ)
- 26—27 диннинг бир шакли/диннинг энг ёмон шакли (УТАМ, Қ)
- 36 мавжуд./кўп. (УТАМ, Қ)
- 38 бу хилдаги поэзиясининг/тасаввуф поэзиясининг (УТАМ, Қ)
- 40 «ҳаққа»/оллога (УТАМ, Қ)
- 62-бет**
- 12—13 диний эътиқодга/динга (УТАМ, Қ)
- 13 бир эътиқод./дин, (УТАМ, Қ)
- 15 «эркинроқ»/«илмийроқ» (УТАМ, Қ)
- 28 тасаввуфнинг пантеистик фалсафасига/тасаввуф (УТАМ, Қ)
- 63-бет**
- 4—5 (зарурий) топади./топади. (УТАМ, Қ)
- 16 томирларини/заҳарли томирларини (Қ), заҳарли томирларини (УТАМ)

- 33—35 Навой тасаввуфни шарҳлаган шеърларида «ҳақ» ни қидиради. Умуман бошқа мутасаввуфлар каби, у ҳам «ҳаққа ошиқ» эканини сўзлайди./Навой олони қидиради. Бошқа, умуман, мутасаввуфлар каби у ҳам олгога «ошиқ» эканини сўзлайди. (УТАМ)
- 37—38 Тасаввуфда илмлардан ҳам воз кечиш лозимлигини эълон қилади./Илмлардан ҳам воз кечади. (УТАМ)
- 41 қаноат ҳосил қилади./ишонади: (УТАМ)

64-бет

- 21 Навойни гоҳи пайтларда:/Навойини: (УТАМ)
- 35 (ҳаққа)/(олгога) (УТАМ)
- 36 Шундай қилиб, сўфийларга кўра,/Шундай қилиб, (УТАМ)

64—65-бетлар

- 40—4 тушунтирилса, ~ бўлиб чиқади. Шоир ўзини/Ассий мотиви ишқдан иборат бўлган тасаввуф поэзиясида мана шу мистик ишқ тараннум этилади. Шоир ўзини (Қ, УТАМ)
- 5 жилвалар қилади./Шоир севгилиси олгога ташқи жиҳатдан порлоқ, ранго-ранг, лекин мазмун эътибори пуч, ваҳим, саробдан иборат куйлар тўқийди: (Қ, УТАМ)
- 24 Ёрга кўнгилдан/Мавҳумотга (Қ, УТАМ)
- 25 унинг/олло (Қ, УТАМ)
- 27 Аммо ишқ ингичка рамзлар,/Бу мистик ишқ ∞ (Қ), Бу мистик ишқ нозик рамзлар, (УТАМ)
- 28—29 бир мунча мавҳумийлик касб этади. Лекин шоир ишқини,/Бу самовий ишқ баъзан тамом терс тасвир қилинади, яъни «вужуд мутлақ»қа бўлган ишқини, (Қ, УТАМ)
- 32 Маҳбуб/олло (Қ)
- 32 дилбар,/бир дилбар, (Қ)
- 34 ичкилик базмида/ички базмида (УТАМ)

66-бет

- 19—20 қарашларнинг излари ора-чора учрайди./анчагина ўрин олади. (Қ, УТАМ)
- 20 бир фалсафа сифатида/куйлаганлар бир фалсафа, бир тараққий сифатида ҳоким синф зиёлиларини жалб этган тасаввуф сарой-аристократ адабиётига чуқур таъсир кўрсатишидир. Шоирлар асрларча «олло ишқини» куйламышлар. (Қ)
- 25 этганлар./этмишлар. (Қ)
- 25 Адабиётда илдиз отган/Адабиётга патак илдиз отган (Қ)
- 30 мавҳум ишқ,/мавҳум, хурофий ишқ (УТАМ)
- 34—35 дунё билан хайрлашишга/ўлишга, (УТАМ)
- 39 ўрнашган эдиким, ўз давридаги/ўрнашган, ҳоким синф идеологиясининг айрилмас бир узви бўлиб қолган эдиким, ўз давридаги (Қ, УТАМ)
- 40 аъло эгаллаган,/яхши қамраган, (Қ), яхши эгаллаган, (УТАМ)

67-бет

- 2—3 батамом қутула олган эмас./қутула олган эмас. (УТАМ)

- 8 ёқлонган/боғланган (Қ)
 27 давом этган ҳолда/давом этарак (Қ), давом этиш (УТАМ)
 30 қолиб,/қолароқ, (Қ)
 39—40 бир олим, юқори ва қуйи қатлам доирасида катта эътиборга эга бўлган улуғ шоир/бир вазир, саройда, аристократик муҳитда катта эътиборга эга бўлган шоир (Қ, УТАМ)

ДОСТОНЛАР (68-бет)

68-бет

- 3 буюк санъаткорлиги классик адабиётнинг/буюк санъаткорлиги учун ёрқин намуна бўлган классик адабиётнинг (Қ)
 4—5 ташкил этган дostonларида яна ҳам ёрқин намoён бўлади./ташкил этган асарлар, шубҳасиз, поэмаларидир. (Қ)
 18—19 кўркем асардир. Форс адабиётида/поэма жанри феодак адабиётимизда Навойга қадар ҳеч бир шоирда кўрилган эмас. Ўзбек адабиётини эрон адабиётига тенглаштирмақ истаган ва бунинг учун ўзида куч ва ишонч сезган, ўз даврининг фикри, адабий иртифонда турган шоирнинг даҳоси ғазаллар доирасида қола олмасди. Эрон адабиётнда (Қ)

69-бет

15 этганидан/этилганидан (Қ)

70-бет

- 9—10 бу асар ~ характердадир./Бу асосан тасаввуфга оид бир асар. Тасаввуфнинг кўпроқ ахлоқ ва одобга доир жиҳатларини кўрсатадирган характердадир. (Қ)
 11 Достон ~ муножот,/Асар традицияга мувофиқ олога «ҳамд ва муножот»лар. (Қ)
 12 «наът»,/«наът»лар (Қ)
 13 Сўнгра, йигирма/Сўнгра, (Қ)
 29—30 фалсафий ва ахлоқий асар бўлиб, унда/фикрий-ахлоқий асар (Қ)
 33 саволларга Навой чуқур ҳаёт/саволларга Навой ёлғиз дин нуқтаи назаридан эмас, чуқур ҳаёт (Қ) бир-бирига қарши қўйиш/қарши қўйиш (Қ)

73-бет

34 қийматлиси/энг қийматлиси (Қ)

74-бет

7 тенги/эши (Қ)

75-бет

- 1 келажакда не ҳол юз берадиган/келажакда нимани кўрсатмоқчи (Қ)
 27 Узукни/сирли узукни (Қ)
 42 ҳадялардан/жавҳарлардан (Қ)

76-бет

12 «ўзга шаклли бир жувон»ни/«ўзи шаклли бир нав-жувон»ни (Қ)

- 21 заифлашади./заифлашади, ҳатто, ақлдан озабошлаб,
жинилик нишонлари кўринади. (Қ)
39 ишонтирмоқ/инонтирмоқ (Қ)

77-бет

- 3 Арманстонда/Арманияда (Қ)
16 ойнада кўриндиги/ойнада кўрдиги (Қ)
16 Арманстонга/Арманга (Қ)

78-бет

- 27—28 турли даврларда қандай ўзгаришларга учраганлиги/
турли даврларда синфларнинг идеологиясига ва
бошқа манфаатларга мувофиқ қандай ўзгаришларга
учраганлиги (Қ)
33 Зотан,/умуман, (Қ)
37 ижодиди/ижодиди ~ мутавозеъ балки басит шак-
лида бўлса-да — (Қ)
40 идеаллари/идеологияси (Қ)
41 ғоявий/идеявий (Қ)
ғоя/идея (Қ)
42 яратган./ўртага қўйган. (Қ)

79-бет

- 12 ғоявий/идеявий (Қ)

80-бет

- 25 ишқий-романтик/ишқий-романик (Қ)
37 ўлчовлар/ўлчаклар (Қ)
39 ғояларни/идеяларни (Қ)

81-бет

- 1 ўлчовлар/ўлчаклар (Қ)
3 асосларини/бошланмасини (Қ)
4 қаҳрамонлик/қаҳрамонлик ҳам (Қ)
5 Олайлик/Олайиқ (Қ)
37—38 қаттиқ турган/инод қилган (Қ)
38—39 характерлидир:/характерли: (Қ)

83-бет

- 17 эришиш/эришув (Қ)

84-бет

- 21 ишқий саргузашт кетидан қувган/хулё кетидан югур-
ган (Қ)
41 уни безайди./бирликда бу қасрни турли тасвирлар
билан (Қ)

90-бет

- 19 дунёдан/дунёга (Қ)

91-бет

- 38—39 «мулкيات орзуси» бор, деб билади;/«мулкيات орзу-
си» (Қ)

92-бет

- 22 бу ахлоқ маъромини/бу ахлоқни (Қ)

94-бет

- 15—16 умидсизлик зоҳиран экани,/умидсизликнинг зоҳирий
экани, (Қ)
42 мисраи/мисраида (Қ)

НАВОИЙНИНГ ТАРЖИМАИ ҲОЛИ

- 103-бет* 16 илмпарвар,/илмпарварлар,
- 105-бет* 10 туйғун кўзларини/ақлли туйғун кўзларини
 22—23 яна қотириб ўқиб берди./қотириб ўқиб берди.
 29—30 яна қандай ўқийди. Ҳали тўрт ёшга тўлмаган бола шеърларни жуда севар,/яна қандай ўқийди! Тўрт ёшга ҳали тўлмаган бола шеърларни жуда севар,
- 106-бет* 24—25 Шунда хонақоҳ бурчагида ўтирган бир кексага кўзлари тушса-да, эътибор қилмайдилар./Хонақоҳ бурчагида ўтирган бир кексага кўзлари тушади, лекин эътибор қилмайдилар.
 42—43 Энди сенинг учун фотиҳа ўқишим керак./Энди сени дуо қилишим керак.
- 109-бет* 16 Такрор устига такрор/Ҳар қандай такрор
 29 Алишернинг юраги завққа тўлади. У, бора-бора/юраги завққа тўлади. Бора-бора
 31 Пировардида/Бора-бора
 36 ота-онаси, табиий, хабарсиз қолмайди./ота-онаси хабарсиз қолмайди, табиий.
 37—38 санъатнинг/санъатларнинг
- 110-бет* 1 китобни/бу китобни
- 111-бет* 32—33 Лекин бари бир/лекин
 35 у вақтда/у вақтки
- 112-бет* 17—18 кўп машаққатлар чекади./у кўп машаққатлар чекади.
 22 ҳужрада/боғчада
- 113-бет* 9 Бу ҳам етмагандек замон ҳукмдори/бу ҳам оз. Замон ҳукмдори
 23 шаҳарларни/шаҳарни
 24 Аксинча, Абу Саид Мирзо/Аксинча, фикрий ҳаёт Ҳиротда жонли, баракатли бир тараққий кўрсатмакда эди.
 Абу Саид Мирзо
 24 сиёсат/сиёсий
 33 эътиқодли/эътимодли
- 114-бет* 12 Унга мадрасасидан/Унга ўз мадрасасидан
 18 У/Бу
 21 бу киши шоир эди./бу ҳарбий одам шоир ҳам эди.
 27—28 шоирнинг тирикчилиги оғир бўлса-да,/шоирнинг тирикчилиги оғир эди. Лекин у
- 115-бет* 38 Билим доирасининг/Маълумотининг
 7 эди./эмиш.

- 118-бет 10 санъат/санъатлар¹
- 119-бет 32—33 Феодализм даврида юқори табақанинг ахлоқи шундай эди./Феодализм даврида юқори табақаларнинг, мансабдорларнинг, руҳонийларнинг ахлоқи шундай эди.
- 120-бет 4 Ҳар қаерда/Ҳар ерда
5 киришди./чалишди.
5 «Илгимдин/«Илгимдан
27 санъатнинг/санъатларнинг
- 121-бет 6—7 хабарсизликни у./хабарсизликни
17—18 моҳиридир./мастеридир.
25 этди./этади.
- 122-бет 13 ҳаммом солишган./ҳаммом ясалган.
- 123-бет 15 тузаттирган./яхшилаган,
25 зарур деб топди./зарур топди.
- 124-бет 5 Ҳар ерда/Ҳар ерда унга
- 125-бет 7—8 гўзал асарларни ёзиш учун ҳам имконият топа олар эди./гўзал асарларни ёзиш учун вақт ҳам, имконият ҳам топа олар эди.
19 бундан қанча кун илгари/бундан бир қанча кун илгари
- 126-бет 10—11 муқаддас қуш (Фаришта)лар тус товуқ (сайд) бўлишни истадилар./муқаддас қушлар, сайдлар тус-товуқ бўлишни истадилар.
27 кичкина-кичкина/кичкина
37 ҳоказо/ҳоказо каби гўзал,
- 127-бет 12—13 кўз ёшларидан ясалганлигини ҳаққоният билан айтади./кўз ёшларидан ясалганлигини забардаст ҳаққоният билан айтади:
- 128-бет 19 хусусият/хусусияти
- 129-бет 26—27 дейди у. Улар ниҳоят сирли сандиқни очишга мажбур бўладилар./деди у. Улар сирли сандиқни, ниҳоят, очишга мажбур бўладилар.
29 эди./экан.
33—35 биларкан. Аммо бу нарса тилсим бўлиб, бунини очиш учун Юнон мамлакатига Суқрот ҳақимга йўлиқиш шарт экан./билди. Аммо бу нарса тилсим экан. Бунини очиш учун Юнон мамлакатига бориб, Суқрот ҳақимга йўлиқиш шарт экан.
- 130-бет 3 кўради./кўрди.
21 чайқатади./чайқатди.

- 22 киришади./киришди,
23 парчаланеди./парчаланди.
- 131-бет*
- 24 юзади./юзди.
2 ниятида/учун
- 16—17 Фарҳод тоғ қазишга киришади./Фарҳод тоғ қазишга ихтирочи сифатида киришади.
18 теша ясайди./теша ясади.
- 18—19 ишлайди./ишлади.
20 қилади./қилди.
26 кетади./кетди.
28 тўлади./тўлди.
- 132-бет*
- 3 қовжираган/қовжироқ
13 бел боғлайди./бел боғлашади.
- 26—27 У золим./У элим, манҳус
- 133-бет*
- 15 Бу маҳлуқ./Бу чиркин маҳлуқ
24 шикаст этади./шикоят этади.
Бузуғлуқ, эй фалак, кўргуздинг охир,
Бузулган хотиримни буздинг охир.
Бу не инсоф эди, эй соқин даҳр,
Улар чоқда қадаҳ тутмоқ тўла заҳр!
Фарҳод сабога ёлвориб, ўз юртига, халқига, она-оналарига, ёру биродарларига салом айтади. Айниқса, ўзининг баҳодир, қариндош дўсти Баҳромни бу ерга келиб, золимлардан ўч олишга чақиради:
Ки истар сенки, еткай ерга ёним,
Бўлиб хушнуд сендин хаста жоним.
Не бирдам тинки, бир соат таянгил
Наҳор бу кийна сурмакдин ўсонғил.
Буён азм айламак жазм айла филҳол,
Чирик жамъ айлабон азм айла филҳол.
Бу иштин роҳати жонимни иста,
Толибон қотилим қонимни иста.
- 40 дейди./деди.
- 134-бет*
- 2 дейди./деди.
14 юмади./юмди.
- 135-бет*
- 35 бола/бир бола
- 136-бет*
- 41 ҳаддан/ҳаддидан
3 Кўчада У кўчада
- У ∞ таассуб кўрсатади./У ∞ таассуб кўрсатди, ғазабланганидан жони чиқаёзди.
13 дегандан/деган биттасидан
15—18 Лекин унинг қўйи, туяси беҳисоб бўлиб, мол-мулкнинг овозаси ҳар ёққа кетган экан. Лайлининг отаси кўнади. Аммо шундай бўлса ҳам Лайли бир қадар заиф, тузалсин, сўнг тўй бўлсин, дейди./Лекин унинг қўйи, туяси саҳрога сигмас экан, мол-мулки билан ҳар ёққа донғи кетган экан. Лайлининг отаси кўнади. Аммо Лайли бир қадар заиф, тузалсин, етилсин, сўнг тўй бўлсин дейди. Навфал мардлиги/

- Бу киши арабда мардлиги билан ном чиқарган экан./ном чиқарган экан.
 чунки қизнинг севган йигити бор экан./чунки Навфал қизининг севган йигити бор экан
- 38—41 У доим Мажнун севгиси билан ёнади, йиғлайди.
 Лекин қафасдаги қизни Ибни Саломга зўрлаб узатадилар./У доим Мажнун севгиси билан ёнади, йиғлайди.

Бу бечора, ҳуқуқсиз қизнинг дарди, ҳасрати Мажнунниқидан ҳам даҳшатлироқ. Чунки эркак Мажнун эркин, дод-фарёд қилади. Аёл бўлгани учун, ҳуқуқсизлиги учун Лайли бутун ишқ ўтини юракда яширишга мажбур. У ёрига ёзган хатида дейди:

Сен тортибон охи оташ олул,

Мен ўт ёқубон чиқармайин дуд.

Лайлининг қалби, бутун сиймоси шундай тоза, шундай ёрқин, севгиси шундай чуқур ва гўзалки, унинг хати бунга ойнадир. У Мажнуннинг Навфал қизига уйланишини эшитиб, ёзади:

Боғ ичра қўйиб қадамни бир кун,

Кўрмуш эрдим ул санамни бир кун.

Ҳам хўбу, ҳам элга меҳрибондур,

Неча деса, яхшигина жондур.

Евар сенга ҳақ таборак ўлсун,

Бу хайр ишинг муборак ўлсун.

Бўлсанг неча онинг ила ҳуррам,

Ёд айла гаҳи бу хастани ҳам.

Ибни Салом тўйни бошлади. Лайлини зўрлаб узатадилар.

- 42—43 Бироқ ханжарни/Бироқ бу ханжарни

137-бет

2—3 саҳрога кетади./саҳрога чиқади.

10—11 Буни Мажнун/Мажнун

23—24 уни ўз ёнига чорлайди, ҳол-аҳвол сўрайди./уни ёнига чорлади, ундан ҳол-аҳвол сўради.

24 маълум бўлдики, бу киши/мажнун бўлди. Бу киши

41 Баҳром қиз билан/Баҳром бу қиз билан

138-бет

8—9 мақтамайди, таажжубланмайди ҳам./мақтамади, таажжубланмади.

11 сўзлайди./сўзлади.

11 газабланади./газабланди.

12—13 кетади./кетди.

13—14 пушаймон ейди. Гўзални соғинади./пушаймон еди. Гўзални соғинди.

14—15 из ҳам йўқ эди. У ўзида аввалгидан/из ҳам йўқ. Аввалгидан

16 сезади./сезди.

17 хасталанади./хасталанди.

18 қидирадилар./қидирдилар.

20 қаср ясатадилар-ки,/қаср ясатдилар-ки,

27 сўйлатади./сўйлатди.

41 аслида/зотида

139-бет

- 9—10 тарихий манбалар,/тарихий,
11 Искандар/Искандар ҳақиқатан
18 дейди./деди.
19 дейди./деди.
42—43 гулдаста ясайдилар, «Хамса»/гулдаста ясайдилар,
«Хамса»да беш катта дoston бордир:
1) «Ҳайратул-аброр», 2) «Фарҳод ва Ширин»,
3) «Лайли ва Мажнун», 4) «Сабъан сайёр»,
(«Етти сайёра юлдуз»), 5) «Искандарнома»,
«Хамса»
43 мисрадан ортиқ/мисрадан иборат бўлган

140-бет

- 9 кафтларининг панжаларини/кафларининг қўлини
25—26 бор эди/беклар орасида очиқ ва яширин ∞ беклар орасида шоирнинг очиқ ва яширин душманлари бор эди.
28 Шунинг учун уни/Улар Навоийни
31—32 сургун қилдиришга ҳам эришдилар./сургун қилдиришга эришдилар.

141-бет

- 2 Навоий/Навоийнинг
7—8 ўзига/унга
13 Навоий Астрободга шаҳарнинг ҳокими/Дуруст, Навоий Астрободга бу шаҳарнинг ҳокими
26—27 Кейинроқ, айш-ишратга ∞ шўнғиб кетган ва ифвогарлар,/Кейинроқ, айш-ишратга ∞ шўнғиб кетган эди. Ифвогарлар.
29 экан./эди.

142-бет

- 2 халқ билан/халқ иши билан
3 бекларнинг порахўрлик,/бекларнинг мероси — порахўрлик,
11 маърифатли,/маърифатчи,
23 номи/исми

143-бет

- 18 тасвирлар билан/тасвирлар билан тўла

144-бет

- 5 Уларни ўқиркан./Ўқиркан,
5—6 сеҳрли оҳанги қучиб кетади,/сеҳрли оҳанги ўзи билан қучиб кетади.
22 халқ учун баракали,/халқ учун, ўзи учун баракали,
25 ёр-дўстларидан/жонга яқин ёр-дўстларидан

146-бет

- 4—5 Иккинчи кун пойтахтдан чиқиб кетишни буюришди./Иккинчи кун подшо пойтахтдан чиқиб кетишни буюрди.
17—21 Ҳайдар, Алишер Навоий зимдан тайёрланган жиноятни пайқаб, ўз ҳаётининг таҳлика остида қолгани учун зўр ташвишда эканини, ∞ айтиб беради./Ҳайдар, Алишер Навоийга зимдан тайёрланган жиноятни пайқаб, ўз ҳаётининг катта таҳлика остида қолгани учун зўр ташвишда эканини, ∞ айтиб беради.
24 типирчилаб/жуда типирчилаб

147-бет

- 5 ва/ўзига ўхшаш
7 исён кўтарди/Дарвеш Али исён кўтарди.
14—15 чақимчилик қилиб:/чақимчилик қилабошладилар:
17—18 дея бошладилар. Подшо энди Навойдан гумонси-
рай бошлайди./дедилар. Подшо Навойдан шикоят
қила бошлайди.

148-бет

- 5 топилдики, ҳатто/топилади. Ҳатто
6 таажжубланди./таажжубланади.
7 бу муртад парвоначи!/собиқ парвоначи!
10—11 Энди вазир Низомулмулкка келсак, бу кўп жиҳат-
дан Маждиддинга ўхшайдиган одам./Энди бош
вазир — Низомулмулк бу кўп жиҳатдан Маждид-
динга ўхшайдиган одам.
13 Аксинча/Бунинг устига
34 Музаффар Ҳусайн келса/Музаффар Ҳусайнни за-
рур, деб ҳисоблаган/зарур ҳисоблаган
41 Лекин/фақат

149-бет

- 6 Энди масалани/Масалани
13 у асир тушади-да,/асир тушади-да,
19 эрини алдаб/эрини аврайди-да,
32 Низомулмулк/вазир Низомулмулк
33 Зиндонда/Зиндон ичида

150-бет

- 18—19 Ватан ва халқ учун Навой қароридан воз кеча-
ди./Ватан ва халқ номига Навой ҳалиги қароридан
воз кечади.
22 баъзи бир/баъзи
32 текширилгандан кейин,/текширилганда,

151-бет

- 5 У, шайхлар/Шайхлар
32 экан. Шунинг учун/эди. Бу йигитнинг шундай хис-
латлари учун
34 қолибди./қолар эди:
40 шуғулланибди./шуғулланди.
42 ўтибди./ўтди.
43 берибди./берди.

152-бет

- 1 қарамабди./қарамади.
3 берибди./берди.
7—8 кетибди. Йигит дарров югуриб, Алишерни тўхтатиб
дебди:/кетди. Йигит дарров югурди, Алишерни тўх-
татди ва деди:
13 берибди:/берди:
24 Навой/Дуруст, Навой

153-бет

- 28—29 уларни учирма қилиб олиб кетмагунча,/уларни учир-
ма қилиб бундан олиб кетмагунча,
31—32 Сўнг Хожа Ҳасан бунинг шоир истагандек бажара-
ди./Бу одам шоирнинг деганини расо бажаради.
35—36 насиҳат, мурасасозлик/ҳеч қандай насиҳат, ҳеч қан-
дай мурасасизлик

37 бир вақтда/бир замонда
39 катта мушкилот/жиддий катта мушкилот

155-бет

9 тож-тахт давосида ҳуқуқлидир./тож-тахт давосидә
тенг ҳуқуқлидир.

156-бет

41 йўқ эди./йўқ каби эди.

18 кишини/бирини

20 Шу/У

22 тушади./тушди.

22 боролмайди./боролмади.

40 эканлиги,/эканини,

157-бет

20 кўзларда/ҳамманинг кўзида

21 қайнайди./қайнади.

28 Ҳусайн/Султон Ҳусайн

«ХАМСА»НИНГ АСОСИЙ ОБРАЗЛАРИ (158-бет)

158-бет

2—9 Беш дostonдан иборат «Хамса» Шарқда кўп шоирларнинг идеали бўлса-да, уни яратиш шарафига ҳамма ҳам муяссар бўлавермаган. Машҳур «Хамса»лар орасида Навоийнинг «Хамса»си алоҳида ўрин олади. Бу мустақил ва поэтик қиммати эътибори ила ёлғиз ўзбек адабиётидагина эмас, бутун туркий халқлар тарихида яратилган ўз шериклари билан бўй ўлчашажак бир тарздаги кўркам асардир./Беш дostonдан иборат қалин поэтик асарлар Шарқда кўп шоирларнинг идеали бўлса ҳам, «Хамса» яратиш шарафини озгина шоирлар қозонган. Машҳур «Хамса»лар орасида Навоийнинг яратгани алоҳида ўрин олади. Бу ёлғиз ўзбек адабиётидагина эмас, бутун туркий халқлар тарихида яратилган мустақил ва поэтик қиммати эътибори ила ўз шериклари билан бўй ўлчашажак бир тарздаги кўркам асардир.

11 шоир/шоир сингари

12—13 аҳамиятини яхши англар эди./аҳамиятини англар эди.

13—14 бутун соҳани эгаллаган,/ёзув соҳасини эгаллаган,

15 она тилини —/ўз она тилининг

159-бет

5 туркий тилида/ўз тилида

9 Навоий классикларнинг/классикларнинг

21 мисол бўлган/ўрناق бўлиб тушган

30—31 балки мустақил/мустақил

32—33 яъни устод/устод

36 композицион/формал-композицион

160-бет

3—4 англашда/англаш учун

7 мақолада/мақолада ёлғиз

10 фалсафаси/фалсафаси негизида

12—13 нафратлантиришга қаратилган. Ниҳоятда яхшилиқ

- идеялари қонун ва адолатда, ишқда./нафратланиш-
дир. Ҳаётда яхшилик идеялари қонун ва адолатда,
хурриятда, ишқда,
- 21—22 У жамиятдаги ҳақсизликларга, улуснинг тинч ва
осойишта ҳаётини бузувчиларга қарши ғазабланади./
У жамиятдаги ҳақсизликларга қарши, улуснинг тинч
ва номусли ҳаётини бузувчиларга қарши ғазаб-
ланади.
- 24—25 Оташин шоир яхши кийимли аслзодалар орасида/
Бу оташин шоир зар кийимли аслзодалар орасида
- 161-бет*
- 25—26 унга суялади. Феодализм даврининг/унга суялади.
Бу — ҳукмрон золим табақа. Феодализм даврининг
- 162-бет*
- 10 сиймосини гавдалантирмайдими?/сиймосини ҳам ик-
кинчи тарафдан гавдалантирмайдими?
30 оғир/фажеъ¹
- 33—34 руҳан қанчалик азобланмасин, аммо бардош қилди./
қарийб руҳан қанчалик азобланмасин, аммо вазир
Навой бардош қилди.
- 36 курашди./даъват қилди.
- 163-бет*
- 5 Бу «ҳақиқат оталари» деб аталганлар кимлар?/
Бу «ҳақиқат оталари» кимлар?
33 масхаралаган бундай асарни/бундай масхаралаган
иккинчи бир асарни
- 164-бет*
- 1 интилди./топинди.
10 Шунинг учун бизда/Бизда
30 дин/мавжуд дин
35 вужуди мутлақ/вужуд мутлақ ёки фамий мутлақ
- 165-бет*
- 9—10 чиқишга тиришади. У баъзан/чиқишга тиришди.
Шоир ўзини эгаллаган скептицизм орқали теологик
тафаккурга раҳна солишга муваффақ бўлса ҳам,
унинг занжирдан қутила олмайди. У баъзан
- 20—21 ўз ғурурини,/ўзинингда ғурурини,
24 жавоблар/олижаноб жавоблар
27 Шу билан бирга,/Аксинча,
34 фазилатларини/мазиятларини
- 166-бет*
- 41 усталик билан чизадики,/усталик билан ғоят барно
равишда чизадики,
18 Улар,/Бўрилар,
- 168-бет*
- 6 типик сатирик/типик
13 мансабларда/пояларда
20—21 — бекларда баҳодирларга хос бўлган бир ғурур
эмас, ҳар хил бемаъни такаббуриликлар бор./— бек-
ларда баҳодирларга хос бўлган ва арзийдиган бир
ғурур эмас, кулунчли бемаъни бир такаббуриликлар
бор.
- 169-бет*
- 8—9 лоф урадилар./бир лоф тўқийдилар.

- 15 Улар/Улар ёлғиз
 15 ҳар тарафдан/ҳар ёндан
 17—18 «Бу шоҳ бўлмаса, яна бошқа бир шоҳ-да!» деб/
 Улар «бу шоҳ бўлмаса, яна бошқа бир шоҳ-да!»
 деб
 21 Бу реал/Реал
 21 шоир/шоир буларда
 24 деталлари/чизиқлар
 27 пучлигини,/ҳечлигини,
 30 Навоий/жасур Навоий
 31 давлат арбоби сифатида/бутун ҳаётида давлат ар-
 боби сифатида
 32 бутун ҳаётида ҳақиқат/ҳақиқат
 34 сўз метали билан қуйиб кетди./сўз метали билан
 қуйиб, шармандан даврон қилиб кетди.
 36—37 баҳодирликни мақтайди./баҳодирликни, йигитликни
 мақтайди.

170-бет

- 6 қобилиятлари билан/қобилиятларини очиш билан
 12—14 Навоийнинг реал ҳаёт мушоҳадалари билан бойн-
 ган қарашларида/Асосан теологик тафаккур замини-
 да ўсиб чиққан, лекин ҳаётнинг мушоҳадалари би-
 лан бойинган қарашларда
 15 Шоир/Навоий
 27 хизмат қилишдадир./халққа хизмат қилишдадир;
 31 Агар ўз бойлигинг,/Ўз бойлигинг

171-бет

- 1—2 ўз даврининг/шу даврнинг
 3—4 Лекин Навоий табиатан «барчадин яхшироқ ҳаёт
 гули»ни севарди./Лекин Навоий табиатан ҳаётсевар,
 бой бир натурага эга эди:
 Барчадин яхшироқ ҳаёт гули
 18 Навоий эътиқодича,/аммо Навоий юқорида айтгани-
 миздек, теологик тафаккур дарёсидан ҳали чиқиб ет-
 маган.
 Навоий эътиқод қилганча, дин,
 26—28 феодализм даври идеологиясининг зарурий таъсири
 ва сиқигидадир./феодализм даврининг ва ҳукмрон
 идеологиянинг зарурий таъсири ҳам сиқигидадир.
 30 тоза ҳаё/тоза, камолот, ҳаё
 34—36 жаҳон адабиётида гуманистик ва фалсафий идея-
 лари билан нодир поэзиядир. Шоирнинг/жаҳон ада-
 биётида нодир бўлган ва олижаноб фалсафий идея-
 лар билан ҳам фавқуллодда бой ва порлоқ поэзия-
 дир. Шоирнинг «Хамса»да яратган образлари юксак.
 оламшумул идеяларни бадий тажассумлантирувчи
 образлардир.

172-бет

- 2 Бу қаҳрамонлар шеърга кирмасдан одиноқ/ Поэма-
 ларнинг қаҳрамонлари шеърга кирмасдан аввалоқ
 3 яралган/шоироналашган
 5 Улар, ҳаётинг бачканаликлар билан ўралмайдилар.
 /Улар, идеал образлар каби, ҳаётинг қайд-қуйдлар
 билан ўралмайдилар,

- 8—11 тор маиший шароитлар шоир томонидан усталик билан ўчирилади. Бу нарса образнинг жонли қиёфасига зарар қилмагани ҳолда, унинг бадий тўлақонлигини оширади./тор маиший шароитлар ўчирилади. Шуниси муҳимки, бу ҳол образнинг жонли азаматига асло ҳалал қилмайди, унинг бадий тўлақонлилигини оширади.
- 28 балоғатга етади:/балоғат касб этади:
- 29—30 Шу билан бирга,/Бунинг билан баробар,
31 Фарҳод/Табиатнинг бахтиёр боласи Фарҳод
37 гўдакликданоқ/гўдакликда

173-бет

- 1 Ҳатто унинг «ингалаши»да ҳам/Унинг «ингалаши»да
14 эгаллайди./касб этади.
16 маънавий куч/юксак маънавий куч
- 31—32 Энди тожу тахтнинг/Тожу тахтнинг

174-бет

- 10—11 Шунинг учун ёш шаҳзода тайёр салтанатни, қари отани ташлаб,/Ёш шаҳзода тайёр салтанатни, ўз тожини қабул этишни ўтинган қари отани ташлаб,
13 Олим, донишманд,/Фарҳод денгиз фалокатидан толанган дўсти Шопур билан Арманистонда...
Олим, донишманд,
14—16 Арманистонда кўрсатади. Лекин ишқ унинг қалбига ягона ҳоким бўлиб, бошқа инсонлик туйғуларини,/шу ерда кўрсатади. Ишқ унинг қалбига ягона ҳоким бўлиб, бошқа чин инсонлик туйғуларини,
17—18 Ишқ унда улур виждонга, буюк фидокорликларга,/Ишқ улур виждонга айланган, буюк фидокорликларга,
21—23 тош кесувчиларга ҳам раҳм қилиб, бутун оғирликни ўз гарданига олади. Ўз юртида/тош кесувчиларга раҳм қилади.
Агар қилсам мадад воқе маҳолдур.
Хунарни асрабон нетгумдир охир,
Олиб туфроққаму кетгумдир охир.
Фарҳод ўз юртида
30 Навоий бунда/Навоий
- 34—35 «ғойибона ошиқлар» образларидан бениҳоят илгарилаб кетади ва ҳаёт тантанаси учун жонкуяр, энг тоза, энг чуқур муҳаббат билан тўлган бир сиймога айланади./«ғойибона ошиқлар»нинг образларидан бениҳоят юксалади, у ∞ чексиз бой юракли бир сиймога айланади.
41 шу сўзлар/мадҳ-сано ўқиган шу сўзлар нодир санъаткорлар ва улар раҳбарлигидаги бинокорлардан/нодир санъаткорларнинг ва уларнинг раҳбарлигида бўлган бинокорларнинг

175-бет

- 10 бу —/буни'
11—12 Тонг отиши билан/У бир лаҳза ором олмайди.
Тонг отиши билан
22 Ширин муҳаббатига сазовор бўлади./муҳаббатга сазовор бўлади. У Қорун усулида пўлатдан теша

ясаб, ариқ қазышда ўз илми ва уқувини тадбиқ этиб, қурилиш техникасида янгиликлар кўрсатади.

176-бет

- 9 Унинг/Подшо ҳокимияти
- 34 Ширинни/жононини
- 36—37 Хисрав/Подшо Хисрав

177-бет

- 7 Шопур олиб бораётган мактуб/Шопур Ширинда» олиб бораётган мактуб
- 9 бегуноҳ эканини,/бегуноҳ Мажнун эканини,
- 10 чуқурлигини/чуқур эканини
- 13 бўлмасин»/бўлсин
- 27 ҳуснига доғ/ҳуснига чиркин доғ
- 34—35 Фарҳод/«демона» Фарҳод

178-бет

- 21 тортиб/суриб

179-бет

- 12 «хайвон/«ки хайвон
- 13—14 вафосиз одамий»нинг бир-биридан фарқсизлигини таъкидлайдилар,/вафосиз одамий»дин деган фикрни ўзлари учун ҳаёт раҳбари қиладилар.
- 15—16 мушкуллардан/мушкулотлардан
- 33 тўла фалакнинг/фалакнинг
- 34 раҳна/сад
- 35 елкасига ҳам/елкасига яна ҳам

180-бет

- 3 қилади./қилади. У қаерга борса орқасидан тўда-тўда болалар «Мажнун келди — Мажнун келди!» деб югуришади.
- 3—6 У ўзлигини, қавм-қариндошини унутади. Бутун ҳаёт ва коинот унинг учун ёлғиз Лайли ёди билан жилваланади:/У ўзлигини унутади, қавм-қариндошини унутади. Бутун ҳаёт ва коинот ёлғиз Лайли образида жилваланади.
- 30 йигит, шундай қудратли ишқига қарамай,/олим ва шоир йигит, шундай улуғ ишқига қарамай,
- 38 Мажнуннинг ишқдан хотири паришонлигини/Мажнуннинг ишқини, бу ишқ орасида унинг хотири паришонлигини

181-бет

- 2 эътироф этади-да,/эътироф этади. Мажнунни
- 3 тайёрдек/тайёр сингарни
- 5—6 ишора қилинганч,/ишора қилганч,
- 32 келиб,/келтириб,

182-бет

- 19—21 У кўйлагини йиртиб, жононининг кўтири ити яраларини боғлайди,/У кўйлагини йиртиб, баднамо кўтиритнинг яраларини боғлайди,
- 39—41 Бечора ота суюкли фарзандининг ҳолини бу хароба маскандан ҳам харобароқ кўриб,/Бечора ота суюкли фарзандининг кайфини бундаги хароба маскандан кўра хароброқ кўриб,

183-бет

- 1 Чиндан ҳам/Чиндан-да

- 2 Унингдек/Унинг сингари
 25 ошиқнинг/эзилган ошиқнинг
 26 Лайлининг/У Лайлининг
 33 сахро лочини/сахронинг тоза юракли рицари

184-бет

- 2—3 бегуноҳ жониворларнинг/Мажнун овдан нафратланганлигини билдиради, бегуноҳ жониворларнинг
 3—4 чин инсонга номуносиб/ва ов билан қорин тўйғизмок чин инсонга номуносиб
 5—8 Аммо Навфал Лайли висоли ҳақида ишорат қиларкан, қувониб кетади ва унинг Лайли отасига очган даҳшатли урушига қарши чиқмайди. Фақат уруш натижасида/Аммо Навфал Лайли висоли ҳақида ишорат қиларкан, ошиқ жуда қувониб кетади. Ҳайвонларнинг қонини тўкишни бир зулм ва гуноҳ ҳисоблаган Мажнун Навфалнинг Лайли отаси билан қилган даҳшатли муҳорабасига қарши чиқмайди. Фақат
 11 қизини/ўз қизини
 14 севгиллари ёлғиз ҳуснда,/севгиллари ҳам ёлғиз ҳуснда,
 16 билан ҳам/билан-да
 19 санъатда/санъатларда
 26 «Айнул-ҳаёт»/«Наҳрул-ҳаёт»
 26—27 (ариққа шундай маъноли «Ҳаёт чашмаси» деб от қўйганлар)/(ариққа шундай маъноли от қўйганлар)

185-бет

10 У/Ширин

186-бет

- 11—12 бўлиб/бўлса ҳам,
 12 бўлса-да,/бўлса ҳам,
 13—14 феодализмнинг/феодализм
 14 анъаналари, чирик, қаҳрли тарбияси/анъанасининг, чирик, қаҳрли тарбиясининг
 18 боғда сайр этаркан,/мактаб болалари билан боғда сайр этаркан,
 23 фақат/ёлғиз бир
 32—33 Лайли аёл бўлгани ва ҳуқуқсизлиги учун бутун юрак алангасини ичида сақлайди:/Лайли юрак алангасини ичида сақлайди:
 бу араб қизининг мардона қалби шундай тоза, шундай ёрқин, севгиси шундай чуқур ва гўзалки, унинг хати бунга ойнадир. Унинг юксак туйғулари мавжланган мактубида тенгсиз олижаноблик, самимият, улуғворлик барқ уради./бу араб қизининг мардона қалби чиндан ҳам шоён ҳайратлидир. Унинг юксак туйғулари мавжланган мактубида қандай олижаноблик, қандай самимият, қандай улуғворлик барқ уради.

187-бет

- 35 йиқилади./хаста йиқилади.
 38—39-Лайли образининг улуғлиги шундаки, бутун ҳаёти қайғу,/кейин Лайли образининг улуғлиги шундаки, бутун ҳаёти туташ қайғу,

188-бет

- 17 мужассамланиши/тажассумланиши
- 20 Ҳатто Навоий/ҳатто
- 21 ўз дунёқарашига/Навоий ўз дунёқарашига
- 22—23 ишққа символик маъно беришга ҳам уринган. У афсоналарни/ишққа мистик-символик маъно беришга уринган. Афсоналарни Навоий
- 25 Фарҳодга Суқрот/Фарҳодга учрашган Суқрот

189-бет

- 17 бой ҳаёт водисида/бой, тўлғин ҳаёт водийсида
- 18 яратган/шоир яратган.
- 19 Унинг/Навоийнинг
- 39 гўдак чоғларида/гўдаклик чоғларида

190-бет

- 11 подшонинг ғазабини келтиради./подшонинг ғазабини тутоқтиради.
- 17 салтанат ишларидан/подшо салтанат ишларидан
- 31 Юпаниш учун/Баҳром юпаниш учун
- 43 ёрқин шахслардир./ёрқин шахсиятлардир.

191-бет

- 24 У/Дуруст, у

193-бет

- 39 Халқ ҳимоячиси/Халқ манфаатининг ҳимоячиси
- 41 қонун ҳукм суриши,/қонун ҳукм суриши кераклигини,

194-бет

- 18—19 У зулмнинг/Зулмнинг
- 19—20 адолатнинг яратувчи кучи тўғрисида бир файласуф, тажрибали сиёсатчи,/адолатнинг яратувчи кучига доир файласуф сифатида, тажрибали сиёсатчи сифатида,

195-бет

- 3 ғамхўрликка чақирди,/ғамхўрликка ҳар вақт чақирди,

196—197-бетлар

- 40—1 Искандар образи юксак камолотга эришган бир шахсдир./Искандар образи юксак камолотларга бой бир шахсиятдир.
- 13 Аристотелга/Аристотелдан
- 19—20 ҳисси ҳақида/ҳис ёки кайфият ҳақида

198-бет

- 40 картина/энг мос картина

199-бет

- 9—10 тўрт олий қасрда машҳур санъаткорлар чизган йилнинг тўрт фасли тавсиф қилинарсан./тўрт олий қасрда йилнинг машҳур санъаткорлар чизган тўрт фаслини тавсиф қиларкан,

НАВОИНИНГ ДУНЁҚАРАШИ МАСАЛАСИГА ДОИР (200-бет)

200-бет

- 4 мутафаккир ҳамдир/мутафаккирдир (УАС)
- 9 бурунроқ ҳам/бурунроқ (НГ)

- 22 гоъвий/идеялик (УАС, НГ)
 24 шакл эмас/қуруқ шакл эмас (УАС, НГ)
- 201-бет
- 4—5 Унинг дostonлари, жўшқин лирикаси/Унинг поэма-
 лари, унинг лирикаси (УАС); Шунинг учун унинг
 дostonлари, жўшқин лирикаси (НГ)
 7—8 Лекин бу билан бирга унинг/Унинг (НГ)
 10 аммо у/аммо Навоий (НГ)
 14 тараққиёт/прогресс (УАС, НГ)
 15—16 Навоий мутафаккир сифатида/У мутафаккир сифа-
 тида (НГ); Навоий мутафаккир (УАС)
 28—29 дostonининг/поэмаси (УАС, НГ)
 34 дostonларида/поэмаларида (УАС, НГ)
 43 шеърый, маданий меросни/шеърый меросни (НГ)
- 202-бет
- 1—2 аҳамиятга эга бўлса-да,/аҳамиятга, шубҳасиз, эга
 бўлсалар ҳам, (УАС)
 3 эмасдир./эмаслар. (УАС)
 31 Бунда/Бу тушунишга мувофиқ (УАС)
 34 ва/ҳам (УАС)
 35 билан ҳам/билан (УАС)
- 203-бет
- 19 сукут/сукунат (УАС, НГ)
- 204-бет
- 28 дostonларининг/поэмаларининг (УАС)
 34 Айни қарашни/Худди шундай қарашни (НГ)
 37—38 Файласуфлар/файласуф (УАС, НГ)
 38 доирасида/рамкасида (УАС, НГ)
- 205-бет
- 9 аҳкомлари/қонун-қоидалари (НГ)
 11—13 вазири сифатида шундай қарашни олға суради.
 Сўнгра умуман Шарқ шоирларида/вазири сифатида
 Шарқ (НГ)
 14—15 «маҳбуби» саналган Муҳаммаднинг/«маҳбуби» Му-
 ҳаммаднинг (НГ)
 17 масалага ўз давридаги/масалага шоир-мутафаккир
 сифатида қараганда, (УАС)
- 206-бет
- 11—12 «Людвиг Фейербах»идаги/«Людвиг Фейербах» кито-
 бедаги (НГ)
- 207-бет
- 14 берилади. Ташқаридан олинган билим бу ерда/бери-
 лади ва бу ерда (НГ)
 37 Биз мисол учун/Масалан (НГ)
- 208-бет
- 1 алдоқчи/шарлатан (УАС), фосиқ (НГ)
 4 Бойқаро,/Бойқарога (УАС)
 15 фожиавий/фожиали (НГ)
 28 билар эдилар./олардилар. (НГ)
 39—40 Сўфи ∞ эришишга тиришадикки,/Сўфи ўзининг ички
 маъноси камолоти даражасига эришишга тиришади-
 ки, (НГ)
 42 олар./олар эмиш. (НГ)

209-бет

- о аталади/айтилади (УАС)
- 11 ҳижрий йилнинг/ҳижрий (УАС)
- 33 қашшоқчилик/қашшоқлик (НГ)

210-бет

- 4—5 ўз фикрларига бир қадар кенглик, бир қадар эркинлик/ўз фикрларига бир қадар эркинлик (НГ)
- 13 расмий/официал (УАС, НГ)
- 20 четлаб, фикрларнинг/қараганда фикрлар, (УАС, НГ)
- 30 Султоннинг/Султон Ҳусайннинг (НГ)
- 41 У қувватини/Қувватини (УАС, НГ)

211-бет

- 24 боғланган/марбут бўлган (УАС)
- 30 кишини/одами (УАС)
- 34—35 силтайди, жилла бўлмаганда бу идеяни талқин этади. Ҳатто/силтайди. Ҳатто (НГ)

212-бет

- 2 Фаридиддин Аттор каби/Фаридиддин Аттор, Ҳофиз Шерозий каби (УАС, НГ)
- 4—5 поэзияси қаҳрли ва дунёнинг/поэзияси дунёнинг (НГ)
- 7—8 сарой-феодал/феодал (УАС, НГ)
- 23—24 тафаккур чамбаридан анча четланганини/тафаккур чамбаридан чиқолмаганини (УАС, НГ)
- 26 чиқиб кетишга/чиқишга (УАС, НГ)

213-бет

- 17 қаноатлантирган/қаноатлантирмаган (УАС)
- 24 Сўфи худонинг/Сўфи юқорида айтганимиздек худонинг (НГ)
- 30 Навоий/У (НГ)

214-бет

- 12 ора-чора чекнишлар/нарсалар (УАС, НГ)

НАВОИЎНИНГ «МАЖОЛИСУН-НАФОИС» АСАРИ ҲАҚИДА (215-бет)

215-бет

- 3—4 («Нафислар мажлиси»)/ («Нафисларнинг мажлислари») (НГ), («Нафислар мажлиси») (Қ)
- 6 «Тазкиратуш-шуаро»лар/«Тазкиратул-шуаро»лар (НГ)
- 6 жумласига/категориясига (Қ)
- 11 кўрсатилиб/кўрсатиб (НГ, Қ)
- 12 тарихи/тарихий (НГ)
- 21 асар/асарлар (НГ)

216-бет

- 23 бутун ҳолда/бутун ҳолати (НГ)
- 25 тўлиқ тасаввур/тасаввур (Қ)
- 26 шоирнинг/у шоирларнинг (НГ)
- 41 чизги/чизғи (НГ)
- 43 кимга/кимнинг (Қ)

217-бет

- 4—5 муаммони ўрнак тариқида келтириш билан характеристика тугалланади./муаммо ўрнак тариқидан келтириш билан характеристика тугалади. (НГ, Қ)

- 11 санъатининг/мастерининг (Қ)
 28—29 ўз сиёсий душманларини/сиёсий душманларини (НГ)
 218-бет
 12—13 таъқиб этиб борган./кузатиб борган. (НГ)
 21 муваффақиятлари/ютуқлари (НГ)
 22 сўз санъаткори/сўзнинг улуғ мастери (Қ)
 27—28 («Мавлоно Риёзий» ва «Ибн Лаъли»га қаралсин.)/
 («Мавлоно Риёзий»га қаралсин)¹ (НГ)
 41—42 «Мажолисун-нафоис»и/«Мажолис...»и (НГ, Қ)
 219-бет
 16—17 (Мавлоно «Қабулий»га қаралсин.)/(«Мавлоно Қо-
 булий»га қаралсин)² (НГ)
 38 ясади./қурди. (НГ)
 39 кам/нодир (Қ)

НАВОИЎНИНГ АДАБИЙ МЕРОСИ МАСАЛАСИГА ДОИР (220-бет)

- 220-бет
 8—9 шеър — поэзия ҳаваскорлари/озми-кўпми шеър ҳа-
 васкорлари (любители)
 9—10 профессионал адабиётшунослар/адабиётшунослар
 11—12 маънолари/маънолари (тонкости)
 13—15 махсус ўрганиш ва асарлар яратиш зарурлиги ҳақи-
 қида оз ўйлар эдилар./Ўрганиш ва асарлар яратиш
 зарурлигини ўйламас ва тушунмас ҳам эдилар.
 15—17 Мадрасаларда ўрта асрлар схоластикаси, диний ва
 айрим дунёвий «килмлар»ни ўзлаштиришгагина аҳа-
 мият берилар эди./Мадраса ўрта асрлар схоластика-
 си, диний «килмлар»ни кўр-кўрона ўзлаштиришдан
 бошқа нарсага ўргатмасди.
 17—18 бир кўп адабий обидалар эса яхши ўрганилмай ке-
 лар эди./бир кўп адабий обидалар (памятники) уну-
 тила бошланган эди.
 27 етарли ўрганилмагани/ўрганилмагани
 28 жараёнини/жараёнини (процесс)
 221-бет
 15 миқдори кўп/миқдорда кўп
 15—16 таълимий-ахлоқий асарлар/этик асарлар
 32 шаклланиш босқичини/шаклланиш (формирование)
 стадиясини
 36 ўтмишдошлари/предшественниклари
 37 санъаткорлари/мастерлари
 39—40 «маликул-калом»,/«маликул калом» (царь слова)
 40 ўз даврида унга тенг келарли/ўз даврида мастерлик-
 да унга тенг келарли
 222-бет
 2 ўзбек адабий тилини/адабий она тилни
 12 ширин садоллиги/ширинсадоллиги (сладкозвучность)
 14 серифодалилигини/ифодалилигини (выразительность)
 17 обрўси/авторитети

¹ Алишер Навоий. Танланган асарлар, III том, Ўзбекистон Давлат нашриёти. Тошкент, 1948, 54-бет.

² Уша асар, 48-бет.

- 18 қуръон тили ҳисобланган араб тили/қуръон ва худо-
авторитетига суянган араб тили
39 — то вафотига қадар/— то қабрга қадар
40 санасини/датасини
42 устунлиги/устунлиги (преимущество)
43 қаноат/қаноат (убеждение)

224-бет

- 2—3 ички қўзғатишлар ва ташқи омиллар,/ички қўзғатишлар (побуждения) ва ташқи факторлар,
6 яқин гуруҳлар орасида/яқин аристократик онлада
6—7 У замонда ҳукмрон дсиралар/У замонда аристократия ва бошқарувчи доиралар (правящие круги)
10 анъаналар/традициялар
11 «туркона расм»/«туркона расм» (тюркский обычай)
13—14 келиннинг юзидан ўртулари (шойи рўмолини)/келиннинг юзидан гўдакнинг ўртуларини (платки покрывала)
14 гўдакнинг олиши,/олиши
26 типик чизгиларни/типик чизгиларни (штрихи)
36 (зуллисонайн)/(двуязычие)
40—41 ўйнаган роли ва аҳамиятини/роль ва аҳамиятини

225-бет

- 14 бирлиги,/бирлиги (единство)
15 пировардида/пировардида (в конце концов)
17 ободончилик/ободончилик (благоустроительный)
23—24 қонуниятнинг/қонуниятнинг (законность)
27 завқига/завқига (вкус)

226-бет

- 11 тилида/тилда
15 адабиётининг/она адабиётнинг
17 мазиятларини/мазиятларини (преимущества)
23 ихчамлиги/ихчамлиги (гибкость)

226-бет

- 35—37 ундан адабий тил учун асил дурлар терди, тилнинг бойишига, шаклланишига, мукаммалланишига катта хизмат қилди./ундан асил дурлар терди, тилнинг бойишига, адабий тил шаклланишига, мукаммалланишига катта хизмат қилди.
38—39 жуда кенг билим ва қаттиқ меҳнат/колоссаль билим ва меҳнат

227-бет

- 13 дostonга қадар —/поэмага қадар
24—25 ҳали тўла қаноатлантирмайди./ҳали ҳеч қаноатлантирмайди.
учун/учун-да
30 салафларининг/предшественникларининг
32 жараёнларни/жараёнларни (течение)

227—228-бетлар

- 41—1 Навоий ғоят улуг, жуда кўп қиррали шахсият экани маълум./Навоий жуда катта, жуда кўп қиррали (многогранная) шахсият экани маълум. Навоий бир неча ўн минг байтларни ташкил этган поэтик асарларида/Навоийнинг бир неча ўн мингларни ташкил этган поэтик асарларида

228-бет

- 7 Унинг асарларини/Асарларни
20 шартланган/шартланган (обусловленный)
25 асрга/аср
28 дostonларида/пoэмаларида
30 асарларини/асарларини (творения)
40 улкан, салмоқдор китобда тўплаган./улкан, қалин, салмоқдор (весомую) китобда тўплаган
41 ҳақиқатан/ҳақиқатан (по истине)

229-бет

- 5 жилд/жилд (том)
10 гўзалга —/гўзалга (красавица) —
13 — бениҳоят гўзал./— идеально гўзал.
15 Ёрга мурожаат этаркан./Ёрга мурожаат этарак
17 ғайри такрорий образларда/ғайри такрор (неповторимо) образларда
То бузуғ кўнглум аро зулфинг хаёли айланур,
Аждаҳодурки, бир вайрона ичра тўлганур.
Музтариб кўнглим аро ул юз хаёли айланур,
Бу улуг суда қуёш акси нечукким чайқалур.
23—24 Навоий ғазаллари ҳаётий шўхлиги, тўлақонлиги билан ажралади:/Навоий ғазаллари ҳаётини — шўх, тўлақонлик билан ажралади.

230-бет

- 27 шеърлар кўп./шеърлар мавжуд
29—30 Аммо Навоийнинг бундай май ва маҳбуб ҳақидаги ғоят нозик шеърларининг асли мазмунини ∞ /Лекин бундайлар ғоят нодир. Навоийнинг май ва маҳбуб ҳақидаги асли мазмунини ∞
33 шартли/шартли (условный)

231-бет

- 6—9 Навоий лирикаси орасида ∞ топилади./Навоий лирикасида орасида ∞ кўпдир.
9 Лекин Навоий/Навоий
11 У/Лекин Навоий
20 билан ҳам ифодаланади. Бу поэзия аксар/билан ифодаланади. Бу поэзия баъзан
21 ерга хос/ерга хос (земной)
36—37 аллегорик образларга мурожаат этган./аллегорик ишқдир.

232-бет

- 11 мунофиқ./ҳам мунофиқ
22—23 Бу парчалар аллегорикдир — тасаввуфона руҳдан ҳоли эмасдир./Бу парчаларнинг мазмуни тамоман аллегорикдир — тасаввуфонадир.
23—24 расмий/официал
27—28 фалсафий-диний қарашлар қобигига буркангандир./фалсафий-диний қарашлардир.

МУҚИМИЙ АСАРЛАРИДА СОЦИАЛ ТИПЛАР (261-бет)

261-бет

- 6 Муқимий ижодиёти/Муқимий ижодиёти ўзининг бадий ва ижтимоий аҳамияти (Қ)

- 11—12 чор Россиясига қўшилиш арафасида/чор Русияси томонидан истило этилиш арафасида (Қ)
- 262-бет
- 7 эксплуататорлар/эксплуататор, (Қ)
10 Бу даврда/Колониал даврда (Қ)
20 Қўқон/Хўқанд (Қ)
26 солиқлар/налоглар (Қ)
34 қашшоқлик/пауперизация (Қ)
- 263-бет
- 40 сўз санъати/сўз мастерлиги (Қ)
42—43 Фурқат, Завқий яна бир қанча шоирларни истисно қилганда, Муқимийга замондош/Муқимийга замондош (Қ)
- 264-бет
- 3 эдилар./эди. (Қ)
9 анчагина/кўп (Қ)
16 маданиятсизлик/маданиятсизлик (безкультурье), (Қ)
24 мақомда/мақомда (лад) (Қ)
35—36 замонасининг ярамас ҳодисаларини/Истилонинг илк йилларда рўй берган турли ҳодисаларини (Қ)
38—39 шикоятланган эди./шикоятланарди. (Қ)
41—42 «Танобчилар»даги/«Танобчилар»да (Қ)
- 265-бет
- 9 моҳирона/моҳирона (мастерски) (Қ)
12 ҳаётда/муҳитда (Қ)
13 ўсол-ёвуз/ўсол (злой) (Қ)
14—15 белгиларни кўрсатишда/черталардан (Қ)
15 танлади./қўяди. (Қ)
16 чизгилар./черталар, (Қ)
31 амалдорларнинг/амалдорларнинг-бадқирдорларнинг (Қ)
- 266-бет
- 39 фабрикант/фабрикантлари, (Қ)
1 алдоқчилардир./высочкалардир. (Қ)
10 У, Москва/Москва (Қ)
11 синади./банкрот бўлади. (Қ)
19 маҳлуқ:/маҳлуқ (тварь). (Қ)
25 Хўп, унинг/хўб, (Қ)
36 ахлоқини/ахлоқий (нрава) (Қ)
37 Феодал-мустамлакачилик замонида/колониал даврда (Қ)
41 Улар бошқаларга/Бошқаларга (Қ)
- 267-бет
- 17 Хасислар эса ўзларини/хасислар эса (Қ)
40 моҳирона/мастерларча (Қ)
- 268-бет
- 18 Керилмачоқ/керим (Қ)
- 269-бет
- 5 тўн./узун тўн, (Қ)
9 хусусиятни/чертани (Қ)
24—25 Мана энди авлиёнинг ўзи («Авлиё» шеъри)/Мана энди ўзи. (Қ)
33—34 лекин унинг бутун хатти-ҳаракатлари/лекин ҳаракатлари (действия) (Қ)

270-бет

- 1 хулқларини/хулқларини (нрава) (Қ)
- 3 бир туркум/бир серия (Қ)
- 8 етук/етук (зрелый) (Қ)
- 9 Бу ўзига хос/Бу махсус (своеобразный) (Қ)
- 10—11 муйқалами/қалами (кисть) (Қ)
- 19 ифодакор/ифодакор (выразительный) (Қ)

271-бет

- 11 «Олтиариқ»қа бормоқда,/«Олтиариқ»га (Қ)
- 12 келяпти./келади. (Қ)

272-бет

- 7 нафратланди./нафрат қилди. (Қ)
- 7 энг илғор/энг олдинги прогрессив (Қ)
- 9—10 Шоир ўз муҳити, тарбияси, психологияси бўйинча мадраса (мулаллик) теграсида ўралиб қолди./муҳити, тарбияси, психологияси бўйинча шоир мадраса мулласи эди. (Қ)
- 11 оммасини/массаларини (Қ)
- 11 қилмади,/қилолмади, (Қ)
- 13 ёвузликни/шарни (зло) (Қ)
- 14 идеалларини/идеяларини (Қ)
- 16—17 Аммо теваарақдаги зулми, даҳшатли ҳаётни дадил кўрсатди./Аммо теваарақдаги золим, даҳшатли ҳаёт бечора шоирни бадбинликка солмади. (Қ)

«НАВОИЙ» РОМАНИНИ ҚАНДАЙ ЕЗДИМ
(291-бет)

291-бет

- 3 қуёш/магнит (Қ)
- 6 турар эди./турарди. (Қ)
- 8 ўқир эдим,/ўқирдим. (Қ)
- 12 текширишга бошладик./текширишга киришдик. (БИҲ)
- 17—20 сустдир. Чуқур мазмунли, вазминли текширишлар ҳануз йўқдир.
Тахминан/сустдир...
Тахминан (БИҲ)
- 21 Лекин бу машқ Навоий/Бу машқ буюк Навоий (Қ)
- 22 буюк/катта (БИҲ)
- 23 ёздим,/яратдим. (Қ)
- 28 йиғдим./йиғиш, (Қ)
- 33 ўйлар эдим./ўйлардим. (Қ)

292-бет

- 6 образларни/образларини (БИҲ)
- 23 баъзан хаёлга ҳам оз-моз ҳуқуқ/баъзан оз-моз хаёлга ҳам ҳуқуқ (Қ), баъзан хаёлга ҳам ҳуқуқ (БИҲ)
- 27 ҳақиқий, тўғри бердим./ҳақиқий бердим. (БИҲ)
- 30 кўринади./кўринса-да, (Қ)
- 34—35 дунёқарашлари — жиндай фантазия қўшилган хаёлим мевасидир./Дунёқарашлари, жиндай фантазия қўшилган хаёлим ижодидир. (Қ) дунёқарашларини тасвирлашда жиндай фантазия қўшилган хаёлим мевасидир. (БИҲ)

293-бет

- 8 Хонлар, подшоҳлар,/подшоҳлар, (Қ)
- 17—18 у даврдаги социал ҳаётни,/у давр социал ҳаётини, (Қ)

ИЗОҲЛАР

Ойбек забардаст шоир ва ёзувчи, публицист, истеъдодли таржимон, шу билан бирга том маънодаги улкан адабиётшунос олим эди. Унинг илмий фаолияти ижтимоий фан алломалари олдига қўйилувчи талабларга тўлиқ жавоб беради. Ҳеч муболагасиз айтиш мумкинки, адабий ва илмий фаолият унинг ижодида қўш қанотдек ўрин тутади. Зотан, бутун умр давомида унинг бадний зеҳни илмий салоҳиятидан озиқланиб турди, илмий истеъдоди эса санъаткорлик талантидан баҳра олди.

Ойбек деярли қирқ йил давомида ҳам ўзбек совет адабиёти, ҳам классик адабиётимиз соҳасида юксак савиядаги илмий тадқиқот ишлари олиб борди. Улар ичида маданий меросимизга бағишланган ишлар алоҳида ўрин тутади. Бу йўналишда Ойбекнинг илмий назари деярли минг йиллик адабиётимиз тарихини қамраб олади.

Ойбек ўз тадқиқотларида Маҳмуд Қошғарийдан тортиб Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Рабғузий, Хоразмий, Дурбек, Атоий, Саккокий, Лутфий; Бобирдан тортиб Муҳаммад Солиҳ, Турди, Машраб, Мунис, Нодира, Увайсий, Маҳзуна ижодлари ҳақида фикр юритди; Гулханийдан тортиб Махмур, Муқимий, Фурқат, Завақийлар ижодига баҳо берди.

«Тарих сўқмоқлари изимдан чўтир», деган эди у нурли ва сермазмун умрининг сўнгида ёзган шеърларидан бирида. Аслида бадний йўсинда ифодаланган бу фикр асосида ҳаётий ҳақиқат ётади. Зеро, унинг серзаҳмат хаёли ва тафаккури илмий ва бадний ниятларини амалга ошириш мақсадида мозий сўқмоқларни типимсиз кезди, ўзининг саволларига жавоблар излади. Қаршисида учраган ҳар бир тарихий заррани марксистик дунёқараш асосидаги тафаккур нури билан ёритди, ўз асарлари, тадқиқотлари учун кераклиларини саралаб олди.

Ҳар бир ёзувчининг ягона, нури битмас бир устози бўлади. Шу устоздан олинган қувват, ададсиз меҳр унинг сеҳр сирларини излашга, ўрганишга чорлайди. Ойбек учун Навоий ана шундай устоз бўлди. Мақолаларидан бирида эътироф этишчи, Ойбек Навоий ижодини 1928 йилдан ўргана бошлаган. Бу доҳий мутафаккир ҳақидаги сўнги мақоласи эса 1968 йилда босилиб чиқди. Ана шу 40 йил оралигида Ойбек томонидан ёзилган мақолалар навоийшунослик фанининг катта бойлигини ташкил этади. Проф. Е. Э. Бертельсдек Шарқ классик адабиётининг билимдони мақолаларидан бирида, агар мен Ойбек билан танишмаганимда, Навоий ҳақидаги

фикрларидан баҳраманд бўлмаганимда бу улуғ шоир ҳақидаги тадқиқотларимни яратишим маҳол эди, дегани маълум.

Ойбекнинг тинимсиз илмий изланишлари ва бадий тафаккурининг синтези ўлароқ «Навой» романи майдонга келди. Романда темурийлар салтанатининг Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлик қилган даврини нафақат бадий, балки чуқур илмий руҳ билан ёритгани сингари, илмий тадқиқотларида ҳам Ойбек илҳом аргумоғининг жиловини эркин қўйди ва тадқиқотларини кўпдан-кўп ёрқин бадий мушоҳадалар билан безайди. Кузатишлар шуни кўрсатадики, Ойбекнинг Навоий ҳақидаги роман ва дostonларига илмий ишларидаги фикрлар ва ҳатто, жумлалар қуёш нуридек эркин ва табиий сингишиб кетадилар. Ва аксинча, бадий асарлардаги жуда кўп тугунлар, ситуациялар даставвал илмий ишлар дошқозонда тобланади, ишлов берилади ва шундан сўнггина улар бадий асар саҳифаларидаги узукка кўз бўлиб тушади.

Ойбек тадқиқотларига ва шу тадқиқотлар учун олиб борилган тайёргарлик вариантларига назар ташласак, муаллиф фақат темурийлар даври адабиёти ва Навоий ижодигагина оид материаллар йиғиш билан кифояланмаганини кўрамиз. Уларда адабий ҳаёт билан бир қаторда умуман тарих, иқтисод, этнография, давлатни бошқариш системаси, суғориш ва ирригация, халқ ҳаёти, шаҳар тарихи ва рельефи, ижтимоий муносабатлар ва ҳоказоларга оид материаллар ҳам алоҳида ўрин ишғол қилади. Буларнинг барчаси Ойбекнинг доимо ва муттасил равишда жуда катта ниятлар билан яшаганини кўрсатади. Улар адиб ва олим Ойбекнинг Навоийдан ташқари Беруний, Темур, Бобир, Машраб ҳақида яратилган ва яратилиши ният қилиб қўйилган асарларга тайёргарликлар ва шулар даври, ҳаёти, ижоди ҳақидаги илмий ишларнинг контурлари сифатида баҳолана олади.

Ойбек буюк кишиларга хос бўлган табиатан ва туғма камтар инсон эди. У Навоий ҳақида ўз вақтида (30-йилларда) турли ҳажмдаги катта-кичик тадқиқотларни ёзиб битирган бўлса-да, уларнинг аксариятини эълон қилмади ёхуд дўстларининг ва хусусан муҳтарама Зарифахоним Саидносированинг қистови билан айримларини 60-йиллардагина нашр этди.

Адиб ва олим Ойбекнинг ижодий лабораторияси шуни кўрсатадики, у ҳар бир илмий тадқиқоти учун жуда узоқ ва катта тайёргарлик ишларини олиб борган. Юзлаб илмий адабиётлар билан яқиндан танишиб чиққан, зарур бўлганларидан конспектлар олган. Шу конспектлардаёқ факт ва маълумотларни қуруқ қайд этиш эмас, ижодий жараён бошланади. Ойбек ўз олдига қўйган ҳар бир проблемани аввал мустақил тезис, лавҳа сифатида ёритишга интилган. Уларнинг дастлабки вариантларини тайёрлаган ва сўнггина барчасини бирлаштириб яхлит тадқиқотни майдонга келтирган. Ана шу тайёргарлик эскизлари ҳам шу қадар тиниқ, теран, бадий мушоҳадаларга бойки, баъзан уларни илмий-тадқиқот эскизларими, бадий асар тайёргарлигими, аниқлаш қийин бўлади. Булар барчаси Ойбекнинг илмий-тадқиқот ишларига ҳам ниҳоятда масъулият билан қаралганлигидан ташқари, уларни бадий илҳом билан яратганлигини кўрсатади. Зарифахоним Саидносированинг маълумот беришича, Ойбек баъзан илмий иш ёзаётганида худди бадий асар яратаётганидек 3—4 кунлаб ўрндан қўзғалмай ишлаган пайтлари бўлган. Мана шу меҳнатларининг эвази, ўзбек адабиётшунослигига қўшган катта ҳиссаси ва бадий адабиётдаги

хизматлари учун 1943 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг биринчи сайловидаёқ у академиянинг ҳақиқий аъзоси қилиб сайланди. Илмий салоҳиятининг кенглиги ва чуқурлиги учун ҳам узоқ йиллар давомида академиянинг Президиум аъзоси бўлди ва ижтимоий фанлар бўлимига раҳбарлик қилди.

Ойбек тадқиқотлари Навоий ҳаёти ва ижодиётининг деярли барча масалаларини қамраб олади. У Навоийнинг таржимаи ҳоли, ғазалиёти, дostonлари ва илмий фаолияти, ижодининг халқчиллик принциплари ва гуманизми, маҳорати ва тили, умуман даври ва адабий муҳити сингари масалалар ҳақида тадқиқотлар яратди. 40-йиллар охирида у Навоий ижодининг катта билимдони сифатида Иттифоқ миқёсида танилди. Юбилей муносабати билан 1948 йил май ойининг ўзида унинг Навоий ҳақидаги мақолалари СССР халқларининг 10 дан ортиқ миллий тилида, 30 тадан ортиқ газета ва журналда эълон қилингани бу фикрни тасдиқлайди. Булардан ташқари Ойбек адабиётшунос олимларнинг монография ва китобларига ёзган тақризлари билан классик адабиёт тадқиқотчиларининг пешқадам вакили сифатида ҳам кўз олдимизда намоён бўлади.

Ойбек Навоий ҳақидаги мавжуд ишлари билан кифояланиб қолмай, тинимсиз изланишини давом эттирган. Биз унинг шахсий архивидаги ҳужжатлардан ижодий ниятларини тўлиқ пайқай оламиз. Масалан, унинг 1957 йилда бажарган ишлари бўйича ЎзФА президиумига ҳисоботида айтилишича, 1958 йил Навоий ҳақида 10 босма тобоқдан иборат монография ёзиб тугатишини хабар беради. Лекин бетоблик унга бу эзгу ниятини амалга оширишга имкон бермади.

Ушбу жилда кирган мақола ва тадқиқотларда Ойбек Навоий ижоди ва шахсини кенг планда текширади, шоир даҳосини очишга интилади. Ойбек шу билан бирга мустаҳкам илмий заминда туриб Навоий дунёқарашидаги зиддият ва қарама-қаршиликларга доимо алоҳида эътибор беради. Чунончи, Навоийда «худо ва дунёнинг моҳияти» масаласи хусусидаги қарашлар бир хил эмас. У ўзининг қатор принципларини илгари суриш учун баъзи ўринларда дин эмас, сўфизм томонида бўлади, лекин гоҳи ўринларда бир масала устида унинг икки хил қарашлари бор. Жумладан, унинг ижодида худони жаҳоннинг иммоненти сифатида (бу — сўфийлар таълимотига кўра) тан олиш билан бир қаторда, баъзи ўринларда худони дунёнинг ташқарисида турувчи аллақандай илоҳий куч сифатида тан олиб, уни «антологик исбот этишга уриниш» (бу энди мусулмон динининг таълимотига кўра) ҳолларини учратамиз. Демак, Ойбек, таъкидича, Навоийнинг худони бир хил қабул қилиши, яъни худони жаҳоннинг иммоненти деб билиши нуқтасида Навоийнинг сўфизмга муносабати ва сўфизмнинг Навоийга таъсири намоён бўлади. Юқоридаги бир масала хусусидаги икки хил қарашнинг, зиддиятнинг сабабини Ойбек Навоий яшаб ижод этган даврнинг зиддиятлари билан, шоирнинг ўз даври фарзанди эканлиги билан изоҳлайди.

Аmmo Ойбек кузатишича, бу қарама-қаршиликдан қатъи назар, «худо ва дунёнинг моҳияти» масаласини Навоий, асосан, сўфиёна таълимот бўйича тушунган: «Гўё худо аллақандай, абадий, абсолют гўзал бир моҳиятдир. Дунё бир вақтлар худонинг ўз ичида сукунат вазиятида турган, яъни дунё, таъбир жонз бўлса, худонинг мазмунини ташкил этган бўлади. Сўнгра дунё чексиз ва ҳадсиз «ойинна»лар сифатида зоҳир бўлиб, худонинг гўзаллигини ўзида

акс эттиради. Лекин масала шундаки, Навоийда худо билан дунё айрим-айрим ҳолда мавжуд эмасдир... Навоийнинг англашича, худо — дунедир, у бутун жаҳонда тажассумлангандир. Шундай қилиб, Навоийда дунёнинг хорижида турган худо тушунчаси йўқолади. шунинг билан худо ва дунё дуализми бартараф қилинади. Бу пантеистик бир қарашдир».

Навоийнинг юқоридаги қарашлари XVII аср Ғарб файласуфи Спинозанинг худди шу масала хусусидаги қарашларига жуда яқиндир деган хулосага келади Ойбек. «Дунёда мавжуд бўлган барча нарса худодо мавжуддир ва худосиз ҳеч ниманинг на мавжуд бўлиши, на фикрланиши мумкин эмас», деб ёзган эди Спиноза. XV аср Шарқ мутафаккири Навоий билан XVII аср Ғарб файласуфи Спиноза қарашларидаги яқинлик ўз-ўзидан кўрииб турибди. Ойбек Навоий ва Спиноза фикрларидаги яқинлик билан бир қаторда улардаги фарқи ҳам кўрсатади. «Файласуф ва материалист Спинозада худо ўзининг бутун илоҳий сифатларини тамоман йўқотади. Унда худо деган бир номгина қолади. Файласуф сингари мантиқий тушунчалар рамкасида фикр юритишга эмас, балки образлар билан фикрлашга интилган шоир Навоийнинг қарашларича, худо ўзининг худодик сифатларини тамоман йўқотмайди. У ҳали ҳам табиат ичида жонли ва мукамал гўзал бир куч сифатида ўзини кўрсатиб туради».

Ойбек, Ф. Энгельснинг, тафаккурнинг борлиққа муносабати масаласига қарашлари нуқтан назаридан файласуфларни идеалистик ва материалистик мактаб вакиллари деб баҳоланиши кераклиги ҳақидаги таълимотига асосланиб, Навоий идеалист файласуфдир деган фикрга келади. Шунингдек, Ойбек яна Ф. Энгельснинг «Идеалистларнинг системалари руҳ ва материянинг қарама-қаршилигини пантеистик равишда «келиштириш»га тиришиб, борган сари кўпроқ материалистик мазмун билан тўлдирганлар» деган таълимотига суяниб туриб, бу фикрни Навоийга ҳам татбиқ қилиш мумкин, деган асосли хулоса чиқаради.

Ойбек фикрича, сўфизм катта бир фалсафий оқим, катта бир фалсафий мактаб бўлса-да, у догма ҳолига кирган таълимот эмас, у «бир кўп асрлар бадалида, асосан ўз моҳиятини ўзгартирмаса ҳам, лекин турли мамлакатларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий шароитларига мувофиқлашиб, турли формаларни қабул қилган». Сўфизмнинг баъзи оқим намояндалари учун ўзларини сўфий сананганлари ҳолда сўфийликнинг барча шартларини қабул қилиш мажбурий деб ҳисобланмаган. Бу ҳол хусусан юқори табақа вакиллари мансуб группалар учун характерли бўлган. Демак, сўфизмнинг ўз ичидаёқ маълум даражада «анархия» (бу термин шартли равишда ишлатилаяпти) ва ислоҳ мавжуд бўлган. Жамиятнинг ҳар бир табақаси ўзининг иқтисодий-ижтимоий ҳаётда ўрин тутишдан келиб чиқиб бўлса керак, уни ўз қизиқиш ва фойдасига мослаштиришга уринган. Навоий сўфизмнинг дарвишлар сулукига эмас, дунё лаззатларидан баҳраманд бўлиш мумкин, деган нақшбандийлик сулукига кирган эди. Навоий бир тарафдан сўфизм мактабига мансуб эди, иккинчи тарафдан у сўфизм таълимоти устидан ўз қарашлари билан нечоғлик кўтарила олди.

Навоийдаги ҳақиқий сўфиёна шеърларнинг учрашини эса Ойбек, асосан, даврнинг тақозоси ва ўздан илгариги сўфий шоирларнинг кучли таъсири натижаси сифатида изоҳлайди.

Ойбек ўзининг деярли барча тадқиқотларида Навоий ижодининг ғоявийлиги масаласига алоҳида эътибор беради. Ойбек хулосасига кўра, Навоий асарларида идеянинг асосан, биринчи планга чиқиши натижасида фақат унинг ўз ижодидагина эмас, умуман ўзбек адабиётида янги давр майдонга келди. Бунга эришувнинг сабабини Ойбек минглаб йиллар давомида бир кўп халқлар томонидан яратилган ижтимоий-фалсафий тафаккур меваларининг Навоий томонидан чуқур ўзлаштирилишида деб билди. Шунинг учун ҳам Ойбек Навоийни доҳий санъаткор сифатида ўрганар экан, бу адибнинг тарих майдонига келишидаги ва асарларининг яратилишидаги асосий сабабларнинг ижтимоий илдизларини излади. Ойбек Навоийнинг ўзини текширишдан олдин, у яшаб ижод этган давр ва тузумни текширди ва Навоийдек даҳони ҳам ҳамма буюк даҳолар сингари ўз даври ва халқи яратди, деган хулосага келди. Асарларининг яратилиш сабабларини ҳам Ойбек санъаткорнинг асосан, ана шу давр ва халқ билан чамбарчас алоқада бўлиши ҳамда жамиятнинг энг илғор идеяларини ўзида акс эттириши ва жаҳоннинг энг илғор маданиятини ўзлаштира олишида деб билди. Натижада, Навоий «Ҳамса»сини «бир кўп қадимий маданиятларнинг бадий ва фалсафий фикрининг шоирона синтезидир» деб баҳолади.

Ойбек Навоий ижодига объектив ёндашади, ундаги чекиншликларни ҳам кўрсатади.

Навоийнинг қатор ишқий шеърларида «шоирнинг севгиси, ёрнинг образи ҳеч вақт конкретлашмайди. У абстракт бир идея бўлиб қолаверади... Аксар ғазаллар бошдан охиригача ёрнинг ҳуснини куйлашдан ва бу ҳусннинг мадҳ этилишидан иборатдир», деб ёзади Ойбек. Натижада бундай образлар абстрактлашиб, уларнинг «ҳаётини илдизлари билинмай» қолади. «Поэзияда воқеликдан ҳаёллар дунёсига кўчган шоир ишқий лирикада образни мумкин қадар ҳаётдан узоқлаштиришга, фантастик фигуралар яратишга тиришади. Услуб учун гиперболизм — муболағачилик характерли аломат бўлиб қолади». Кўринадики, Ойбек ўша давр шеърляти учун характерли бўлган аломатлардан бирининг ижтимоий илдизини кўрсатиб бериш билан бир қаторда, бадийликдаги айрим кўринишлар (масалан, гиперболизм)нинг ўша давр поэзиясида, хусусан, Навоий методида ҳукм суришининг асосий сабабини очиб бермоқда.

«Ёрнинг ҳусни идеаллаштирилиб, ҳар қандай тасаввурга сизмас бир шаклда берилганидан — услубнинг ички мантиқига мувофиқ — шоирнинг ишқий кечинмалари, қайғуришлари, узилишлари, орзулари ҳам шундай кўтаринки, муболағали тарзда куйланиши керак. Натижада инсонни эҳтирослар, туйғуларни бадий шакллаш ўрнига, аллақандай символик муҳаббатнинг тараннумини кўраминиз». Мана ўша давр поэтик услубига хос бўлган формалистик кўринишларнинг асосий сабаби. Навоий ижодининг халқчиллигини белгилашда Ойбек: «Шоир поэзиясининг синфий мазмуни нимада? Унинг услуби қандай синфий идеология билан шартланган?» деган саволга ҳам жавоб беришга ҳаракат қилади. «Навоийнинг бутун ижоди ва, шу жумладан, унинг ғазалиёти, умуман аллақандай турк халқларининг¹ аллақандай умумий идеясини эмас, маълум

¹ Қатор буржуа адабиётшунослари ва пантуркистлар Навоийни ўзбек халқининг шоири эканлигини рад этиб, уни умумтурк шоири сифатида баҳоламоқчи ва бу билан пантуркизм ғояларини

даврдаги прогрессив идеологияни акс эттиради». Навоий ўз даврининг оддий улуси билан яқиндан алоқада бўлди, халқнинг оғир турмушини ўз кўзи билан кўрди ва бу қийинчиликларни чуқур ҳис эта олди. Халқнинг «юқори демократ гуруҳига мансуб бўлган шоир» Навоий, ўз асарларида акс эттираётган воқеаларга асосан халқ позициясидан туриб ёндашади, ўз даврининг энг илгор ва халқчил гояларини тараннум этади, дейди Ойбек. Лекин бу ердаги халқнинг «юқори демократ гуруҳига мансуб» эди, дейилган фикрни айнаи, яъни «Навоий демократ шоир эди» сифатида англамаслигимиз керак. Чунки Навоий асарлари, асосан, чуқур халқчиллик, фаолияти эса халқпарварлик руҳи билан суғорилган бўлса-да, у демократ шоир эмас эди. Мамлакатни ва давлатни халқ бошқариши керак, деган фикрдан Навоийнинг ижоди ҳам, дунёқарши ҳам, фаолияти ҳам ҳали анча узоқ эди. Навоий саодатга, бахтга, фаровон ҳаётга халқ фақат мунаввар подшоҳлик туфайлигина эришади деб ўйларди. Лекин буидан қатъи назар, қисман «Навоий поэзияси нозиклашган прогрессив аҳл психологиясига, уларнинг завқига мувофиқ бир поэзия» бўлса ҳам, унинг ижоди асосий йўналиши эътибори ила «прогрессив табақалар адабиётига хизмат» қилди, унинг ижодкори эса, демократ шоир даражасига бўлмаса-да, «илгор демократ арбоб» даражасига кўтарилди, деган ҳаққоний хулоса чиқаради Ойбек.

Навоий асарларида, асосан халқнинг орзу-умидлари куйланди, тарих тараққиёти ва воқелик асосан «халқ позициясида» туриб ёритилди. Асарларига юқори табақа вакиллари билан бир қаторда халқ орасидан чиққан кишилар ҳам киритилди ёки юқори табақа вакиллари тасвирланганда ҳам (масалан, Фарҳод) уларнинг фаолиятида, асосан халқ орзулари илгари сурилди. Натижада Навоий ўзбек классик адабиётда халқчиллик принципини чуқур ўзлаштира бошлаган санъаткор сифатида майдонга келади. Унинг дostonларидоги Лайли ва Мажнун, Фарҳод ва Ширин, Искандар ва Шопур, Меҳринбону ва Дилором, Фаррух ва Сухайл образларида халқ орзу қилган идеал инсон образи намoён бўлади. Ана шу қатор хусусиятлар туфайли майдонга чиқувчи Навоий асарларидаги халқчиллик руҳи бу асарларни фольклор намуналарига яқин келтириб қўяди, деган фикрга келади Ойбек. У ўзбек фольклор асарларидаги баъзи мотивлар билан Навоий асарлари ўртасидаги умумийликни ва айни вақтда бир қатор фарқий хусусиятларни ҳам кўради. Муштаракликни халқчиллик принципади кўрган Ойбек, улардаги айирмани ҳам ана шу принципдан топади. Навоий халқ оғзаки ижодини шу даражада чуқур ўрганадики, у халқ ижодида етишмаган хусусиятларни ўз асарларида тўлдиради. Айниқса, халқчиллик принципининг ифодаланиши нуқтаи назаридан Навоий, масалан, «Фарҳод ва Ширин» дostonида ўзбек фольклор асарларида учровчи «ғойибона ошиқлар» тасвирланган асарлардан «бениҳоят илгарилаб кет-

илгари суришда Навоий авторитети билан ниқобланмоқчи бўлган эдилар. Навоийнинг ўзбек тили учун олиб борган курашини ўз она халқининг тили ва маданияти учун кураш сифатида эмас, форс тилига қарши кураш ва демак пантуркизм учун кураш сифатида халқини етишга уринишлар бўлган эди. Ойбек бу ўринда ана шундай фикр баён қилувчиларга зарба бериб, Навоий маълум бир давр ва маълум бир халқнинг прогрессив гояларини ифодалаган, деган фикрни илгари суради.

ди» деб ёзади Ойбек. Бу илгарилаб кетишни, хусусан, Навоий томонидан дostonдаги сув проблемасининг қўйилишида ва асосий қаҳрамоннинг ана шу сув учун курашида, халқнинг кўп асрлик орзуси ифодаланишида кўради Ойбек. Лекин, бу Навоийда халқчиллик тўла-тўкис деган фикрни англатмайди. Ҳақиқий бадий қаҳрамон худди ҳаётдаги каби курашчан, ҳаракатчан руҳга эга бўлиши керак, деб тушунган Ойбек Мажнуннинг «курашчан руҳга эга эмас»лигини камчилик деб билади. Унинг бутун кучи ўз мақсадига эришиш учун курашга эмас, балки бошга тушган азобларга чидаш учунгина қаратилган. Бу эса асарнинг халқчил руҳини маълум даражада сусайтиради. В. И. Ленин юқори табақага мансуб ёзувчилар ҳақида сўзлаб, уларнинг ўз асарларида халқ орзу-умидларини куйлашининг асосий сабаби шуки, улар ўзларининг буюк даҳоларига содиқ қолиб, ҳаётни, воқеликни жамики қарама-қаршиликлари, курашлари билан ҳаққоний акс эттиришга бел боғлайдилар, ҳаёт ҳақиқатини чуқур эгаллайдилар. Натижада улар ўз муҳитлари билан алоқаларини узмасалар-да, халқ билан янада яқинроқ боғланадилар ва реалист ёзувчи даражасига кўтарилла оладилар, деган эди. Ойбек Навоий ижодидаги халқчилликнинг сабабини аниқлашда ана шу ленинча принципдан келиб чиқди ва бу улур шоир асарларини реалистик элементлар мавжуд дурдоналар сифатида баҳолади.

Ойбекнинг навоийшуносликка қўшган илмий ишлари ўзининг ана шундай кенг қамрови, проблематиклиги билан эътиборлидир.

Ойбек илмий мушоҳададан бадий мушоҳадага ўтган, илмий қарашларини бадий жиҳатдан синтезлаган, илмий заминга асосланиб бадий кашфиёт даражасига кўтарган, Навоий даври тарихи ва Навоий шахсини юксак марксистик позицияда туриб социалистик реализм методи асосида ёритиб берган олим — санъаткордир.

Мазкур жилд материаллари билан танишган ўқувчи бундай фазилат Ойбек қалами остидан чиққан ўзбек адабиётининг бошқа давлари ва бошқа сиймолари ҳақидаги тадқиқотлар учун ҳам хослигига қапоат ҳосил қилади*.

ТАДҚИҚОТ ВА МАҚОЛАЛАР НАВОИЙ ҲАҚИДА (7-бет)

Ойбекнинг бу илмий асари 1936 йилда ёзилган, 236 бетдан иборат. Ойбек дастхати билан араб графикасида ёзилган қўлёзма ёзувчи архивидаги 5-папкада сақланади. Асар 21×35 ўлчовли саргайиб кетган қозоғга, гунафша, яшил, қизил сиёҳлар билан ёзилган. Қўлёзма 1936 йили тугалланган бўлса-да, 1937 йили помаълум сабабларга кўра йўқолган. 1936 йилдан буён қаерда эканлиги помаълум бўлган бу асар 1955 йил 26 март куни Порсо Шамсиев томонидан Ойбекка келтириб берилади. Ёзилган вақтида босилмай қолган қўлёзманинг 236-бетдан кейинги давоми йўқ.

Ойбек асарлар ўн томлиги тўққизинчи томининг 99-бетидаги «Лайли ва Мажнун» номли қисмдан бошлаб 120-бетгача давом

* Мақола мазкур том тузувчилари Б. Назаров ва И. Рахимжонов томонидан ёзилган.

этувчи парча қўлёзмада йўқ. IX томга у «Хамса»нинг асосий образлари» мақоласидан («Навой гулшани» 98—124-саҳифаларидан) олиб киритилган. Шунга биноан мазкур парча ўз ўрни — «Хамса»нинг асосий образлари» мақоласи ичида берилади. Асарнинг «Навой ҳақида», «Навойнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида», «Навой ғазалиёти» (қўлёзманинг 21—61-бетлари) қисмлари орадан 25 йил ўтгандан кейин биринчи марта «Навой ҳақида» номи билан «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журналининг 1961 йил 1, 2, 5-сонларида эълон қилинди. Қўлёзмадаги «Поэмалар» деган қисми эса «Достонлар» деб номлангани ҳолда «Хамса»нинг асосий образлари» сарлавҳаси билан Ойбекнинг «Навой гулшани» номли мақолалар тўпламида (Тошкент, Бадний адабиёт нашриёти, 1967) босилди.

Ойбек асарлари ўн томлиги IX томининг «Достонлар» қисмида 68-саҳифадаги «Навой жамиятдаги ҳақсизликларга» жумласидан бошлаб 72-саҳифадаги «Навой амалдорларнинг кирдикорини ғоят тўғри ва ғоят усталик билан фош қилади» жумласигача бўлган қисм «НГ» тўпламидан ўрин олган, у «Хамса»нинг асосий образлари» мақоласига (74—83-саҳифалар) киритилганлиги сабабли ушбу жилда мазкур парча қўлёзмага мувофиқ тушириб қолдирилди. у ўз ўрнида — «Хамса»нинг асосий образлари» мақоласининг таркибида берилди.

Мазкур матидаги ҳолат «Навой ҳақида» тадқиқотининг қўлёзмасига айнан мувофиқ берилди. Ойбек асарлари ўн томлигининг IX томида эса асарнинг номи «Алишер Навой» деб берилган. Қўлёзмада аслида «Навой ҳақида» деб номланади.

* * *

IX томининг 99-саҳифасида «Шундай қилиб, Навой даҳоси...» жумласи билан бошланувчи 7—15-қаторлардаги хулоса тарзида берилган фикрлар қўлёзмада йўқ. Қўлёзманинг 228-бетидан 236-саҳифасигача «Лайли ва Мажнун» бобининг охири йўқлиги туфайли у шу ўриндан эътиборан «Хамса»нинг асосий образлари» қисмидан олиб улаб юборилган. «НГ» да ҳам, IX томда ҳам шу тарзда берилган.

«ЎТАМ» журналининг 1961 йил 2-(3—12-бетлар) ва 5-сонларида (15—26-бетлар) асарнинг «Навой ғазалиёти» қисми чоп этилган, қўлёзма аслига кўра у «Ғазалиёти» деб номланган.

Мақола IX томда 31—64-бетларни ташкил этади. Шунингдек, қўлёзмадаги 135—136-бетлар «Поэмалар», 136—147-бетлар «Ҳайратул-аброр», 148—227-бетлар «Фарҳод ва Ширин», 228—238-бетлар «Лайли ва Мажнун» (тугалланмаган) қисмларидан иборат.

Қўлёзманинг 236-бети қуйидаги жумла билан бўлинади: «Локин, Лайли ила Мажнуннинг қовуша олмоғонлигини асосий сабаб икки қабила орасида иқтисодий ёки юз берилган душманлик бўлса керак. Лайли отасининг ва бутун қабилаининг...».

Қўлёзма охирида номерланмаган (араб рақамлари тузувчилар томонидан ўқувчига осонлик туғдириш мақсадида қўйилди) асарнинг бир варақ плани бор. Биз уни қуйида айнан келтирамиз.

1. Кириш (қисқа).
2. Туғилиш, ота-онасига доир.
3. Болалик ҳаётига доир маълумотлар.

4. Муаллимлари, мактаблари, илм, санъат ва адабиёт билан машғулоти.

5. Ёш шоир. Зуллисонайн. — «Навой» ва «Фоний».

6. Тил соҳасида кураш. У даврда туркчилик ва эрончилик тенденциялари.

7. Навой Абулқосим Бобир саройида.

8. Абу Саид замони. Навой Самарқандда.

9. Навойнинг Ҳиротга қайтиши. Навой давлат арбоби. Халқ манфаатларининг ҳимоячиси.

10. Навой — илм, санъат ҳомийси.

11. Маданий қурилиш соҳасида Навой фаолияти.

12. Навой «Хамса» ижодчиси.

13. Тескаричи гуруҳларнинг Навойга қарши интригалари. Навой ва Ҳусайн Бойқаро.

14. Навой Астрободда.

15. Навойнинг сўнгги йиллардаги фаолияти ва ижодиёти.

16. Навойнинг ўлими.

17. Сўнгги қисм.

Қўлёманинг 9-бетидаги 22—25-қаторлар ўртасида мисол учун жой қолдирилган, лекин у тўлдирилмаган.

Қўлёманинг 12-саҳифасида 24-қаторидан кейин ушбу жумла ёзиб ўчирилган: «Мир Алишер то ёшлигидан бошлаб ўз замонасининг буюк фан ва санъат аҳллари билан учрашувга муваффақ бўлган».

Ойбек асарлар ўн томлиги IX томининг 13-бетидаги 11-қаторидан кейин қўлёманда: «Ангоким не киши эркандир алар мусаннифатидан улча машҳурдир», «қасидаи Бурда шарқи» ва «Исмоило Шарқий» ва «Зафарнома» тарихидир, ва муаммо фанини алар тадвин қилдилар. Анда ҳам ҳалал ва монозир ва мунтаҳиб аларнинг таснифидир. Мавлоно ҳиммат ва базал бобида тарифдин мустағний эрдилар» парчаси муаллиф томонидан ўчирилган.

IX томнинг 36-бети 30—31-қаторларидаги

Қўзларинг заҳми агар қилмади ҳар кирпик ила,
Бас, недур кўнглума юз ерда яро, эй қоракўз,

мисралари қўлёманда йўқ.

IX том 46-саҳифасининг 21-қаторида ва «УТАМ» (1961)да бо-силганлиги сабабли қўлёмандаги «ҳали йўқ» жумласи «энди кўри-на бошлади» деб берилган. Қўлёмандаги (1934—1935) асл ҳолат тикланди. 50-бет 14-қаторидаги пучак пулга арзimasлиги» жумласи IX том ва «УТАМ»да «пучак пулга арзиганлиги» сифатида янглиш кетган, у қўлёманда асосида тузатилди. 27-қаторидаги «киришдилар»-дан сўнг қўлёмандаги қуйидаги жумла ўчирилган: «Ўзбекистонда очкўз эшонларнинг то яқин замонгача халқни шилиб келгани ҳам-мага маълум». 52-бет 16-қаторидаги «IX аср» «УТАМ»да XII аср деб янглиш кўрсатилган.

IX томнинг 72-бетидаги сноскада берилган: «Шоир Муқимий икки солим, порахўр амалдорнинг апоқ-чапоқлигини тасвирлаганида айниқса шу мисра диққатни ўзига тортади.

Ош есалар ўртада сарсон илиқ,
Хўжа чироғ ёғи, Ҳакимжон пилик»

сатрлари қўлёманда йўқлиги учун олиб ташланди.

77-бет 32-қаторидаги «Ширинни Хусравга аҳди амри ошкор қилинган» жумласи қўлёзмада «Шириннинг Хусравга унаштирилганлиги маълум бўлган» тарзида берилади.

IX томдаги асарнинг «Лайли ва Мажнун» ҳамда «Сабъаи сайёр» боблари «Хамса»нинг асосий образлари»дан олиб қўйилган.

З и р о а т (8-бет) — экин экиш, деҳқончилик.

Месопотамия (8-бет) — Олд Осиёдаги Дажла ва Фрот дарёлари оралигидаги территория. Месопотамияга Месопотамия пасттектислиги ва Жазира киради. У қадимги Шарқнинг энг маданий марказларидан бири ҳисобланган. Милоддан аввалги 4—3-минг йилликда Месопотамия территориясида илк синфий давлатлар пайдо бўлган. Милоддан аввалги 3-минг йилликнинг охирида Месопотамияда Акад, Ур ва бошқа қадимги давлатлар мавжуд эди. 2-минг йилликнинг бошларида Месопотамиянинг жанубида Бобил давлати пайдо бўлган. Милодий VII асрдан Месопотамия Араб халифалиги таркибига кирган. XII асрда Салжуқийлар, XIII асрда мўғуллар уни босиб олган. XVI асрнинг бошида Сафавийлар, XVII асрдан туркларга тобе бўлган. Биринчи жаҳон урушидан сўнг Месопотамиянинг катта бир қисми Ироқ давлатига кирди. Қолган қисми Сурия ва Туркия таркибиди.

Василий Владимирович Бартольд (7-бет) — (1869—1930) совет шарқшуноси, академик (1913). Петербург университети шарқ тиллари факультетини тамомлаган (1891). 1901 йилда профессорлик унвонини олди ва Петербург университетида лекция ўқий бошлади. 1910 йилда СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси қилиб сайланди. В. В. Бартольд Яқин, Урта Шарқ, айниқса Марказий Осиё ва Араб халифалиги, ислом тарихи, турк, мўғул халқлари тарихи, филологияси ва этнографияси, Афғонистон, Эрон, Закавказье тарихига оид асарлар ёзган. Унинг нашр қилинган 685 асаридан 320 таси Урта Осиё тарихига бағишланган. В. В. Бартольд ўз асарларини аниқ материалларга бой қўлёзмалар асосида ёзган. Унинг «Еттисув тарихи очерклари», «Мўғуллар истилоси даврида Туркистон», «Орол денгизи ва Амударёнинг қуйи оқимидаги ерлар ҳақида қадимги замондан то XVII асргача маълумотлар», «Туркистоннинг суғорилиши тарихи», «Улуғбек ва унинг даври», «Урта Осиёда қадимдан то руслар келганига қадар бўлган даврда пахтачилик», «Урта Осиё туркий халқлари тарихидан ўн икки лекция», «Мир Алишер ва сиёсий ҳаёт», «Турк-мўғул халқлари тарихи», «Туркман халқи тарихидан очерклар» каби йирик асарлари машҳур. Йирик илмий асарлардан ташқари «Ислом», «Туркистон тарихи», «Туркистон маданий ҳаётининг тарихи», шунингдек тожиклар, қирғизлар, туркманлар тарихи ҳақида очерклар ёзган.

В. В. Бартольд Тошкентдаги Урта Осиё Давлат университети (САГУ)ни ташкил этишда фаол қатнашди. Олим Брюсселда тарихчилар халқаро конференциясида (1923), Бокуда I Бутуниттифоқ туркшунослар съезида (1921) Совет Шарқидаги халқларнинг алифбосини арабчадан латинчага ўтказишда фаол қатнашди. Унинг кўпгина асарлари ўзбек, татар, қирғиз, турк, форс, араб, инглиз, немис ва француз тилларида нашр қилинган. СССР Фанлар академияси 1963 йилдан В. В. Бартольднинг тўққиз томлик асарлар тўпламини нашр эта бошлади.

Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Термиз (10-бет) — Ўзбекистон ССРдаги шаҳарлар.

Иплдирим Боязид I (11-бет) — (1354 ёки 1360—1403) турк султони (1392—1402). Узидан илгари ўтган султонлар — Урхон (1324—1359), Мурад I (1359—1389)нинг ташқи сиёсатини давом эттириб, Болқон ярим оролидаги Сербия (1389), Булғория (1393 — 96), Македония ва Фессалияни, Морея ва Венгрияни (1394—95) босиб олган. Боязид I даврида турклар ўз мавқеини Болқон ярим оролида мустаҳкамлаб олган бўлсалар-да, 1402 йил 20 июлда турк қўшинлари ҳозирги Анқара шаҳри ёнида Амир Темур тарафидан тор-мор келтирилди. Боязид I асир олинди. Бу ҳол туркларнинг Болқон ярим оролини тамоман бўйсундириш тўғрисидаги режаларини пучга чиқарди.

Балх (10-бет) — Шимолий Афғонистонда, ҳозирги Мозори Шариф шаҳрининг ғарбидаги кўҳна шаҳар. Милоддан аввалги VII асрдан маълум. Балх тарихда Уммул билод (шаҳарлар онаси) деб юритилган. Юнонлар уни Бахтра деб атаганлар. Балхнинг энг қадимий харобалари ва топилмалар мудофаа девори билан ўралган Боло Ҳисорда ва ундан жануброқдаги Янги Балхда учрайди...

Балх Урта Шарқнинг йирик шаҳарларидан эди. 1221 йили Балхни мўғуллар босиб олиб вайрон қилди. XIII—XIV асрларда Чигатой улуси таркибида бўлди. 1370 йилдан бошлаб Темур ва Темурийлар империяси таркибига кирди. Темурийлар (1370—1506), Шайбонийлар ва Аштархонийлар замонида (XV—XVIII асрлар) Балх муҳим вилоят ҳисобланган. Шайбонийлардан Пирмуҳаммадхон (1546—1567) ва Аштархонийлардан Муҳаммадхон (1611—1642) ноиблик қилган замонда анча ривожланди, катта илмий марказга айланди, кўплаб тарихий, жуғрофий ва адабий асарлар яратилди. Шаҳар бу вақтда икки қисм: шаҳри дарун (ички шаҳар) ва шаҳри берун (ташқи шаҳар)дан иборат бўлган. Шу йилларда қурилган масжид, мадраса, ҳаммом, раста ва бошқа бинолар ҳозир ҳам сақланмоқда. XIX асрнинг 60-йилларида Балх Афғонистон таркибига кирди.

Деҳли (11-бет) — Ҳиндистоннинг пойтахти ва Деҳли иттифоқ территориясининг маъмурий маркази. Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбида, Жамна дарёси бўйида жойлашган.

Ҳозирги Деҳли қадимги Индрапрастха (Индарпат) шаҳри яқинида VIII асрнинг 1-ярмида барпо этилган. 1206 йилда Деҳли султонлигининг, 1526 йилдан Бобирийлар империясининг пойтахти, 1803 йилда инглизлар босиб олди. 1857—1859 йилларда ҳинд миллий қўзғолонининг муҳим марказларидан бири бўлган. 1911 йилдан Британия Ҳиндистонининг пойтахти, шу йилдан Деҳлининг жануби-ғарбида янги шаҳар (Нью-Деҳли) қурила бошлади (1911—1931). 1947 йилдан домингон пойтахти, 1950 йилдан Ҳиндистон Республикасининг пойтахти.

Гуржистон (11-бет) — грузин, гуржи (ўзларини картвели дейдилар) миллатининг ўлкаси. Грузинларни арманлар — вращи, эронликлар — вранк (гурди), араблар — журз, турклар — гурж, руслар — грузин деб атайди. Гуржистон — ана шу туркларнинг таъбири асосида қадимда Яқин ва Урта Шарқ мамлакатларида сақланиб қолган ном.

Измир (11-бет) — Туркиянинг ғарбидаги шаҳар. Измир вилоятининг маъмурий маркази. Эге денгизининг Измир қўлтиғи соҳилида.

Измир милоддан аввалги 2-минг йилликда юнон-эолилар томонидан бунёд этилган ва юнонча Емирна деб аталган. XV асрдан

Усмонли турклар империяси таркибида. XVIII аср охиридан Измир Туркиянинг иқтисодий ва маданий марказларидан бири. 1919 йил 15 майда шаҳарни Греция аскарлари оккупация қилди. 1922 йил 9 сентябрда озод қилинди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин Измир порти ҳарбий-денгиз базасига айлантирилди.

Ироқ (11-бет) — дунёнинг энг қадимги маданий марказларидан бири. Дажла ва Фрот дарёлари оралиғида. Милоддан аввалги 3-минг йилликда шаҳарлар пайдо бўлган, бир неча майда қулдорлик давлатлари вужудга келган. Милоддан аввалги 2-минг йилликда улар Бобил подшолигига бирлашган.

VII асрнинг 60-йилларида у Умавийлар халифалигига қўшиб олинди. Аҳоли ўртасида ислом дини ва араб тили кенг тарқала бошлади. 750—1055 йиллари бу ерда Аббосийлар ҳукмронлик қилди. Кейинчалик Салжуқийлар, XIII аср иккинчи ярмида мўғуллар бостириб кирди. XIV аср охири—XV аср бошида Ироқ Темур империяси таркибига кирди.

Бугунги кунда Ироқ Республикаси Туркия, Сурия, Иордания, Эрон, Саудия Арабистони ва Кувайт билан чегарадош. Аҳолиси 9,75 млн кишини ташкил этади (1971).

Пойтахти Бағдод шаҳри. Маъмурий жиҳатдан Ироқ 16 муҳофазага (губернаторликка) бўлинган. Бағдод, Басра, Мусул, Каркук, Нажаф Ироқнинг энг йирик шаҳарлари ҳисобланади.

Марв ((11-бет) — Урта Осиёнинг энг қадимги шаҳарларидан бири. Байрамали шаҳри (Туркм. ССР) яқинида Мурғоб дарёси қирғоғида. Марвнинг қолдиқлари 5 та қалъа (Эрк қалъа, Гавр қалъа, Султон қалъа, Абдуллахон қалъа, Байрамалихон қалъа) харобасидан иборат. Марв харобасини XIX асрнинг 80-йилларидан В. А. Жуковский, XX асрдан археолог Б. Б. Петровский ўрганган.

Марвнинг гуллаб-яшнаган даври милоддан аввалги II ва милодий III асрларга тўғри келади. Бу вақтда Марв қурилиши жиҳатидан Парфия шаҳарлари учун типик бўлиб, уч қисмдан иборат 60 км² майдонни эгаллаган.

XII аср охири ва XIII аср бошларида Марв Хоразмшоҳлар давлатининг маркази бўлган. 1222 йилда Марв мўғуллар томонидан харобага айлантирилган. XIII—XIV асрларда шаҳарнинг жанубий қисми қайта тикланган. XV аср бошларида Марв Абдуллахон қалъа теварағида бунёд этилган ва Шоҳрух даврида қисқа муддат гуллаб-яшнади. XIX асрга келиб шаҳарда ҳаёт инқирозга юз тутди ва марказ Марвдан 30 км ғарбга, Мари шаҳрига кўчиб ўтди.

Мовароуннаҳр (11-бет) — арабча (дарёнинг нариги томони) — Амударёнинг ўнг қирғоғидаги территориянинг ўрта асрлардаги номи. Милоддан аввалги V—IV асрларда маҳаллий аҳоли Варозруд, юнонлар Трансоксония деб атаган. Араблар эса юнончадан ўз тилига Мовароуннаҳр деб таржима қилиб ишлата бошлаган. Сўнгра бу ном илмий ва бадий адабиётимизга кириб, ўзлашиб кетган. Мовароуннаҳр, асосан, Амударё билан Сирдарё оралиғидаги ерлар бўлиб, шимолда Орол денгизигача, жанубда Помир этакларигача ёйилган. Мовароуннаҳрда Самарқанд, Бухоро, Хўжанд (Ленинобод) каби шаҳарлар жойлашган.

Анқара (11-бет) — Туркия Республикасининг пойтахти, Анқара вилоятининг маркази. Шаҳар Анатолия ясси тоғлиғида, Анқара ва Чубук дарёлари туташган жойда. Анқара Кичик Осиёнинг кўҳна шаҳарларидан бири; милоддан аввалги VII асрдан Осиёни

Европа билан боғлаган савдо йўлларидаги муҳим савдо маркази сифатида маълум. XI асрда Анқара салжуқий турклар томонидан босиб олинади. XIV асрнинг биринчи ярмидан бошлаб Анқара шаҳри Усмонлилар империяси таркибидаги Анқара подшолигининг маъмурий маркази. 1864 йилдан эса вилоят маркази.

Кичик Осиё (12-бет) — Осиёнинг ғарбий қисмига жойлашган. Қора, Мармар, Эге ва Урта денгизлар ҳамда уларни бирлаштириб турган бўғозлар билан чегараланган. Узунлиги 1000 кмдан кўпроқ, кенглиги 400—600 км. Кичик Осиё ярим оролининг денгиз бўйидаги камбар пасттекистикдан ташқари ҳамма қисми тоғлиқ. Кичик Осиё ярим оролида Туркия территориясининг катта қисми жойлашган.

Исл ом (12-бет) — арабча сўз бўлиб, итоат қилмоқ, бўйсунмоқ маъноларини англатади. У кенг тарқалган монотеистик динлардан бири.

Схоластика (12-бет) — грекча сўз бўлиб, мактабга хос, деган маънони англатади. Схоластика ўрта аср «мактаб философияси», унинг вакиллари бўлмиш схоластлар диний дунёқарашни назарий жиҳатдан асослаб беришга уринар эдилар.

Нужум — юлдузлар.

«Зафарнома» (15-бет) — тарихчи Шарафиддин Али Яздийнинг Амир Темурнинг ҳарбий юришлари ҳақида 1425 йили ёзиб тузган асари. Ўзбек адабиёти тарихида газал жанрининг улуг намоёндаларидан бири Лутфий форс-тожик тилидаги «Зафарнома» мотивлари асосида ўзбек тилида 10 минг байтдан зиёдроқ маснавий-достон битган.

Мавлоно бир раҳбада ўлтуриб эрмишлар, тушган жамоатнинг кайфиятин маълум қилмоқ учун атофолдин бирини тиладилар (16-бет) — Ушбу ўринда «Зафарнома» асарининг муаллифи Шарафиддин Али Яздий назарда тутилади.

Кичкина Баҳодир (15-бет) — Навойнинг отаси. Илмий адабиёт ва қўлёзма манбаларда Навойнинг отаси ҳақида маълумотлар оз учрайди. «Равзатус-сафо»да айтилишича, «Амир Алишернинг бобоси Амир Темурнинг ўғли Умаршайх билан кўкалтош эди» (Мирхонд. «Равзатус-сафо», УзФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди. Инв. № 7309, 48-бет). Давлатшоҳ Самарқандий эса, Навойнинг отасини ўз юртининг қаҳрамонларидан бири эди, деб таърифлайди. Сўнги янги маълумотлардан бири шуки, проф. А. Ҳайитметовнинг «Томут-таворих» (муаллиф — Абдулмўминхон) қўлёзмаси (112-бет) орқали аниқлашича, Навойнинг отасида айрим прогрессив хислатлар мавжуд бўлган. Масалан, «Томут-таворих»нинг муаллифи айтишича, Алишернинг отаси қўлга тушган бандилардан кўпининг хуни баҳосини тўлаб, озод қилиб юборган экан.

Умаршайх (15-бет) — Амир Темурнинг учинчи ўғли. 1354 йилда туғилиб, 1394 йилда ўлдирилган. Султон Ҳусайн Бойқаро (1438—1505) Умаршайхнинг невараси Ғиёсиддин Мансур (1445—46 йилда туғилган)нинг ўғлидир.

«Таборақ» сураси (16-бет) — Қуръон (унинг бир қисми ҳафтияк)нинг охириги бобларидан бири.

Абу Саид (16-бет) — Темурнинг иккинчи ўғли Мироншоҳнинг (1408 йилда вафот этган) невараси. 1469 йили вафот этган.

Т а с а р р у ф (16-бет) — ўз ихтиёрига олиш, эгаллик қилиш.

М а ш ҳ а д (16-бет) — Эроннинг шимоли-шарқий қисмидаги шаҳар. Хуросон остонининг маъмурий маркази. Кашафруд дарёси водийсида. Аҳолиси 505 минг киши (1971). Техрон — Машҳад темир йўлининг охириги станцияси. Автомобиль йўллари узели. Эрон шимоли-шарқий қисмининг йирик савдо-саноат ва сиесий ҳамда маданий маркази ҳисобланади.

Машҳад ўрнида IX асрда Санобад қишлоғи бўлган. Машҳад номи дастлаб араб географлари асарларида тилга олинади (X аср). Шаҳар XI—XII асрларда Ғазнавийлар ва Салжуқийлар қўл остида бўлган. XIII аср охирида мўғуллар ҳужуми натижасида шаҳарнинг кўп қисми бузилган. XIV аср охиридан Хуросоннинг энг йирик шаҳарларидан бири. Темурийлар ва Сафавийлар ҳукмронлиги даврида Машҳад равнақ топган. 1736—47 йилларда Нодиршоҳ давлатининг пойтахти бўлган. 1795 йили Машҳадни қожорлар эгаллади.

Машҳаддаги археологик ёдгорликлардан Имом Ризо мақбараси (IX аср), Гавҳаршод масжиди (1405—1418), мадраса, карвон саройлар сақланган.

Шаҳар чеккасида Абулқосим Фирдавсийнинг қабри бор (1934 йилда қабр устига мақбара қурилган).

М а с р у ф (17-бет) — сарф, харажат.

И х т и л о т (17-бет) — аралаш, борди-келди қилиш.

Н а қ ш б а н д и й л а р (15-бет) — Хожа Баҳоваддин Нақшбанд томонидан жорий этилган сўфийлик тармоғи вакиллари.

«Қ а с и д а и Ҳ и л о л и я» (18-бет) — Алишер Навоийнинг 1469 йили Самарқанддан Ҳиротга келгач, Султон Ҳусайн Бойқарога бағишлаб ёзган ва унга тақдим этган қасидаси.

Н и з о м и д д и н С у ҳ а й л и й (19-бет) — шоир ва меценат. Ҳусайн Бойқаро саройида муҳим мавқелар эгаллаган.

И й д (18-бет) (ийди айём, арабча ҳайит, байрам, байрам кунлари) — мусулмонларнинг диний байрами. Ийд терминининг бир оз ўзгарган шакли ҳайитдир. Етти кун давом этадиган ийд — алқурбон (қурбон ҳайити) ва уч кун давом этадиган ийд — ал-фитр (рўза ҳайити) кунлари халқ урф-одатлари билан аралашиб кетган диний сарқитларнинг бир туридир.

У ҳ д а (19-бет) — мажбурият, масъулият.

М у з а ф ф а р Б а р л о с (19-бет) — туғилган ва вафот этган йили номаълум. Султон Ҳусайн Бойқаронинг тожу тахт учун курашиб юрган чоғларида бирга бўлган шериги.

«Р а в з а т у с - с а ф о» (19-бет) — тарихчи Мирхонд Муҳаммад ибн Ховандшоҳнинг етти жилддан иборат бўлган асари. Унинг тўлиқ номи «Равзат ус-сафо фи сийрат ил-анбиё ва-л-мулк ви-л-хулафо» («Набилар, подшоҳлар ва халифалар таржимаи ҳоллари ҳақида поклик боғи») деб юритилади. Мирхонд ушбу асарининг 6 жилдини ёзишга улгурган. Қолган 7-жилди ва хотимасини Хондамир 1521 йили ёзиб тугатган.

А с т р о б о д (20-бет) — (1930 йилдан буён Гургон деб аталади) — Эроннинг шимоли-шарқий қисмида жойлашган шаҳар. Астробод бронза давридаёқ жануби-шарқий Каспий бўйининг йирик марказларидан бўлгани маълум. Шаҳар яқинида ўтказилган қазилмалар ва археологик топилмалар Астрободнинг милоддан аввалги 3—2-мингинчи йиллар давомида юксак тараққиётга эга бўл-

ганидан шоҳидлик беради. Қулай географик шароити Астрободнинг тарихий тараққиётига яхши имкон яратди. Астробод Темурийлар давлати таркибига кириб, айниқса Султон Ҳусайн ҳукмронлиги даврида энг бой ва муҳим вилоятлардан ҳисобланган, у ерда валнаҳд шаҳзодалар ва ишончли кишиларгина ҳокимлик қилганлар. 1487—1488 йилларда Астрободда буюк мутафаккир Алишер Навоий ҳокимлик қилган. Эроннинг маъмурий бўлиниши бўйича Гургон 2 остон (обл.) таркибига кириди ва ўз навбатида 7 бахш (уёезд, туман), 12 деҳистон (бўлис) ва 311 та қишлоқни ўз ичига олади. Гургон муҳим қишлоқ хўжалик районининг маркази ҳисобланади. Бу ерда пахта, шоли, зиғир етиштирилади. Пахта ва шоли тозалаш корхоналари, тўқимачилик саноати мавжуд. Пахта тозалаш заводи 1937—38 йилларда СССР томонидан қуриб берилди.

Т а а р р у з (21-бет) — тегиш, қаршилик кўрсатиш.

М у б а д д а л (21-бет) — алмашинган, айирбошланган.

Р а ф о ҳ и (24-бет) — турмуш кенгчилиги, кун кечириш фаровонлиги.

Н ў ш и р а в о н (24-бет) — Шарқда адолат тимсоли бўлиб, афсоналарга қоришган шахс.

М у р г о б (28-бет) — Туркменистон ССР Мари областидаги шаҳар. Мари шаҳридан 18 км жануби-шарқда, Мурғоб дарёси дельтасида. Темир йўл станцияси.

М у ҳ о в а р а (28-бет) — бир-бири билан сўзлашув, савол-жавоб.

М у ҳ о с а р а (29-бет) — қамал, ўраб олиш.

М у х т а л и ф (35-бет) — ҳар хил, турлича.

Р о б и т а (31-бет) — алоқа, боғланиш.

М и р х о н д (32-бет) — Муҳаммад ибн Ховандшоҳ (1433—1498) — тарихчи. «Равзатус-сафо» асарининг муаллифи (*қаралсин*: «Равзатус-сафо»).

Ш а й б о н и й х о н (32-бет) — Муҳаммад Шайбоний (1451—1510) дашти Қипчоқда кўчманчи ўзбекларнинг йирик давлатини вужудга келтирган Абулхайрхоннинг набирасидир. Абулхайр ўлгандан кейин унинг тож-тахтини эгаллаш учун бошланган курашлар чоғида Шайбоний (шоҳ Будоғнинг ўғли) Бухорога қочиб келади. Бир неча йил Бухорода ўқийди ҳамда бобосининг давлатини тиклаш мақсадида Туркистон атрофига қайтиб кетади. Бироқ етарли ҳарбий куч тўплай олмайди. Кейинчалик Темурийлар давлатининг инқирозидан фойдаланиб, Мовароуннаҳрнинг ички районларига (Самарқанд, Бухоро ва бошқа жойларга) бостириб кира бошлайди. У айниқса Бобирга қарши узоқ ва қаттиқ кураш олиб боради. Шайбоний қонли курашлар билан Мовароуннаҳр ҳокимиятини қўлга киритади, 1507 йилда Хуросонни эгаллайди, сўнгра Эронни ҳам истило қилмоқчи бўлади. Бироқ Эрон шоҳи Исмоил 1510 йилда Марв яқинида уни 17 минг кишидан иборат қўшини билан бирга қамал қилиб, мағлубиятга учратади ва Шайбонийни ўлдиради.

«В а қ ф и я» (33-бет) — Алишер Навоийнинг 1482 йилда ёзиб тугалланган ҳамда ўз даврининг иқтисодий-ижтимоий тузуми ва шоирнинг ўз мулклари, қурдирган иморатлари ҳақида маълумот берувчи асар.

И х о т а (35-бет) — ўраб олиш, девор.

М у ф б а ч а (41-бет) — майхоначининг югурдак ходими, май ташувчи бола.

Мушобаҳал (42-бет) — ўхшашлик, монандлик.

Пантуркизм (44-бет) — турк тилида сўзлашувчи барча халқларни Туркия қўл остида бирлаштиришга интилган реакцион оқим. Пантуркизм XIX аср охири ва XX аср бошида Туркия буржуа-помешчик доиралари ўртасида ва Россиянинг айрим туркий халқлар яшайдиган районларида вужудга келган.

Урта Осиё ва Закавказьедаги айрим буржуа миллий партия ва ҳаракатлар (масалан, жадидизм) меҳнаткашларни революцион курашдан четлаштириш ва Россиядан унинг миллий чегара районларини ажратиб олиш мақсадида бу оқим тарафдорлари пантуркизмни кенг ташвиқ қилдилар. 1912—13 йилларда татарлар орасида, кейинчалик Совет Туркистонида ҳам пайдо бўла бошлади. Лекин Туркистон республикаси муҳитида пантуркистлар фаолияти, пантуркизм идеологияси ўзига замин топа олмади.

Қудсий (45-бет) — покликка мансуб.

Лутфий (46-бет) — Ўзбек адабиёти тарихида ғазал жанрининг улуғ намоёндаларидан бири. У 1366—67 йилларда Хуросоннинг катта шаҳарларидан бири Ҳиротга яқин Деҳи Қанорда туғилиб, ўз ёшлигини шу ерларда ўтказди. Кейинроқ у машҳур сўфийлардан Мавлоно Шайбонидин Хибонийдан тасаввуф бўйича таълим олади. Темурийлардан Шоҳрух Мирзо саройида хизмат қилди. Алишер Навоий «Мажолисун-нафоис» тазкирасида Лутфийнинг поэтик маҳорати, унинг асарлари ҳақида: «Мавлоно Лутфий ўз замонининг маликул-каломин эрди; форсий ва туркийда назир йўқ эрди; Туркийда шуҳрати кўпроқ эрди», — деб ёзади. Лутфий ғазаллардан ташқари халқ дostonлари ва эртакларидан илҳомланиб «Гул ва Наврўз» дostonи ҳам ёзган. Навоий Лутфийнинг ўн минг байтдан ортиқ «Зафарнома» номли асари ҳам бўлганини хабар қилади, лекин бу асар ҳали топилганича йўқ. Лутфий 99 ёшга кираиб, 1465—66 йилларда Ҳиротда вафот этган ва ўз туғилган қишлоғидаги ҳовлисига дафн этилган.

Хуросондан тортиб Ироққа қадар маълум ва машҳур бўлган Лутфийнинг шеърлари ҳақида Алишер Навоий «Туркийда шуҳрати кўпроқ эрди» деса, тарихчи Хондамир «Мавлоно Лутфий сўз лутфида ягонаи даврон эрди, ундан илгари ҳеч ким туркий тилда шеърни ундан яхшироқ айта олмаган эрди», дейди.

Лутфийнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида Навоийнинг «Мажолисун-нафоис», «Муҳокаматул-луғатайн», «Маноқибнн Паҳлавон Муҳаммад», «Хутбаи давовин» ва бошқа асарларида, шунингдек Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкиратуш-шуаро», Хондамирнинг «Ҳабибус-сияр», «Макаримул-ахлоқ», Абдулла Кобулийнинг «Тазкиратут-таворих», Шамсиддин-Сомийнинг «Қомусул-аълום», Возеҳнинг «Мажмуаи манзум ва мансур» асарларида баъзи маълумот ва мулоҳазалар баён этилган.

«Мажолисун-нафоис» (49-бет) — Алишер Навоий ушбу тазкирасини биринчи марта 1491 йилда тузган. Кейинроқ у асарга жуда кўп янгилик ва қўшимчалар (яна юздан зиёд шоирлар, адабий фактлар, шеърнн парчалар ва б. қ) киритиб, 1497—1498 йилларда унинг иккинчи, қайтадан ишланган нусхасини яратади. «Мажолисун-нафоис» («Гўзал мажлислар»)да шоирлар хронологияга (I, II, III), территорияга (IV), касб-кори ва мансабига (V, VI, VII, VIII) қараб саккиз мажлисга — бобга тақсимланган. «Мажолисун-нафоис»да 459 шоир: I мажлисда 46. II мажлисда — 91, III

мажлисида — 175, IV мажлисида — 72, V — мажлисида 21, VI мажлисида — 31, VII мажлисида — 22 шоир ва VIII мажлисида Хусайн Бойқаро зикр этилган.

«Н а ф о ҳ а т у л - у н с» (52-бет) — буюк шоир Абдурахмон Жомийнинг Алишер Навоий маслаҳати билан ёзилган ўндан ортиқ асарларидан бири. Ушбу асарда Абдурахмон Жомий фақат машҳур сўфийлар ҳақида маълумот бериш билан чекланмай, қатор шоир ва адибларнинг ҳаёти ва ижодига ҳам тўхталади. Алишер Навоий бу асарни ўзбек тилига «Насоимул-муҳаббат» номи билан таржима қилар экан, уни ўзбек шоирлари ва адиблари ҳақидаги маълумотлар билан тўлдирди.

А ф и н а (52-бет) — қадимги Юнонистон (Греция) тарихи ва маданиятида муҳим аҳамиятга эга бўлган давлат-шаҳар. Афина Юнонистоннинг Аттика деб аталган тоғли жойида вужудга келган. Археологик маълумотларга кўра, бу жойларда одамлар неолит давридан бошлаб яшаган. Аттикаликлар Афина худосига сажда қилганлар. Аттикадаги қишлоқлар бирлашиб, Афина шаҳри вужудга келган (милоддан аввалги IX—VIII асрларда).

Ҳозир Афина Грециянинг асосий иқтисодий ва маданий маркази. Афина мамлакатнинг жануби-шарқидagi Аттика ярим оролида, Эгей денгизи қирғоғига яқин, уч томони тоғ. Афина йирик порт ва ҳарбий-денгиз базиси Пирей билан бирга катта Афинани ташкил қилади. Катта Афинанинг майдони 433,3 км². Аҳолиси 1 млн 853 минг (1966). 1924 йилдан Греция республикасининг пойтахти.

И м п е р а т о р (52-бет) — (лотинча ҳукмдор) ҳокими мутлақнинг қирол ва подшога нисбатан юқори даражали унвони. Дастлаб Рим лашкарбошилари (масалан, Юлий Цезарь ва бошқалар)га берилган. Римда республика тартиби тугатилиб, монархия ўрнатилгач, давлат тепасига келган ҳар бир меросхўр Император деб аталган.

И с к а н д а р и я (52-бет) — Миср Араб республикаси шимолидаги шаҳар, Искандария муҳофазаси (вилояти)нинг маъмурий маркази. Урта Денгиз соҳилида, Нил дарёси дельтасининг ғарбий қисмида, аҳолиси 2032 минг киши (1970).

Милоддан аввалги 332—331 йили Искандар Зулқарнайн қурдирган. Миср пойтахти бўлган (милоддан аввалги 305—300). Антик дунёнинг илмий ва маданий марказларидан бири. I асрда Искандария энг катта шаҳарлардан (Римдан кейин 2-ўринда) бўлиб, унда тахминан 1 млн аҳоли яшаган. Искандария — христианликнинг дастлабки марказларидан бири. VII асрда уни араблар эгаллаган. Қоҳира шаҳри қурилгач (961), Искандария таназзулга учрай бошлаган. Турклар Мисрни босиб олган вақтда (1517) Искандариянинг кўп қисми вайрон қилинди. Муҳаммад Али даврида (XIX аср бошлари) Искандария қайта тикланди.

Ҳозирги кунда Искандария иқтисодий мавқеи жиҳатидан мамлакатда Қоҳирадан сўнг 2-ўринда, йирик транспорт ва савдо маркази. Миср Араб Республикасининг асосий денгиз порти. Шаҳарда кemasозлик, машинасозлик ва металлсозлик, нефть, химия, цемент, тўқимачилик, озиқ-овқат, пойфазал саноатлари, ҳунармандчилик ривожланган.

П л а т о н (52-бет) — эрамиздан олдинги 428/442 — 347 йилларда яшаб ижод этган қадимги грек идеалист философи, Сократ

нинг шогирди, объектив идеализмнинг асосчиси, 30 дан ортиқ фалсафий диалогларнинг автори («Софист», «Парменид», «Теэтет» «Давлат» ва ҳ. к.) Платон идеалистик қарашни қаттиқ туриб ёқлаган ҳолда ўша замондаги материалистик тълмоларга қарши актив курашди. Ҳозирги вақтда материалистик дунёқараш муҳолифлари унинг таълимотидан фойдаланмоқдалар.

Прокл (52-бет) — (410—485) Афина неоплатонизм мактабининг бошлиғи. Триадаликнинг (Триада, Гегель) диалектик идеяси Проклга оиддир. Антик мифологияни ягона бир фалсафий схемага жойлаштиришга уринганлиги учун Прокл тарих-философия адабиётида мажусийликни системалаштирувчи, эллинизмнинг схоласти, деб тавсифланади. Прокл Платоннинг, бирлик кўplikда очилади, кўplik эса бирликка интилади, деган фикрига асосланиб, бутун мавжудотнинг тараққиётида уч босқични: ҳозир бўлиш, олға интилиш, тескари интилиш босқичларини эътироф этарди. Проклнинг фикрича, тараққиёт бўлиниш ёки бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга айланиш йўли билан эмас, балки кучларнинг тўлиқлиги натижасида содир бўлади, шу туфайли бир нарса ўзи ўзгармаган ҳолда иккинчи нарсани вужудга келтиради. Проклнинг асосий асарлари «Теологик бош асос», «Платоннинг теологияси тўғрисида»дир.

Неоплатонизм (52-бет) — Рим империяси тушкунлик даврининг (III—VI асрлар) реакцион мистик философияси. Платоннинг идеялар ҳақидаги идеалистик назарияси неоплатонизмда моддий оламнинг руҳий биринчи ибтидодан мистик эманацияси (нурланиши, оқиб чиқиши) ҳақидаги таълимот формасига кирган эди. Неоплатонча мактаб дастлаб Мисрда, Александрияда пайдо бўлди. Платон неоплатонча мактабни Римда ташкил этди. Сурияда Ямвлих мактаби мавжуд эди, унинг таълимотида пифагоризм элементлари кучли эди. Сўнгги неоплатонча мактабни Прокл Афинада ташкил этди ва у 529 йилгача давом этди.

Яқин Шарқда араб феодализи ривожланишида шаклланган ижтимоий-фалсафий таълимотларга ҳам неоплатонизм маълум таъсир кўрсатган (Ал Кинди, Форобий, Ибн Сино ва б. қ.).

Абдурахмон Жомий (56-бет) — 1414 йил 7 ноябрда Нишопур яқинидаги Жом шаҳрида туғилиб, 1492 йил 8 ноябрда Ҳирот шаҳрида вафот этган буюк форс-тожик шоири ва олими. Унинг мақбараси Ҳиротда ҳозир ҳам сақланади. Баъзи олимлар унинг асарларининг умумий сони 100 га яқин деб тахмин қиладилар. Алишер Навоий «Хамсатул-мутаҳаййирин» тазкирасида унинг 38 асарини номма-ном санаб кўрсатади. Абдурахмон Жомий асарлари фалсафа, тасаввуф, тилшунослик, адабиётшунослик, санъат соҳаларига ҳамда назм ва насрнинг ҳар хил жанрларига оид. Абдурахмон Жомийнинг ижодий фаолияти кўп қиррали бўлиб, у Шарқ халқлари маданияти тарихида кўпроқ гениал шоир ва мутафаккир олим сифатида танилган. У ўзбек мутафаккир шоири Алишер Навоийнинг энг яқин дўсти ва устози сифатида машҳурдир.

Жалолиддин Румий (56-бет) — Шарқда машҳур шоир. XIII асрда яшаган.

Аҳмад Яссавий (56-бет) — Туркистон шаҳрида — Яссида XI асрнинг охирида Шайх Иброҳим деган руҳоний оиласида дунёга келиб, 1166 йилда вафот қилган. Яссавий кичиклигида етим қолиб, олдин Арслонбобо деган эшоннинг тарбиясини олади, сўнгра Бухорода машҳур мутасаввуф Юсуф Ҳамдонийдан

сўфийлик таълимотини ўрганади. Юсуф Ҳамадоний ўлгач, Яссавий ўз устози ўрнида бир неча йил халифалик қилиб, сўнгра катта мутасаввуф сифатида Туркистонга қайтади.

Тасаввуф диний таълимотининг Урта Осиёда тарқалган икки машҳур тармоғи бор. Булардан бири, нақшбандийлик, иккинчиси яссавийлик деб юритилади.

Яссавийлик, бевосита, Аҳмад Яссавийнинг таълимоти бўлиб, инсонни ўлмасдан бурун ўлишга, дунёвий ишлардан қўл тортиб, тарки дунё қилишга чақирар эди. Яссавийлик оқими вужуди мутлаққа эришиш учун риязат чекишга, инсоний орзу-ҳаваслардан воз кечишга ундайди.

Аҳмад Яссавийнинг шу руҳдаги шеърлари унинг «Ҳикмат» китобида жамланган.

Фаридиддин Аттор (56-бет) — (1151—1221) дастлаб IX асрда Ироқда пайдо бўлган, кейинчалик Шарқ феодал мусулмон ўлкаларида кенг тарқалган диний-фалсафий оқим — тасаввуфнинг йирик намояндаларидан бири. Фаридиддин Аттор кўпроқ тасаввуфнинг фалсафий масалалари (мистика ва пантеизм)ни тарғиб қилувчи асарлар яратган. Унинг «Мантиқут-тайр» («Қуш тили») номли мажозий асарида инсон худонинг соясиدير, у ўзлигидан воз кечиб, «вахдати вужуд» (худо)га қўшилмоғи лозим деган ғоя илғари сурилади.

«Мантиқут-тайр» (57-бет) — шоир Фаридиддин Атторнинг («Қушлар мантиқи») асаридир. Алишер Навоий болалигидаёқ фалсафий-дидактик характердаги ушбу асарни катта завқ билан ўқиб, бошдан-оёқ ёд олган эди. Бу ҳақда Алишер Навоий ўзининг «Лисонут-тайр» («Қуш тили») асарида маълумот беради.

«Маҳзанул-асрор» (51-бет) — Улуғ озарбайжон шоири Низомий Ганжавийнинг «Хамса»сига кирган беш дostonнинг биринчиси.

Камолиддин Ҳусайн (58-бет) — Ҳусайн Бойқаро вазири Низомулмулкнинг катта ўғли. Унинг хўжа Рашидиддин Амидул-мулк исми ўғли ҳам бўлган. Ҳусайн фармони ила Низомулмулк ва икки ўғли 1498 йил қатл этилганлар.

«Лисонут-тайр» (57-бет) — Алишер Навоийнинг умрининг охирида 1499 йилда ёзган фалсафий дostonи. Дoston 63 та ҳикоядан иборат. Шу ҳикоялардан фақат ўн иккитаси дostonнинг форсчасидаги ҳикояларга тўғри келади, ammo қолган эзлик бир ҳикоя янги киритилган, улар Навоийнинг оригинал ижод маҳсулидир.

«Тухфатул-аҳрор» (57-бет) — Алишер Навоий «Ҳайратул-аброр» асарини Абдурахмон Жомийнинг ушбу фалсафий-дидактик дostonи («Эрклилар совғаси»)га жавоб тариқасида ёзган.

Равза — боғ, жаннат.

«Ҳайратул-аброр» (57-бет) — Алишер Навоийнинг «Хамса»сига кирган биринчи дoston. Ушбу асар фалсафий-дидактик характерга эга бўлиб, 888 ҳижрий (1483 милодий) йилда ёзиб тугалланган. Дoston катта-кичик 64 бобга бўлинган. Дostonнинг асосий қисмини 20 мақолат — суҳбат ташкил қилади. Шоирнинг муҳим фикрлари ана шу суҳбатларда кенг ифода қилинган. Бу асар Низомий Ганжавийнинг «Маҳзанул-асрор» («Сирлар хазинаси»), Хисрав Деҳлавийнинг «Матлаул-анвор» («Нурларнинг бошланиши») ва Жомийнинг «Тухфатул-аҳрор» («Эрклилар совғаси») номли фал-

сафий-дидактик дostonларига жавобан ёзилган. Бунк Навоийнинг ўзи XII ва XIII бобларда батафсил баён қилади.

Метафизика (67-бет) — «Метафизика» термини Эрампиздан олдинги I асрда Аристотель фалсафий мероси бир қисмининг белгиси сифатида пайдо бўлди. Унинг айнан маъноси «физикадан кейин келадиган нарса» демакдир. Аристотелнинг ўзи ўз фалсафий таълимотининг бу энг муҳим бўлимини «биринчи философия» деб атаган; бу философия гўё бутун мавжудотнинг сезги органларига муяссар бўлмайдиган, фақат ақл югуртириш ёрдамида пайқаладиган ва ўзгармайдиган ҳамда фанлар учун мажбурий бўлган олий ибтидоларини тадқиқ қилар эмиш. Ана шу маънода «метафизика» терминини ундан кейинги философияда ишлатиб келинди.

Е. Э. Бертельс (67-бет) — (1890—1957) совет шарқшунос олими. СССР ФА мухбир аъзоси (1939), Туркманистон ССР ФА фахрий аъзоси (1951), Ўзбекистон ССР ФА фахрий аъзоси (1956), Ўзбекистонда ва Тожикистонда хизмат кўрсатган фан арбоби. Эрон ФА фахрий аъзоси (1944), Дамашқдаги Араб ФА фахрий аъзоси (1956). Петроград университетининг шарқ факультетини тамомлагач, СССР ФА Осие музейи (ҳозирги Шарқшунослик институти)га ишга кириб, умрининг охиригача шу институтда ишлади. Е. Э. Бертельс Урта Осие, Яқин ва Урта Шарқ халқлари маданияти, тили ва адабиётига оид 500 дан ортиқ асарлар муаллифи. Тасаввуф адабиётини тадқиқ қилган. Форс, тожик, ўзбек, туркман, адабиётлари тарихидан очерклар ёзган. Алишер Навоий ҳақидаги монографияси (1948) буюк шоир ва мутафаккир ижодини ўрганишда катта аҳамиятга эга. Е. Э. Бертельснинг ўзбек совет адабиёти, жумладан Ойбек ва унинг «Навой» романи ҳақидаги фикрлари адабиётимиз ютуқларини оммалаштиришда муносиб роль ўйнади.

Ботил (56-бет) — бузилган, бузуқ, бекор қилинган; беҳуда, асосиз, тубсиз.

Бўрё (66-бет) — бўйра, бордон.

Хирқа (67-бет) — шайх ва дарвишларнинг махсус уст кийими; жанда.

«Хамса» (68-бет) — Алишер Навоийнинг 1482—1485 йилларда ёзиб тугалланган, беш дostonдан иборат эпик асари. Яқин ва Урта Шарқ халқлари адабиётида биринчи бўлиб улуғ озарбайжон шоири ва мутафаккири Низомий Ганжавий (1141—1203) «Хамса» яратган. Ундан кейин ҳинд шоири Хисрав Деҳлавий (1253—1325), тожик шоири Абдураҳмон Жомий (1414—1492) ва ўзбек шоири Алишер Навоийгагина «Хамса» яратишдек буюк бахт мушарраф бўлган.

«Матлаул-анвор» (68-бет) — Буюк ҳинд шоири Хисрав Деҳлавийнинг «Хамса» эпик асарига кирган биринчи дoston.

Таҳқиқ (74-бет) — бирор нарсанинг ҳақиқатини излаш, ҳақиқат қилиш.

Азимат (75-бет) — бирор ишга қасд, сафарга жўнаш.

Сократ (**Суқрот**) (75-бет) — Эрампиздан олдинги 469—399 йилларда яшаб ўтган қадимги грек философи. Уни Шарқда Суқрот деб юритишган. Унинг таълимоти материалистик натурализмдан идеализмга бурилишни билдиради. Афинада истиқомат қилган ва дарс берган, унинг дарсларини кўп шогирдлари: Платон, Антисфен, Аристипп, магералик Эвклид тинглаганлар, Сократнинг ўзи ҳеч нима ёзиб қолдирмаган, бинобарин, унинг таълимоти ҳақида

фақат Платон ва Аристотелнинг гувоҳлиги асосидагина фикр юри-тиш мумкин.

М а р б у т (86-бет) — боғланган, тааллуқли.

С а в қ (88-бет) — табиат, қилиқ.

М у з т а р и б (192) — изтиробда қолган.

НАВОИЙНИНГ ТАРЖИМАИ ҲОЛИ

(103-бет)

Тахминан 1941 йилда ёзилган бу илмий тадқиқот биринчи мар-та тўлиқ ҳолда Ойбекнинг «Навоий гулшани» (3—71-бетлар) ном-ли тўпламида босилган. Матнга шу нашр асос қилиб олинди.

Тадқиқотнинг адиб қаламига мансуб дастхати сақланмаган. 75 саҳифадан иборат сарғайиб кетган қоғоздаги (19,5×29,5) ма-шинка нусхаси мавжуд (123-папка). У 1948 йилга оид деб тахмин қилинади.

«Навоий гулшани»нинг 3—5 саҳифаларидаги 2-иқтибосда кел-тирилган парча адиб дастхатидан кўчирилган оқлама (машинка) нусхасида текст ичида келади. Шунга биноан у мазкур томда аст ўрнига тикланди.

Ойбек мазкур тадқиқотнинг дастлабки қисмидаги парчалардан 1941 йили Навоийнинг 500 йиллик юбилеи муносабати билан ёзил-ган мақолаларидан бирида фойдаланган; тугалланмай, эскиз ҳо-лида қолган мақола қуйидагичадир:

«Қиш кунларидан бирида ўртага ёлқинланиб ёниб турган ман-қални қўйиб, Сабзавор ҳокими бир гуруҳ яқинлари, дўстлари билан суҳбат қилиб ўтирар эди. Суҳбат эртақдай қизиқ, рангли, жонли эди. Чунки йиғинчоқда ҳозир бўлганларнинг кўплари иш кўрган, қилич чопган, турли можароларни бошларидан кечирган одамлар эди. Булар Амир Темур тузган жуда катта давлатнинг турли ўлка-ларида ишлаган ва Темур болалари, набиралари орасида рўй берган тўхтовсиз урушларга, жанжалларга қатнашган ёки улардан яхши хабардор бўлган одамлар эди. Ўймақори-гүлдор эшик очилди, қа-лингина адас тўн кийган, ҳали 4 ёшга тўлиб етмаган бола думалаб-сумалаб ичкари кирди, эшикни ёпди. Кейин даврадан четлаб юриб, отасининг ёнига ўтирди. Худди энагасидан эртақ тинглаган-дек ақлли, туйғун кўзларини мўлтиллайтиб, катталарнинг гапига қу-лоқ солди.

Одамлардан бири, қайси бир муносабат билан гап орасида шеър ўқиди. Бола ҳам ўз-ўзича бир байтни ўқиди.

Эшитганлар таажжубланиб, ёқаларини ушладилар. Гап билан овра бўлиб, қулоқларига яхши чатилмай қолганлар боладан яна ўқишни сўрадилар. Бола ўзининг жаранг-тоза товуши билан ҳали-ги байтни қайтариб ўқиб берди. Агар бола «зу-зу-зу-зувағай, том-дан қорағай» каби болаларнинг сўз эрмагини чуғулласа эди, табиий одамларни ҳайратга қолдирмаган бўлур эди. Лекин ўқилган форс-ча байт у замоннинг машҳур шоири Қосим Анварийнинг асаридан эди. Тўрт ёшга тўлмаган бола шеърни — жиддий шеърларни се-вар, ёдлаб олар эди. Бу бола Алишер (Навоий) эди...

Бу йил 1941... Бу йил бахтли ўзбек халқи бутун совет халқ-лари билан биргаликда ўзининг улуғ фарзанди Алишернинг 500 йил

лик тўйини — юбилейини катта қувонч, зўр тантана билан ўтказди. Бу ўзбек халқининг маданият тарихида жуда маънодир, жуда аҳамиятли воқеадир. Бу кунларда ҳар бир совет ўқувчиси Алишерни чуқурроқ билмақ, атрофлича танимоқ истайди. Унинг абадий сўнмас, юракларга абадий илиқ, жонли таъсир қилувчи гўзал шоирона асарларини ўқиган ҳар бир ўқувчи улуғ шоирнинг ҳаёт йўли билан танишмоққа қизиқади.

Алишер (Навоий) бундан роса 500 йил илгари».

...Тадқиқотнинг «У замоннинг одатига мувофиқми...» (106-бет) жумласидан то «Уларнинг ёшлиқда бир мактабда сабоқ олишлари ҳақиқатдан узоқ эмас» (115-бет) жумласигача, «Алишер Навоий апрель ойининг ўрталарида» (115-бет) жумласидан то «Унинг маънавияти нималардан иборат бўлиши кераклигини кўрсатишга интилади» (127-бет) жумласигача, «Хамса»нинг иккинчи дostonи» (128-бет) жумласидан «Агар у ҳам (сенинг қаламинг ҳам) форс тилида шеър ёзса, эди, у вақт (бизлрга) сўз сўзламоқ учун мажол қолмас эди» (140-бет) жумласигача бўлган қисмлар жуда сезиларсиз таҳрир ва қисқартиш билан «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1948 йил 24, 28 апрель, 7 май сонларида «Улуғ мутафаккирнинг ҳаёти ва ижодий йўли (уч суҳбат)» номи остида эълон қилинган.

Газетадаги биринчи суҳбатнинг аввали «Навоийнинг таржиман ҳоли» тадқиқотида йўқ бўлган қуйидаги фикрлар билан бошланади:

«Ўзбек халқининг улуғ шоири Алишер Навоийнинг 500 йиллиги шарафига ўтказиладиган тантанали тўйга оз вақт қолди. Совет халқлари ўзларининг янги ва гўзал анъаналарига мувофиқ бу маданият байрамини шоирнинг сиймосига муносиб бир равишда ўтказиш учун тайёргарлик кўрмоқдалар. Навоийнинг тўйи совет ҳалқининг ажралмас дўстлигини ва уларнинг шақлан миллий, мазмунан социалистик маданиятлари орасидаги алоқа ва муносабатларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилажақдир.

Табий, шу кунларда барча совет китобхони Навоий тўғрисида кўпроқ ўқишни орзу қилади. Биз, адабий савияси унча баланд бўлмаган оддий ўқувчиларни назарда тутиб, улуғ шоирнинг ҳаёт йўли билан уларни таништирмоқчимиз. Шунинг учун биз бу суҳбатларда Навоийнинг ҳаёти ва ижодиёти устида чуқур таҳлиллар, назарий умумлаштиришлар, фараз ва тахминларга ўрин бермасдан, навоийшуносликда маълум бўлган, тасдиқланган фикрлар, фактларни ҳикоя қилишга тиришамиз.

Алишер Навоий 1441 йил 9 февралда Ҳирот шаҳрида Темурнинг ўғли Шоҳрух салтанати даврида туғилди. Унинг отаси Ғиёсиддин Қичкина (баъзи тарихчилар Қичкина Баҳодир деб ҳам атайдилар) ўқимишли одам эди. Темур авлодларининг давлатида катта мансаблар ишғол этган Абулқосим Бобир замонига Сабзавор шаҳарининг ҳокими бўлганлиги маълум. Алишернинг оиласи у замоннинг юқори табақаларига мансуб бир оила эди. Шоирнинг ота томондан бобоси — Мир Саид Чангнинг эса Султон Ҳусайннинг бобоси Бойқаро Мирзонинг эътиборли одамларидан бўлганлиги ривоят қилинади».

«Навоий гулшани»нинг 80-бетидаги «яна тавба қилади» сўзлари билан туговчи жумладан сўнг «Материалистик дунёқараш йўлига чиқиш учун шароит мавжуд эмас эди. У вақтда фан ва фалсафанинг ўзи ҳам теология асири эди. Энг яхши шоирлар дин би-

лан фан орасида мувофиқат ўрнатишга киришар эдилар» парчаси адиб қўлёзмасида (қоралама машинка нусхада) ўчирилган.

«Навоий гулшани»нинг 87-бетидаги «фойда етказишга тириш дейди шоир» сўзлари билан туговчи жумладан сўнг «Агар киши яхшилик қилиш имкониятидан маҳрум бўлса, у жилла бир бўлмаганда ёмонлик қилишдан қўл тортиши керак» парчаси қўлёзмада (қоралама машинка нусхада) ўчирилган.

«Навоий гилшани»нинг 88-бетидаги «табiiий жуда холи эмас» сўзлари билан туговчи жумладан сўнг «Бу дунёнинг бебақолиги ҳаётдан этак силкиш, умрни тоат-ибодат билан ўтказиш кераклиги ҳақида талқинлар бор» жумласи қўлёзмада ўчирилган.

Яъни шу саҳифадаги «Навоий...» сўзи билан бошланувчи сатрдан аввал «Дин қанчалик ингичка формалар олмасин, диний татлимотга қанчалик фалсафий ранг берилмасин, у моҳият эътибори ила бир хурфотдан иборат бўлиб қолаверади» парчаси ҳам қўлёзмада ўчирилган.

«Навоий гулшани»нинг 101-бетидаги «Поэмадаги баъзи воқеалар» жумласидан аввал «Ҳар ҳолда поэманинг асл моҳиятини ташкил этган қадим шарқ афсонаси ўзининг дастлабки, соф кўринишида даврнинг социал қарама-қаршиликларини яққол акс эттирган бўлиши шубҳасиз. Ҳукмрон табақалар билан бўйсунувчи табақалар ўртасидаги айирма социал адолатсизлик, ниҳоят, қабилавий низолар Мажнун образида тажассумланиб, кейинча замонларнинг ўтиши билан булар нозик идеологик пардалар орасида ўзининг дастлабки ўткирлигини йўқотган» парчаси қўлёзмада ўчирилган.

Чингизхон (103-бет) — мўғул хони ва лашкарбошиси. Асл исми Темучин. Тахминан 1155 й. туғилиб, 1227 й. вафот этган. 1219—1221 йилларда Урта Осиёни босиб олган Чингизхон Самарқанд ва Бухоро, Термиз ва Урганч сингари шаҳарларни яқсон қилади. Вафотидан бирмунча илгари босиб олган ерларини Жўжи, Чигатой ва бошқа фарзандларига бўлиб беради.

Чигатойхон (103-бет) — Чингизнинг иккинчи ўғли.

Барлос уруғи (103-бет) — ўзбек қабилаларидан бири. XIV—XV аср Мовароуннаҳр салтанатидаги беқлар ва хонларнинг кўпи (жумладан Темур ҳам) шу уруғга мансуб бўлган. Барлос уруғи авлодларини ҳозирги пайтда Шаҳрисабз, Бойсун, Фориш, Жиззах районларида учратиш мумкин.

Шаҳрисабз (103-бет) — ҳозирги Қашқадарё область Шаҳрисабз районидаги шаҳар. Китобдан 4 км масофада. Оқсарой, Доруссаодат (XIV аср), Доруттиловат (XV аср) сингари гўзал архитектура иншоотлари билан машҳур бўлган.

Сабзавор (103-бет) — 1453 йил Абулқосим Бобир ўз хизматида бўлган Алишернинг отасини шу шаҳарга ҳоким қилиб белгилайди. Навоий ҳам отаси билан шу шаҳарда фозилу олим кишилар суҳбатидан баҳраманд бўлган, улардан таҳсил олган. «Мажолисун-нафоис»да сабзаворлик бир қанча шоирлар ҳақида маълумот берилади.

Тарахли (103-бет) — Темур туғилган мавзё.

Дашти Қипчоқ (104-бет) — Сирдарёнинг қуйи оқими ва Балхаш кўлидан Днепр дарёсининг қуйи оқимларигача бўлган территориянинг XI—XVII асрлардаги номи. Дашти Қипчоқ аҳолиси Шарқ манбаларида қипчоқлар, рус солномаларида половецлар, деб аталади. XIV асрнинг 60-йилларидан бошлаб Шарқий Дашти

Қипчоқ «Ўзбеклар мамлакати», унинг аҳолиси эса ўзбеклар деб атала бошлаган (ЎзСЭ, 3-том, 577-бет).

Темур ўлгандан сўнг катта «қуроқ» давлатининг чоклари тезда сўкилиб кетди (104-бет) — Темур вафотидан сўнг унинг давлати майда-майда мустақил вилоятларга бўлиниб кетди. Темурийзодалар орасидаги тахт учун курашнинг тинимсизлиги Темур империясини батамом инқирозга олиб келди.

Ут р о р (104-бет) — қадимда Турарбанд, Тарбанд, Фарад сингари номлар билан ҳам юритилган шаҳар. Ҳозирги Темур деб номланувчи темир йўл станциясидан шимоли-шарқ томондаги тахминан 7—10 км масофада жойлашган. Эрамиздан аввалги I асрдан эрамизнинг XVI асрларигача шаҳар сифатида мавжуд бўлса-да, V—XV асрларда Эрон ва Урта Осиёдан Сибирь, Монголия томон ўтувчи савдо йўлининг устида жойлашуви билан машҳур топди. Илмий маълумотларга кўра, 1218 йилда Утторда Чингизхон савдогарларнинг ўлдирилиши мўғулларнинг Урта Осиёга ҳужум бошлашига бир туртки бўлган.

Ж а ҳ о н г и р (104-бет) — Темурнинг ўғли (1356—1376).

М и р о н ш о ҳ (104-бет) — Темур ўғилларидан бири. 1368 й. туғилиб 1408 й. вафот этган. 1380 й. Хуросонга, 1393 й. Эрон ва Ироққа ҳукмдор қилиб белгиланган. Озарбайжон ҳукмдори Қора Юсуф билан кечган жангда ҳалок бўлган. Табриз яқинида дафн этилса-да, ҳоқи аввал Шаҳрисабзга, кейинчалик Гўри Амирга кўчирилган.

Ш о ҳ р у х (104-бет) — Темурнинг ўғли (1377—1447). Онаси — Канизак Тоғойи Туркон оғо.

П и р м у ҳ а м м а д (104-бет) — Темурнинг набираси. Жаҳонгир мирзонинг ўғли. Темур васиятига кўра унинг ўлимидан сўнг тахтга Пирмуҳаммад ўтириши керак эди. Пирмуҳаммад Қобил ва Ҳиндистонда ҳоким эди. Бироқ тахт учун курашда Пирмуҳаммад енгилди ва 1406 й. хонн вазирини Пирали Тоз томонидан қатл этилди.

Х а л и л М и р з о (104-бет) — (1384—1411) Мироншоҳнинг ўғли. Онаси — Суюнбика Хонзода (Қизил Урда хони — Ўзбекхоннинг невараси). Темур васиятига кўра тахтга Пирмуҳаммад чиқиши лозимлигига қарамай, Халил Мирзо бунга йўл қўймайди ва курашда Пирмуҳаммадни ҳам, Мирзо Султон Ҳусайнни ҳам енгади. Бироқ ўзи ҳам Амир Худайод томонидан енгилди. Халил Султоннинг қизи — Ҳусн Пигор Хоника — Улуғбекнинг хотини.

Яна бир тарихий шахс — Халил Султон мавжуд. У Темурнинг эвараси Муҳаммад Жаҳонгирнинг ўғли (онаси Шоҳрухнинг қизи).

Ҳ и р о т (105-бет) — Хуросоннинг машҳур ва йирик шаҳарларидан бири. Унда Жомий, Навоий, Беҳзод, Ҳофиз сингари Шарқнинг буюк зоғлари яшаб ижод этдилар. 1863 йилдан буён Афғонистон территориясида.

У л у г б е к (104-бет) — (1394—1449) буюк ўзбек олими, астроном, математик, Темурнинг невараси. 1409 йилдан Самарқанд ҳокими. Отаси Шоҳрух вафотидан сўнг (1447) Темурийлар салтанатининг подшоси. Улуғбек Самарқандда ўз даврининг улкан обсерваториясини бунёд этган. Унинг «Зижи-жадиди-Кўрагоний»сида 1019 юлдузнинг жойлашиши илмий жиҳатдан асослаб берилди. Бу иш 1665 йилдаёқ Оксфордда нашр этилган эди. Дунёвий фикрлари ва прогрессив ҳаракатлари туфайли руҳонийларнинг таъсирига тушган ўғли томонидан қатл этилган.

Султон Ҳусайн (105-бет) — Ҳусайн Бойқаро. 1438 й. туғилиб 1506 й. вафот этган. 1469 йилдан вафотига қадар Хуросоннинг подшоҳи бўлди. Тахминан 1492 й. ёзилган «Рисола» ва «Девони Ҳусайний» муаллифи. «Мажолисун-нафонс»нинг махсус бир боби Ҳусайннинг ижодини ёритишга бағишланган.

Мирзо Қосим Анварий (105-бет) — машҳур шоир. Туғилган йили номаълум. 1432 йили вафот этган. Асли табризлик. «Узоқ йиллар Хуросонда яшаб бу ерда шўҳрат қозонади, аммо подшоҳ Шохрухнинг таъқиби билан Ҳиротдан кетишга мажбур бўлади. Бир қанча вақт Балх ва Самарқандда бўлганидан кейин яна Хуросонга келади. Кейин ўз юртига қайтаётиб Жом вилоятида Хуржурд шаҳарчаси ёнида вафот этади. Қосим Анварийнинг қабри устида Алишер Навоий катта турбат (мавзолей) бино қилган».

Навоий ёшлигиданоқ бу улкан шоир ижодига меҳр қўйгани ва уларни ёд олганини «Мажолисун-нафонс»да эслатиб ўтади (12-том, 8—3-бетлар).

Амир Бу Саид Чанг (106-бет) — Навоийнинг она томондан бобоси. У Султон Ҳусайн Бойқаронинг бобоси Бойқаронинг амирларидан бўлган.

«Тафт» деган бир манзил (106-бет) — Ҳирот ва Ироқ оралигидаги қишлоқлардан бирининг номи. Бу қишлоқда 1447 й. Навоий Шарафиддин Али Яздий билан учрашади.

106—107-саҳифадаги Навоийнинг Шарафиддин Али Яздий билан учрашуви ҳақидаги маълумот «Мажолисун-нафонс»дан олинган.

Хуросонда катта сиёсий тартибсизликлар рўй бера бошлади (106-бет) — Хуросон ҳокими Шохрухнинг (1447 й., 12 март) ўлими туфайли тахт учун турли интригалар бошланади. Алоуддавла, Абдуллатиф, Улугбек, Абулқосим Бобир, Абусайдларнинг тахт сари интилишлари Хуросонни жуда катта бошбошдоқликларга олиб келди. Оддий халқнинггина эмас, саройга яқин бўлган кишиларнинг ҳам тинчлиги бузилди. Халқ, ҳатто айрим юқори мартабали кишилар ҳам бундай шаронда Хуросондан олисроқда бўлишни маъқул кўради. Худди шу вақтда Навоий онласи ҳам вақтинча Ҳиротдан Ироққа кўчиб кетади.

Абулқосим Бобир (105-бет) — Бойсунқур мирзонинг ўғли (1422—1457). Бобоси Шохрух қўлида тарбияланди. Шохрух вафотидан сўнг тахт учун бўлган курашларда фаол иштирок этади. 1449 йил Ҳиротни эгаллайди, бироқ акиси Султон Муҳаммад томонидан енгилади. Бироқ кўп ўтмай Хуросонни эгаллайди (1452) ва акасини қатл этади. 1457 й. Машҳадда вафот этади. Шериятга қизиққан Абулқосим Бобир форс ва ўзбек тилларида манзумалар ёзган. Алишернинг отаси ва Ҳусайн Бойқаро Абулқосим Бобир саройида хизматда бўлган.

Шайх Саъдий (108-бет) — буюк форс-тожик шоири. Тўлиқ исми Муслиҳиддин Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Мушриф ибн Муслиҳ ибн Мушриф Саъдий Шерозий. Жаҳонга Шайх Саъдий номи билан машҳур. Тахминан 1203—1208 йиллар оралигида туғилган 1292 й. вафот этган.

«Қуллёт»ни 4 девондан ташкил топган. Унинг машҳур асарлари «Бўстон» (1257) ва «Гулистон» (1258) дир. Саъдий жаҳон халқлари томонидан гениал шоир сифатида эътироф этилган. «Унга тенг келадиган ҳеч ким ўтмаган» деб ёзади С. Айний («Шайх Саъдий, мухтасари «Бўстон», Тожикдавнашр, 1945, 14-бет).

«Чор девон» (110-бет) — Навоий деярли 50 йил давомида ёзган шеърларини умрининг охирларида жамлаб, унга «Хазойинул-маоний» деб ном қўяди ва уни тўрт девонга ажратади. Болалигида ёзилган шеърлар «Ғаройибус-сиғар», йигитлигида ёзилганлар «Навоириш-шабоб», ўрта ёшида ёзилганлари «Бадойинул-васат», кексалигида ёзилганлари «Фавоидул-кибар» номли девонларига жамланган.

Адабиётшунос Ҳ. Сулаймон таъкидлашича, Навоийнинг «Хазойинул-маоний»ни «Чор девон» сифатида номлаш XIX асрнинг биринчи ярмидан пайдо бўла бошлаган. Навоий эса ўз асари «Муншоот»да ва китобининг дебочасида «Хазойинул-маоний» деб ном қўйганини эслатиб ўтади. Бу тўрт девондан ташкил топган буюк китоб 22508 байт ёки 45016 мисрадан ташкил топган. У 16 жанрда яратилган 1317 шеърдан иборат.

Хондамир (110-бет) — Навоийнинг ёш замондоши, машҳур муаррих олим. «Равзатус-сафо»нинг 7-жилдини, «Мақоримул-ахлоқ» ҳамда «Ҳабибус-сияр», «Хулосатул-ахбор» номли тарихий асарлар ёзган. Ижоди Навоий тарбиясида камол топган, тарихчи шоир вафотидан сўнг Хуросонда — Бобир саройида хизмат қилган.

«Шоҳнома» ҳам «Хамса»лар билан (111-бет) — Фирдавсий, Деҳлавий асарлари назарда тутилади.

Атоий (111-бет) — Навоий давригача бўлган ўзбек шеъриятининг йирик вакили. Туркистон атрофидаги қишлоқлардан бирида туғилган. Қабри Балх шаҳридадир. Ўзбек классик шеъриятида дунёвий йўналишнинг ривожланишига катта ҳисса қўшган. «Мажолисун-нафоис»да ўз даврининг шухратли шоири бўлганлиги айтилади. Шоир девонининг ягона қўлёзмаси СССР ФА Шарқшунослик институтида сақланади.

Саккокий (111-бет) — XIV аср охири XV асрнинг биринчи ярмида ўзбек поэзиясининг таниқли вакили. Улуғбек даврида Самарқандда яшаб ижод этган. Улуғбек шахсининг ижобий фазилатлари ҳақидаги ҳамда дунёвий лирикага оид шеърлари Мовароуннахрда машҳур бўлган. «Мажолисун-нафоис»да Саккокийга юрори баҳо берилади. Девони.— Лондондаги. Британия музейида. ЎзФА Шарқшунослик институтидаги қўлёзма унга нисбатан анча чаладир.

112—113-саҳифадаги Навоийнинг Шайх Қамол Турбатий билан учрашуви ҳақидаги маълумот «Мажолисун-нафоис»дан олинган.

...ўзининг бир муаммосини ўқиб берди (113-бет) — Шарқ шеъриятидаги жанрлардан бири. Кўпинча муаммога бирор исм ёки сўз яширинган бўлади.

Машҳадда Алишер етти-саккиз йил фақирона яшаб (113-бет) — Навоий Ҳиротга Машҳаддан тахминан 1464 йил қайтади. Бу даврда Ҳирот Абу Саид мирзо қўлида эди. Машҳадга эса Навоий 1456 й. келган ва Хуросоннинг шу даврдаги подшоҳи Абулқосим Бобир хизматига кирган.

Абу Саид (113-бет) — туғилган йили номаълум. 1469 й. вафот этади. Темирнинг эвараси. Мироншоҳнинг набираси. 1451 йилда Самарқанд ҳокими. 1457 й. Ҳиротни эгаллайди. 1459 й. Астробод ва Мозандаронни ҳам қўлга киритади. 1469 й. темиррийлар ҳукмронлиги қўл остидан чиқиб кетган Ғарбий Эронни қайта эгаллаш учун олиб борилган жангда енгиледи ва ўзи ҳалок бўлади. Султон Ҳусайнга яқин кишилардан бўлган Навоийнинг Мир Саид ва Муҳаммад Али исмли тоғалари Абу Саид томонидан ўлдирилади. Абу Саид ва Султон Ҳусайн эса тахт таллашиб ўзаро душман эди. На-

войи Бойқаронинг дўсти бўлганлиги ва Абу Саидга қарши бўлган бадахшонликлар билан яқин алоқада эканлиги туфайли 1467 йилда Самарқандга сургун қилинади.

Мир Саидака (113-бет) — Навоийнинг туғишган тоғаси. «Кобилий» тахаллуси билан шеърлар ёзган. Абу Саид Мирзо томонидан 1461 йилда Сарахсда ўлдиртирилган.

Муҳаммад Али (113-бет) — Навоийнинг туғишган тоғаси. «Ғарибий» тахаллуси билан шеърлар ёзган, хаттоглик санъати ва музикадан чуқур хабардор киши. Абу Саид мирзо томонидан Самарқандда ўлдиртирилган. Айрим манбаларда шоҳ Ғариб Мирза сифатида ҳам тилга олинади.

Хожа Фазлулло Абулайс (114-бет) — Навоийнинг йиғитлик кезлари Самарқанддаги машҳур олимлардан бири. Алишер Самарқандда бу киши қўлида икки йил таҳсил олади. «Мажолисун-нафоис»да айтилишича, «Хожа Фазлулло Абулайсий — Самарқанд акобиридиндур. Фақиҳ Абулайс авлодидиндур. Фикҳда уни Абу Ханифаи соний дерлар эрди ва арабиятда Ибн Ҳожиб каффасида тутарлар эрди». Илмда жуда кучли бўлгани учун иккинчи Абу Али ибн Сино лақабини ҳам олган.

Ибн Ҳожиб (114-бет) — (Жалолиддин Абу амир Усмон ибн Умар ибн ал-Ҳожиб), 1175—1249. «Ал-қофия» ва «Аш-шория» муаллифи. Фикҳ ва араб грамматикасининг билимдони, Ибн Ҳожиб асарлари узоқ йиллар давомида арабларда нодир қўлланма бўлиб келган.

Аҳмад Ҳожибек (114-бет) — турли йилларда Ҳирот ва Самарқанд ҳокими. «Вафой» тахаллуси билан шеърлар ёзган. «Бобирнома»да у ҳақда қуйидагича маълумот берилади: «Аҳмад Ҳожибек... Султон Малик Қошғарийнинг ўғли. Ҳирий ҳукумати Султон Абу Саид мирзо неча маҳал мунга бериб эди. Обогаси Жонибек ўлганда сўнгра, анинг мучасини бериб, Самарқандга йиборди. Хуштаъб ва мардона киши эрди... Мир Алишер Навоий Ҳирийдан Самарқандга келган фурсатда Аҳмад Ҳожибек билан бўлур эрди» («Бобирнома», Тошкент, 1960, 77-бет) 1496 й. жангда ҳалок бўлган.

Алишер Самарқандда чамаси уч йил қолди (114-бет) — «Навоийнинг қайси йили Самарқандга келгани аниқланган эмас (1462 ёки 1464 йил тахмин этадилар), фақат Самарқанддан жўнаб кетган йили аниқ (1469)». (И. Султон. Навоийнинг қалб дафтари. 157-бет).

Юсуф Бадиий (114-бет) — Андижонлик шоир. «Мажолисун-нафоис»да Навоий бу шоирга юқори баҳо беради.

Риёзий (115-бет) — шоир, Навоий Самарқандда бўлган йилларидаги дўсти. Навойдан маслаҳатлар олиб турган. Навоий унинг шеърларини таҳрир ҳам қилгани ҳақида «Мажолисун-нафоис»да маълумот беради.

Улоий Шоший (114-бет) — шоир. Навоийнинг дўсти «Мажолисун-нафоис»да Навоий хаста бўлиб ётган шоирни кўргани борганини, улар бир-бирларига бағишлаб шеър айтганларини келтиради.

Ёдгор Муҳаммад (115-бет) — Шоҳрухнинг эвараси (1452—1470). Қисқа муддатдаги (1470, июнь—август) Ҳирот ҳокими. Шаҳарни қайта эгаллаган Ҳусайн Бойқаро томонидан қатл этилган.

Хожа Абдулло (116-бет) — Ҳиротдаги молия маҳкамасининг бошлиғи.

Сухайлий (118-бет) — шоир, Ҳусайн Бойқаро саройида муҳрдорлик вазифасида ишлаган. Бадиий ижод ва давлат ишлари билан ниҳоятда банд бўлган Навоий подшоҳдан ўзининг муҳрдорлик вазифасидан озод этилишини сўрайди ва ўз ўрнига адабиёт ва санъатга анча илғор қарашли Шайх Аҳмад Сухайлийни тавсия қилган. Шоҳ бу таклифни қабул этган эди. Муҳрдорлик вазифасидан бўшаган Навоий кўп ўтмаёқ вазир тайинланади.

Барлос ва арлот беклари (118-бет) — барлос ва арлот ўзбек уруғларига мансуб беклар маъносиди. Навоий газалларида ҳам арлот уруғи ҳақида маълумотлар учрайди. Мутахассислар ёзишича, Бухоро областидаги Олот посёлқасининг номи Алог сўзининг фонетик ўзгаришидир.

Музаффар Барлос (118-бет) — Султон Ҳусайн саройининг амири.

Устод Қулмуҳаммад, Шайх Нойи (121-бет) — Навоий даврининг моҳир мусиқачилари.

Беҳзод (121-бет) — буюк ўзбек мусаввири. Тахминан 1455—1535 йиллар ораллиғида, асосан, Ҳиротда яшаб ижод этган. Навоий унга жуда кўп ҳомийликлар кўрсатган. Айниқса «Бўстон» ва «Зафарнома»га ишлаган миниатюралари, Ҳусайн Бойқаро, Шайбоний, Жомий портретлари машҳур. Беҳзод гениаллиги жиҳатидан Рафаэлга тенглаштирилади. Беҳзод миниатюра санъатининг жаҳон миқёсидаги улкан вакили саналади.

Мавлоно Ғиёсиддин Муҳаммад (122-бет) — тиббтидан ўз даврининг таниқли олими.

Мозандарон (123-бет) — IX—XII асрларда Табаристон номи билан юритилган. XIII асрдан бошлаб Мозандарон деб аталади. XIV аср охирида Эроннинг бу вилоятига Темурийлар ҳукмронлик қиладилар. Мозандарон ҳозир Эрон областларидан бирidir. Аҳолиси 2,3 млн киши (1972). Гилон билан Ҳуросон ораллиғида жойлашган. Майдони 47,4 минг км². Гўргон (Астробод) ҳам шу Мозандарон вилоятидадир.

Амир Муборизиддин Муҳаммад Валибек (123-бет) — Бойқаро салтанатининг таниқли амирларидан бири, Ҳирот доругаси.

Жомий Навоийга бағишланган қасидасида (140-бет) — гап Жомийнинг «Хирадномаи Искандар» достонининг хулосаси устида бормоқда. Бу уринда Ойбек Жомий фикрларини жуда ихчам, эркин ва насрда таржима қилган. Аслида Ойбек айтаётган фикрлар Жомий назмида қуйидагича:

(Уни шоир Ғ. Ғулом таржимасида келтирамиз).

Бу бешларга аввал бошлаб уриб панжа,
Хуш хабарлар келтурганнинг юрти Ганжа.
Лекин туркий тилда келди бу нақш ажаб,
Бу сўз Даман жодусида боғлагай лаб.
Осмондан мақтов ёғсин у қаламга,
У қаламдан келди гўзал сўз оламга.
Кечирсинлар форсий тилда дур терганлар,
Дари тилда назм инжусин келтурганлар.
Агар ул ҳам назми ёзса дари тилда,
Қолмас эди сўз айтишга ҳеч куч элда.

Ҳожа Афзалиддин (140-бет) — Ҳусайн Бойқаро вазири.

Низомулмулк (140-бет) — Ҳусайн Бойқаро вазири. 1498 й. қатл этилган.

Маждиддин Муҳаммад (140-бет) — сарой парвоначиси. Шохнинг шахсий котиби. 1494 й. вафот этган. Вазирлик кезлари амалидан фойдаланиб жуда кўп олтин тўплагани маълум бўлади. Жазодан қўрқиб қочган Маждиддин 1494 й. Макка сафарига вафот этади.

Яъқуббек (141-бет) — Оқ қуюнлилар сулоласидан. 1491 й. вафот этган.

Ҳайдар (146-бет) — Навоийнинг тоғаваччаси, яъни Мир Саид Кобулий номли тоғасининг ўғли. «Сабҳий» таҳаллуси билан шеърлар ҳам ёзган. Уни XV асрда яшаган Ҳайдар Хоразмий ва Мирхайдар Мажзуб билан чалкаштирмаслик керак. 1499 й. Хусайн Бойқаро томонидан қатл этилади. Гўзал, шижоатли Ҳайдар илм, шеърят, ҳарб ишлари билан ҳам машғул бўлган. Яхши ўқ урган, қиличбоз эди. Ларвешлик қилгани ҳақида маълумотлар бор.

Дарвиш Али (147-бет) — (Муҳаммад Али) Навоийнинг туғишган укаси. У Хусайн Бойқаронинг ўғли Иброҳим Хусайн номидан маълум муддатла Балхга ҳокимлик қилиб турган. Маждиддин фитналаридан сўнг Дарвиш Али исён кўтаради. Бу исён Маждиддиннинг саройдан четлашувига сабаб бўлади. Кўп ўтмай Дарвиш Али исёни тўхтатади. Бу иттифоқ муносабати билан Хусайн Бойқаро Балхга—Дарвиш Али июштирган базмга ташриф буюрганлиги ҳақида маълумотлар бор. Бирок ўз ваъдасини бажармаган Хусайн Бойқаро кўп ўтмай Дарвиш Алини ҳибсга олади. Абу Саид томондан ўлдирилган.

Дарвиш Али доруған кутубхона хумоюн лавозимида ҳам ишлаган. Шеър ёзган, мусика ва хаттотлик билан шугулланган.

Иброҳим Хусайн (147-бет) — Хусайн Бойқаронинг ўғли.

Султон Маҳмуд (147-бет) — Абу Саид Мирзонинг ўғли. 1453 й. да вафот этган.

Баднүззамон (148-бет) — шахзода. Хусайн Бойқаронинг катта ўғли. Узок йиллар давомида Хусайн Бойқаро билан Баднүззамон ўртасида ўзаро низолар ҳукм сурди. Бу низо ота томонида тахт валиаҳди қилиб кичик ўғли Музаффар Хусайннинг белгиланишидан бошлангани (1497). Баднүззамоннинг ўғли Мўмин Мирзонинг Бойқаро фармони билан ўлдирилиши ота-бола ўртасидаги келишмовчиликларни янада ўткирлаштирди. Хусайн Мирзо вафотидан сўнг (1506) Баднүззамон ва Музаффар Хусайннинг тахт учун ўзаро кўрашидан фойдаланган Шайбонийхон Ҳиротни эгаллашга муваффақ бўлади. Баднүззамон Эронга қочади ва Истамбулда вафот этади.

Муҳаммад Мўмин (148-бет) — Баднүззамоннинг ўғли. 1497 йилда қатл этилган.

Музаффар Хусайн (148-бет) — Хусайн Бойқаронинг ўғли. Хусайн Бойқаронинг ўғиллари кўп эди (148-бет). — Шохнинг ўн тўрт ўғли бўлганлиги назарда тутилади.

Табиб Абдулхай (156-бет) — Султон Хусайн саройининг втакчи табиби.

«ХАМСА»НИНГ АСОСИЙ ОБРАЗЛАРИ (158-бет)

Тадқиқот 1935—36 йилларда ёзилган деб тахмин қилинади. Биринчи марта «Навоий гулшани»да (71—125-бетлар) босилган. Му

аллиф дастхати сақланмаган. Адиб архивида лотин графикасида кўчирилган 20,8×29,5 ўлчовли сарғайган қоғоздаги машинка нусхаси мавжуд (123-папка). Ушбу жилд матнига «Гулшан»даги текст асос қилиб олинди ва мана шу машинка нусхаси билан солиштирилди.

Бу машинка нусханинг саҳифаланиши 165—229-бетлардан иборат бўлганлиги учун уни «Навой ҳақида» номли катта тадқиқотнинг бир қисми ёки давоми бўлган, деб тахмин қилиш мумкин.

Ойбек ўн томлигининг IX жилдидаги «Алишер Навоий» номли тадқиқотни яхлит ва бир бутун ҳолатга келтириш мақсадида унга «Навой гулшани»даги тадқиқотдан айрим парчалар олиб қўшилган эди. Бу парчалар мазкур жилддаги «Навой ҳақида» номли тадқиқотда ўзининг асл ўрнида — шу изоҳ берилаётган асар доирасидагина қолдирилди. Ўрни IX жилднинг 68-саҳифасидаги «Навой жамиятдаги ҳақсизликларга»дан 69-саҳифадаги «Ёйлибон кншвари ислом аро...»гача бўлган қисм «Навой гулшани»нинг 74—75-саҳифаларидан олинган эди; IX жилднинг 69-саҳифасидаги «Феодализм даврида истибоднинг...»дан 70-бетдаги «Риёи ҳирқапўшлар» гача бўлган парча «Навой гулшани»нинг 77-бетидан олинган; IX жилднинг 70-саҳифасидаги «Риёи ҳирқапўшлар»дан «жонли ва лўндадир»гача бўлган парча «Навой гулшани»нинг 79-бетидан олинган; IX жилднинг 70-саҳифасидаги «Ҳайратул-аброр»да Навоий...» жумласидан шу бетдаги «фазилатларни тасвирлайди»гача бўлган парча «Навой гулшани»нинг 80—81-бетларидан олинган; IX жилднинг 99-бетидagi «Лайли ва Мажнун» сарлавҳасидан бошлаб 120-бетнинг охиригача бўлган парча «Навой гулшани»нинг 98—124-саҳифаларидан олинган эди.

Ғаззолий (171-бет) — Ғаззолий — сўфизм оқимини дин билан келиштиришга уринган мазҳаб асосчиларидан ва унинг йирик вакилларида бири. Асли исми Зайниддин бинни Муҳаммад Имом Ғаззолий. 1058 йилларда туғилиб 1111 йилларда вафот этган. Унга «Хужжатул ислом» лақабини нисбат берганлар. Гўё қуръон йўқолиб кетган тақдирда, унинг ўрнини Ғаззолий асарлари боса олармиш. Унинг «Қимён саодат» асари машҳур бўлган.

«Ғойибона ошиқлар»нинг образларидан бениҳоят юксалади (174-бет) — бу образлар ишқий-фантастик қаҳрамонлардан кескин фарқланади, уларда ҳаётини замни кучлидир, маъносида.

Давлатчиликнинг (194-бет) — давлатни бошқаришнинг маъносида.

Жодугар қалами (198-бет) — сеҳрли қалами маъносида.

НАВОЙНИНГ ДУНЕҚАРАШИ МАСАЛАСИГА ДОИР (200-бет)

Тадқиқотнинг муаллиф қаламига мансуб дастхати сақланмаган. Дастлаб «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳамда «Литература и искусство Узбекистана» журналнинг 1940 йил 3-сонидa ўзбек ва рус тилида эълон қилинган. Ойбек асарлари ўн томлигининг IX жилдида ва «Навой гулшани»да ҳам босилган. Матнга айнан шу том материали асос қилиб олинди.

Пантеизм (203-бет) — грекча сўз бўлиб, бариси худо маъносини англатади. Пантеизм фалсафий таълимот бўлиб, бу таъли-

мотга кўра худо шахсис ибтидодир, у табиатдан ташқарида турмайди, балки у билан айнан бирдайди. Пантензм худони табиат ичида қориштириб, ғайри табиий ибтидони рад қилади. Бу терминни инглиз материалист философи Жон Толанд (1670—1722) киритган (1705). Пантензм, хусусан Урта аср философиясида ижобий роль ўйнаб, диний-мистик таълимотлардан, масалан, Шарқда исломдагч худонинг бирдан яратувчилик фаолияти ҳақидаги ақидалдан кескин фарқ қилароқ, оламнинг бирлиги, табиатнинг турли-туманлиги ва ривож ҳақидаги илғор фикрларни асослаш учун хизмат қилди. Илғор Шарқ мутафаккирлари Форобий, Ибн Сино, Умар Хайём, Ибн Рушд, Навоий ва бошқалар пантеистик позицияда туриб ислом диний ақидаларини танқид қилдилар. Урта аср ва Уйғониш даври Европада ҳам пантензм прогрессив фикрларни олға суриш учун хизмат қилди.

Спиноза (204-бет) — (1632-77) нидерланд материалист философи. Диний ҳур фикрлиги учун Амстердам яҳудий черков жамоасидан ронда қилинган. «Илоҳиёт сиёсатга оид трактат» ва «Этика» муаллифи Спиноза философияда геометрик методнинг яратувчисидир. Спинозанинг таълимоти шундай бир тарихий вазиятда таркиб топдики, бу вазият Нидерландияни испан феодал монархияси зулмидан озод бўлгандан кейин капиталистик мамлакатга айлантирган эди.

Спиноза XVII—XVIII асрлардаги метафизик материализмга кучли таъсир кўрсатди, унинг диний ҳур фикрлиги эса кейинги атензмнинг ривожланишига таъсир ўтказди. Спинозанинг фалсафий қарашларига Ф. Энгельс юксак баҳо бериб бундай деган эди: «Шунини ўша замондаги философиянинг энг буюк хизмати деб эътироф этмоқ керакки... у Спинозадан тортиб то буюк француз материалистларигача дунёни унинг ўзига асослаиб изоҳлашга матонат билан уришиб, буни бутун тафсилоти билан оқлашни келажакнинг табиийёт илмига ҳавола қилди» (К. Маркс и Ф. Энгельс. Сочинения. Издание второе, т. 20, с. 350).

Аҳком (205-бет) — ҳукмлар.

«Людвиг Фейербах ва немис классик философиясининг охири» (206-бет) — Ф. Энгельснинг фалсафий асари бўлиб (1886), диалектик ва тарихий материализмни асослаш ва ривожлантиришда катта роль ўйнади. Бу асарига автор К. Маркснинг «Фейербах ҳақида тезислар»ини илова қилган. Материализм ва идеализмга таъриф бергач, Ф. Энгельс шу асосда XVII—XVIII асрлардаги инглиз ва француз материалистларининг ҳамта Фейербахнинг қарашларини анализ қилиб чиқали, эски механистик, метафизик материализмнинг маҳдудлигини, ижтимоий ҳодисаларни тушунишда унинг идеалистик ноизчилигини кўрсатади. Фейербах қарашларини муфассал талқин қиларкан, Ф. Энгельс унинг идеализмини қилган танқидининг аҳамиятини таъкидлаб кўрсатади, лекин шу билан бирга унинг янги дин яратишга уринишини ҳамта этика соҳасидаги идеалистик қарашларини танқид қилади. Диалектик материализм билан бутун эски философия ўртасидаги тўб тафовутни аниқлаб бергандан кейин, Ф. Энгельс асарининг охириги қисмида тарихни материалистик тушунишнинг моҳиятини қисқача формада баён қилади. У тарихий материализм назариясини ривожлантира бориб, устқурманнинг илҳомий мустақиллиги ҳақидаги қондани таъкидлаб кўрсатади, бу эса ўша вақтда пайдо бўлган иқтисодий материализмни танқид қилиш учун аҳамиятли

эди. Марксизмнинг философияда қилган туб ўзгаришнинг сабаблари, мазмуни ва аҳамиятининг Ф. Энгельс томонидан анализ қилиниши ҳамда тарихий ва диалектик материализм моҳиятининг соддача баён этилиши бу асарни (уни В. И. Ленин «Коммунистик партия манифести» билан бир қаторга қўйган эди) марксистик философиянинг пайдо бўлиш тарихи ва асосий идеяларини ўрганиш учун тенги йўқ қўлланма қилчб қўяди.

Т е о л о г и я (207-бет) — муайян бир диннинг ақида ва аҳкомларини системалаштириш. Теологияга ўта догматизм, авторитарлик (тўла ҳокимлик) ва схоластиклик (сафсатабозлик) хосдир. Ҳозирги вақтда теология билан фанни уйғунлаштириш мумкинлигини исбот қилишга уринаётган диний философия теология билан туташади. Теологияни танқид қилиш илмий атеизмнинг ажралмас қисмидир.

С ў ф и з м, с ў ф и й л и к (208-бет) — (арабча сўфжун сўзидан олинган; с ў ф и — жушўш, маллаўш) исломдаги диний-мистик таълимот, VIII—IX асрларда пайдо бўлган ва араб халифалигида тарқалган. Илк сўфизм учун шу нарса характерли эдики, у айрим материалистик элементларни ўз ичига олган пантеизмга амал қиларди. Сўфизмнинг мухлислари фақат худонинг борлигини реал деб, теварак-атрофдаги нарсалар ва ҳодисаларни эса эминация (илоҳий қудратнинг кўринишлари) деб эътироф қилган ҳолда инсон руҳини худо билан мистик қўшишни олий мақсад деб эълон қилдилар. Сўфизмнинг таълимотига кўра, динга ишонувчи киши экстазда, яъни жазава билан зикр-самога тушгандагина «худонинг жамолини кўришга мушарраф бўлади». Ал Ғаззоли (1059—1111), Суховарда (XII аср), ўртаосиёлик Аҳмад Яссавий (XII аср), Сўфи Оллоёр (1270) йилда ўлган) ва бошқалар сўфизмнинг вакиллари эдилар. Лекин илгор мутафаккирлар — Румий (XIII аср), Жомий, Навоий (XV аср), Машраб (XVIII аср) қабилар сўфизм терминологиясидан, ундаги пантеистик дунёқарашдан ўзларининг гуманистик хур фикрларини олға сурш учун фойдаланганлар.

И с т и л о ҳ (210-бет) — атама, термин.

М у с у л м о н л а р х у д о с и н и н г « м а ҳ б у б и » М у ҳ а м м а д (205-бет) — Муҳаммад ибн Абдуллоҳ. 571 й. Маккада туғилиб, 632 й. Мадинада вафот этган. 610—612 йилларда ўзини Маккада пайғамбар, худонинг ердаги ноиб деб эълон қилади.

И н з и в о (211-бет) — жамиятдан чекиниш, тапҳолик, ҳеч кимга аралашмай бир бурчакка кириб қолиш.

Т е о л о г и я т а ъ с и р и д а н қ у т у л м а г а н э д и (207-бет) — яъни динни асословчи ва уни ҳимоя қилувчи фан, оқимлар таъсиридан қутула олмаган эди, маъносида.

Ҳ а қ и қ и й э ъ т и қ о д й ў л и д а н с и р п а н и б, т о й н б к е т а т у р г а н с ф е р а л а р г а у ч и ш г а и м к о н б е р а р э д и. (210-бет) — дунёни, ҳақиқатни билиш, дунёвий фикрлар билан машғул бўлиш маъносида.

НАВОИЙНИНГ «МАЖОЛИСУН-НАФОИС» АСАРИ ҲАҚИДА (215-бет)

Ушбу мақола 1940 йил 17 декабрда Алишер Навоийнинг «Мажолисун-нафос» китобининг 1940 йилда Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти томонидан босиб чиқарилган нашрига сўзбоши сифатида

ёзилган. Мақоланинг қўлёзма нусхаси адабнинг шахсий архивида сақланади. У 10 саҳифадан иборат, 29×20,5 ўлчовли сарғайган қоғозда, гунафша сиёҳ билан битилган.

Мақола кейинчалик Гафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти томонидан нашр этилган «Навой гулшани» тўпламига киритилган. Ойбек асарлар ўн тўққизинчи тоmidан (1974 йил) ҳам ўрин олган.

«Тазкиратуш-шуаро» (215-бет) — Давлатшоҳ ибн Алоуддавла Бахтишоҳ ал-Ғозий ас-Самарқандийнинг (1436/37-1495) асари. Шэхрух ва Султон Ҳусайн Бойқаро замонда яшаган ва ижод этган узбек шоири, адабиётшуноси ва давлат арбоби Давлатшоҳ Самарқандийнинг ушбу асари жуда катта даврни (асосан IX—XV асрлар) ўз ичига олган ва фактик материалларга бой. «Тазкиратуш-шуаро» асари 1487 йилда ёзиб тугалланган. Алишер Навоийга бағишланган бу тазкира муқаддима, 7 боб ва хотимадан ташкил топган. Унда IX—XV асрлар давомида ижод этган 156 сўз санъаткорининг (Рудакий, Фирдавсий, Низомий, Ҳофиз, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий ва б. қ.) ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот берилади, асарларидан намуналар келтирилади. «Тазкиратуш-шуаро» адабиёт тарихини ўрганишда қимматли манба ҳисобланади. Илк тазкиранавис Абу Тоҳир Хотунийнинг бизгача етиб келмаган «Китоби маноқиб уш-шуаро» (XI аср), Фаридиддин Аттор (XIII аср) ва Нуриддин Муҳаммад Авфийнинг (XIII аср) тазкиралари («Илоҳийнома» ва «Ўубоб-ул-албоб»)га кирмай қолган кўнгини шоирлар бу тазкирадан ўрин олган.

Хўжа Афзал (217-бет) — Алишер Навоийнинг Султон Ҳусайн Бойқаро салтанатидаги фикрдошларидан. Ун беш йил мобайнида вазир бўлган. Лирик шеърлар ҳам ёзиб турган. Алишер Навоий «Мажолисун-нафонс» асарида Хўжа Афзал қаламига мансуб шеърдан бир матлаъ мисол келтиради.

Мавлоно Муҳаммад Несъматободий (218-бет) — асосан муаммо жанрида қалам тебратган. Туғилган ва ўлган йиллари ҳақида маълумот йўқ. Паҳлавон Муҳаммад хизматида имомлик вазифасини ўтаган. Ҳаётдан ёш кетган. Унинг қabri Қозиргоғ қабристониди.

Шайх Камол Турбатий (218-бет) — шоир. Хўжа Ҳофиз Шерозийнинг бир қатор ғазалларига мухаммаслар битган. Муаммолари билан ҳам шеър аҳли ўртасида маълум ва машҳур бўлган. Туғилган ва вафот этган йиллари номаълум. Шайх Камол Турбатий Макка зиёратидан қайтгандан сўнг Турбат деган жойда вафот этган. Қabri ҳам ана шу ерда.

Мавлоно Муҳаммад Муаммоий (219-бет) — шоир. Туғилган ва вафот этган йиллари номаълум. Уни ўз даврида ҳиротликлар Алишер Навоий таъбирича «Пири муаммоий» дейишар эди. Алишер Навоий ўзининг «Мажолисун-нафонс» асарида у ҳақда қисқача маълумот ҳам беради.

«Мажолисун-нафонс»да Навоий 313 шахсни зикр этади (216-бет) — 40-йилларгача топишган баъзи қўлёзма нусхаларда шундай. Сўнгги йилларда топишган қўлёзма нусхаларда кўрсатилишича, «Мажолисун-нафонс»да 459 шоир ижоди ҳақида маълумот берилади.

НАВОЙИНИНГ АДАБИЙ МЕРОСИ МАСАЛАСИГА ДОИР (220-бет)

Мақола 1948 йилда ёзилган ва «Шарқ юлдузи» журнаlining 1948 йил 4-сонига босилган.

Ойбекнинг ўз дастхати билан 21×33 ўлчовли сарғайган қоғозга гунафина сиеҳда, рус графикасида битилган 30 бетдан иборат қўлёмаси ҳам мавжуд. У адабнинг шахсий архивидаги 121-папкада сақланади. Мақолада келтирилган шеърний парчалар, араб графикасида ёзилган.

Ушбу мақола Ойбек асарлари ўн томлигининг IX тоmidан ҳам жой олган.

Мирза Абдулқодир Бедил (220-бет) — Бенгалиянинг Азимобод шаҳрида 1644 (1054 ҳижрий) йилда ҳарбий хизматчи оиласида туғилди, 1721 (1133 ҳижрий) йилда Деҳлида вафот этди. У Шарқ халқларининг гениал шоири, файласуфи, мутафаккири ва ўз даврининг «Мирза малик уш-шуароси»дир.

Бедилнинг ота-боболари Урта Осиёда яшаган барлос уруғидан бўлиб, Кеш (Шаҳрисабз)дан Ҳиндистонга кўчиб бориб, унда туриб қолганлар. У бир ёшида отадан етим қолган, онаси тарбиясида вояга етган. Беш ярм ёшида мактабга борган Бедил етти ёшидаёқ савод чиқаради, тожик-форс адабиёти ва бошқа фанларни ўрганади. У амакиси Мирза Қаландар ва тоғаси Мирза Зарифларнинг яқиндан берган ёрдами туфайли расмий фанларни, сўфизм фалсафасини ва ўз даврининг бошқа фанларини мустақил равишда ўрганади. У ҳинду ва урду тилларини ҳамда санскритни ҳам мукамал билган.

Мирза Абдулқодир мусулмон Шарқи адабиёти ва философиясига оид муҳим асарлар ёзади, ўз адабий меҳнати — котиблик, хат-отлик воситасида кун кечиради. Шу сабабдан эл орасида «Мирза» унвони билан шуҳрат қозонган. Бедил асарларининг тўплами, яъни куллиётига киритилган асарлар жамланса, 125 минг мисра шеър ва 50 табақдан ортиқ насрий асарни ташкил қилади.

Ф. Энгельс Шарқнинг илғор фарзандлари, кўпгина олим, файласуф, шоир ҳамда ёзувчилари ижодидаги «қувноқ, ҳур фикрнинг» Ғарбдаги XVIII аср материализмига (К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч., IV том, с. 476) замни тайёрлаб берганлигини кўрсатиб ўтади.

Ҳофиз Шерозий (222-бет) — Шарқ ва Ғарбда Ҳофиз тахаллуси билан машҳур бўлган, лирик шеърлари асрлар бўйи оғиздан-оғизга ўтиб кунланган шоирнинг асл номи Шамсиддин Муҳаммаддир.

Ҳофизнинг туғилган йили аниқ маълум эмас, у 1320—1324 йиллар орасида Шероз шаҳрида дунёга келган, дея тахмин қилинади.

Ҳофиз 1389 йилда Шерозда вафот этди. Шоирнинг жасади ўзининг сеvimли сайргоҳи Мусалло боғига қўйилган.

Ғега Ҳофиз истеъдодини «улкан қувноқ талант» деб атайди ва «Бир марта маъносини англаган киши учун у бутун бир умрга энг сеvimкли йўлдош бўлиб қолади» дейди. Алишер Навоий Ҳофиз Шерозийни ғазал жанрининг мислсиз ва тенги йўқ устаси, дея таърифлайди.

Умар Хайём (222-бет) — форс-тожик адабиётида алоҳида ўрин тутган, ўзининг ажойиб рубойлари билан бутун жаҳонга танилган шоир Ғиёсиддин Абулфатҳ бинни Иброҳим Умар Хайём

Шарқда фалсафий лирика жанрининг забардаст намоёндаларидан бирidir.

Умар Хайём 1048 йил 18 майда Нишопур шаҳрида чодир (ҳайма) тикувчи касиб оиласида дунёга келди. Хайём лақаби ҳам отасининг ҳунаридан олинган деган фикрлар бор. Хайём — чодирчи, чодирдўз демакдир.

Умар Хайём математика, астрономия ва фалсафага оид бир қанча китоблар ёзиб, қатор кашфиётлар қилган.

У ўзининг «Рисолатул кави ват таклиф» («Қоинот ва унинг вазифалари»), «Рисолан фил вужуд» («Борлиқ ҳақида рисола»), «Рисолаи фи куллиёти вужуд» («Борлиқнинг умумийлиги ҳақида рисола») каби бир қатор фалсафий асарларида улуг олим Абу Али ибн Сино фикрларини тарғиб қилади ва давом эттиради. Тарихчи Байҳақийнинг хабар беришига қараганда, Умар Хайёмнинг ўлим олдидан муталоа қилган энг охириги китоби ҳам Абу Али ибн Синонинг фалсафий асари «Китобуш-шифо» эди. Буюк олим Умар Хайём 1131 йил 4 декабрда Нишопурда вафот этади.

Абулқосим Фирдавсий (222-бет) — жаҳон адабиётининг улуг санъаткори Абулқосим Фирдавсий Тусийнинг туғилган йили манбаларда ва илмий тадқиқотларда турлича (920—941 йиллар ораси) кўрсатилади.

Абулқосим Фирдавсийнинг вафот этган йили ҳижрий йил ҳисобида 411—416 йиллар (мелодий 1020—1026) орасидадир.

Фирдавсий номини дунё адабиётига мумтоз этган асар, бу — шоирнинг 30—35 йиллик машаққатли меҳнатининг маҳсули бўлган 60 минг байтдан, яъни 120 минг мисрадан иборат «Шоҳнома» дostonидир.

Бобир Заҳириддин Муҳаммад (224-бет) — 1483 йил 14 февралда Фарғона вилоятининг пойтахти Андижонда туғилиб, 1530 йил 26 декабрда Ҳиндистоннинг Агра шаҳрида вафот этди. У ўзбек классик адабиётининг йирик вакили, тарихчи-олим, теъмурий ҳукмдорларининг сўнгги намоёндаларидан бири. «Буюк мўғуллар империяси» деб ном олган Ҳинд феодали давлатининг, аслида эса, Бобирийлар давлатининг асосчиси. Чет элларда, мамлакатимизда, ҳатто Ҳиндистонда ҳам Бобирни ва унинг авлодларини «Буюк мўғуллар» деб аташ одат бўлиб қолган. «Буюк мўғуллар» деган ибора Чингизхон ва ундан кейинги мўғул қоонлари (Уқтой қоон, Гуюк қоон, Мунка қоон)га тааллуқлидир. В. В. Бартольд дунёга тарқалган Бобирийлар авлодига нисбат бериб айтиладиган «Буюк мўғуллар» иборасининг хато эканлигини кўрсатиб, «Европаликлар, Теъмурий ва унинг ўғиллари ҳамда набираларини мўғулдан тарқалган деб ҳисоблаб, (Бобир) салтанати учун «Буюк мўғуллар» деган ном тўқидилар», деб ёзади. Сўнгги йилларда «Буюк мўғуллар» деган хато ибора ўрнига «Бобирийлар» ибораси қўлланила бошладики, бу ибора тарихий ҳақиқатни тўғри акс эттиради.

«Бобирнома» (224-бет) — Заҳириддин Муҳаммад Бобирнинг энциклопедик асари. У фақат ўзбек адабиётини эмас, балки жаҳон адабиёти ва фанини бойитган монументал адабий-тарихий ёдгорликдир. «Бобирнома» Бобир ҳаётининг сўнгги йилларида (1525—30) Ҳиндистонда яратилган бўлса ҳам, лекин унда Бобирнинг 12 яшарлигида подшо бўлганидан (1494) то вафотига қадар (1530) юз берган воқеа ва ҳодисалар, шулар билан боғлиқ юзлаб тарихий шахсларнинг ҳаёти, фан учун катта аҳамиятга эга бўлган далиллар адабий шаклда ёритилган. «Бобирнома» ўзбек прозасининг

дастлабки намунасиدير. Бу асарни асосан уч қисмга: Бобир ҳаёти-нинг Мовароуннаҳр даври (1494—1504), Афғонистон даври (1504—24) ва Ҳиндистон даври (1524—30) давомида юз берган воқеалар баёнига булиши мумкин. Унинг баъзи манбаларда «Вақоенома» део номлангани ҳам ёғиж эмас. Шу жиҳатдан «Бобирнома» XV асрнинг иккинчи ярми ва XVI асрнинг биринчи ярмидаги Урта Осиё, Афғонистон ҳамда Ҳиндистон тарихини ўрганишда қимматли манба ҳисобланади.

Насириддин Рабғўзий (221-бет) — Насириддин Бурхониддин ўғли Рабғўзийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида тўлиқ маълумотлар йўқ. У Хоразмнинг Работи Угуз деган жонидан булган, шу ерда қозилик ҳам қилган, араб тилини яхши билган олим ва адибдир. Унинг «Қисса Рабғўзий» номи билан ўзбек адабиёти тарихига кирган китоби пайгамбарлар, авлиёлар ҳаёти ҳақидаги ҳикоя ва афсоналардан иборат бўлса-да, унда дунёвийлик мотивлари ҳам кучлидир. Бу асар XIII—XIV аср ўзбек адабиётида мавжуд наср ва назмнинг баъзи хусусиятларини ўрганиш учун материал бўлиши билан бирга, ўша замон адабий тили учун қимматли манбалардан биридир.

Сулаймон Боқирғоний (221-бет) — шоирнинг туғилган йили номалум. У 1186 йилда вафот этган. IX асрда вужудга келган диний-мистик адабиётнинг йирик намояндаларидан бири. Сулаймон Боқирғоний ўз шеърларида таркидунёчиликни, «тақдир»га кўникиш ва итоаткорликни тарғиб қилди.

Хоразмий (221-бет) — ўзбек дунёвий адабиётининг илк йирик намояндаларидан бири. Шоирнинг номи бизга маълум эмас. «Хоразмий» эса шоирнинг тахаллуси бўлиб, бу тахаллус унинг хоразмлик эканини кўрсатади. Хоразмий XIV аср бошларида (ёки XIII аср охирида) туғилган. Хоразмийнинг ҳаёти ва адабий фаолияти ҳақида жуда қисқа бўлса ҳам маълумот берувчи ягона манба унинг «Муҳаббатнома» асаридир. Юксак бадий ва филологик қийматга эга бўлган «Муҳаббатнома» ҳижрий 754 (мелодий 1353—1354 йилларнинг қиш фаслида) Сирдарё атрофида яратилган.

Шоён (226-бет) — лойиқ, сазовор.

Мазийят (226-бет) — ортиқлик, фазилат.

Муосир (227-бет) — бир асрда бирга яшаган, замондош.

«Муҳокаматул-луғатайн» (222-бет) — Алишер Навоий ушбу асарини 1499 йилда ёзиб тугатган. Бу асарда у эски ўзбек тили билан форс-тожик тилини бир-бирига қоғиштириш асосида ўзбек тилининг ҳам бой ва бадий асарлар яратиш учун кенг имкониятларга эга эканлигини исбот қилган.

«Мезонул-авзон» (224-бет) — Алишер Навоийнинг мазкур асари ўтмиш адабиётшунослигининг муҳим ёдгорликларидан бири бўлиб, у шеър тузилишига, классик поэзиянинг асосий вази тури булган арузга бағишланган. «Мезонул-авзон»нинг ёзилган йили маълум эмас. Бироқ унинг 1492 йилдан кейин «Хазойнул-маоний» тузилганидан сўнг яратилгани аниқдир, чунки китоб муаллифи Жомийни марҳум деб тилга олади ва «Хазойнул-маоний»ни тузиб, ундаги шеърлар устига вазнини қайд қилиб қўйганини таъкидлайди. Демак, «Мезонул-авзон» Навоийнинг умрининг охирида яратган асарларидан биридир. Асар шеър тузилишига, вазнга доир бўлгани учун автор уни «Мезонул-авзон» («Вазилар ўлчови») деб атаган.

ЧЕКСИЗ УМР (234-бет)

Мақола «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1946 йил 16 январь сонида Навоий таъаллудининг 505 йиллиги муносабати билан эълон қилинган.

...осмон хизматига (235-бет) — «дин мақсадларига» маъносида.

Манҳус (236-бет) — ёмон ишлар қилувчи, иши келишмаган.

БУЮҚ ГУМАНИСТ (237-бет)

Мақола «Ўзбек тили ва адабиёти» журналининг 1968 йил 4-сонида эълон қилинган.

Шота Руставели (237-бет) — буюк грузин шоири. «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон» номли монументал дoston муаллифи. Туғилган ва ўлган йиллари маълум эмас. XII асрда яшаб ижод этган.

Шекспир (237-бет) — (1564—1616) буюк инглиз шоири, драматурги. Лондондаги «Глобус» театрида актёрлик ҳам қилган. Драматурглик ижоди 1590 йиллардан бошланади. Шекспир жаҳон адабиётининг кўркем сонетлари муаллифи.

Сервантес (237-бет) — буюк испан адиби (1547—1616). «Дон Кихот» муаллифи.

Л. Н. Толстой (237-бет) — (1828—1910) гениал рус ёзувчиси ва мутафаккири.

О. Бальзак (237-бет) — буюк француз ёзувчиси (1799—1850).

УЛУФ ШОИР ВА ГУМАНИСТ ҲАҚИДА (242-бет)

Бу мақоланинг асоси Ойбек томонидан 1948 йил 15 майда Навоийнинг улкан юбилейи муносабати билан Навоий театрида бўлган тантанали мажлисда ўқилган, бироқ эълон қилинмаган.

Т. Г. Шевченко (244-бет) — (1814—1861) буюк украин шоири, мусаввир сифатида ҳам танилган. Ижоди ва ижтимоий фаолиятида инқилобий-демократик ғоялар, чоризм ва крепостнойликка қарши кураш муҳим ўрин тутди.

Ты у народа взял иглу — не позабудь вернуть... (246-бет) — Навоий ижодидан олинган бу парчанинг текстда рус тилида келтирилишига сабаб шуки, Ойбек бу докладни шоир юбилейида рус тилида ўқинишга мўлжаллаган эди. Текстда қатор сўзларнинг қавс ичида рус тилидаги таржимаси келтирилиши ҳам ана шу сабаб билан изоҳланади.

Унинг мусбат қаҳрамонлари ана шу муносабатларни энг ёрқин очиб ташлайди (249-бет) — Мазкур доклад тексти шу жумла билан тугайди. Навоийнинг 500 йиллик юбилейи тантанасида иштирок этган шохидларнинг ва шахсан З. Саидносированинг маълумотига кўра, бу доклад тексти тахминан 1—1,5 табақ атрофида бўлган.

Шунга кўра ушбу материални докладнинг дастлабки, тугатилмаган, хомаки нусхаси дейиш мумкин.

АЛИШЕР НАВОИЙ (250-бет)

Сайид Ҳасан Ардашер (252-бет) — (1415—1488) Навоийнинг кекса устози. Шоҳруҳ ўғли Бойсунғур Мирзонинг яқин кишиси бўлмиш Ардашернинг ўғли. Олим ва шоир сифатида уз даврида кенг шуҳрат топган. Навоий унинг вафотидан сўнг унга бағишлаб «Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер» номи эсдалигини ёзган. «Мажолисун-нафоис»да юқори баҳо беради. Навоийнинг узи эътироф этишича, ота-онаси вафотидан сўнг Сайид Ҳасан Ардашер унга отадек меҳрибонликлар курсатган. Истеъдодини биринчилар қаторида пайқаб, унга моддани ва маънавий жиҳатдан ёрдам бериб турган. Навоий тахминан 25 ёшларида Самарқанддан Сайид Ҳасанга маснавий йўли билан ёзган шеъри ҳам (айрим манбаларда у «Ҳасби ҳол» дейилади) мавжуд.

«Девони Фоний» (254-бет) — Навоийнинг форс-тожик тилидаги девони. 1498 йилда тартиб берилган девон 12 минг мисрадан иборат.

«Маҳбубулқулуб» (254-бет) — («Қалблар севгиси») Навоийнинг дидактик характердаги асари. 1501 йилда ёзилган.

МУҚИМИЙ АСАРЛАРИДА СОЦИАЛ ТИПЛАР (261-бет)

Мақоланинг дастхати сарғайиб кетган, бир чизиқли мактаб дафтарига рус графикасида яшил сиёҳда ёзилган. Қўлёзма 36 бетдан иборат. Қўлёзманинг 29—30-бетлари тугалланмасдан узилиб қолган.

Мақола биринчи марта 1947 йили «Шарқ юлдузи» ва «Звезда Востока» журналининг 7-сонларида босилган. Кейинчалик Ойбек асарлар ўн томлигининг IX тоmidан ҳам жой олган.

Худоёрхон (262-бет) — XIX асрнинг сўнги чорагида Урта Осиёнинг чор Россиясига қўшилиши давридаги Қўқоннинг сўнги хони. У меҳнаткаш халққа кўрсатган аёвсиз жабр-зулми, фақш ишлари билан эл кўнглида қора доғ қолдирган.

Мирза Олим (262-бет) — XIX асрда яшаган шоир, тарихнавис.

Ҳожин Собир (262-бет) — XIX асрнинг ўртаси ва охирида яшаб ижод этган самарқандлик шоир. Унинг туғилган ва вафот этган йили номаълум.

Фурқат (263-бет) — Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат 1858 йилда Қўқон шаҳрида туғилиб, 1909 йилда Еркент шаҳрида вафот этган. Машҳур маърифатпарвар-демократ шоир.

Султон Али ва Ҳакимжон (265-бет) — Муқимийнинг «Танобчилар» номи ҳажвий шеърининг персонажлари. Шоир улар қиёфасида эски феодал Шарқда мусулмон амалдорлари гуруҳининг типик намояндалари образини гавдалантиради.

Ҳодихўжа эшон (266-бет) — Муқимийнинг ҳажвий асарларидан бири «Масковчи бой таърифида» шеърининг қаҳрамони.

Ҳотамтой (267-бет) — Мусулмон Шарқда меҳнаткашларга ва оддий фуқаро оммасига ўзининг кўрсатган меҳрибонлиги, сарҳимматлиги билан ном чиқарган, номи афсоналарга айланиб кетган шахс.

«Баҷчағар», «Авлиё», «Охуним» (269-бет) — Муқимий сатирасининг намуналари. Мазкур ҳажвий шеърларда шоир ижтимога хос услубда руҳонийларнинг разолати фош этилади.

«Саёҳатнома» (270-бет) — Ушбу асар шоирнинг Қўқон атрофидаги шоҳмардон, Фарғона, Исфара шаҳарларига ва қишлоқларига қилган сафари таассуротларидан туғилган.

«Элгарма», «Дурманча», «Оқер», «Зоҳидон», «Олтиариқ» (270—271-бетлар) — XIX асрнинг охири Қўқон атрофидаги қишлоқларнинг ва кентларнинг номи. Муқимий «Саёҳатнома» асарида мазкур қишлоқлар халқининг оғир, машаққатли ҳаёти орқали ижтимоий воқеликдаги тенгсизлик, иллатларни очиб ташлайди.

Исфара (270-бет) — Тоҷикистон ССР Ленинобод областидаги шаҳар (1952 йилгача посёлка). Туркистон тоғ тизмаси ён бағирларида Исфара дарёси бўйида. Қонибодом — Шўроб шоҳобчасидаги темир йўл станцияси. Аҳолиси 22 минг киши (1970).

Шоҳмардон (270-бет) — ҳозирги Ҳамзаобод (Фарғона области).

АДАБИЕТДАН ТЕКШИРИШЛАР (273-бет)

Адиб дастхати, 19,8×28,8 ўлчовли қоғозга араб графикасида гунафша сиёҳ билан ёзилган, қўлёзманинг бошланиш қисми йўқолган, у 13-бетдан бошланади. Қўлёзма 41 саҳифадан иборат. Тахминан 1939—40 йилларда ёзилган. Адиб архивидаги 8-папкада сақланади, биринчи марта эълон қилинмоқда.

Мазкур иш сарлавҳаси З. Саидносирова томонидан қўйилган. Ушбу материални «Ўзбек поэзиясининг тарихий тараққиёти» (Ўзбек поэзияси антологияси. Сўзбоши. Тошкент, 1948) мақоласининг эскизлари, дейиш мумкин.

«Таашшуқнома» (274-бет) — тахминан 1436 йилда Темурнинг невараси, Мироншоҳнинг ўғли Сайид Аҳмад томонидан ёзилган дoston. Маснавий шаклида ёзилган «Таашшуқнома» («Ошиқлик мактублари») бир қатор фазилатлари билан Хоразмийнинг «Муҳаббатнома» ва Хўжаандийнинг «Латофатнома» асарларига яқин туради. Сайид Аҳмаднинг ўзбек ва форс тилларида тартиб берилган девонлари мавжуд эканлиги ҳақида маълумотлар бўлса-да, улар бизгача етиб келган эмас.

Олтин Урда хонларидан Жонибек (274-бет) — Ўзбекхоннинг ўғли. Туғилган ва ўлган йили маълум эмас. 1342—1357 йиллар давомида Олтин Урдага ҳукмронлик қилган.

Дурбекнинг «Юсуф ва Зулайхо» дostonи (275-бет) — Балх шаҳрида XIV аср охири—XV аср бошларида яшаб ижод этган бу шоир биографияси ҳақида маълумотлар бизга жуда оз етиб келган. 1409 йилда ёзилган «Юсуф ва Зулайхо» номли машҳур дoston ўзбек адабиётида дунёвий йўналишининг чуқурлашувида ўзига хос ўрин тутади.

Хусрав Хиндий (279-бет) — Хисрав Деҳлавий.

Бойсунқур Мирзо (281-бет) — Абу Саид Мирзсининг набираси, Султон Маҳмуднинг ўғли. 1477 йил туғилиб, 1499 йил вафот этган. «Одилий» тахаллуси билан шеърлар ёзган маълум. Қисқа мuddат Самарқанд (1495—1497) ҳокими бўлган. Онаси — Пошшобегим.

Муҳаммад Солиҳ (283-бет) — 1455 йил Хоразмда туғилиб, 1535 й. Бухорода вафот этган. Тарихчи ва шоир «Шайбонийнома» номли асари мавжуд.

Убайдулло (283-бет) — Шайбонийхон сулоласи намояндаларидан бири. Убайдуллохон ҳукмдорлиги пайтида (1533—1539) шайбонийхонлар хонлигининг поштакти Самарқанддан Бухорога кучирилди ва Бухоро амирлиги деб атала бошлади.

Бухоро ва Хива хонликлари пайдо бўлади (283-бет) — Бухоро хонлигига Убайдуллохон (1533—1539) ҳукмдорлиги даврида асос солинди. Бухоро хонлиги Шайбонийлар (1500—1599) ва Аштархонийлар (1599—1753) томонидан бошқарилди. 1753—1820 йиллар давомида Бухоро амирлиги сифатида ҳукм сурди.

1505 й. Хоразм Шайбонийхон томонидан босиб олинди. Кейинчалик тахтга шайбонийхонларга қўшилмаган ўзбеклар ҳукмронлик қиладилар. Шу даврдан (тахминан 1511 й.) мустақил Хива хонлиги вужудга келади.

Фарғона ҳам ўзини мустақил эълон қилади (283-бет) — Фарғона ва унинг атрофларини бирлаштирган Қўқон хонлиги Бухоро хонлигидан ажралиб чиқиш натижасида вужудга келади. XVIII асрнинг 60-йилларида Наманган, Қўқон, Марғилон, Андижон музофотларга бўлинган бўлиб, уларнинг ҳар бирини мустақил ҳукмдор бошқарар эди. Йилдан-йилга Қўқон бекларининг мавқеи устунлаша борди. XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошларида Қўқон Урта Осиёнинг йirik хонлигидан бирга айланади. XIX асрнинг биринчи ярмида бу хонликка Тошкент, Туркистон, Ура-тепа, Хўжанд ва бу мавзёларга қарашли территориялар қарам эди.

Турди (284-бет) — XVIII аср иккинчи ярмида яшаб ижод этган ўзбек шоири. Ўзбекча шеърларини Турди, форс-тожикча шеърларини Фароғий тахаллуси билан ёзган. Тўқис етиб келмаган девоидаги 17 та шеъри 400 мисрани ташкил этади. Тахминан 1700 йилда вафот этган.

«Юз» қабиласи (284-бет) — ўзбек уруғларидан бирининг номи.

Субхонқулихон (284-бет) — Бухоро хонлигининг ҳукмдори (1680—1702). Субхонқулихон даврида халқнинг ниҳоятда огир аҳволда яшаганлиги Турди шеърларида алоҳида таъкидланиб ўтилади. Субхонқулихон даврида минг, юз, лочин, қўнғирот сингари уруғлар хонга қарши галаён кўтарганлар.

Макка (285-бет) — Қизил денгиздан 70 км масофада жойлашган, ҳозирги Саудия Арабистонининг гарбидаги шаҳар. Дастлаб Птолемей асарларида Макараба сифатида тилга олинади.

Шариатга хилоф сўзлари учун Балх шаҳрида дорга осдилар (285-бет) — Машраб 1711 йилда ўзининг эркин фикрлари туфайли Балх ҳокими Маҳмудбий Қатагон фармони билан дорга осилган.

Абулғози хон (286-бет) — Абулғози Баҳодирхон, 1603 йилда туғилиб, 1664 йилда вафот этган Хива хони (1645—1663). Айни вақтда йirik муаррих. «Шажарайи тарокима» (1661), «Шажарайи турк» сингари асарлари Урта Осиё тарихи, этнографияси, этногенези, тили ва маданияти ҳақида муҳим маълумотлар беради. Улар қатор гарб тилларига ҳам таржима қилинган.

Муҳаммад Раҳим I (286-бет) — Хива хони, 1775 й. туғилиб 1825 й. вафот этган.

Мунис (286-бет) — Шермуҳаммад Авазбий ўғли Мунис Хоразмий. 1778 й. туғилиб, 1829 й. вафот этган. Таниқли ўзбек шоири, тарихчи ва таржимон. Нафис ғазаллар муаллифи. «Равзатуссафо» (Мирхонд) I жилдининг таржимони. «Мунисул-ушшоқ» номи 80 минг мисрадан иборат девони бизгача етиб келган. «Фирдавсул-иқбол» номи тарихий асарини ёзиб тугатмай вафот этади.

Огаҳий (286-бет) — Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли. 1809 й. туғилиб, 1874 й. вафот этган. Нафис ғазаллар муаллифи, тарихчи, таржимон. Оллоқулихон саройида мирза ва мироб бўлган. Унинг «Риёзуд-давла», «Зубдатут-таворих», «Тарихи гулшани давлат» каби асарлари Хива тарихига бағишланган. Саъдийнинг «Гулистон», Жомийнинг «Баҳористон», Низомийнинг «Ҳафт пайкар» каби асарларини ўзбек тилига ўғирган. «Таъвизул-ошиқин» номи девонига кирган шеърлари халқ орасида машҳурдир.

Муҳаммад Раҳимхон II (287-бет) — 1844 й. туғилиб, 1910 й. вафот этган Хива хони (1863—1910). Феруз тахаллуси билан шеърлар ёзган, мусиқа билан ҳам шуғулланган.

«Мажмаи шуаро» (287-бет) — баъзи манбаъларда «Мажмуан шоирон» сифатида ҳам юритилади. Фазлий ва унинг раҳбарлигидаги бир гуруҳ тузувчилар томонидан тартиб берилган бу таъкира (1821) давр адабий муҳити ва адабий тилини ўрганишдаги манбалардан бириндир.

Қомил (287-бет) (1825—1899) — ўзбек шоири. Пиёзмухаммад Абдулла ўғли Қомил Хоразмий Муҳаммад Раҳимхон II саройида аввал мирзо, сўнг девонбеги лавозимларида ишлаган. Ҳатто, таржимон ва мусиқашунос сифатида бой мерос қолдирган. У хизмат юзасидан Москва ва Петербург шаҳарларида бўлган. Шу сабабдан унинг ижодида илгор Россиянинг таъсири кучлидир.

Аваз Утар (288-бет) (1884—1919) Аваз Полвоиниёз (Утар) ўғли — таниқли ўзбек демократ шоири. Муҳаммад Раҳимхон II томонидан қаттиқ азобларга дучор этилган. Биринчи жаҳон урушидан Улуғ Октябрь арафаларигача кечган давр ичида Аваз ижодида озодлик мотивлари баралла янгради. Аваз адабий мероси 20 минг мисрани ташкил этади.

Олимхон (288-бет) — Қўқон хони. Туғилган йили номаълум, 1810 й. қатл этилган. Олимхон даврида Тошкент, Чимкент, Фарғона, Қўқон хонлигига итбат этирилди.

Умархон (288-бет) — Қўқон хони, 1824 йилда вафот этган. Амирий тахаллуси билан ижод этган сарой шоири.

Гулханий (289-бет) — XVIII аср охири, XIX аср бошларида яшаб ижод этган ўзбек шоири. Муҳаммад Шариф Гулханийнинг аниқ туғилган ва вафот этган йиллари маълум эмас. Қашшоқ ҳаёт кечирган шоир асосан гўлаҳлик билан шуғулланган. Тожик тилида ёзган шеърларида Журъат тахаллусини қўллаган. Халқчиллик руҳи билан сугорилган, ўз даврининг кирдикорлари кескин фош этилган «Зарбулмасал» асари кенг шуҳрат топган.

Махмур (289-бет) — асл исми Маҳмуд бўлган бу таниқли ўзбек шоирининг туғилган йили номаълум. 1844 йилда вафот этган. Демократик йўналишдаги адабиётнинг ёрқин вакили бўлган Махмур ижоди мисолида XIX аср биринчи ярмидаги феодал-клерикал ва демократик адабиёт ўртасидаги курашнинг конкрет ифодаси намоён бўлади. У ўзининг қатор асарларида (масалан, «Ха-

палак» сингари) даврининг иллатларини, носозликларини кескин ҳажв қилди ва қоралади.

Фазлий (289-бет) — XVIII аср охири, XIX аср бошларида яшаб ижод этган, Абдукарим Фазлий Намангоний Кўқон хочилигида сарой шоири. Бутун ижоди Амир Умархонни, юқори табақа ва саройни мадҳ этишга бағишланган.

Нодира (289-бет) — Асли Моҳларойим исмли бу ўзбек шоираси 1792 й. Андижонда туғилиб, 1842 й. Кўқонда вафот этган. Нодира таҳаллуси билан ижод қилган. Айрим шеърларида Макпула ва Комила таҳаллусларини ҳам қўллаган. Бизгача ўзбек ва тожик тилларида ёзган 10 минг мисрага яқин адабий мероси етиб келган. Унинг чуқур ижтимоий руҳ билан суғорилган лирик шеърлари ўз давридаёқ машҳур бўлган. 1842 й. Кўқонни забт этган Амир Насрулло Нодира ва унинг яқинларини қатл этади.

Маҳзуна (289-бет) — XIX асрда яшаб ижод этган ўзбек шоираси. Меҳрибон мулла Бошмон қизи Маҳзунанинг туғилган ва вафот этган йиллари маълум эмас. Маҳзунанинг девони бизгача етиб келмаган бўлса-да, ўз даврида Кўқон мавзеида номининг машҳур эканлиги ва Фазлий билан мушоирадаги мисраларнинг маъно ва маҳоратидаги теранлик унинг чуқур иқтидори ҳақида тасаввур беради.

Увайсий (289-бет) — XVIII асрнинг охири XIX асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этган, асли исми Жаҳон отин бўлган бу кўқонлик таниқли шоиранинг туғилган ва вафот этган йиллари маълум эмас. Дилбар ғазалларга бой бўлган Увайсий шеърятидан назокатли аёл қалбининг мунис тебранишлари ва замон зилдиятлари уфуриб туради. Унинг «Воқеоти Муҳаммад Алихон» номли тугалланмаган достони бизгача етиб келган. «Қарбалонома» достони («Ўзбек шеърятини антологияси». 3-том, Тошкент, 1961, 181-бет) бошқа манбаларда (масалан, В. Абдуллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. Иккинчи китоб, Тошкент, 1964, 342—346-бетлар) мустақил икки дoston («Шаҳзода Ҳасан ҳақида дoston» ва «Шаҳзода Хусайн ҳақида дoston») сифатида баҳоланади.

Ғозий (289-бет) — XVIII аср охири XIX аср бошларида яшаб ижод этган шоир. Шеърларини ўзбек ва тожик тилларида ёзган, ширу шакар йўлида ҳам яратган манзумалари мавжуд.

Ҳозиқ (289-бет) — XVIII аср охири XIX аср биринчи ярмида яшаб, ўзбек ва тожик тилларида ижод этган шоир. Ҳиротда туғилган ва дастлабки таълимни шу ерда олган. Табиблик билан ҳам шуғулланган. 1800 йилда Ҳозиқ Ҳиротдан Бухорога келади. Жамиятдаги ноҳақликларни танқид қилиш бу давр Ҳозиқ ижодининг асосини ташкил этади. Унинг «Амир Насруллога насихат», «Юсуф ва Зулайхо» каби асарларида илғор ғоялар куйланади. Умрининг сўнги қисмининг шоир Кўқонда ўтказади. Бухоро хонининг кескин танқид қилиб ёзган мисралари учун Насруллохон буйруғи билан Шаҳрисабзда қатл этилади.

«НАВОИЙ» РОМАННИНГ ҚАНДАГ ЕЗДИМ (291-бет)

Мақола 1959 йил 15 ноябрда ёзилган. Унга дастлаб «Адабий ижодиёт ҳақида ёзувчиларнинг айтганлари» деб З. Саидносирова томонидан шартли ном қўйилган; 6 саҳифадан иборат кўк рангли сиёҳда битилган дастхат Зарифа Саидносирова қаламига мансуб.

Материал адиб диктовкаси билан қоғозга туширилган. «Шарқ юлдузи» журналнинг 1960 йил 2-сонида ва «Бадий ижод ҳақида» номли тўпламда (1960) эълон қилинган.

ТАДҚИҚОТЛАРГА ТАЙЕРГАРЛИКЛАР

НАВОИИ ҲАҚИДАГИ ИЛМИЙ ИШЛАРГА ТАЙЕРГАРЛИК (1-ДАФТАР) (297-бет)

14,5×20,7 ўлчовли, ранги анча ўчган, пушти дафтардаги қўлёзма адибнинг дастхати. 22 varaқ 44 саҳифадан иборат; ўқувчиларнинг оддий катак дафтарига туширилган қайдлар араб графикасида қора сиёҳ, гунафша сиёҳ ва қора қалам билан ёзилган. Қўлёзманинг кўпгина саҳифаларидаги сўзлар, жумлалар ўчирилган, ўқилиши қийин. З. Саидносированинг шаходат беришча, қайд-конспект тарзидаги қўлёзма 1933—34 йилларга оиддир. Қўлёзмада Лутфий девонидан олинган 30 сатр ғазал ҳам келтирилган.

Адибнинг марта эълон қилинмоқда сақланаётган ушбу қўлёзма биринчи марта эълон қилинмоқда.

Ибн Батута (297-бет) — машхур араб сайёҳи, 1350 й. Самарқандда бўлган. Asli исми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Лавоти ат-Танжип. 1304 й. туғилиб, 1377 й. вафот этган. Саёҳат хотиралари сифатида майдонга келган «Турли шаҳар ва сафарлардаги ажойиботлар шоҳиди бўлганлар тухфаси» номли асаридан тарих ва географияга оид қимматли маълумотлар мавжуд. Асардан унинг яқин Шарқ, Осиёнинг катта қисми, Урта Осиё, Испания, Африка мамлакатлари, Қрим ва Россиянинг жанубида бўлгани маълум.

«Рашаҳоти айнул-хаёт» (297-бет) — Али бин Хусайн Вонз Кошифийнинг асари. 1504 йилда яратилган.

«Матлабун толибин» (297-бет) — Муҳаммад Толиб ибн Хожа Тожиддин Ҳасанининг асари. 1667—80 йиллар орасида ёзилган.

«Нузҳатул-қулуб» (297-бет) — Ҳамдуллаҳ Муставфий Қазвинийнинг бу асари 1339—40 йилларда ёзилган. Урта асрлар Шарқ тарихи ва маданияти бўйича бой маълумотга эга. Бу асарнинг ҳиндча босмасига Ойбек ҳам мурожаат этган кўринади.

«Мақомати Мавлави Жомий» (297-бет) — 1492 йили Мутаххир Баҳарзи томонидан Абдурахмон Жомий хотирасига бағишлаб ёзилган асар. Бу асарнинг яратилишида Алишер Навоий ташаббускор бўлган.

«Қомус ул-аълום» (300-бет) — Шамсиддин Сомийнинг асари.

Форсий девони ҳам бор (301-бет) — Навоийнинг 1498 йилда тартиб берилган «Девони Фоний» асари назарда тутилди.

Мавлоно Хаёлний (301-бет) — бухоролик шоир.

Мавлоно Бисотий (301-бет) — самарқандлик шоир.

Ҳаририй Қаландар (302-бет) — самарқандлик шоир.

Мавлоно Яқиний (303-бет) — XV асрда яшаб ижод этган ўзбек шоири, «Уқ ва ёй мунозараси» асарининг муаллифи. «Мажолисун-нафоис»да Навоий Яқиний тахаллусли икки шоир ҳақида маълумот беради. Шулардан бири Хусайн Бойқаро саройида хиз-

мат қилганлиги ва унинг юришларидан бирида жангда ярадор бўлиб, сўнг вафот этганлиги ҳақида гапирилади. Иккинчи Яқинийнинг саройга алоқадор эканлиги ҳақида маълумот берилмайди. У «Уқ ва ёй мунозараси»нинг муаллифидир.

Мавлоно Муқимий (303-бет) — ҳиротлик шоир.

Мавлоно Гадоий (305-бет) — XV асрда яшаб ижод этган Ўзбек шоири. Навоий «Мажolisun-nafois»да унинг ғазалларига юқори баҳо беради. Бизга Гадоийнинг бир девони етиб келган.

Самойлович А. Н. (306-бет) — (1880—1938) таниқли совет шарқшуноси. СССР ФА академиги (1929). 1934—1938 йиллар давомида СССР ФА Шарқшунослик институти директори. Кавказ, Урта Осиё, Қозоғистон, Олтой тарихи, тили, адабиёти, фольклорига оид қатор илмий мақолалар ва асарлар муаллифи. Ижодининг асосини туркий халқлар тарихи, тилшунослиги, адабиёти ва этнографиясига оид тадқиқотлар ташкил этади.

Хирий тахтада (307-бет) — Ҳирот тахтада.

«Улуғбек ва унинг замони» (307-бет) — Совет шарқшунос олими В. В. Бартольднинг (1869—1930) асари.

Клавихога қараганда (307-бет) — Испаниянинг Темур саройидаги элчиси Рюи Гонзалес де-Клавиҳонинг «Дневник путешествия ко двору Тимура в Самарканде в 1403—1406 гг.» китоби назарда тутилади.

Идолоноклонниклар (308-бет) — бутга сўғинувчилар, бхтнарастлар.

Абдулраззоқ (308-бет) — Абдулраззоқ Самарқандий.

Умар (309-бет) — Мироншоҳнинг ўғли.

Исфизор (309-бет) — Темур истило қилган шаҳар.

Султония, Шероз, Бағдод, Дамашқ, Миср (309-бет) — Темур даври Самарқанд атрофидаги қишлоқларнинг номл.

НАВОИЙ ҲАҚИДАГИ ИЛМИЙ ИШЛАРГА ТАЙЁРГАРЛИК (2-ДАФТАР) (313-бет)

Ойбек дастхатига мансуб ушбу тайёргарлик материаллари араб графикасида, 14×19 ўлчовли, гунафша муковали, 50 саҳифадан иборат қалнинга дафтарга кўк қора, гунафша сиёҳларда қўла қора қаламда ёзилган. Кайдларнинг моҳияти ва характерига кўра 1933—1934 йилларда ёзилган, дея тахмин қилинади.

Адибнинг шахсий архивидаги 101-папкада сақланади, биринчи марта яълон қилинмоқда.

Қўлёзманинг дастлабки етти саҳифасида «Хамса»дан шеър кўчирилган. Сўнгра амалдорлар ҳақида саккиз саҳифа шеър келтирилади. Қўлёзманинг 16-саҳифасидан «Хамсатўл-мутахайирин» — Навоий — ном остида текст берилди. Дафтарнинг ўрта қисмларидаги варақлар, саҳифалар йиртиб олинганлиги сезилади. Шунга кўра дафтар тўлиқ ҳолда эмас, дейиш мумкин.

Дафтарда «Вақфнома»дан сөлваҳаси остида 23 сатр шеър мавжуд. Унга яна матндан сўнг 134 мисра шеър мисол қилиб келтирилади.

Саъдиддин Кошғарий (313-бет) — XV асрда яшаган машҳур шайхлардан. 1456 й. вафот этган. Саъдиддин Кошғарий жуда кўп таниқли кишилар (масалан, Абдурахмон Жомий)нинг

пири бўлган. Жомий шайх Саъиддиннинг қизига уйланган. Саъиддин Кошғарий Ҳиротнинг Жомеъ масжидида катта ваъзхонликлар қилган. Жомий ўз пирининг қабри ёнига дафн этилган.

Сайфиддин Муҳаммад (314-бет) — Жомийнинг ўғли. Жомий тўрт ўғил кўрган, улардан учтаси, шу жумладан Сайфиддин Муҳаммад ҳам жуда ёш вафот этади. Учинчи ўғли Зиёвиддин Юсуфнинггина ўз падаридан сўнг ҳам яшагани маълум.

Халаб (315-бет) — Суриядаги шаҳар. Европада Алеппо номи билан юритилади.

Хожа Абдулло Ансорий (315-бет) — (1006—1089) — Эроннинг тасаввуф оқимига мансуб шоирларидан бири. Форс прозасида дастлаб сажъ услубини қўллаган, рубоий ва китъалари билан ўз даврида кенг танилган. Унинг «Муножот», «Илоҳийнома», «Сирлар китоби» каби асарлари ўзидан сўнгги қалам аҳлларига кучли таъсир кўрсатган. Жомийнинг «Нафоҳатул-унс» асарининг майдонга келишида Абдулло Ансорий араб тилидан ўгирган «Тасаввуф таснифлари» (муаллифи — Шайх Сулломиё Ишпопурий) номли китобнинг таъсири кучли бўлган.

Ансорий ҳижрий саккиз юз тўқсон саккизда муҳаррам ойининг ўн еттинсиди жума куни вафот этади. Бу рақам милодий йилга ўгирилганда 1492 йилнинг 8 ноябрига тўғри келади.

АНТОЛОГИЯГА ТАЙЁРГАРЛИК (317-бет)

Ойбек дастхати. Қўлёзма адиб архивидаги 101-папкада сақланади. 10,8×46 ўлчовли узун сариқ қоғознинг орқа-ўнгига қўқ ва қизил қалам билан араб графикасида ёзилган. З. Саидносированинг гувоҳлик беришича, қўлёзма 1947 йилда ёзилган. Матбуотда биринчи марта босилмоқда.

Яссавий шоирлари: Вафой — Хоразмий, Иқоний, Шамс — Узгандий (317-бет) — Аҳмад Яссавий мактабига мансуб мистик шоирлар.

XVIII асрда уч хонлик (317-бет) — Бухоро, Қўқон ва Хива хонлиги назарда тутилади.

Крылов И. А. (318-бет) — (1769—1844) — рус драматурги ва таниқли масалнависи. 1811 йилда Россия Академиясига аъзо қилиб сайланган.

Ломоносов М. В. (318-бет) — (1711—1765) — улкан рус олим ва мутафаккири.

Карамзин Н. М. (318-бет) — (1766—1826) — рус ёзувчиси ва тарихчиси. Рус адабиётидаги сентиментализм оқимининг асосчиси.

Державин Г. Р. (318-бет) — 1743—1816) — рус шоири.

Бугро Қорахон (319-бет) — қорахонийлар хоқонлигининг (бу хоқонлиқнинг ғарбий қисмига Кошғар, Еттисув ва ҳозирги Қозоғистоннинг жанубидаги вилоятлар қарашли бўлган) йирик намояндаси.

«Ҳибатул-хақойиқ» (321-бет) — 254 байтдан ташкил топган, ўн тўрт бобдан иборат, тахминан XII аср охири XIII аср бошларида ёзилган ахлоқий-дидактик характердаги машҳур асар.

Абдуҳолиқ Ғиждувоний (321-бет) — сўфизм оқимининг таниқли намояндalarидан бири.

Қамол Хўжандий (324-бет) — тахминан 1318—1321 йиллар оралиғида Хўжандда туғилиб, 1400 йил Табризда вафот этган йирик форс-тожик шоири. Айрим маълумотларга кўра шеърлари 14 минг байтни ташкил этган. Қамол Хужандий ўз даври Шарқ мамлакатларида катта шуҳрат қозонган.

ШАРҚ ҲАЪТИ ВА АДАБИЪТИГА ОИД ТАДҚИҚОТЛАР УСТИДАГИ ИШЛАР

ВОСИФИЙ. «БАДОЕУЛ-ВАҚОЕ» (329-бет)

Адибнинг ушбу қайдлари икки саҳифадан иборат бўлиб, 22×30,8 ўлчовли, сарғайиб кетган қоғозга қалам билан ёзилган. У 1940 йилга оид деб тахмин қилинади. Биринчи марта эълон қилинмоқда.

«Бадоеул-вақое» (329-бет) («Ажиб воқеалар») — Восифий асари. Бир қатор шеърӣй ва насрий асарларни ўз ичига олган, мемуар шаклида ёзилган асар. Урта Осиё, Афғонистон, Эрон тарихи ҳақида қимматли маълумотлар беради. Унда, шунингдек ибн Сино, Жомий, Навоий сингари Шарқнинг буюк фарзандлари ҳақида нодир материаллар мавжуд.

Восифий (329-бет) — 1485 й. Ҳиротда туғилиб, тахминан 1551—1566 йиллар орасида Тошкентда вафот этган. Ижодининг шаклланишига Навоий ва унинг ҳомийлиги кучли таъсир кўрсатган.

РЮИ ГОНЗАЛЕС ДЕ-КЛАВИХО (330-бет)

15×21 ўлчовли қоғозга гунафша ранг сиёҳ билан араб графикасида ёзилган. Адиб дастхати. Материал 30-йилларнинг ўрталарида Р. Г. де Клавихонинг «Дневник путешествия ко двору Тимура в Самарканде в 1403—1406 гг.» (Подлинный текст с переводами и примечаниями восстановлен под редакцией И. И. Срезневского, СПб., Типография Императорской Академии наук, 1881) номи китоби асосида тузилган конспектдир. Қўлёзма тўрт саҳифадан иборат.

КЛАВИХО (334-бет)

Бу муаллифнинг номи юқорида тилга олинган китоби асосида конспект тузган Ойбек учун маълум муддат ўтгач, унга яна мурожаат этиш эҳтиёжи туғилган кўринади. Натижада у шу китоб асосида яна бир марта конспект тузади. Ушбу материал — ана шу иккинчи конспектдан иборатдир.

Қора қалам билан араб графикасида ёзилган. Адиб дастхати 15×21 ўлчовли қоғозда 12 саҳифани ташкил этади. 30-йилларнинг ўрталарида битилган. Биринчи марта эълон қилинмоқда. Унинг айрим эскизларидан «Навоий» романида ҳам фойдаланилган.

Темур билан Тўхтамиш жанги (335-бет) — Темур Тўхтамиш қўшинини Терек дарёси бўйидаги жангда тор-мор этади.

«ВАҚФНОМА» ДАН (336-бет)

Тадқиқотга тайёргарлик сифатидаги ушбу материал аввалида 1,5 бет форс тилидаги шеърӣй парча келтирилади. Адиб дастхати. Гунафша ранг сиёҳ билан 14×19 ўлчовли мактаб дафтариға араб графикасида ёзилган қўлёзма— жами 15 бет. Материал ниҳоясида форс тилидаги каттагина шеърӣй парча мавжуд. 30-йиллар ўрта-сида ёзилган.

Бу материал Навоийнинг хайрли ишлари ҳақида сўз борувчи «Вақфия» асари асосида тузилган қисқача конспектдир.

Гавҳаршод мадрасаси (336-бет) — меймор Қавомиддин Шерозий томонидан 1418—1438 йиллар орасида Ҳиротда бино этилган архитектура ансамблининг бир қисми. Мадрасанинг мақбараси ҳам бор. Унга Шоҳрух мирзонинг хотини Гавҳаршод бегим ва бошқа мансабдорлар дафн этилган. Мадраса икки қаватдан иборат, довлисининг сатҳи 52×49 м.

С. АЙНИЙНИНГ МАҚОЛАСИДАН (339-бет)

Яшил рангли сиёҳда 14×19 ўлчовли қоғозга араб графикасида ёзилган. Адиб дастхати. Қўлёзма 7 бетдан иборат.

С. Айнийнинг «Улуғ ўзбек шоири» (1948) номли тўпلامга кирган «Алишер Навоӣй ва тожик адабиёти» номли мақоласидан олинган конспект деб тахмин қилинади. Материалнинг сўнг қисми архивда сақланмаган.

Навоӣйнинг «Муфрадог» и (340-бет) — муаммо жанрининг таҳлили ва таснифиға бағишланган бу асар (1491) айрим манбаларда «Рисолаи муаммо» номи билан ҳам юритилади.

«РАВЗАТУС-САФО»

МУҲАММАД ХОВАНД. VII ЖИЛД (МИРХОНД) (341-бет)

Қўлёзма 19,3×28,3 ўлчовли ҳийла эскирган, саргайиб, четлари титилган қоғозга гунафша сиёҳ билан ёзилган. Адибнинг дастхати 4 саҳифадан иборат. Матбуотда биринчи марта эълон қилинмоқда. З. Саидносированинг тасдиғига кўра, 1934—35 йилларда ёзилган. У адибнинг шахсий архивидаги 8-папкада сақланади.

Материал Мирхонднинг номи юқорида кўрсатилган асари асосида тузилган конспектдир.

Қандаҳор (341-бет) — Жанубий Афғонистондаги шаҳар. Александр Македонский асос солган. Ҳозир Қандаҳор вилоятининг маъмурий маркази. Аҳолиси 130,2 минг киши (1970).

Султон Маҳмуд (341-бет) — Абу Саиднинг ўғли.

Султон Аҳмад (341-бет) — Абу Саиднинг ўғли.

Пули Моландан Боғи Жаҳонароғача (342-бет) — Ҳиротдаги кўприк ва боғ номлари.

Журжон (342-бет) — Эрондаги Гўргон вилоятининг арабча номи. Тарихда Астробод номи билан машҳур бўлган шаҳар. 1930 йилдан эътиборан Гўргон деб номланади.

Қундуз (343-бет) — а) Амударёнинг чап irmoғи Сурхоб дарёсининг иккинчи номи. б) XVIII—XIX асрларда Шимолий Афғонистонда ўзбек элатларига қарашли Қундуз хонлиги ҳукм сурган.

Ҳижоз (344-бет) — Саудия Арабистонининг ғарби-жануби — Қизил Денгиз соҳилидаги вилоят. Майдони 400 минг км². Макка, Мадина, Жадда сингари йирик шаҳарлар шу вилоятга қарашли.

БАҲРОМ

(345-бет)

4 саҳифадан иборат қўлёзма Ойбекнинг дастхати бўлиб, биринчи марта эълон қилинмоқда. 20×28,5 ўлчовли қоғозга гунафша сиёҳ билан араб графикасида ёзилган. Ҳозир қўлёзма саҳифалари сарғайиб кетган, четлари ҳийла йиртилиб, букилган. 1933—34 йилларда ёзилган деб тахмин қилинади. Адибнинг шахсий архивидаги 101-папкада сақланади. Қўлёзмада IV ҳикоя ўрни бўш қолдирилган.

ҲИРОТДАГИ ГҲЗАЛ ЖАВЛОНГОҲ

(350-бет)

Адиб дастхати 5 саҳифадан иборат. Ушбу қўлёзма 21×29,5 ўлчовли қоғозга қора сиёҳ билан ёзилган. Саҳифа сўнгида битилган санаси кўрсатилмаган, қўлёзмадаги маъно моҳиятига кўра 1939—40 йилларда ёзилган дея тахмин қилинади. У адибнинг «Навой» романи устида ишлаш жараёнидаги эскиз тариқасида яратилган. Қўлёзма адибнинг шахсий архивидаги 8-папкада сақланади, биринчи марта эълон қилинмоқда.

Хонақоҳ (357-бет) — шайхлар, дарвишлар зикру самоъ қиладиган жой.

Жомиъ (351-бет) — жума ва ийд намози ўқиладиган катта масжид.

ҲИРОТ

(352-бет)

Адиб дастхати. 5 саҳифадан иборат қўлёзма араб графикасида қора сиёҳ билан ёзилган. 20×29 ўлчовли қоғоз айни кунда вақт ўтиши билан ҳийла эскириб, сарғайиб кетган. У 1938—39 йилларда ёзилган дея тахмин қилинади. Матбуотда биринчи марта эълон қилинаётган қўлёзма адибнинг шахсий архивидаги 8-папкада сақланади. «Навой» романи эпизодларидан бири.

Тужжор (354-бет) — савдогар.

Рубъи маскун (354-бет) — Ер юзининг нисон яшайдиган обод қисми.

Бағдод (353-бет) — Дажла дарёсининг иккала соҳилида жойлашган йирик шаҳар. Бағдод 762 йилда халифа Мансур томонидан Мадинат-ус-Салом, яъни Тинчлик шаҳри номи билан бино этилган. 1921 йилдан бошлаб Ироқнинг пойтахти.

САМАРҚАНД

(357-бет)

Араб графикасида 19×30 ўлчовли сарғайган қоғозга қора рангли сиёҳда битилган. Биринчи марта эълон қилинмоқда. Даст-

хат — адиб архивида 8-папкада сақланади. Навоий ҳақидаги тадқиқотларга ёхуд романга тайёргарлик сифатида 1934—1935 йилларда ёзилган деб тахмин қилинади.

МАДХАЛГА ҚУШИМЧА (359-бет)

Араб графикасида 22×30,6 ўлчовли сарғайган қоғозга гунафша рангли сиёҳда битилган. Қўлёзма 3,5 бет. Биринчи марта эълон қилинмоқда. Дастхат адиб архивида сақланади. Навоий ҳақидаги тадқиқот ёхуд романга тайёргарлик сифатида 1934—1935 йилларда ёзилган деб тахмин қилинади. Қўлёзманинг 2-саҳифаси сақланмаган.

С уғ н о қ (359-бет) — Туркистон (Ясси) шаҳри ёнида Қоратовдаги қадимги шаҳар қурилиши XIV асрдан бошлаб тараққий этган. XV асрнинг 30—40 йилларида Сугноқ Улуғбек салтанатига кирган.

М а д х а л (359-бет) — кириш (мақолага кириш).

БАВИЛОВ. АФҒОНИСТОН ҲАҚИДА (361-бет)

Ойбекнинг дастхати. 5 саҳифадан иборат ушбу қўлёзма матбуотда биринчи марта эълон қилинмоқда. Адиб мазкур қайдларини 20×30,5 ўлчовли қоғозга қора қалам билан араб графикасида ёзган. Саҳифалари сарғайиб кетган қоғознинг сўнгида унинг битилган санаси кўрсатилмаган. 1934 йилда ёзилган дея тахмин қилинади.

Қўлёзма адибнинг шахсий архивидаги 8-папкада сақланади.

В а в и л о в Н и к о л а й И в а н о в и ч (361-бет) (1887—1943) — машҳур совет генетиги, географи, СССРдаги қишлоқ хўжалик ва география фанлари ривожига катта ҳисса қўшган олим, СССР ФАнинг академиги (1929). Эрон, Афғонистон, Тожикистон, Хоразм ўсимликлар дунёсини ва географиясини ўрганиш экспедицияларига раҳбарлик қилган ва бу экспедициялар натижасини ўз илмий асарларида акс эттирган. Афғонистонда олиб борган тадқиқотлари учун Н. М. Пржевальский номидаги «Географиядаги жасорати учун» олтин медали билан мукофотланган.

Мазкур жилдаги Вавиловнинг Афғонистон ҳақидаги асарида олинган консепт бу олимнинг Букинич билан ҳамкорликда яратилган «Земледельческий Афганистан» (1929) номли тадқиқоти асосида тузилган деб тахмин қилинади.

Ж а л о л о б о д (361-бет) — Хорижий Жалолобод, Афғонистоннинг жануби-шарқида жойлашган шаҳар. Аҳолиси 47 минг киши (1966).

К у ш к а (361-бет) — Туркменистон ССРдаги шаҳар.

К о б у л (362-бет) — Афғонистоннинг пойтахти. Дастлаб Птолемей асарларида Кобур шаклида тилга олинади.

ҚАЙДЛАР, ПЛАНЛАР, ТЕЗИСЛАР ТЕМУРИЙЛАР ВА НАВОИЙ ҲАҚИДА (367-бет)

Ойбек Темурнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти, у яшаган мураккаб давр ва темурийлар шажараси тўғрисида йирик полотно (ро-

ман) яратиш мақсадида ғоят кўп тарихий материаллар, асарлар, манбалар билан танишиб чиқади. Бу борада Ойбек учун улуғ Алишер Навоийнинг асарлари, хусусан «Мажолисун-нафоис» асари, Бобирнинг «Бобирнома»си, шунингдек йирик шарқшунос олимлардан В. В. Бартольд ва Е. Э. Бертельснинг тадқиқотлари асосий манба вазифасини ўтаган.

Ойбекнинг «Темурийлар ва Навоий ҳақида» деб номланган қайдлари 13×18,5 ўлчовли қора жилдик блокнотда олиб борилган. Кўк сиёҳ билан араб графикасидаги дастхат адибнинг умр йўлдоши Зарифа Саидносировага мансуб. Роман учун мўлжалланган ушбу тайёргарлик материалларининг олиб борилган санаси кўрсатилмаган. З. Саидносированинг айтишича, 1960 йилларда ёзилган. Матбуотда биринчи марта эълон қилинаётган қўлёзма 30 варақдан иборат бўлиб, адиб архивидаги 8-папкада сақланади.

Темурнинг Самарқанд атрофида 12 та боғи (Боғи нақши жаҳон, Боғи Биҳишт, Боғи амирзода Шоҳрух, Боғ майдон, Боғи Дилқушо, Боғи Шамол, Боғи Зоғон, Боғи Баланд, Давлат Обод, Боғи Чинор, Боғи Нав, Боғи Жаҳоннамо) бўлган. Темур ушбу боғларни милоддан аввалги иккинчи минг йиллақда қадимги Мисрда пайдо бўлган ва кейинчалик Европа ва Шарқ мамлакатларида ғоят ривожланган боғ-парклар услубида яратган. Миср боғлари, асосан атрофига дарахтлар ўтказилган узумзорлардан иборат бўлган эди. Кейинроқ Бобилда ривож топган (милоддан аввалги IX аср) Бобил боғлари сайр қилиш, кўнгил очиш ва ов қилишга мўлжалланган катта кенг жойлар бўлган. Айниқса, Семирамида (Бобил подшосининг хотини)нинг Осма боғи халқ таъбирида дунёдаги етти мўъжизанинг бири бўлган. Шарқ боғ-паркилиги анъаналарини сақлаган Эрон боғ-паркларини юнонлар «парадиза» (жаннат) деб атаганлар. Европада Гренада вилояти (Испания)да Алхумро (Альгамбра), Генералиф каби араб боғ-парклари сақланиб қолган. Шунингдек, Европа боғ-парклари орасида ҳовуз ва фонтанларга бой Версаль (Париж) боғи машҳур. Петергоф (Ленинград яқинида) план билан қурилган биринчи рус боғ-парки ҳисобланади. Ундаги сарой, сунъий шаршара, фонтан ва павильонлар, айниқса машҳурдир.

Ўрта Осиёда боғ-парклар яратиш анъанаси ғоят қадимий бўлиб хусусан XIV—XV асрларда, айниқса Темур ва темурийлар ҳукмронлиги даврида, ниҳоятда ривожланган.

Боғи Баланд (368-бет) — Самарқанднинг шимолидаги Чўпон ота мақбарасининг атрофида (ҳозирги Самарқанд — Тошкент автомобил йўли атрофида) Темур барпо эттирган боғ. Боғни қуришда Эрон, Озарбайжон ва бошқа мамлакатлардан энг яхши меъморлар қатнашган. Боғдаги қасрда табриз мармарлари ишлатилган. Боғ Темурнинг ўғли Мироншоҳнинг қизига атаб қурилган. Боғнинг дарвозаси баланд бўлиб, чиройли қилиб ҳар турли ранглар билан бўялган. Анжирзор, узумзор ва олмазор боғнинг ҳуснига ҳусн қўшган. Боғи Баланд ҳозир ҳам шу ном билан машҳур. Боғи Баланд ҳозирги Самарқанд районининг «Зарафшон» колхозида бўлиб, Самарқанд аэропорти шу ерда жойлашган.

Боғи Беҳишт (368-бет) (жаннат боғ) — Самарқанднинг ғарбида Темур хотини Туман оға учун 1378 йили қурдирган боғ. Боғи Биҳишт саройининг меъморий услуби гўзал бўлган. Шарафиддин Али Яздийнинг ёзишича, боғдаги сарой атрофи хандақ билан муҳофаза этилган сунъий тепалик устида Табризнинг оқ мрамари-

дан барпо этилган бир неча кўприклар саройни боғ билан боғлаган. Саройнинг бир томонида ҳайвонот боғчаси ҳам бўлган.

Боғи Дилкушо (368-бет) (кўнгил очувчи боғ) — Самарқанддан 6 км шарқда, Чумчуқли қишлоғида Амир Темур барпо эттирган боғ. Боғда гумбаз шаклида қаср бўлиб, унинг уч томонида миноралар қад кўтарган. Боғ деворининг бир томонида Темурнинг Ҳиндистонда олиб борган жанглари ажойиб нақшлар билан тасвирланган. Темур 1404 йил 8 сентябрда Р. Қлавихо бошчилигидаги Испания вакилларини шу боғда қабул қилган. Р. Қлавихо боғдаги фаввора (фонтан)дан отилиб чиқаётган сувнинг тепадаги қизил олмага урилиб сочилиши жуда чиройли эканлигини ёзиб қолдирган. Темур бу боғни хотини Тўқалхоним шарафига қурдирган. Бу боғ ўрни ҳозир Дилкушо қишлоғи деб аталади. Самарқанд район, Қўштамғали қишлоқ Советидаги «Победа» колхози территориясида.

Боғи Зоғон (368-бет) — (Зоғлар боғи) — Самарқанднинг шарқида, Кўчан хпёбон мавзеида Амир Темур қурдирган боғ. Зоғон Зоғон ўрнида ҳозир Боғи Зоғон қишлоғи мавжуд.

Боғи Шамол (368-бет) — Самарқандда Амир Темур ўз набираси Мироншоҳнинг қизига атаб (1397 й) қурдирган боғ. Боғи Шамолнинг саройи тўрт бурчак шаклида бўлиб, ҳар тарафи 1500 қадам бўлган. Деворлари мрамрдан ишланиб, ер(пол)и қора ёғоч ҳамда фил тишидан қадама қилиб ишланган эди.

Юқоридагилардан ташқари Темурнинг Самарқанд атрофида бино этган яна қуйидаги боғлари бўлган:

Боғи Майдон — Самарқанднинг шимолидаги Чилстун қишлоғида Амир Темур қурдирган боғ. Тарихий манбаларга қараганда боғда чиройли айвон қурилиб, унда қимматбаҳо тошдан тахт ясалган. Мирзо Улуғбек даврида боғ яна ҳам гўзаллашади. Бобирнинг ёзишича, боғи пуштан Кўҳак (Расадхона)нинг ғарбида бўлган. Боғи Майдон ҳозир Самарқанд район, «Зарафшон» колхозини территориясидадир.

Боғи Нав (Янги боғ) — Самарқанд жанубидаги Лолазор қишлоғига яқин жойда 1404 йили Амир Темур қурдирган боғ. Боғи нав тўртбурчак шаклда бўлиб, баланд девор билан ўралган ва ҳар бурчагида минора қурилган. Боғ ўртасида гумбаз шаклида қаср, унинг олдида катта ҳовуз бўлган. Бу боғ жойлашган қишлоқ ҳозир ҳам Лолазор деб аталади.

Боғи Жаҳоннамо (дунёни кўрсатувчи боғ ёки ойна боғ) — Самарқанд шахридан жанубда — ҳозирги Самарқанд-Шаҳрисабз автомобиль йўли устидаги Қоратепа қишлоғида Темур барпо эттирган боғ. Боғнинг ёнида Темурнинг катта қалъаси бўлган. Боғ ва қалъа амирнинг ҳарбий юриши олдида ва жангдан қайтишида махсус бекат бўлиб хизмат қилган. Боғи Жаҳоннамо жойлашган қишлоқ ҳозир ҳам Қоратепа номи билан аталади. У Ургут районидаги Калинин номи колхоз маркази.

Султон Муҳаммад (368-бет) — Бойсунқорнинг ўғли, Шоҳрухнинг невараси.

Султон Иброҳим, (368-бет) — Алавидавланинг ўғли, Шоҳрухнинг эвараси.

Хулоку (369-бет) — тарихда Эрондаги мўғуллар ҳокимияти. Бунга Бағдод, Закавказье ва бутун шимолий Эрон кирган.

Суюртгамиш (369-бет) — Робия Султон бегимнинг ўғли.

Ўзбекхон (370-бет) — Олтин ўрда хонн, 1312—1342 йиллар

давомида ҳокимиятни бошқарган. У Тугрулхоннинг ўғли, Менгу Те мурнинг неварасидир.

Боғи Чинор (370-бет) — (Чинор боғи) Самарқанднинг гарби-жанубида, Даргом ариғи яқинида Амир Темур барпо эттирган боғ. Боғи Чинорда чинор дарахлари кўп бўлган. Бу боғ барпо қилинган Хўжа Қашшер қишлоғида ҳозир ҳам чинор кўп. Хўжа Қашшер қишлоғи Самарқанд районидagi Куйбишев номи колхозда.

Муҳаммад Султон (371-бет) — (1376—1403) Темурнинг невараси, Жаҳонгирининг ўғли. Темур ўзига валнаҳд қилмоқчи бўлган, лекин у 1403 йилда хасталаниб вафот этади.

Абдулхайрон (372-бет) — (1412—1468) Жўжихоннинг кичик ўғли — Шайбонийнинг авлоди. Сирдарё вилоятида Суғноқ унинг пойтахти бўлган. Улуғбек қатлидан сўнг унинг қизи Робиа Султон бегимга уйланган. Бундан Кучкунчи ва Суюнчи деган ўғиллари бўлиб, Муҳаммад Шайбонийхон Суюнчионинг ўғлидир.

Ер-Али (373-бет) — Туркман шаҳодаси, Қора-қуюн сулоласидан бўлган Султон Искандарининг ўғли. 1449 й.да Абулқосим Бобир уни Ҳиротда қатл эттиради.

Амир Муҳаммад Хисрав (373-бет) — Улуғбек (1449 й.) салтанатдан маҳрум бўлиб, Самарқанддан чиқиб кетганда унга ҳамроҳ бўлган ҳожи.

Қози Мискин (374-бет) — (Шамсиддин Муҳаммад Мискин) Самарқанд қозиси. 1449 йилда Улуғбек тахтдан ағдариллиб Самарқанддан чиқиб кетганда, руҳонийлар унинг қатли учун фатво берганларида, Қози Мискин бу фатвога муҳр босишдан бош тортади, яъни қатлга порозилигини билдиради.

Хўжа Аҳрор (375-бет) — (Насриддин Убайдуллоҳ) Шайх, сўфи, эшон, 1404 йилда Боғистон қишлоғида тугилган нақшбандийлар вакили; Тошкентда яшаган, кейин уни Султон Абу Саид Самарқандга олдиради. У илму урфонни бутунлай рад этган XV аср иккинчи ярмидаги Мовароуннаҳр мутаассибларининг раҳбари, йирик зодагон. «Хўжа Аҳрор ўзининг диний обрўсидан сўсий ҳокимиятни қўлга олиш учун фойдаланиб, мамлакатни Темурнинг ҳақиқий ёки сохта авлодларидан қўйилган одамлар орқали қирқ йил давомида бошқарган», деб ёзади у ҳақда В. В. Бартольд («Улуғбек и Ходжа Аҳрор». Записки Восточного отделения русского археологического общества, т. XX, часть II, стр. 8).

Айниқса, Абу Саид даврида унинг мавқен кучаяди. Хўжа Аҳрор отда кетаётган пайтда Абу Саид унинг ёнида пиёда бораётганлиги ҳақида маълумотлар бор.

«БОБИР» ДОСТОНИ УЧУН МАТЕРИАЛЛАР (376-бет)

Ойбек ўзбек классик шоири Заҳриддин Муҳаммад Бобир (1483—1530)нинг Ҳиндистонда кечган ҳаёти, ижодий фаоллиги тўғрисида йирик эпик асар яратиш ниятида тайёргарлик ишларини бошлаб юборган эди. Лекин ушбу ижодий режа номаълум сабабларга кўра рўёбга чиқмай, тугалланмай қолган. Ойбек «дэстонда саркарда Бобир билан шоир Бобирни бир-биридан ажратмайди. Унинг соҳибқирон сифатидаги салбий фазилатларидан ҳам кўз юммайди. У ватанидан жудо бўлган Бобирнинг фожиасини кўрсатишга диққат-эътиборини қаратади. Ватан ва шахс, ватан ва ижод

мавзуи дostonнинг асосий ғоявий йўналишини белгилаб келади» деб ёзади адабиётшунос Н. Каримов («Шарқ юлдузи» журн., 1977, 9-сон, 98-бет).

Тугамай қолган ушбу дoston биринчи марта «Шарқ юлдузи» журналининг 1977 йил 9-сонида (99—101-бетлар) чоп этилди.

Дoston учун олиб борилган тайёргарлик ишлари 9,8×14 ўлчовли жигарранг муқовали блокнотда, 37 саҳифадан иборат қўлёзма араб графикасида, гунафша сиёҳда. У Зарифа Саидносированинг дастхати. Матбуотда биринчи марта эълон қилинаётган дoston материаллари қўлёзмаси Ойбекнинг шахсий архивидаги 8-папкада сақланади.

«МАЖОЛИСУН-НАФОИС» ДАН (379-бет)

Бу материал «Мажолисун-нафонс» китобига сўзбоши сифатида ёзилган мақолага тайёргарликдан иборатдир. 1939—1940 йилга мансуб деб тахмин қилинади.

Араб графикасида ёзилган адиб автографи ёзувчи архивида сақланади. Биринчи марта эълон қилинмоқда.

А б д у р а з з о қ С а м а р қ а н д и й (381-бет) — (1413—1482) йирик тарихчи олим. Шохрух ва Абулқосим Бобир саройларида хизматда бўлган. Шохрух саройи элчиларининг раҳбари сифатида 1442—1444 йилларда Жанубий Ҳиндистонда бўлган. Абулқосим Бобирнинг Мозандарон ва Самарқандга уюштирган юришларида иштирок этган. Ана шу сафарларининг кучли таъсири остида ёзилган «Ҳиндистон сафари дostonи ва у ер ажойиботларининг шарҳи, ғаройиботларининг баёни», «Икки саодатли юлдузнинг чиқиши ва икки денгизнинг қўшилиши» номли асарлари ўша давр Урта Осиё ва Урта Шарқ мамлакатларининг тарихи ҳақида қимматли маълумотлар беради.

«НАВОИЙ» РОМАНИГА КИРИТИЛИШИ ЛОЗИМ БУЛГАН БАЪЗИ ТУЗАТИШЛАР ВА БУЛИМЛАР (383-бет)

Адибнинг шахсий архивидаги 101-папкада сақланаётган ушбу қўлёзма матбуотда биринчи марта эълон қилинмоқда. 11×20,5 ўлчовли парча каттак қоғозга араб графикасида, қора сиёҳ билан ёзилган. Қўлёзма адибнинг дастхати. У тахминан 1939—40 йилларда ёзилган.

Қизнинг исми Дилнавоз эмас, Ойбадоқ (383-бет) — «Навоий» романидаги қаҳрамонлардан бирининг исмини Ойбек аввал Дилнавоз деб аташни лозим топган кўринади. Кейинчалик уни Ойбадоқ исми билан ўзгартирмоқчи бўлади. Охири вариантда Ойбек Дилдор исмини танлайди ва роман қаҳрамонини шу ном билан атайди.

Ойбадоқ билан унинг йигити — Ойбек бу даврда Ойбадоқ (Дилдорнинг) севгилиси бўлмиш йигитга ҳали исм қўймаган кўринади. Роман нусхасида бу йигит Арслонқул деб номланади.

Тўғонбек — «Навоий» романидаги персонаж.

«ЧОР ДЕВОН»ДА 47 МИНГ МИСРА (384-бет)

Араб графикасида 19,5×29,5 ўлчовли сарғайган қоғозга қора рангли сиёҳда битилган. Қўлёзма 1 бет. Биринчи марта эълон қилинмоқда. Дастхат — адиб архивида сақланади. Материал Навоий лирикасига оид тадқиқотга тайёргарлик сифатида 1934 йилда ёзилган.

Ушбу материал Навоийнинг «Хазойинул-маоний» асари ҳақидаги бирор мақола ёхуд нутқнинг тезислари бўлса керак. Бу иш рус тилида тайёрланмоқчи бўлгани эҳтимолдан узоқ эмас. Тезисларда Навоий асарлари номининг рус тилидаги таржимаси ҳам келтирилиши шундай фикр юритишга асос беради.

ЕН ДАФТАРЧАНИНГ БИР ВАРАҒИ (385-бет)

14×9 ўлчовли қоғозга араб графикасида қора қалам билан ёзилган. Адиб дастхати. 30-йилларда битилган. «Навоий» романининг бирор эпизодига тайёргарлик материали деб тахмин қилинади.

ҚАЙДЛАР (386-бет)

Ен дафтарча варағи ҳажмидаги 9×14 ўлчовли қоғоз парчасига қора қалам билан араб графикасида олиб борилган ёзувлар Ойбек қаламига мансуб. Шахсий архивдаги 101-папкада сақланаётган қўлёзма биринчи марта эълон қилинмоқда.

3. Саидносированинг фикрига кўра, мазкур қайдлар 1939—40 йилларда ёзилган. Қўлёзма охирида «Умаровнинг баъзи қайдлари» деб ёзилган қайдлар келтирилади. Назаримизда, адиб «Навоий» романи муҳокамасидаги билдирилган фикр-мулоҳазаларни қайдлар тарзида битиб қўйган.

Зайниддин аския ва латифаларни оз сўзлайди (386-бет) — Чамаси «Навоий» романидаги қаҳрамон характериға штрихлар сифатидаги қайд.

ЭСДА ҚОЛДИРИШ УЧУН (387-бет)

13,5×19,7 ўлчовли, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси муҳри туширилган блокнотдаги ёзувлар қора қаламда олиб борилган. Тахминан 1940 йилда адибнинг ўз қўли билан битилган қўлёзма 2 варақдан иборат. Биринчи марта эълон қилинмоқда.

Қўлёзманинг ҳар саҳифасида ўчирилган, ўқилиши қийин бўлган сўзлар, жумлалар учрайди.

Қўлёзма адибнинг шахсий архивида 101-папкада сақланади.

ЭСДА ТУТИШ УЧУН (388-бет)

Адибнинг ўз қўли билан араб графикасида олиб борган мазкур қайдлар бир саҳифадан иборат. Саҳифа эскириб, сарғайиб кетган. Гунафша сиёҳда 20,5×29,2 ўлчовли қоғозга туширилган қайдлар

3. Саидносированинг фикрига кўра, 1937—38 йилда ёзилган, деб тахмин қилинади. Биринчи марта эълон қилинаётган ушбу қайдлар қўлёзмаси адибнинг шахсий архивидаги 8-папкада сақланади. Бу тезислар «Навой» романига тайёргарлик материалидир.

НАВОЙНИ АРИҚ ҚАЗДИРГАН (389-бет)

Араб графикасида 9×7 ўлчовли қоғозга гунафша рангли снёҳда ёзилган. Биринчи марта эълон қилинмоқда. Дастхат — адиб архивида сақланади. Навоий ҳақидаги тадқиқотларга ёҳуд романига тайёргарлик жараёнининг маҳсули бўлган бу материал 1934—1935 йилларга мансуб, деб тахмин қилинади.

НАВОЙНИНИНГ СИЕСИИ ФАОЛИЯТИ (390-бет)

Жуда сарғайиб кетган 20×29,5 ўлчовли қоғозга гунафша ранг снёҳда араб графикасида ёзилган. Адиб дастхати. Қўлёзма — 2 саҳифа. 30-йилларнинг ўрталарида ёзилган.

Исми Хутбада айтиладиган бўлди (392-бет) — Уша давр таомилига кўра мустақил хон ёки шоҳ бўлганларнинг номи Хутба номозида тилга олинши шарт бўлган.

ТАҚРИЗЛАР АЗИЗ ҚАЮМОВНИНГ «ҚУҚОН АДАБИИ МУҲИТИ» АСАРИ ҲАҚИДА (395-бет)

Азиз Қаюмов — ўзбек адабиётшунос олими, филология фанлари доктори.

Завқий (395-бет) — (1853—1921) — асли исми Убайдулла Солиҳ ўғли. Таниқли ўзбек демократ шоири. Завқий XIX аср охири XX аср бошларида маърифатпарварлик ва демократик ғояларни тараqqун этди. Давр истибоди ва разолатини фош этди. («Ажаб эрмас», «Воқеан Виктор бой», «Вексель» ва бошқалар). 1921 йили босмачилар унга оғир жисмоний азоб берадилар. Шоир шу йили вафот этади.

Маъдан (395-бет) — (1762—1838) — Ўзбек ва форс-тожик тилларида шеърлар ёзган шоир. Адабий шеърларида Қамини таҳаллусини ҳам қўллаган. Унинг асарларида замон носозликларидан зорланиш кайфияти кучли («Понғоз», «Жоним», «Кўргазил менга» ва бошқалар). Турли манбаларда Маъдан турлича — Маъдан Риштоний, Маънавий Аштий, Маъдан Понғозий сифатида тилга олинган.

Ҳ. СУЛАЙМОННИНГ «АЛИШЕР НАВОЙИ ЛИРИКАСИНИНГ ТЕКСТОЛОГИК ТАДҚИҚОТИ» ҲАҚИДА (397-бет)

12 саҳифадан иборат қўлёзма араб графикаси билан оқ қоғозга қора қалам билан ёзилган. 20,4×28,7 ўлчовли қоғоздаги қўлёзма дастхати 3. Саидносирова қаламига мансуб. Адибнинг шахсий

архивидаги 121-папкада сақланаётган қўлёзма 1961 йил 17 октябр да битилган; у матбуотда биринчи марта эълон қилинмоқда.

Ҳ. Сулаймон — ўзбек адабиётшунос олими, филология фанлари доктори. Навоий ижодининг йирик тадқиқотчиси.

Султон Али Машҳадий (399-бет) — Ҳиротда Абу Саид ва Ҳусайн Бойқаро саройларида хизматда бўлган атоқли каллиграф. Настаълиқ услубининг улкан намояндаси, 1432/33—1513 йиллар орасида яшаган хаттот, асосан Ҳиротда, умрининг сўнгига эса ватани Машҳадда яшаб ижод этди. Бобир унга: «Хушнавислардин агарчи хили киши бор эрди, вале борининг саромади настаълиқда Султон Али Машҳадий эрди» деб юқори баҳо беради. Унинг Навоий асарлари (1465—1466 йилларда)ни кўчирган нодир қўлёзмаш мавжуд.

Э. ИБРОҲИМОВНИНГ «УВАЙСИИ ИҶОДИГА ДОИР»
ДИССЕРТАЦИЯСИ ҲАҚИДА
(401-бет)

Э. Иброҳимова — ўзбек адабиётшуноси. Филология фанлари кандидати.

С. ДОЛИМОВНИНГ «ОҒАҲИЙНИНГ ҲАЕТИ ВА ИҶОДИ»
МАВЗУИДАГИ ДИССЕРТАЦИЯСИ ҲАҚИДА БИР-ИККИ СЎЗ
(403-бет)

С. Долимов — ўзбек адабиётшунос олими, таниқли педагог.

И. ҲУСАНХУҶАЕВНИНГ «АЛИШЕР НАВОИИ ТАЪЛИМ-
ТАРБИЯ ҲАҚИДА» МАВЗУИДАГИ ДИССЕРТАЦИЯСИ
ЮЗАСИДАН
(404-бет)

И. Ҳусанхўжаев — халқ маорифи ветерани.

ЮНУС ЮСУПОВНИНГ «АДАБИЙ МЕРОСИМИЗ ТАРИХИГА
ДОИР» АСАРИ ҲАҚИДА
(406-бет)

Юнус Юсупов — Ўзбек классик адабиёти тадқиқотчиси, шoir, драматург.

«ЎЗБЕК ШОИРАЛАРИ» ҲАҚИДА
(408-бет)

«Ўзбек шоирлари» ҳақида — Т. Жалоловнинг «Ўзбек шоирлари» (1959) китобига сўз боши сифатида эълон қилинган бу иш 1958 йилнинг 17 ноябрида ёзилган.

НУТҚЛАР
ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ А. С. ПУШКИН
НОМЛИ ТИЛ ВА АДАБИЕТ ИНСТИТУТИДАГИ НАВОИЙГА
БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАЖЛИСНИ ОЧИШДА
ОЙБЕКНИНГ НУТҚИ
(411-бет)

Мазкур нутқ қўлёзмаси адибнинг архивидаги 121-папкада сақланади. Араб графикасида оқ қоғозга кўк сиёҳ билан битилган. 20,4×27,5 ўлчовли қўлёзма 4 саҳифадан иборат. Дастхат З. Саидноспровага мансуб.

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИДА НАВОИЙНИНГ
ТУҒИЛГАНИГА 525 ЙИЛ ТУЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН
ЎТКАЗИЛГАН СЕССИЯДА ОЙБЕКНИНГ КИРИШ НУТҚИ
(413-бет)

Мазкур нутқ қўлёзмаси адиб архивидаги 121-папкада сақланади. Араб графикасида оқ қоғозга гунафша ранг сиёҳ билан битилган. 20,5×27,4 ўлчовли қўлёзма 4 саҳифадан иборат. Дастхат З. Саидноспровага мансуб.

РАСМЛАР РЎЙХАТИ

Ойбек. 1948 йил	10
«Навоний ҳақида» мақоласидан саҳифа. Муаллиф дастхати	13
Ойбек бир гуруҳ қаламкаш дўстлари билан. 1955 йил	34
Ойбек ўғли Омон билан. Москва, 1947 йил	155
«Навоний адабий мероси масаласига доир» мақоласидан саҳифа	
Муаллиф дастхати	223
Ойбек 60 йиллигини СССР Езувчилар союзида табриклаш.	
Москва, 1965 йил.	337

МУНДАРИЖА

Тадқиқот ва мақолалар

Навоний ҳақида (7). Навонийнинг таржимаи ҳоли (103). «Хамса»нинг асосий образлари (158). Навонийнинг дунёқараший масаласига доир (200). Навонийнинг «Мажолисун-нафонс» асари ҳақида (215). Навонийнинг адабий мероси масаласига доир (220). Чексиз умр (234). Буюк гуманист (237). Улуғ шоир ва гуманист ҳақида (242). Алишер Навоний (250). Муқимий асарларида социал типлар (261). Адабиётдан текширишлар (273). «Навоний» романини қандай ёздим (291).

Тадқиқотларга тайёргарликлар

Навоний ҳақидаги илмий ишларга тайёргарлик (1-дафтар) (297).
Навоний ҳақидаги илмий ишларга тайёргарлик (2-дафтар) (313).
Анталогияга тайёргарлик (317).

Шарқ ҳаёти ва адабиётига оид тадқиқотлар устидаги иш

Восифий. «Бадоеул вақое» (329). Рюи Гонзалес де Клавихо (330). Клавихо (334). «Вақфнома»дан (336). С. Айнийнинг мақоласидан (339). «Равватус сафо» (341). Баҳром (345). Ҳиротдаги гўзал жавлонгоҳ (350). Ҳирот (352). Самарқанд (357). Мадҳалга қўшимча (359). Вавилов. Афғонистон ҳақида (361).

Қайдлар, планлар, тезислар

Темурийлар ва Навоний ҳақида (367). «Бобир» достони учун материаллар (376). «Мажолисун-нафонс»дан (379). «Навоний» романига киритилиши лозим бўлган баъзи тузатишлар ва бўлимлар (383). «Чор девон»да 47 минг мисра (384). Ён дафтарчанинг бир варағи (385). Қайдлар (386). Эсда қолдириш учун (387). Эсда тутиш учун (388). Навоний ариқ қаздирган (389). Навонийнинг сиёсий фаолияти (390).

Тақризлар

Азиз Қаюмовнинг «Қўқон адабий муҳити» асари ҳақида (395). Ҳ. Сулаймоннинг «Алишер Навоний лирикасининг текстологик тадқиқоти» ҳақида (397). Э. Иброҳимованинг «Увайсий ижодида доир»

диссертацияси ҳақида (401). С. Долимовнинг «Огаҳийнинг ҳаёти ва ижоди» мавзuidaги диссертацияси ҳақида бир-икки сўз (403). И. Ҳусанхўжаевнинг «Алишер Навоий таълим-тарбия ҳақида» мавзuidaги диссертацияси юзасидан (404). Юнус Юсуповнинг «Адабий меросимиз тарихига доир» асари ҳақида (406). «Ўзбек шоирлари» ҳақида (408).

Нутқлар

Ўзбекистон Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номи тил ва адабиёт институтидаги Навоийга бағишланган тантанали мажлисни очишда Ойбекнинг нутқи (411). Ўзбекистон Фанлар академиясида Навоийнинг туғилганига 525 йил тўлиши муносабати билан ўтказилган сессиясида Ойбекнинг кириш нутқи (413).
Вариантлар (415).
Изоҳлар (451)
Расмлар руйхати (510).

На узбекском языке

М. Т. АЙБЕК

**ПОЛНОЕ СОБРАНИЕ СОЧИНЕНИЙ
В 19 ТОМАХ**

ТОМ 13

**ЛИТЕРАТУРНО-КРИТИЧЕСКИЕ СТАТЬИ
(ВОПРОСЫ ИСТОРИИ УЗБЕКСКОЙ ЛИТЕРАТУРЫ)**

Ўзбекистон ССР ФА А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти Илмий совети, ЎзССР ФА Тарих, тилшунослик ва адабиётшунослик бўлими томонидан нашрга тасдиқланган

Муҳаррир *Л. Эркинова*
Рассом *В. Тий*
Техмуҳаррир *Ҳ. Қорибоева*
Корректор *М. Асадуллоева*

ИБ № 1273

Теришга берилди 25.XII-1978 й. Босишга рухсат этилди 8/II-1979 й. P08124.
Формати 84×108¹/₃₂. Босмахона қоғози № 1. Адабий гарнитур. Юқори босма.
Шартли босма л. 26.88. Ҳисоб-нашриёт л. 25.6. Тиражи 5000. Заказ 5.
Баҳоси 2 с. 90 т.
ЎзССР «Фан» нашриёти. 700047, Тошкент, Гоголь кўчаси, 70.
ЎзССР «Фан» нашриётининг босмахонаси, Тошкент, М. Горький проспекти, 79.